“Сурхон” давлат кўриқхонаси Помир-Олой тизимининг жанубий-ғарбий қисми ҳисобланган Кўхитанг тоғининг шарқий ёнбағрида жойлашган. Бу ерда асосан тоғ-ўрмон экотизими ҳамда ноёб ўсимлик ва ҳайвон турлари муҳофаза қилинади. “Сурхон” давлат кўриқхонаси тоғларидаги куруқлик моллюскаларининг таксономияси, тарқалиш даражаси ва фаунаси тўғрисида маълумотлар амалда кам учрайди ва келтирилган маълумотлар эса бу борада чуқур тадқиқотлар олиб борилмаганлигини кўрсатади. Шунга кўра, куруқлик моллюскаларининг ҳозирги кундаги ҳолатини баҳолаш, фаунистик ва зоогеографик таркибини таҳлил қилиш, камёб ва муҳофазага муҳтож турларни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ушбу тадқиқот мақсадини белгилаб берди.

Материал ва методика: Тадқиқотлар 2016-2020 йилларда «Сурхон» давлат кўриқхонасининг Вандоб, Хўжанко, Хатак, Кампиртепа, Шалқон ва Шержон бўлимларида олиб борилди. Тадқиқотлар давомида ушбу ҳудуднинг адир, тоғ ва яйлов минтақалари турли биотопларидан намуналар йиғилди.

Чиғаноқли моллюскаларни йиғиш ва аниқлаш А.А. Шилейко [2], шиллиққуртларни йиғиш ва аниқлаш эса И.М.Лихарев ва А.И.Виктор [1] методикаси бўйича амалга оширилди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ўрганилган ҳудудда 14 оила, 23 авлодга мансуб 32 тур куруқлик моллюскалари тарқалганлиги аниқланди (жадвал).

Жадвал

“Сурхон” давлат кўриқхонаси куруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби

Моллюскалар оилалари	Таксономик бирликлар сони			
	Кичик оилалар сони	Авлодлар сони	Тур	
			Миқдори	Умумий сонга нисбатан % ҳисобида
Orculidae	2	2	2	6,25
Vallonidae	2	2	3	9,375
Cochlicopidae	-	1	2	6,25
Pupillidae	-	2	3	9,375
Chondrinidae	-	1	1	3,125
Enidae	2	3	4	12,5
Bradybaenidae	-	3	4	12,5
Higromiidae	2	2	4	12,5
Agriolimacidae	-	1	1	3,125
Limacidae	-	1	1	3,125
Parmacellidae	-	1	1	3,125
Ariophantidae	-	1	3	9,375
Gastrodontidae	-	1	1	3,125
Succineidae	-	2	2	6,25
Жами: 14	8	23	32	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тадқиқот ҳудудида Enidae, Bradybaenidae ва Higromiidae оилалари вакиллари нисбатан кенг тарқалган (12,5 % дан) ва доминант ҳисобланади.

Малакологик жиҳатдан Кўхитанг тоғи Марказий Осиёдаги кам ўрганилган тоғ тизмалари сирасига кириб, олиб борилган тадқиқотлар давомида унинг “Сурхон” давлат кўриқхонасига қарашли Хатак ҳудудидан Bradybaenidae оиласига мансуб Kugitangia авлоди ва Kugitangia hatagica (Schileyko, Pazilov et Abdulazizova, 2017) тури фан учун янги авлод ва тур сифатида биз томонимиздан қайд этилган (urn:lsid:zoobank.org:act:AE80E7C4-6FF9-4EE5-A5B5-610E8F230752) [3] бўлса, кейинги изланишларимизда мазкур кўриқхонанинг Кампиртепа ҳудуди Мечилой сой атрофларидан юқоридаги оиллага мансуб яна бир янги авлод (*Neofruticicola* gen. nov.: urn:lsid:zoobank.org:act:64C5587B-50A2-415A-9CED-570835DB19E1) ва янги тур (*Neofruticicola donum* Schileyko, Pazilov et Abdulasisova, sp. nov.: urn:lsid:zoobank.org:act: F91E722A-9765-45F7-A28A-0EF54DC152F8) [4] аниқланди ва тадқиқот натижаларига кўра, куруқлик моллюскаларнинг таксономик таркиби фан учун 2 та янги авлод ва тур ҳисобига кўпайди. Ушбу турлар мазкур оиланинг бошқа авлодларидан репродуктив тракти урғочилик қисмининг ўзига хос тузилиши билан фарқланади. Жумладан, ҳар икки тур чиғаноғининг тузилишига кўра ўзига яқин бўлган *Fruticicola perlucens* турига ўхшайди, бироқ репродуктив органи тузилиши жиҳатидан эса бу турдан кескин фарқланади, яъни, *F. perlucens* турининг репродуктив органи тўлиқ ривожланган, *K. hatagica* да эса, репродуктив тракти урғочилик қисмининг қўшимча органлари тўлиқ, *N. donum* турида қисман редукцияга учраган.

Сўнги ўн йилликларда фан учун янги бўлган кўплаб турлар ва авлодларнинг қайд этилиши ҳамда улар ареали тўғрисида янги маълумотларнинг пайдо бўлиши, куруқлик моллюскаларининг зоогеографик таркибини янги маълумотларга асосланган ҳолда ўрганишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, тадқиқот ҳудудида тарқалган куруқлик моллюскалари зоогеографик жиҳатдан ҳам таҳлил қилиниб, улар 6 та зоогеографик гуруҳни ўз ичига олиши аниқланди:

I. Палеарктика ва Голарктика турлари: *Cochlicopa nitens*, *C. lubrica*, *Vallonia costata*, *V. pulchella*, *Pupilla muscorum*, *Zonitoides nitidus*, *Oxyloma elegans*.

II. Европа турлари: *Sphyradium doliolum*, *Pupilla triplicata*, *Deroceras reticulatum*.

III. Тоғли Осиё турлари: *Leucozonella rufispira*, *Novisuccinea martensiana*.

IV. Ўрта Осиё турлари: *Ottarosenia varenzovi*, *Pseudonapaeus maydanica*, *Turanena martensiana*, *Fruticicola perlucens*, *F. fedtschenkoi*, *Kugitangia hatagica*, *Neofruticicola donum*, *Leucozonella hypophaea*, *L. angulata*, *Turcomilax turkestanus*, *Candaharia levanderi*, *Macrochlamys turanica*, *M. sogdiana*, *M. schmidtii*.

V. Олд Осиё турлари: *Gibbulinopsis signata*, *Ps. sogdianus*, *Xeropicta candacharica*.

VI. Ўрта ер денгизи ҳавзаси турлари: *Lauria cylindracea*, *Acanthinula aculata*, *Chondrina granum*.

“Сурхон” давлат кўриқхонаси куруқлик моллюскаларининг зоогеографик гуруҳлар бўйича фоиз миқдори куйидагича: 1. Палеарктик ва голарктик - 21,8%, 2. Европа - 9,4%, 3. Тоғли Осиё - 6,3%, 4-Ўрта Осиё - 43,7%, 5. Олд Осиё - 9,4%, 6. Ўрта ер денгизи – 9,4%. Маълумотлардан кўришиб турибдики, кўриқхона куруқлик моллюскалари асосан Ўрта Осиё (43,7%) турлари ҳисобига шаклланган.

Бизга маълумки, куруқлик моллюскаларининг асосий турлари адир ва тоғ минтақасида тарқалган бўлиб, тоғ экотизимининг ўзгариши кўплаб умуртқасиз ҳайвонлар қатори, куруқлик моллюскаларининг ҳам локал яшаш жойлари йўқ бўлиб кетишига, бу эса ўз навбатида кенг тарқалган турлар популяцияси қисқариб, ҳудуддаги камёб турларга айланишига, эндемик ва табиатдан камёб бўлган турлар эса йўқ бўлиб кетиш арафасида туришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, тадқиқотларимизда ўрганилган ҳудуд куруқлик моллюскаларининг кам тарқалган, муҳофазага муҳтож турларини ўрганишга ҳам эътибор қаратдик. Олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасига кўра ва Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМХИ- IUCN) мезонлари [5] асосида, “Сурхон” давлат кўриқхонаси тоғларида тарқалган куйидаги куруқлик моллюскаларини муҳофазага муҳтож турлар сифатида эътироф этиш мумкин:

Fruticicola perlucens (расм, А). Кўриқхонанинг Кампиртепа сойи атрофидаги йирик тош уюмлари остидан йиғилди.

Тур асосан, тоғ олди ён бағирларидаги тошлоқ уюмлари орасида яшаб, жанубий ён бағирларда нисбатан зичлиги юқори.

Биологияси номаълум. Популяциядаги зичлиги сийрак.

Йўқолиб бориш сабаблари: тоғ олди зонасининг ўзлаштирилиши, йирик тош уюмларини қурилиш материали сифатида олиб кетилиши натижасида, табиий яшаш жойларининг қисқариши.

Fruticicola fedtschenkoi (расм, Б). Сурхон давлат кўриқхонасининг жанубий шарқий қисми, йирик тош уюмлари остидан йиғилди.

Денгиз сатҳидан 1300-1700 м. баландликда йирик тошли ён бағирларда тош уюмлари остида яшайди.

Биологияси номаълум.

Популяциядаги зичлиги сийрак бўлиб, кам сонда учрайди.

Йўқолиб бориш сабаблари: тоғ олди зонасининг ўзлаштирилиши, яйловларда чорва молларининг меъёрдан ортиқ боқилиши, табиий яшаш жойлари ҳолатининг ўзгариши (Чотқол, Қурама, Олой, Туркистон тоғ тизмаларида).

Kugitangia hatagica (расм, В). Сурхон давлат кўриқхонасининг Хатак бўлимига қарашли жойлардаги йирик тошлар остидан йиғилди.

Денгиз сатҳидан 1500-1700 м. ён бағирларида тош уюмлари остида яшайди.

Биологияси номаълум.

Популяциядаги зичлиги сийрак бўлиб, бир неча йилги олиб борилган тадқиқотлар давомида 16 нусхада топилди.



Расм. “Сурхон” давлат кўриқхонасида тарқалган муҳофазага муҳтож куруқлик моллюскалари
А - *Fruticicola perlucens* тури; В- *Fruticicola fedtschenkoi* тури;
В - *Kugitangia hatagica* тури.

Муҳофаза чоралари: биологиясини, яшаш тарзи ва тарқалиш ареалини мукаммалроқ ўрганиш; табиатда кам учрайдиган, эндемик турлар сифатида Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби” га киритишга тавсия этиш.

Кўхитанг тоғининг “Сурхон” давлат кўриқхонасига тегишли ҳудудларида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинди:

Тадқиқот ҳудудида куруклик моллюскаларининг 14 оила, 23 авлодга мансуб 32 тури мавжуд. Улардан иккита авлод (*Kugitangia*, *Neofruticicola*) ва иккита тур (*K. hatagica*, *N. donum*) фан учун ҳамда 1 та тур (*Turcomilax turkestanus*) тадқиқот ҳудуди фаунаси учун янги ҳисобланади. Зоогеографик жиҳатдан ҳудуд малакофаунаси 6 та зоогеографик гуруҳни ўз ичига олиб, асосан Ўрта Осиё турлари ҳисобига шаклланган. Қўриқхона ҳудудида тарқалган куруклик моллюскаларидан 3 турини ареали чегараланганлиги ҳамда популяция зичлигининг сийраклигини инobatга олиб, камёб турлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобига киритишга тавсия этилади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лихарев И.М., Виктор А.И. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (Gastropoda Terrestria Nuda) Фауна СССР. Моллюски. – Ленинград: Наука, 1980. – Т.3. – Вып.5. – № 122. – 437 с.
2. Шилейко А.А. Наземные моллюски надсемейства Hellicoidea // Фауна СССР. Моллюски. – Москва: Наука Ленинградское отделение, 1978. – Т.3. – Вып.6. – 384 с.
3. Шилейко А.А., Пазиллов А., Абдулазизова Ш. Новый род семейства Bradubaynidae (Gastropoda, Pulmonata) из Центральной Азии // RUTHENICA. Russian Malacological journal. – 2017. – Vol. 27. – № 1. – P 31-37.
4. Шилейко А.А., Пазиллов А., Абдулазизова Ш. Ещё один сюрприз от Bradybaenidae (Gastropoda, Pulmonata) // RUTHENICA. Russian Malacological journal. – 2020. – Vol. 30 – № 4. – P. 217-221.
5. IUCN Red List Categories and Criteria: Version 3.1. Second Edition. – Gland, Switzerland and Cambridge, IUCN, 2012. – 32 p.

УЎТ 581.193: 581.5: 635. 655/ 575. 171

СОЯ УРУҒИГА ЭКИШДАН ОЛДИН ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Д.Р. Аннамуратова, б.ф.н., доц., Урганч давлат университети, Урганч
О.А. Тажиева, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч
Н.Ж. Жуманазарова, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. *Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида турли соя навларининг биоэкологик ва морфофизиологик хусусиятлари ўрганилди. Соя навлари уруғларининг унувчанлигига ва ҳосилдорлигига оксигуматнинг таъсири аниқланди.*

Калим сўзлар: *соя навлари, ўсиш, ривожланиш, онтогенез даврлари, ҳосилдорлик, оксигумат, уруғ сони*

Аннотация. *Изучены биоэкологические и морфофизиологические особенности различных сортов сои в условиях Хорезмской области. Определено влияние оксигумата на произрастание и урожайность семян сортов сои.*

Ключевые слова: *сорта сои, рост, развитие, периоды онтогенеза, урожайность, оксигумат, количество семян*

Abstract. *In this article given results of bioecological and morphological features kloff the perspective varieties of soybean in the conditions of Khorezm region. Determined the effect of ocsigumat to the soyabean variety seeds germination and yield,*

Key words: *sorts of soy, growth, development, periods of ontogenesis, productivity, ocsigumat, seed number.*

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва сифатли маҳсулотлар ҳажмини оширишнинг асосий йўллари – мавжуд анъанавий ўсимликлар ҳосилдорлигини уйғунлашган омиллар таъсирида ошириш ҳамда янги истиқболли ўсимликлар турлари ва навларини маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига кўниктиришдир.

Ўсимликларнинг ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирга чидамлилиги уларнинг генотиپига боғлиқ бўлади, аммо ундан доимо етарлича фойдаланилмайди. Шу боис муайян ўсимлик тури ва навларида унувчанлик, ўсиш жадаллиги ва ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар турличадир. Шунинг учун ҳам истиқболли қишлоқ хўжалиги ўсимликларини янги минтакаларда етиштириш жараёнида уларнинг чидамлилигини турли усулларда ошириш зарур. Шу жумладан, ўсимликларнинг шўрланишга чидамлилигини уруғларга экишдан олдин ишлов бериш (турли физик омиллар таъсир қилиш, микроэлементлар ва кальций тузлари, фитогормонларнинг эритмаларида ивитиш, турли кимёвий препаратлар қўшилган ҳолда капсулага ўраш ва хоказо) орқали ошириш мумкин.

Турли агротехник тадбирлар орасида энг самаралиси – бу “қўшимча ҳосил / амалга ошириш харажатлари” кўрсаткичи бўйича уруғларга экишдан олдин ишлов бериш усулидир. Шу боис ҳозирги кунда уруғларга экишдан олдин ишлов беришнинг турли усуллари мавжуддир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Хоразм воҳасининг тупроқ-иқлим шароитларида истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, соя навларини етиштиришда, уруғларни экишдан олдин, уларга турли усулларда ишлов бериш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

Оксигуматнинг таъсири. Кейинги йилларда оксигумат қишлоқ хўжалигида турли ўсимликлар уруғи ва картошка туганаги унувчанлигини, экинларнинг яшовчанлигини оширувчи биологик фаол препарат сифатида қўлланилмоқда. Ўсиш ва ривожланиш регулятори сифатида

оксигумат таъсири ўсимлик ривожланишининг бошланғич даврида яққол намоён бўлади. У фенологик фазаларга кириш тезлигини оширади, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини тезлатади, ҳосилдорликни оширади ва маҳсулот сифати яхшиланади [1,4,5].

Оксигумат Туркменистон, Белоруссия ва Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иклим шароитларида техник, донли, сабзавот, поллиз, мевали ва манзарали экинларда кенг миқёсда ишлаб чиқариш синовидан ўтди. Натижада аниқландики, оксигумат самарадорлиги тупроқнинг таркиби ва типи, тупроқдаги чиринди ва ўзлаштириладиган кальций, азот ва фосфорга, тупроқнинг структуравий ҳолати, ҳаво ҳарорати, тупроқ намлиги, етиштириладиган экинлар тури ва уларнинг ёши, уруғга экишдан олдинги ишлов бериш муддати, ўсимликнинг илдизи ва ер устки қисмига ишлов бериш ва бошқа омилларга боғлиқ.

Тажрибалар натижаларига кўра картошка, бодринг, помидор, карам, буғдой ва бошқа экинларнинг уруғига экишдан олдин оксигуматнинг 0,005% ли эритмаси билан ишлов бериш уларнинг ҳосилдорлигини 10-15% га оширади [1].

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда оксигуматнинг соя уруғларининг унувчанлигига ва ўсимталарнинг ўсиш энергиясига таъсири лаборатория шароитида ўрганилди. Тажрибаларда оксигуматнинг 0,01% ли эритмаси ишлатилиб, соя уруғлари 12 соат давомида ивителиди. Назорат сифатида соя уруғлари дистилланган сувда ивителиди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба натижаларига кўра, оксигуматнинг 0,01% ли эритмаси таъсирида ўрганилган соя навларининг 15°C ҳароратдаги унувчанлиги кескин ортади (20-30%). Соя навлари ўсимталарининг ўсиш жадаллиги ҳам оксигумат таъсирида тезлашади. Оксигуматнинг ўсиш ва ривожланиш стимулятори сифатидаги таъсири ҳақиқатан ҳам ўсимлик ривожланишининг бошланғич даврида [1] сезиларли даражада намоён бўлди.

1-жадвал

Соя навлари уруғларининг унувчанлиги ва ўсиш энергиясига ҳамда ҳосилдорлигига оксигуматнинг таъсири

Вариантлар	Унувчанлик, %	Ўсимталарнинг бўйи, см			Уруғ ҳосилдорлиги, ц/га
		4 кунлик	5 кунлик	6 кунлик	
назорат Орзу оксигумат	81,4±1,47	3,1±0,12	3,4±0,11	3,8±0,12	19,3±0,60
	95,6±1,21	3,4±0,13	3,9±0,12	4,5±0,14	20,8±0,55
назорат Дўстлик оксигумат	71,9±1,64	3,0±0,12	3,5±0,12	3,9±0,12	22,6±0,61
	92,2±1,18	3,5±0,12	4,1±0,14	4,6±0,15	25,0±0,61
назорат Ўзбек-2 оксигумат	68,8±1,14	2,9±0,10	3,5±0,12	4,0±0,13	22,1±0,53
	90,1±1,06	3,4±0,12	4,1±0,13	4,7±0,15	24,4±0,53
назорат Ўзбек-6 оксигумат	68,2±1,64	3,1±0,12	3,4±0,12	3,8±0,13	21,9±0,60
	90,6±1,21	3,5±0,13	4,0±0,12	4,6±0,15	24,3±0,48

Эслатма: уч такрорликнинг ўртача кўрсаткичлари келтирилган.

Оксигумат таркибидаги физиологик фаол гумин кислоталари ва бошқа бирикмалар таъсирида ўрганилган соя навлари уруғларининг унувчанлиги ва ўсиш жадаллиги ортишининг молекуляр механизмлари тўғрисида ҳозирча аниқ хулоса қилиб бўлмайди. Адабиётлардаги маълумотлардан маълумки, оксигумат уруғлардаги фосфолипаза Д ферментининг фаоллигини оширади [2], хлорофиллар синтезини кучайтиради, фотосинтетик маҳсулдорликни оширади, минерал озикланишни мўътадиллаштиради [3,5,6].

Ўсимликларнинг уруғларини экишдан олдин турли усулларда чиниктиришга бағишланган илмий адабиётларнинг таҳлилига кўра, ҳужайранинг стрессорларга жавоб реакциялари умумий ва носпецифик бўлиб, бир омилга нисбатан чиниктириш ўсимликнинг бошқа омилларга ҳам чидамлилигининг ортишига олиб келади. Масалан, уруғларнинг тупроқ шўрланишига чидамлилигини ортиши уларнинг курғоқчиликка ва касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамлилигини ҳам оширади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, муайян омил таъсирида ўсимликка ишлов берилганда, омилнинг таъсир миқдори ўсимликнинг чиникиш имкониятидан катта бўлмаслиги зарур. Турли стрессорлар (ноқулай омиллар) ўсимлик ҳужайрасида занжирли носпецифик реакцияларни келтириб чиқаради. Бу занжирнинг дастлабки халқасида турган мембраналарнинг турли ионларга ўтказувчанлиги ортади, кальций ионлари турли компартментлардан цитозолга ўтади. Цитоплазмада кальций ионларининг кўпайиши жуда кўп кальцийга боғлиқ жараёнлар ва ферментларнинг фаоллигини, айниқса, ўсимликлар чидамлилигини оширувчи ферментларнинг (цитоскелет тўри ва микрофиламентлар йиғилиши, стресс-оқсиллари синтези, Н⁺-АТФаза, протектор аминокислоталар, хашаротлар ва микроорганизмларга қарши заҳарли бирикмалар синтезининг ферментлари, турли гидролазалар, пероксидазалар ва ҳоказо) фаоллигини кучайтиради [2].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдрахманов Т., Турсунов Л., Ли А., Нурмухаммедов А. Оксигумат препаратини ўсимликларнинг

ўсиши ва ривожланиш даврларида стимулятор сифатида қўллашга доир кўрсатмалар. Тошкент: Университет, 2000. – 11 б.

2. Алехина Н.Д., Балнокин Ю.В., Гавриленко В.Ф., Жигалова Т.В., Мейчик Н.Р., Носов А.М., Полесская О.Г., Харитоншвили Е.В., Чуб В.В. Физиология растений, М: Академия, 2007. - 640 с.

3. Аннамуратова Д.Р. Биоэкологические и морфофизиологические особенности перспективных сортов сои в условиях Хорезмской области/Дис.. канд. биол. наук. Ташкент 2010. -137с.

4. Ермаков А.И., Арасимович В.В., Смирнова - Иконникова М.И., Ярош Н.П., Луковникова Г.А. Методы биохимического исследования растений -Л., Колос.1972 - 456 с.

5. Ермаков Е.И., Попов А.И., Лыкова Н.А. Гуминовые вещества – эффективное средство биологической коррекции продуктивности агрофитоценозов//Гуминовые вещества в биосфере: Труды II Международной конференции. М – СПб: изд. МГУ, 2004. –С.29-32.

6. Лыкова Н.А. Воздействие лимитирующих факторов пре-вегетации на реализацию генотипической нормы реакции растений из семейств Fabaceae, Brassicaceae, Poaceae.// Сб. материалов IV Междунар. конф. молодых ученых и спец. Краснодар, ВНИИМК, 2007. –С.165-168.

УЎК 591.592.2

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚАШҚАЛДОҚ *FULICA ATRA* ЭКОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР

И.М. Арепбаев, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Н.И. Аметова, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Я.И. Аметов, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

М.А. Жуманов, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Г.А. Матеева, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

К. Турдыбаев, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада 2014-2019 йиллари Қорақалпоғистонда қашқалдоқнинг *Fulica atra* экологияси бўйича тўпланган материаллар баён қилинади. Шу жумладан, қашқалдоқнинг тарқалиши, сони, уялаш биологияси, экологияси ва озиқланиши ўрганилган. Охирида бу қушнинг овлиниши бўйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Қашқалдоқ, кўп сонли, учиб ўтувчи, уя қурувчи, қишловчи тур, Айдаркўл, Судочье, Жилтирбас кўли, популяция, қамиш, сув ўти, тухум қўйиш, полапонлар, ўсимлик озуқалари, қурғоқчилик, браконьерлик, овланадиган қуш

Аннотация. В статье излагаются материалы по экологии лысухи *Fulica atra* собранные в 2014-2019 гг. в Каракалпакстане. В том числе изучено распространение, численность, гнездовая биология, экология и питание лысухи. В конце дано данные по улову этой птицы.

Ключевые слова: лысуха, многочисленный, перелетные, гнездообразование, зимующие виды, Айдарколь, Судоче, озеро Джилтирбас, популяция, тростник, водоросли, яйцекладка, птенцы, растительная пища, засуха, браконьерство, хищная птица

Abstract. The article describes the materials on the ecology of the coot *Fulica atra* collected in 2014-2019. in Karakalpakstan. In particular, the distribution, abundance, nesting biology, ecology and nutrition of the coot were studied. At the end, data on the catch of this bird is given.

Key words: coot, numerous, migratory, nesting, wintering species, Aydarkol, Sudoche, Lake Jiltirbas, population, reeds, algae, egg-laying, chicks, plant food, drought, poaching, bird of prey

Қашқалдоқ *Fulica atra* – Қорақалпоғистонда кўп сонли, учиб ўтувчи, уя қурувчи ва қишловчи турлардан саналади. Бу ўлкага саёхат қилган олимларнинг барчаси бу қушнинг уя қуриши ҳақида айтиб ўтган (Богданов, 1882; Никольский, 1892; Зарудный, 1916; Гладков, 1935; Костин, 1956; Салихбаев, 1950,1959).

Қашқалдоқ (нар қушнинг тана вазни 700-1000, модаси 600-800 г.) Шимолий Африка, Европа ва Осиёнинг каттагина қисми, Янги Гвинея, Австралия ва Тасманияда кенг тарқалган. Ўзбекистонда Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Қашқадарё ва унинг ирмоқлари бўйларида, текисликда жойлашган деярли барча сув ҳавзаларида уя қуради (Мекленбургцев, 1987). Одатда уларни оқова сув тушадиган сув ҳавзалари ва сув омборларида ҳам учратиш мумкин. Қамиш ва қўға, сувда ўсувчи ўсимликлар билан қалин қопланган сув ҳавзаларини хуш кўришади.

Сув-ботқоқ қушлари орасидаги энг кўп сонли қуш туридир. Ёз ойларида бутун худуд бўйлаб кам миқдорда учрайди. Айдаркўл кўлида апрель ойида унинг зичлиги 1 км² га 80-300 доначага тўғри келади. Куз ойларида уларнинг сони 3-4 баробар ошиб кетади. Кўп йиллик динамикаси деярли ўзгаришсиз ҳолда. Республика бўйича учиб ўтиш даврида уларнинг сони 1,5 млн дан ошади, шундан уя қуриб қоладигани 135 мингтани ташкил қилади.

Бизнинг кузатишларимиз бўйича уларнинг сони олмaboшларга *Netta rufina* нисбатан кўпроқдир. 2018 йили Қорақалпоғистоннинг айрим кўлларида қашқалдоқнинг сони куйидагича: Судочье кўлида: 8 май куни - 189, 21-25 июль кунлари – 148 ва 5-7 октябрь кунлари – 3475 та индивид қайд этилди. Жилтирбас кўлида: 12 май куни - 145, 11-14 июль кунлари – 127 ва 29-30 сентябрь кунлари – 15875 та индивид рўйхатга олинди. Машанкўл ва Хўжакўл кўлларида 6-7 май

кунлари - 348, 15-20 июль кунлари – 498 ва 1-4 октябрь кунлари – 9865 та индивиди саналди. Дауткўл кўлида: 4-5 май куни - 38, 26-28 июль кунлари – 87 ва 8-9 октябрь кунлари эса – 728 та индивид рўйхатга олинди. Жанубий Қорақалпоғистон магистрал коллектори қуйи оқимидаги кўлларда 9-11 май кунлари – 243, 6-10 июлда – 186 ва 24-28 сентябрь кунлари – 16875 та индивид қайд қилинди. Шунингдек Ақчақўл кўлида 13 майда - 29, 1-4 август кунлари – 54 ва 10-11 октябрь кунлари – 443 та индивиди саналди (Арепчаев, 2020).

2014-2018 йиллари Судочье кўллари тизимида уя қурувчи овланадиган қушларнинг сони ва уларнинг мавсумий ўзгаришларини тадқиқ қилганимизда қуйидагича натижа олдик. Бунда қашқалдоқнинг ўртача зичлиги 10 га майдонга баҳор фаслида – 236, ёзда – 9.2 ва куз фаслида – 350.87 ҳамда йиллик ўртача 198.69 индивидни ташкил этган. Бу санок ўтказган 11 та турнинг 30,83% ини ташкил этади. Бу олмабошга нисбатан 3% га кўпроқ дегани.

Ахволи қониқарли ҳолатда. Сўнгги ўн йиллик мобайнида Оролбўйида уларнинг сони бирмунча кўпайиши кузатилган. Марказий ва жанубий ҳудудларда оқава сув ҳавзаларида уя қурадиган оддий қушлар тоифасидан ҳисобланади. Чекловчи омиллар - қурғоқчилик ва браконьерлик.

Йил давомида популяциянинг мураккаб мавсумий алмашилиши юз беради, яъни, қушларнинг бир қисми ёз ойларида учиб келиб уя қуради. Бошқа бир қисми- қишлаб қолишади, учинчи бир бўлаги эса - учиб ўтади. Уя қурган қушларнинг маълум бир қисми қишлаб учун қолиши мумкин. Мавсумда бир мартаба 4-11 донагача тухум қўяди.

Қорақалпоғистонда қашқалдоқ биологияси Х.Ажимуратов (1974,1990) томонидан яхши ўрганилган. Амударё дельтаси бўйида қашқалдоқлар одатда, сув устида (қамиш, сув ўти) ва сув остида ўсувчи ўсимликлар (рдест, бақатўн, урут, хара ва бошқалар) билан қопланган сув ҳавзаларида уя қуради. Қалин ўсган ўсимликзорларда қашқалдоқ деярли уя қурмайди. У асосан, уя қуриш учун сув устида ўсувчи ўтлар майдонининг 40-60% ни қоплаган ҳудудни, яъни, паст бўйли қамишзор ва қўғалар ўсувчи саёз ойдин ёки чекка қисмларини танлайди. Чуқур сув бўйларига деярли уя қурмайди.

Амударёнинг қуйи қисми шароитга кўра, қашқалдоқларнинг тухум қўйиш муддатлари ҳар йили бир пайтга тўғри келмайди. Масалан, Х.Ажимуратов маълумоти (1990) бўйича 1966 йили илк бор қўйилган тухумлар Қозоқдарё тизимида 3 майда кузатилган бўлса, 1968 йили (Майпост кўлида) 26 апрель куни аниқланган. Оммавий равишда тухум қўйиш май ойининг I-декадасидан бошланиб, айрим йилларда июнь ойининг 2-декадасигача давом этган. 20.06.1975 йили Дауткўл тизимидаги кўлларда бир нечта янги қўйилган тухумлар топилган. Қўйилган тухумлар сони (225 уя учун) 4-11 донагача, (ўртача 7,2), ўлчами 49.3-54.5x31.0-33.7 мм бўлган (Ажимуратов, 1990).

Бизнинг кузатишимиз бўйича қашқалдоқларнинг Амударёнинг қуйи қисмига баҳорги учиб келиши: 2015 йили - 11.03, 2016 йили – 13.03, 2017 йили – 17.03 куни аниқланган. Кузги учиб ўтиши 2016 йили 23 октябрь санасида қайд қилинган.

Судочье кўлида олиб борган тадқиқотларимиз бўйича қашқалдоқлар уяларини кўлнинг саёз ва чекка қисмларига асосан сув устига қуради. Уяларини қуриш учун кўпинча қамиш ва қўғанин новдаси ва барглари, кам ҳолларда эса, сув ости ўсимликлари хара ва рдестлардан фойдаланади. Уясининг (n=37) диаметри 32.1-41.3 см, лотка диаметри 13.4-18.6, чуқурлиги 5-9 см, уянинг сув устидан баландлиги 13.5-21.7 см (ўртача 17.3 см) ни ташкил этади. Уяга қамиш ва қўғаларнинг япроқлари ёки новдалари, сийрак ҳолларда сув ости ўсимликлари қўшиб тўшалади. Бу кўрсаткич Х.Ажимуратов (1990) маълумоти бўйича 30.3-42 см, лотка ўлчами 12-17 см, лотка чуқурлиги 4-7, уянинг сув устидан баландлиги 12-20, ўртача 16 см иборат.

Бизнинг тадқиқотларимиз бўйича 2014 йили Судочье кўллар тизимида дастлабки қўйилган тухумлар 28 апрелда, Жилтирбас кўлида эса 1 майда кузатилди. Уяга (n=58) 4-11 дона (ўртача 7,6) оқимтир рангли тухум туғади. Тухумларнинг узунлиги 50.2-57.8, эни 31.4-34.2 мм бўлди (ўртача 53.2x32.9). Янги қўйилган тухум вазни 31.4-40.8 г келади. И.А.Долгушин (1960) маълумоти бўйича тухумларни икки жинс вакили навбат билан босиб ётади.

Х.Ажимуратов маълумоти (1974) бўйича 17 та уяда сўнги тухум қўйганидан бошлаб то сўнги полапон ёриб чиққунича қадар тухум босиб ётиш муддати 21-23 кунни ташкил этади. Полапонлар май ойининг III-декадасида, айрим йилларда эса, июнь ойининг II-декадаси охирида пайдо бўла бошлайди. Қозоқдарё тизимидаги кўлларда илк бор ёриб чиққан полапонлар 20 майда (1966 й.), Майпост кўлида-июнь ойида (1967 й.) қайд қилинган. Полапонлар ёриб чиқиши июль ойларининг I-декадасига келиб тўхтади. 230 та уядан полапонларнинг ўртача сони 4,7 ни ташкил қилади.

Бизнинг маълумотимиз бўйича қашқалдоқнинг кўпайиш самарадорлиги 43% ни ташкил этади (Арепчаев, 2020). Бунда қўйилган тухумларнинг 22,5% ва полапонларнинг 34,5% и соз бўқтаргиси, чағалай ва қора қарғалар томонидан нобуд қилинади. Бу кўрсаткич Алакол ҳавзасида 23,7% ни, полапонларнинг нобуд бўлиши 44% ни ташкил этган (Бикбулатов, 1972). Янги туғилган полапон (n=7) танаси вазни 23.4-26.9 г (ўртача 25.1) ни ташкил этади. Дастлабки кунлари полапонларни ота-оналари биргаликда олиб юради.

Улар қашқалдоқларнинг асосий душманлари ҳисобланган соз бўқтаргиси, чағалай ва қора қарғалардан полапонларини мардонавор ҳимоя қилишади. Полапонлари қамишлар яқинида юради, хавф туғилганда орасига яширинади. Катта бўлган сари улар мустақил озикланишга ўтади ва кўлнинг

очик майдонига чиқа бошлайди, қамиш орасига фақат тунаш учун келади. Уларнинг тана вазни тез ўсади (1-жадвал).

1-жадвал

Судочье кўлида қашқалдоқ полапонларининг тана вазнининг ўзгаришлари (2018-2019 йй.)

Ойлар	2018 й.		2019 й.	
	Ўлчанган полапонлар сони	Вазни (г)	Ўлчанган полапонлар сони	Вазни (г)
Июнь	4	108,0	6	213,0
июль	5	448,0	7	552,0
Август	4	657,0	5	688,0
Сентябрь	3	745,0	5	762,0
Октябрь	7	761,0	4	803,0

1-расмда кўриниб турганидек полапонларнинг вазни дастлабки ойларда (июнь, июль) тез ўсади, июль ойи охиридан бошлаб секинлашади.



1-расм. Судочье кўлида қашқалдоқ полапонларининг тана вазнининг ўзгаришлари

Х.Ажимуратов (1974) ва бизнинг кузатишларимиз бўйича Қорақалпоғистон шароитида полапонлар 2,5 ойда учиб бошлайди.

Қашқалдоқлар асосан ўсимликлар билан озиқланади. 4 та қашқалдоқнинг ошқозони текшириб кўрилганида - қамиш, қўға, рдест, руппия, наяда ва бошқа сув ўтлари топилди. Шу билан бирга кам миқдорда умуртқасиз ҳайвонлар – икки қанотлилар личинкалари ва ғумбаклари, сув кўнгизи, стафилинлар ва пардақанотлилар топилди (Арепбаев, 2020).

Фойдаланилиши. Спорт тури сифатида оммавий равишда овланади. Ўзбекистонда спортчи-овчилар ҳар йили ўртача 30 мингта қушни овлашади. Браконьерлик усулида ҳам йилига бир неча минг дона қуш овланади. Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар жамияти Қорақалпоғистон бўлими маълумотларга кўра, 2010-2017 йиллар мобайнида Қорақалпоғистонда 600-1000 дона овлаш учун квота ажратилган. 2018 йили – 2000 бош, 2019 йили – 3233 бош овлаш учун квота берилган ва овланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ажимуратов Х. Размножение лысухи (*Fulica atra L.*) в низовьях Амударьи // Зоологический журнал. – М., 1974. Т. 53. - №4. – С. 653.
2. Ажимуратов Х. Лысуха в низовьях Амударьи: (Экология, морфофизиология, хоз. значение) - Ташкент, 1990. – 88 с.
3. Арепбаев И. Фауна и экология охотничьих птиц некоторых озёр Каракалпакстана.: Автореф. дис...филос. (PhD) биол. наук. – Нукус, 2020. – 46 с.
4. Бикбулатов М.Н. Плодовитость и смертность лысухи в Алакольской котловине // Ресурсы водопл. птиц в СССР, их воспроизв. и исполъз. - М., 1972. - С.26-29.
5. Богданов М.Н. Очерки природы Хивинского оазиса и пустыни Кызылкум // Описание Хивинского похода 1873 г. – Ташкент, 1882. – вып. 12. – 155 с.
6. Зарудный Н.А. Птицы Аральского моря // Изв. Туркестан. отд. геогр. общ-ва. – Ташкент, 1916. – Вып. 14. – 204 с.
7. Гладков Н.А. Новые данные по распространению птиц в дельте Аму-Дарьи // Бюлл. САГУ. - Ташкент, 1935. – Вып. 21. – С. 83-91.
8. Долгушин И.А. Птицы Казахстана. - Алма-Ата, 1960. Том. I. - 470 с.
9. Костин В.П. Заметки по орнитофауне левобережья низовьев Амударьи и Устюрта // Труды ин-та зоологии и паразитологии АН УзССР. – Ташкент, 1956. - Вып. 8. - С. 81-127.
10. Мекленбурцев Р.Н. Семейство Пастушковые //Птицы Узбекистана. Т.1. - Ташкент, 1987. - С. 277-291.
11. Никольский А.М. К фауне млекопитающих и птиц Приаральских степей // Bull. Sco.Nat. moscou.Nouv.ser. – Москва, 1892. Т.6. - С. 477-501.
12. Салихбаев Х.С. Охотничье-промысловые животные дельты Амударьи и меры их рационального использования // Материалы по произ. силам Узбекистана. Каракалпакская ССР. – Ташкент, 1950. - Вып. 1. - С. 124-153.
13. Салихбаев Х.С. Обзор фауны птиц Каракалпакии // Материалы по произв. силам Узбекистана. – Ташкент, 1959. - Вып. 10. - С. 298-309.

ФАУНА СЕМЕЙСТВА ПЯДЕНИЦЫ - (GEOMETRIDAE) В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА

Х.У. Бекчанов, к.б.н., Ургенчский государственный университет, Ургенч
М.Х. Бекчанов, PhD, Ургенчский государственный университет, Ургенч
Г.К. Комилжанова, Ургенчский государственный университет, Ургенч

Аннотация. Мақолада Хоразм воҳаси шароитида пяденица оиласи - Geometridae гуруҳининг лепидоптераларини фаунистик тадқиқ этиши натижалари, шунингдек ушбу мавзу бўйича адабиётлар шарҳи берилган. 3 остоиланинг Geometrinae, Archiearinae ва Ennominae 16 тури келтирилган, шунингдек, минтақадаги топилмалар ҳақида илгари нашр этилган маълумотларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: пяденица, лепидоптера, Geometrinae, Archiearinae ва Ennominae, Қорақалпоғистон, эфемер, эфемероид, бута

Аннотация. В работе представлены результаты фаунистических исследований чешуекрылых группы семейства пяденицы - Geometridae в условиях Хорезмского Оазиса, а также обзор литературы, посвященной данной теме. Приведен 16 видов 3 подсемейств: Geometrinae, Archiearinae и Ennominae, включающий также опубликованные ранее сведения о находках в регионе.

Ключевые слова: пяденицы, чешуекрылых, Geometrinae, Archiearinae и Ennominae, Каракалпакстан, эфемер, эфемероид, кустарник

Abstract. The paper presents the results of faunal studies of Lepidoptera of the group in the conditions of the Khorezm Oasis, as well as a review of the literature on this topic. There are 16 species of 3 subfamilies: Geometrinae, Archiearinae and Ennominae, including previously published information about finds in the region.

Key words: Geometridae, Lepidoptera, Geometrinae, Archiearinae and Ennominae, Karakalpakstan, ephemera, ephemeroid, bush

Свое латинское название получили благодаря своеобразному способу передвижения гусениц. У гусениц число брюшных ног, по сравнению с гусеницами других бабочек, значительно меньше. Обычно их всего только две пары - на шестом и десятом сегментах; редко еще одна или две пары на четвертом и пятом сегментах. Поэтому при передвижении они продвигают задние брюшные ноги к грудным, вследствие чего тело сильно выгибается вверх в виде петли. Они как бы «меряют» то пространство, по которому движутся, поэтому их и называют «землемерами» (Geometridae). Гусеницы часто имеют маскирующую окраску под тон листа или коры дерева, которая хорошо согласуется с характерной защитной позой: потревоженная гусеница вытягивает тело и ставит его под углом к субстрату, удерживаясь за последний двумя парами брюшных ног. В это время ее легко можно принять за короткий сухой сучок. Бабочки средней величины или маленькие, стройные, с большими и широкими крыльями, которые в покое более или менее распластаны. Передние крылья имеют покровительственную окраску, позволяя хорошо маскироваться в неровностях древесной коры. Усики нитевидные, у самцов часто перистые. Многие пяденицы - ночные бабочки. Пяденицы - одно из самых крупных семейств чешуекрылых, включающее не менее 15 000 видов. Широко они представлены и в СНГ, где на их долю приходится около 12% от общего числа видов чешуекрылых. Некоторые из пядениц способны к массовому размножению и являются опасными вредителями лесного и сельского хозяйства. Например, возникновение вспышек массового размножения сосновой пяденицы обычно связано с теплой сухой погодой во второй половине лета и осенью. Начавшаяся вспышка может длиться 6-8 лет. За последнее столетие наблюдалось восемь таких вспышек; самая крупная из них была в 1940-1944 г.г; она охватила почти все Европейские части СНГ. Гусеницы некоторых видов окукливаются на почве или на стволах деревьев, у других видов окукливание происходит прямо на листьях или стеблях, прикрепляясь к ним шелковинками.

Материалы и методы

Сборы пядениц проводились на свет и в светоловушку в течение 10 лет (в 2009 году с 1 июня по 16 августа и с 12 по 20 сентября, в 2019 году.) в 5 пунктах. Ниже дано описание положения этих пунктов их растительности.

1. «Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват» (НАБР) создан в 2011 году в рамках совместного проекта Программы Развития ООН, Глобального Экологического Фонда и правительства Республики Каракалпакстан «Сохранение тугайных лесов Каракалпакстана в дельте реки Амударьи» на основе заповедника «Бадай-Тугай». Дополнительно к территории бывшего заповедника под биосферный резерват переданы тугайные лесные массивы Берунийского и Амударьинского районов Каракалпакстана: сборы проводились Х.У. Бекчановым, М.Х. Бекчановым и Г.К. Комилжановой на территории центральной базы резервата, неподалёку от его границы (44°06'30'с.ш. 59°40'52' в.д.) на пустыне тугайного леса.

Растительность: В долине и пойме реки распространены тугайные растения: камыш, тополь сизолистный, дикая джида (лох), тамариск, чингиль серебристый, осока, ива (тал), на луговых почвах: пырей волосистый, пальчатка, вейник и др.

В песчаных местах окраинной части района встречаются селин, джугун, белый саксаул, осока. В местах распространения серо-бурых почв произрастают бурьян, полынь.

2. «Толлик тукай Гурленского района Хорезмского области (ТГХО)»: сборы проводились Х.У. Бекчановым, М.Х. Бекчановым и Г.К. Комилжановой по ночам под фонарями на восточной окраине посёлка Вазир (41° 50' 30" с.ш 60° 23' 45" в.д.) на территории смешанного тугайного леса в левой верхней части Амударьи.

Растительность: распространены тугайные растения: камыш, тополь сизолистный, дикая джида (лох), тамариск, чингиль серебристый, осока, тал (ива) на луговых почвах: пырей волосистый, пальчатка обыкновенная, вейник и верблюжья колючка, солодка голая, ива (тал), рогоз, в близких районах рисовые поля и др.

3. «Какрали тугай Гурленского района Хорезмского области (КГХО)»: сборы Х.У. Бекчановым, М.Х. Бекчановым и Г.К. Комилжановой в светоловушка смешанного тугайного леса, на участке в основном доминирует туранга (41° 50' 30" с.ш 60° 23' 45" в.д.) около 100 м над уровнем моря) примерно в 300 м от шоссе Ташкент - Нукус.

Растительность: камыш, тополь сизолистный, дикая джида (лох), тамариск, чингиль серебристый, осока, тал на луговых почвах: пырей волосистый, пальчатка обыкновенная, вейник и верблюжья колючка, солодка голая, ива (тал), рогоз, в близких районах рисовые поля и др.

4. «Ахча кул» Республики Каракалпакстан район Элликала: сборы Х.У. Бекчановым, М.Х. Бекчановым и Г.К. Комилжановой в светоловушка на кордоне (41° 50' 37" с.ш. 60° 54' 33" в.д.) около 450 м над уровнем моря), расположенном на территории озера Ахча кул. В Древесно-кустарниковом растительности представлены ива (тал), тополь, вяз, тамариск, чингиль серебристый, рогоз, камыш.

5. «Хонка (агроцены)» район Хорезмской области (41°28'12" с.ш. 60°46'48" в.д.): в пойменном широколиственном лесу. Сборы проводились Х.У. Бекчановым, М.Х. Бекчановым и Г.К. Комилжановой в светоловушка на кордоне.

Растительность: дуб монгольский, боярышник, груша уссурийская, яблоня ягодная, ива (тал), спирея иволистная, шиповник даурский, виноград среднеазиатский.

Небольшая часть бабочек собрана авторами во время маршрутных работ на других участках заповедника и в его окрестностях.

Нами учтены сведения по рассматриваемой группе чешуекрылых.

Хорезмский оазис расположен в низовье реки Амударья. Занимает всю территорию Хорезмского вилоята Узбекистана, южную часть Каракалпакстана, который является автономной республикой в составе Узбекистана, а также северную и северо-восточную части Дашогузского вилоята Туркменистана. В северной стороне заканчивается Кунградской низменностью, с юга пустыней Каракум, с запада пустыней и одноимённой плато Устюрт, с востока пустыней Кызылкум. По территории оазиса протекает одна из крупнейших и длиннейших рек Средней Азии — Амударья.

Климат. Климат территории оазиса является резко континентальным, с жарким и сухим летом при достаточно холодной зиме. Среднегодовая температура составляет +15,0 °С; средняя температура января равна -4,5 °С, средняя температура июля +28,4 °С. Абсолютный минимум температуры составил -32 °С, абсолютный температурный максимум +54 °С. В среднем на территории района выпадает 80—120 мм осадков за год (основная часть осадков приходится на весну и осень). Из-за снижения уровня Аральского моря климат района с каждым годом становится всё более аномальным и лето становится жарче, а зима холоднее.

Система подсемейств пядениц дана по Е.А. Беляеву [2008], очередность положения родов – по Каталогу чешуекрылых России [Миронов, Беляев, Василенко, 2008].

Результаты исследований.

В фауне пяденицы чешуекрылых весенне-летнего фенологического периода в Хорезмском оазисе зарегистрировано 16 видов.

Подсемейство Geometrinae

Род Thetidia (Euchloris)

1. Вид. *T. smaragdaria* (Fabricius, 1787)-Пяденица-ленточница полосатая.

Место и дата обнаружения: Хонка. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—30 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Хорватия, Россия, Швеция, Италия, Литва, Греция, Финляндия, Беларусь, Франция, Узбекистан, Испания, Германия, Дания, Болгария, Люксембург, Швейцария, Эстония.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

2. Вид. *T. chlorophyllaria* (Hedemann, 1879).

Место и дата обнаружения: Ахча кул. 06.07.2018, 3 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 2 экз.

Размах крыльев 28—30 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Китай, Кыргызстан, Монголия, Казахстан, Россия, Узбекистан.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*

Подсемейство Archiearinae.**Род Archiearis.****3. Вид. *Archiearis notha* (Hübner, [1803]).**

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция — Европейская часть, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия. Средней Азии

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Подсемейство Ennominae.**Род Colotois Hubner.****4. Вид. *C. pennaria* (Linnaeus, 1761) — Пяденица хохлатая.**

Место и дата обнаружения: Какрали тугай. 11.09.2003, 7 экз; Ахча кул 13.09. 2003, 12 экз; Хонка 15. 09. 2003, 9 экз.

Размах крыльев 26—30 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Германия, Венгрия, Кавказ, Туркменистан, Таджикистан.

Биология. Бабочки летают в сентябре-октябре. Гусеницы живут на различных деревьях.

Род Cabera Treitschke.**5. Вид. *C. pursaria* (Linnaeus, 1758) - Пяденица бледная, белая.**

Место и дата обнаружения: Ахча кул. 20.06. 2003, 8 экз; Хонка 14. 05. 2002, 13 экз.

Размах крыльев 26—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Финляндия, Германия, Кавказ, Россия (Урал, Западная и Южная Сибирь, Амурский и Приморский края, Сахалин), Казахстан, Средняя Азия

Биология. Бабочки летают в мае-июне и июле-сентябре. Гусеницы развиваются на *Betula*, *Alnus*, *Salix*, *Quercus*, *Fagus*.

Род Samraea Guenee.**6. Вид. *C. margaritata* (Linnaeus, 1767) - Пяденица жемчужная.**

Место и дата обнаружения: Толлик тукай. 27.06.2003, 6 экз; Хонка 27. 06. 2003, 10 экз.

Размах крыльев 25—30 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Франция, Германия, Венгрия, Украина, Кавказ. Средней Азии.

Биология. Бабочки летают в июне-июле. Гусеницы обитают на *Salix*, *Quercus*, *Fagus*.

Род Abraxas**7. Вид. *Abraxas grossulariata* (Linnaeus, 1758).**

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

8. Вид. *Abraxas niponibia* Wehrli, 1935.

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Словакия, Россия, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

9. Вид. *Abraxas sylvata* (Scopoli, 1763).

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Род *Lomaspilis*.

10. Вид. *Lomaspilis marginata* (Linnaeus, 1758).

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

11. Вид. *Lomaspilis opis* Butler, 1878.

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Род *Stegania*

12. Вид. *Stegania cararia* (Hübner, 1790).

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Род *Meteima*.

13. Вид. *Meteima mediorufa* (Bastelberger, 1911).

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Род *Aspilobapta***14. Вид. *Aspilobapta sylvicola* Djakonov, 1952.**

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Род *Taeniophila***15. Вид. *Taeniophila unio* (Oberthür, 1880).**

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия, Средняя Азия.

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Род *Lomographa***16. Вид. *Lomographa bimaculata* (Fabricius, 1775).**

Место и дата обнаружения: Толлик Тугай. 06.07. 2018, 8 экз; Нижне-Амударьинский государственный биосферный резерват 06.07. 2003, 5 экз.

Размах крыльев 28—32 мм.

Зоогеографические области:

Палеарктическая.

Распространение: Австрия, Албания, Бельгия, Болгария, Великобритания, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Люксембург, Норвегия, Польша, Румыния, Сицилия, Словакия, Россия, Турция, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Эстония, Югославия

Биология. Бабочки летают в июле-августе. Гусеницы развиваются на *Achillea*.

Заключение

В статье приведен видовой состав и места находок и отношение к свету в ночное время. Частота встречаемости видов оценивалась на основании многолетних полевых исследований. Таким образом, в процессе обработки материала на территории, в фауне весенне-летнего фенологического периода в Хорезском оазисе было выявлено 16 видов пяденицы относящихся к 3 подсемейства 12 родов. Некоторые из приведенных видов за время наблюдения в резервате и тугаях значительно изменили свою численность.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ан Э.С. и др. Заповедные территории Узбекистана. Ташкент 1980
2. Бекчанов Х.У. Фауна чешуекрылых Бадай-Тугайского государственного заповедника Республики Узбекистан. Москва. ООО «Спутник+». 2007
3. Беляев. Е.А., (2016) Сем. Geometridae - Пяденицы. В кн.: А.С. Лелей (ред.). Lepidoptera - Чешуекрылые, 518-666.
4. Гофман Э., Холодковский Н.А. Атлас бабочек Европы. С-Петербург. Издание А.Ф.Дефриена. 1893
5. Даричева М.А. К биологии некоторых чешуекрылых вредящих растительности низовий Мургаба (Туркменистан ССР). Изв. АН ТССР. 1963
6. Жизнь животных. т.3. под ред. Н. Гилярова. Москва, «Просвещение» 1984.
7. Корнелио М.П. "Школьный атлас - определитель бабочек". М., Пр., 1986.

УЎК 595.786 (575.1)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ, ХИВА ТУМАНИ ҒЎЗА ВА БЕДА АГРОЦЕНОЗИДА ҲАМДА САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИДА ТАРҚАЛГАН МИРИД (*MIRIDAE*) ҚАНДАЛАЛАРНИНГ ТУРЛАР ТАРКИБИ ВА ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИ

А.С. Болтабоев, б.ф.н., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

А.Х. Қўчқоров, б.ф.н., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Қ.С. Ибрагимов, ўқитувчи, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада ғўза ва беда агроценозларида ҳамда сабзавот экинларида тарқалган мирид (*Miridae*) қандалаларнинг популяцияси, миграцияси, мавсумий тарқалиши

динамикаси, турлар таркиби ва улар озиқланадиган ўсимликлари ҳақида маълумот берилган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида жадваллар келтирилган ва хулоса берилган.

Калим сўзлар: агроценоз, биоценоз, дала қандаласи, беда қандаласи, имаго, личинка, зараркунанда, энтомофаг, фитофаг, ривожланиш, агротехника, антропоген, миграция, популяция, монофаг

Аннотация. В этой статье приводятся данные, встречающиеся в хлопковом и люцерновом агробиоценозах и овощных культурах клопов мирид (*Miridae*) и их сезонной динамике встречаемости; о популяциях и миграциях, видовом составе и о трофических связях. Причиняемый вред клопов мирид хлопчатнику, люцерне и овощным культурам. В результате научных исследований приведены полученные результаты в таблицах и написаны выводы.

Ключевые слова: агроценоз, биоценоз, полевой клоп, люцерновый клоп, имаго, личинка, вредитель, энтомофаг, фитофаг, развитие, агротехника, антропогенный, миграция, популяция, монофаг

Abstract. In this scientific article, the biological environmental, species composition and trophic relationships of the myride bet dugs as pests of the crop are given. In biogging conditions of the field and alfalfa bugs, cotton and alfalfa agrcenoses, feeding on the juices of the reproductive organs give, several generations. Thus, they harm and affect the yield of cotton, alfalfa and vegetable crops causing huge damage to agriculture and the country's economy. This scientific research was conducted in the Khorezm region of Uzbekistan.

Key words: phytophagy, entomophagous, zoophagous, imago, larva, agro enosis, biogenesi, biotope, endemic anthropogenic, bielol, alfalfa, pest, migration, population, fitofag, entomophagy, agrotechnical, monofag

Кириш. Дунё атроф мухитининг глобал равишда қишлоқ хўжалик экинларида турли хил зараркунандалар ва турли хил касалликларнинг таъсир кўламини ортиб боришига олиб келмоқда. Зараркунандаларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида бугунги кунда 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5% ини ташкил қилмоқда. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигида озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (*Literature review*).

Республикамиз қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий хавф туғдираётган санчиб сўрувчи мирид қандалалардан дала қандаласи (*Lygus pratensis* Linnaeus 1758) ва беда қандаласи (*Adelphocoris lineolatus* Goeze 1778) турлари ҳисобланади [1]. Олимлар томонидан, ушбу мирид қандалалари турлари, иқтисодий зарар бериш миқдори, мезони, тарқалиш ва уларнинг самарали энтомофаг турларининг ривожланиш хусусиятлари, биоэкологияси ва зарарланиш даражаси бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунга қарамаздан, бу борада яна ҳам илмий – тадқиқот ишларини изчил давом эттиришни бугунги кун замон талаби тақозо қилмоқда [2, 3]. Шунинг учун ҳам ғўза ва беда каби бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларидан ҳисобланган, дала ва беда қандалалари тўғрисидаги янги илмий маълумотлар тўплашни тақозо этмоқда [11]. Бу қандалаларга қарши кураш чораларини топиш ва ишлаб чиқиш, самарали паразит энтомофаг турларини аниқлаш ва уларни биологический лабораторияларда кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш ва тарқатишдан иборат. Бугунги кунда атроф – мухитга безарар бўлган, илмий асосланган кураш – чора тадбирларини ўтказиш зарур [12].

Республикамиз қишлоқ хўжалигида кенг ислохотлар олиб борилиб, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг ортиб бориши ҳамда экспорт жараёнининг жадаллашиши туфайли янги технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада ғўза, беда ва сабзавот экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, ғўза, беда, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига жиддий зарар келтираётган зараркунандаларга қарши энтомофаг ҳашаротларни етиштириш ва қўллаш усулларини такомиллаштириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган [5, 8].

Тадқиқот методологияси (*Research Methodology*).

Мирид қандалаларининг фаунаси, биологияси, экологияси, турлар таркиби ва ўсимликлар билан озиқланишини ўрганилаётган ҳудудда тадқиқот ишларини олиб боришда куйидаги методик қўлланмалардан фойдаланилди.

В.Ф.Палий (1966) қўлланмасига асосан мирид қандалалари озиқланадиган ўсимликларидан намуналар йиғилиб гербарийлар тайёрланди ва йиғилган ўсимликларнинг турлари аниқланди [4].

В.Г.Пучков (1974) қўлланмасига асосан ўрганилаётган ҳудуд бўйича тарқалган мирид қандалалардан намуналар йиғилди ва уларнинг турлари аниқланди.

Э.А.Дунаев (1997) қўлланмасига асосан, йиғилган мирид қандалалари намуналарини энтомологик игналар орқали қадаш ишлари олиб борилди [6].

Таҳлил ва натижалар (*Analysis and results*)

Ҳашаротлардан намуналар йиғиш куйидаги усуллардан фойдаланилди.

1. Хашаротларни қўлда йиғиш, яъни секин ҳаракатланувчи турларни энтомологик пинцет ёрдамида тутиш.

2. Энтомологик матраб ёрдамида уни 10–25–50–100 мартадан силташ орқали амалга оширилди.

3. Ёруғлик ёрдамида хашаротларни тунда йиғиш.

4. Ердан чуқур ўралар қазиб ичига махсус идиш қўйилган ҳолда хашаротлар йиғилди [7].

№ 1 жадвалда келтирилган мирид қандалаларининг бир қисми, яъни 3 оилага 14 авлодга тааллуқли 16 тури тарқалганлиги аниқланди. Шундан (*Miridae*) оиласига кирган 9 авлодга тааллуқли бўлган 11 тур қандала аниқланди. *Pentatomidae* оиласига 3 авлодга кирувчи 3 тур эканлиги аниқланди. Ўйртқич қандалалар *Nabidae* оиласига кирувчи, 1 авлод ва 1 тур эканлиги аниқланди.

Мирид қандалаларнинг ғўза билан трофик алоқаларида, озука ва кўпайиш учун дала қандалаларнинг пахтага оммавий равишда ўтиши беданинг ёш органларининг йўқолиши билан боғлиқ, бу ҳақда адабиётларда фақат бир нечта маълумотлар мавжуд [9,10].

1–жадвал

Хоразм вилояти, Хива тумани Гандимён жамоа хўжалигидаги ғўза ва беда агроценозидаги сабзавот экинларида ҳамда табиий экотизимдаги тарқалган мирид (*Miridae*) қандалаларнинг турлар таркиби

Оила	Авлод	Тур
<i>Miridae</i>	<i>Adelphocoris Reut.</i>	<i>Adelphocoris lineolatus Goeze.</i>
	<i>Lygus Hahn.</i>	<i>Lygus pratensis L.</i>
	<i>Lygus Hahn.</i>	<i>Lygus gemellatus H-S</i>
	<i>Trigonatylus Fieb.</i>	<i>Trigonatylus ruficornis Geoff</i>
	<i>Stenodema Lap.</i>	<i>Stenodema calcaratum Fieb.</i>
	<i>Poeciloscytus Fieb.</i>	<i>Poeciloscytus cognatus Fieb.</i>
	<i>Poeciloscytus Fieb.</i>	<i>Poeciloscytus vulneratus Pz.</i>
	<i>Campylomma Reut.</i>	<i>Campylomma verbasci M-D.</i>
	<i>Atomoscelus Reut.</i>	<i>Atomoscelus onustus Fieb.</i>
	<i>Deraeocoris Cbm.</i>	<i>Deraeocoris punctulatus Fall</i>
<i>Pentatomidae</i>	<i>Orthotylus Fieb.</i>	<i>Orthotylus flavosparsus C.</i>
	<i>Carpocoris</i>	<i>Carpocoris coreanus iranus</i>
	<i>Eurydema</i>	<i>Eurydema ventralis</i>
<i>Nabidae</i>	<i>Nezara</i>	<i>Nezara viridula</i>
	<i>Graphosoma</i>	<i>Graphosoma lineatum</i>
	<i>Nabis</i>	<i>Nabis ferus</i>

2 – Жадвал

Хоразм вилоят ҳудудида мирид (*Miridae*) қандалаларининг озикланадиган ўсимликлари 10 оилага мансуб 25 ўсимлик турида учраши

№	Дала қандалалари озикланадиган ўсимликларнинг оиласи ва тури	Имагоси учрайди, лекин личинка учрамайди	Қандалалар тухум қўяди, лекин личинка кам учрайди	Личинка вояга етгунча ривожланади
	<i>Cem. Chtopohiactae</i>			
1	<i>Xanthium spinosum L</i>	+	+	+
2	<i>Salicornia L</i>	+	+	+
3	<i>Atriplex L</i>	+	+	+
4	<i>Chalburn L</i>	+	+	+
5	<i>Chglaucum L.</i>	+	–	+
	<i>Cem. Verbenaceae</i>			
1	<i>Mentha arvensis L</i>	+	–	+
	<i>Cem. Leguminosae Fablceae</i>			
1.	<i>Medicago sativa</i>	+	+	+
2.	<i>Alhagi adans</i>	+	+	+
	<i>Cem. Gusgutacea</i>			
1.	<i>Cbsctbta cberuta</i>	+	–	–
	<i>Cem. Poiygonaceae</i>			
1.	<i>Rumex L</i>	+	+	+
2.	<i>Apiaceae</i>	+	–	+
3.	<i>Daus L</i>	+	–	+
	<i>Cem. Compositae Asteraceae</i>			
1.	<i>Acropilon Cass</i>	+	+	+
2.	<i>Frtemisia lttis</i>	+	+	+
	<i>Cem. Plantaginaceae</i>			
1.	<i>Plantago L</i>	+	–	+
2.	<i>Lathygus L</i>	+	+	+
	<i>Cem. Cyperaceae</i>			
1.	<i>Bolboschoenus Palla</i>	+	+	+
2.	<i>Hibiscus trioium L</i>	+	+	+
3.	<i>Althaca L</i>	+	+	+
	<i>Cem. Solanaceae</i>			
1.	<i>Solanum nigrum L</i>	+	–	–
2.	<i>Nicotina tabacum L</i>	+	+	+
	<i>Cem. Polygonaceae</i>			
1.	<i>Polygonum hydropiper L</i>	+	+	+
2.	<i>Polygonum aviculare L</i>	+	+	+
3.	<i>Rumex coglomerotus Murr</i>	+	–	+

Кузатишларимиз натижаси акс этган № 2 жадвалдан кўришимиз мумкин бу вилоят худудида мирид (*Miridae*) қандалаларининг озикланадиган ўсимликлари 10 оилага тааллуқли 25 ўсимлик тури эканлиги аниқланди.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Хоразм вилояти худудида ғўза ва беда агробиоценозларида, табиий экотизимда, сабзавот экинларида тарқалган 3 оилага, 14 авлодга мансуб, 16 тур мирид қандалалар турлари аниқланди. Мирид қандалаларининг ғўза ва беда агробиоценозларида, табиий экотизимларда ҳамда сабзавот экинларида тарқалиши ва озикланадиган ўсимликлари аниқланди. 2019–йил апрель ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб октябрь ойининг охиригача бутун вегетация давомида кишлок хўжалик экинларида мирид қандалалари катта популяция ҳосил қилиб, ривожланиши, миграция ҳосил қилиши ва зарар келтириши аниқланди. Келажақда уларнинг энтомофаг турларини аниқлаш ва улардан фитофаг турларига қарши самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимухаммедов С.Н., Адашкевич Б., Аылов З., Ходжаев Ш. Биологический метод борьбы с главнейшими вредителями хлопчатника. – Ташкент: Мехнат, 1986. – 128 с.
2. Ваньянц Г.М., Мунинов Н.Н., Мадаминов В.С. Полужесткокрылые в хлопково–люцерновом агроценозе // Ж. Защита растений, – 1990, №10, 37–39 с.
3. Методические указания по выявлению, учету, прогнозу численности люцернового клопа и сигнализации сроков борьбы с ними //МСХ СССР; составители. Горбунов Н.Н., Собакаръ Д.А., Тимозина А.Ф., М. Колос, 1981. – 30 с.
4. Палий В.Ф. Исследования по трофическим связям полевого клопа, проведенные по методике (1966).
5. Хамраев А., Шарафутдинов Ш., Болтабоев А., Тохиров З. Сукир қандалалар гуза агроценозида// «Тез. докл., Достижения науки в развитии с/х протзводства». Ташкент, 1992. – С. 38 – 40.
6. Хамраев А.Ш. Клопы мириды вредители хлопчатника // Защита растений, – 1993. №4, – С. 25 – 26.
7. Хамраев А.Ш., Балтабаев А.С. Полужесткокрылые насекомые хлопково–люцернового агробиоценоза юга Приаралья. “Тез. конф. “Хозирги замон зоология фани ва уни укитишнинг илмий–услубий муаммолари”. Ташкент, – 1993. – 64 с.
8. Хамраев А.Ш., Кучкаров А. Трофические связи полевого клопа *Lygys patensis* L. Жур // Защита и карантин растений, 2000, № 11, С. 35–36.
9. Хамраев А.Ш., Абдуллаева Д. Полужесткокрылые люцернового агробиоценоза северо–запада и северо–востока Узбекистана// Олий ўқув юртлари Ахбороти. Химия–биология фанлари, 2001, №2–4, б.21–22.
10. Хасанов Б.А., Хамраев А.Ш., Эшматов О.Т., Алимухаммедов С.Н. ва бошқ. Ғўзани зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш. Тошкент, Университет нашриёти, 2002 й, б. 23,
11. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган химоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари.–Т. Наврўз, 2015. –551б.
12. Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н, Мусаев Д. Ғўзада ўсимликхўр қандалаларнинг зарари // Агрокимё химоя ва ўсимликлар карантини. –2017.– № 2.–35–37.б.

УЎК 631.52: 635.646

БАҚЛАЖОН БИРИНЧИ АВЛОД (F₁) ДУРАГАЙЛАРИДА ГЕТЕРОЗИС САМАРАДОРЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ж.Н. Наджиев, к/х.ф.д., катта ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали, Термиз

М.Х. Арамов, к/х.ф.д., профессор, СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий тажриба станцияси, Термиз
Д.Ш. Тўраев, ассистент, Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали, Термиз

Аннотация. Мақолада қимматли сабзавот экини бақлажоннинг ҳозирги кунда республикада кўплаб етиштирилаётганлиги ва бунда F₁ дурагайлардан фойдаланишнинг долзарблиги айтилган. Тадқиқотлар натижасида янги яратилган дурагайларда юқори эртачи ҳосилдорлик ва мувофиқ равишда эртачи ҳосил бўйича гетерозис самараси F₁ Ал/03 х Л-14, F₁Сс х Л-14 дурагайларида аниқланган ва у 22,7-23,3 т/га ва 120,3-126,2 % ни ташкил этганлиги баён этилган. Умумий ва эртачи ҳосилдорлик бўйича гетерозис самараси юқори ва бўртма нематодасига чидамли дурагай сифатида F₁Сс х Л-14 комбинацияси ажратилган.

Калим сўзлар: ҳосилдорлик, бақлажон, комбинация, гетерозис, бўртма нематодаси, чидамли, дурагай, овалсимон, селекция, эртапишар

Аннотация. В статье говорится, что наиболее ценной овощной культурой является баклажан, который сейчас широко выращивается в стране, и необходимо использовать гибриды F₁. В результате исследований было определено влияние гетерозиса на высокий урожай и, соответственно, на ранний сбор вновь созданных гибридов у гибридов G1 Al / 03 x L-14, G1Ss x L-14, и оно составляет 22,7-23,3 т / га и 120,3-126,2%. Комбинация G1Sc x L-14 отличается как гибрид, устойчивый к высоким и гематозным нематодам, с точки зрения общего и раннего урожая.

Ключевые слова: садоводство, баклажаны, комбинация, гетерозис, зародышевая нематода, резистентность, гиацинт, овальный, селекция, скороспелый

Abstract. The article says that the most valuable vegetable crop is eggplant, which is now widely grown in the country, and it is necessary to use F₁ hybrids. As a result of the research, the effect of heterosis

on high yield and, accordingly, on early harvest in the newly created hybrids was determined in the hybrids G1 Al/03 x L-14, G1Ss x L-14 and it is 22.7-23.3 t/ha and 120.3-126, 2%. The combination of G1Sc x L-14 is distinguished as a hybrid resistant to high and hematosis nematodes in terms of overall and early yields.

Key words: gardening, eggplant, combination, heterosis, germ nematode, resistance, hyacinth, ovalsimon, selection, ertapishar

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, истеъмолчилар талабини мамлакатда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига тўла қондириш, шу билан бирга аграр тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, бу борада сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётган айни вақтда биринчи авлод (F₁) дурагайларини яратиш ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланишни илмий асосда кенг йўлга қўйиш ва талаб даражасида етиштириш шу куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Дурагайларда турли хил чидамлилиқ генларини ҳамда муҳитнинг абиотик омилларига чидамлилигини, эртапишарлик, ҳосилдорлик ва мева сифатини сақлаган ҳолда мужассамлаштириш гетерозис селекциясининг энг қимматли хусусияти ҳисобланади, деб таъкидлайди Ю.И.Авдеев (1982), А.В.Алпатьев (1981), А.А. Жученко (1988).

Бақлажон ўсимлигида бир қатор белгилар бўйича: ҳосилдорлик, ўсимликдаги мевалар сони ва оғирлиги, баргланиши, эртапишарлик, ўсимлик баландлиги, ён шохлар сони, меванинг узунлиги ва бошқалар бўйича гетерозис намоён бўлишини кўпгина тадқиқотчилар (Алпатьев, 1953; Даскалов, 1955; Sambandam, 1962; Dharme, 1977; Авдеев ва бошқ. 1977; Мамедов, 2002; Наджиев, Арамов, 2000;) кузатганлар деб таъкидлайди М.И.Мамедов (2015).

Қимматли сабзавот экинларидан бўлган бақлажон кейинги йилларда республикаимиз деҳқон-фермерлари томонидан иссиқхоналарда, плёнкали қопламалар остида, ғалладан кейин такрорий экин сифатида жуда кўплаб етиштирилмоқда.

Бироқ республикаимизда бақлажоннинг эртапишар, бўртма нематодасига чидамли очик далаларида юқорида таъкидланган шароитларда етиштиришга мўлжалланган навларнинг етишмаслиги бу экиннинг эртапишар, ташки муҳитнинг ноқулай омилларига бардошли навлар ва дурагайларини яратишни долзарб қилиб қўяди.

Шундан келиб чиқиб, Сурхондарё илмий тажриба станциясида 1997 йилдан бақлажоннинг эртапишар навлар ва дурагайларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

2018-2019 йилларда биричи авлод дурагайларини ўрганиш боғчасида Сурхондарё илмий тажриба станцияси селекциясига мансуб 2 та: F₁Ал/03 x Л-14, F₁Сс x Л-14 дурагайлари ва уларнинг ота-она формалари ҳамда ВНИИССОК (Россия) селекциясига мансуб F₁Агат-1, F₁LS-14-04 дурагайлари материал бўлиб хизмат қилди. Қиёсий дурагай F₁Замин.

Тадқиқотлар «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны)» (Л., 1977) асосида олиб борилди.

Тажриба қайтариксиз. Ҳисоб бўлмача майдони 6,3 м². Бўлмачада ўсимликлар сони 30 та, бўлмача уч қаторли. Дурагайлар қиёсий дурагай ва ота-она формаларига таққослаб ўрганилди.

Дурагайларнинг эртапишарлиги дастлабки уч терим ҳосилини ҳисоблаш йўли билан аниқланди. Уларнинг гетерозислик самарадорлиги Алпатьев тақлиф этган формула ёрдамида аниқланди.

Биринчи авлод дурагайларини ўрганиш натижасида, F₁ Ал/03 x Л-14 ва F₁Сс x Л-14 дурагайларида амал даври 112 кунни ташкил этиб, ота-она шакллардан 4 кунга, қиёсий дурагайдан эса 3 кунга илгари пишиб етилганлиги кузатилди.

Россия селекциясига мансуб F₁Агат-1, F₁LS-14-04 дурагайлари эса қиёсий дурагайдан 2 кунга кеч пишди. Қиёсий дурагайда амал даври 115 кунни ташкил этди. Ўрганилган F₁ Ал/03 x Л-14 ва F₁Сс x Л-14 дурагайлари эртапишар ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

Бақлажон F₁ дурагайларининг морфобиологик тавсифи,
2018-2019 й.й.

Навлар ва линиялар	Амал даври, кун	Ўсимлик		Мева		
		типи	бўйи, см	шакли	пўстининг кўриниши	мағзи ранги
F ₁ Замин	115	тик ўс.	80	цилиндр.	қ.б.с.я	оч яшил
Сурхон гўзали	116	тик ўс.	70	цилиндр.	қ.б.с.я	оч яшил
Солярис	116	яр.тарв.	75	овалсимон	б.с.я	оч яшил
F ₁ Ал/03 x Л-14	112	тик ўс.	75	цилиндр.	қ.б.с.я	оч яшил
F ₁ Сс x Л-14	112	тик ўс.	80	цилиндр.	қ.б.с.я	оч яшил
F ₁ Агат	117	яр.тарв.	80	овалсимон	қ.б.с.я	сарик яш
F ₁ Ls-14	117	тик ўс.	85	овалсимон	қ.б.с.я	сарик яш

Изоҳ: б.с.я.-бинафша, силлик, ялтирок** қ.б.с.я.-қора бинафша, силлик, ялтирок, тик ўс.-тик ўсувчи, яр.тарв.-ярим тарвақай
Ўсимлик типини F₁ Ал/03 x Л-14 ва F₁Сс x Л-14 дурагайларида ота-она шакллардаги каби тик ўсувчи бўлди.

Дурагайларда ўсимликлар ўрта бўйли, яъни ота-она шаклларга (70-85 см) тенг бўлди.

Ота-она формалардаги қимматли белгилардан ҳисобланган меваларнинг цилиндрсимон шакли бақлажон биринчи авлод дурагайларида доминант белги сифатида ўтганлиги кузатилди ва F₁ Ал/03 х Л-14 ва F₁Сс х Л-14 дурагайларида мева шакли ота - она формаларга ўхшаш бўлди.

Мевалардаги уруғлар сонининг микдори барча дурагайларда бир хил, яъни ўртача бўлди.



1-расм. Ўрганилган дурагайлардан умумий ҳосилдорлиги

Мева рангининг қора бинафша, пўстининг силлиқ ялтироқ кўриниши бақлажоннинг харидорбоплигини белгилайдиган муҳим белгиларидан ҳисобланади. Бундай белги ўрганилаётган дурагайларимизда ота-она формалардан доминант белги сифатида ўтганлиги кузатилди ва дурагайларнинг барчаси бунга мансуб бўлди.

Ўрганилган дурагайлардан энг юқори умумий ҳосилдорлик F₁ Ал/03 х Л-14 комбинациясида кузатилиб, у 70,4 т/гани ташкил этди ва қиёсий навга нисбатан 15,0% га юқори бўлди (1-расм). Умумий ҳосилдорлик бўйича энг юқори гетерозислик самараси F₁ Ал/03 х Л-14 дурагайида намоён бўлди ва у 94,4% ни ташкил этди. Бу белги бўйича кейинги ўринни F₁Сс х Л-14 дурагай эгаллаб, гетерозислик самараси 57,4% га етди.

Бақлажон биринчи авлод дурагайларида юқори эртачи ҳосилдорлик ва мувофиқ равишда эртачи ҳосил бўйича гетерозис самараси F₁ Ал/03 х Л-14, F₁Сс х Л-14 дурагайларида аниқланди ва у 22,7-23,3 т/га ва 120,3-126,2% ни ташкил этди. Бу комбинациялар гетерозис дурагайлар ҳисобланади.

Мева вази дурагайларда 125-165 г ни ташкил этиб, ота-она формаларга яқин бўлди.

Дурагайлар амал даври охирида илдизи қазилиб бўртма нематодаси билан зарарланиши баҳоланди (2-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимликлар илдизи қазилиб баҳоланганда дурагайлардан F₁Сс х Л-14 комбинациясида 100% ўсимликлар бўртма нематодасига чидамлилик кўрсатди, чунки бу комбинацияда оталик сифатида иштирок этган Л-14 линиясида бўртма нематодасига чидамлилик гени мавжуд бўлиб, у биринчи авлодда доминантлик қилганлиги кузатилди. Бу комбинацияда оналик сифатида иштирок этган Ал/03 линиясида эса бўртма нематодаси билан ўртача зарарланиш 3,5 балл, касалликнинг ривожланиши 89,2%, касалликнинг тарқалиши эса 100% га етди, яъни бу линия бўртма нематодасига чидамсиз ҳисобланади.

Қолган F₁ Ал/03 х Л-14, F₁Агат ва F₁ Ls-14 дурагайларида ўртача зарарланиш 1,8-1,9 балл, касалликнинг ривожланиши 45,0–50,0%, касалликнинг тарқалиши 100% ни ташкил этганлиги аниқланди ва улар чидамсиз ҳисобланади.

2-жадвал

Эртагишар бақлажон F₁ дурагайлари ва улар ота-она формаларининг бўртма нематодаси билан зарарланиши, 2019 й.

Дурагай ва ота-она формалари	Ўсимлик сони, дона	Зарарланган ўсимликлар фоизи, балл.					Ўртача зарарланиш, балл	С,%	R,%
		0	1	2	3	4			
F ₁ Замин, к/д.	25	0	16,0	84,0	0	0	1,84	46,0	100
Ал/03	21	0	0	4,8	33,3	62,0	3,5	89,2	100
Солярис	22	0	0	32,0	45,4	13,6	2,5	64,0	100
F ₁ Ал/03 х Л-14	17	0	17,6	67,0	17,6	0	1,9	50,0	100
F ₁ Сс х Л-14	25	100	0	0	0	0	0	0	0
F ₁ Агат	17	0	23,5	70,6	5,9	0	1,8	45,5	100
F ₁ Ls-14	30	0	26,6	66,7	6,7	0	1,8	45,0	100

Шундай қилиб, бақлажон биринчи авлод дурагайларини ўрганиш натижасига кўра, умумий ҳосилдорлик бўйича гетерозислик самараси энг юқори бўлган F₁ Ал/03 х Л-14 дурагайи ажратилди.

Юқори эртачи ҳосилдорлик ва эртачи ҳосил бўйича гетерозис самараси энг юқорилиги билан F₁ Ал/03 х Л-14, F₁Сс х Л-14 дурагайлари ажратилди ҳамда у мувофиқ равишда 22,7-23,3 т/га ва 120,3-126,2% ни ташкил этди. Бу комбинациялар гетерозис дурагайлар ҳисобланади.

Умумий ва эртачи ҳосилдорлик бўйича гетерозис самараси юқори ва бўртма нематодасига чидамли дурагай сифатида F₁Сс х Л-14 комбинацияси ажратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авдеев Ю.И. Селекция томатов.-Кишинеv. “Штиинца”. 1982. –282 с.
2. Алпатыев А.В. Помидоры. М., 1981. – 302 с.
3. Жученко А.А., Адаптивный потенциал культурных растений. –Кишинеv, “Штиинца”, 1988, – 765 с.
4. Мамедов М.И., Пышная О.Н., Е.А. Джос и др., Баклажан (*Solanum* spp.) // Изд-во ВНИИССОК. –М., 2015. – С. 20–28, 62–67; 135–141.
5. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томат, перец, баклажан) Л., 1977. 23 с.

37УЎК 632.9

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КАРАМ АГРОЦЕНОЗИ ФИТОФАГЛАРИНИНГ ТУР ТАРКИБИ**Қ.Б. Раззақов, таянч докторант, Урганч давлат университети, Урганч****Л.А. Ганджаева, докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива****И.И. Абдуллаев, б.ф.д., проф., Хоразм Маъмун академияси, Хива****О.Ю. Отаев, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива**

Аннотация. Мақолада Хоразм вилояти карам агроценозларида аниқланган фитофаглар тур таркиби ва уларнинг биоэкологияси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: фитофаг, коллекция, агроценоз, қандала, энтомологик матрап, карам бити, энтомокомплекс

Аннотация. В данной статье представлены сведения о видовом составе и биоэкологии фитофагов, выявленных в капустных агроценозах Хорезмской области.

Ключевые слова: фитофаг, коллекция, агроценоз, клоп, капустные тли, энтомокомплекс

Abstract. This article provides information on the species composition and bioecology of phytophages identified in cabbage agroecosystems of the Khorezm region.

Key words: phytophagous, collection, agroecosis, bug, cabbage aphids, entomocomplex

Мавзунинг долзарблиги. Карам ўсимлигига фитофаг-ҳашаротлар жиддий зарар етказди. Жумладан карам бити (*Brevicoryne brassicae* L) кенг тарқалган зараркунанда бўлиб, у барча карам етиштириладиган минтакаларда кенг тарқалган [3;4;9]. Карам бити айниқса оқ бошли карам барглари ва унинг уруғлигини кучли зарарлайди. Махсус энтомологияга оид адабиётларда айрим карам зараркунандалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан В.В. Яхонтов маълумотларида [11] карам зараркунандаларидан карам куяси, карам оқ капалаги, крестгулдошлар бургачалари ва қандалалари, карам битининг зарари ва биологияси тўғрисида умумий қисқа маълумотлар келтирилган бўлса, Т. Турсунходжаев [7] Шарқий Фарғона шароитида карам оқ капалагини алоҳида зараркунанда сифатида ажратади. Г.А. Аванесова [1] эса сабзавот-полиэ экинлари ер бургачаларининг тур таркибини ўрганган. А.М. Мўминов, Ҳ. Носировалар [6] карам барг кемирувчи зараркунандалар тўғрисида маълумотлар келтирилганлар. Карам битини Ўрта Осиёда М.Ф. Фурсова [9], Ўзбекистон шароитида эса Х.А. Асқаралиев [3], Г.М. Исламова [5] ва бошқалар ўрганганлар.

Хоразм вилоятининг иқлим шароити карам фитофагларининг тарқалиши ва ривожланиши учун бирмунча қулай ҳудуд ҳисобланади. Вилоятда сабзавот - полиэ экинларидан асосан оқ бошли карам етиштирилади. Тадқиқотчилар томонидан карамнинг бир ёки бир неча фитофаг турлари ва уларнинг энтомофаглари устида ўз тадқиқотларини амалга оширганлар. Аммо ҳудудда карам агроценози фитофагларининг тур таркиби тўлиқ ўрганилмаган. Шунингдек, бу агроценоз энтомокомплексларининг шаклланиши, функцияланиши ва уларни бошқаришнинг биологик асослари юзасидан етарлича тадқиқотлар амалга оширилмаган. Полиэ маҳсулотлари, жумладан карам ўсимлиги фитофаглар тур таркибини аниқлаш, биологиясини фундаментал чуқур ўрганиш ва шу асосда зараркунандаларга қарши атроф муҳит учун зарарсиз бўлган препаратлар, уларнинг бошқаришнинг биологик асосларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шуни инобатга олган ҳолда тадқиқотимизда карам агроценози фитофаглар тур таркибини аниқлаш ва биоэкологик хусусиятларини тадқиқ қилишни ўз олдимизга вазифа қилиб белгиладик.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар 2018-2019 йиллар давомида Кўшкўпир туманининг “Zigot-21” фермер хўжалиги ҳамда Хива туманининг Ирдинзон ҳудудида жойлашган “Рахимберган Хожи Анвар” фермер хўжаликлари стационар карам далаларида эрта эртапишар, ўртапишар, кечпишар карам навларида ҳамда маршрут бўйича материаллар вилоятнинг Гурлан, Тупроққалъа, Урганч туманлари фермер хўжаликларидан ҳам йиғилди.

Ҳашаротларни йиғиш ишлари умумқабул қилинган усуллар асосида олиб борилди [2;8;10]. Фитофаг ҳашаротларни ушлаш жараёнида анъанавий усул: энтомологик тутқич тўр ва ҳашоратлар тузоғидан, энтомологик матрапдан фойдаланилди (1 расмга қаранг).



1-расм. Ҳашаротлар тутқичлари

Тадқиқотлар жараёнида 479 дан ортиқ (жумладан энтомологик матрап ёрдамида 297) ҳисоб ишлари ўтказилган бўлиб, ҳисобларда 776 дона турли ҳашаротлар йиғилди. Ҳашаротларни йиғиш ишлари қарам ўсимлигининг бутун вегетацияси давомида эртапишар (Фарао F1, Парел F1, Незомейф F1, Июнь), ўртапишар (Термиз-2500, Тошкент-10, Саратони) ва кечпишар (Ўзбекистон-133, Ўзбекистон судьяси, Шарқия-2) навларида стационар участкалардан ҳар 5-7 кунда, маршрут изланишларида эса ойига 2 марта ўтказилди.

Йиғилган материалларни аниқлашда Зоология институти энтомология бўлими ҳашаротлар коллекцияси намуналари билан солиштириш ва аниқлагич жадваллардан фойдаланилди.

Натижалар ва унинг муҳокамаси. 2017-2019 йиллар давомида Хоразм вилояти қарам агроценозида олиб борилган тадқиқотларимизда ўрнатилган 16 оила 28 авлод вакиллари: 6 тури қарам кўчатларида, 4 тури баргларида, 7 тури илдизида, 4 тури поясида, 6 тури гулларида, 5 тури уруғларида ва 7 тури ўсимликнинг барча қисмларида учраб, улар билан озикланиши ва қарам ҳосилини камайтириши қайд этилди (1 жадвалга қаранг).


1-Жадвал

Хоразм вилояти қарам агроценозида учровчи фитофаглар тур таркиби
(Хоразм вилояти туманлари фермер хўжаликлари 2017-2019 йиллар)

№	Оила	Авлод	Тур
1	Tettigonidae	Tettigonia	<i>Tettigonia caudata</i> Chorp <i>Tettigonia viridissima</i> L
		Destucus	<i>Destucus albifrons</i> Fabr
		Platycleis	<i>Platycleis intermedia</i> Serv.
2	Cryllidae	Tartarogryllus	<i>Tartarogryllus burdigalensis</i> Latz
		Melanogryllus	<i>Melanogryllus desertus</i> Pall
3	Gryllotalpidae	Gryllotalpa	<i>Gryllotalpa gryllotalpa</i> L. <i>Gryllotalpa unispina</i> Sauss.
			Calliptamus
4	Acrididae	Thisoicetrinus	<i>Thisoicetrinus pterostichus</i> F.
		Dociostaurus	<i>Dociostaurus tartarus</i> Uv. <i>Dociostaurus maroccanus</i> Thunb.
		Aiolopus	<i>Aiolopus thalassinus</i> Fabr.
		Locusta	<i>Locusta migratoria migratoria</i> L
		Oedipoda	<i>Oedipoda caerulescens</i> L. <i>Forticula auricularia</i> L <i>Forticula tomis</i> Kol.
5	Forficulidae	Forticula	<i>Forticula auricularia</i> L <i>Forticula tomis</i> Kol.
6	Aleyrodidae	Trialeurodes	<i>Trialeurodes vavariariorum</i> Westw.
7	Aphididae	Brevicoryne	<i>Brevicoryne brassicae</i> L
8	Pentatomidae	Dolycoris	<i>Dolycoris penicillatus</i> Horv. <i>Eurydema ventralis</i> Kol. <i>Eurydema ornata</i> L. <i>Eurydema wilkinsi</i> Dist.
		Eurydema	<i>Eurydema ornata</i> L. <i>Eurydema wilkinsi</i> Dist.
		Nysius	<i>Nysius ericae</i> Schill <i>Nysius senecionis</i> Schill.
9	Lygaeidae	Adelphocoris	<i>Adelphocoris lineolatus</i> Goeze.
		Lygus	<i>Lygus pratensis</i> L. <i>Lygus gemellatus</i> H.
10	Miridae	Orthotylus	<i>Orthotylus flavosparsus</i> C. Sanib
		Amara	<i>Amara semilata</i> Gyll
		Bembidion	<i>Bembidion lampros</i> Hbst
11	Carabidae	Silpha	<i>Silpha obscura</i> L. <i>Lethrus bituberculifrons</i> Lebed. <i>Lethrus scoparius</i> F. <i>Anomala errans</i> F.
12	Silphidae	Silpha	<i>Silpha obscura</i> L.
13	Scarabaeidae	Lethrus	<i>Lethrus bituberculifrons</i> Lebed. <i>Lethrus scoparius</i> F. <i>Anomala errans</i> F.
14	Rutelidae	Anomala	<i>Anomala errans</i> F.
15	Melolonthidae	Amphimallon	<i>Amphimallon solstitialis</i> L.
16	Scarabaeidae	Maladera	<i>Maladera holosericae</i> Scop.

Аниқланган фитофагларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганишда адабиётлар ҳамда тадқиқотларимизда тўпланган маълумотларга кўра ёритилди ва таҳлил қилинди.

1. Тўғриқанотлилар (**Orthoptera**) туркуми: **Tettigonia**-авлоди. Узунқуйруқ темирчак - *Tettigonia caudata* Chorp; личинка ва вояга етганлари карамнинг йирик баргларини зарарлайди (2-расмга қаранг).



2-расм *Tettigonia caudata* Chorp

Яшил темирчак - *T. viridissima* L - личинка ва вояга етганлари карам кўчати ва йирик баргларини зарарлайди (3-расмга қаранг).



3-расм *T. viridissima* L -

Оқ пешона темирчак - *Destucus albifrons* Fabr - личинка ва вояга етганлари карам кўчатлари, ёш ўсимликлар ва катта ёшдаги ўсимликлар баргларини ҳам кемириб зарарлайди (4-расмга қаранг).



4-расм. *Destucus albifrons* Fabr

Доғли сакровчи - *Platycleis intermedia* Serv. - личинка ва вояга етганлари карам баргларини зарарлайди (5-расмга қаранг).



5-расм. *Platycleis intermedia* Serv

Чирилдоқлар - **Cryllidae** ҳақиқий оиласи (6-расм). Бордо чирилдоғи - *Tartarogryllus burdigalensis* Latz - личинка ва вояга етганлари карамнинг илдиз бўғзини, ёш баргларини, кўчатларининг поя ва ўсимталарини зарарлайди.

Дала чирилдоғи - *Melanogryllus desertus* Pall - ҳаммахўр тур бўлиб, унинг личинка ва вояга етганлари карамнинг янги униб чиққан кўчатлари, унинг поялари ва илдиз бўғзини кемиради.



Cryllidae



Gryllotalpidae



Acrididae

6-расм. Карам фитофаглари

Бузоқбошилар - **Gryllotalpidae** оиласи (6-расм). Оддий бузоқбоши - *Gryllotalpa gryllotalpa* L. - личинка ва вояга етганлари экилган карам уруғларини, ёш кўчатларини, ўсимлик илдиз қисмини, айниқса экиннинг намиққан участкаларида, парник ва иссиқхоналарда кучли зарарлайди.

Якка пихли бузоқбоши - *G.unispina* Sauss. - личинка ва вояга етганларининг зарарлаш хусусияти оддий бузоқбошининг зарарлашига ўхшаш бўлиб, экинни асосан очик далаларда зарарлайди.

Ҳақиқий чигирткасимонлар - **Acrididae** оиласи (6-расм). Яримлалми - *Calliptamus barbaris cephalotes* F. - W. чигиртка кенжа тури - личинка ва вояга етганлари карам барглари зарарлайди.

Воҳа чигирткаси - *C. italicus italicus* L. - личинка ва вояга етган зотлари карам барглари кемириши ўрнатилди.

Лалми чигирткаси - *C. turanicus* Serg. Tarb. - личинка ва вояга етганлари карам барглари сезиларли даражада зарарлаши аниқланди.

Полиз чигирткаси - *Thisoicetrinus pterostichus* F. - W. - личинка ва вояга етган зотларининг карам барглари билан озикланиши кузатилди.

Сахро бутчаси - *Dociostaurus tartarus* Uv. - вояга етган зотларининг карам барги билан озикланиши аниқланди.

Марокаш чигирткаси - *Dociostaurus maroccanus* Thunb. - личинка ва вояга етган зотларининг карам барги билан озикланиб зарар келтириши ўрнатилди.

Оддий тезучар - *Aiolopus thalassinus* Fabr. - личинка ва вояга етган зотларининг карам барглари билан озикланиши аниқланди.

Тўқай чигирткаси - *Locusta migratoria migratoria* L - личинка ва вояга етган зотлари экинни (карам) кучли зарарлаши қайд қилинди.

Ҳаворангқанот чигиртка - *Oedipoda caerulescens* L. - личинка ва вояга етган зотлари карам барги билан озикланиб жиддий зарар бериши қайд қилинди.

Чармқанотлилар ёки қулоққавларлар - **Dermaptera** туркуми (7-расм). Оддий қулоққовлагич - *Forficula auricularia* L - ўсимликнинг барги, илдизи, етилмаган уруғини кемириб зарарлаши кузатилди.

Оққанотлар - **Aleyrodoidea** кенжа туркуми (7-расм). Иссиқхона оққаноти - *Trialeurodes vaporariorum* Westw. - тропик, ҳаммахўр тур, қишда иссиқхоналарда, ёзда эса очик грунтда ўсимликни шикастлаши қайд этилди.



Forficulidae



Aleyrodoidea



Aphididae

7-расм. Карам фитофаглари

Ўсимлик битлари - **Aphididae** оиласи. Карам бити - *Brevicoryne brassicae* L - карамни, айниқса ўртапишар ва кечпишар навларини кучли зарарлаши, натижада ўсимлик ўсишдан орқада қолиши, айримда қуриши, маҳсулотни истеъмолга яроқсиз ҳолларга келиши бир неча бор кузатилди (7-расм).

Пентатомидлар - **Pentatomidae** оиласи. Тоғ қандаласи - *Dolycoris penicillatus* Horv.-карам ёш кўчатларида вояга етган қандала зотларининг озикланиши қайд этилди (8-расм).



Pentatomidae



Lygaeidae



Carabidae



Miridae

8-расм. Карам фитофаглари

Карам қандаласи - *Eurydema ventralis* Kol. - карам ва бошқа крестгулдош ўсимликларни зарарлаши, айниқса карам барглари сўриб, сўлтиб ва қуритиши бир неча бор қайд этилди.

Ранг - баранг қандала *E. ornata* L. - уруғлик учун етиштирилаётган крестгулдошлар, айниқса уруғлик карамда кўшлаб қайд этилди.

Вилькинс эвридемаси - *E. wilkinsi* Dist. - карам кўчати очик грунтда ўтказилган далаларда қандаланинг қисман популяцияси экинга ўтиши ва сезиларли зарарлаши аниқланди.

Лигеидлар - **Lygaeidae** оиласи (8-расм). Арчагул низиуси - *Nysius ericae* Schill - ҳаммахўр ксерофил ва ўртача мезофилл биотопларга хос тур, крестгулли ўсимликлар, айниқса карам уни ўзига жалб қилиши аниқланди.

Сариқбошли низиуси - *N. senecionis* Schill. - ҳаммахўр, айримда оммавий тур крестгулдошлар, жумладан карамда озикланиши қайд қилинди.

Сўқир қандалалар - **Miridae** оиласи (8-расм). Беда қандаласи - *Adelphocoris lineolatus* Goeze. Личинка ва вояга етган зотлари уруғлик карамнинг шона, гул ва уруғларини санчиб - сўриб зарарлайди.

Дала қандаласи - *Lygus pratensis* L. уруғлик карамнинг ҳосил органларини, деярли етилган уруғини ҳам шикастлаб катта зарар етказди.

Шувоқ қандаласи - *Lygus gemellatus* H. S - зарарлаш хусусиятлари *L. pratensis* никига ўхшаш.

Яшил шўра сўқири - *Orthotylus flavosparsus* C. Sanib - карамнинг генератив органларини зарарлайди. Аммо унинг ҳаёти шўрадошлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларда оммавий кўпаяди.

Сарғиш лавлаги қандаласи - *Poeciloscytus vulneratus* Panz - карамнинг генератив органларини зарарлайди. Ёввойи табиатда крестгулдошлар, кўпинча қандалани ўзига жалб қилади.

Визилдоқ кўнғизлар - **Carabidae** оиласи (8-расм). Уруғлик визилдоғи - *Amara semilata* Gyll - кўнғизлари пишиб етилаётган карам уруғини, камроқ ҳолларда эса шона, тугунча ва ўсимлик поясини кемириш ҳоллари кузатилди.

Ялтироқ чопқир - *Bembidion lampros* Hbst. - ёш карам кўчатларини кемириб зарарлаши ўрнатилди.

Ўлимтиқхўрлар - **Silphidae** оиласи. Қора ўлимтиқхўр - *Silpha obscura* L. - личинка ва кўнғизлари асосан жониворлар ўлимтиқлари, ёмғир чувалчанглари, капалаклар қуртлари билан озикланса-да, карам кўчатларини ҳам қисман зарарлаши аниқланди (8-расм).

Яссимуйловлилар - **Scarabaeidae** оиласи. Қийшиқ пешона кескур - *Lethrus bituberculifrons* Lebed. - кўнғизлари карам кўчатлари ва бошқа экинларни кемириб зарар келтириши аниқланди.

Нуктали кескур - *L. scoparius* F.-W - карам кўчатларини қирқиб ташлаши қайд қилинди.

Кумлоқ хрушаги - *Anomala errans* F. - личинкаси карам илдизини зарарлаш ҳоллари кузатилди.

Amphimallon solstitialis L. - бу тур личинкаларининг ҳам карам илдизидида озикланиши қайд қилинди.

Ипаксимон хрушак - *Maladera holosericae* Scop. - кўнғизининг карам ёш барглари кемириб озикланиш ҳоллари кузатилди.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар давомида Хоразм вилоятининг Кўшкўпир, Хива, Гурлан, Тупроққалъа ва Урганч тумани сабзавот экинлари, шу жумладан карам далаларида эрта эртапишар, ўртапишар, кечпишар карам навларида 16 оила 28 авлодга мансуб 39 тур фитофаглар учраши ва улар карам кўчатлари, унинг барг, илдизи, пояси, гули ва уруғлари билан озикланиб ҳосилдорликка зарар келтириши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аванесова Г.А. Экологический анализ фауны земляных блошек (*Coleoptera, Chrysomelidae, Alticinae*) Узбекистана // Вредители хлопчатника и их энтомофаги. Ташкент: Фан, 1986. - С. 3-9.
2. Адашкевич Б.П., Шукуралиев Б.Т. Вредители капусты и их энтомофаги в Узбекистане / Биологический метод борьбы с вредителями овощных культур Москва. Агропромиздат, 1989. - С. 106 - 122.
3. Аскаралиев Х.А. К вопросу биологии капустной тли в условиях Ташкентской области // Труды НИИОБК и К, 1981. вып. 19. - С. 15-21.
4. Ахмедов М.А. Капустная тля и капустная моль на Апшеронском полуострове Аз ССР и интегрированная система борьбы с ними: Автореф. дис. канд. биол. наук. - Баку, 1978. - 23 с.
5. Исламова Г.М. Видовой состав энтомофагов капустной тли Ташкентской области // Вредители хлопчатника и их энтомофаги в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1986. - С. 70-79.
6. Мунинов А.М., Насырова У. Эффективность биопрепаратов в борьбе с листогрызущими вредителями капусты // Актуальные вопросы технологии возделывания капусты в Узбекистане. Труды НИИОВК и К, вып.19 - Ташкент, 1981. - С. 69-77.
7. Турсунходжаев Т. Особенности биологии главнейших вредителей овоще-бахчевых культур и их энтомофагов в условиях Восточной Ферганы: Автореф. дис. ... канд. биол. наук - Ташкент, 1974. - 20 с.
8. Фасулати К.К. Полевое изучение насекомых беспозвоночных. - Москва: Высшая школа, 1971. 424 с.
9. Фурсова М.Ф. К биологии капустной тли- *Brevicoryne brassicae* L. в низовьях Мургаба // Изв. АН ТССР. - Ашхабад, 1965. Ч.1. - С. 96-97.
10. Хамраев А.Ш., Жабборова О.И. Бухоро воҳаси хонқизи кўнғизлари (кокцинеллидар) ни аниқлагич жадвали (ўқув-услубий қўлланма). - Бухоро, 2008. - 28 б.
11. Яхонтов В.В. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳамда маҳсулотларининг зараркунандалари ва уларга қарши кураш. - Тошкент: Ўз ССР Ўрта ва олий мактаб давлат нашриёти, 1962. - Б. 323-336.

МЕХАНИЗМ ДЕЙСТВИЯ НАНОПРЕПАРАТОВ НА ДЛИНУ ПРОРОСТКОВ

Д.К. Рашидова, д.с.х.н., с.н.с., НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

Ш.Б. Амантурдиев, докторант, ТаиГАУ, Ташкент

Б.Л. Оксенгендлер, д.ф.-м.н., проф., Институт химии и физики полимеров АН РУз, Ташкент

С.Ш. Рашидова, д.х.н., академик, Институт химии и физики полимеров АН РУз, Ташкент

Аннотация. Таъкидланишича, наноматериалларнинг уруғ, ўсимлик ва олинадиган маҳсулотларга таъсирини ўрганиши, ўсимликларнинг метаболик жараёнларига, шунингдек ушбу маълумотларни олиши имкониятини берадиган усулларини ишлаб чиқиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар долзарбдир. Фитотрон шароитида нанопрепаратларнинг гўза, буғдой, соянинг Барака нави ер усти ва ер ости қисмлари ниҳолларининг узунлигига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Нанопрепаратларнинг ниҳоллар узунлигига таъсир этиши механизмини ўрганиши мақсадида гўзанинг "Андижон-36" ва буғдойнинг "Краснодар-99" навлари ниҳолларини 3-5-7-9-10 кун давомида, соянинг "Барака" навининг эса 5-7-8-9-10 кунларда ниҳолларининг узунлигини аниқладик. Кузатувлар давомида турли хил нанопрепаратларнинг таъсири намоён қилинган. Маълумотлар нанопрепаратларнинг ниҳоллар ер усти ва ер ости қисмлари узунлигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотларни тасдиқлайди. Натижада энг юқори биологик фаолликка Нано АХЗ 0,5% (4-1), ПМКCu²⁺: Ag 7: 3 ва ПМКCu²⁺: Ag 8: 2 препаратлари эга эканлиги аниқланди.

Ўтказилган математик таҳлил нанопрепаратлар ниҳолларнинг ўсиши тезлигини ошириб ва уларнинг ўсиши динамикасига ҳисса қўишишни тасдиқлади. Гўзада нанопрепарат Нано АХЗ 0,5% (4-1) ни аскорбатхитозан билан солиштирганда, барча ўлчов кунларида ниҳолларнинг ер усти ва ер ости қисмларининг ўсиши аскорбатхитозандан 0,1-0,7 мм га ошган. Барча синалаётган экинларда бошқа нанопрепаратлар худди шундай натижани намоён этди.

Калит сўзлар: нанотехнология, нанопрепаратлар, хитозан, илдиз узунлиги, математик таҳлил, биокимёвий механизм, ҳосилдорлик, гўза, ўсиши, ўсимликларнинг ривожланиши

Аннотация. Отмечено, что проводимые исследования по изучению влияния наноматериалов на семена, растения и получаемую продукцию, на метаболические процессы в растениях, а также разработка методов позволяющих получать эту информацию являются актуальными. В условиях фитотрона проведены исследования по действию нанопрепаратов на длину надземной и подземной частей проростков хлопчатника, пшеницы, сои сорта Барака. В целях изучения механизма влияния нанопрепаратов на длину проростков были проведены промеры проростков хлопчатника сорта «Андижан-36» и пшеницы сорта «Краснодар-99» на 3-5-7-9-10 сутки, а сои сорта «Барака» на 5-7-8-9 сутки. Показан эффект влияния различных нанопрепаратов во временных наблюдениях. Данные подтверждают проведенные исследования по действию нанопрепаратов на длину надземной и подземной частей проростков. В результате было выявлено, что наиболее высокой биологической активностью обладают препараты НаноАХЗ 0,5% (4-1), ПМКCu²⁺: Ag 7:3 и ПМКCu²⁺: Ag 8:2.

Проведенный математический анализ подтвердил, что нанопрепараты способствуют усилению скорости роста проростков и способствуют их динамике. При сравнении применения на хлопчатнике нанопрепарата НАНО АХЗ 5% (4-1) с аскарбатхитозаном, то по всем дням промера рост надземной и подземной частей проростка опережал аскарбатхитозан на 0,1-0,7 мм. Такой же результат показали другие нанопрепараты на всех испытываемых культурах.

Ключевые слова: нанотехнология, нанопрепараты, хитозан, длина корешков, математический анализ, биохимический механизм, урожайность, хлопчатник, рост, развитие растений

Abstract. It is noted that the on going research to study the effect of nanomaterials on seeds, plants and the resulting products, on metabolic processes in plants, as well as the development of methods to obtain this information are relevant. In the conditions of the phytotron, studies were carried out on the effect of nanopreparations on the length of the aboveground and underground parts of seedlings of cotton, wheat, soybean variety Baraka. In order to study the mechanism of the effect of nanopreparations on the length of the seedlings, we measured seedlings of cotton varieties "Andijan-36" and wheat varieties "Krasnodar-99" for 3-5-7-9-10 days, and soybeans of the "Baraka" variety for 5-7-8-9-10 days. The effect of the influence of various nanopreparations in temporary observations is shown. The data confirm the studies carried out on the effect of nanopreparations on the length of the aboveground and underground parts of seedlings. As a result, it was revealed that the highest biological activity is possessed by the preparations Nano ACS 0.5% (4-1), PMCCu²⁺: Ag 7: 3 and PMCCu²⁺: Ag 8: 2.

The performed mathematical analysis confirmed that nanopreparations enhance the growth rate of seedlings and contribute to their dynamics. When comparing the use of nanopreparation Nano ACS 0.5% (4-1) on cotton with ascarbatechitosan, on all days of measurement, the growth of the aboveground and underground parts of the seedling outpaced ascarbatechitosan by 0.1-0.7 mm. The same result was shown by other nanopreparations in all tested cultures.

Keywords: nanotechnology, nanopreparations, chitosan, root length, mathematical analysis, biochemical mechanism, yield, cotton, growing, plant development

Введение. Во многих странах мира проводятся исследования по изучению влияния нанополимерных препаратов на посевные качества семян, рост, развитие и урожайность сельскохозяйственных культур. Проводимые исследования по изучению влияния наноматериалов на семена, растения и получаемую продукцию, на метаболические процессы в растениях, а также разработка методов позволяющих получать эту информацию являются актуальными.

В Республике Узбекистан впервые роль полимеров при создании и применении полимерных препаративных форм химических средств защиты растений выявлена в работах Рашидовой С.Ш. с учениками [1-3]. Научно обоснована роль полимера в технологии капсулирования семян сельскохозяйственных культур формулированием принципов целенаправленного подбора и синтеза полимеров на основе теоретически обоснованных и экспериментально подтвержденных подходов [4-6].

С развитием современного общества темпы потребления сельскохозяйственной продукции возрастают с каждым годом, поэтому аграрное производство нуждается в постоянной интеграции достижений науки в агротехнологический процесс с целью обеспечения продовольственной безопасности населения. К современным технологиям, которые без вреда для растений способствуют повышению урожайности и качеству готовой продукции можно отнести нанотехнологии, применение которых получило развитие во многих странах.

В растениеводстве применение нанопрепаратов обеспечивает повышение урожайности в 1,5—2 раза и устойчивости к неблагоприятным погодным условиям почти всех продовольственных (картофель, зерновые, овощные, плодово-ягодные) и технических (хлопок, лен) культур [7].

Надо заметить, что микроэлементы не заменяют другие питательные вещества, а лишь дополняют их действие. Содержание в почве микроэлементов действуют на растения значительно эффективнее на 10-12% при использовании азотных, фосфорных и калийных удобрений [8]. Под воздействием микроэлементов улучшается качество сельскохозяйственной продукции и повышается устойчивость растений к грибным и бактериальным заболеваниям.

Место и условия проведения исследований. Исследования проводились в лабораторных и полевых условиях в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Институте химии и физики полимеров АН РУз. В качестве исходного материала для проведения исследований использовались семена хлопчатника, пшеницы, сои сорта которых внесены в Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан.

Для предпосевной обработки семян сельскохозяйственных культур применялись экологически безопасные биологически активные нанополимеры на основе хитозана и его производных, синтезированные в лаборатории «Синтез перспективных полимеров» (СПП) Института химии и физики полимеров АН РУз (ИХФП АН РУз).

Результаты исследований. В условиях фитатрона проведены исследования по действию нанопрепаратов на длину надземной и подземной частей проростков хлопчатника сортов Андижан-36 и С-6524, пшеницы Краснодар-99 и Гром, сои сорта Барака.

Надземные и подземные части проростков сортов хлопчатника и пшеницы были определены на 7 сутки, а сои на 10 сутки.

При обработке семян препаратом **НаноАХЗ 0,5% (4:1)** длина проростков сорта хлопчатника Андижан-36 надземной части превышала контроль на 28,3%, а семена обработанные препаратом **ПМКCu²⁺:Ag 8:2** на 19,7%. По подземной части превышения оказались выше контроля соответственно на 23,5% и 24,7%.

В целях изучения механизма влияния нанопрепаратов на длину проростков были проведены промеры проростков хлопчатника сорта «Андижан-36» и пшеницы сорта «Краснодар-99» на 3-5-7-9-10 сутки, а сои сорта «Барака» на 5-7-8-9 сутки.

Показан эффект влияния различных нанопрепаратов во временных наблюдениях на размер проростков надземной и подземной частей. Данные подтверждают проведенные исследования по действию нанопрепаратов на длину надземной и подземной частей проростков. В результате было выявлено, что наиболее высокой биологической активностью обладают препараты НаноАХЗ 0,5% (4-1), ПМКCu²⁺: Ag 7:3 и ПМКCu²⁺: Ag 8:2.


Проведенный математический анализ подтвердил, что нанопрепараты способствуют усилению скорости роста проростков и способствуют их динамике. При сравнении применения на хлопчатнике нанопрепарата НаноАХЗ 0,5% (4-1) с аскарбатхитозаном, то по всем дням промера рост надземной и подземной частей проростка опережал аскарбатхитозан на 0,1-0,7 мм. Такой же результат показали другие нанопрепараты на всех испытываемых культурах.

Анализ эксперимента результатов по методу наименьших квадратов суммирующих все основные результаты влияния различных составов при капсулировании, приведенные в виде развертки биологических эффектов как по времени (эти показатели изучены в 5 последовательных моментах наблюдения) показывает монотонное поведение всех эффектов (т.к. наблюдается условия $\frac{d(\text{эффект})}{dt} > 0$).


Таблица 1

Длина проростков сорта хлопчатника Андиган-36 взаимодействия с нанополлимерными препаратами на 3-10 сутки, за 2018-2020 гг (усреднённые данные)


№	Варианты	3-сутки		5-сутки		7-сутки		9-сутки		10-сутки	
		Надзем- ная часть, мм	Подзем- ная часть, мм	Надзем- ная часть, мм	Подзем- ная часть, мм	Надзем- ная часть, мм	Подзем- ная часть, мм	Надзем- ная часть, мм	Подзем- ная часть, мм	Надзем- ная часть, мм	Подзем- ная часть, мм
1.	Контроль	1,4	3,0	14,6	39,4	31,7	76,8	40,6	90,2	49,7	101,5
2.	Далброн (эталон)	1,5	3,1	15,1	42,1	32,1	77,2	42,3	91,9	50,3	103,7
3.	УЗХИТАН (эталон)	1,7	3,4	14,8	42,8	31,9	78,4	43,4	94,2	54,1	105,2
4.	Купрумхит	1,6	3,3	15,7	42,8	32,3	78,7	43,0	96,7	55,6	106,0
5.	ПМКCu ²⁺ : Ag 7:3	1,6	3,5	16,1	43,2	33,1	79,8	43,1	98,8	56,8	107,9
6.	ПМКCu ²⁺ : Ag 8:2	1,9	3,4	16,7	43,1	33,3	80,7	47,1	99,4	58,4	108,4
7.	Хитозан исх. 0,5%	1,9	3,8	16,9	46,4	33,7	82,3	47,4	101,7	59,1	109,4
8.	НаноХЗ 0,5%	2,4	4,6	17,2	48,7	35,8	84,6	48,9	102,9	60,3	111,3
9.	АскорбатХЗ	1,8	3,3	15,0	43,0	32,4	78,7	42,1	97,8	55,7	106,3
10	НаноАХЗ 0,5%	1,4	3,4	15,7	42,9	32,7	79,4	44,8	98,0	56,4	106,9




К=-22,4 б) ПМК Cu²⁺:Ag 8:2 надземная



К=-34,8 г) ПМК Cu²⁺:Ag 8:2 подземная



К=-21,1 а) Купрумхит надземная



К=-33,6 в) Купрумхит подземная

Рисунок 1. Длина проростков сорта хлопчатника Андижан-36 взаимодействия с нанополимерными препаратами на 3-10 сутки,

Поэтому представляется, что наиболее реальным сравнительным показателем этих всех зависимостей может быть приведенная ниже линейная:

$$y = kx +$$

Здесь y – характеристика роста биообъекта, а величины k и b – каковы внутренние параметры изучаемого явления.

В свою очередь под величиной x понимается время наблюдения (т.е. x_1, x_2, x_3, x_4, x_5 – моменты фиксации)

Теперь, применением к анализу из эксперимента метода наименьших квадратов [9] позволяющих с максимальным правдоподобием найти величины k и b для каждого типа ситуации, опишем по возможности кратко идею и формулы для расчета k и b .

Пробная функция роста имеет вид:

$$y_n = kx_n + b$$

Заключение. Известно, что микробная трансформация позволяет достичь выхода целевого продукта, близкого к 100%. На примере штаммов *R. fluorescens* C2, обладающего нитрилизацией, и *R. erythropolis* P3, содержащего нитрилгидратазу и амидазу [9].

Результаты проведенных исследований свидетельствуют о том, что бактерии (в образце рода *Rhodococcus*), активно утилизирующие амиды и нитрилы карбоновых кислот, были обнаружены в образцах загрязненных бытовыми отходами сточных вод и образцов ила.

В нашей следующей исследовательской работе мы поставили перед собой цель изучить результаты исследования воды и почвы из других техногенных районов Навоийской области и сравнить их с предыдущими результатами.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Е.Г. Артемук, А.В. Королько. Ферменты. Брест-2010

2.Б.Х.Алимова, М.И.Камбаралиева, К.Д.Давранов, О.М.Пулатова, А.А.Махсумханов. Оптимизация условий культивирования *Rhodococcus Ruber-8/4/1* -продуцент нитрилгидратазы. Университет: Химия и биология. Москва. Выпуск: 11 (65), ноябрь 2019 г. ст. 6-11.

3.Б.Х.Алимова, М.И.Камбаралиева, К.Д.Давранов, О.М.Пулатова, А.А. Махсумханов и др. Биотрансформация акрилонитрила в структуре геля агарозы бактерии *Rhodococcus Ruber-8/4/1*. Университет: Химия и биология. Москва.Выпуск: 11 (65), ноябрь 2019 г. ст. 27-32.

4.М.Ноджири. Кобальт-замещенных Фетип hydratase нитрильной Родококков СП. N-771 / М. Ноджири, Х. Накаяма, М. Одака и др. // Письма ФЕБС. 2000. - N. 465, N. 2-3.- С. 173-177.

5.М.М.Таубер. Нитрилгидратаза и амидаза из *Rhodococcus rhodochrous* гидролизуют акриловые волокна и гранулированные полиакрилонитрилы / М. М. Таубер, А. Кавако-Пауло, К.-Х. Робра, Г. М. Губиц // J. Appl. Окружающая среда. Микробиология.- 2000. N. 4.- С. 1634-1638.

6.М.В.Кузнецова «Физиолого-биохимическая характеристика штаммов рода *Rhodococcus* - продуцентов нитрилгидратазы» Автореф.ВАК РФ.2004 г.С.3.

7.Н.А.Вебстер. Сравнительная характеристика двух видов *Rhodococcus* в качестве потенциальных биокатализаторов для производства акрилата аммония / Н. А. Вебстер, Д. К. Рамден, Дж. Хьюз // Биотехнология. Латыш. 2001. - Ст. 23. - С. 95-101.

8.О.Б. Астаурова. Адаптация продуцента акриламида *Rhodococcus rhodochrous* М8 к изменению концентрации аммония в среде / О.Б. Астаурова, Т.Е. Леонова, И.Н. Полякова и др. // Прикл. биохим. микробиол. 2000. - Т. 36, № 1. - С. 21-25.

9.С.В.Козлов «Биологическая характеристика бактериальных штаммов-активных продуцентов нитрилгидролизующих ферментов».Автореф.ВАК РФ. 2007 г.С.3.

10.Ю.Г.Максимова, А.А.Горшкова. В.А.Демаков. Биодegradация полиакриламидов микрофлорой почвы и штаммов амидсодержащих бактерий//Бюллетень Пермского университета. Выпуск 2, 2017. ст. 200-204.

11.Ю.А.Павлова, А.Н.Ноустроева, А.Ю.Максимова. Сравнительный анализ амидазы последовательностей гена почвенных актинобактерий рода Родококкус//Бюллетень Самарского научного центра Российской академии наук. Т.13.№ 5 (3), 2011. ст.272-276.

12.Ю.А.Павлова «Актинобактерии рода *Rhodococcus*, трансформирующие амиды карбоновых кислот». Автреф.ВАК РФ. 2012 г.С.4.

УЎК 632.5.635.61

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН ҚОВУН НАВЛАРИ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Х.К. Яхяев, к/х.ф.д., проф., Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Тошкент
Г.Р. Рахмонова, таянч докторант, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Тошкент

Аннотация. Ҳозирги кундаги қишлоқ хўжалиги экинлари орасида қовун зарарқунанда ва касалликларга чидамли навларини яратилиш долзарб мавзу ҳисобланади. Айниқса зарарқунанда ва касалликларга қарши уйғунлашган кураш тизими, қовун ўсимлиги ҳосилини 80-85%га оширилиш имконини беради. Шунингдек мақолада Ўзбекистонда экиладиган қовун навлари 4 та ботаник гуруҳга мансуб: Ҳандалак, Амир, Кассаба, Зард турлари ва ундаги зарарқунанда ва касалликларига қарши қўлланилган кураш чоралари ёритилган.

Калит сўзлар: қовун, қовун навлари, зарарқунанда, касаллик, уйғунлашган кураш тизими

Аннотация. Создание устойчивых к вредителям и болезням сортов дынь - актуальная проблема современных сельскохозяйственных культур. В частности, комбинированная система борьбы с вредителями и болезнями позволяет повысить урожайность бахчевых растений на 80-85%. В статье также описаны выращиваемые в Узбекистане сорта дынь, относящиеся к 4 ботаническим группам: виды Хандалак, Амир, Кассаба, Зард и все меры, принимаемые для борьбы с вредителями и болезнями.

Ключевые слова: дыня, сорта дыни, вредитель, болезнь, скоординированная система борьбы

Abstract. The creation of pest and disease-resistant varieties of melons is a topical issue among today's agricultural crops. Especially in the fight against pests and diseases, integrated system, the harvest of the melon plants to increase 80-85%. Also in the article the varieties of melons grown in Uzbekistan belong to 4 botanical groups: These are Handalak, Amir, Kassaba, Zard species and the measures taken to control the pests and diseases in them are all covered.

Keywords: melon, melon varieties, pests, disease, and integrated combat system

Ҳозирги кунда республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида мева-сабзавот, полизчилик ва узумчиликни ривожлантиришга эътибор ошиб бормоқда. Яратилган имкониятлар натижасида сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари етиштирилиш 5 млн тоннадан зиёдни ташкил этмоқда [1-3].

Ўзбекистоннинг қовун етиштириладиган кўплаб фермер хўжаликларида жумладан, Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларнинг чўл ва ярим чўл ҳудудлари шароитида полизчилик деҳқончиликнинг минг йиллар аввалидан бошланганлиги бизга маълум.

Ўсимликларни келиб чиқиш маконлари экологиясини ўрганиш сабзавот-полиэ экинлари хусусиятларини яхши ўзлаштириш ва юқори ҳосил етиштириш технологиясини тўғри ташкил қилиш омилдир.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган қовун навларига Ўрта Осиё ва Кичик осие кичик турларини мисол келтириш мумкин. Ўрта Осиё қовунлари 5 турга бўлинади. Ҳандалаклар, эртаги ёки юмшоқ мағизли қовунлар, ёзги қаттиқ этли қовунлар ҳамда кузги ва қишки қовунлар. Қовун иссиқсевар, ёруғликсевар ўсимлик, қурғоқчиликка ва тупроқ шўрланишига чидамли. Жаҳонда энг яхши қовунлар Ўзбекистонда етиштирилади. Халқ селекциясида унинг 150 дан ортиқ нави яратилган. Ўзбекистон сабзавот, полиэ экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида илмий селекцияси асосида чиқарилган ва яхшилинган 50 дан ортиқ навлари районлаштирилган.

Ўзбекистонда экиладиган қовун навлари 4 та ботаник гуруҳга мансуб: Ҳандалак, Амир, Кассаба, Зард.

Ҳандалак гуруҳига кирадиган қовун навлари жуда эртапишар бўлиб. Барг пластинкаси ва барг зийи бутун. Меваси унча йирик эмас. Шакли юмалоқ-ясси, эти нозик, жуда сершира, хушбўй, таъми нок мазасини беради. Эти оқ, қизил ёки яшил бўлиб, уруғ шилимшиғи кучсиз ва намлик бўлади, барчаси эртапишар навлардир. Бу гуруҳ вакили Кўкча, Ҳандалак, Сарик ҳандалак, Замчани кўрсатиш мумкин.

Амир гуруҳига кирадиган қовун навларининг меваси кўпинча йирик цилиндрсимон, узунчоқ, тухумсимон ёки эллиптик шаклда. Мевасининг эти тигиз, еганда қарсиллайди, сершира, жуда ширин, ранги оқ, нимранг қизгин ёки яшил бўлади. Уруғ шилимшиғи зич ва қуруқ (Амири, Кўкча, Широzi, Бегзоди каби қовунлар).

Кассаба гуруҳига мансуб бўлган қовун навлари кечпишар бўлади. Барг пластинкалари кесик бўлиб, мевасининг қатталиги ўртача ва йирик. Мева шакли юмалоқ-ясси, юмалоқ, кўпинча мева банди қўшилиб ўсган сўрғичсимон ўсиқ, баъзан ажинли. Эти одатда нозиккина оқ, жуда сершира, ширин, уруғи шилимшиғи кучсиз. Бу гуруҳга - Бўрикалла, Гурвак навларидир.

Зард гуруҳига кирадиган қовунлар кечпишар бўлади. Бу гуруҳдаги қовун ўсимлигининг барг пластинкалари ва унинг теварак зийлари кесилмаган. Меваси йирик, шакли эллиптик ёки тухумсимон. Уруғ шилимшиғи тигиз ва қуруқ. Зард гуруҳига Умирбоқий, Кўкбош, Гулоби қовун навларини кўрсатиш мумкин.

Фермер хўжалик томорқаларида қовунни қуйидаги навлари энг кўп экиб келинмоқда. Улар Оқуруғ, Лаззатли, Суюнчи-2, Олтин водий, Тўёна, Амударё, Зар Гулоби, Саховат, Кичкинтой, Дилхуш, Ширинтой, Бўрикалла, Кўктинка, Кўкча, Чориғи, қизил уруғ, маҳаллий Сарик ҳандалак, Обиновот, Шакарпалак [3-5].

Қовуннинг зарарқунанда ва касалликлари

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларида зарарқунанда ва касалликлар таъсирида ҳосил кескин камайиш ҳолатлари қайд этилади. Шунингдек қовуннинг ҳам ўзига хос ихтисослашган зарарқунанда ва касалликлари мавжуд.

Қовунни зарарқунанда ҳашаротлардан полиэ бити (шираси), полиэ қўнғизи, илдиз шиш қўзғатувчи нематодаси, қовун пашшаси жиддий зарарлайди.

Полиэ шираси-тенг қанотлилар *Homoptera* туркумининг *Aphidinea* кенжа туркумига мансуб. *Aphis gossypii* қанотсиз ширанинг танаси тухум шаклида бўлиб, 1,25-2,1 ммга тенг. Полиэ экинларини ниҳоллик давридан ҳосил етилишига қадар сўриб қаттиқ зарарлайди. Ўзбекистон шароитида 12-14 та бўғин бериши мумкин

Полиэ қўнғизи-*Epilachna chrysomelina* Қўнғизлар (*Coleoptera*) туркумининг кокцинеллидлар (*Coccinellidae*) оиласига мансуб. Бу ўсимликхўр кокцинеллид қўнғизнинг ўзига хос белгилари борлиги учун дархол аниқлаб олиш мумкин. Қўнғизи ярим доирасимон шаклга эга, танасининг паст томони ясси, усти эса қовариқ, қатталиги 7-8 мм, ранги қизил қўнғир, уст қанотларининг ҳар бирида 6 тадан қора доғи бор. Полиэ қўнғизи олигофаг хисобланиб, ўзи ва личинкалари қовоқдошлар оиласига мансуб ўсимликларга зарар келтиради. Полиэ қўнғизи Ўрта Осиё шароитида йилига уч бўғин беради.

Илдиз шиш қўзғатувчи нематодаси- *Heterodera marionu* Cornu. Юмалоқ чувалчанглар синфига, тиленхидлар ва гектеродеридлар (*Heteroderidae*) оиласига мансуб. Нематоданинг узунлиги 1-1,9 мм келади. Илдиз нематодаси тухум шаклида ўлган она зот танасида қишлайди. Илдиз шиш қўзғатувчи нематодаси ҳаммахўр зарарқунанда бўлиб, 1000 га яқин ўсимликларни зарарлайди. Ўсимлик ёш илдизларига ҳам ёпишиб озикланади. Озикланиш даврида ажратган маҳсус суюқлик таъсирида личинка ёпишган жойида шиш (галл) ҳосил бўлади. Ўрта Осиё шароитида йилига беш бўғин бериб ривожланади.

Қовун пашшаси - *Mypardalis pardalina* Bezzi. Икки қанотлилар (*Diptera*) туркуми, чипор қанотлилар (*Tephritidae*) оиласига мансуб. Қовун пашшаси билан зарарланиш Қашқадарё, Самарқанд ва Бухорода 2004-йил, Хоразмда 2006-йилда қайд этилган. Бир қатор мамлакатларда (Афғонистон, Туркменистон, Ўзбекистон) полиэ экинларида жиддий йўқотишлар 80-90% қайд этилган.

Зарарқунанда тупроқнинг 10-20 см чуқурлигида пупарий ичида ғумбак ҳолатида қишлайди. Қишлоқдан чиққан пашшалар эртапишар қовун гуллаш ва мева туга бошлаш даврида (майнинг

иккинчи ярмида) учиб чиқади. Пашша шира билан озиклангандан сўнг оталаниб қовун ёки бошқа полиз экинлари янги меваларининг қобиғини тухум қўйгичи билан тешиб, пўсти остига биттадан ёки кўпинча битта мевага 20 та ва ундан кўпроқ тухум қўяди. Битта урғочи пашша бир мавсумда 98-130 та тухум қўяди. Тухуми 2-8 кун давомида эмбрионал ривожланишдан ўтгач, личинкалари чиқиб, дархол мева ичига ўтади, мева эти билан озикланиб, уруғгача етиб боради ва уруғни ҳам ейди. Улар 10-18 кун ривожлангандан сўнг, мева пўстини тешиб ташқарига чиқади ва тупроқда 5-15 см чуқурликка кетиб, пупарий ичида ғумбакланади. 10-18 кундан сўнг ғумбакдан иккинчи бўғин пашшалар чиқади, урғочи зотлари оталаниб яна тухум қўяди. Бир бўғиннинг ҳаёт даври 30 кунгача бўлиб, бир мавсумда пашша Афғанистонда 3-4, Қорақолпоғистонда 2-3, Ўзбекистонда 2-3 бўғин беради [6-8].

Қовун экинларида учровчи касалликлардан: аскохитоз, илдиз ва пояси фузариоз чириши, ун-шудринг, альтернариоз, қовун мозаикаси ва бошқалар.

Аскохитоз – *Ascochyta cucumis* замбуруғи қўзғатади. Аскохитоз полиз экинларининг баргларида (баъзан поя ва меваларида) устида қора пинкидалари мавжуд бўлган думалоқ, оч-кулранг, кулранг, кўпинча қора хошияли, 1 см келадиган доғлар ҳосил қилади.

Илдиз ва пояси фузариоз чириши – *Fusarium solani* f.sp.cucurbitae гифомицет замбуруғи қўзғатади. Қўзғатувчини иккита физиологик ирқи мавжуд, 1-ирқ экин мевалари, илдиз ва пояларни, 2-ирқ эса фақат меваларни зарарлайди. Замбуруғ экинларни бутун ўсув даврида зарарлайди.

Ун-шудринг - *Erysiphe cichogacearum* замбуруғи қўзғатади. Баргларнинг икки томонида ҳам оқ, сарғиш-қўнғир ёки қизғиш кулранг, юпка моғор қатлами, кейинчалик (мавсум сўнгида) уларнинг устида қорамтир нуқталар-клеистотециялар ривожланади; барглар сарғаяди, сўнгра қора тус олиб қораяди.

Альтернариоз - *Alternaria cucumerina* замбуруғи қўзғатади. Асосан мусдак қовунларни зарарлайди, дастлаб юқори ва энг юқори баргларида сариқ, жигар рангдаги майда доирасимон доғлар пайдо бўлади. Бу доғларни ўртаси оқ рангда бўлади. Доғлар катталашади ва оч жигар рангга киради ва меваларни офтоб уриши мумкин. Қуруқ модда миқдори камаяди. Мевалардаги жигарранг доғлар пайдо бўла бошлайди.

Қовун мозаикаси – *Squash mozaika virus* қўзғатади. Вирусни икки ирқи мавжуд, улар бодрингни зарарламайди. 1-ирқ қовун, оддий ва рус қовоқ, 2-ирқ булардан ташқари тарвузни зарарлайди. Зарарланган ўсимлик барглари сариқ доғлар, барг устида шишлар пайдо бўлади, барглар хунук шакл олади. Ўсимликларнинг бўйи пасаяди, палак ва мевалар сони камаяди [5].

Зарарқунанда ва касалликларга қарши кураш усуллари. Агротехник усулда экинларни алмашлаб экишга риоя қилиш, ерни чуқур ҳайдаш, яхоб сув бериш.

Биологик усулда зарарқунанда ҳашаротларни турига қараб олтинкўз қушандасини, оққанотга қарши энкарзия паразитини қўллаш тавсия этилади.

Кимёвий усулда 1000 м² га оққанот, шираларга қарши Моспилан 20% (25-30мл) эм.к, Циперметрин 25% (30мл) эм.к ва бошқа препаратлар қўлланади.

Қовун майса пашшаси ва қовун пашшасига қарши Қорақолпоғистон шароитида Децис 2,5% эм.к, Циперметрин 20% эм.к, Нурелл-Д 55% эм.к, Канфидор 20% эм.к, Карате 10% эм.к, Аваунт 15% эм.к, Фуфанон 57% эм.к, Ветримик 1,8% эм.к, Корбафост 50% эм.к, БИ 58(янги) 40%эм.к, Пилигрим 24,7% сус.к қўлланилган [6-7-8-10].

Касалликларга қарши курашда чидамли навларни яратиш ва қўллаш: соғлом ўсимликлардан олинган пухта сараланган самарали уруғларни экишдан олдин фунгицид билан дориланган Фундазол препарати (1кг уруғга 4-8 г) ёки Панактин (1кг уруғга 4 г) билан намлаб экиш тавсия этилади. Касалликлардан зарарланишни олдини олиш мақсадида уруғлар экишдан олдин бирор микроэлементларга солиб бўктириб қўйилади. Улар мис, рух ва марганец (0,05% ёки 0,5 г/кг), темир ва бор (0,025% ёки 2,5% г/кг.) ивитиш суюқлик ҳарорати 20-22^oС бўлганда 12 соат давом этади. Касаллик бошланиши билан фунгицит, жумладан Байлетон 25% н.кук (0,2-0,6 кг/га), Каратан ЛТС 50% эм.к (0,5-1,0л/га), Топсин-М 70% н.кук (0,8-1,0 кг/га), Квадрис 25%сус.к (0,4-0,6 л/га), Ридомил голд 68% с.э.г (2,5кг/га), Строби 50% с.э.г ёки 50% сус к (0,2-0,3 кг,л/га), коллоид ёки намлантирувчи кукун шаклидаги олтингугурт (2,0-4,0кг/га), ООҚ (0,5-1% ли эритмаси) ва бошқаларни 1 ёки 2 марта пуркаш [5].

Хулоса қилиб айтганда агробιοценозга ҳар бир ўсимликнинг навларини етиштиришда технологияси, фойдали хусусиятлари, шу билан бирга ўсимликнинг зарарқунанда ва касалликлари ҳам мавжуддир. Бизнинг асосий мақсадимиз халқимиз эҳтиёжи учун экологик соф бўлган маҳсулотларни етиштириш ва зарарли организмларни иқтисодий зарар мезонидан оширмасдан қарши кураш усулларини тўғри ташкил этишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Х.З., Рахмонова Г.Р. Интегрированные методы защиты от дынной мухи и ее экологические особенности.//Бюллетень науки и практики журнал -2018.-№9.-114-118б.
2. Абдуллаева Х.З., Рахмонова Г.Р. Қовуннинг фойдали хусусиятлари ва зарарқунандалари // Интернаука журнал. -№13(95), часть 2,2019. 54-55 б.
3. Абдуллаева Х.З., Рахмонова Г.Р., Парпиева М.К. Қовуннинг фойдали хусусиятлари ва етиштириш технологияси // Agro iml. 1[57] son 2019.37-38б.

4. Абдуллаева Х.З., Рахмонова Г.Р., Азамов А.А. Полезные свойства дыни и борьба с ее вредителями// Экология хабарномаси. №7/2019/июль.
5. Мавлянова Р., Рустамов А, Хакимов Р., Хакимов А., Турдиева М. Ўзбекистон қовунлари. - Тошкент, 2005.-57-135б.
6. Рахмонова Г.Р. Особенности развития вредных организмов дыни в Узбекистане и меры борьбы с ними // I Международное книжное издание стран Содружества Независимых Государств “ЛУЧШИЙ МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ-2020”. г. Нур-Султан, Казахстан, 13-17 март 2020 г. 53-56 с.
7. Рўзиметов Р., Рўзимов Ж., Таджиев А., Эгамбердиев О. Қовун касалликлари ва уларни экспертизаси – Урганч, 2017. -8-14б.
8. Торениязов Е.Ш. Қовун пашшаси ривожланиш биологияси ва унга қарши кураш чора таклифлари- Нукус, 2009.-413б.
9. Хўжашев Ш.Т., Гаимов Р. Полизни зараркунандалардан химоя қилиш. //Ўзбекистон кишлоқ хўжалик журнали. -2012.-№8.-17б
10. Хўжашев Ш.Т. Умумий ва кишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган химоя қилиш тизимининг асослари. -Тошкент, 2019. -186-194б.

UO'K 339.138

HUDUDNING SAYYOHLIK BRENDINI YARATISHDA RAQAMLI MARKETING

*F.O. Abdullayev, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch**I.B. Matkarimov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch*

Annotatsiya. Ushbu maqolada raqamli marketingni turizm salohiyatini oshirishda nechog'liq ahamiyatga ega ekanligi keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: *strategiya, oflayn, onlayn, marketing, blogger, infratuzilma, brend, kontseptual*

Аннотация. В этой статье обсуждается важность цифрового маркетинга в увеличении туристического потенциала.

Ключевые слова: *стратегия, офлайн, онлайн, маркетинг, блоггер, инфраструктура, бренд, концептуальный*

Abstract. *In this state the importance of digital marketing in increasing the tourist potential is observed.*

Key words: *strategy, offline, online, marketing, blogger, infrastructure, brand, conceptual*

Mamlakatda turizmni milliy iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, hududlarni jadal rivojlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratish, aholining daromadlari va turmush darajasini oshirish, mamlakatning investitsiyaviy jozibadorligini oshirishni ta'minlovchi strategik tarmoqlardan biri sifatida rivojlantirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda.

Shuningdek, joylashtirish vositalari va infratuzilma ob'ektlarining, ayniqsa turizm mavsumida yetishmasligi, turli transportlarda yo'lovchilarni tashish tizimining yetarli darajada muvofiqlashtirilmaganligi, shuningdek, turistlarni mavjud turizm salohiyati to'g'risidagi ma'lumotlar bilan ta'minlashni tashkillashtirish darajasining pastligi, ichki turizmni, mamlakat hududlaridagi madaniy meros obyektlarining va ziyoratning o'ziga xosliklarini targ'ib qilish bo'yicha marketing kampaniyalarining samarasizligi turizmni jadal rivojlantirishga salbiy ta'sir qilmoqda. Turizm sohasini rivojlantirishning asosiy bosqichlari quyidagilardan iborat:

2019 — 2020-yillarda — turizmni rivojlantirish uchun mustahkam qonunchilik bazani yaratishga qaratilgan institutsional islohotlar, infratuzilmani modernizatsiyalash va mamlakat brendini targ'ib qilish;

2021 — 2025-yillarda — mamlakat iqtisodiyotida turizm industriyasi ulushini ko'paytirish. Ushbu yo'nalishda zarur infratuzilmani rivojlantirish va dunyo bozorida respublikaning turizm salohiyatini targ'ib qilish orqali mamlakatning yalpi ichki mahsulotida turizm ulushini 5 foizgacha (2017-yil yakuni bo'yicha — 2,3%) yetkazish, shuningdek, 2025-yil yakuniga qadar 9 milliondan ortiq turistlarni, shu jumladan uzoq xoriждан — 2 million turistni jalb qilish belgilab quyilgan.

Uzoq istiqbolda O'zbekiston turizmi milliy iqtisodiyotdagi yutuqlar bilan cheklanib qolmasdan, mintaqa va dunyo turistik xizmatlari bozoriga eng raqobatbardosh davlatlar qatorida kirib borishi mumkin [1].

Brend - bu nafaqat ajralib turadigan nom, logotip atamasi, imzo yoki belgi tovarlarni yoki xizmatlarni aniqlash.

Brendlash bu marketing strategiyangizni yaratishda birinchi qadamdir, chunki bu xizmat va tovarlar to'g'risidagi ma'lumotlarni ideal tarzda mijozlaringizga yetkazadi [3].

Raqamli marketing odatda veb-platformalar, strategiya va dizayn bilan tajriba talab qilsa-da, bu soha an'anaviy marketingda ishlatiladigan og'zaki va yozma muloqot qobiliyatlarini talab qiladi.

Raqamli marketingda byudjetda marketing taktikasi bilan ijodiy tajriba o'tkazishda foydalanish uchun cheksiz imkoniyatlar va strategiyalar mavjud. Bu an'anaviy marketingga o'xshash, ammo u faqat raqamli qurilmalardan foydalanadi. Raqamli marketing kirish marketingining bir turi hisoblanadi va uning maqsadi odamlar sizning biznesingizni topishlari. Ular sizni Internetda qanchalik ko'p ko'rishsa, ular sizning brendingiz bilan tanishadilar va oxir-oqibat ushbu onlayn mavjudlik orqali siz bilan o'zaro munosabatlarni rivojlantiradilar.

Raqamli marketing quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- Qidiruv mexanizmi marketingi (SEM)
- Qidiruv tizimini optimallashtirish (SEO)
- Ijtimoiy media marketingi (SoMe)
- Kontent marketingi,
- Email marketing,
- Mobil marketing va boshqalar.

Xorazm viloyatida 2018 yilda Xitoy Xalq Respublikasining "CCTV 6", Germaniya Federativ Respublikasining "ZDF", Yaponiyaning "Nippon TV", "Rossiya Kultura" teleradiokompaniyalari, Avstriyaning "Society", Hindistonning "Daily India" kabi 20 ga yaqin ommaviy axborot vositalari vakillari viloyatimizda bo'lib, boy madaniy merosimiz va turistik salohiyatimizni namoyish etuvchi materiallar tayyorlab, o'z mamlakatlarida namoyish qilishdi.

Viloyatni turistik salohiyatini keng targ'ib qilish maqsadida 2018 yilning 9-14 yanvar kunlari AQSHning "Smithsonian Institution" tashkiloti ekspertlari, 29-yanvar kuni Janubiy Koreya Respublikasining Inchxon shahridan Urganch shahriga charter reys bilan qoreyalik sayyohlar va ishbiarmon doira vakillari, 3-fevral kuni Ispaniya qirolligi energetika va turizm vazirligi turizm sohasi eksperti Mariya Anxeles Martines Mingesa, 19-fevral kuni viloyat turizm salohiyatini Hindiston bo'yab, keng yoritish, targ'ibot-tashviqot ishlarini olib borish hamda gazeta va jurnallarda maqolalar chop etish maqsadida Hindiston Respublikasining "Sunday Indian" nashriyoti bosh muharriri o'rinbosari Savrab Kumar SHaxi va "Indian Blooms" axborot agentligi bosh muharriri Sudjoy Dzar, 27-mart kuni Xitoy Halq Respublikasi "Ipak Yo'li Fondi" vakillari, 3-aprel kuni viloyatga Qirg'iziston Respublikasining ommaviy axborot vakillari, 12-aprel kuni Avstriyaning "Society" jurnali ta'sischi va bosh muharriri G.Tauxammer, 12-13 aprel kunlarida Rossiya Federatsiyasining "Know How Media" internet sahifasi muxbirlari (bloggerlar)dan iborat delegatsiya, 24-26 aprel kunlari havo sharlarida parvoz qilish bo'yicha Evropa chempioni P.Blezer boshchiligidagi Xalqaro aeronavtika federatsiyasi vakillari, 29-aprel-1-may kunlari Buyuk Britaniyaning "ITB" tijorat telekanalining ijodiy guruhi, 16-20 may kunlari Rossiya Federatsiyasining "Rossiya-Kultura" televideniya ijodiy guruhi, 18-may kuni Xitoy Halq Respublikasining "CCTV-6" telekanali "World Film Report" ko'rsatuvining ijodiy guruhi, 25-may kunlari AQSHning "The New York Times Journeys" 20 kishidan iborat delegatsiyasi vakillari, 23-29 may kunlari viloyatimizda faoliyat yurituvchi mahalliy turoperator "Zuhro Travel" MCHJ tomonidan Polsha Respublikasining 11 ta sayyohlik tashkiloti va 2 ta blogerlari, 9-iyun kuni Xitoy Xalq Respublikasi turistik tashkilotlar vakillaridan iborat 21 kishilik guruh, 13 avgust sanasida Xitoy Xalq Respublikasining Pekin shahridan sayyohlik tashkilotining rahbari janob Wen Jin, 18-19-avgust kunlari Germaniyaning "Globalis Erlebnisreisen" sayyohlik tashkiloti vakillari, 7-8-sentyabr kunlari Belorussiyaning O'zbekistondagi Favqulotda muhtor elchisi L.A.Marinich, 10-11-sentyabr kunlari Pokiston Respublikasining "Midas Group" media kompaniyasi ishchi guruhi, 15-sentyabr kuni Belgiyaning "Tomas Cook" turistik firmasi vakillari, 15-21-sentyabr kunlari Belgiyaning "Bandua Communications" media kompaniyasi ishchi guruhi, 13-15-oktyabr kunlari Tailand mamlakatidan bir gurux OAV vakillari, 27-29-oktyabr kunlari Xitoy Xalq Respublikasining "SSTV-6" televideniya bilan 8 kishilik ishchi guruhi, 1-2-noyabr kunlari Buyuk Britaniyaning "Studio Lambert" uyushmasi vakillari, 7-8 noyabr kunlari Rossiya Federatsiyasining "National Geographic" tahririyatining ijodiy guruhi vakillari va 24-25 noyabr kunlari Fransiya Respublikasining Senat vakillarining tashriflari amalga oshirildi [2].

1. Mintaqani targ'ib qilishni katta mulkni targ'ib qilish bilan taqqoslash mumkin. Albatta, kontseptual farqlar mavjud, ammo marketing nuqtai nazaridan bu katta sanatoriya yoki shahar atrofidagi muassasalar bilan ishlash, o'z xizmatlarini sotish kabidir.

2. Mintaqani targ'ib qilishda jarayonni aniq vazifalarga ega bo'lgan mas'ul mutaxassis boshqarishi muhimdir.

3. Strategiyaga ega ekanligiga ishonch hosil qilish. U bir nechta qismlardan iborat bo'lishi kerak: onlayn, oflayn va infratuzilma bilan ishlash. Agar biz joylashishni aniqlash va onlayn targ'ib qilish haqida gapiradigan bo'lsak, mintaqani targ'ib qilishning o'ziga xos xususiyatlari bor. Sayyoh sayohatning barcha bosqichlarida internet bilan o'zaro aloqada bo'ladi: sayohatni rejalashtirishda, to'g'ridan-to'g'ri belgilangan manzilda turganda, uyga qaytgandan so'ng, o'z sharhlari va taassurotlari bilan o'rtoqlashganda. Mehmon sayohat oldidan mintaqaga brendi bilan muloqotda bo'lib, ta'tilini rejalashtiradi. Sayyoh internetda ob'ekt va turistik marshrut haqida ma'lumot qidiradi va quyidagi savollarga javob topishga intiladi:

- Mintaqa nimani taklif qiladi?
- Qancha ajoyib veb-saytlarimiz bor?
- Ular mobil aloqada bo'ladimi?
- U yerdagi ma'lumotlar qanchalik yangi va muntazam yangilanib turadi?

Barcha tadbirlar ushbu saytga mehmonlarni olib keladi. Agar ehtiyojlar qondirilmasa, mehmon ketadi.

4. Sayyohlik brendini reklama qilish uchun samarali kanallar:

- mahalliy va xorijiy ommaviy axborot vositalari (ham sayyohlik, ham federal).
- snapchatning yosh auditoriyasi orasida ommalashib borayotgan facebook, vkontakte, odnoklassniki, instagram, youtube ijtimoiy tarmoqlari, shu bilan birga bolalar va o'spirinlar bilan ta'tilni targ'ib qilishda foydalanish mumkin. Nafaqat mintaqaga guruhida, balki maqsadli auditoriya bo'lishi mumkin bo'lgan boshqa tematik guruhlarda ham ishlash mumkin.

• fikrlar rahbarlari. Bu nafaqat bloggerlar bilan ishlash. Ta'sirchilar o'zlarining alohida segmentlarida gapirishlari mumkin, masalan, aktyorlar, mansabdor shaxslar, tadbirkorlar.

• foydalanuvchi tomonidan yaratilgan tarkibdan foydalanish va uni moslashtirish. Bu guvohnomalar, fotosuratlar va videofilmlardan keng auditoriyaga tarqatishda foydalanish uchun ajoyib imkoniyat.

Asosiy vositalarni ishga tushirgandan so'ng amalga oshirish mumkin bo'lgan bir qator boshqa tadbirlar ham mavjud. Masalan, aeroportlarda va temir yo'l stantsiyalarida sms-xabarlar yuborish, elektron pochta orqali marketing, reklama.

Sayyohlar bilan ishlash uchun strategiya, izchillik va ko'plab sifatli tarkib muhim ahamiyatga ega.

Yuqorida sanab o'tilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish:

- turizm xizmatlari sifati, xilma-xilligi va eksport hajmining o'sishi, jahon bozorining yirik vakillari (brendlari)ni jalb qilish va xorijiy investitsiyalar oqimini ko'paytirishni ta'minlaydi.

• mehmonxonalar va boshqa turizm infratuzilmasi ob'ektlarini qurishga oid loyihalarni amalga oshirish mexanizmini soddalashtirish, tadbirkorlarga o'z xizmatlarining sifatini oshirish uchun qo'shimcha shart-sharoitlar yaratish, shuningdek, jahonga mashhur mehmonxona biznesi brendlarini O'zbekistonga jalb qilishni rag'batlantirish;

• O'zbekiston Respublikasining yagona milliy turizm brendini yaratish hamda unga asosan har bir hududning o'ziga xos xususiyatidan kelib chiqib, hududlarning turizm brendlarini yaratish;

• brend kiyim-kechak mahsulotlari, kosmetika va aksessuar tovarlar sotuvi yo'lga qo'yilgan savdo-ko'ngilochar komplekslar tashkil etilishini rag'batlantirish;

• tanlovlar o'tkazish orqali O'zbekistonning yagona milliy turizm brendini, shuningdek, uning asosida hududlarning turizm brendlarini;

• tashqi bozorlarda "O'zbekiston" turizm brendini ilgari surish strategiyasini ishlab chiqish va hududlarning turizm brendini ilgari surish bo'yicha har bir mamlakat uchun alohida marketing ishlari dasturlarini tasdiqlash;

• O'zbekistonning milliy turizm brendini faol ilgari surish, shu jumladan mashhur xorijiy telekanallar, jurnallar va boshqa OAVda mamlakatimizning turistik jozibadorligini targ'ib qiluvchi dasturlar namoyishini tashkil etish [1].

Xulosa qilib shularni aytishimiz mumkinki, hududning brendini yaratishda raqamli marketingni ahamiyati juda yuqoriligi ko'rinib turibdi. Raqamli dunyo ichida raqamli marketingdan foydalanish juda zarurligini hozirgi kunda dunyoda sodir bo'layotgan pandemiya sharoitida yana bir marotaba ko'rishimiz mumkinligiga ishonch hosil qildik.

• Raqamli marketingdan samarali foydalanish uchun insonlar va kompaniyalardan samarali platformani ishlab chiqish talab qilinadi.

• Raqamli marketing orqali brend yaratishda texnologiyaning rivojlanishi bilan yaxshilanishini kuzatishimiz mumkun bo'ladi.

• Tadqiqotlarni turli usullari orqali insonlarni turizm sohasidagi ehtiyojlarini o'rganish lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida PF 5611 05.01.2019

2. Xorazm viloyatida 2018 yilning yanvar-noyabr oylarida turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilgan ishlar bo'yicha hisobot

3. <https://tourismeschool.com/blog/branding-101-tourism-businesses/>

UO'K 334.012

KICHIK BIZNESNING DAVLAT IQTISODIYOTIDAGI O'RNI

J.F. Babajanov, magistrant, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Maqolada tadbirkorlik faoliyatining ijtimoiy munosabatlardagi o'rni, jamiyatdagi o'zaro iqtisodiy va ijtimoiy aloqalarni rivojlantirishdagi ro'li haqida to'xtalinadi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda davlatning bevosita iqtisodiyotdaga ta'siri o'rganildi. Taxlil natijalari bo'yicha kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan qo'llab-quvatlash bo'yicha tavsiyalar berildi.

Kalit so'zlari: tadbirkorlik faoliyati, kichik korxonalar, mikrofirmalar, xususiy tadbirkorlik, yakka tadbirkorlik

Аннотация. В статье рассматривается роль предпринимательства в общественных отношениях, а также его роль в развитии экономических и социальных отношений в обществе. Изучено прямое влияние государства на экономическое развитие малого бизнеса и частного предпринимательства. В результате анализа даны рекомендации по государственной поддержке малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: предпринимательство, малый бизнес, микрофирмы, частное предпринимательство, индивидуальное предпринимательство

Abstract. The article examines the role of entrepreneurship in public relations, as well as its role in the development of economic and social relations in society. The direct influence of the state on the economic development of small business and private entrepreneurship has been studied. As a result of the analysis, recommendations were given on state support for small business and private entrepreneurship.

Keywords: Entrepreneurship, small businesses, micro-firms, private entrepreneurship, individual entrepreneurship

Bugungi kunda Covid-19 ning butun jahon iqtisodiyotiga bergan kuchli zarbasi va buning ortidan kelib chiqqan butunjahon iqtisodiy inqirozi davom etayotgan bir paytda O'zbekiston xukumati oldida qisqa vaqt ichida iqtisodiyotning tadbirkorlik sektorida, ayniqsa, kichik va o'rta biznesda ish bilan bandlik o'sishini rag'batlantirish va kambag'allikni qisqartirish va aholi daromadlari, shuningdek xarid qobiliyatini oshirish muammolarini hal etish uchun samarali mexanizmlarni yaratish zaruriyati turibdi.

2016 yil oktyabr oyida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning "Tadbirkorlik faoliyatining jadal rivojlanishini ta'minlashga, xususiyl mulkni har tomonlama himoya qilishga va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi tadbirkorlik sub'yektlari faoliyatini rejadan tashqari va muqobil tekshirishlarning barcha turlarini bekor qilish orqali yanada qulay ishbilarmonlik muhitini yaratishga qaratilgan Farmoni qabul qilindi. Ushbu hujjatda asosiy e'tibor kichik va xususiyl korxonalarni jadal modernizatsiya qilish va ularning eksport faoliyatini rag'batlantirishni ta'minlash bo'yicha amaliyl chora-tadbirlarga qaratilgan bo'lib, bu tarmoqlar va hududlar iqtisodiy rivojlanishining hamda aholi bandligini ta'minlashning va kambag'allikni qisqartirishda muhim yo'nalishi bo'lib xizmat qilishi lozim.

Tadbirkorlik faoliyati ijtimoiyl munosabatlarning muhim bir bo'g'ini sifatida jamiyatdagi iqtisodiy va ijtimoiyl aloqalarni rivojlantirishda muhim o'rin tutadi. Davlatning roli va uning iqtisodiyotdagi ishtiroki darajasi ijtimoiyl sharoitga, davlat siyosatining maqsadlariga bog'liq. Davlat siyosati, vaziyatga qarab, kichik biznesning va xususiyl tadbirkorlik (KBXT) rivojlanishini sekinlashtirishi, yoki bo'lmasa KBXT uchun iqtisodiy bazani shakllantirish jarayonida tezlashtiruvchi mexanizm bo'lib xizmat qilishi mumkin. Yaxshi rivojlangan KBXT sektori yuqori darajadagi bozor segmentatsiyasini ta'minlaydi, buning natijasida yangi biznes yo'nalishlari ishlay boshlaydi. Maxsulotlarni oz miqdorda ishlab chiqarish, ishlab chiqaruvchilarga iste'molchilar talablariga tez moslashishga imkon beradi, bu o'z o'rnida talabni yuqori darajada ushlab turishga ko'maklashadi. KBXT allaqachon rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotida muhim o'rin egallashga ulgurgan. Misol uchun, O'zbekistonda 2019 -yilda YaIMning 56.5% i kichik biznes sektori tomonidan ta'minlanadi, u yerda mehnatga varoqli aholining taxminan 76.2 foizi ish bilan band [1].

	O'lchov birligi	2018 y.	2019 y.	(+-)
Faoliyat yuritayotgan kichik korxonalar va mikrofirmalar soni	birlikda	262930	334767	71837
Yangi tashkil etilgan kichik korxonalar va mikrofirmalar soni	birlikda	48922	92874	43952
Kichik tadbirkorlikning ulushlari:				
YaIM	%	60,4	56,5	-3,9
Sanoat	%	37,4	34,9	-2,5
Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi	%	98,3	98,3	0,0
Investitsiya	%	38,0	47,0	9,0
Qurilish	%	73,2	75,4	2,2
Savdo	%	86,3	84,3	-2,0
Xizmatlar	%	56,0	52,1	-3,9
Yuk tashish	%	55,5	54,6	-0,9
Yuk aylanmasi	%	79,6	77,4	-2,2
Yo'lovchi tashish	%	89,6	90,7	1,1
Yo'lovchi aylanmasi	%	94,8	94,9	0,1
Eksport	%	27,2	28,7	1,5
Import	%	56,2	54,2	-2,0

1-rasm. 2019 yilning yanvar - dekabrda kichik tadbirkorlikning asosiy ko'rsatkichlari [2]

Davlat eng yirik iqtisodiy institut sifatida aholini tadbirkorlik asoslariga o'rgatish uchun javobgarlikni o'z zimmasiga oladi, bu esa maxsus o'quv muassasalarining shakllanishiga olib keladi, bundan maqsad ishchilar malakasini oshirishdan iborat. Davlat tomonidan KBXT rivojlanishi siyosatining ajralmas qismi sifatida KBXT rag'batlantirish uchun zarur bo'lgan moliyalashtirish manbalari va soxa vakillari uchun kreditlar olish tartibini soddalashtirishni ta'minlashdan iborat. Birinchi marta biznesga kiradigan odamlar faoliyatni boshlash uchun boshlang'ich kapitalga ko'proq ehtiyoj sezadilar. Davlat o'z o'rnida KBXTni rivojlantirish bilan shug'ullanadigan alohida jamg'armalar va markazlarni yaratish bilan bog'liq tashabbusni ham boshlashi mumkin, uning vazifasi mamlakatdagi yoki mintaqadagi kichik biznes faoliyatini rivojlantirishga va yosh tadbirkorlarga yordam berishga yo'naltirilgan bo'ladi. Bunday tashkilotlar ko'pincha ma'lumot yig'ish yoki texnik qo'llab-quvvatlash vazifalarini o'z zimmalariga oladilar va konsalting va huquqiy jihatdan yordam berishda ishtirok etishlari mumkin [3]. Bunga misol qilib Tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasini keltirish mumkin. Jamg'armaning asosiy faoliyati aholining ijtimoiyl himoyaga muhtoj qatlamlarining tadbirkorlik tashabbuslarini amalga oshirish uchun tijorat banklari kreditlari bo'yicha kafillik berish bilan shug'ullanadi. Iqtisodiyotda KBXT sektorining samaradorligini quyidagi parametrlar yordamida baholash mumkin:

1. Ro'yxatdan o'tgan yakka tartibdagi tadbirkorlar (YaTT) va kichik hamda o'rta biznes vakillarining umumiy sonining nisbati;
2. Kichik va o'rta biznes sohasida ish bilan band bo'lganlar soni,
3. Kichik va o'rta biznesning davlat byudjetiga qo'shgan hissasi,
4. Iste'mol bozorining tovar va xizmatlar bilan sifatli va miqdoriyl to'yinganligi [4].

So'nggi 5 yil ichida, ayniqsa, rivojlanayotgan mamlakatlarda aholining kambag'al qatlami o'z biznesini yo'lga qo'yishi uchun yetarli dajaraja mablag'i bo'lmay turib o'z tadbirkorliklarini yo'lga qo'yishi va rivojlantirishga yordam berish uchun ko'pgina ishlar amalga oshirildi. Jahon banki guruhining tadqiqotlari shuni ko'rsatdiki, islohotlarni ilgari surishda faol qatnashadigan mamlakatlar (masalan, YaTT maqomini olish vaqtini qisqartirish) yuqori iqtisodiy o'sishga erishmoqdalar [5].

Jahon banki ma'lumotlariga ko'ra, tadbirkorlik sub'ektlarini kichik biznesga taalluqliligini belgilovchi ko'rsatkichlar soni 50 tadan oshiqni tashkil etadi. Ushbu ro'yxat yillik sotuvlar, aktivlar, ustav kapitali, ishchilar soni va boshqalarni o'z ichiga oladi [4].

Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (IHTT) KBXT sub'ektlarini subsidiyaga muxtoj bo'lmagan, ma'lum miqdordagi odamlarni ish bilan ta'minlay oladigan mustaqil firmalar sifatida qayd etadi. Xodimlar soni har bir mamlakatda turlicha, lekin eng ko'p tarqalgani 250 nafargacha xodim (YI). Ba'zi mamlakatlar 200 xodim bilan cheklangan. Kichik korxonalarda odatda 50 tagacha, mikrofirmalarda 10 nafargacha xodimlar ishlaydi [6].

Shuningdek, kichik va o'rta biznes sub'ektlari moliyaviy aktivlariga qarab ham belgilanadi. Evropa Ittifoqida 2005 yildan beri barcha hujjatlar va fond dasturlariga yangi ta'rif qo'llaniladi, buning uchun kichik va o'rta biznes sub'ektlarining alyanma mablag'lari miqdori maksimal daraja oshiriladi. O'rta korxonalar (50-249 ishchi) aylanmasi 50 million yevrodan oshmasligi kerak, kichik korxonalar (10-49 ishchi) - 10 million yevro, mikrofirmalar (10 xodimgacha) - 2 million yevro. Balans xisoboti o'rta korxonalar uchun 43 million yevrodan, kichik biznes uchun 10 million yevrodan va mikrofirmalar uchun 2 million yevrodan oshmasligi kerak [7].

Kichik biznesning bu darajaga faol rivojlanishi sababi KBXTlarning mamlakat iqtisodiyotidagi va umuman olganda dunyo iqtisodiyotida ulushi juda yuqoriligi bilan bog'liqdir. Shuni ham ta'kidlash kerakki, hozirgi kunda mexnat bozorida asosan KBXT sub'ektlari yangi ish o'rinlarini yaratmoqda [8]. Bugungi kunda rivojlanayotgan mamlakatlarda yosh avlod va ayollar uchun ishsizlik muammosi ayniqsa dolzarb bo'lib kelmoqda, ushbu toifadagi fuqarolar ham ko'pincha ta'lim dasturlariga muhtoj. Mamlakatda KBXT sektorini rivojlantirish istiqbollari pirovardida kichik korxonalar yirik korxonalar nisbatan ko'pgina afzalliklarida ko'rish mumkin. Bunday korxonalar biznesni boshlash uchun katta moliyaviy xarajatlarni talab qilmaydi, bu umuman olgandan samaradorlikning yuqori darajada bo'lishidan darak beradi. Tovarlarni ishlab chiqarishning cheklanganligi korxonaga bozordagi o'zgarishlarga (inflyatsiya, islohotlar) tezda moslasha olishiga imkon beradi va shu bilan moliyaviy xatarlarni kamaytiradi. KBXT mintaqalarni rivojlantirish va mahalliy infratuzilmani yaxshilash imkoniyatlarini oshiradi, bu esa transport xarajatlarini qisqartiradi va ishchi kuchining megapolislarga chiqib ketish ehtimolini kamaytiradi [4].

KBXTni tashkil etish jarayonida duch keladigan muammolarni o'rganib chiqqan holda shuni ta'kidlash mumkinki, asosiy to'siqlar ma'muriy to'siqlar, mansabdor shaxslar o'rtasidagi korrupsiya va tushunarsiz qonunchilik bazasi bilan bog'liq degan xulosaga kelish mumkin. Shu sababli, yuridik institutlarni mustahkamlash, KBXTni rivojlantirish bo'yicha chiqarilayotgan qonunlarning joylarda ijrosini ta'minlash, barcha mamlakatlarda tadbirkorlik muhitini yaxshilash bo'yicha qilinayotgan dasturlarning asosiy maqsadiga aylanmog'i lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiyot tarmoqlaridagi asosiy ko'rsatkichlari hajmi URL: <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6576-kichik-biznes-va-tadbirkorlik>.
2. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiyot tarmoqlaridagi asosiy ko'rsatkichlari hajmi 2019 yil yanvar – dekabr. URL: <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6576-kichik-biznes-va-tadbirkorlik>.
3. Акимов О.Ю. Малый и средний бизнес: эволюция понятий, рыночная среда, проблемы развития. М., 2003 с. 45-46.
4. Теребова С.В., Подолякин О.В. Предпринимательство в регионе: состояние, перспективы: монография. Вологда: ИСЭПТ РАН, 2011.
5. Regulatory Efficiency and Strong Legal Protections Key to Helping Entrepreneurs Thrive, Finds Doing Business Report // [The World bank] URL: <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2014/10/29/regulatory-efficiency-legal-protections-entrepreneurs-thrive-doing-business-report>.
6. The European Commission URL: http://ec.europa.eu/growth/smes/business-friendly-environment/smedefinition_en.
7. Glossary of statistical terms// The Organisation for Economic Cooperation and Development URL:<https://stats.oecd.org/glossary/detail.asp?ID=3123>.
8. Доклад "Ведение бизнеса" зафиксировал рост реформ в сфере предпринимательской деятельности на 18%, что, в свою очередь, облегчило ведение бизнеса для местных предпринимателей; тенденция устранения препятствий для предпринимательской деятельности особенно очевидна в Африке] // [The World bank] URL: <http://www.albankaldawli.org/ar/news/press-release/2013/10/28/doing-business-research-business-regulationentrepreneu rs-africa>.

UDC: 338.48

EXPLORING CLUSTER APPROACH DEVELOPMENT OF TOURISM INDUSTRY

*U.Matyakubov, Doctorate, Urgench State University, Urgench
Sh.Akhmedov, assistant teacher, Urgench State University, Urgench*

Аннотация. Ушбу мақолада кластерли ёндошувлар асосида туризм индустриясининг ривожланиши тадқиқ қилинган. Шунингдек, соҳага оид адабиётлар таҳлил қилиниб, туризмни кластерли ёндошув асосида ривожланишининг афзалликлари очиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, кластер, кластерли ёндошув, туризм мажмуаси, регион

Аннотация. В статье рассматривается развитие туристической индустрии на основе кластерных подходов. Также анализируется литература в данной области и раскрываются преимущества развития туризма на основе кластерного подхода.

Ключевые слова: туризм, кластер, кластерный подход, туристический комплекс, регион

Abstract. This article examines the development of the tourism industry based on cluster approaches. It also analyzes the literature in the field and reveals the advantages of developing tourism based on a cluster approach.

Key words: tourism, cluster, cluster approach, tourism complex, region

Introduction

International tourism is one of the few economic sectors in the world where incomes are growing every year despite economic uncertainty. According to the World Tourism Organization (UNWTO), tourism accounts for 9.4% of world GDP, taking into account the multiplier effect. Today, many countries consider tourism as one of the main sources of a significant part of their national income and are rapidly developing this industry [1]. In many countries, tourism is developing rapidly, is the country's leading industry and has great socio-economic importance, because it leads to an increase of hard currency as well as the increase of the creation of new jobs and the development of social and industrial infrastructure in the regions. In recent years, the formation of cluster structures is becoming one of the most important directions of state policy in the socio-economic development of many countries around the world.

In recent years, tourism as a strategic sector of the economy of Uzbekistan is developing promptly. In 2019, the number of foreign tourists visiting the country amounted to 6-7 million. Also in 2019, exports of tourist services reached to 1 313 million USD, compared to 2018 it increased by 26.1%. The country's tourism industry is developing year by year, and by 2019, the number of tour operators was 1,492, while the number of hotels was 1,188 [2].

Reforms carried out in Uzbekistan, including in the field of tourism, require careful study and effective use of all tools and means of socio-economic development available in the arsenal of world economic practice. In the tourism sector, a cluster is a group of geographically localized, economically interconnected business structures, united into a single technological chain for the production, sale of a tourist product and the implementation of tourist services based on the effective use of the tourist potential of the territory, closely interacting with government bodies, public organizations, educational and scientific institutions [3].

Literature review

Clusters are a tool, an opportunity for both business and the region not to develop on their own inertia. A cluster is about making itself competitive in the future as well as to create a strategy for the development of the enterprise for 5-10 years and more. Clusters consist of enterprises that specialize in a particular sector of the economy and are geographically localized [4].

"Cluster policy" in tourism, "tourist cluster" are fashionable and most frequently used concepts in modern scientific literature on recreation, as well as in journalism [5]. In the economic literature, the definition of "cluster" is interpreted in most cases from the point of view of concentration on a certain territory of a group of interconnected enterprises and organizations [6]. The founder of the cluster approach to defining and increasing regional competitiveness is Michael Porter, professor at the Harvard Business School. According to Porter, a cluster is a group of geographically localized interconnected companies - suppliers of equipment, components, specialized services, infrastructure, research institutes, universities and other organizations that complement each other and enhance the competitive advantages of individual companies and the cluster as a whole [7].

The cluster approach in the field of tourism has a great influence on the growth of business activity, the development of socio-economic systems in the region and creates conditions for the accelerated development of entrepreneurship. Favorable environment in the region leads to an increase of competition. The development of individual sectors of the region, including the innovation and investment processes taking place within them, is accelerated by the formation and strengthening of the tourism cluster, while increasing their competitive advantages [8].

The choice of a cluster approach for the development of the tourism industry is justified by the presence of a number of advantages in contrast to other approaches. First of all, the cluster approach contributes to a constructive dialogue between the business sector and government bodies, taking into account current trends in the increase in the successful use of public-private forms of interaction, which will increase the efficiency of interaction between the government, business, educational institutions and research institutes. In the context of globalization and increasing competition, it has great importance for the small and medium-sized business sectors.

Thinking about the possible creation of tourist clusters in Uzbekistan, according to the expert, it is important to determine the terminology and methodology, since world experience shows that clusters, as a form of interaction between existing entities, do not necessarily need to be formalized and, often, represent a set of favorable factors for the tourist business.

Methodology

Foreign and domestic scientific journals, including desk study and theoretical research, were used in the research of the topic:

a. Desk study is often referred to as a secondary research method. Desk study is a research method that involves the use of pre-existing data. The available data are collected and summarized to increase the overall effectiveness of the research. Desk study includes research materials published in research reports and similar documents. These documents can be obtained from public libraries, various websites and information filled in the questionnaires;

b. The methodology of the paper consists of the theoretical knowledge in the field of investigated study. We studied all the applicable domestic literature as well as foreign ones.

Discussion and finding

In foreign practice, the universal classification of cluster structures, proposed in the early 90s of the XX century by the German researcher J. Mayer-Stamer, has become widely known, which, among other things, can be applied to the field of tourism as well. A visual representation of this scientific approach is shown in Figure №1.




Figure №1. Universal cluster classification (According to Jörg Mayer-Stamer)

The first of the presented types of clusters, better known in foreign sources as the "Italian model", was first mentioned in relation to the industrial regions of the corresponding country. In this kind of clusters dominate small and medium-sized enterprises with a high degree of specialization. The network nature of the internal cluster structure is provided by a high level of cooperation ties and the speed of interaction between market participants.

Hub-and-spoke clusters represent a socio-economic platform in a certain territory, within which mutually beneficial cooperation of large business sector (including transnational corporations and network associations) with the medium and small business sectors is possible. Satellite clusters are characterized by a significant predominance of the share of small and medium-sized businesses that depend on external organizations in the cluster structure, which leads to a decrease in the efficiency of joint commercial activities and an irrational use of the available, limited economic resources. As an example regarding the hospitality industry, we can mention the clusters, the core of which is business tourism.

Clusters unite a wide range of groups interested in developing the region. The tourist complex is provided by enterprises and organizations that provide services to the tourists. The cluster is not limited to the tourism industry, but also includes government agencies, educational and scientific institutions, infrastructure services aimed at developing the country's tourism sector and increasing its tourist attractiveness (Figure 2).




Figure №2. Tourist cluster of the region

The tourism cluster operates independently of the tour and aims to develop the entire region, tourism and each of its participants. It is advisable to use the word "stakeholders" in relation to cluster members, taking into account the principles and goals of its organization. The cluster does not have a centralized governing body, but unites all participants in its development through a single goal - a synergistic effect.

However, the cluster approach does not provide a complete picture of the role of tourism in the development of the region. A number of factors that significantly affect the tourist attractiveness of the region are not taken into account in either the tourist complex or the cluster. Clusters make it possible to effectively develop the country as a factor in the economic development of regions. Regional economic development based on the creation and promotion of clusters presupposes business initiative, activity, legislative and executive power, and mutual business aspiration.

The cluster should include the following developments:

- the rate of growth of cluster production exceeds the average rate of growth of GRP;
- the competitiveness of the cluster, taking into account unit costs and product quality, is not inferior to the competitiveness of the corresponding sectors of the economy of other countries and regions;
- there is a stable cooperation of industries that are part of the cluster, the formation of agglomeration processes and network forms of organizations on this basis;
- the development of information and marketing links between the enterprises of the cluster is carried out on the basis of modern technologies, within the framework of interregional economic integration the missing links of the value chain are formed, common standards of production, supply and management are actively develop cluster brands;

Conclusion

It is assumed that this will increase the effectiveness of existing mini-clusters based on historical and cultural resources in the tourist centers of Uzbekistan, as well as actively develop recreational tourism in natural areas. In particular, there will be positive effect in Navoi, Khorezm regions and in the Republic of Karakalpakstan, which will partially reduce seasonal dependence on cultural and educational tourism.

In the future, within the framework of this work, the necessary conditions can be created for the introduction of tourist clusters in our country. This includes the presence of adequate institutions for the implementation of the cluster model of tourism, the development of research activities and an increase in the effectiveness of tourism education, the emergence of new knowledge and tourism technologies in practice, the improvement of the activities of professional tourism associations, as well as an increase in domestic demand for tourism and recreation services.

At the same time, plans for the development of tourist clusters should be coordinated with the regional development strategy; this will lead to an increase of the role of government in supporting not individual companies, but common projects in the interests of all participants in such clusters. As a result of all this actions there will be qualitative changes in the structure of the national tourism product and it will contribute to the formation of a competitive tourism industry in our country. For the development of the tourism cluster, it is necessary to develop a program for the regions of Uzbekistan. The conditions for the construction of tourism business infrastructure are created by the state government and financed by local and foreign financial institutions.

REFERENCES:

1. World Tourism Organization UNWTO: URL: <http://media.unwto.org>
2. Handbook (2019). Tourism in Uzbekistan. State Committee of the Republic of Uzbekistan for Tourism Development.
3. Makoev M.M. Cluster approach to the development of the tourism sector of the North Caucasus Federal District. Online magazine "Science" Issue 4 (23), July - August 2014
4. Ollanazarov B. Issues of increasing investment activity in the field of tourism services on the basis of a cluster approach // Scientific electronic journal "Economy and Innovative Technologies". № 1, January-February, 2019.
5. Agafonov V.A. (2010). Klasternaya strategiya: sistemnyy podkhod [Clusters Strategy - System Approach] Ekonomicheskaya nauka sovremennoy Rossii. (3). 77-91. (in Russian).
6. Mirzekhanova Z.G. The cluster approach to tourism development (on the example of Khabarovsk Territory).
7. Porter, M.E. On Competition. Boston: Harvard Business School, 1998.
8. Shoev D.A., Khabijonov S.K (2018). Cluster approach to tourism development. Achievements in science and education

УЎК 81.31.33

ЎЗБЕК ТИЛИ МАНБАЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ИЛК ТУРИСТИК ТЕРМИНЛАР ХУСУСИДА

Э.Ф.Бойманов, катта ўқитувчи, НавДПИ, Навоий

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбек тилига доир дастлабки манбаларда туризмни шаклланиши учун аҳамиятга эга ўринлар мисоллар асосида тавсифлаб берилган. Шунингдек, туризмнинг вужудга келишида инсон омилнинг муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: зиёрат, зиёратчи, сайр, саёҳат, сайёҳатчи, сайёҳ, сайёҳлик, сафар, мусофир, ҳаж, умра, томоша, туризм, турист.

Аннотация. В данной статье описаны примеры мест, имеющих значение для формирования туризма в первичных источниках на узбекском языке. Также было показано, что человеческий фактор важен в становлении туризма.

Ключевые слова: паломник, паломник, турист, путешественник, турист, турист, путешествие, незнакомец, паломничество, умра, смотреть, туризм, турист.

Abstract. This article describes examples of places that are important for the formation of tourism in primary sources in the Uzbek language. It was also shown that the human factor is important in the development of tourism.

Keywords: pilgrim, pilgrim, tourist, traveller, tourist, tourist, travel, stranger, pilgrimage, Umra, watch, tourism, tourist.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган ижобий ўзгаришлар ўзбек тили тараққиётига, айниқса, унинг терминологияси ва луғат тизими ривожига сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Тўғри, шу пайтгача ҳам ўзбек тилшунослари ўзбек тили терминологияси ва лексикографиясининг турли масалалари устида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Бироқ жамият тараққиёти туфайли янгидан пайдо бўлаётган ёки шу пайтгача кам эътибор берилган соҳалар ривожига учун шарт-шароитлар яратилмоқдаки, бу жараён ўзбек тили миллий терминологиясида тадқиқ қилиниши зарур бўлган муаммоларни юзага келтирмоқда. Ўз навбатида эса янги терминологик қатламларнинг юзага келиши, уларни маълум бир қолигга солиш, унификация қилиш, стандартлаштириш, уларнинг номенклатурасини тартибга солиш, изоҳли луғатини тузиш ҳамда ўзлашма терминларни миллийлаштириш сингари масалалар устида кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Ўзбек тилшунослиги олдида турган ана шундай долзарб масалалардан бири миллий туризм терминологиясини кенг ва атрофлича тадқиқ этиш ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда давлатимизнинг туризм соҳасига бўлган эътибори янада кучайди.

“Туризм” термини бугун пайдо бўлган тушунча эмас. Қадимдан инсон фаолиятини маълум бир тарзини ифодаловчи саёҳлик, ишлаш, дам олиш, спорт, савдо, илм-фан билан шуғулланиш, даволаниш ва бошқа мақсадларда ўз мамлакатидан бошқа жойларга, мамлакатларга вақтинчалик сафар қилишни англатган. Туризмнинг дастлабки белгилари сифатида саёҳат ва сайёҳликни кўришимиз мумкин. Сайёҳлик Марказий Осиё ҳудудида қадим замонлардан ривожланган бўлиб, ўлкамиздаги илк сайёҳлик кўринишлари «Буюк Ипак йўли» га бориб тақалади. Милоддан аввалги ХХ асрда очилган Буюк Ипак йўлини аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу йўл фақат савдо йўли бўлмай, айни пайтда дунё халқлари учун маданий ҳамда давлатлараро алоқалар йўли бўлган.

Марказий осийлик сайёҳатчиларнинг маълум бир қисми зиёратчилардан иборат бўлиб, муқаддас жойларга бориб зиёрат қилиш мақсадида узоқ ва машаққатли саёҳатларни амалга оширганлар.

Араблар Мовароуннаҳрни забт этиш йўли билан маҳаллий халқнинг урф-одати, дини ва эътиқоди, қадимдан ривожланиб келаётган маданиятга ўз таъсирини ўтказди, аста-секинлик билан Исломи дини кириб кела бошлади. Маҳаллий халқнинг Исломи динига ўтиши билан Марказий Осиёни араб мамлакатлари Маккаю Мадинага боғлади. Исломи дини фарзларидан бири ҳажга бориш ҳисобланиб, мовароуннаҳрликлар ўз юртларидан чиқиб Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия орқали ўтиб, Саудия Арабистонидаги Макка ва Мадинага ҳаж амалини бажарганлар. Бу йўл машаққатли, оғир, бир неча ой ва йилларни ўз ичига олган бўлса-да, йилдан йилга ҳажга борувчиларнинг сони ортиб борган.

Зиёратчи-олимларнинг энг машҳури деб буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийни киритишимиз мумкин. Имом Исмоил ал-Бухорий ўз онаси билан 17 ёшда ҳажга бориб, бир неча йил Арабистонда яшайди. У фикр илмига оид ҳадисларни йиғиш мақсадида Боғдод, Дамашк, Балх, Миср ва бошқа кўпгина араб шаҳарларида 40 йил саёҳат қилиб, ҳадисларни тўплайди. Бунга Имом ал-Бухорийнинг замондоши Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийни ҳам мисол қилиш мумкин.

20 дан ортиқ асарлар муаллифи, қомусий олим Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ўз билимини ошириш мақсадида Хуросон, Эрон, Ироқ ва Сурия мамлакатларига бориб, математика, география, астрономия фанларига улкан ҳисса қўшган.

«Байт-ул ҳикма»да фаолият кўрсатган олимлардан бири буюк астроном, математик, географ Аҳмад ал-Фарғонийдир. У фарғоналик бўлиб, аввал Марв, сўнгра Боғдод, Дамашк ва Қоҳира шаҳарларига бориб, астрономия, математика, география фанлари билан шуғулланади. У Қоҳира шаҳри яқинида жойлашган Равзо оролида Нил дарёси соҳилига қадимги гидрометр – дарё оқими сатҳини ўлчагич «Миқёс ан-Нил» иншооти қурилишига раҳбарлик қилди.

Ватандошларимиздан яна Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийлар каби буюк алломалар фан тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиши билан бирга эл кезган олимлардир. Ал-Берунийнинг «Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» асарларида Марказий Осиё географияси, халқлар маданияти ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи, сайёҳ-олим, темурийлар сулоласи вакилидир. Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома» энциклопедик асарида

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахр, Марказий Осиё, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон тарихи, маданияти ва табиати ҳақида жуда бой илмий маълумотлар келтиради. Бу, албатта, ушбу юртларни бевосита Бобур томонидан кезиб чиқилганидан далолат беради.

Саёҳатлардан ҳаёт фаолиятнинг алоҳида жозибадор усули сифатида янги шакл – туризм ажралиб чиққан бўлиб, у ўзига хос хусусиятлар ва хислатлари билан тавсифланади. Шунинг хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий Осиёда қадимги сайёҳлик Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, IX–XI асрларда сайёҳлик туфайли кишилар билимини оширадиган туризмнинг илмий турига асос солинган ва зиёратчилик кенг ривожланган эди.

Бугунги кунда замонавий туризм асосчиси деб тан олинган Баптист пастори Томас Кук биринчилардан бўлиб саёҳатчиларнинг оммавий сафар уюштиришининг моҳияти ва фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 йилда у дастлабки темир йўл орқали турни ташкиллаштирди ва муваффақиятга эришди. Шундан сўнг саёҳат, саёҳатчи ва турист, туризм тушунчалари бир-биридан фарклана бошлади.

Демак, ўзбек тилида туризм, саёҳат, сайёҳлик сингари тушунчаларни ўзида акс эттирган *саёҳат*, *мусофир*, *сайёҳ*, *сайёҳатчи*, *зиёрат*, *ҳаж*, *умра*, *томоша*, *сафар*, *сайр* сингари терминлар анча олдин қўлланганини кўриш мумкин. Бу терминлар ҳақида оғзаки ва ёзма ҳамда археологик манбаларда етарлича маълумот мавжудлигига доир жуда кўплаб фактик материалларни келтириш орқали фаолиятнинг бу тури билан аждоқларимиз қадимдан шуғулланишганини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида **қонуқ** (**қўнуқ**) – меҳмон. (Шоир) шундай деган: Барди эран **қонуқ**, Булур қутқа сақар. Қолди алиг уюқ, Коғар эвни йиғар [1., 154]. Амир Темурнинг оламшумул давлатига ташриф буюрган сайёҳларнинг хайратлари, Алишер Навоийнинг асарларида: **мусофир** – сафар қилувчи, ғурбатдаги киши, сайр қилувчи; бирор ерда вақтинча турувчи: Қуши андухудард алҳоли тортиб, *Мусофир* элга сўнг афғони тортиб [2., 75]; *Мусофир* элга афғон тортиб. ... ва дедиким, барча оламнинг *мусофири бўлдим* [3., 104]; **мусофирлиг** – **мусофирлик** сафарда юрганлик: Туштилари бир навъ бирла жамъ басир, Ё **мусофирлиг** била ёхуд асир [4., 159]: сайёр – сайр қилувчи, кезувчи: Ҳажрим тунда чарқим қолди ҳаракатдин, Эй ашк, қил ул кавқаби *сайёр*га маъруз [5., 282]; **сайёҳ** – кезувчи, сайёҳатчи, доим кезувчи: Яна ул вақтқачаким, хуришд Кўк биёбонида бўлғай *сайёҳ* [5., 370]; **сайёҳи жаҳонгард** – жаҳонни кезувчи жаҳонгашта: Ўзлук баводисини қад этиб мақсад ҳарамига муҳтарам бўлмак иккинчи *сайёҳи жаҳонгард* талаб манозилида бошдин қадам қилиб муршиди комил иршоиди ... [6., 274]; **ҳаж** – исломда беш фарздан бири (Маккага бориб Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш): Ва исломнинг бу мазкур тўрт рўки такмил тоқандин сўнгра мавжуддирки, сойир ҳалойиққа шарти иститоат ва амин тарикдур [3., 70]; **ҳаж йўли** – Маккага боришдаги йўл, масофа (Сабр) ... ҳажр шомидек тийра ва узун, аммо гоёти субҳивисол; **ҳаж йўлидек** қаттиғ ва йирок, аммо ниҳоятда каъбаи иқбол [7., 78]; **ҳаж сафари** – ҳажга бориш: Ҳаётларнинг охирида ҳаж сафари муддоасин [8., 115]; **ҳаж қил** – Маккага бориб Байтуллоҳ масжидини зиёрат қилмоқ: Мен эллик **ҳаж қилибмен** – бош яланг ва зоду ҳамроҳсиз [3., 133] қилдилар. Шунингдек, Алишер Навоийнинг “Сабаъи сайёр”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Муқимийнинг “Саёҳатнома”, Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд саёҳи”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Саёҳат хотиралари”, Исҳоқхон Ибрагим саёҳати таассуротлари сингариларда миллий туризмнинг аждоқларимиз ҳаётий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигини кўрсатади. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ер шарининг ясси эканлигини аниқлаб лойдан глобус ясаганлиги, халқимиз учун қадимдан удум бўлиб келаётган ҳаж ва умра сафарлари ҳам шулар жумласига қиради. Маҳмуд Кошғарий туркий қабилалар тарқалиш ареалини ифодаловчи харита чизганлиги, Маҳмудхўжа Бехбудий «Бехбудий нашриёти»да «Туркистон», «Бухоро ва Хива харитаси» китобларини чоп эттиргани сингариларда туризмни ривожлантириш учун дастлабки йўриқнома ва қўлланмалар яратилганлиги ҳамда Ҳаж ва Умра сафарлари халқимиз учун удум бўлиб қолганлиги ҳам фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Айтиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодининг йирик тармоқларидан бири бўлган туризм жадал ривожланиб бораётган бир пайтда унинг тарихи ҳамда туризм ишини ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларни ўзида мужассам этган соҳа терминларини қўллашдаги турли хил чалқашликларни бартараф этиш, уларнинг бир хиллигини таъминлаш мақсадида бир қолипга солиш, стандартлаштириш, унификация қилиш ҳамда терминларнинг имлосидаги ҳар хилликларни бартараф этиш сингари бир қатор долзарб масалалар ечимини кутмоқда. Шу боис ҳам миллий туризм терминологик тизимини ўрганиш, тадқиқ этиш ўзбек тили терминологияси олдида турган муҳим вазибалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –Б.154.
2. Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. –Б. 75
3. Алишер Навоий Насойимул-муҳаббат. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. –Б. 70.
4. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. –Б. 159.

5. Алишер Навоий. Хазойинул маоний. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. –Б.282.
6. Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. –Б. 274.
7. Алишер Навоий. Махбубул-кулуб. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. –Б. 78.
8. Алишер Навоий. Ҳолати Саййид Ҳасан Ардашер. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б.115.

УЎК 334.021.1

ХУДУДЛАРДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАЙЁРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИ

Н.Ф. Фуломова, докторант, ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент
Д.М. Бекчанов, доцент в.б., ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада ҳудудларни рақамлаштириши жараёнига таъсир қилувчи омиллар хориж тажрибаси ўрганилган ҳолда аниқланиб, улар асосида рейтинг баҳолаш усули ишлаб чиқилди. Ушбу рейтинг баҳолаш усули ҳудудларни рақамли иқтисодиётга ўтиши жараёнига тайёргарлик ҳолатини баҳолашга хизмат қилади.

Калим сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириши, баҳолаш, рейтинг, омиллар, ҳудудлар, АКТ, рақамлаштириши даражаси

Аннотация. В данной статье на основе изучения зарубежного опыта выявлены факторы, влияющие на процесс цифровизации регионов, на основе которого была разработана методика рейтинговой оценки. Данная рейтинговая оценка служит для оценки состояния готовности регионов к переходу к цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровизация, оценка, рейтинг, факторы, регионы, ИКТ, уровень цифровизации

Abstract. In this article, it has been identified the factors influencing the process of digitization of regions based on the study of foreign experience and in the framework of this a rating evaluation method has been developed. These rating method serve to assess the state of readiness of the regions for the transition to the digital economy.

Key words: digital economy, digitalization, evaluation, ranking, factors, regions, ICT, digitalization level

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига, ҳудудий тузилиш, хусусан урбанизация ва ҳудуднинг ривожланиш даражаси таъсир қилади. Ҳозирги вақтда асосий технологик, ахборот ва интеллектуал ресурслар шаҳарларда жойлашган. Рақамли иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантиришда ҳудудни ривожланиш даражаси, яъни унинг аҳолиси, саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт тармоқлари ва бошқа соҳаларни ривожланганлигига эътибор қаратиш лозим. Узоқ ва чекка ҳудудларда рақамли инфратузилмани ривожлантириш харажатлари сезиларли даражада мураккаблашади ва қимматлашади, бу эса ушбу ҳудуд аҳолисининг бир қисмини ахборот жамиятига киришини секинлаштиради.

Тўртта халқаро баҳолаш услублари танлаб олинди, улар асосида давлатлараро таққослаш амалга оширилади:

1. «Digital Planet 2017» методикаси [1], ушбу баҳолаш усули Бхаскар Чакраворти и Рави Шанкарлар томонидан ишлаб чиқилган. Унинг доирасида муаллифлар мамлакатларнинг рақамли иқтисодиётнинг ҳолати ва ривожланиш суратларини баҳоладилар. Улар томонидан ишлаб чиқилган Рақамли ривожланиш индекси (Digital Evolution Index) 4 та асосий омиллар бўйича гуруҳланган 170 кўрсаткични ўз ичига олади:

- Таклиф даражаси (Интернетга кириш ва инфратузилмани ривожланиш даражаси);
- Аҳолининг рақамли технологияларга бўлган талаби;
- Институционал муҳит (давлат сиёсати, қонунчилик, манбалар);
- Инновацион иқлим (инвестиция, тадқиқотлар ва стартаплар).

2017 йилда 60 мамлакатда Рақамли ривожланиш индексини ҳисоблаш натижасида муаллифлар “Рақамли планета” (Digital Planet) схемасини туздилар ва уни 4 та сегмент бўйича белгилашди: муаммоли давлатлар минтақаси, истиқболли давлатлар минтақаси, етакчи мамлакатлар минтақаси ва ўсиш суръати секин мамлакатлар минтақаси.

2. Рақамли иқтисодиёт ва жамият индексини ҳисоблаш учун Европа комиссиясининг методологияси (Digital Economy and Society Index) [2]. Ушбу индекс 5 та йўналиш бўйича бирлаштирилган 31 кўрсаткичлар бўйича маълумотлар асосида ҳисобланади: алоқа (кенг полосали Интернет ва мобил уланиш, Интернет тезлиги ва нархи), инсон капитали (асосий кўникмалар ва алоқа, истиқболли имкониятлар), Интернетдан фойдаланиш (контент, алоқа ва транзакциялар), рақамли технологияларнинг интеграцияси (электрон бизнес ва электрон тижорат) ва давлат рақамли хизматлари (электрон ҳукумат).

3. АКТ ривожланиш индекси– ICT Development Index – IDI [3] (Халқаро электралоқа

Иттифоқи). Мақсади: дунё мамлакатларида ахборот коммуникация технологияларининг ҳолати ва ривожланиш даражасини ўлчаш. АКТ ривожланиш индекси комплекс индикатор бўлиб, 3 субиндексга бирлаштирилган 11 та кўрсаткични ўз ичига олади: инфратузилмани ривожланиши ва АКТга кириш (Access Index), АКТдан фойдаланиш (Use Index) ва АКТ билан ишлаш кўникмалари (Skills Index).

4. *Тармоқ жамиятига тайёрлик индекси (Networked Readiness Index, NRI)*[4]. Ушбу индекс турли мамлакатларда ахборот жамиятининг ривожланиш даражасини акс эттирувчи қиёсий рейтингларни таҳлил қилиш воситаси сифатида қўлланилади. У учта асосий гуруҳга бирлаштирилган индексга киритилган 67 параметр бўйича 129 мамлакатларнинг ахборот имкониятларини ўлчайди: АКТ ривожланиши учун шарт шароитлар мавжудлиги; фуқаролар, бизнес ва ҳукуматнинг АКТдан фойдаланишга тайёрлиги; давлат, тижорат ва жамоат секторларида АКТдан фойдаланиш даражаси. Индексни ҳисоблаш методологияси учта асосий омилга асосланади: АКТ муҳити, тайёрлиги ва ундан фойдаланиши.

Ушбу юқорида кўрсатилган баҳолаш услубларидан фақатгина Ўзбекистон Республикаси АКТ ривожланиш индекси – *ICT Development Index* аниқланган. 2017 йил ҳолатига кўра Ўзбекистон 95-чи ўринни эгаллаб турибди [5].

	Россия Федерацияси	Қозғоғистон	Ўзбекистон	Қирғизистон
АКТ ривожланиш индекси рейтинги 2017	45	52	95	109
АКТ ривожланиш индекси рейтинги 2016	43	51	103	110
АКТ ривожланиш индекси қиймати 2017	7.07	6.79	4.90	4.37
АКТ ривожланиш индекси қиймати 2016	6.91	6.72	4.48	4.06

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими таркиби тасдиқланган [6].

Ўзбекистон Республикасида АКТни жорий қилиш, ташкилотларнинг асосий фаолиятларини автоматлаштириш ҳолатини аниқлаш мақсадида баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган. Ташкилотларда АКТни жорий этиш ҳолатини баҳолаш экспертлар томонидан ўрганиш давомида олинган маълумотлар “Давлат ва маҳаллий бошқарув, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот коммуникация технологияларини жорий этилишини баҳолаш методологияси”га мувофиқ сўровнома асосида амалга оширилган.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган ташкилотларда АКТни жорий қилиш ҳолати ўрганилган. Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикасининг 114 та ташкилоти кириб, уларга 14 та Вазирлик, 8 та давлат қўмити, 6 та агентлик, 2 та қўмити, 5 та Марказ, 7 та Инспекция, 9 та Банк, 4 та Ассоцияси ва Концерн, 20 та Компания, 12 та Бирлашма ва жамият, 14 та Маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳамда 12 та бошқа ташкилотлар кириди [7].

Ташкилотларда АКТни жорий этиш ҳолатини баҳолаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади [8]:

– Эксперт баҳолаш усули – расмий веб сайтлар, ахборот тизимлари ва ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини эксперт мониторинги натижалари бўйича экспертлар томонидан тўлдирилган сўровнамалар асосида шакллантирилади.

– Тақдим этилган маълумотлар асосида баҳолаш – автоматлаштирилган усулда олинган маълумотлар ва сўровномага мувофиқ ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади.

Ушбу усуллар бир қатор камчиликлар билан тавсифланади:

1. Ушбу методикада фойдаланилган кўрсаткичлар ҳудудий статистикада мавжуд эмас.

2. Ўзбекистон Республикаси учун мос эмас, чунки ички статистика бир қатор кўрсаткичларни ҳисобга олмайди.

3. Индекс кўрсаткичларининг олдинги йиллардаги кўрсаткичларга мос келмаслиги (ҳисоблаш усуллари доимо ўзгариб туради)

4. АКТ ривожланишига таъсир кўрсатувчи мамлакатларнинг ҳудуд ва география жиҳатидан фарқлари ҳисобга олинмаганлиги.

Ташкилотнинг АКТни жорий этиш ҳолатини баҳолаш учун рейтинг тизимида қуйидаги индикаторлар бўйича баҳоланган:

– “Расмий веб сайт ва интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш” бўлимини баҳолаш;

– “Интернет тармоғидаги расмий веб сайтнинг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш имконияти” кўрсаткичини баҳолаш;

– “Расмий веб сайтда тегишли маълумот, ташкилот фаолияти бўйича статистик ва аналитик

маълумотлар мавжудлиги;

–“Расмий веб сайтнинг қонун талабларига мувофиқлиги” ва “Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш сифати”;

–“Ташкилотлар масалалари бўйича фуқароларнинг телефон қўнғироқларини ёзиб олиш имконияти мавжудлиги;

–“Интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатларини ЭПИГУ орқали кўриб чиқиш индикатори.

Ахборот – технологияларни тадқиқ этилаётган ҳудудлар бўйича қамров даражасини аниқлаш тадқиқ этилаётган ҳудудлар орасида қайси ҳудудда рақамли иқтисодиёт бошқа ҳудудларга нисбатан юқори ёки паст даражада ривожланганлигини аниқлаб беради. Бунда таклиф этилаётган усул асосида ҳудудларда рақамли иқтисодиётни ривожланганлик даражасини аниқлаш қайси ҳолат ва омил асосида ривожланганлигини аниқлаш имкониятини беради.

Мазкур келтириб ўтилган усулнинг **мақсади** ҳудудларда рақамли иқтисодиётни қамров даражасини аниқлашдан иборат. Келтириб ўтилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда ахборот – технологияларни қамров даражасини рейтингини аниқлаш учун қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш зарур:

– ҳудудларда рақамли иқтисодиётни ривожланганлик ҳолатларини ва омилларини аниқлаш;

– тадқиқ этиладиган ҳолатларнинг кўрсаткичларини бир ҳил бирликка келтириш;

– тадқиқ этилаётган ҳолатларнинг кўрсаткичларини ўзгарувчанлигини аниқлаш керак.

Ҳудуднинг рақамлаштириш даражаси

Рақамлаштириш ҳолати	Омил	Кўрсаткич
Рақамли инфратузилма	Интернет тармоғи	Симли Интернетдан фойдаланувчилар сони, умумий аҳоли сонидан % Мобил Интернетдан фойдаланувчилар сони, умумий аҳоли сонидан %
	Мобил телефон алоқа	Мобил телефон алоқа қамрови, %
	Телефон тармоғи	Маҳаллий телефон тармоқларини рақамлаштирилгани, %
	Рақамли уланиш тизимлари	Оптик толали алоқа линияларининг умумий ўтказилиши, % Алоқа база станциялари сони, % Аҳолини рақамли телевидение билан қамрови (%)
	Интернет нархи ва тезлиги	Халқаро тармоқларга киришнинг умумий тезлиги (Мбит/с), % Провайдер учун Интернет хизматлари (ташқи каналлар) тарифлари нархи (АҚШ долл.)
	Интернет ва телефон компаниялари	Интернет ва телефон компанияларининг рақобатбардошлиги (Херфендал Хирш индекси асосида баҳолашиб натижаларни [0 1] оралиқда келтирилади.
	Норматив ҳуқуқий ҳужжат	АКТга тегишли қонун ости ҳужжатлар, қарорлар, ҳужжатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари Тартибга солувчи ҳужжатларнинг сифати
	Рақамли тўловларни қабул қилиш инфратузилмаси	Электрон тўлов тизимига эга бўлган юридик шахслар % да
Рақамли компетенциялар	Таълимнинг рақамли инфратузилмаси	1. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида компьютерлар сони ҳар бир 100 кишига 2. Мактабларда компьютерлар сони компьютерларни кишига нисбати 3. Мактаб, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида Интернет қамрови
	Интернет кўникмалари	Интернетдан ҳар куни ёки деярли ҳар куни фойдаланаётган аҳоли, %
	Компьютер кўникмалари	Шахсий компьютердан фойдаланувчи аҳоли сони, %
	Илғор кўникмалар	1. АКТ битирувчиларини умумий битирувчиларга нисбати (бакалавр, магистр, PhD, DSc) 2. АКТ мутахассисларни умумий мутахассисларга нисбати (АКТ бўйича фаолият олиб бораётган мутахассислар)
Ҳудуднинг ривожланганлик даражаси	Рақамли таълим	АКТ йўналиши бўйича университетларнинг умумий университетларга нисбати Онлайн ўқув дастурлари умумий ўқув дастурларига кўра нисбати АКТ бўйича мактабларда ўқув фанларининг нисбати
	Маъмурий ҳудудий тузилиш	Шаҳар аҳолисининг умумий аҳоли сонидаги улуши (эксперт баҳолаш усули асосида [0 1] оралиқда урбанизация даражаси баҳоланади) Аҳолининг зичлиги (киши/км ²)

	Энергия манбалари	Аҳоли жон бошига электр энергия ишлаб чиқариш, кВт·с/киши. (эксперт баҳолаш усули асосида [0 1] ораликда баҳоланади)
	Молиявий манбалар	1. ЯХМ таркибидаги ИКТ нисбати 2. АКТга киритилган инвестицияларни ялпи инвестицияларга нисбати
Фан ва инновациянинг ривожланиши	Илмий тадқиқотлар	1. Ихтирочилик фаолияти коэффициенти 2. Илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи ходимларни иқтисодий бандларга нисбати
	Инновацион фаолият	Ўтказилган товарлар, бажарилган ишлар, саноат ишлаб чиқариш ташкилотлари ва хизматларининг умумий ҳажмида инновацион товарлар, ишлар ва хизматларнинг нисбати
	Илмий тадқиқот ишларига сарфланадиган харажатлар	Илмий тадқиқот ишларига сарфланадиган харажатлар ЯХМга нисбати
	Илмий тадқиқот соҳасида университет ва саноат ҳамкорлиги	Яратилган технологияларнинг тижоратланиш даражаси (эксперт баҳолаш усули асосида [0 1] ораликда баҳоланади)

Мазкур таклиф этилаётган усулнинг камчилиги шундан иборатки, агар ўрганилаётган ҳолатнинг кўрсаткичларини ўзгарувчанлик даражаси юқори бўлиши ушбу ҳудудда рақамли иқтисодиётни ривожланганлик даражасини таклиф этилган усул тўлиқ баҳолай олмайди. Бунда ўрганилаётган ҳолатларнинг ўзгарувчанлик даражасини вариацион кенглиги, вариация коэффициентларини ҳисоблаб аниқлаш мумкин (бунда вариацион кенгликни юқори бўлиши; вариация коэффициентини 0.2 дан юқори бўлиши).

Юқорида келтириб ўтилган жадвалда ҳудудларда рақамлаштирилганлигини ифодаловчи ҳолатлар ва уларнинг омиллари келтирилган бўлиб, тадқиқ этилаётган ҳудудлар бўйича қуйидаги келтирилган формула асосида ҳудудларда рақамлаштирилганлигини рейтинг баҳосини аниқлаш мумкин (1-формула). Келтирилган формула асосида омилларнинг кўрсаткичлари бўйича рейтинг баҳоси ҳисоблаб чиқилади

$$X_i = \sqrt[k_1 \cdot k_2 \cdot \dots \cdot k_n] \quad (1)$$

Бунда: X_i – омил рейтингини i -омил, k_i – ҳар бир омилнинг кўрсаткичлари $k_i = \overline{1, n}$.

Мазкур юқорида келтирилган формула ҳар бир ҳудуднинг ҳолатларини омиллари бўйича рақамли рақамлаштиришни ўртача даражасини аниқлаб беради.

2-жадвал

Ҳудудларда рақамлаштириш субъектлари фаоллиги индикатори

Рақамлаштириш йўналиши	Омил	Кўрсаткич
Жисмоний шахсларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиши	Интернетдан фойдаланиш мақсади	1. Фильмлар, мусиқа, расмларни юклаб олиш; видео томоша қилиш; мусиқа ва радио тинглаш; 2. Товарлар ва хизматлар ҳақида муълумотлар излаш; 3. Ижтимоий тармоқларда қатнашиш, % (Юқорида келтирилган учта кўрсаткич эксперт баҳолаш усули асосида [0 1] ораликда баҳоланади) 4. Интернет орқали телефон кўнғироқлари ёки видео кўнғироқлар, умумийсига нисбати 5. Электрон почта хабарини жўнатиш ёки олиш, умумийсига нисбати
	Интернет тармоғи орқали битимлар ва транзакциялар	1. Банк хизматлари, пул ўтказмалари, суғурта хизматлари, қимматли қоғозлар ва бошқа онлайн опрецияларни амалга ошираётган аҳоли сони (умумий аҳолига нисбати), Электрон имзога эга фуқаролар сони (улуши); 2. Маҳсулот ёки товарларни онлайн сотиш ва сотиб олиш (умумийга нисбати).
Юридик шахсларнинг (хусусий компанияларда) рақамли технологиялардан фойдаланиши	Электрон ҳужжат айланиши	Ташкилотларда электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш, умумийга нисбати
	Кенг поласали Интернет ва дастурий таъминотдан фойдаланиш	1. Интернет тармоғига уланишга эга ташкилотлар, умумийга нисбати; 2. Махсус дастурлардан фойдаланувчи ташкилотлар, умумийга нисбати.
	Веб сайтларнинг мавжудлиги ва иш ўринларини рақамлаштириш	1. Веб сайтга эга ташкилотлар, умумий ташкилотларга нисбати; 2. Интернетга кириш имконига эга бўлган компьютерлар (жами компьютерга нисбати); 3. Савдо қилиш веб сайтга эга ташкилотлар умумий ташкилотларга нисбати
Давлат ташкилотларининг рақамли технологиялардан фойдаланиши	Давлат рақамли хизматлари	1. Давлат хизматлари олиш учун мобил воситалардан фойдаланувчи аҳоли, % 2. Давлат рақамли хизматларни расмий веб сайт ва портал орқали олаётган аҳоли, % 3. Аҳолининг Интернет орқали давлат ва маҳаллий ҳокимият

		органлари билан муносабати, онлайн маслаҳат, муружаат, умумийсига нисбати.
	Киберхавфсизлик	Маълумотларни ҳимоя қилиш тизими мавжудлиги (эксперт баҳолаш усули асосида [0 1] оралиқда баҳоланади)
	Иқтисодий тармоқларини рақамлаштирилгани	1. Бизнес учун рақамли давлат хизматлари умумий хизматларга нисбати
	Соғлиқни сақлаш рақамлаштирилгани	1. Тиббий маълумотларни электрон алмашуви, умумийсига нисбати. 2. Электрон соғлиқни сақлаш хизматлари, умумийсига нисбати.

Худудни рақамлаштиришни ҳар бир ҳолатини даражасини аниқлаш учун дастлаб келтирилган формуладан фойдаланилади (2-формула):

$$R_j = \sqrt[n]{\prod_{i=1}^n X_i} \quad (2)$$

Бунда R_j - худудни ҳолат бўйича рақамлашишини рейтинг; j -ҳолат; X_i – омил рейтинг i -омил.

Тадқиқ этилаётган худудни барча ҳолатлари бўйича рақамлашганлигини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади (3-формула):

$$DR = \sqrt[n]{\prod_{j=1}^n R_j} \quad (3)$$

Бунда DR - худуднинг рақамлашганлик рейтинг; R_j - худудни ҳолат бўйича рақамлашишини рейтинг.

Юқорида келтириб ўтилган худудларнинг рақамлашиш даражалари худудларда ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда ресурслар харажатларини камайтириш, меҳнат самарадорлигини оширишга, иқтисодий ўсиш интенсив омилларидан фойдаланишга олиб келади. Бу эса худудларда субъектларда рақамли фаолликни оширишига олиб келади, улар 2-жадвалда келтирилган ҳолатлар билан ифодаланади.

Худудларда рақамлаштириш субъектлари фаоллиги индикаторини аниқлашда юқорида келтириб ўтилган рейтинг усулидан фойдаланилади. Бунда рақамлаштириш субъектларнинг фаоллик индикаторини аниқлашда дастлаб омилларнинг рейтинг ва шу асосида рақамлаштириш йўналишларнинг рейтинг аниқланади.

Худудларнинг рақамлаштириш даражаси ва субъектларнинг фаолликларини келтирилган рейтинг усули асосида баҳолашда уларнинг натижалари [0 1] бўлади. Шу сабабли уларни натижаларига асосан қуйидаги жадвал асосида маънолари келтирилади.



1-расм. Худудларни рақамли иқтисодийга тайёргарлик ҳолати матрицаси

Рейтинг баҳо ва унинг аҳамияти

Рейтинг баҳосининг аҳамияти (маъноси)	Рейтинг баҳо
юқори	0.8-1
ўртача	0.5-0.79
паст	0.2-0.49
қониқарсиз	0-0.19

Жадвалда келтирилган рейтинг баҳолар тадқиқ этилаётган ҳудудлар орасида рақамлаштириш ва рақамланган субъектларнинг фаоллиги қай даражада эканлигини аниқлаш билан бир қаторда рейтинг баҳоларнинг аҳамияти юқорида келтирилган ҳолатлар бўйича қуйидагича изоҳланиши ҳам мумкин:

- Ҳудудларнинг рақамлаштириш даражаси, яъни рақамли иқтисодиётни омили сифатида қаралганда рейтинг баҳоларнинг маъноси ҳудудда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш юқори, ўртача, паст, қониқарсиз даражада эканлигини ифодалайди;

- Рақамлашган субъектларнинг фаоллиги рақамли иқтисодиётни ривожланишни натижавий кўрсаткичи сифатида қаралганда ҳудуднинг ривожланганлик даражасини ифодалайди.

Агар ҳудудларни рақамлашиш даражаси ривожлантириш омили, рақамлашган субъектларнинг фаоллиги натижавий омил сифатида қаралса, бунда уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлашни талаб этиб уларнинг ўзаро алоқаси қуйидаги матрица кўринишида келтирилади (1-расм).

Бунда ҳудудларда рақамлашганлик даражаси ҳар бир ҳолати бўйича ҳудудларда рақамлашган субъектларнинг фаоллигини кўрсатиб тўриб ҳудудларнинг келтирилган имкониятларидан келиб чиққан ҳолда рақамли иқтисодиётни ривожланганлигини ифодалайди. Қайси ҳудудларда рақамли иқтисодиёт салоҳиятидан фойдаланганлик ҳолатини аниқлайди. Шундан келиб чиққан ҳолатда улар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ҳудудни рақамлаштириш даражаси қониқарсиз шу сабабдан рақамлашган субъектларнинг фаоллиги ҳам қониқарсиз (иккита ҳолат бўйича рейтинг баҳо [0-0.19]);

2. Ҳудудни рақамлаштиришнинг рейтинг баҳоси [0.2-1] оралиғида, аммо рақамлашган субъектларнинг фаоллик рейтинг баҳоси [0-0.19];


3. Ҳудудни рақамлаштиришнинг рейтинг баҳоси [0-0.19], аммо рақамлашган субъектларнинг фаоллик рейтинг баҳоси [0.5-0.79];

4. Ҳудудни рақамлаштиришнинг рейтинг баҳоси [0.2-0.49], рақамлашган субъектларнинг фаоллик рейтинг баҳоси [0.2-0.49];

5. Ҳудудни рақамлаштиришнинг рейтинг баҳоси (0-0.79), рақамлашган субъектларнинг фаоллик рейтинг баҳоси [0.8-1];

6. Ҳудудни рақамлаштиришнинг рейтинг баҳоси [0.8-1], рақамлашган субъектларнинг фаоллик рейтинг баҳоси [0.8-1].

Юқорида келтириб ўтилган гуруҳларнинг айрим баъзи номуаносибликлар мавжуд ҳудудни рақамлаштириш рейтинг баҳосини юқори бўлганда фаоллик даражаси паст даражада бўлиши бунда ҳудуднинг рақамли технологияларни қабул даражаси паст эканлиги ёки рақамли субъектларнинг фаоллигига оид норматив ҳуқуқларнинг етарли даражада эмаслиги билан боғлиқдир. Ҳудудларнинг рақамлашган даражасини қониқарсиз бўлганда рақамли субъектларнинг фаоллиги ўрта даражада бўлиши, бунда иқтисодиётнинг интеграциялашганлиги, ички миграция ва бошқа ҳолатларнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, келтирилган матрицани таҳлили ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб унинг ҳар бир ҳолати изоҳланади.



2-расм. Ҳудуднинг рақамлаштириш даражаси ривожланиши даражаларини ўзаро таъсири
Юқорида келтирилган ҳудудларнинг рақамлашиш даражасидаги ҳолатлардан маълумки

худудларни рақамлашиш даражасининг энг асосий омиллари рақамли инфратузилма, ундан кейин эса рақамли компетенциялар, худуднинг ривожланганлик даражаси, фан ва инновациянинг ривожланиши. Келтирилган ҳолатларнинг омилларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш учун регрессия тенгламасидан фойдаланиш мумкин. Ушбу усулнинг камчилиги жараёнлар ўртасидаги ўзаро таъсирни аниқлаш учун тадқиқ этаётган жараён бўйича кўпроқ маълумот тўплаш керак.

Юқорида келтириб ўтилган расм худуднинг рақамлашиш ҳолатларини ўзаро таъсири келтирилган бўлиб жараённи хусусиятидан келиб чиққан ҳолат регрессия тенгламаси тузилади. b_i параметр ҳар бир ҳолат рейтингини кейинги ҳолат рейтингига ўртача таъсири келтирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда куйидаги регрессия тенгламаларининг параметрлари ҳисобланади. Мазкур жараёнда инфратузилма рейтингини бир бирликка ўзгариши рақамли компетенцияга ўртача b_1 га таъсир қилади, рақамли компетенциянинг рейтингини худуднинг ривожланганлик даражаси рейтингига ўртача b_2 , худуднинг ривожланганлик даражаси рейтингини фан ва инновациянинг ривожланиши рейтингига ўртача b_3 га таъсир қилади, фан ва инновациянинг ривожланиши рейтингини эса рақамли инфратузилмага ўртача b_4 га таъсир қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки агар инфратузилма рейтингини бир бирлик ошириш инфратузилма рейтингини b_4 га ўзгаришига олиб келади.

Юқорида таклиф этилган баҳолаш усулидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси худудларини рақамли иқтисодий ривожланганлик даражаси бўйича сегментларга ажратиб чиқишни ҳамда ҳар бир худуднинг ривожланганлик даражасига қараб унга стратегиялар ишлаб чиқишни талаб этади. Зеро, ушбу ёндашувни қўллаш худудларда рақамли тафовутни пайдо бўлишини олдини олади ва иқтисодий тармоқларини рақамлаштиришни барқарорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. V.Chakravorti & R.Chaturvedi, Digital planet 2017, How competitiveness and trust in digital economies vary across the world, The Fletcher School, Tufts University, July 2017
2. European Commission, The Digital Economy and Society Index (DESI) , <https://ec.europa.eu/digital-single-market/en/desi>
3. Международный союз электросвязи, <https://www.itu.int/ru/about/Pages/default.aspx>
4. Portulans institute, Network Readiness Index, <https://networkreadinessindex.org/>
5. ICT Development index report, <https://www.itu.int/net4/ITU-D/idi/2017/index.html#idi2017economyocard-tab&UZB>
6. O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, http://mitc.uz/uz/pages/marking_ict
7. Приложение №2 к протоколу Республиканской комиссии по координации реализации Комплексной программы развития Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан на 2013-2020 годы от «23» февраля 2016 года № 7, Перечень органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, а также других ведомств, учреждений и организаций, подлежащих рейтинговой оценке внедрения и развития информационно-коммуникационных технологий, <http://mitc.uz/media/8c2f1465-f2db-93aa-339e-1ce197625bea.pdf>
8. Приложение №3 к протоколу Республиканской комиссии по координации реализации Комплексной программы развития Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан на 2013-2020 годы от «23» февраля 2016 года № 7, <http://mitc.uz/media/fe034b94-4cf6-45c7-ee7b-b40c89d04d6c.pdf>

УДК 33

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИИ МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ УНИТАРНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ “O'ZTEMIRYO'LMASHTAMIR”

А.Б. Джуманова, к.э.н., Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент

Аннотация. Ушбу мақолада "ЎЗТЕМИРЙЎЛМАШТАМИР" унитар корхонасининг моддий захираларидан фойдаланишни такомиллаштириши ёритилган.

Калим сўз: унитар корхона, иқтисодий, инвентаризация, "ЎЗТЕМИРЙЎЛМАШТАМИР"

Аннотация. В данной статье освещено совершенствование управления использования материальных запасов унитарного предприятия "O'ZTEMIRYO'LMASHTAMIR".

Ключевые слова: унитарное предприятие, экономика, материальные запасы, "O'ZTEMIRYO'LMASHTAMIR"

Abstract. This article highlights the improvement in the use of material reserves of the unitary enterprise "O'ZTEMIRYO'LMASHTAMIR".

Keyword: unitary enterprise, economy, inventory, "O'ZTEMIRYO'LMASHTAMIR"

Регулирование использования материальных запасов и повышение эффективности их использования в производственном процессе позволяет снизить себестоимость работ и услуг и увеличить конечный финансовый результат хозяйственной деятельности предприятия. В том числе и на предприятиях входящих в состав Акционерного Общества «Узбекистон темир йуллари». И одним из таких предприятий является Унитарное предприятие "O'ztemiryo'lmash'ta'mir". Главными целями и задачами деятельности предприятия являются преимущественное, своевременное и полное удовлетворение потребностей железнодорожного транспорта Республики Узбекистан в строительстве, капитальном и текущем ремонте железнодорожного подвижного состава и иной

железнодорожной техники, в обеспечении запасными частями, узлами и агрегатами к ним для организации бесперебойного перевозочного процесса. В табл. 1 приведена динамика объема основных видов продукции предприятия на внутреннем и внешнем рынках.

Таблица 1
Динамика объема основных видов продукции предприятия на внутреннем и внешнем рынках за 2017-2019 гг.*

Вид поставляемой продукции	2017г	2018г	2019г	Темп роста			
				к 2017 г.		к 2018 г.	
				Абсолютное(+,-)	Относительное,%	Абсолютное(+,-)	Относительное,%
Тепловозы, всего, сек	91	87	91	0	0	4	104
в т. ч. на внутреннем рынке, сек	76	75	70	-9	88	-7	90
на внешнем рынке, сек	15	12	21	9	164	11	191
Электровагоны, всего, сек	6	31	21	15	3,5р	-10	67
Вагоны, всего, шт	50	37	8	-42	19	-29	21

*Данные отчетности предприятия УП «O'ztemiyo'lmashta'mir» за 2017-2019гг

Для улучшения финансово – хозяйственной деятельности на сегодняшний день осуществляются: совершенствование экономических методов управления структурными подразделениями, входящими в состав Предприятия; разработка долгосрочных и перспективных прогнозов и программ экономического и социального развития Предприятия и его структурных подразделений; расширение сферы деятельности Предприятия, развитие внешнеэкономических связей; осуществление мер по экономному расходованию материалов, топлива, электроэнергии и других материальных и энергетических ресурсов.

Результаты от выше приведенных мероприятий можно наблюдать на производственно – финансовых показателях. В табл.2 представлены в динамике производственно – финансовые показатели анализируемого предприятия.

Таблица 2
Динамика основных производственно – финансовых показателей УП «O'ztemiyo'lmashta'mir» за 2017-2019гг*

	2017г.	2018 г.	2019 г.	Изменения в 2019г.			
				к 2017 г.		к 2018г.	
				Абсолютное(+,-)	Относительное,%	Абсолютное(+,-)	Относительное,%
Объем товарной продукции млн. сум	70167	119435	157885	87718	2,25р	38450	132
Платные услуги, млн. сум	93,95	97,85	100,5	6,55	106	2,65	102
Товары народного потребления млн. сум	48,47	53,3	54,4	5,93	112	1,1	102

*Данные отчетности предприятия УП «O'ztemiyo'lmashta'mir» за 2017-2019гг

Для увеличения финансовых показателей предприятия, определяющее значение приобретают качественные показатели, например, такие, как снижение удельных затрат сырья, материалов и топлива.

Информация бухгалтерского учета должна способствовать изысканию резервов снижения себестоимости продукции в части рационального использования материалов, снижения норм расхода, обеспечения надлежащего хранения материалов, их сохранности. Основные задачи бухгалтерского учета в этой области заключаются в следующем:

- контроль над сохранностью материальных ценностей в местах их хранения и на всех стадиях использования;
- правильное и своевременное документирование всех операций по движению материальных ценностей;
- расчет фактической себестоимости израсходованных материалов и их остатков по местам хранения и статьям баланса;
- систематический контроль над соблюдением установленных норм запасов, выявление излишних и неиспользуемых материалов, их реализация;
- своевременное осуществление расчетов с поставщиками материалов, контроль над материалами, находящимися в пути, неотфактурованными поставками. Для успешного выполнения задач, стоящих перед бухгалтерским учетом, необходимо:
 - иметь номенклатуру - ценник;
 - установить четкую систему документации и документооборота;
 - проводить в установленном порядке инвентаризацию и контрольные выборочные проверки остатков материалов, своевременно отражать результаты в бухгалтерском учете;
 - шире внедрять своевременные средства автоматизации учета.

В процессе производства используются различные материальные ценности. Одни материалы полностью потребляются в производственном процессе (сырье и материалы), другие - изменяют только форму (смазочные материалы, краска), третьи - входят в изделия без каких-либо внешних

изменений (запасные части), четвертые - только способствуют изготовлению изделий, не входят в их массу или химический состав.

Состав ТМЗ УП «O'ztemiyo'lmashta'mir» за 2017-2019гг. можно наблюдать в табл.3.

Таблица 3

№	Показатели	2017г.	2018 г.	2019 г.	Изменения в 2019г.по отношению			
					К 2017 г.		К 2018г.	
					Абсолютное(+,-)	Относительное,%	Абсолютное (+,-)	Относительное,%
1	Производственные запасы	16231455	19146306	27219517	10988062	167	8073211	142
2	Незавершенное производство	14805967	13031097	12225220	-2580747	82	-805877	93
3	Готовая продукция	1053221	751674	794537	-258684	75	42863	105

*Данные финансового отчетности УП «O'ztemiyo'lmashta'mir» за 2017-2019гг

Чтобы система контроля использования материалов была действительно комплексной и целостной, ее следует организовать на уровне цехов, отделений, участков и других внутрипроизводственных объединений, довести до них задания по снижению норм расхода материалов и лимит материальных затрат, проконтролировать увязку этих заданий с аналогичными показателями в целом по предприятию и осуществлять систематическую проверку их выполнения. Дифференциация контроля за использованием материалов в производстве и органическое сочетание его результатов в низовых звеньях с общими результатами в целом по предприятию необходимы для разработки научно обоснованной методологии, которая должна с наибольшей полнотой учитывать особенности организации и специфику управления предприятием, влияющие на уровень, величину и значимость материальных затрат.

Обоснованность нормативов материальных запасов, запасам незавершенного производства достигается путем уточнения, корректировки длительно действующих норм, с учетом изменения факторов, влияющих на их размер. В целях повышения действенности контроля целесообразно рассчитывать нормы не только по отдельным элементам, но и по отдельным группам, видам материалов. При этом необходимо рассчитывать плановый минимальный и максимальный запасы конкретного вида.

Затраты материалов не по назначению приводит к иммобилизации ресурсов, возникающей при наличии сверхнормативных остатков товарно-материальных ценностей.

По данным учета, а также путем инвентаризации остатков определяется, какие материалы находятся в числе сверхнормативных. По тем группам, где установлены сверхнормативные запасы, по карточкам складского учета выявляются материальные ценности, в течение двух-трех и более месяцев не используемые на предприятии, а также те виды, остатки которых превышают нормативы максимального запаса. Выявляются отклонения фактического прихода и расхода товарно-материальных ценностей от плана. Во всех случаях необходимо разрабатывать конкретные мероприятия по высвобождению средств и вовлечению их в оборот.

Основным направлением повышения эффективности использования материальных запасов является внедрение ресурсосберегающих, малоотходных и безотходных технологий.

Существенное значение для сохранности производственных запасов имеет наличие технически оснащенных складских помещений с современными измерительными приборами и устройствами, позволяющими механизировать и автоматизировать складские операции и складской учет.

Организация складов, их техническое оснащение и размещение на территории предприятия имеют существенное значение для работы и экономики предприятия. Организация складского хозяйства оказывает влияние на пропускную способность складов, трудоемкость и себестоимость складских работ, на величину внутризаводских транспортных расходов.

Для обеспечения нормальной работы предприятия очень важно организовать оперативное регулирование материальных запасов. С этой целью необходимо усилить контроль за их состоянием на складах.

Сравнение количества запрашиваемых ресурсов с данными о наличии на складах и в производственных подразделениях, а также об остатках неиспользованного лимита позволяет определить правомерность запроса. Для выполнения процедур контроля за отпуском материальных ценностей в производство привлекаются данные оперативных производственных заданий, нормы расхода ресурсов, показатели лимитов и остатков материальных ценностей на складах, рабочих местах и в цеховых кладовых.

Управление материальными запасами - это очень важный и ответственный участок работы. Эффективное управление материальными запасами позволит ускорить оборачиваемость капитала и повысить его доходность, уменьшить текущие затраты на их хранение, высвободить из текущего хозяйственного оборота часть капитала, реинвестируя его в другие активы. Грамотное управление материальными запасами Унитарного предприятия "O'ztemiyo'lmashta'mir" заключается в:

- оптимизации общего размера и структуры материальных запасов;
- минимизации затрат по их обслуживанию;
- обеспечении эффективного контроля за их движением.

Поэтому необходимым условием совершенствования контроля за использованием материальных запасов является упорядочение первичной документации, широкое внедрение типовых унифицированных форм, повышение уровня механизации и автоматизации учетно-вычислительных работ, обеспечение строгого порядка приемки, хранения и расходования материалов, комплектующих изделий, топлива и др., ограничения числа должностных лиц, имеющих право подписи документов на выдачу особо дефицитных и дорогостоящих материалов.

На основе проведенного анализа и сделанных выводов можно предложить следующее:

- организовать оперативный учет материальных запасов на складах с использованием электронного документооборота;
- разработать и внедрить программу локализации производства наиболее востребованных материальных запасов;
- Произвести списание неликвидных активов со складов на уровне Акционерного Общества «Узбекистон темир йуллари».

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Отчетные данные Акционерного общества «O'ZVAGONTA'MIR»
2. П. Красов “Бухгалтерский финансовый учет на железнодорожном транспорте”- М.: Транспорт, 2008г.
3. Е.А. Фёдоров “Управленческий учет на предприятиях железнодорожного транспорта”. Учебное пособие. 2008г, 229стр.

УДК 33

ПРЕИМУЩЕСТВА УЧЕТА ЗАТРАТ И ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ ВНУТРИПРОИЗВОДСТВЕННЫХ СЕГМЕНТОВ ПРЕДПРИЯТИЯ

*А.Б. Джуманова, к.э.н., доцент, Ташкентский государственный транспортный университет,
Ташкент*

*С.М. Султанова, к.э.н., доцент, Ташкентский государственный транспортный университет,
Ташкент*

Аннотация. Ушбу мақолада корхона ички ишлаб чиқариш сегментларининг харажатлари ва молиявий натижаларини ҳисобга олишининг афзалликлари ёритилган.

Калим сўзлар: корхоналар, иқтисодиёт, самарадорлик, молия

Аннотация. В данной статье освещены преимущества учета затрат и финансовых результатов внутрипроизводственных сегментов предприятия.

Ключевые слова: предприятия, экономика, эффективность, финансы

Abstract. This article highlights the advantages of accounting for costs and financial results of intra-production segments of the enterprise.

Keywords: enterprises, economy, efficiency, finance.

Железнодорожный транспорт играет ключевую роль в экономике Узбекистана. Надёжность и эффективность работы вагонного парка без преувеличения можно назвать основой экономики всей железнодорожной отрасли. В связи с производственной спецификой Акционерное Общество «O'zvagontamir» является основным подрядчиком Акционерного Общества «Узбекистон темир йуллари», что является гарантом обеспечения объемами по ремонту вагонов. Акционерное Общество «O'zvagontamir» было преобразовано согласно Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 марта 2001 года № 108 и приказом Государственного комитета имущества Республики Узбекистан от 28 июня 2002 года № 184 – КПО, на базе унитарного предприятия «Узремвагон». В структуру Акционерного общества «O'zvagontamir» входят следующие вагонные депо: Хаваст, Андижан, Самарканд, Кунград, Термез.

Техническое состояние подвижного состава в значительной степени определяет надёжность и эффективность перевозочного процесса. В последнее десятилетие существенным образом менялись технико-экономические условия работы вагонного парка. Для этого были объективные причины, связанные с состоянием экономики страны, спросом на перевозки грузов и государственной тарифной политикой.

1-таблица

Производственные показатели Акционерного Общества «O'ZVAGONTA'MIR» *

Показатели	Ед.из	2017 год	2018 год	2019 год	2019 год к 2017		2019 год к 2018	
					+/-	%	+/-	%
Деповской ремонт	Вагон	2888	3289	2880	-8	99.7	-409	87.5
Капитальный ремонт	Вагон	515	455	448	-67	87	-7	98.4
Капитальный ремонт с продлением срока службы	Вагон	272	459	579	+307	212.8	120	126

Деповской ремонт пассажирских вагонов	Вагон	79	101	64	-15	81	-37	63.3
Всего отремонтировано	Вагон	3754	4304	3971	217	105.7	-333	92.2

*источник: основные экономические показатели за 2017-2019 г.г.

В результате структурной реформы в системе управления железнодорожным транспортом и организации перевозочного процесса произошли существенные изменения: разделены функции государственного и хозяйственного управления. Данный аспект реформы поставил совершенно новые задачи по развитию, техническому переоснащению и поиску новых технических и технологических решений, способствующих оздоровлению вагонного парка и улучшению его эксплуатационных характеристик, а также поиску фундаментальных направлений конструктивного и технологического совершенствования вагонов. Производственные показатели Акционерного Общества «O'ZVAGONTA'MIR» можно наблюдать в таблице 1.

Из данных таблицы видно что потребность в исправном состоянии вагонов не снижается. Основным видом деятельности акционерного общества «O'zvagonta'mir» является производство и осуществление плановых видов ремонта - Деповской, Капитальный всех грузовых вагонов, а также на капитальном ремонте с продлением срока полезного использования вагонов сроком на 5 лет, а также деповский ремонт и техническое обслуживание пассажирских вагонов. Все это связано с необходимостью эффективного использовании всех средств предприятий. В связи с этим необходимо оценить вклад каждого подразделения в конечный результат деятельности предприятия, механизмом реализации которого являются внутрипроизводственный учет, отчетность и анализ их деятельности.

Эффективная работа современного предприятия невозможна без хорошо налаженной системы управленческого учета и отчетности на всех уровнях управления. Система управленческого учета на предприятии в условиях рынка должна выступать в качестве информационного фундамента управления. Следовательно, для повышения аналитических возможностей управленческого учета и его контрольных функций необходимо детализировать учет. Организация нормирования и учета расхода материалов, заработной платы и отчислений от нее по местам возникновения и центрам ответственности затрат способствует решению проблемы внутрипроизводственных подразделений, поскольку на ее основе становится возможным осуществлять различные аналитические группировки затрат.

Основным принципом организации учета затрат по центрам ответственности является возможность оценки деятельности отдельных единиц. Необходимо акцентировать внимание на места возникновения затрат производства, которое позволяет наилучшим образом обеспечить сочетание внутрипроизводственного учета затрат производства по местам возникновения с группировкой и их учетом по центрам затрат и ответственности должностных лиц за формированием оптимального уровня расходов. На сегодняшний день основным объектом управленческого учета являются места возникновения издержек производства, центры затрат выступают как дополнительные группировки первых для повышения аналитичности учетной информации. Необходимость этого диктуется задачами усиления воздействия сегментарного внутрипроизводственного учета на эффективность информационного обеспечения управления и качество работы предприятия.

В целях учета расчетов между подразделениями следует ввести специфицированных счетов в действующий план счетов для учета доходов и расходов. Для этого мы полагаем присваивать каждой статье затрат дополнительные аналитические счета.

Основные преимущества, которые может получить предприятие:

руководство предприятия получит понимание того, можно ли при принятии решений в части управления затратами всецело опираться на данные бухгалтерского учета или необходимо также привлекать иные средства анализа;

управленческие решения будут основываться на знании действительного объема косвенных (условно-постоянных) и прямых (условно-переменных) издержек;

появляется возможность оптимизировать производственную программу на базе выверенного расчета точек безубыточности и рентабельности отдельных групп или видов продукции.

Совершенствование учета затрат и финансовых результатов внутрипроизводственных сегментов предприятия обусловлена тем, что возможности неценовой конкуренции в значительном числе отраслей экономики практически исчерпаны. Поэтому задача снижения себестоимости продукции (работ, услуг), решение которой позволяет соответственно увеличение прибыли, выходит на первый план.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Отчетные данные акционерного общества «O'zvagonta'mir»
2. Хасанов Б.А., А.Б.Джуманова, А.И.Аликулов ва бошқалар Амалий бошқарув ҳисоби. / уқув қўлланма – Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. -285 б.

МАЛЫЙ БИЗНЕС И ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО- ЖИЗНЕННАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

*М.Н. Кушакова, преподаватель, Ташкентский государственный транспортный университет,
Ташкент*

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти, кўллаб-қуватлашнинг асосий йўналишлари ва Ўзбекистон Республикасида ривожланиши.

Калим сўзлари: хусусий тадбиркорлик, даромад, харажат, рақобат, сармоя

Аннотация. В статье рассматривается социальная значимость предпринимательства, тенденции его развития, основные направления поддержки и развития предпринимательства в Узбекистане.

Ключевые слова: частное предпринимательство, доходы, расходы, конкуренция, инвестиции

Abstract. The article examines the social significance of entrepreneurship, trends in its development, and the main directions of support and development of entrepreneurship in Uzbekistan.

Key words: private enterprise, income, expenses, competition, investment.

Динамика экономического развития Узбекистана в последние годы наглядно демонстрирует эффективность, правильность и состоятельность выработанной «узбекской модели» ориентированной рыночной экономике, основанной на известных пяти принципах. За минувшие период времени, динамика темпов развития сферы не сокращается. Происходит много знаковых событий и преобразований. Это служит ярким подтверждением масштаба и взаимосвязанности осуществленных в стране кардинальных преобразований по реформированию экономики, а также объективным свидетельством того, что несмотря на все трудности, проблемы, вызовы и испытания, которые приходится преодолевать, в Узбекистане наблюдаются разительные перемены в динамике и структуре экономики, развитии производственного и экспортного потенциала, социальной сфере, уровне и качестве жизни населения.

Указ Президента Республики Узбекистан "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 07.02.2017 г №-УП-4947, Указ Президента от 2 сентября 2017 года «О первоочередных мерах по либерализации валютной политики», а также Программы дальнейшего реформирования, структурных преобразований и диверсификации экономики на 2015–2019 годы стали основой углубления демократических реформ и ускоренного развития страны.

На сегодняшний день во исполнение Стратегии действий принято 15 законов и свыше 700 других нормативно-правовых актов, направленных на развитие всех сфер государственной и общественной жизни. Они направлены на коренное реформирование действующей системы валютного регулирования, предоставление равных условий для всех участников внешнеэкономической деятельности, унификация валютных курсов и распределение ресурсов на основе рыночных принципов позволят Центральному банку перейти к денежно-кредитной политике, ориентированной на поддержание стабильности и способной эффективно контролировать инфляцию, проведение налоговой политики, направленной на последовательное сокращение налогового бремени, расширение свободы предпринимательской деятельности, создание мощных стимулов для устойчивого и динамичного развития экономики, повышения доходности хозяйствующих субъектов и их активного участия в инвестиционной деятельности.

Все более осознается тот факт, что рыночная экономика по своей сути – это экономика предпринимательства. Малый бизнес и частное предпринимательство обеспечивает:

- необходимую насыщенность и мобильность рынка;
- тенденцию к устойчивости цен, повышение качества продукции вследствие ценовой и неценовой конкуренции;
- ускорение процесса внедрения новых технологий;
- среду конкуренции, которой так не хватает крупным монополистам-гигантам;
- глубокую специализацию и кооперацию;
- среду и дух предпринимательства, без которых рыночная экономика невозможна.

Важным показателем развития частного сектора также является оценка международных экспертов. В ежегодном рейтинге группы Всемирного банка «Ведение бизнеса 2020» (Doing Business 2020) среди 190 государств, набрав 69.9 балла из 100 по итогам 2019 года, Узбекистан занял 69 место. По сравнению с прошлогодним рейтингом страна поднялась с 76 места на 7 позиций. Этому свидетельствует рост ВВП.




Рис.1 ВВП Узбекистана за 2015-2019 гг.

В региональном разрезе наибольшая доля малого предпринимательства в экспорте продукции (работ, услуг) отмечена в Сырдарьинской (71,6%), Хорезмской (69,1%), Наманганской (63,5%), Сурхандарьинской (61,4%), Ферганской (58,7%), Самаркандской (56,3%), Джизакской (55,2%) и Кашкадарьинской (48,5%) областях.

Развитие любой формы предпринимательства зависит в основном от двух условий:

- внутренней экономической обстановки в стране в целом и ее регионах;
- способности конкретного предпринимателя использовать данные ему права для реализации своих хозяйственных целей.

В большей степени эти факторы воздействуют на развитие экономики, и во многом предопределяют конечный результат экономических решений. Поэтому на сегодняшний день со стороны государства малому и среднему предпринимательству разрабатываются целый комплекс мер поддержки и системы развития этого сектора.

Постепенные преобразования и либерализация экономики позволяют оптимизировать расходы Государственного бюджета, а также укрепить финансовое состояние частного сектора, повышение его роли и доли в экономике страны, что в разы увеличило доходы бюджета. Реформы будут способствовать созданию рабочих мест, экономическому росту за счет повышения конкурентоспособности наших товаров на внешнем рынке, привлечения прямых иностранных инвестиций и совершенствования системы распределения внутренних ресурсов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Указ Президента Республики Узбекистан "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 07.02.2017 г №-УП-4947
2. Указ Президента от 2 сентября 2017 года «О первоочередных мерах по либерализации валютной политики»
3. Данные Госкомстатистики Узбекистана за 2015-2016 гг.
4. Рахматуллаева Д. Р., Самадходжаева Д. Р. Развитие малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане // Молодой ученый. — 2016. — №16. — С. 200-201.

УЎК: 338.48 (575.1)

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРДА ХИЗМАТЛАШУВ ДАРАЖАСИ ВА РАҚАМЛИ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.А. Орипов, тадқиқотчи, Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада ривожланган мамлакатларнинг рақамли платформа асосидаги бизнес моделлардан фойдаланиши тажрибаси таҳлили ушбу тизимни синергия эффектидан максимал фойдаланган ҳолда кенг кўламда ва тармоқни кескин кенгайтириши орқали амалга ошириши самарадорлиги ўрганилган. Илмий мақолада кўрсатиб ўтилган хусусиятлар ва ўзига хос устунликларни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар фаолиятини сервислашув ҳолатини ривожлантириши имконини берувчи универсал рақамли платформа асосидаги ташиқлий-иқтисодий механизм илмий янгилик сифатида тақлиф этилган.

Калит сўзлар: хизматлар, хизматлар соҳаси, сервислашув, рақамли бошқарув, рақамли платформа, тизим самараси, бизнес модель, ташиқлий-иқтисодий механизм

Аннотация. В статье проведен анализ опыта развитых стран по использованию бизнес-моделей на основе цифровых платформ, изучена эффективность внедрения данной системы в больших масштабах и за счет резкого расширения сети с максимальным использованием синергетического эффекта. С учетом отмеченных в научной работе особенностей и специфических преимуществ предлагается организационно-экономический механизм в виде научной новизны на основе цифровой платформы, позволяющая повысить уровень сервисизации крупных предприятий, работающих сегодня в различных отраслях национальной экономики.

Ключевые слова: услуги, сфера услуг, сервисизация, цифровой менеджмент, цифровая платформа, системная эффективность, бизнес-модель, организационно-экономический механизм

Abstract. *The article analyzes the experience of developed countries in using business models based on digital platforms, examines the effectiveness of implementing this system on a large scale and due to a sharp expansion of the network with maximum use of the synergistic effect. Taking into account the features and specific advantages noted in the scientific work, an organizational and economic mechanism is proposed in the form of a scientific novelty based on a digital platform, which allows increasing the level of servitization of large enterprises operating today in various sectors of the national economy.*

Keywords: *services, service sphere, servicization, digital management, digital platform, system efficiency, business model, organizational and economic mechanism.*

Кириш. Ўзбекистонда хизматлар соҳасини модернизациялаш, соҳани барқарор ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга, халқаро стандартларга мувофиқ хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг ўрни жуда катта ва аҳамиятлидир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, истеъмол бозорини кунлик ва шахсий талабдан келиб чиққан ҳолда товарлар билан тўлдириш, жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир. Буларнинг барчасини ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг ва бошқа хизмат турларисиз амалга ошириб бўлмайди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини намойён этмоқда. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имконияти яратилмоқда. Шу муносабат билан хизматлар соҳасининг истиқболда ривожланиши ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатиши натижасида ҳамда жамият тараққиётининг бугунги босқичида ушбу соҳани ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг рақамли технологиялар асосида ривожланиши билан дунёда иқтисодиётнинг сервислашуви, яъни моддий ишлаб чиқариш соҳалари фаолиятининг ҳам турли даражадаги хизматлар билан уйғунлашув тенденцияси кузатилмоқда. 2019 йилнинг декабрь ойидан жаҳон миқёсида тарқалган COVID-19 (коронавирус) пандемияси шароитида сервислашувнинг жадал тараққиёти кузатилди.

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида мамлакат аҳолисига хизмат кўрсатиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ва бандлик муаммосини ҳал этиш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Турли хизматлар кўрсатиш орқали, биринчидан, аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари қондирилса, иккинчидан, иш билан банд бўлмаган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилади, учинчидан мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланиши ҳамда аҳоли даромадларининг кўпайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам танланган мавзу доирасидаги аҳолига қулай хизматлар кўрсатиш, иш билан таъминлаш ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражасининг яхшиланиши илмий тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хизматлар соҳасини назарий тадқиқ қилишда энг аввало “хизматлар”, “хизматлар соҳаси” каби атамаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. “Хизматлар” атамаси олимлар томонидан иқтисодий адабиётларда турлича нуқтаи назардан талқин қилинади. Ушбу атамалар доирасида кўплаб хорижлик ва мамлакатимиз олимлари назарий тадқиқотлар олиб боришган. Таниқли олимлардан бири Ф. Котлер хизматга қуйидагича таъриф беради: “Хизмат – бу бир томон бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдир”[2].

О.П.Ефимова ўзининг тадқиқотларида хизматга шундай изоҳ беради: “Хизмат – ҳаракат ёки фаолият, истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришнинг бошқа кўринишидаги фойдали таъсир натижасидир”[3].

С.Н.Коробкованинг талқини бўйича эса – хизмат бу – ҳаракат, иш ёки иш бажаришдир”[4].

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан И.С. Тухлиев: “Хизматлар - бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир”[5], - дейди ва ушбу ёндашувда у хизматни товар хусусиятини ифодалаган, яъни, хизматлар ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш жараёнларидаги меҳнат муносабатларини ўзида акс эттиради, аммо ишлаб чиқариш жараёни натижаси номоддий шаклга эга бўлади, деб таъкидлаган. Фикримизча, хизмат тушунчаси “инсонларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”.

Ҳар бир мамлакатда амал қилаётган иқтисодий тизимдан қатъи назар халқаро миқёсдаги иқтисодий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатади. Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар таъсирини юмшатиш учун ҳам мамлакат иқтисодиётини тубдан янгилашни талаб этади. Иқтисодчи олим Е.А.Каменева ҳам: “Глобаллашув жараёни ривожланиши билан иқтисодиётнинг асосий соҳаси бўлмиш хизмат кўрсатиш тармоқлари ўзгариб боради. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси бир хил кўринишга эга бўлмайди ва ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда хизматларнинг турлари ҳар хил даражада ривожланади”[6], - деб таъкидлаган. Демак, хизмат


кўрсатиш соҳасини модернизациялаш хизматларни янада ривожлантириш, уларни янги турларини шакллантиришни кучайтириб боради. Шу сабабли ҳам хизматлар соҳаси ҳар томонлама, ҳар хил усулда, босқичма-босқич тартибда ривожлантириб келиниши лозим.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги вақтда миллий иқтисодий тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатувчи корхоналарда бизнес жараёнларини моделлаштиришда рақамли тизимларнинг алоҳида қисмлари (веб-саҳифалар, электрон савдо майдончалари, маълумотларни автоматик равишда қабул қилиш тизимлари – автодесklar ва бошқалар)дан фойдаланилмоқда. Бироқ йирик трансмиллий корпорацияларнинг мамлакатдаги шўъба корхоналарида рақамли платформалардан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу корхоналарда рақамли платформалардан фойдаланиш амалдаги анъанавий бизнес моделини хизмат хусусиятлари устун бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида харажатларни оптималлаштириш ҳамда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини берувчи рақамли бизнес моделига алмаштириш имконини беради. Рақамли платформаларга асосланган тизимларнинг жорий этилиши билан корхоналарнинг экстенсив ривожланиш йўналиши қисқа вақт ичида интенсив ривожланиш йўналишига ўзгаради.

Бугунги кунда иқтисодий муносабатларда қўлланилаётган бизнес моделларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- “маҳсулот яратиш” бизнес модели – моддий маҳсулотлар яратиш билан боғлиқ бўлиб, унга барча моддий неъматлар яратувчи бизнес субъектлари ҳамда яратилган маҳсулот ва хизматларнинг ҳаракатини таъминловчи хизмат соҳаларидан ташкил топади (мавжуд бизнес субъектларининг 2/3 қисми тегишли):



1-расм. Хизматларни миқозларга етказиб берувчи рақамли платформага асосланган бизнес моделининг ташкилий-иқтисодий механизми (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

- “хизматлар яратиш” бизнес модели – малакали мутахассисларни ёллаш ва уларнинг касбий компетенциялари билан параллел равишда яратилувчи хизматлар даражасини ҳам ривожлантирувчи банк, суғурта, маслаҳат, инжиниринг ва бошқа хизмат корхоналари фаолиятида қўлланилувчи бизнес модели бўлиб, жаҳондаги мавжуд корхоналарнинг ¼ қисми ушбу бизнес модели асосида фаолият кўрсатади;

- “технологиялар яратиш” бизнес модели – кам харажатли номоддий маҳсулотлар, интеллектуал ресурслар ва унинг ҳимоясини таъминловчи технологияларни яратиш билан шуғулланувчи дастурий маҳсулотлар, нано ва биотехнологияларни етказиб берувчи субъектлар фаолиятида қўлланилувчи бизнес модели (мавжуд корхоналарнинг 10 %га яқинида қўлланилади);

- “тармоқли алоқаларни яратиш” бизнес модели – юқорида кўрсатиб ўтилган бизнес моделлари асосида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг кооперацияси асосида улар ўртасидаги муносабатларни осонлаштирувчи, транзакция харажатларини минималлаштирувчи тармоқ алоқаларини ташкил этувчи рақамли платформалар негизидаги бизнес модели (мавжуд корхоналарнинг 1 %дан камроғида қўлланилади). Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, “технологиялар яратиш” ва “тармоқли алоқаларни яратиш” бизнес моделлари иқтисодий моҳиятига кўра “хизматлар яратиш” моделига ўхшаш, бироқ ҳар икки модель “хизматлар яратиш” моделидан технологиялардан тармоқ алоқалари негизида фойдаланиш имконини бериш орқали самарали хизматлар алмашинуви тизимини шакллантириши билан фарқланади. “Технологиялар яратиш” ва “тармоқли алоқаларни яратиш” бизнес моделлари асосида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ўз хизматларини рақамли платформалар асосида таклиф этадилар. Улар моддий неъматлар яратишнинг анъанавий ўзгармас ва чизиқли зинжирини қиймат яралишининг қўп томонлама ва тармоқлараро занжирга айлантириб, мижоз учун қулай натижа берувчи хизматлар мажмуини таклиф этадилар. Рақамли платформалар асосидаги “тармоқли алоқаларни яратиш” бизнес модели учун икки асосий тамойил – маҳсулотнинг хизмат формати ва тўловнинг эгилувчан шакли ҳосдир. Ушбу бизнес моделининг жорий этилиши юқоридаги 3 та моделларни ўзига бирлаштирган ҳолда моҳият жиҳатидан иқтисодиётнинг 3 та секторга ажратилишини инкор қилган ҳолда сервислашувга асосланган ягона секторни шакллантиради.

Ривожланган мамлакатларнинг рақамли платформа асосидаги бизнес моделлардан фойдаланиш тажрибаси таҳлили ушбу тизимни синергия эффектидан максимал фойдаланган ҳолда кенг кўламда ва тармоқни кескин кенгайтириш орқали амалга ошириш самарали эканлигини кўрсатади. Кўрсатиб ўтилган хусусиятлар ва ўзига хос устунликларни ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар фаолиятини жадал ривожлантириш имконини берувчи универсал рақамли платформа асосидаги ташкилий-иқтисодий механизм таклиф этилади (1-расм).

Таклиф этилаётган ташкилий иқтисодий механизм 3 та даражадаги техник қўллаб-қувватлаш линиясидан иборат ягона рақамли платформа (корпоратив тизим) негизида ташкил этилиб, умумий фаолиятни тизим таркибидаги маҳсулот ва хизматларни яратувчи корхоналарнинг қувватини истеъмолчилар томонидан тақдим этилган буюртмалар ҳажмига мутаносиблигини таъминлаган ҳолда ташкил этади.

Рақамли платформанинг 1-техник қўллаб-қувватлаш линияси истеъмолчилардан сўров асосида буюртмаларни қабул қилиш доирасидаги жараённи ташкил этиб, мижозларнинг тўғридан-тўғри боғланиши, автоматлашган хизмат тизимига ҳамда мобиль дастурлар ва веб-интерфейсга мурожаати асосидаги буюртмалар тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиш ва қабул қилинган маълумотларни синхронлаштирган ҳолда рақамли платформага қайта ишлаш учун етказиб бериш фаолиятини амалга оширади. Ушбу линия фаолияти ягона тизим самарадорлигини таъминлашдаги муҳим бўғин ҳисобланади ва у орқали корпоратив тизимга келиб тушган маълумотлар яхлит тизим фаолияти учун асосий мақсадли параметрдир.

1-техник қўллаб-қувватлаш линияси томонидан қабул қилинаётган буюртмалар стандарт ва бир хил маҳсулот (хизмат)лар учунгина эмас, балки персоналлашган буюртмалар хусусиятларини ҳам ўз ичига олган ҳолда корпоратив тизимга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Маълумотларда ҳар бир буюртманинг ўзига хос талаби ва хусусиятлари ўз аксини топади ва аниқлик етишмаган буюртмалар 2-техник қўллаб-қувватлаш линиясидаги таҳлилий бўлинма томонидан аниқлаштирилади.

Корпоратив тизимнинг 2-техник қўллаб-қувватлаш линияси томонидан рақамли платформага келиб тушган маълумотлар буюртмалар хусусиятлари бўйича персоналлаштирилади, яъни ҳар бир буюртманинг миқдори, сифати, етказиб бериш шартлари ва бошқа хусусиятлар шахсийлаштирилган ҳолда корпоратив тизимга қайта тақдим этилади.

Ушбу жараёнда техник қўллаб-қувватлашнинг 2-линияси буюртма шартлари ва хусусиятлари аниқ бўлмаган ҳолларда мижозлар билан боғланиб, маълумотларга аниқлик киритади ва корпоратив тизимга қайта тақдим этади. Қайта ишланган буюртма маълумотлари техник қўллаб-қувватлашнинг 3-линияси орқали хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан етказиб берилаётган маҳсулот (хизмат)лар оқимини тақсимловчи тизимга тақдим этилади ва мижозлар ушбу маълумотлар оқими асосида ўз буюртмаларини қабул қилиб оладилар.

Техник қўллаб-қувватлашнинг 2-линияси томонидан қайта ишланган маълумотлар бир вақтнинг ўзида рақамли платформага узатилади ва корпоратив тизим томонидан ушбу маълумотлар мобиль дастурлар ҳамда веб-интерфейс воситасида техник қўллаб-қувватлашнинг 3-линиясига, маҳсулотлар ҳаракатини таъминлаб берувчи платформага уланган логистика тизимларига тақдим этилади.

Техник қўллаб-қувватлашнинг 3-линиясининг асосий вазифаси буюртмалар бўйича қайта ишланган маълумотларни маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқарувчи корхоналардан тортиб истеъмолчига етиб боришигача бўлган ораликдаги алоқаларни таъминлаш орқали буюртмада кўрсатилган ҳажм ва сифатдаги маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш жараёнларини таъминлашдан иборатдир. Техник қўллаб-қувватлашнинг 2-линиясидан рақамли платформага тақдим этилган маълумотлар 3-линия билан бир вақтнинг ўзида логистика тизимларига ҳам узатилади. Логистика тизимлари техник қўллаб-қувватлашнинг 3-линиясидан ва корпоратив тизимдан олинган бир хил маълумотларни таққослаш ва ноаниқликларни аниқлаган ҳолда уларни тузатиш имконига эга бўлади.

Таклиф этилаётган ташкилий-иқтисодий механизмдаги энг асосий бўғин корпоратив тизим марказини ташкил этувчи рақамли платформа ҳисобланиб, рақамли платформа тармоқ иштирокчиларининг барчасини мантиқий изчилликдаги жараёнларда бирлаштиради ва бу орқали масофадан туриб келишувларни амалга ошириш, битимлар доирасида маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан истеъмолчиларга етиб келишигача бўлган жараёнларни ташкил этиш, ўзгаришлар шароитида зарурий тузатишларни киритиш ҳамда бизнес моделининг яхлит ва самарали фаолиятини ташкил этиш функцияларини амалга оширади.

Рақамли интегратор кўринишида фаолият олиб борувчи рақамли платформа негизидаги моделнинг ташкилий-иқтисодий тизими таъминот занжири рақамли бошқаруви (SCM) билан биргалликда ресурсларни рақамли бошқариш тизими (ERP)ни ҳам ўз ичига олиши тизимдан бир вақтнинг ўзида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини амалга ошириш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида белгиланган вазифалар ва амалий натижалар асосида куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Иштирокчиларнинг иккинчи томон билан боғланиши учун сарфланадиган вақт чегарасини кескин қисқартиради.

2. Томонлар ўртасидаги битимлар тузиш билан боғлиқ транзакция харажатлари бир неча марта қисқаради.

3. Маҳсулот ва хизматларни яратувчи корхоналар учун мижозларни қидириб топиш ва улар билан келишувлар тузиш учун ортиқча харажатларни кескин қисқартиради.

4. Корпоратив тизим (рақамли платформа) негизида ташкил этилган жараёнларни бошқариш фақатгина платформадаги маълумотлар тахлили асосида амалга оширилиши натижасида ўртадаги кўшимча бошқарув бўғинларини кескин қисқартириш имконини беради.

5. Корпоратив бошқарув тизимига тахлил учун берилётган маълумотларнинг ноаниқлик даражаси пасайиши ҳисобига тизим фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рисклар даражаси қисқаради.

6. Маҳсулот (хизмат)лар сифати ва моддий хусусиятларини стандартлаштириш орқали уларни унификациялаш имконини оширади.

7. Платформанинг буюртмалар бўйича маълумотлардаги ўзгаришларга сезгирлиги орқали маҳсулот (хизмат)лар оқимини қисқа вақт ичида тартибга солиш имконини оширади.

8. Энг муҳими – буюртмаларни персоналлашган эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда мижозларга тақдим этиш имконини кенгайтиради.

Рақамли тармоқ тизими модель негизидаги таклиф этилаётган ташкилий-иқтисодий механизмни жорий этиш натижасида, Меткалф қонунида асосланганидек, тизим иштирокчилари бўлган барча субъектлар томонидан $P_n = n(n-1)c$ боғланишдаги тармоқ самараси таъминланади. Агар аввал тизимга бирлашган иштирокчиларнинг ўзаро алоқаси алоҳида мақсад йўлидаги муносабатлардан ташкил топиши эътиборга олинадиган бўлса, тизим жорий этилиши билан иштирокчиларнинг битимлар тузиш имконияти ўнлаб марта ортади, яъни ягона тизим иштирокчилари сони квадратининг ярмига тенг бўлган энг юқори самарага эришилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган механизмни ҳозирги вақтда горизонтал ва вертикал ривожланиши тез суръатларда бораётган реал сектор корхоналарида қўлланилиши қисқа вақт ичида корхоналарнинг асосий фаолият ҳажмини сервислашув асосида кенгайтишига олиб келади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2. Котлер, Ф., Маркетинг менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006. — 464 с.

3. Ефимова О.П. Экономика гостиниц и ресторанов. Учебное пособие. Ефимова О.П., Ефимова Н.А. / Под ред. Кабушкина Н.И. – М.: Новое знание, 2004.
4. Коробкова С.Н. Сервисная деятельность. Учебное пособие. Под редакцией В.К.Романовича. Издательство – СПб Питер – 2006.
5. Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амридинова Р.С. Туризм асослари: Ўқув қўлланма – С.: СамИСИ, 2010 - 247 б.
6. Каменева Е.А. Методология и стратегия финансового обеспечения развития жилищно-коммунального хозяйства России: диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук /Саратовский государственный социально-экономический университет. - Саратов, 2009. С.21-22.
7. Орипов, А.А. Сфера услуг как экономическая категория и эффективный вид экономической деятельности. Наука сегодня: опыт, традиции, инновации [Текст]: материалы, 43.
8. Khankeldieva G.Sh. Theoretical and economic prerequisites for the development of regional industrial clusters in the economy of the Republic of Uzbekistan // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020. – pp.234-240. <https://doi.org/10.36713/epra4855>
9. Орипов, А. А. (2019). Развитие информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане. Образование и наука в России и за рубежом, (16), 192-194. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>
10. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018: No.3, Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>
11. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva>
12. Асракулов, А.С. (2019). Неформальная занятость и анализ факторов, влияющих на неформальную занятость в Узбекистане. Региональная экономика: теория и практика, 17(12), 2328-2336.
13. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>
14. Орипов, А.А. Приоритетные направления развития сферы услуг Республики Узбекистан. *Финансово-правовые и инновационные аспекты инвестирования экономики региона. Сборник материалов международной научно-практической конференции. 2020. С. 334-339.*
15. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020. – pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>
16. Asrakulov, A. S. (2017). Some aspects of development of the labor market of the Republic of Uzbekistan. In *Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук* (pp. 39-42).

УЎК: 330.008.541

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИГА ЎТИШДА ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ТАЖРИБАЛАРИ

С.К. Салаев, и.ф.д., проф., Урганч давлат университети, Урганч
А.Х. Ражабов, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада инновацион тараққиёт моделига ўтишининг илгор хорижий тажрибалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: инновация, инновацион тараққиёт, инновацион тараққиёт модели, Глобал инновацион индекс, инновацияларни жорий қилиш индекси, инновацион натижалар индекси, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)

Аннотация. В данной статье рассматривается передовой иностранный опыт по переходу модели инновационной развития.

Ключевые слова: инновация, инновационное развитие, модель инновационного развития, Глобальный инновационный индекс, субиндекс затрат на инновации, субиндекс результатов инноваций, научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР)

Annotation. This article discusses advanced foreign experience in the transition to an innovative development model.

Key words: Innovation, innovative development, model of innovative development, Global Innovation Index, Innovation Input Sub-Index, Innovation Output Sub-Index, Research and Development (R&D).

XXI асрга келиб нафақат ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти, балки, аксарият ривожланаётган мамлакатлар хусусан, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва Бразилия мамлакатлари “инновация – иқтисодий ўсишда олдинга етакловчи куч ҳамда корхоналарнинг ҳаётийлигини сақлаб қолиш учун жуда зарур” деган ғояни қабул қилишини кўрсатди [1].

Мамлакат иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантиришининг бирламчи вазифаси иқтисодиётни таркибий модернизациялаш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришдан иборат.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида иқтисодий ривожланиш динамикаси ва аҳоли фаровонлиги даражаси, миллий хавфсизлик, жаҳон иқтисодиётига тенг ҳуқуқли интеграциялашиш имконияти, асосан, мамлакатнинг илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш билан белгиланади.

Инновациялар эндиликда фақат юқори технологияли компаниялар ва технология соҳаларида эмас, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларида рўй бераётганини яхшироқ англаш қийин эмас [2].

Бугунги кунда дунё мамлакатларида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни иқтисодий ва ижтимоий юксалишга эришиш йўлида тез ва сифатли илгариланишни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Албатта ушбу ислохотларни амалга ошириш жараёнида ҳосил бўладиган янги инновацион маълумотлар ва кўрсаткичларни ҳисоблаш, баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш шулар асосида тегишли қарорлар чиқариш ёки қабул қилиш масаланинг асосий жиҳатидир.

Дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш тизимларининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар И.Бил, К.Фальковский, А.Ковальский [3], Т.Калиари, Т.Кьярини [4] ва шу каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган. Уларнинг илмий изланишларида янги билимлар, инсон капитали ресурси, бизнес муҳити омиллари мамлакат миллий инновацион тизимининг муҳим элементлари эканлиги ва ушбу омилларнинг статистик таҳлили натижасида интеграллашган кўрсаткичлар шакллантирилганлиги ҳамда “диаграмма юзаси” усулидан фойдаланган ҳолда мамлакатнинг инновацион ривожланиш даражаси кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш ўз аксини топган.

Ушбу йўналишидаги муаммоларга МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан Т.С.Колмыкова, С.Г.Емельянов, Е.А.Мерзлякова [5], Н.И.Комков [6], Е.В.Попов, Д.М.Кочетков [7] ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган бўлиб, улар мамлакатнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда даставвал минтақаларнинг инновацион фаолиятини таҳлил қилиш, бу борада ушбу ҳисоб-китоб инновацияларни яратиш ва ундан фойдаланиш нуқтаи назаридан қараб чиқиш, инновация ва технология, фан ва таълим ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида мавжуд статистик кўрсаткичларга таянган ҳолда минтақаларнинг инновацияларни яратиш ва инновациялардан фойдаланиш индексларини “Min-Max” усули ёрдамида нормаллаштириш ва шакллантириш, Стерджесс (Sturgess) формуласидан фойдаланиб минтақаларнинг инновацион ривожланиш индексини таҳлил қилиш, келгусида минтақаларнинг, мамлакатларнинг илмий-технологик ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда инновацион сиёсатини олиб бориш жараёнида аниқ воситалардан фойдаланишни асослашга имкон бериши учун шакллантирилган ва таҳлил қилинган индекслар асосида минтақаларнинг инновацион ривожланиш борасидаги кучли ва заиф томонларини аниқлаш каби масалаларга эътибор қаратилган.

Жаҳон амалиётида дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш тизимларидан “Глобал инновацион индекс” (ГИИ) дан кенг фойдаланилади. Сабаби ГИИ дунё аҳолисининг 91,8 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 96,8 фоизи тўғри келадиган қарийиб 130 га яқин мамлакат иқтисодиётини қамраб олади [8].

ГИИ – Халқаро бизнес мактаби (INSEAD), Корнелл университети (Cornell University) ва Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ҳамда мамлакатларнинг инновацион ривожланиш даражасига баҳо берадиган кўрсаткич ҳисобланади.

ГИИ таркибига кирувчи иккита гуруҳ индексларига асосланади. Биринчи гуруҳ “Инновацияларни жорий қилиш индекси” (Innovation Input Sub-Index) миллий иқтисодиётнинг инновацион фаолиятини ифодалайдиган кўрсаткичлардан иборат бўлиб, унда бешта индикатор ўрин олган. Булар қуйидагилар:

- институционал муҳит;
- инсон капитали ва тадқиқотлар;
- инфратузилма;
- бозорнинг ривожланганлиги;
- бизнеснинг ривожланганлиги.

Иккинчи гуруҳ “Инновацион натижалар индекси” (Innovation Output Sub-Index) эса иқтисодиётнинг инновацион фаолияти натижаларини ифодалайдиган кўрсаткичлардан иборат бўлиб, у ўз ичига иккита индикаторни олади. Булар қуйидагилар:

- билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши;
- ижодий маҳсулот.

Шу тариқа ГИИ умумий кўрсаткичи, иккита гуруҳ индексларининг (Innovation Input Sub-Index and Innovation Output Sub-Index) ўртачаси сифатида ҳосил қилинади.

2016-2019 йиллардаги ГИИ рейтинг кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, биринчи ўнталиқда ривожланган мамлакатлар ўрин олганлиги кузатилган бўлса, таҳлил қилинаётган даврда Швейцария мамлакати яққол пешқадамлик қилган. Маълумки Швейцария мамлакати ушбу рейтингда кетма-кет тўққиз йил етакчилик қилмоқда (1-жадвал).

2016-2019 йилларда “Глобал инновацион индекс” (ГИИ) рейтинг буйича
Топ-10 таalik мамлакатлар

Рейтинг	2019 й.*		2018 й.**		2017 й.***		2016 й.****	
	Мамлакатлар	Индекс (0-100)	Мамлакатлар	Индекс (0-100)	Мамлакатлар	Индекс (0-100)	Мамлакатлар	Индекс (0-100)
1	Швейцария	67,24	Швейцария	68,40	Швейцария	67,69	Швейцария	66,28
2	Швеция	63,65	Нидерландия	63,32	Швеция	63,82	Швеция	63,57
3	АҚШ	61,73	Швеция	63,08	Нидерландия	63,36	Буюк Британия	61,93
4	Нидерландия	61,44	Буюк Британия	60,13	АҚШ	61,40	АҚШ	61,40
5	Буюк Британия	61,30	Сингапур	59,83	Буюк Британия	60,89	Финляндия	59,90
6	Финляндия	59,83	АҚШ	59,81	Дания	58,70	Сингапур	59,16
7	Дания	58,44	Финляндия	59,63	Сингапур	58,69	Ирландия	59,03
8	Сингапур	58,37	Дания	58,39	Финляндия	58,49	Дания	58,45
9	Германия	58,19	Германия	58,03	Германия	58,39	Нидерландия	58,29
10	Исроил	57,43	Ирландия	57,19	Ирландия	58,13	Германия	57,94

Манба: * The Global Innovation Index 2019: Creating Healthy Lives-The Future of Medical Innovation // Switzerland.

** The Global Innovation Index 2018: Energizing the World with Innovation // Switzerland.

*** The Global Innovation Index 2017: Global Innovation Feeding the World // Switzerland.

**** The Global Innovation Index 2016: Winning with Global Innovation // Switzerland.

Швеция мамлакати уч йил давомида иккинчи ўринни, фақат бир йил учинчи ўринни банд этган. АҚШ олдинги йилларда эгаллаган позицияларини яхшилаган ҳолда 2019 йилда рейтингда учинчи ўринни қайд этган.

ГИИ рейтингда Нидерландия охириги уч йил давомида кучли учталиқка, Буюк Британия ҳар йили, Сингапур эса 2018 йил биринчи марта кучли бешталиқка кирганини кўриш мумкин. Финляндия мамлакати рейтингда 2017 йилда пасайиш, охириги икки йилда ўсиш ҳолати кузатишган. Дания, Германия мамлакатлари рейтингдаги ўз позицияларини барқарор ҳолатда сақлаган. Ирландия мамлакати дастлабки уч йил давомида рейтингда кучли ўнталиқка кирган бўлса, 2019 йилга келиб 12 ўринни эгаллаган. Исроил мамлакати эса биринчи марта 2019 йилда рейтингни кучли ўнталиқига яқун ясаб берган.

ГИИ таркибига кирувчи иккита гуруҳ индекслари буйича етакчи мамлакатлар рейтинг, 2019 й.

Мамлакатлар	Инновацияларни жорий қилиш индекси (Innovation Input Sub-Index)					Инновацион натижалар индекси (Innovation Output Sub-Index)			
	Институционал муҳит	инсон капитали ва тадқиқотлар	инфратузилма	бозорнинг ривожланганлиги	бизнеснинг ривожланганлиги	Индекс (0-100)	билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши	ижодий маҳсулот	Индекс (0-100)
Швейцария	89.1	61.9	68.2	68.4	67.5	71.02	70.3	56.6	63.45
Швеция	90.1	62.1	69.1	62.1	68.8	70.43	61.8	51.9	56.87
АҚШ	89.7	55.7	59.2	87.0	62.7	70.85	59.7	45.5	52.61
Нидерландия	90.9	52.4	61.8	58.2	63.7	65.40	61.8	53.2	57.49
Буюк Британия	87.1	59.3	64.4	76.0	54.3	68.22	56.6	52.2	54.38
Финляндия	93.6	63.4	62.1	57.3	63.9	68.04	55.1	48.1	51.62
Дания	91.7	63.1	65.8	66.9	59.1	69.33	46.4	48.6	47.55
Сингапур	94.9	63.0	65.4	73.6	63.9	72.15	50.9	38.3	44.59
Германия	86.4	63.2	62.0	58.6	56.1	65.28	52.7	49.6	51.10
Исроил	77.9	54.5	56.1	61.4	66.5	63.28	56.9	46.3	51.59

Манба: The Global Innovation Index 2019: Creating Healthy Lives-The Future of Medical Innovation // Switzerland.

Таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида мутахассислар томонидан индексни ҳисоблашда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Швейцария, Швеция, АҚШ, Нидерландия ва Буюк Британия мамлакатларида ГИИнинг юқори бўлиши инновацион инфратузилма, бизнес муҳитининг ривожланганлиги, иждоий маҳсулот ҳамда билимлар ва технологияларни ишлаб чиқарилиш даражаси билан боғлиқлиги аниқланган. Шунингдек, Финляндия ва Сингапур мамлакатларида институционал муҳит, инсон капитали ва тадқиқотлар, бозор ва бизнеснинг ривожланганлик даражаси юқори эканлигини кўриш мумкин. Дания, Германия мамлакатлари инсон капитали ва тадқиқотлар, Ирландия инновацион инфратузилма, Исроил мамлакати эса бозор ва бизнеснинг ривожланганлиги даражаси буйича ГИИнинг кучли йигирма бешталигини ташкил этувчи мамлакатларга нисбатан юқори кўрсаткични қайд этган. Шунингдек, “Инновацияларни жорий қилиш индекси” буйича Сингапур, Швейцария, АҚШ, Швеция, Дания, Буюк Британия, Финляндия, Канада, Жанубий Корея мамлакатлари, “Инновацион натижалар индекси” буйича эса Швейцария,

Нидерландия, Швеция, Буюк Британия, Хитой, АҚШ, Финляндия, Исроил, Германия ва Ирландия мамлакатлари етакчилик қилишмоқда (2-жадвал).

Этибор берадиган бўлсак, “Инновацияларни жорий қилиш индекси” бўйича Канада, Жанубий Корея, “Инновацион натижалар индекси” бўйича Хитой ва Ирландия мамлакатлари ГИИ кучли ўнталигига кира олмаган мамлакатлар ҳисобланади. Ушбу мамлакатлар ГИИ таркибига кирувчи биринчи гуруҳ индекси бўйича юқори кўрсаткич қайд этгани билан иккинчи гуруҳ индекси бўйича пастроқ поғоналарни банд этишган. Масалан, “Инновацияларни жорий қилиш индекси” бўйича Канада тўққизинчи, Жанубий Корея ўнинчи, Ирландия йигирманчи, Хитой йигирма олтинчи ўринларни, “Инновацион натижалар индекси” бўйича эса мос равишда йигирма иккинчи, ўн учинчи, ўнинчи ва бешинчи ўринларни эгаллашган.

ГИИ кучли ўнталигига кирувчи мамлакатларда юқорида санаб ўтган омилларни ГИИ кўрсаткичида аҳамиятини баҳолаш ҳамда таъсир даражаларини аниқлаш мақсадида ГИИ кўрсаткичига ГИИ кўрсаткичининг таркибига кирувчи иккита гуруҳ индекслари ҳамда индикаторларнинг таъсир даражаларини жуфт корреляция коэффицентлари ёрдамида таҳлилий қараб чиқамиз.

Таҳлил натижаларини кўрсатишича ГИИ кўрсаткичи ва унинг таркибига кирувчи иккита гуруҳ индекслари билан жуда юқори мусбат корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, ГИИ кўрсаткичи ва “Инновацияларни жорий қилиш индекси” орасидаги корреляция коэффицентлари 0.96, ГИИ кўрсаткичи ва “Инновацион натижалар индекси” орасидаги корреляция коэффицентлари эса 0.97 га тенг. Шунингдек ГИИ кўрсаткичи ва мавжуд етти индикаторлар орасидаги боғланиш ҳам жуда юқори даражаларни (мос равишда 0.84, 0.90, 0.81, 0.80, 0.82, ва 0.93, 0.94) ташкил этмоқда (3-жадвал).

Қуйидаги жадвалга кўра, “Инновацияларни жорий қилиш индекси” билан институционал муҳит, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, бозорнинг ривожланганлиги, бизнеснинг ривожланганлиги индикаторлари орасида юқори мусбат корреляцион боғланишни кўриш мумкин ҳамда ушбу корреляция коэффицентлари мос равишда 0.82, 0.86, 0.83, 0.80, 0.78, 0.85 ларга тенг.

“Инновацияларни жорий қилиш индекси” билан билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши, ижодий маҳсулот индикаторлари орасидаги корреляция коэффицентлари эса мос равишда 0.63, 0.65 кўрсаткичларни ифодамоқда.

“Инновацион натижалар индекси” билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши индикатори билан 0.90, ижодий маҳсулот индикатори билан эса 0.92 га тенг бўлган юқори даражадаги мусбат корреляцион боғлиқликни ташкил этмоқда. Шунингдек “Инновацион натижалар индекси” билан институционал муҳит, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, бозорнинг ривожланганлиги, бизнеснинг ривожланганлиги индикаторлари орасида ҳам анча юқори мусбат корреляцион боғланишни акс эттирмоқда.

3-жадвал

ГИИ кўрсаткичи ва унинг таркибига кирувчи иккита гуруҳ индекслари ҳамда индикаторлари орасидаги жуфт корреляция коэффицентлари


	Глобал инновацион индекс	Инновацияларни жорий қилиш индекси (Innovation Input Sub-Index)	Инновацион натижалар индекси (Innovation Output Sub-Index)	Институционал муҳит	Инсон капитали ва тадқиқотлар	Инфратузилма	Бозорнинг ривожланганлиги	Бизнеснинг ривожланганлиги	Билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши	Ижодий маҳсулот
Глобал инновацион индекс	1									
Инновацияларни жорий қилиш индекси (Innovation Input Sub-Index)	0.96	1								
Инновацион натижалар индекси (Innovation Output Sub-Index)	0.97	0.82	1							
Институционал муҳит	0.84	0.86	0.67	1						
Инсон капитали ва тадқиқотлар	0.90	0.83	0.66	0.62	1					
Инфратузилма	0.81	0.80	0.65	0.67	0.64	1				
Бозорнинг ривожланганлиги	0.80	0.78	0.60	0.55	0.57	0.52	1			
Бизнеснинг ривожланганлиги	0.82	0.85	0.72	0.69	0.68	0.65	0.58	1		
Билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши	0.93	0.63	0.90	0.61	0.72	0.63	0.55	0.75	1	
Ижодий маҳсулот	0.94	0.65	0.92	0.70	0.69	0.70	0.57	0.71	0.74	1

Манба: <https://www.globalinnovationindex.org/analysis-indicator> – маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари институционал муҳит, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, бозорнинг ривожланганлиги, бизнеснинг ривожланганлиги, билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши, ижодий маҳсулот индикаторлари бир-бири билан ўзаро ўрта ҳамда ўртадан кучли даражада мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўриш мумкин. Келтирилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда ГИИ кучли ўнталигига кирувчи мамлакатларда ГИИ кўрсаткичини ўзгаришига “Инновацияларни жорий қилиш индекси” ва “Инновацион натижалар индекси” деярли

бир хил, инсон капитали ва тадқиқотлар, билимлар ва технологияларнинг ишлаб чиқарилиши, ижодий маҳсулот индикаторлари эса қолган тўртта индикаторларга нисбатан юқори даражада таъсир қилган, яъни юқоридаги мамлакатларда инсон капитали ва унинг тадқиқот фаолияти, янги билимлар ҳамда технологияларни, шунингдек ижодий маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши юксак даражада тараққий топган.

Кўриниб турибдики, ГИИ мамлакатларда илм-фаннинг ривожланганлиги, мамлакатларда мавжуд инновацион салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ифодаламоқда. Бу эса инновацион салоҳиятнинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини таҳлил қилиш имконини беради.



Маъна: <https://data.worldbank.org/> ва <https://www.globalinnovationindex.org/analysis-indicator> – маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-расм*. ГИИ кўрсаткичи ва аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми ўртасидаги боғлиқлик, (жуфт корреляцион-регрессион таҳлил натижаси)

***Изоҳ:** Расмдаги мамлакатларнинг номлари Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO)нинг ISO 3166 –2 стандарти бўйича қисқартириб ёзилган ҳамда мамлакатларнинг тўлиқ номлари куйида берилган:

BG (Болгария), **BF** (Буркина-Фасо), **CN** (Хитой), **CR** (Коста-Рика), **DK** (Дания), **ET** (Эфиопия), **FI** (Финляндия), **GE** (Грузия), **DE** (Германия), **IN** (Ҳиндистон), **IL** (Исроил), **KE** (Кения), **MW** (Малави), **MY** (Малайзия), **ML** (Мали), **MX** (Мексика), **MN** (Монголия), **ME** (Черногория), **MA** (Марокаш), **NP** (Непал), **NL** (Нидерландия), **PH** (Филиппин), **MD** (Молдова Республикаси), **RO** (Руминия), **RU** (Россия Федерацияси), **RW** (Руанда), **SN** (Сенегал), **SG** (Сингапур), **SE** (Швеция), **CH** (Швейцария), **TJ** (Тожикистон), **TH** (Таиланд), **TN** (Тунис), **TR** (Туркия), **UG** (Уганда), **UA** (Украина), **GB** (Буюк Британия), **TZ** (Танзания Бирлашган Республикаси), **US** (АҚШ), **VN** (Ветнам)

Шу билан бирга инновацион салоҳият ва иқтисодиётнинг ривожланганлиги даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг юқори даражада эканлигини жуфт корреляцион-регрессион таҳлил кўрсатмоқда (1-расм). Куйидаги жуфт корреляцион-регрессион таҳлилни амалга ошириш учун Жаҳон банкининг дунё мамлакатлари иқтисодиётини даромадлар бўйича таснифлагичи¹ асосида, 2019 йил ГИИ мамлакатларидан қиркта мамлакат танлаб олиниб тенг тўртта гуруҳга ажратилади. Шунингдек ҳар бир гуруҳдаги мамлакатлар юқоридаги таснифлагичга кўра ўз гуруҳларининг етакчи мамлакатлари ҳисобланади. Расмдаги мамлакатларда ГИИ кўрсаткичи ва аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи тренд чизиғи детерминация коэффициенти ($R^2 = 0,8597$) билан берилган даражали функция кўринишида ифодаланган. Таҳлил натижаларига кўра, биринчи гуруҳ, яъни юқори даромадли мамлакатлар гуруҳи бўйича ГИИ кўрсаткичининг ўртача даражаси 60.76 ни ташкил этган. Ушбу гуруҳда ГИИ кўрсаткичининг ўртача даражасидан юқори бўлган Швейцария, Швеция, АҚШ, Нидерландия ва Буюк Британия мамлакатларини кўриш мумкин. Иккинчи гуруҳ бўйича ГИИ кўрсаткичининг ўртача даражаси 39.77 ни ташкил этиб, бу гуруҳда Хитой, Малайзия, Болгария мамлакатлари ўртача даражадан анча юқори кўрсаткични кайд этган.

¹ Жаҳон банкининг дунё мамлакатлари иқтисодиётини даромадлар бўйича таснифлагичи (2018 йил 1 июль):

Биринчи гуруҳ – Юқори даромадли мамлакатлар: > 12 055 АҚШ долл.

Иккинчи гуруҳ – Ўртадан юқори даромадли мамлакатлар: 3 896 – 12 055 АҚШ долл.

Учинчи гуруҳ – Ўртадан паст даромадли мамлакатлар: 996 – 3 895 АҚШ долл.

Тўртинчи гуруҳ – Паст даромадли мамлакатлар: < 996 АҚШ долл.

Учинчи гуруҳ бўйича ГИИ кўрсаткичининг ўртача даражаси эса 35.34 га тенг бўлиб, ушбу гуруҳдаги Вьетнам, Украина, Грузия, Ҳиндистон, Монголия, Филиппин ва Молдова мамлакатлари ГИИ ўртача даражасидан бироз юқори кўрсаткични ҳосил қилишган. Шунингдек, ГИИ кўрсаткичининг ўртача даражаси паст даромадли мамлакатлар гуруҳи, яъни тўртинчи гуруҳ учун 25.22 ни ташкил этгани Руанда, Сенегал, Танзания, Тожикистон ҳамда Уганда мамлакатлари ушбу кўрсаткичдан юқори натижани кайд этганлигидан далолат бермоқда.

Келтирилган таҳлил натижаларига таянган ҳолда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг кўтарилиши билан мамлакатларнинг даромадларига кўра мос гуруҳлари бўйича ГИИ кўрсаткичининг ўртача даражаси ортиб бораётганини кўриш мумкин. Бу эса, бир томондан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) қатта миқдордаги инвестицияларни талаб этиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, инновация иқтисодий ўсишнинг муҳим омили эканлигини асослайди.

Жаҳон иқтисодиётининг қиёсий таҳлили инновациялар соҳасидаги етакчилик ИТТКИга ажратилаётган харажатларга бевосита боғлиқлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2019 йилда глобал ИТТКИ харажатларида АҚШ 25,2%, Хитой 22,5%, Япония 8%, Германия 5,4%, Ҳиндистон 4% ва Жанубий Корея 3,8% [9] улушларга эгалик қилишган. ИТТКИ харажатлари таркибининг таҳлили кўрсатишича, ушбу соҳага сарфланаётган маблағларнинг мутлақ миқдори бўйича АҚШ ҳамда Хитой мамлакатлари етакчилик қилади (4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан ИТТКИга сарфланаётган маблағлар йилдан йилга етакчи мамлакатларда ва дунё бўйича ҳам ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ИТТКИга сарфланаётган маблағлар ЯИМга нисбатан йилига ўрта ҳисобда дунё бўйича 1,7% ни, етакчи мамлакатлар бўйича 2,3% ни, бошқа мамлакатлар бўйича эса бу кўрсаткич 0,95% ни ташкил этмоқда.

Миллий инновацион фаолиятнинг ривожланишини умумлашган ҳолда акс эттирувчи аҳоли жон бошига тўғри келувчи ИТТКИ харажатлари бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар ўртасида кескин фарқ мавжуд. Хусусан, 2018 йилда АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Япония мамлакатларида ушбу кўрсаткич ўртача 1700 АҚШ долларига тенг бўлган бўлса Хитой, Россия мамлакатларида эса ўртача 310 АҚШ долларни [10] ташкил этган.

4-жадвал

ИТТКИ харажатлари бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари

	Мамлакатлар	ИТТКИ харажатлари, ЯИМга нисбатан %да				ИТТКИ харажатлари, млрд. АҚШ долл. (Харид қобилияти паритети бўйича)			
		2019 й.	2018 й.	2017 й.	2016 й.	2019 й.	2018 й.	2017 й.	2016 й.
1	АҚШ	2,84	2,84	2,83	2,81	596,58	565,76	537,59	512,46
2	Хитой	1,98	1,97	1,96	1,94	532,80	499,63	444,82	400,99
3	Япония	3,50	3,50	3,50	3,55	190,65	189,51	185,53	172,32
4	Германия	2,84	2,84	2,84	2,88	128,32	126,55	114,84	112,50
5	Ҳиндистон	0,86	0,85	0,84	0,85	95,79	89,23	76,91	72,85
6	Жанубий Корея	4,35	4,32	4,30	4,26	90,27	89,47	85,43	80,89
7	Франция	2,25	2,25	2,25	2,24	69,08	68,33	62,13	60,06
8	Россия	1,50	1,52	1,52	1,50	61,43	61,58	57,81	55,32
9	Буюк Британия	1,73	1,72	1,73	1,75	53,17	52,03	49,16	47,73
10	Бразилия	1,16	1,17	1,18	1,20	39,40	39,38	37,14	37,04
	Бошқа мамлакатлар	0,97	0,97	0,92	0,95	513,30	507,38	451,17	436,64
	Дунё бўйича	1,72	1,71	1,67	1,72	2 370,79	2 288,85	2 102,53	1 988,80

Манба: <https://www.rdworltonline.com/> – маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, ИТТКИ харажатлари бўйича етакчи мамлакатлар илмий-тадқиқот билан шуғулланувчилар сони бўйича ҳам етакчилик қилишади. Жумладан, 2018 йилда иш билан банд бўлган ҳар минг кишига тўғри келувчи илмий ходимлар сони Жанубий Кореяда 15.3 кишини, Францияда – 10.9, Японияда – 9.9, Германияда – 9.7, Буюк Британияда – 9.4, АҚШда – 9.3, Россияда – 5.6, Хитойда эса 2.4 кишини ташкил этди. Бундан ташқари юқоридаги мамлакатларда ИТТКИ харажатларини молиялаштирилиши ва ўзлаштирилишида ҳукумат, бизнес, олий таълим ва хусусий нотижорат секторларининг фаоллиги жуда юқори. Масалан, 2018 йилда АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатларда ИТТКИ харажатларини молиялаштирилиши ўрта ҳисобда, бизнес сектори томонидан 71% ни, ҳукумат томонидан 21,5%, олий таълим ва хусусий нотижорат сектори томонидан эса 3,6% ни ташкил этган бўлса, Хитой мамлақатида бизнес сектори томонидан 76,6%, Россияда 29,5%, ҳукумат томонидан Хитойда 20,2%, Россияда 67,0%, олий таълим ва хусусий нотижорат сектори томонидан Россияда 1,1% ни ташкил этди. ИТТКИга сарфланаётган маблағларнинг секторлар бўйича ўзлаштириш даражаси 2018 йилги статистик маълумотларга кўра Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Германия мамлакатларида ўртача, бизнес сектори – 75,3%, олий таълим – 12,6%, ҳукумат – 10,5%, хусусий нотижорат сектори – 2,3% ни, Хитой ҳамда Россия мамлакатларида бу кўрсаткич мос равишда бизнес сектори ҳиссасига 77,4% – 55,6%, олий таълим 7,4% – 9,7%, ҳукумат 15,2% – 34,4%, Россияда хусусий нотижорат сектори ҳиссасига эса 0,3% тўғри келган [11].

Умуман олганда, инновация соҳасида илғор бўлган мамлакатлар инновацион тизимларнинг узвий алоқадорликларини яратишга эришилган, яъни инсон капиталига киритиладиган инвестициялар ва инновацион инфратузилманинг ривожлантирилиши юқори даражадаги ижодий фаолиятни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. A. Chursin et al. (2018). Innovation as a Basis for Competitiveness. Springer International Publishing Switzerland.
2. Kraemer-Mbula, E., & Wunsch-Vincent, S. (2016). The Informal Economy in Developing Nations: Hidden Engine of Innovation? Cambridge: Cambridge University Press.
3. Bil I., Falkowski K., Kowalski A. (2014) International Competitiveness of Countries with Dynamic Innovation Systems. In: Weresa M. (eds) Innovation, Human Capital and Trade Competitiveness. Innovation, Technology, and Knowledge Management. Springer, Cham.
4. Caliori, T., Chiarini, T. Knowledge Production and Economic Development: Empirical Evidences. J Knowl Econ (2016). <https://doi.org/10.1007/s13132-016-0435-z>.
5. Kolmykova T.S., Emelianov S.G., Merzlyakova E.A. (2017) Assessment of Innovative Capacity of the Region. In: Tsounis N., Vlachev A. (eds) Advances in Applied Economic Research. Springer Proceedings in Business and Economics. Springer, Cham.
6. Komkov N.I. Analysis and Assessment of the Prospects for the Implementation of the Scientific and Technological Development Strategy of Russia. Stud. Russ. Econ. Dev. 30, 530–539 (2019). <https://doi.org/10.1134/S1075700719050083>.
7. Popov, E.V., Kochetkov, D.M. Developing the Regional Knowledge Economy Index: a Case of Russian Regions. J Knowl Econ 10, 1860–1878 (2019). <https://doi.org/10.1007/s13132-019-00590-8>.
8. The Global Innovation Index 2019: Creating Healthy Lives—The Future of Medical Innovation // Switzerland. p.206. 2020 Global R&D Funding Forecast. February 2020, p.44.
9. OECD (2020), Main Science and Technology Indicators, Volume 2020 Issue 1, OECD Publishing, Paris, p.13. <https://doi.org/10.1787/e3c3bda6-en>.
10. OECD (2020), Main Science and Technology Indicators, Volume 2020 Issue 1, OECD Publishing, Paris, p.22-29. <https://doi.org/10.1787/e3c3bda6-en>.

УДК 33

ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ УЧЁТНОГО ПРОЦЕССА В АО «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

С.М. Султанова, к.э.н., доцент, Ташкентский Государственный транспортный университет, Ташкент

А.Б. Джуманова, к.э.н., доцент, Ташкентский Государственный транспортный университет, Ташкент

Аннотация. Ушбу мақолада «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлашнинг амалий масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: ахборотни қўллаб-қувватлаш, рўйхатга олиш жараёни, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ

Аннотация. В данной статье освещены практические вопросы информационного обеспечения учётного процесса в АО «Ўзбекистон темир йўллари».

Ключевые слова: информационное обеспечение, учётный процесс, АО «Ўзбекистон темир йўллари»

Abstract. In this article practical issues of information support of the accounting process in JSC "Uzbekiston Temir Yullari".

Key words: information support, registration process, JSC "Uzbekiston Temir Yullari"

Корпоративное управление в АО «Ўзбекистон темир йўллари» строится на актуальной достоверной информации, данных внутриотраслевой статистической отчётности, анализе финансовой экономической ситуации в железнодорожной отрасли. Для эффективного функционирования железнодорожной компании необходимо своевременное внедрение инновационных разработок и качественное информационное обслуживание.

Значительная часть информации, используемой руководителями при выработке управленческих решений, содержится в регистрах оперативного и бухгалтерского учета. Однако довольно часто для принятия правильного управленческого решения этих данных оказывается совершенно недостаточно, поскольку необходимо учитывать большое количество аспектов, касающихся деятельности предприятия, которые не находят своего отражения ни в оперативном, ни в бухгалтерском учете.

Дальнейшее развитие информатизации АО «Ўзбекистон темир йўллари» является стратегической задачей развития железнодорожного транспорта и его инновационного развития. Средства автоматизации создают необходимую материально-техническую базу, которая способна влиять на распространение знаний за счёт электронного документооборота и общей автоматизации всех информационных процессов. Основными современными направлениями развития

информационных технологий на железнодорожном транспорте являются создание единого информационного пространства для взаимодействия органов управления транспортным комплексом и клиентов рынка транспортных услуг, создание Государственного информационного ресурса транспортного комплекса Республики Узбекистан [1].

Актуальным на сегодняшний день является развитие системы управленческого учёта на предприятиях железнодорожного транспорта, которая содержит массив информации о постатейном и поэлементном распределении затрат в разрезе видов деятельности, укрупнённых видов работ (УВР) согласно структурной составляющей АО «Узбекистон темир йўллари».

Предлагается для достижения этой цели в основе информационной учётной системы учитывать следующие концептуальные положения:

1. Организация учёта затрат по местам их возникновения (производственные подразделения и административно-вспомогательные) [4].

2. На основе применения методики функционально-стоимостного анализа (ФСА), распределение общепроизводственных и общехозяйственных затрат. ФСА - это метод системного исследования функций объекта, направленный на минимизацию затрат в сферах проектирования, производства и эксплуатации объекта при сохранении его качества. Он относится к перспективным методам экономического анализа. Отличительной особенностью данного метода является его эффективность.




Рисунок 1. Два типа МВЗ на предприятиях железнодорожного транспорта

Учёт по местам возникновения затрат даёт представление о горизонтальной структуре предприятия, решая при этом задачи внутреннего контроля на приоритетных направлениях формирования затрат и прибыли. Издержки можно группировать по центрам затрат - отдельным участкам, бригадам, цехам, отделам (подразделениям), а также по сферам ответственности, когда возможно учесть выполнение управленцами установленных должностных обязанностей. Организация такого учёта на предприятии даст возможность осуществлять контроль за формированием затрат, повышать ответственность за их целесообразность и, обоснованно распределять косвенные затраты по носителям затрат. Группировка объектов учёта затрат по центрам и носителям затрат по видам деятельности (рисунок 1). Все места возникновения затрат (МВЗ) можно разделить на две группы:

- производственные подразделения;
- вспомогательно-административные подразделения.



Рисунок 2. Программные возможности реализации МВЗ

К производственным подразделениям относятся те структурные подразделения на железнодорожном транспорте, предназначением которых является выполнение работ по осуществлению перевозок, обслуживанию инфраструктуры и т.д.

К вспомогательно – административным подразделениям относятся структурные подразделения, основной целью которых, являются только администрирование работы подразделений нижнего уровня или обслуживание данных подразделений [1].

Современные технологии информатизации экономических и производственных процессов в АО «Ўзбекистон темир йўллари» функционируют на основе единых принципов и по общим правилам. Информатизация управленческого учёта АО «Ўзбекистон темир йўллари» должна реализовываться с учётом формирования этого единого информационного пространства.

Существующая информационная система учёта в АО «Ўзбекистон темир йўллари» значительно отстаёт от передовых стран почти по всем основным направлениям информатизации: программному обеспечению, числу персональных компьютеров, системам связи, уровню загрузки больших вычислительных систем, количеству действующих информационных систем, а главное, использует до сих пор устаревшие технологии проектирования, разработки и сопровождения информационных систем [3].

Основной целью предлагаемой формы ведения управленческого учёта должно стать получение максимального эффекта за счёт более оптимального использования подвижного состава, трудовых, интеллектуальных и материальных ресурсов с использованием процедурных возможностей известного программного продукта «1С.Предприятие 8.3» (рисунок 2).

Современные технологии информатизации экономических и производственных процессов в АО «Ўзбекистон темир йўллари» хотя и внедрены повсеместно, однако эффективность данного процесса зависит от текущей информационной поддержки. Предлагаем улучшить информативность сайтов, а также организацию служб, оказывающих консультации в режиме реального времени, что по нашему мнению, приведёт к росту интересов всех возможных пользователей сайтов подразделений АО «Ўзбекистон темир йўллари», а значит и прибыльности компании.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Б.А. Бегалов, С.М. Султанова. Информационные системы бухгалтерского учёта: проблемы, поиски, решения. Монография. – Ташкент, «Фан», 2009. -116 с.
2. Лоскутова Н.И. Информационная система принятия управленческих решений // Современные производственные и образовательные технологии на железнодорожном транспорте: сб. научных трудов, Челябинск, 2010, - с. 81-95.
3. <http://railway.uz/ru/> -Официальный сайт АО «Ўзбекистон темир йўллари».
4. Ларионова М.С. Управленческий учет как элемент информационного обеспечения коммерческой организации // Экономика и бизнес: теория и практика. 2017. №9. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/upravlencheskiy-uchet-kak-element-informatsionnogo-obespecheniya-kommercheskoy-organizatsii> (дата обращения: 14.10.2020).

TARIH FAHLARI

UO'K 316.728+39(575)

ILM-FAN VA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI*H.E. Abdunosirova, katta o'qituvchi, Toshkent to'qimachilik va engil sanoat instituti, Toshkent*

Annotatsiya. Maqolada ilm-fan va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning dolzarb masalalari ilmiy jihatdan tahlil qilindi. Ta'limda innovatsiya – ta'lim jarayonida foydalanish uchun kiritilgan yangi usul va vositalar yig'indisi orqali ta'lim sifati va samaradorligini oshirishdir. Juda ko'p o'rinlarda qo'llaniladigan ta'lim yoki har qanday jarayonga kiritilgan yangilik innovatsiya bo'la olmaydi. Innovatsiya bo'lishi, shu kiritilgan jarayonga tahlillik, qulaylik yaratishi va yutuqlarga erishishi kerak bo'ladi.

Kalit so'zlar: innovatsiya, raqamli iqtisodiyot, yoshlar, ilm-fan, intellektuallik, faollik, ta'lim, meros, tarbiya

Аннотация. В статье представлен научный анализ актуальных проблем развития науки и цифровой экономики. Инновации в образовании - это повышение качества и эффективности образования посредством набора новых методов и инструментов, внедренных для использования в образовательном процессе. Образование, которое применяется во многих сферах, или любая инновация в любом процессе не могут быть инновационными. В этом процессе должны быть инновации, анализ, удобство и достижения.

Ключевые слова: инновации, цифровая экономика, молодежь, наука, интеллект, активизм, образование, интеллект, наследие, воспитание

Abstract. The article presents a scientific analysis of the pressing problems of the development of science and the digital economy. Innovations in education are improving the quality and effectiveness of education through a set of new methods and tools introduced for use in the educational process. Education, which is applied in many fields, or any innovation in any process, cannot be innovative. In this process, there must be innovation, analysis, convenience and achievement.

Keywords: innovation, digital economy, youth, science, intelligence, activism, education, heritage, education.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev 2020 yil 24 yanvarda Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida: “Nafaqat yoshlar, balki butun jamiyatimiz a’zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun avvalo ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak. Ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish bo‘ladi. Sharq donishmandlari aytganidek, «Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir!» – deya ta’kidlaydi [1]. Shuningdek, 2018-yil 28-dekabrda 2019 yil uchun eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo‘yicha quyidagilarni aytib o‘tdi: “...Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko‘zda tutadigan “Raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasi”ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda “Raqamli O‘zbekiston-2030” dasturini hayotga tatbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o‘stirish, korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar o‘tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda. Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha “Yo‘l haritasi”ni ishlab chiqish topshiriladi. Bu borada axborot xavfsizligini ta’minlashga alohida e’tibor qaratish zarur” [2].

Ushbu raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dasturi quyidagi maqsadlarni amalga oshirish uchun xizmat qilishi kerak: 1) Mamlakat raqamli iqtisodiyot tizimining institutlari va infratuzilmasini yaratish; 2) Respublikaning barcha tarmoqlarini qamrab oluvchi information jamiyat tashkil qilish uchun kerakli bo‘lgan barcha chora-tadbirlarni amalga oshirish; 3) Global miqyosda va global bozorlarga respublikamizning raqobatbardoshligini oshirish.

2020 yil 24 yanvardagi Murojaatnomada belgilab berilgan 2020 yil va keyingi yillarda iqtisodiyot sohasida amalga oshirish zarur bo‘lgan dasturiy va maqsadli vazifalar quyidagilardan iborat: 1. 2020 yilda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash va inflyasiyani jilovlash – iqtisodiy islohotlar jarayonidagi bosh vazifa ekanligi. 2. Iqtisodiyotni yuqori sur’atlar bilan rivojlantirish uchun faol investitsiya siyosatini izchil davom ettirish. 3. Bank tizimini rivojlantirish uchun keskin choralar ko‘rish. 4. Barqaror iqtisodiy o‘sishning eng muhim garovi sifatida raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish, ular uchun yangi xalqaro bozorlar topish va eksportni ko‘paytirish, tranzit salohiyatidan to‘liq foydalanish. 5. Sanoat tarmoqlarini uzluksiz xomashyo va zamonaviy infratuzilma bilan ta’minlash. 6. Biznes muhitini yanada yaxshilash. 7. Iqtisodiyot rivojini, aholi bandligi va daromadlari o‘sishini ta’minlaydigan eng muhim sohalardan biri bo‘lgan qishloq xo‘jaligini strategik yondashuvlar asosida taraqqiy ettirish. 8. Turizmni iqtisodiyotning strategik tarmog‘iga aylantirish. 9. Urbanizatsiya jarayonlarini jadallashtirgan holda, hududlarni kompleks rivojlantirish, aholi uchun munosib turmush sharoitini yaratish kabilar. Ayniqsa, Murojaatnomada “Inson manfaatlari – hamma narsadan ustun” degan tamoyil asosida, xalqimiz hayotini tubdan yaxshilash bo‘yicha olib borilayotgan keng ko‘lamli ijtimoiy islohotlarning davom ettirilishi, buning uchun birinchi navbatda aholi farovonligini oshirish

va uning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish – bosh vazifalardan biri bo'lib qolishining qayd etilgani e'tiborga loyiq.

Dastlab, innovatsiya atamasining mohiyatini tadqiq etsak. Ma'lumki, "Innovatsiya" tushunchasi birinchi bo'lib XIX-asrning ilmiy tadqiqotlarida paydo bo'lib, lug'aviy jihatdan "innovatsiya" tushunchasi ingliz tilidan tarjima qilinganda ("innovation") "yangilik kiritish" degan ma'noni anglatadi. "Innovatsiya" tushunchasi mazmunan aniq holatni ifodalaydi. O'zbek tilining izohli lug'atida esa quyidagicha ta'rif berilgan: Innovatsiya (ingl. innovation - kiritilgan yangilik, ixtiro). 1. Iqtisodiy texnika va texnologiyaning yangi turlari (avlodlari)ni joriy etish maqsadida iqtisodiyotga sarflangan mablag'lar. 2. Ilg'or texnika va texnologiya, boshqarish va boshqa sohalardagi yangiliklar va ularning turli sohalarda qo'llanishi. 3. Muayyan tilda, asosan uning morfologiya sohasida eng so'nggi davrlarda paydo bo'lgan yangi hodisalar (til birliklari) [4, 212]. Yuqorida keltirilgan ta'riflarga e'tibor qaratadigan bo'lsak, ular asosan innovatsiya tushunchasini texnologik va iqtisodiy jihatdan izohlaydi. Bu innovatsiya hamda innovatsion faoliyat tushunchalarini o'rganishda bir tomonlama yondoshuvning yuzaga kelishiga olib keladi. Natijada innovatsiya va innovatsion faoliyat tushunchalarining ijtimoiy hayotdagi ahamiyatini anglash qiyinlashadi. Shu bois ushbu masala yuzasidan ilmiy izlanishlar olib borgan xalqaro tadqiqotchilarning fikrlarini ham keltirib o'tamiz: Innovatsiya – kapitalni yangi texnika yoki texnologiyaga, ishlab chiqarishni tashkil qilish, mehnat, xizmat ko'rsatish va boshqaruvning yangi shakllariga, jumladan, yangicha nazorat va hisob shakllari, rejalashtirish va tahlil usullariga kiritishdan olingan, moddiy tus olgan natijadir [5, 76]. Innovatsiya - muayyan tizimning ichki tuzilishini o'zgartirishga qaratilgan faoliyat. "O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi"da ko'rsatilishicha, innovatsiya quyidagicha mazmun va tushunchalarga ega: "Innovatsiya (ingl. "innovations" – kiritilgan yangilik, ixtiro). 1) texnika va texnologiya avlodlarini almashtirishni ta'minlash uchun iqtisodiyotga sarflangan mablag'lar; 2) ilmiy-texnika yutuqlari va ilg'or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarish va mehnatni tashkil etish kabi sohalardagi yangiliklar, shuningdek, ularning turli sohalarda va faoliyat doiralarida qo'llanishi" [6, 169].

Shuningdek, 2020 yil 31 yanvar kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev olimlar va yoshlar bilan fikr almashdilar. Jumladan, "2020 yil mamlakatimizda "Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" deb e'lon qilinib, bu boradagi ustuvor maqsadlar belgilandi. Yurtimizda avvaldan shakllangan ilmiy maktablar, salohiyatini hisobga olib, hozirgi bosqichdagi milliy manfaatlarimiz va taraqqiyotimiz yo'nalishlaridan kelib chiqqan holda, bu yil matematika, kimyo, biologiya, geologiya fan sohalarini rivojlantirish tanlab olindi" [3]. Ta'lim jarayonida qo'llanilayotgan innovatsiyalarga har bir pedagogning o'zining yondashuvidan kelib chiqib, mashg'ulot olib borayotgan fan doirasidan qoidalarga o'zgartirish kiritishi mumkin. Shunga monand ravishda innovatsiyani qo'llayotgan o'qituvchiga ham bir qancha talablar qo'yish mumkin: o'z-o'ziga nisbatan talabchanlik; maqsadni ifodalay olish; auditoriyani ishonitirish va ergashtira olish; zamonaviy ilm-fan yutuklaridan foydalana olish; har kimga o'xshamagan pedagog bo'lish, an'anaviy pedagoglardan farq qilish; o'quvchi va talabalar orasida liderlar poygasini tashkil etish; butun e'tiborni auditoriyaga yo'naltirish; har safar dars mashg'ulotiga yondashishda yangi jarayonni yaratish; yangiliklar va o'zgarishlarning lideriga aylanish; talabchan va faol tashabbuskor bo'lish; dars mashg'ulotingiz va o'zingizga nisbatan sog'inchni uyg'ota olish.

Har bir davr yoshlarining bilim darajasi, fikrlashi, dunyoqarashi, ma'naviy qiyofasiga qarab o'sha jamiyatning ertangi kunini aniq tasavvur etish mumkin. Zero, yoshlar jamiyatning tub negizi, aholining ilg'or qatlami, kelajakning ishonchli egalidir. Bozor munosabatlariga o'tish davrida ustuvor hisoblangan davlat ilmiy-texnika siyosatining mohiyati respublika ichki talabini tez qondiradigan, jahon bozorida raqobatbardosh bo'la oladigan, iqtisodiyot tarmoqlari tubdan yangilanishiga imkon beradigan ilmiy va texnologik tadqiqotlarga ko'maklashishdan iborat. Davlat innovatsion siyosati mahalliy mahsulotlar raqobatbardoshligini oshirish, barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlash, aholining turmush sifati va darajasini oshirish, texnologik va ekologik xavfsizligini ta'minlash uchun innovatsion faoliyat ustuvorliklarini tan olishdan kelib chiqib shakllantiriladi va amalga oshiriladi. Davlat innovatsion siyosatining asosiy maqsadi innovatsion faoliyat uchun mahalliy mahsulotlar raqobatbardoshligining o'sishi, fan-texnika yutuqlaridan samarali foydalanish, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish masalalarini hal etishni ta'minlaydigan iqtisodiy, huquqiy va tashkiliy sharoitlar yaratish hamda mamlakatning mudofaa qobiliyatini, shaxs, jamiyat va davlat xavfsizligini mustahkamlashdan iborat. Ilmiy faoliyat davlat siyosatining eng faol sohasi bo'lib kelgan va bundan keyin ham shunday bo'lib qoladi. Aytish joizki, ilmiy g'oya bevosita xo'jalik faoliyatida qo'llanilishi mumkin emas. Shuning uchun tashkilotlar tadqiqotlarni moliyalashtirishga sekinlik bilan yondashadi, garchi unga katta ehtiyoj sezsa ham. Hozirgi sharoitda davlat biznesning ta'minlash funksiyasini, aniqrog'i, ilmiy bilimlar va g'oyalar bilan ta'minlashni o'z zimmasiga olmoqda. Aynan shuning uchun ilg'or mamlakatlar rasmiy hujjatlarida ilmiy-texnika taraqqiyotiga yagona zanjir, ilmiy g'oya ishlab chiqarish, innovatsiya biznesini keng ko'lamda qo'llash yoki foydalanish sifatida qaraladi.

Xulosa sifatida aytish joizki, bozor iqtisodiyoti sharoitida nafaqat ichki, balki tashqi bozorda ham ilm talab va yuksak texnologiyalarga asoslangan mahsulotlarga ehtiyoj katta. Shu bois butun dunyoda yangi va ilg'or texnologiyalarning bozori oshmoqda. Davlatimiz rahbarining ilm-fanni rivojlantirishga katta e'tibor qaratayotgani tufayli ushbu salohiyat yuksalib bormoqda. Har yili istiqbolli ilmiy g'oya va loyihalarni amalga oshirish uchun davlat grantlari ajratilmoqda. Davlat ilmiy-texnik dasturlari doirasida ro'yobga chiqarilayotgan fundamental va amaliy tadqiqotlar jahon ilm-fani uchun ham katta ahamiyat kasb etmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 25.01.2020 //www.uza.uz.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 28-dekabrda 2019-yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning olimlar va yoshlar bilan uchrashuvi 31 yanvar 2020 yil. – Xalq so'zi 1 fevral 2020 yil.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. 2-t. / - T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. 2006. 212-bet.
5. Балабанов И.И. Инновационный менеджмент. СПб.: Питер, 2001.
6. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Zebuniso-Konigil / 4-tom. Bosh tahrir hay'ati a'zolari: M.Aminov va b. – T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2002.

UO'K 93/94

QADIMGI XORAZMLIKLAR YASHAGAN GEOGRAFIK HUDUD HAMDA ULARNING
ANTROPOLOGIK TUZILISHI

S.B. Allanazarov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Mazkur maqolada qadimgi xorazmliklarning dastlabki yashagan geografik hududlari, migratsiya jarayonlarida ularning ishtiroki va ko'chishlarning sabablari haqida atroflicha so'z yuritiladi. Maqolada xorazmliklarning antropologik belgilari, ularning topib o'rganilgan arxeologik yodgorliklar va natijalariga ham to'xtalib o'tilgan.

Kalit so'zlar: migratsiya, xorazmliklar, yunon-rim tarixchilari, arxeologik topilmalar, Geradot, Amudaryo, geografik hudud, tarixiy manbalar

Аннотация. В данной статье всесторонне пойдет речь именно, о ранних живших географических местах древних хорезмийцев, роли их участие в процессе миграции и причинах переселения. В статье подчеркнуты антропологические свойства хорезмийцев и результаты изучения их археологических памятников.

Ключевые слова: миграция, хорезмийцы, греко-римские историки, археологические находки, Геродот, Амударья, географический район, исторические источники

Abstract. This article discusses the geographical location of the ancient Khorezmians, their participation in the migration process and the reasons for migration. The article also deals with the anthropological features of the Khorezm people, their archeological monuments and their results.

Key words: migration, Khorezmians, Greco-Roman historians, archeological finds, Herodotus, the Amu Darya, geographical area, historical sources

Uzoq o'tmishda Xorazm vohasida ibtidoiy kishilar hayot kechirib baliqchilik, ovchilik, qisman dehqonchilik va chorvachilik bilan shug'ullanganlar. Qadimgi Xorazm vohasi haqida so'z ketganda bu yerlarga faqatgina hozirgi Xorazm viloyati emas, balki o'rta va quyi Amudaryo, Sirdaryo bo'ylari, Kaspiy dengizining shimoliy va sharqidagi keng masofada joylashgan hududlarni ko'z oldimizga keltirmog'imiz zarur. Bu qadimgi vohadan sersuv Amudaryoning oqib o'tishi vohada ibtidoiy davrlarda kishilik jamiyatining ilk ko'rinishlari va ibtidoiy odamlarning yashab kun kechirishlariga imkoniyat yaratgan. Mashhur arab sayyohi Ishtaxriy Xorazm Amudaryoning butun foydasini ola bilgan mamlakatdir deb ta'kidlashi ham bejizga bo'lmagan albatta.

Qadimgi Xorazm vohasida yashagan qabila va elatlarning kelib chiqishi va ularning yashagan joylari masalasi hozirgacha o'z yechimini to'laligicha topmagan. Xorazm tarixini o'rgangan olimlarning fikrlarida haligacha yakdillik yo'q. Dostonlarda va o'rta asr mualliflari asarlarida qadimgi xorazmliklar quyi Amudaryo yerlariga janubdan ko'chib kelgan aholi sifatida tavsiflanadi [1,144.] Ammo yuqorida ta'kidlanganidek, hozirgi davrgacha qadimgi xorazmliklar elatining kelib chiqishi haqida turli qarashlar mavjud. Ayrim olimlar xorazmliklarni hozirgi hududlarda muqim yashab kelgan yerli aholi sifatida tavsiflasalar, boshqalari buni rad qiladi. Natijada XX asrning boshlariga kelib xorazmliklarning hududiy joylashuvi ilm-fanning yetakchi mavzularidan biriga aylandi.

Qadimgi xorazmliklarning yashagan hududlari masalasida to'xtalar ekanmiz, qadimgi yunon-rim tarixchilarining asarlariga murojaat qilish maqsadga muvofiqdir. Strabon, Ktesiy, Gerodot, Gekatiy va boshqa tarixchilarning asarlarida xorazmliklarning yashagan joylari haqida ma'lumotlar uchraydi. Misol uchun ushbu tarixchilarning asarlaridan birida xorazmiylar parfiyaliklardan sharqda, quyosh chiqishi yo'nalishida, ya'ni Parfiya va Baqtriyaning o'rtasida joylashganligini yozib qoldirilgan. Ushbu ma'lumotlarni keltirgan tarixchi Gekatiy xorasmiylarni voha va tog'oldi hududlarida istiqomat qilganliklarni aytib o'tadi.

Millodan avvalgi V asrda yashagan qadimgi yunon tarixchisi Gerodotning "Tarix" asarida Amudaryonig nomi Araks nomi ostida tasvirlangan. Mashhur olim Bartold o'zining asarlarida Gerodotning asarida keltirilgan Araks daryosi aynan Amudaryo ekanligiga shubha qilmaydi. Ammo o'zbek arxeolog olimi, ko'p yillar Xorazmning sug'orilish tarixini chuqur o'rgangan Yahyo G'ulomov "Xorazmning sug'orilish tarixi" asarida buni inkor etib, Gerodot tomonidan tasvirlangan Araks daryosi bo'ylarini Janubiy

Turkmaniston vohalaridan birida, masalan Tajan (Xerurid), Atrek va boshqa daryo vohalarida ro'y berganligini aytib o'tadi [1, 36-37.] Lekin bir narsa haqiqatki, qadimgi davrlarda Xorazm vohasidan oqib o'tgan Amudaryoning sersuvligi natijasida bu o'lkada yuksak madaniyat shakllanishiga sababchi bo'lgan. Y.G'ulomov faqatgina daryo atrofidagi vohalar tasvirlariga e'tibor berib, Gerodot boshqa-boshqa daryolarni chalkashtirgan degan fikrlarni aytib o'tadi.

Y.A.Rapoportning fikricha, Gerodot tilga olgan Araks daryosi xorazmliklarning janubga yurishlari natijasida girkanlar, parfyalar, saranglar va tamaneylar o'lkasida qisqa muddatli hukmronligiga doir xotiradan kelib chiqqan [2, 29.]. E.V.Rtveladze ham Gerodotning qadimgi xorazmiylar yashagan hududlari haqidagi ma'lumotlari bilan tanishib o'zining bir qancha ahamiyatga molik bo'lgan fikrlarni bildirgan. Uning fikricha, xorazmiylar mil.avv VI asrda Murg'ob va Amudaryo oralig'idagi tekisliklar va o'rta balandlikdagi tog'larda yashaganlar. Mazkur yerlar qadimgi Baqtriyaning shimoliy-g'arbiy hududlarini tashkil etgan [3, 36-40.]

Strabon esa o'zining "Geografiya" asarida ko'rsatishicha, xorazmliklar massaget qabilalari tarkibiga kiruvchi aholidan tarkib topgan. Ular janubiy-g'arbda va shimoliy-sharqda dax qabilalari bilan qo'shni bo'lgani holda daxlar tomondan Bolqon getlari bilan qo'shni edilar. Strabon ko'p tarmoqlarga bo'linib ketadigan Araks daryosi Xorazmga ko'proq suv berishini ta'kidlab o'tadi [4].

Ba'zi bir manbalarda xorazmiylarning dastlabki yurti Tajan-Herirud va Murg'ob vohasi bilan bog'lanadi [5,152-153]. Keyinchalik Doro I bosqinidan keyin xorazmliklar quyi Amudaryo hududlariga ko'chirilgan degan fikrlar ham mavjud bo'lib, ko'pchilik olimlar tomonidan bu fikr ilgari surilgan. Ammo M.G.Vorobeva hamda I.N.Xlopin singari olimlar bu fikrlarni inkor qiladilar. Xorazmiylar quyi Amudaryo yerlariga Ahamoniylar davrida ko'chirilmagan. Aksincha ular Xorazm vohasida shakllanganlar degan xulosani taqdim etganlar [6, 40-41].

Adabiyotlarda mavjud fikrlarga ko'ra, xorazmiylar haqida ma'lumotlarni yunon tarixchisi Ktesiyning xabarlari bilan kengaytirish mumkin [7, 51]. Uning "Persika" asarida "Xramniylar" elati tilga olinadi. Bu elatning joylashuvi "parfiylar va baqriylar o'rtasida" deb yozadi. Bu kabi ma'lumotlar aynan xorazmiylar haqida yozib qoldirilgan deyish asoslidir. Ammo bu tarixchilarning bu yerlarda bo'lmaganliklarini hisobga oladigan bo'lsak ushbu ma'lumotlarni to'laqonligicha to'g'ri deb qabul qilib bo'lmaydi. Chunki ular o'z'lari yashab turgan o'lkalardan olisda joylashgan bu hududlar haqidagi ma'lumotlarni faqatgina savdogarlar orqali bilganlar.

XX asrning 70-yillarida I.B.Pyankov Gekatiy va Gerodot va boshqa qadimgi yunon-rim tarixchilari tomonidan xorazmiylarning hududiy joylashuvi haqidagi fikrlarini umumlashtirgan xolda keng ilmiy izlanishlar olib borgan. Shuningdek, I.Makvart, A.Xerman, S.P.Tolstov singari ko'zga ko'ringan olimlarning fikrlarini ham yaqindan o'rgangan. Tadqiqotchi xorazmiylarning hududiy joylashuvini Turkman-Xuroson tog'lari yerlari, Hirot vohasi bilan bog'laydi. Xorazmiylarning Ahamoniylar davrida janubdan quyi Amudaryo yerlariga ko'chirilganligi to'g'risidagi xulosalarni taqdim etgan [8, 3-20].

So'ngi yillarda mamlakatimizda xorazmliklarning hududiy joylashuvi masalasi taniqli o'zbek olimi Ahmadali Asqarov tomonidan atroflicha o'rganildi. Olim yunon-rim tarixchilari va rus tadqiqotchilarining mavzu doirasidagi fikrlarini umumlashtirgan holda keng tahlil qiladi. "Ta'kidlash joizki,- deb yozadi, tarixiy va arxeologik adabiyotlarda qadimgi Xorazmda ham sug'orma dehqonchilik madaniyatining shakllanishi Sug'diyona madaniy-xo'jalik markazi bilan bir vaqtda yuz bergan, degan fikr mavjud. Bunday fikrning shakllanishiga "Katta Xorazm" tarkibiga Amudaryoning quyi havzalari ham kirgan degan chalkash tushuncha sabab bo'lgan. Shu bois, Amudaryoning quyi havzalarida "Xorazm" atamasining paydo bo'lishi borasida ham tarix fanida xato tushuncha shakllanib qolgan" [9, 106]. Ahmadali Asqarov tarixiy manbalarni har tomonlama taxlil qilgan holda xorazmiylarning dastlabki vatani Baqtriyadan janubda, Areyadan sharqda, Xerirud va Hidmend daryolarining yuqori havzasida, hozirgi Hirot vodiysida degan xulosaga keladi [9, 113]. Ahamoniylar podshohlar tazyiq o'tkazish yo'li bilan Eron qabilalaridan yiliga katta boj olish maqsadida Hilmend tog' daralaridan oqib chiqadigan soylarga to'g'on qurdirib, suv yo'llarini qadimgi Hilmend, hozirgi Hirot vodiysiga- xorazmiylar yurtiga burib yuborgan. Natijada vodiya ko'l hosil bo'lib, xorazmiylar noilojlikdan vatanlarini tark etib, Amudaryoning quyi oqimiga ko'chishga majbur bo'lganligi haqidagi fikrlarni taqdim qiladi [10, 81]. Tadqiqotchining bunday fikrga kelishining sababi Amirobod davri kishilarning xo'jalik faoliyatiga, ularda ibtidoiy dehqonchilik endigina shakllangan, aholisi yarim yerto'la shaklidagi uylarda yashaganligiga e'tiborini qaratadi. Ma'lumki, Amirobod madaniyati mil.avv. X-VIII asrlarga oid bo'lib, so'ngi bronza va ilk temir davrlarida shakllangan madaniyatdir. VI asrning ikkinchi yarmidan Amudaryoning quyi havzasidagi yuz bergan o'zgarishlar natijasida yerlik aholi Ko'zaliqir hamda Qal'aliqir kabi baland mudofaa inshootlarini barpo qiladilar. Ammo yaqindagina kulbalarda yashab kelayotgan aholi qanday qilib bunday o'zgarishga birdaniga erishganiga shubha qilib, bunday davr oralig'ida qandaydir bog'liqlik yetishmayotganini ta'kidlaydi va aynan keyinchalik yuksak dehqonchilik salohiyatiga ega xorazmiylarning ko'chib kelishini mana shu bog'liqlik sifatida qabul qiladi. Olim bunday xulosaga kelishida "Avesto"dagi ma'lumotlar, Strabon, Gerodot singari tarixchilarning asarlaridagi hududiy joylashuvlar borasidagi fikrlarning mahsuli desak xato bo'lmaydi.

Qadimgi xorazmliklarning kelib chiqish hududlari haqida gap ketar ekan, sovet olimlarini bu boradagi fikrlari haqida atroflicha so'z yuritish zarur. Taniqli rus arxeolog va etnolog olimi S.P.Tolstov Xorazm tarixini o'rganishga salmoqli xissa qo'shgan. Xorazm arxeologiya-etnografiya ekspeditsiyasiga rahbarlik

qilib bu hududlarda uzoq yillar ilmiy tadqiqotlar olib borgan. Uning ilmiy faoliyati natijasida hali fanga ma'lum bo'lmagan, uzoq davrlardan buyon o'z yechimini kutayotgan savollarga javob topildi. U xorazmliklarni Hind-Yevropa qabilalari tillari oilasiga mansubligini ta'kidlab, miloddan avvalgi II va I ming yilliklar chegarasida Qadimgi Xorazm hududlariga uning etnogenezi bosqichlarining uchinchisida frakimmeriylar degan umumiy nom ostida Qora va Kaspiy dengizlarini o'rab olgan qabilalarning biri sifatida maydonga chiqqanligini ta'kidlaydi [11, 91].

Arxeologik va antropologik ilmiy tadqiqotlar Markaziy Osiyo mintaqasi bir necha ming yillar davomida murakkab etnik jarayonlar, katta va kichik guruhlarning aralashuv makoni bo'lib kelganligini ko'rsatadi [12, 39]. Xorazmliklarining antropologik qiyofasi ham aynan ana shu etnik jarayonlar natijasida shakllangan. Qadimgi xorazmliklarning antropologik qiyofasi haqida to'xtalgan paytda shuni qayd etish kerakki, bu yerda mil.avv V-IV asrlarga oid bo'lgan antropologik topilma Sulton Uvays mozor qo'rg'onlaridan topilgan. Bu yerga ko'milgan odamlar o'zbeklarga xos ko'rinishga ega bo'lib yevropoid irqiga mansubdir [13, 3-4]. Taniqli antropolog olim T.A.Xo'jayov tahriflashicha, hozirgi O'zbekiston hududlariga shimoli-g'arbdan Yevropaning yuqori paleolit, mezolit va neolit davri aholisi, janubdan esa janubiy yevroid irqiga mansub xalqlar kelib o'rnatilishi natijasida, aynan shu davrdan boshlab yevropoid komponentlari shakllangan. Biroq temir davriga kelib ishlab chiqarish kuchlarining o'sishi natijasida keng hududlar bilan aloqalar yanada kuchayadi. Natijada aholining antropologik qiyofasida ham o'zgarishlar sodir bo'lib, mongloid irqi komponentlari kuchaya boshlaydi. Shunday qilib mil.avv I ming yillikka kelib morfologik jihatdan mongloid elementlari yuzaga kelgan [14, 16]. O'tkazilgan antropologik tadqiqotlar natijalariga ko'ra xorazmning Tozabog'yop madaniyati odamlarining antropologik belgilari Chust (Farg'ona) madaniyati manzilgohlaridan topilgan paleantropologik topilmalar bilan umumiy o'xshashlikka egaligi aniqlangan [15, 13].

Qadimgi xorazmliklarning irqiy belgilarining o'zgarishi, shu bilan bir qatorda etnik jihatdan tashkil topishida turli etnik guruhlarning bu hududlarga ta'siri natijasida shakllangan va xorazm o'zbeklarining hozirgi qiyofasi yuzaga kelgan.

O'tkazilgan tadqiqot natijalari asosida shuni aytish mumkinki, qadimgi Xorazm diyorining hududiy joylashuvi masalasi haligacha to'la o'z yechimini topmagan. Bu mavzu doirasida tadqiqot ishlarini yanada jadallashtirish zarur bo'lib, bunda asosan manbalarni bir-biriga solishtirish, xorazmliklar haqida berilgan ma'lumotlar yozilgan asarlar aynan qaysi davrda yozilganligini qiyosiy tahlil qilish maqsadga muvofiq. Fikrimizcha, qadimgi manbalarning chalkashliklarining asosiy sababi xorazmliklarning ko'chishidir. Ya'ni O'rta Osiyoda umuman bo'lmagan yunon-rim tarixchilari shu sababli ham noaniq ma'lumotlar keltirib o'tganlar. Bundan tashqari bu asarlarda asosan xorazmliklar yashagan geografik hududning nomi aynan keltirilmasdan, aksincha asosan uning tabiiy iqlim sharoiti va atrofidagi ayrim joylarga qisqa ta'riflab o'tilgan holos.

XULOSA: Yuqorida keltirilgan ma'lumotlarga tayanib quyidagicha xulosa qilish mumkin. Qadimgi xorazmliklarning yashagan dastlabki hududlari bo'yicha ilmiy tadqiqotlarni yangi arxeologik-antropologik ma'lumotlar bilan to'ldirish zarur. Bu esa xorazmliklarning dastlabki hududiy joylashuvi borasidagi turli xil qarashlarni yagona fikr xolatiga olib keladi. Fikrimizcha, xorazmliklarning yashash hududlarini hozirgi Hirot vodiysi bilan bog'lash o'rindir. Ammo shuni alohida qayd etish kerakki, xorazmliklarning o'lkaga kirib kelgunga qadar bo'lgan davrda ham bu yerlarda ibtidoiy kishilar yashab hayot kechirganlar.

Xorazmliklar qadimgi Xorazmning tub joy aholisi massagetlardan farqli o'laroq sug'orma dehqonchilik madaniyatini yaxshi o'zlashtirganlar. Ularning tub joy aholisi bilan qo'shilishi natijasida miloddan avvalgi VI-V asrlarda xo'jalik hayotida muhim o'zgarishlar sodir bo'ladi. Mudofaa devorlari va mustahkam qal'alar bunyod etildi. Aynan shu vaqtdan boshlab Amudaryoning quyi havzasidagi yerlar xorazmliklarning nomidan kelib chiqib, Xorazm deb yuritiladigan bo'ladi. Aynan sug'orma dehqonchilik madaniyatini olib kelgan xorazmliklar keyinchalik Strabon "Geografiya" asarida ta'kidlangan sak-massaget qabilalari ittifoqida yetakchi mavqega ega bo'lib olgan bo'lishlari extimoldan yiroq emas.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Толстова Л.С. Исторический фольклор каракалпаков как источник для изучения этногенеза и этнокультурных связей этого народа // Этническая история и фольклор. – М., 1977. С.-144.
2. Рапопорт Т.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ РАН, 1998. – С. 29.
3. Ртвеладзе Ю.В. Государственное объединение «Большой Хорезм» - миф, созданный учеными или историческая реальность? // Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент, 2013.С. 36–40.
4. Страбон. География. XI, Б.-6-8.
5. Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. – М.: 1963. Т. 1. С.-152-153.
6. Воробева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. С. 40–41.
7. Пьянков И.В. Хорезм в античной письменной традиции // Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мировой истории и культуре. – Душанбе: Дониш, 1983. С. 51.
8. Пьянков И.В. Хоразмии Гекатея Милетского // ВДИ. – М., 1972. 1 2. –С. 3–20.
9. Asqarov A.A. O'zbek xalqining etnogenzi va etnik tarixi. T.: Universitet. 2007. B.-106.
10. Asqarov A. Qadimgi Xorazm tarixiga doir ba'zi bir masalalar. "O'zbekiston etnologiyasi: yangicha qarashlar va yondashuvlar". T.: 2004. B.-81.

11. Tolstov S.P. Qadimgi Xorazm sivilizatsiyasini izlab. T.: Yangi asr avlodi. 2014. B.-91.
12. Doniyorov A.X., Bo'riev O., Ashirov A. Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasi, etnogenezi va etnik tarixi. T.: Yangi nashr. 2011. B.-39.
13. Xodjaev T. Janubiy Orol bo'yida yashagan qadimgi xalqlar. T.: 1978. B.-3-4.
14. Jabborov I. O'zbeklar. T.: Sharq nashriyoti. 2008. B.-16.
15. Xiva ming gumbaz shahri. T.: 1997. B.-13.

UO'K 001(093):51+52«19»

MAHMUDXO'JA BEHBUDIYNING BADIY ILMYI MEROSI VA UNING YOSHLAR MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI

R.A. Begmatov, katta o'qituvchi, Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada Mahmudxo'ja Behbudiyning badiiy ilmiy merosi va uning yoshlar ma'naviyatini shakllantirishdagi o'rni ilmiy jihatdan o'rganildi. Mahmudxo'ja Behbudi XIX asrning oxiri – XX asr boshlari Turkiston ijtimoiy-siyosiy harakatining yirik namoyandasi, yangi davr o'zbek madaniyatining asoschisi, vatanparvar jadidlar rahnamosi, ulkan adib va ma'rifatparvar sifatida tariximizda yorqin iz qoldirgan ulug' siymodir.

Kalit so'zlar: badiiy, ilmiy meros, ma'naviyat, yoshlar, tarbiya, siyosiy faoliyat, jadid, ma'rifatparvar

Аннотация. В статье рассматривается художественно-научное наследие Махмудходжи Бехбуди и его роль в формировании духовности молодежи. Махмудходжа Бехбуди - великий деятель общественно-политического движения Туркестана в конце XIX - начале XX веков, основатель узбекской культуры новой эпохи, лидер патриотических джадидов, великий писатель и просветитель.

Ключевые слова: искусство, научное наследие, духовность, молодежь, образование, политическая деятельность, джадид, просвещение

Abstract. The article examines the artistic and scientific heritage of Mahmudhoji Behbudi and his role in shaping the spirituality of youth. Mahmudhoji Behbudi is a great activist in the sociopolitical movement of Turkestan in the late 19th and early 20th centuries, the founder of the Uzbek culture of a new era, the leader of patriotic jadids, a great writer and enlightener.

Keywords: art, scientific heritage, spirituality, youth, education, political activity, jadid, enlightenment.

“Tariximizning qaysi davrini olmaylik, yurtimizda ilmu ma'rifat va yuksak ma'naviyatga intilish hech qachon to'xtamaganini, xalqimiz dahosining o'lmas timsoli sifatida eng og'ir va murakkab davrlarda ham yaqqol namoyon bo'lib kelganini ko'rishimiz mumkin. Masalan, chorizm mustamlakasi davrida ma'rifat g'oyasini baland ko'tarib chiqqan jadid bobolarimizning faoliyati bunga yana bir yorqin misol bo'la oladi. Mahmudxo'ja Behbudi, Munavvarqori, Abdulla Avloniy, Ishoqxon Ibrat, Abdurauf Fitrat, Abdulla Qodiriy, Abdulhamid Cho'lpon, Usmon Nosir kabi yuzlab ma'rifatparvar, fidoyi insonlarning o'z shaxsiy manfaati, huzur-halovatidan kechib, el-ulus manfati, yurtimizni taraqqiy toptirish maqsadida amalga oshirgan ezgu ishlari avlodlar xotirasidan aslo o'chmaydi” [1, 49-b.].

Mahmudxo'ja Behbudi (1875-1919) - ma'rifatparvar, Turkiston jadidchilik harakatining rahnamosi. U yangi zamon o'zbek madaniyatining asoschisi: yangi maktab g'oyasining nazariyotchisi va amaliyotchisi, o'zbek dramachiligini boshlab bergan birinchi dramaturg, teatrchi noshir, jurnalist. O'z davri ijtimoiy-siyosiy hayotining yirik namoyandasi sifatida mustaqil respublika g'oyasining yalovbardorlaridan sanaladi. Ma'rifatparvar adib sifatida Mahmudxo'ja Behbudi umrining ko'p qismini yangi uslubdagi maktablar uchun o'quv darsliklari yozishga sarfladi. Bu darslik kitoblar Markaziy Osiyodagi o'quvchi va yoshlarga bag'ishlangan edi. Ular quyidagi asarlar edi: Madkhali Juqrofiyo (Jug'rofiyaga kirish, 1905); Muntakhabi Juqrofiyoi Umumi (Jug'rofiya: Ba'zi umumiy ma'lumotlar, 1906); Kitob ul-Atfol (Bolalar kitobi); Mukhtasari Ta'rikhi Islom (Qisqacha Islom tarixi, 1909); Amaliyoti Islom (Islom amaliyoti); va Mukhtasari Juqrofiyoi Rusiyya (Rossiyaning qisqacha tarixi). Shuningdek u Turkiston, Buxoro va Xiva uchun bir qator xaritalar tuzib nashr ettirdi.

1913 va 1915 yillarda u “Samarqand” va “Oyna” gazetalarini nashr etadi. Bu nashrlar islomni keng targ'ib qilish, eshon va muftiylarning shar'iy huquqlar bahonasida ijtimoiy qashshoqliklarni chuqurlashtirayotganliklariga bag'ishlangan edi. 1915 yilda Behbudi tomonidan vaqf ishlari mohiyati haqida yozilgan maqolani ulamolar norozilik bilan kutib olishdi. Ular islohotchi jadidni kofir deb e'lon qildilar. Ulamolar Muftiyni xristianlar ishlab chiqargan un mahsulotlarini halol deb fatvo chiqarganligi uchun ayblab chiqishadi.

Mahmudxo'ja Behbudiyning eng yirik asari “Padarkush”dir. “Padarkush” Markaziy Osiyodagi oktyabr inqilobiga qadar yozilgan va sahnalashtirilgan birinchi sahna asaridir. 1911 yilda yozib tugatilgan va 1914 yilning 14 yanvarida Toshkentda namoyish etilgan bu p'esada o'zbeklarga xizmat ko'rsatgan rus fohisha ayoli Luiza hayoti aks ettirilgan. Asarda og'ir gunoh ishga qo'l urayotgan odamlar va ularga jamiyatning e'tiborsizligi haqida hikoya qilinadi. P'esa mintaqada ildiz otayotgan burjo'ycha hayot keltirib chiqarayotgan oqibatlar to'g'risida. Unda ko'plab kishilar yangi qaror topayotgan ijtimoiy tuzumni yoqtirmasliklari ularni burjuylar turmushini qo'llovchi ba'zi kishilar va mayda savdogarlar bilan yuzaga

kelgan ziddiyatlari qalamga olinadi [2, 27-b.] Siyosatchi sifatida, Mahmudxo'ja Qo'qon milliy muxtoriyatining ko'zga ko'ringan tashkilotchilaridan biri edi. Buxoro jadidchiligi asoschisi Mulla Abdul Vohid, Toshkentda yangi uslubdagi maktab ochgan Munavvar Qori kabi Buhbudiy Samarqandda ochilgan yangi maktab asoschisi edi (1903 yil). Jamoatchilik bu tashabbusni qo'llab quvvatlab, joy ajratishga xayrixoh bo'lmagach, Mahmudxo'ja o'z shaxsiy uyini maktab uchun bo'shatib beradi.

Mahmudxo'ja o'sha vaqtdagi Buxoro amiri, mang'it urug'larining so'nggi rahbari Sayyid Olimxon taqdiri borasida ko'p o'ylardi. Biroq, bu borada aniq qaror qabul qilishga shoshilmadi. U Amirni taxtdan qulatib Buxoroda burjo'ylar inqilobini amalga oshirish va islohotchilik yo'lidan borish tarafdori edi.

1916 yilning may oyida, Behbudiy Jadidlar harakati yig'ilishiga raislik qildi. Unga Munavvar Qori (Toshkent), Pahlavon Niyoz (Xiva), Usmon Xo'ja o'g'li (Buxoro), Obidjon Bek (Qo'qon) va boshqalar tashrif buyurishgandi. Yig'ilish kun tartibidagi bir masala juda muhim edi. U Markaziy Osiyo erkaklarini urushga chaqirish bo'yicha shoh chiqargan qarorni bekor qilishlarini talab qildi. Ular Markaziy Osiyoliklarni o'z ishlarini tashlab majburan rus harbiy kiyimini kiyishlariga qat'iy qarshi edilar. Umuman olganda, Mahmudxo'ja Behbudiyning yoshlar ma'naviyatini shakllantirishga katta hissa qo'sha oladigan jihatlarni ko'plab keltirish mumkin. Bugungi kunda ozodlik kuychisi, jadidlar maktabining asoschisi, teatr, sahna asarlari orqali kishilar dunyoqarishini o'zgartira oladigan ma'rifatparvar Mahmudxo'ja Behbudiy ilmiy faoliyatini o'rganish bugungi kunda eng dolzarb muammolardan biridir.

Behbudiy Qozon va Ufaga borib (1903-04), u yerdagi yangi usul maktablari bilan tanishadi, tatar ziyolilari bilan aloqani yo'lga qo'yadi. Yangi maktablar uchun darsliklar tuzishga kirishadi. «Risolai asbobi savod» («Savod chiqarish kitobi», 1904), «Risolai jug'rofiyai umroniy» («Aholi geografiyasiga kirish», 1905), «Muntahabi jug'rofiyai umumiy» («Qisqacha umumiy geografiya», 1906), «Kitobat ul-atfol» («Bolalar xati», 1908), «Amaliyoti islom» (1908), «Tarixi islom» (1909) kabi kitoblar chop ettiradi [3, 3-b.]. Keyinchalik (1908 yilda) Shakuriyning Rajabamindagi maktabini Samarqanddagi o'z hovlisiga qo'chirib keltiradi. Yosh Behbudiy dunyoqarashining shakllanishida Rossiya jadidchilik harakatining asoschisi Ismoilbek Gaspirinskiyning ta'siri katta bo'lgan. 1893 yilda dastlabki yangi usul maktabini ochishga muvaffaq bo'ldi. 1899-1900 yillarda Behbudiy haj safariga boradi. Uning tashabbus va g'ayrati bilan 1903 yilda Samarqand atrofidagi Halvoyi, Rajabamin qishloqlarida yangi usul maktablari tashkil topdi. Adib bu maktablar uchun 1904-1909 yillarda «Risolai asbobi savod», «Risolai jug'rofiyai umroniy», «Risolai jug'rofiyai Rusiy», «Kitobat ul-atfol» «Amaliyoti islom», «Muxtasar tarixi islom» kabi darslik va o'quv qo'llanmalari yozadi. Behbudiy 1903-1904 yillarda Moskva va Peterburga boradi, 1906 yilda Qozon, Ufa, Nijniy Novgorodda bo'ladi. Xususan, u Nijniy Novgorodda 1906 yilning 23 avgustida Rusiya musulmonlarining turmush va madaniyati muammolariga bag'ishlangan qurultoyda turkistonliklar guruhini boshqaradi va katta nutq so'zlaydi [4, 559-b.]. Behbudiyning ijtimoiy-siyosiy qarashlarida ma'rifatparvarlik g'oyalari asosiy o'rin tutadi. Behbudiy ilmu ma'rifat xalq ommasi tomonidan o'zlashtirib olingandagina ijtimoiy taraqqiyotda hal qiluvchi kuchga aylanadi, deb fikr yuritadi.

Behbudiy odamlardan dunyoviy fanlarning yutuqlarini o'zlashtirib olishni, o'z davri ijtimoiy talablari asosan shakllangan axloq me'yorlariga amal qilishni va insonparvarlik g'oyalarini shakllantirishni va islom dini ta'limoti bilan tanish bo'lishni talab qilgan. Behbudiy «Samarqand» gazetasini chiqaradi. Gazeta o'zbek va tojik tillarida, haftada 2 marta chop etildi. 45-soni chiqqach, moddiy tanqislik tufayli nashr to'xtadi. Shu yil 20 avgustdan u «Oyna» jurnali chiqara boshladi. Haftalik, suratli bu jurnal asosan o'zbekcha bo'lib, she'r, maqola (forscha), e'lonlar (ruscha) ham berib bordi. Jurnal Kavkaz, Tatariston, Eron, Afg'oniston, Hindiston, Turkiyagacha tarqaldi. Asrimiz boshlarida Turkistonda Birinchi rus inqilobining ta'sirida ma'rifatparvarlik harakati kuchayib ketdi. Murabbiy, adib, dramaturg, jurnalist, qonunshunos Mahmudxo'ja Behbudiy bu ilg'or ijtimoiy-siyosiy harakatning boshida turgan ulug' insonlardan biri edi. U butun kuch-g'ayratini, bilimini, aziz umrini ongli ravishda Vatanining, xalqining baxti uchun kurashga safarbar etdi. Behbudiy ikkinchi rus inqilobidan keyingi davrda «Markaziy Rossiya bilan birlik, hokimiyat boshiga kelgan ishchi va dehqonlar yetaklagan yo'ldan borishni lozim, deb topadi».

Behbudiy kitob nashrini ham yo'lga qo'yadi. Fitratning «Bayonoti sayyohi hindi»sini ruschaga tarjima qildirib bostirdi (1913). Behbudiy 1914 yil 29 mayda ikkinchi marta Arab mamlakatlariga sayohatga chiqadi. Sayohati davomida Bayramali, Ashxobod, Krasnovodsk, Kislovodsk, Pyatigorsk, Jeleznovodsk, Rostov, Odessa shaharlarida bo'ladi, 8 iyunda Istanbulga keladi. Undan Adanaga o'tib, yana Istanbulga qaytadi va 20 iyunda Ismoilbek Gaspirinskiy bilan uchrashadi. So'ng Quddus, Bayrut, Yofa, Xalil ar-Rahmon, Port-Said, Shom shaharlarida bo'ladi. Sayohat xotiralari «Oyna» jurnalida bosilib turadi. Bu «xotiralar» har jihatdan muhim bo'lib, an'anaviy tarix-memuar janrining XX asr boshidagi o'ziga xos namunasi edi. Muallif unda yo'l taassurotlariga, kishilar bilan uchrashuvlarining ibratli tomonlariga keng o'rin beradi. «Oyna» jurnalida millat va uning haq-huquqiga, tarixiga, til va adabiyot masalalariga, dunyo ahvoriga doir qiziqarli maqolalar, bahslar berib borilgan. Behbudiy millatning taraqqiyoti uchun bir necha til bilishni shart hisobladi. Jurnalning birinchi sonidayoq «Ikki emas, to'rt til lozim», degan maqola bilan chiqib, o'zbek, tojik, arab, rus va hatto biror uzoq xorij (mas. fransuz) tilini bilish shart deb hisobladi. Ayni paytda tilning muhofazasi [5], o'zaro munosabatlari [6] haqida muhim va zarur maqolalar chop etdi. Adabiy tanqidga katta e'tibor berdi. Uning xususiyatlarini belgilashga urindi. Boshqa adabiy janrlar bilan tenghuquqligi masalasini ko'tardi [7]. Millat sha'nini oyoqosti qiluvchi fikr-qarashlarga zarba berib, Turkiston xalqini o'z nomi bilan atamoq lozimligini talab qilib chiqdi [8].

Behbudiy matbuotimiz tarixida maqolanasifatida alohida mavqega ega. Uning hozircha aniqlangan maqolalarining soni 300 ga yetadi. Ular xilma-xil mavzuda. Ilk maqolalaridayoq kommunistik mafkurani keskin rad etgan, «xayoliy», «bu toifaga qo'shulmoq biz, musulmonlar uchun nihoyatda zararlik» deb yozgan edi [9]. O'zlikni anglashni muhim biladi. «Qabilasini(ng) ismini va etti otasining otini bilmaydurgonlarni «marquq» derlar», deb yozadi [8].

Xulosa sifatida aytish joizki, Mahmudxo'ja Behbudiyning g'oyalari, jadidlar adabiyotining asoschisi ekanligi, yoshlarimizni ilmiy, savodli qilish yo'lida o'z uyini ham maktab uchun ajratib, yoshlarga bilim berishga harakat qilganligi, sahna asarlari orqali yoshlarga ta'lim bilan bir qatorda tarbiyalash zarurligi, shuningdek, jurnalistika sohasidagi asarlarining o'zi yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda muhim manba hisoblanadi va ularning ma'naviy barkamol inson qilib tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, bugungi kunda yoshlar ma'naviyatini shakllantirishga katta hissa qo'shayotgan Mahmudxo'ja Behbudiy ijodiy merosini ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida o'rganish va targ'ib etishning beqiyos ahamiyati bor.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T., Ma'naviyat, 2008.
2. Istiqlol qahramonlari. Mahmudxo'ja Behbudiy. Tanlangan asarlar. Begali Qosimov tahriri ostida. – T., Ma'naviyat, 1997.
3. Qosimov B. Qalblarda o'chmagay nur. – T., Ma'naviyat, 2005.
4. Пясковской А.А. Революция 1905-1907 годов в Туркестане. – М., 1958.
5. «Har millat o'z tili ila faxr etar». «Xurshid» gazetasi, 1914, № 35.
6. «Til masalasi». //«Xurshid» gazetasi, 1915, № 11,12.
7. «Tanqid saralamoqdir». //«Xurshid» gazetasi, 1914, № 27.
8. «Sart so'zi majhuldur». //«Xurshid» gazetasi, 1915, № 22,23,25,26.
9. «Xayrul umuri avsatuh» - «Ishlarning yaxshisi o'rtachasidir».//«Xurshid» gazetasi, 1906, 6-son.

UO'K 177.37.035“312”

YOSHLARNING IJTIMOY-SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING O'RNI

N.N. Xamrayeva, o'qituvchi, Termiz davlat universiteti, Termiz

Annotatsiya. Maqolada yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirishda milliy va umuminsoniy qadriyaning o'rnini ilmiy jihatdan tahlil qilindi. Ma'lumki, bugungi yoshlar ertaga jamiyatimizning taqdirini belgilovchi avloddir. Yoshlarni kelajakka munosib tayyorlash, ularga yaxshi ta'lim berish, ularni mehr-oqibatli, ilmparvar, sahovatli, mehnatsevar, vatanparvar, odobli, axloqli qilib voyaga etkazish bugungi kunning asosiy dolzarb vazifasi bo'lib qolmoq' i lozim.

Kalit so'zlar: yoshlar, faollik, milliy, umuminsoniy qadriyatlar, ta'lim, tarbiya, mamlakat taraqqiyoti, axloq, odob, mehnatsevarlik

Аннотация. В статье научно анализируется роль общенациональных и общечеловеческих ценностей в повышении общественно-политической активности молодежи. Как мы обучаем молодежь сегодня, так и наше будущее. Подготовка молодых людей к будущему, их хорошее воспитание, знания, щедрость, трудолюбие, патриотичность, вежливость и нравственность должны оставаться главной задачей сегодняшнего дня.

Ключевые слова: молодежь, активность, национальные, общечеловеческие ценности, образование, воспитание, прогресс, нравственность, этикет, трудолюбие

Abstract. The article scientifically analyzes the role of national and universal values in increasing the socio-political activity of youth. As we educate youth today, so is our future. Preparing young people for the future, their good upbringing, knowledgeable, generous, hardworking, patriotic, polite and moral should remain the main task of today.

Keywords: youth, activity, national, universal values, education, upbringing, progress, morality, etiquette, hard work.

Barcha tarixiy davrlarda ham yoshlar tarbiyasi, ularning dunyoqarashi va o'zligini anglashi masalasi mamlakat taraqqiyoti va kelajagini kafolatlovchi muhim omil sanalgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev bu borada ta'kidlaganlaridek: “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz” [1, 257-bet]. Abdulla Avloniy aytganlaridek, “Tarbiya biz uchun yo hayot - yo mamot, yo najot - yo halokat, yo saodat - yo falokat masalasidir“. Yoshlar tarbiyasi masalasi, ayniqsa bugungi davrda, globallashuv jarayoni hayotimizning barcha sohalarini qamrab olayotgan sharoitlarda nihoyatda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Tarix saboqlari jamiyat taraqqiyotida yosh avlodning tarbiyasi saviyasining o'rnini nechog'lik muhimligi har qanday davrda ham o'zining ma'lum darajada isbotini ko'rsatgan. Bu o'rinda o'zbek xalqining buyuk qomusiy olimi Abu Rayhon Beruniy “Menga yoshlarni ko'rsatsangiz, mamlakatimiz ertasi qanday bo'lishini aytib beraman”, - degan hikmatini a'lohida takidlab o'tish joizdir [3, 127-bet]. Bugungi kunda O'zbekiston aholisining 64 foizini 30 yoshgacha bo'lgan

yigit-qizlar tashkil etadi. Yoshlar jamiyat ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy-ma'naviy yangilanishining muhim sub'ektlaridan bo'lib, jamiyatda sodir bo'layotgan murakkab jarayonlarga o'z ta'sirini o'tkazishda va taraqqiyotni harakatga keltirishda muhim rol o'ynaydi.

«O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 2017-2021 yillarga mo'ljallangan Harakatlar strategiyasi»ning to'rtinchi ustuvor yo'nalishida «Ijtimoiy sohani rivojlantirish»ning asosiy faoliyatlaridan biri sifatida yoshlarning ma'naviy-ma'rifiy va ta'lim sohasidagi faoliyatining asosiy vazifalari belgilandi [2]. Unga yoshlar masalasiga alohida e'tibor qaratilgan bo'lib, barkamol inson tarbiyasi jamiyatimizning barcha jabhalarida o'z o'rniga ega ekanligini ta'kidlangan. Tarbiyada aniqlik zarur. Agar biz tarbiyalanuvchining qalbini poklay olsak, unga insonni sevish, hurmat qilish, e'zozlash urug'larini sepa olsak, shubhasiz, biz jamiyatning sog'lom ma'naviy qiyofasini yaratgan bo'lamiz, zero Sharqda doimo moddiy olamdan ruh olamiga ko'tarilish, qalbni tozalash insonning komillik sari tashlagan qadami sifatida baholangan [6, 17-bet]. Bugungi kunda yoshlarning dunyoqarashi o'zgardi. Ularning g'urur, oriyat, sha'n va nomus tuyg'ulari kuchaymoqda. Hayotga va mehnatga munosabati, Vatanga, ona zaminga mehri, egalik va mas'uliyat hissi kuchaydi. Bir so'z bilan aytganda yoshlar o'zligini anglay boshladi. Qanday zaminda yashayotganimizni his qilish, umuminsoniy qadriyatlarga intilish bilan birga, o'zbekona tafakkur nuri barchaning dilidan o'rin ola boshladi. Milliy an'analarimiz va udumlarimizni tiklash va rivojlantirish tamoyili kuchaydi. Islom dinimizni qadrlash ma'naviyatimizni yangi ma'nolar bilan to'ldirishga olib keldi. Ulug' bobokalonlarimiz madaniy xazinasiga haqiqiy vorislik qila boshladik. Ulardan faxrlanish imkoniyatiga ega bo'ldik. Yurtimizda yashayotgan barcha millat, elat vakillarining tinch-inoq yashashi uchun sharoit yaratildi. Bundan yoshlar bahramand bo'lmoqda.

Yangi jamiyatning maqsad va ideallariga binoan yangi avlod dunyoqarashi shakllanmoqda. Yangi jamiyatning qaror topishi va rivojlanishi, o'z navbatida, ma'naviy yangilangan, rivojlangan va shakllangan avlodlar ruhining poklanishini ham taqozo etmoqda. Yangi jamiyat avval millat orzusida, qalbida pishib yetiladi. So'ngra u ob'ektiv reallikka aylangan, keng jamoatchilikning hayot va taraqqiyot tarzini ifodalovchi g'oya tarzida qaror topdi. Xuddi shu jamiyat yetishtirgan kishilar, keng jamoatchilikning ilg'or dunyoqarashi va tafakkuriga zarurat sezadi. Bir-birini taqozo etuvchi va bir-birining taraqqiyotini belgilovchi g'oyaviy omillar mushtarakligi jamiyat va mamlakatning milliy manfaatlari va istiqbolini kafolatlovchi kuchlardir. Ana shu ma'noda respublikamizda qaror topayotgan fuqarolik jamiyatini va bu jamiyatda istiqomat qiluvchi yoshlarning ongini, dunyoqarashini o'zgartirish va insoniylashtirish maqsadida nihoyatda ko'p va xo'p ijtimoiy-tarixiy chora-tadbirlar ko'rilmogda. Yoshlarning ongi va tafakkuri o'zgarib, yangilanib bormogda. Tafakkur va ongimizda mustaqillik g'oyalari mustahkamlanmogda. Dunyoni, o'zimizni va o'zligimizni anglash imkoniyati qo'lga kiritildi. YUNESKO Ustavida ta'kidlanganidek, o'zaro bir-birini tushunmaslik butun insoniyat tarixi davomida o'zaro shubhalanish va ishonchsizlikning sababi bo'lgan, bu esa oqibatda turli ixtiloflar va nizolarga olib kelgan" [4, 5-bet]. Shu nuqtai nazaridan qaraganda, buyuk ajdodimiz Abu Rayxon Beruniyning "Odamlar bilmagan narsalariga dushmanlik ko'zi bilan qaraydilar" [5, 38-bet], – degan fikrlari chuqur mazmunga egaligini qayd etish lozim.

Shuni ham ta'kidlab o'tish kerakki, xushmuomilalik, shirin suxanlik bilan bir qatorda bag'rikenglik ham hayotda va ishdagi kamchilikni ochib tashlash va tanqid qilishni, nojo'ya hatti-harakatlar qilayotgan kishilarga nisbatan qat'iyatli va ob'ektiv munosabatda bo'lishni rad etmaydi. Bag'rikeng kishi suhbatdoshining so'ziga diqqat bilan quloq soladi, o'rinsiz luqma tashlab so'zini bo'lmaydi, mensimaydigan yoki kamsitadigan ohangda, shuningdek qo'l va gavdasini haddan tashqari qimirlatib, aftini bujmaytirib gapirmaydi. Boshqalarga mehribon, jonkuyarlik qilish, nazokat ko'rsatish, ularga beg'araz yordam qo'lini cho'zish, kattalarga hurmatda bo'lish, ularning so'zlariga odob bilan quloq solish va o'rinli javob qaytarish, ojizlar yukini yengil qilish, iltimosini bajarish va hokazolar bag'rikenglikning ajoyib ifodasidir. Zero, donolar aytganidek, bag'rikenglikdan – ulug'vorlik va qanoat, ixlos va ishonchdan – mehr-muhabbat namoyon bo'ladi. Bag'rikeng inson, millat sha'ni, qadr-qiyamati, obro'-e'tibori, or nomusi poymol etilishiga yo'l qo'ymaydi. Bag'rikenglikni umuminsoniy qadriyatlar tarzida ham ko'rishimiz mumkin. Shunday qilib, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy o'zgarishlarni jadallashtirmoq uchun kishilarda yuksak madaniy saviyani, bag'rikenglik fazilatini shakllantirish zarur.

Yangi tafakkurning birinchi belgisi milliy g'oya, milliy mafkuradan bahramand bo'lishdir. Mamlakatimizdagi tinchlik va barqarorlik milliy mafkura doirasida uchrashi mumkin bo'lgan ichki ixtiloflarning oldini oldi va uni keng miqyosda yoshlar qalbiga kirib borishiga imkon yaratdi. Bunda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning talabalarining bo'sh vaqtlarini unumli tashkil qilish bo'yicha 5 ta muhim tashabbusning o'rni muhim ahamiyat kasb etadi. Yoshlar ongi va tafakkurida o'zgarish kuchaygan ekan, ular o'z hayoti va istiqbolini millat hamda mamlakat istiqboli bilan bog'liq ekanligini chuqur his qila boshlaganini anglatadi. Yoshlar ma'naviyatini oshirish masalalarining birlamchi yoki ikkilamchi vazifalari yo'q. Ularning barchasi bir yo'la hamda doimiy diqqat-e'tibor va hushyorlik markazida turmog'i kerak. Shuning uchun ta'lim-tarbiya, bilim va dunyoqarashga katta ahamiyat berilmogda.

Amerikalik siyosatshunos D.Divaynning fikricha, siyosiy madaniyat ma'lum ijtimoiy-siyosiy tizim a'zolari yoqlaydigan, "keng tarqalgan, fundamental siyosiy qadriyatlarning tarixiy tizimidir" [7, pp.3-7]. Siyosiy madaniyat "siyosiy mafkura", "legitimmen", "suverenitet", "qonun boshqaruvi", "siyosiy partiya" kabi kategoriyalarni o'rganishni ham taqozo etadi. Siyosiy madaniyat ma'lum darajada jamiyat a'zolari

oldiga chegaralashlar qo'yadi. Siyosiy jarayonlar va siyosiy xulqda namoyon bo'ladigan e'tiqodlar, his - tuyg'ular va qadriyatlar oldidagi bunday chegaralashlar ham o'z navbatida siyosiy madaniyatning muhim unsuri hisoblanadi. Alohida shaxsning, guruhning va boshqa ijtimoiy birliklarning umumiy dunyoqarashining tarkibiy qismi bo'lgan siyosiy dunyoqarash siyosiy madaniyatning eng muhim komponentidir [8, 85-86-bet].

Fan va texnika sohasidagi katta kashfiyotlar va yutuqlar qo'lga kiritilib, hayotga tatbiq etilayotgan hozirgi davrda talaba yoshlarga ma'naviy va madaniy jihatdan tarbiya berish vazifasining mazmuni va shakllariga sezilarli ta'sir ko'rsatishi tabiiy. Bu omilni hamisha e'tiborda tutish lozim bo'ladi. Shuning uchun talaba-yoshlarga ma'naviy va madaniy tarbiya berishda milliy qadriyatlar bilan birga umuminsoniy qadriyatlardan ham samarali foydalanish, ayni paytda, bularga umumtaraqqiyotning zamonaviy yutuqlarini ham payvand qilish talab qilinadi. Ma'naviy barkamol yosh avlod o'z xalqi, Vatani tarixini, ulug' siymolarini, tarixiy ma'naviy va tarixiy qadriyatlarini, urf-odatlarini, rasm-rusmlarini, ularning mohiyatini chuqur bilgani holda jahon adabiyoti, san'ati, madaniyati durdonalari bilan yaxshi tanish bo'lmog'i, kishilik jamiyati taraqqiyoti tarixi davomida qo'lga kiritilgan yutuqlar bilan oshno bo'lmog'i darkor. Bularning barchasini talaba-yoshlarga ma'naviy va madaniy tarbiya berish uyushtirish va rejalashtirishda diqqat-e'tiborda tutmoq talab qilinadi.

Xulosa sifatida aytish joizki, insonning insonligini ifoda etuvchi yagona mezon aql-idrok, ong va tafakkur darajasi bo'lsa, ularning mohiyatini ochib beruvchi, miqyosi va ko'lamiga baho beruvchi bosh mezon xatti-harakati, hayotga va atrof muhitga munosabati, o'z-o'zini boshqarishdagi ichki qudratdir. Ana shu ichki qudratga tayangan xalq Sharqning diyonat, or-nomus, sharm-hayo kabi fazilatlarini asrlar mobaynida oliy qadriyat sifatida avaylab-asrab kelmoqda. Ularni milliy istiqlol g'oyasi orqali yoshlar ongi va qalbiga singdirishning ahamiyati nechog'li ekanligini anglash muhim. Bu har bir yoshga o'ziga xos ma'suliyat yuklaydi hamda shularga o'xshagan va shunga harakat qilayotgan yoshlarning yangi avlodi yetishib chiqishiga olib keladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T., O'zbekiston, NMIU, 2017.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risida"gi 07.02.2017 yil. PF-4947-sonli Farmoni. "O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami", 2017 yil 13 fevral, 6-son, 70-modda.
3. Beruniy Abu Rayhon. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. – T., Fan, 1968.
4. Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha Birlashgan Millatlar Tashkiloti Ustavi. YUNESKO Xalqaro me'yoriy hujjatlari. - T., Adolat, 2004.
5. Abu Rayhon Beruniy. Tarvihalalar. - T., Meros, 1991.
6. Mavrulov A. Ma'naviy barkamol inson tarbiyasi. - T., O'zbekiston, 2008.
7. Devine. The Political Culture of the United State. - Boston, 1972.
8. Qirg'izboev M. Fuqarolik jamiyati: siyosiy partiyalar, siyosiy mafkuralar, siyosiy madaniyatlar.-T.: Sharq, 1998.

УЎК 93/94

ХАЗАРИЯ ВА БУЛҒОРДАГИ ХОРАЗМЛИКЛАР

Б.М. Абдримов, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада хоразмликларнинг Хазария ва Булғор подшоликлари билан сиёсий-иқтисодий aloqalari, Хазариянинг ҳарбий соҳасида ал-Ларсия гвардиясининг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Хоразм, Хазария, Булғор, Арпадлар сулоласи, ал-Ларсия, Турк хоқонлиги, Булан, Растархон, Волгабўйи, Итил, Киев, Ислол, Аҳмад ибн Куйа

Аннотация. В статье рассматриваются политические и экономические отношения хорезмийцев с Хазарским и Булгарским царствами, значение гвардии ал-Ларсия в военной сфере хазар.

Ключевые слова: Хорезм, Хазария, Булгар, династия Арпадов, ал-Ларсия, Турецкое ханство, Булан, Растархан, Волга, Итиль, Киев, Ислам, Ахмад ибн Куя

Abstract. The article is devoted to the relations of Khorezmians with the Caspian Sea and Bulgaria and their political, economic and social influence.

Key words: Khorezm, Khazaria, Bulgar, Arpad dynasty, al-Arsiya, The Turkic Khaganate, Bulan, Rastarxan, along the Volga, Itil, Kyiv/Kiev, Islam. Ahmad ibn Kuyaba

Турк хоқонлигининг парчаланиши оқибатида пайдо бўлган Хазар хоқонлиги, унинг дини, сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти кўпдан буён муҳокамада бўлаётган мавзулардан ҳисобланади. Бу давлат шимол ва ғарбда славянлар, жанубда Кавказнинг турли этник бирликлари ва турли хил эътиқодли халқлари, шарқда туркийлар ва жануби-шарқда ҳам эроний, ҳам туркий элементларни ўзида жамлаган Хоразм билан чегара эди. Хазария тарихи бўйича илк маълумотлар араб сайёҳлари, арман, грузин, византия манбалари орқали ўрганилмоқда. Славян ва туркий ва мусулмон дунёси

ўртасида жойлашган ушбу минтақанинг тарихини ўрганишда С.П.Толстовнинг Хоразмда олиб борган кенг кўламли экспедицияси ҳам муҳим ўрин тутди. С.П.Толстов ўзининг кенг кўламли археологик тадқиқотларида ўрта аср араб сайёҳларининг кундаликларида қолдирилган маълумотларни, хусусан, ўрта асрларда Хоразм ва Хазариянинг сиёсий жиҳатдан иттифоқ бўлганлигини, Хазариянинг ҳукмдори Буланнинг Хоразмдан борганлигини, Хазариянинг Хоразм таъсир доирасида бўлганлигини қайд этиб ўтади. Бу фикрга келиш учун жуда кўплаб аргументлар, фактлар келтиради. Бироқ кейинги даврларда Хазариянинг тарихини ўрганган олимлар Хоразм ва Хазариянинг қандайдир иттифоқчилик қилганлигини рад қиладилар. Бироқ Венгрия тарихининг муҳим бир қисми бўлган Арпадийлар сулоласи даврида Венгрия ҳудудларида ўзларини Хоразмдан келганлигини таъкидловчи мусулмон жамоалари борки, уларнинг бу ҳудудларга бориб қолиши хазарлар ери билан боғлиқлиги илгари сурилмоқда. Венгриядаги Хоразм жамоаларининг у ерга бориши тўғрисидаги ишоралар С.П.Толстов маълумотларида учрайди ва у ҳам Венгриядаги хоразмликларни хазарлар ери орқали борганлигини қайд қилади. Сўнги пайтларда бу назария тарафдорлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Кутайбанинг Хоразмдаги қилмишлари тўғрисида маълумотлар берган Абу Райхон Беруний Хоразмда ҳокимият қўлдан-қўлга ўтиб юрганлигини қайд қилади [9]. Кейинчалик, халифалик Хоразмга нисбатан йирик давлат сифатида эҳтиёткорона сиёсат юритиб, Моварауннаҳрнинг бошқа ҳудудларига таъсир кўрсатиш учун ундан фойдаланади [10]. Халифаликнинг мана шу сиёсати туфайли Волгабўйи билан қизгин сиёсий, иқтисодий, савдо алоқалар олиб борган Хоразм эндиликда Ислом динини у ерга тарқатишга хизмат қилди.

Шуниси диққатга сазоворки, айнан VIII асрнинг бошларида араблар томонидан Марказий Осиё эгаллангач, мафкуравий тазйиқлар натижасида туркий қавмларнинг жанубий Россия ҳудудларига, жумладан, шимолий Кавказ, Каспий денгизининг шимоли-ғарбий қисмларига миграциясини ҳам кузатишимиз мумкин.

Қомусий олим Абу Райхон Беруний алан ва асларнинг она юрти Жайхун ва Каспий денгизи орасидаги ҳудуд деб кўрсатади. «*Жайхун кўп замонлар бу ердаги халқларга ҳаёт берди. Ниҳоят бу ер ҳам ҳароб бўлди. Бунинг натижасида бу ерда ўтирганлар Хазар денгизи соҳилларига кўчдилар. Булар ал-Лан ва Ас қавмларидир*», дейди [7]. Академик Яхё Ғуломов ҳам ўзининг “Хоразмнинг сўғорилиш тарихи” номли асарида “...Алан ва асларнинг тили Хоразм ҳамда бижанак тили аралашмасидан иборат”[15], деган фикрни билдирган эди. Албатта, Ас ва Аланлар эроний эмас, туркий тилли халқ деб қараш ҳам мавжуд.

Хоразмнинг ўзида эса ислом динини қабул қилган, халифаликнинг чекка ҳудудларидан бири сифатида маркази Гурганж бўлган шимолий Хоразмда амирлар, маркази Кат бўлган жанубий Хоразмда Африғийлар сулоласидан бўлган хоразмшоҳлар ҳукмронлик қилар эди. Халифаликда янги сулола - Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши ва кейинчалик шарқий Эрон, Моварауннаҳрда вужудга келган Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар давлатлари таркибига ўтиб турган бир пайтда мусулмон жамоалар ҳам Хоразмдан Хазарияга кўчиб кета бошлаган эдилар. Уларни минтақада юз берган иқтисодий инқироз бунга мажбурлаган эди. Бу тўғрида С.П.Толстов маълумотларида кўп учрайди.

Айрим маълумотларга кўра, 712-730 йилларда Хазар давлати қўшинига хоразмлик шахс бошчилик қилган [30].

С.П.Толстовнинг “...764 йили Хазария кўшинлари Тбилиси шаҳрини босиб олганларида, бу кўшинга хоразмлик лашкарбоши Растархон қўмондонлик қилади...”, деган фикрлари буни тасдиқлайди. “Хоразмликларнинг X асрга қадар ёппасига Хазарияга кўчиб бориши” тўғрисидаги С.П.Толстов маълумотлари ҳам мавжуд. Академик В.В.Бартольд ҳам ўз тадқиқотларида “864 йилда Кавказдаги мусулмон ўлкаларга юриш қилган Хазар аскарларининг саркардаси хоразмлик эди [3]” деб маълумот беради.

Хоразм шаҳарларининг ўсиши мамлакат умумий иқтисодий тараққиётининг муҳим томонларидан бири бўлиб, янги асосда юксала бошлаган Хоразм шаҳар цивилизациясининг атрофдаги дашт ва узоқдаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари мустаҳкамланаётган ва кенгайиб борганидан далолат беради [19]. Хоразмлик савдогарлар, худди қадим замонлардагидек, Туркманистон ва ғарбий Қозоғистон ўрнида бўлган дашт кўчманчилари билан Волга бўйи – Хазария (кейинчалик Дашти кипчок) ва Булғория билан, ниҳоят Шарқий Европадаги славянлар олами билан савдо-сотик алоқаларини кучайтирдилар [7]. Хоразмликлар нафақат қуруқлик орқали савдо-сотик ишларини амалга оширган, балки, Итил дарёсида Хоразм савдо кемалари сузган [7].

Хитой йилномаларида “Хоразм – хўкизлар томонидан тортиладиган аравалар мавжуд бўлган ягона мамлакатдир. Ушбу араваларда улар (хоразмликлар) бошқа мамлакатларга саёҳат қиладилар”, деган маълумотлар қолдирилган [5]. Бу маълумот ҳам хоразмликларнинг минтақадаги савдо-сотик алоқаларидаги фаоллигини изоҳлашга хизмат қилади.

Хитойдан бошланадиган Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи Хоразм орқали Қорақумнинг бир қисми ва Устюрт дашти билан Хазариянинг пойтахти Итилгача, ундан эса Булғоргача, у ердан Каспий денгизининг шимолидаги Азақ, Каффа ва бошқа шаҳарларга борган. Бу савдо йўлининг энг оғир Устюрт дашти орқали ўтадиган қисмида хоразмликлар етакчилик қилганлар. Бу борада ўрта аср

араб сайёҳлари жуда кўплаб мисоллар келтирадilar. Ушбу савдо йўлида жойлашган карвонсаройлардан Аланқалъа, Белоули кабилаларининг харобалари бугунги кунгача сақланиб қолган. Мазкур карвонсаройлар маҳобати, уларнинг қўриқланиши учун Хоразмшоҳлар давлати томонидан алоҳида эътибор қаратилганлиги ушбу савдо йўлининг Хоразм учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ФОНДИ, РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ҚОРАҚАШПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЛИМИ ВА ХОРАЗМ ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ БИЛАН ХАМКОРЕЛИКДА
ЎТҚАЗИЛГАН «БУЮК ШАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ» САФАРИ ХАРИТАСИ



Ибн ал-Асир ҳам Хоразмнинг Хазариядаги ижтимоий-маънавий муҳитга таъсири бўйича маълумотлар беради. “354 (милодий 965 йил) туркманларнинг бир қабиласи [9] Хазар юртига ҳужум қилади. Хазарлар Хоразмдан қўмак сўрайдилар. Аммо улар ёрдам бермайди ва “Сизлар кофир қавмсиз, агар мусулмон бўлганларингизда сизга ёрдам берар эдик” деб жавоб берадилар. Шундан сўнг уларнинг подшосидан бошқаси (халқи) исломга кирди. Хоразмликлар уларга ёрдам берди ва хазарларни туркманлардан қутқардилар. Шундан сўнг хазарларнинг подшоси ҳам исломни қабул қилди” [4].

Араб сайёҳи Масъудий “Хазар ўлкасида мусулмонлар ҳоким синфдир. Зеро, ҳукмдорнинг қўшинини улар ҳаракатга келтирадilar. Бу мусулмонлар у ерда “Ариссия” деб танилган. Улар Хазар ўлкасига Хоразм тарафдан келганлар” деб маълумот беради [7]. Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳам Хазария билан сиёсий алоқаларнинг фаоллашуви жараёнида хоразмликларнинг шарқий Европа мамлакатларига ёйилганлигини қайд қилади. Хоразмликларнинг ўрта Волга, ҳатто Перм тарафларда колонияларининг мавжуд бўлганлигини қайд этади [1]. X асрда хазарларнинг Владимирга қарши курашида ҳам хоразмликлардан ёрдам сўраганликлари ал-Мақдисий томонидан қайд этилган. Урганч амирлари баъзида Хазария шаҳарларини эгаллаб олганлиги ҳақида маълумотлар бор [19]. Мақдисий Хоразмшоҳ Маъмуннинг Хазария ҳудудига юриш қилиб забт этганлиги ҳамда уларнинг ҳукмдорини исломга даъват қилганлигини ҳикоя қилади [7]. Хоразмнинг Ўрта Осиёдан Хазар, Булғор ва Русга борадиган савдо йўлларида катта манфаатдорлиги бор эдики бу йўللари назорат қилиб турган [23].

Гардизий қайдларида русларнинг Пуладемир унволи ҳукмдори Хоразмшоҳ ҳузурига элчилар йўллаб Ислом динига кириши учун уламолар жўнатишини илтимос қилганлиги ва Хоразмшоҳнинг у ерга мўътабар олимларни жўнатганлиги ҳамда ҳукмдор ва вилоят аҳолисини исломга кирганлигини қайд қилади [7]. Бу маълумот ҳам хоразмликларнинг славянлар билан яқин маданий алоқага киришганлигини изоҳлашга хизмат қилади.

Итил шаҳри савдо марказларидан бўлиб, унда 20 минг кишидан иборат хоразмликлар яшаганликлари, хоразмликларнинг тасарруфида 30 та масжид бўлганлиги тадқиқотларда ўз аксини топган [24]. Хазар подшоҳининг 12 минг кишилик жанговор қўшинлари хоразмликлардан таркиб топганлиги ҳам қайд этилган [24]. Шу билан бирга Хазар подшоҳининг вазири ҳам хоразмликлардан бўлганлиги таъкидланади [16].

Ибн Ҳавқал берган маълумотларга кўра, Итил шаҳри икки қисмдан иборат бўлиб, шарқий қисмида – Хазоран номли савдо-сотик марказлари жойлашган. Хазоран аҳолисининг кўпчилик қисмини хоразмликлар ташкил этиб, улар орасида савдогарлар, ҳунармандлар, дин арбоблари ва ҳарбийлар бўлган [19].

Хазарларнинг шимолидаги Булғорияда ҳам хоразмлик савдогарлар фаоллик кўрсатган. Ибн Ҳавқал, шу билан бирга хоразмликлар ўзлари билан бирга ислом динини Волганинг ўрта оқимида олиб келганлиги ва булғорларнинг ислом динини қабул қилиши Хоразм билан боғлиқ эканлиги ҳақида маълумот беради [2]. Аҳмад Заки Валидий Тўғон ўзининг “Хоразм маданияти васиқалари” номли тадқиқотида Ислом даврида волгабўйида яшаётган хоразмликлар “Мусурман/бусурман”, яъни мусулмон номи билан маълум эдилар”, деган фикрни билдиради [8]. Айни асарда Булғор ўлкасида “Бусурман” (мусулмон) Ургенжи, Урнас исмлари билан қайд этилган шаҳар ёхуд кишлоқлар ҳамда

Булғорнинг шимолидаги Кама (Кама) ҳавзасидаги эскидан мусулмон бўлган жамоалар бу ерларда ерлашган хоразмлик тужжорлар колонияларининг излари эканлиги таъкидланади [8].

Булғорларнинг илтимосига кўра, 922 йилда Араб халифаси томонидан Булғорга юборилган элчи Ибн Фадлан Эрон – Хуросон – Бухоро – Хоразм орқали ўтиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Зеро, Боғдоддан Булғорияга боришда Кавказ орқали бориш ҳам мумкин эди [17]. Бу Хоразмнинг Волгабўйи халқлари билан ижтимоий-сиёсий, маданий алоқалари юқори бўлганлиги сабабидан халифалик элчилари айнан Хоразм орқали Волга бўйига саёҳат қилган, деб фикр билдиришга имкон беради.

Урганч амирлари 977–985 йилларда Хазария пойтахти Итил шаҳрини эгаллаб оладилар. Булғорияни ўз таъсир доирасида ушлаб туришга доимо интилиб келадилар. Хоразм сиёсий арбоблари 985 йилда Булғорияга ҳужум қилган Киев Руси князи Владимирнинг ҳаракатларига ҳар хил йўллар билан тўсқинлик қилишган ва унинг муваффақиятсиз чиқишига “қўмаклашганлар” [19].

X-XII асрлар давомида Хоразм нафақат Шарқий Европа, Волга бўйи ва Рус билан бўлган савдода транзит ҳудуд ролини ўйнаган, балки, у ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш имкониятидан кенг фойдаланган [19].

Ал-Ларсия қўшини

Хазариядаги ал-Ларсия этник гуруҳи, уларнинг келиб чиқиши кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Ал-Ларсия этник гуруҳи тўғрисида дастлабки маълумотларни X асрнинг биринчи ярмида Масъудийнинг “Муруж аз-Заҳаб” асарида кўришимиз мумкин. Асарда “Ушбу шаҳарда (мамлакатда) кўпчилик мусулмонлар бўлиб, қирол армияси улардан таркиб топган. Улар шаҳарда ал-ларисия (арисия) номи билан танилган. Улар Хоразмдан кўчиб келишган”, деган маълумотлар келтирилади [23].

XI аср испаниялик араб сайёҳи Абу Убайд ал-Бақри “ал-Мамалик вал-масалик” асарида Хазариядаги мусулмонлардан иборат бўлган қўшиннинг аксарияти Исломиётнинг илк замонларида Хоразмда ички уруш туфайли кўчиб келган хоразмликлар деб маълумот беради [7].

Хоразм VIII асрнинг биринчи ярмида - Ислом дини кириб келган пайтда юз берган фуқаролик уруши (Хурзод ва Чағон ўртасидаги муносабатлар), Кутайбанинг бостириб кириши каби ўзгаришлар жараёнида кескин иқтисодий-ижтимоий инқирозни бошдан кечиради. Шу билан бирга сал кейинроқ Амударё ўзанини ўзгартириши оқибатида кўплаб ҳудудларни сув босиши, айрим ҳудудларда пайдо бўлган сувсизлик натижасидаги кескин иқтисодий инқироз шароитида Хоразмдан бир гуруҳ Хазарияга кўчиб боради [22]. Бу борада С.П.Толстовнинг ҳам қайдлари мавжуд. Улар жасур жангчилардан иборат бўлиб ҳукмдорнинг таянчи ҳисобланган. Хазария ҳукмдори уларнинг эркин ибодат қилишлари учун етарлича шароит яратиб берган. Ал-Ларсия қўшинининг қўмондони Ахмад ибн Куйа (Куба) Хазар ҳукмдорининг вазири ҳисобланган [7]. Улар Хазар ҳукмдорининг мусулмонлар билан курашларида четда турар, бошқа душманларига (динсизларга) қарши курашда эса ёрдам берган [22]. Айни вақтда уларнинг сони 7 минг суворий бўлиб барчаси камон, найза билан қуролланган ва тўлик зирхланган эди. Уларнинг ўз қонун-қоидалари ва уларни тартибга солиб турувчи қозилари бўлган [18].

X асрда Каспий денгизнинг шарқий қисмидаги Сомонийлар ва мустақил амирлар томонидан бошқариладиган денгиз бўйи ҳудудлари рус савдогарларини қизиқтира бошлаган ва денгиз бўйи ҳудудларида савдо алоқаларини йўлга қўйган эди. Руслар денгизга кириш учун эса Хазар ҳокони Аарон руҳсати билан унинг ерлари орқали кириш мумкин эди. Савдогарларнинг катта мол-мулкка эга бўлганини кўрган рус ҳарбий қатлами бу ҳудудларга ҳарбий экспедиция уюштириш орқали янада каттароқ ўлжаларни қўлга киритишни режалаштирадилар. X асрдаги шундай йирик ҳарбий экспедицияларнинг энг каттаси 912-913 йилларда юз беради. Ал-Масъудий маълумотларига кўра русларнинг ҳар бирида 100 кишидан иборат бўлган 500 та кемаси Керч бўғозига келиб хазар ҳокони Аарондан Дон дарёсидан бир бирига боғланган кичик ва катта қўллар, ботқоқликлар орқали Волга дарёсига ўтиб, у орқали Каспий денгизга тушишга руҳсат сўраб элчи юборадилар. Руслар Хазар ҳоконига даромаднинг ярмини бериш орқали бунга руҳсат оладилар. Руслар келишганидай Дон дарёсидан сузиб Волга дарёсига ўтадилар ва Волга орқали Каспий денгизнинг жануби, жануби-шарқи ва жануби ғарбидаги Табаристон, Наффата (Боку атрофи), Ширвон, Журжон соҳилидаги Абескун каби мусулмон аҳоли марказларини талаб, охири Волганинг Касипийга қуйилиш жойига - Итил яқинига қайтадилар [7]. Улар Хазар ҳоконига белгиланган ўлжаларни жўнатишади. Айни шу вақтда хоразмликлардан иборат бўлган ҳокон гвардияси ал-Ларсия ҳаракатга келади ва Хазар ҳоконига “*Бизга бу одамлардан қўтилишига имкон беринг. Улар мусулмон биродарларимиз ерларига ҳужум қилиб қон тўкишди. Аёллар ва болаларни қул қилиб олиб кетишмоқда*”, деб мурожат қилишади.

Шунда Хазар ҳокони ўзининг ал-Ларсия гвардиясига қарши туролмагани ва русларга берган ваъдасини бузишни истамагани сабабли ал-Ларсиянинг уларга (русларга) қарши курашга қарор қилганлиги ҳақида махфий хабар жўнатади. Ал-Масъудий кейинги воқеалар ҳақида шундай хабар беради: “*Мусулмонлар тўпланиб уларни (рус қарорқчиларини) кутиб олиш учун Волга дарёсининг Каспийга қуйилиш жойига боришади. Улар (икки қўшин) учрашганда кемалардан тушишади. Ал-Ларсия таркибида қуролланган 15 минг суворий ва Итил шаҳри насронийлари ҳам бор эди. Жанг уч кун давом этиб ал-Ларсия фойдасига ҳал бўлади. Волга (Итил) дарёси бўйида мусулмонлар*

томонидан ўлдирилганларнинг сони 30 мингтани ташиқ қилиб, 5 минг нафари кемаларига миниб, Буртас мамлакатига етади ва қолгани ҳам буртасликлар томонидан ўлдирилади” [13].

Бошқа ўрта аср манбаларидан Ибн Руста “Подшоҳнинг 10 минг отликдан иборат маошга ишлайдиган ёлланма қўшини бор”лигини хабар беради. Лекин уларни ал-Ларсия деб номланишини ёзмайди [29]. Хоразмлик мусулмонлардан бўлган ал-Ларсияни Притсак 12 минг суворийдан иборат бўлганлигини қайд қилади [6].

Хазорларнинг Қора денгиз шимолидаги катта худудларни эгаллашида ва сақлаб қолишида ал-Ларсия қўшини сардори Аҳмад ибн Куйанинг ўрни катта бўлган. Бир гуруҳ шарқшунослар ҳатто Ўрта асрлар Русининг, бугунги Украинанинг пойтахти Киев шаҳри номини ўша ал-Ларсия гуруҳи сардори, Хазар ҳоқони вазири Аҳмад ибн Куйа номи билан боғлиқлигини илгари суриб келишмоқда [14]. Уларнинг фикрича, Киев шаҳрига дастлаб славянлар эмас мусулмонлар томонидан, Аҳмад ибн Куйа томонидан асос олинган [22]. Албатта, бугунги кунда Киев шаҳри этимологиясининг келиб чиқиши бўйича XII асрда яшаган Несторнинг солномаларида келтирилган маълумотлар илмий муомалада қўлланилмоқда (Унга кўра, Киевга шарқий славянлардан полян қабиласининг учта ака укалар Ки, Шек, Хоривлар томонидан асос солинганлиги таъкидланади). Бироқ Киев топоними ал-Ларсия қўшини сардори Аҳмад ибн Куйа номи билан боғлиқлиги тўғрисидаги назарияни қўлловчи шарқшунослар гуруҳи ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, Гарвард университети шарқшуноси Омелян Иосиф Прицак, Жон Хопкинс университети профессори Норман Голб, рус шарқшуноси Даниил Авраамович Хвольсон, А.Ю.Кримский номидаги шарқшунослик институти докторлари Олег Борисович Бебенюк, Радивилово Данило Анатолиевич ва яна кўплаб тадқиқотчилар Киев топоними Аҳмад ибн Куйа билан боғлиқлигини илгари сурадилар.

Уларнинг фикрича, Хазар ҳоқонлиги ўзининг Днепр дарёси бўйларидаги ҳокимиятини мустаҳкамлаш, варяг-викинглардан ҳимоя қилиш учун Киев шаҳрини курадилар ёки мустаҳкамлайдилар. Бу ишларда ҳоқоннинг ҳарбий вазири Аҳмад ибн Куйа бошчилик қилган ва шаҳар унинг номи билан атала бошлаган. Шу билан бирга улар Киев шаҳри бўйича Несторнинг маълумотлари воқеалардан анча кейин ёзилганлиги, ўзлари суянадиган манбаларнинг эса айнан шу даврда ёзилганлигини таъкидлайдилар [22]. Славянларнинг манбаларидаги учта акалардан бири бўлган Кий номи - шарқий-эроний тиллар доирасига кирган қадимий Хоразм тилидаги Куйя сўзидан келиб чиққан, деган фикрда собит қоладилар [14]. Аммо Прицак уларни (руслар томонидан эгаллангунга қадар киевликлар) маданий ва сиёсий жиҳатдан хазар (кавар-онгур) маданиятига мансублигини таъкидлайдилар. Киев шаҳрининг номи Византия тарихий манбаларида - Константин Багрянороднийда ҳам ушбу сўзнинг ёзилиши шарқий-эроний тилларга хос лингвистик қоидаларга мос эканлиги қайд этилади. Шу билан бирга кўпчилик араб сайёҳлари, жумладан, Идрисий ўз кайдларида Киев шаҳрини “Куяба” шаклида келтиради [7]. Олимлар Киев шаҳрининг арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган уч қисмдан таркиб топиши ҳамда уларнинг номланиши, Марказий Осиё шаҳарсозлик анъаналарини ўзида акс эттиришини билдирадилар [14]. Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрича Русинг бошқа шаҳарларида бу анъаналар кузатилмайди.

Ўрта аср манбаларида (Якубий, Табарий, Ибн ал-Асир) Хазар ҳоқонлигида Рас-тархон исмли хоразмлик саркарданинг 764 йилда Тибилиси шаҳрини босиб олганлиги қайд этилади [26]. В.Ф.Минорский ва бошқа олимларнинг фикрига кўра, бу исм эмас, балки унвондир. IX аср охири - X аср бошларида Хазар ҳоқонлигининг Ас-Тархон номи гвардияси бўлганлиги ва унинг номи юқоридаги Рас-тархон билан боғлиқлиги қайд этилади [20]. Растархон гвардияси эса Абу Райхон Беруний томонидан таъкидланган ас-аланлардан тузилган бўлиши тўғрисидаги гипотеза олимлар томонидан илгари сурилмоқда [22]. Беруний Амударё ўз ўзанини ўзгартириши натижасида ва узок вақт давомида кўплаб худудларнинг сув остида қолиб вайрон бўлганлиги оқибатида ас ва аланларнинг бир қисми Каспий денгизи бўйларига кўчиб ўтишганлиги ҳамда эндиликда уларнинг тиллари печенег ва хоразм тилларидан иборат бўлганлигини таъкидлайди. М.И.Артаманов ал-Ларсияни ас ва аланлардан иборат бўлган деган фикрга келади [11]. С.Волин эса ас ва аланларнинг тили қадимги хоразм тили билан бирлигини таъкидлайди [12]. А.А.Фрейманнинг тадқиқотларида қадимги Хоразм тили Хоразмдан кетган ас ва аланларнинг авлоди бўлган осетинларнинг тили билан қариндошлигини билдиради [28]. Г.П.Снесарев асларнинг этникномлари Хоразм воҳасидаги ўзбек ва туркманлар орасида топоним ва этноним сифатида сақланиб қолганлигини қайд қилади [25].

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, VIII-X асрларда Хоразм Араб халифалиги ва Сомонийлар даврида сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмаса ҳам шимоли-ғарбдаги қўшнлари дастлаб Хазария ва кейинчалик Булгория билан қизгин ижтимоий-маданий, сиёсий алоқага киришади. Хоразм воҳасида Амударёнинг ўз ўзанини ўзгартириши натижасида экин ерларининг ва яйловларни сув босади, бошқа худудлар сувсиз қолади. Шундай шароитда худуддаги аҳолининг катта бир гуруҳи Хазария худудларига кўчадилар. Улар ўзлари билан ислом динини олиб борадилар. Уларнинг бир қисми бижанаклар билан биргаликда шимолий Қора денгиз ва Қора денгизнинг ғарбий худудларида ўзларидан олдин кўчиб борган аварлар худудларига кўчиб ўтадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ahmet Zeki Velidi Togan. Umumi Turk Tarihine girish. -Istanbul: “Aksiseda”, 1981.

2. Almaz Yazberdiyev. Gurgenj–Gundogaryn orta asyrlar dowrunin ylmy we medeni merkezi. –Ashgabat: “Türkmen döwlet neşiriyat gullugy”, 2018.
3. Barthold. V.V. Orta Asya turk tarihi. Hüseyin Dag terjumesi. -Ankara: “Caglar”, 2004.
4. Ibn Esir. Kamil Taryh. Rahmet Gylyjov terjimesi. –Ashgabat: “Miras”, 2005.
5. Lin Ying. Some Chinese Sources on the Khazars and Khwarazm. ARCHIVUM EURASIAE MEDI Aevi, 11 (2000-2001), Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 339-364.
6. Omeljan Pritsak. The Khazar kingdom's conversion to Judaism. Harvard Ukrainian studies, vol. 2, no. 3 (september 1978),
7. Şeşen, Ramazan. İslam coğrafyacılara göre Türkler ve Türk ülkeleri. Ankara: Türk Tarih Kurumu, 2001.
8. Zeki Velidi Togan. Horezm Kültürü Vesikalari. Kısım 1. Horezmce Terjümelı Muqaddımat al-adab. Istanbul. Sucuoiglu matbaası. 1951.
9. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: “Фан”, 1968.
10. Алимова Д.А. (мухаррирлиги остида) Хоразм тарихи. -Тошкент-Урганч: “Наврўз”, 2019.
11. Артамонов М, И. История хазар. Ленинград, 1962.
12. Волин С. К истории древнего Хорезма // Вестник древней истории, 1941.
13. Гаркави 1870, 130—133; Артамонов 1962, 370—371; Голб, Прицак 1997.
14. Голб Н. Прицак О. Хазарско-еврейские документы X в. Москва —Иерусалим, 1997.
15. Гулом. Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент. 1959.
16. Зиёев Ҳамид. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (Энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2014.
17. Крачковский И.Ю. Путешествие Ибн-Фадлана на Волгу. –М.: 1939.
18. Масуди. Мурудж ад-Дзахаб (“Россыпи золота”). Глава XVII. <https://leksii.org/16-66888.html>
19. Машарипов Қудрат. Хоразмнинг Ўрта шарқ ва Европа давлатлари савдо марказлари билан тарихий алоқалари (X-XV асрлар). –. Урганч: “Урганч давлат университети” 2016.
20. Минорский В. Ф. История Ширвана и Дербенда X — XI вв. Москва, 1963.
21. Норман Голб, Омелян Прицак. Хазарско- еврейские документы X века. Научная редакция, послесловие и комментарии В. Я. Петрухина. Москва 1997. Иерусалим. 5757.
22. Бубенок О.Б, Д.А. Радивилов Киев Народ ал-арсийа в Хазарии (из истории хазаро-хорезмских связей). Хазарский альманах / Редкол.: В.К. Михеев (гл. ред), А.И. Айбабин, В.С. Аксенов и др. — М., Мосты культуры/ Гешарим, 2004.
23. С. Беляева, О. Бубенок, О. Гундогдыев, И. Дрига, О. Маврина. Огузы на рубежах Южной Руси. Киев, 2018.
24. Сабурова С. Ануштагин – Хоразмшоҳлар даврида Хоразм (1097-1231 йй). – Тошкент: Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти, 2008.
25. Снесарев Г.П. Объяснительная записка к «Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX — начало XX вв.)» // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. Москва, 1975.
26. Толстов.С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. Москва-Ленинград. 1948.
27. Osman Karataу. Bulgarlar. -Istanbul: “Ötüken”, 2018.
28. Фрейман А. А. Хорезмийский язык. Материалы и исследования. Т. 1. Москва—Ленинград, 1951.
29. Хвольсонъ. Д. А. Абу Али Ахмеда Бень-Даства. Неизвестного досель арабского писателя начала X века, по рукописи Британского музея. С.Петербургъ. Типографіи императорской Академіи наукъ. N 12. 1869.
30. Чулков М. Исторические описание Российской империи. Т. 1, СПб., 1781.

УЎК 902

ТУРКИСТОНДА ЗЎРЛИККА, МУСОДАРАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҚАРОРЛАР

3. Абдуллаев, тадқиқотчи, НамДУ, Наманган

Аннотация. Ушбу мақолада Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда қабул қилинган айрим нотўғри қарорлар ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: Туркистон, Совет даври, мусодара, қарор

Аннотация. В данной статье речь пойдет о некоторых неверных решениях, принятых в первые годы советской власти в Туркестане.

Ключевые слова: Туркестан, советский период, конфискация, решение

Abstract. In this article we will talk about some of the wrong decisions taken in the early years of Soviet power in Turkestan.

Keywords: Turkestan, Soviet period, confiscation, decision

Большевиклар ҳокимиятни қўлга киритгандан сўнг (1917) кун тартибидаги энг асосий масала “инкилобни химоя қилиш ва уни мустаҳкамлаш” эди. Бунинг учун давом этаётган урушдан “ёруғ юз” билан чиқиб кетиш, сарф-харажатларни кескин қисқартириш, амалда издан чиқиб бораётган ишлаб чиқариш саноатини, қишлоқ хўжалигини тиклаш, бошқарув тизимига “ишчи-деҳқон манфаати” га мойил кадрларни жалб қилиш, қисқаси “йўқсиллар мамлақати” истиқболи учун саъй-ҳаракатлар қилиш керак эди. Аммо бу саъйи-ҳаракатлар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар таҳлилига кўра ҳамма вақт ҳам тартиб-қоидалар асосида бўлмай, шошма-шошарлик, йўл-йўлакай қабул қилинган қарорлар у ёки бу минтақадаги мавжуд ҳолатларга жавоб бериш-бермаслигини ҳисобга олмаган ҳолда, Марказ инон-ихтиёрига

бўйсундирилган ҳолда қабул қилинган. Хусусан, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўнгу-сўлига қарамай, шошма-шошарлик билан ўзига тўқ, тадбиркор, ишбилармонлар мол-мулкини мусодара қилиш сиёсати, охир-оқибатда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, савдо-сотик ишларини бир маромда юритилишида, аҳолини таъминоти йўлида маълум бир узилишларга, норозилик кайфиятига, бепарқликка олиб келди. Албатта, бундай “мусодара сиёсати”, аҳоли таъминотида ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ишлаб чиқаришни издан чиқишига, хунармандчилик, савдо-сотик билан боғлиқ таъминотга путур етказишига олиб кела бошлади. Бошқарувни ўз қўлига олган “йўқсиллар” қатлами вакиллари бўлган большевиклар амалда ўз укувсизликлари, тажрибасизликларини тезда кўрсатишга улгурдилар. Большевиклар томонидан олиб борилаётган “мусодара сиёсати”, амалда “тортиб ол ва бўлиб бер” сиёсати бўлиб, бу қисқа муддатли “таъминот” ни қондиришгагина хизмат қилса-да, аҳоли давлат таъминотини узлуксиз тизимини ишлашига йўл қўймас эди. Аини пайтда барча мусодаралар ҳам асосли бўлмай, маълум бир ҳуқуқий тартиб-қоидаларга риоя қилинмай амалга оширилган. Аммо шуниси борки, большевиклар томонидан “мусодара сиёсати” қанчалик тез ва шиддат билан амалга оширилган бўлса-да, бунга мулкдор эътирозини кўриб чиқиш ва ҳатто мулкдор ҳақ бўлса, ундан тортиб олинган ёки ўша мусодара қилинган мол-мулкини қоплаб бериш мумкин қадар пайсалга солинган. Айтиш мумкинки, мусодара қилишда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни четлаб ўтиш ҳоллари бўлса-да, мол-мулк эгаси томонидан қилинган эътирозлар асосида мулкдорни “ҳуқуқи тикланса” да, уни қоплаш миқдори номаълум муддатга қолдирилган ёки тўлов суммаси чеклаб қўйилган. Масалан, 1920 йил 24 апрелида Туркистон ХКК томонидан декрет қабул қилиниб, унда мусодарага оид тартиб-қоидалар, хусусан кўриб чиқиш жараёни, муддати, суммаси, ваколатли органлар, ҳозирги пайтда тўлай олмаслик сабаблари кўрсатиб ўтилган [1]. Декрет мазмун-моҳиятига кўра, шошма-шошарлик ёки совет ҳокимияти мутасаддиларининг хатоси туфайли мавжуд “қонун-қоидаларга риоя қилмай” аҳоли мол-мулки мусодара қилинган тақдирда ҳам, совет ҳокимияти ўз зиммасига хатосини тан олмаган. Хусусан:

- ноқонуний мусодара қилишга қилиб қўйиб, буни амалга оширган совет ҳокимияти мулозимларига нисбатан ҳеч қандай чора-тадбирлар қўлламаган;

- мусодара ноқонуний бўлгани ҳолда, тез фурсатларда уни қоплаш тизими бўйича қарор қабул қилинмай, аксинча, 1919 йил 20 октябригача ўтказилган барча мусодараларга эътироз асосидаги тўловлар номаълум муддатга қадар тўхтатилган;

- ноқонуний мусодара этилган мулклар бўйича тўловлар давлатнинг шунга мухтожлиги сабабли қолдирилишини рўқач қилиниб, аҳолини издан чиққан меҳнат хўжалиklarини тиклашга ва озиқ-овқат таъминотига сарфлашга йўналтирилган [2].

Декретда 1919 йил 24 апрелидан кейин амалга оширилган аҳоли мол-мулки мусодаралари бўйича эътирозлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хусусан судда эмас, балки Марказий халқ хўжалиги кенгаши (МХХК) аъзоси раислигида ва яна уч кишидан иборат комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқиши қайд этилган. Бундай тартибни жорий этилиши ҳам Туркистонда ҳуқуқий-меъёрий тартиблар шаклланмаганлигидан далолат беради. Айтиш мумкинки, ўз пайтида мусодара қилишда қанчалик ҳуқуқий-меъёрий асосларга таянилмаган бўлса, мусодара ноқонуний эканлигини билатуриб, уни кўриб чиқиш жараёни ҳам ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, бу соҳалардаги тегишли идора ва мутасаддилар томонидан эмас, балки большевиклар “хоҳиш-иродаси” га бўйсундирилган эди. Декретга мувофиқ яна бир томони шуки, мусодарага оид масалаларни ҳам, унинг миқдори асосида, вилоят ёки республика миқёсида кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Масалан, мусодара асосида 100 минг сўмгача бўлган миқдори вилоят халқ хўжалиги комиссияси томонидан кўриб чиқишга рухсат берилган бўлса, мусодарадаги мол-мулклар миқдори 100 минг сўмдан юқори бўлган тақдирда, бу Туркистон Марказий халқ хўжалиги кенгаши томонидан кўриб чиқиш белгиланган. Декретда мусодара қилинган мол-мулкларни қонуний ёки ноқонуний эканлиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш, албатта 1919 йил 20 октябрдан кейинги мусодараларга оидлари, мазкур декрет эълон қилингандан кейинги икки ой давомидагина қабул қилиниши ва ундан кейин аризалар қабул қилинмаслиги белгилаб қўйилган [3].

Совет ҳокимияти йилларида қабул қилинган мазкур декретдан кўриниб турибдики, ҳатто ҳокимият ва унинг вакиллик органлари, жойлардаги бошқарув ижрочилари томонида ҳеч қандай асосларсиз, мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни четлаб ўтиб мусодара қилинган бўлса ҳам, мулк эгаларига ўз вақтида мусодара мулкини қайтариш ёки уни тўлаб беришни пайсалга солганлар. Ҳатто 1919 йил 20 октябрга қадар ўтказилган мусодараларни кўриб чиқиш, тўлаш, республикадаги аҳволдан келиб чиқиб, номаълум муддатга қолдирилган. Айтиш мумкинки, давлатнинг ҳуқуқини пеш қилган ҳолда, аҳолининг ҳуқуқи оёқ ости қилинган.

Албатта, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қабул қилинган қарор ва декретлар ўлкада вужудга келган ва келаётган ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги асосий вазифалардан бири аҳолини озиқ-овқат таъминоти ҳам бўлиб, бу жараён ҳам зўрликлар, мусодаралар ўтказишга, турли солиқларни жорий этишга ва бунга “ҳуқуқий мақом” беришга қаратилган эди. Шуниси борки, Туркистонда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар “халқ манфаатлари йўлида” қабул қилинса-да, буларни бажариш яна ўша

аҳолининг зиммасига юклатилар эди. Масалан, аҳолини озиқ-овқат таъминотига қаратилган тадбирлардан бири бу таксимот сиёсати эди. Аммо озиқ-овқат таксимоти бўйича чора-тадбирлар тортиб олиб таксимлашга қаратилиб, бу ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқ ва манфаатларига зид эди. Шу сабабдан ҳам, РКП (б) нинг X съезди (1921 йил март) да озиқ-овқат таксимотини қатъий белгиланган миқдордаги солиққа алмаштириш бўйича қарор қабул қилиб, деҳқонларга солиқ тўлагандан кейин ортиб қолган маҳсулотларни ўз хоҳишларига кўра ишлатиши мумкинлиги билдирилди. Совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсати дастлабки йилларда куйидаги босқичларда амалга оширилгани билан кўзга ташланади:

1. Давлат монополиясини ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларига жорий этилиши, уларни товарлаштириш асосида тайёрлаш ва кейин таксимоти.

2. Таъминотни хусусий қўллардан давлат ихтиёрига ўтказиш.

3. Озиқ-овқатни ҳисоб-китоб қилиш ва давлат томонидан синфий белгилари асосида тарқатиш.

Совет ҳокимияти ўз амалий фаолиятида озиқ-овқат сиёсатини юргизишда бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, хусусан 1918 йил майда озиқ-овқат диктатурасини жорий этиб, яъни шу йўл билан ғалла монополиясини бажариш, шу мақсадда қишлоқларга ишчи озиқ-овқат отрядларини юбориш, 1918 йил июнидан камбағаллар кўмитасини жорий этиш – ҳамма-ҳаммаси аҳолини озиқ-овқат таъминотига қаратилган эди. Аммо большевиклар томонидан юқорида қайд этилган чора-тадбирлар, хусусан 1918 йил октябрида жорий этилган товар алмаштириш ва озиқ-овқат солиғи ҳам давлатни керакли миқдорда озиқ-овқат билан таъминлашда кутилган натижани бермади. Шунинг учун ҳам совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсати бўйича навбатдаги қадамларидан бири бўлиб, 1919 йил январидан озиқ-овқат таксимоти жорий этилди. Озиқ-овқат таксимоти кўзга кўринарли натижалар бера бошлаши, тегишли озиқ-овқат органлари томонидан давлат монополияси асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг энг мақбули деб ҳисоблаш нуқтаи назар ҳукмронлик қила бошлади [4]. Аммо озиқ-овқат таксимоти совет ҳокимияти томонидан ўз “натижасига эга тадбир” деб ҳисобланган бўлса-да, амалда деҳқонлардан бор-будини, ортиқча маҳсулотини тортиб олишга, деҳқонни ортиқча маҳсулотини сотиш имкониятига қарши қаратилган эди. Айни пайтда большевиклар озиқ-овқат таксимотини бекор қилиб, уни солиққа алмаштириш - давлатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотисиз қолдиради деб ҳисоблардилар. Озиқ-овқат таксимоти деҳқонларни ортиқча маҳсулотини тортиб олган ҳолда бу билан амалда хусусий савдо-сотикқа қарши кураш ҳисобланар эди. Большевиклар озиқ-овқат таксимотини сақлашнинг бирдан-бир йўли товар алмаштиришни йўлга қўйиш деб ҳисоблашди. Совет ҳокимияти деҳқонларни саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳисобига озиқ-овқат таксимотини сақлаб қолиш керак деб ҳисобласа-да, аслида саноат таъминоти ҳам ўта чекланган ҳолда эди. Айни 1920 йил охирларидан қишлоқ ва шаҳарлардаги аҳвол оғирлашиб борар, жойларда олиб борилаётган озиқ-овқат таксимоти ҳақли равишда норозиликларга сабаб бўлаётган эди. Марказда озиқ-овқат таксимотини маълум бир маҳсулот солиғига алмаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Маҳсулот солиғини жорий этишдан мақсад деҳқонларга ўз ортиқча маҳсулотларини ихтиёрий тарзда ишлатиш имконини бериш эди [5].

Аммо бу сиёсат Марказда олиб борилса-да, чекка ҳудудлар, хусусан Туркистонда бу борада мусодара, зўравонликка асосланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш давом этди. Масалан, озиқ-овқат таъминоти муаммоси кучайган сари аҳоли ва ташкилотлар зиммасига юкланадиган мажбуриятлар, солиқлар турлари ҳам кўпайиб борган. Масалан, Туркистон ХКК раиси Қ.Отабоевнинг 1921 йил 7 майда имзоси остидаги декретга мувофиқ, 1921 йилда тухум билан таъминлаш бўйича мажбуриятлар тартиби куйидагича бўлган:

- касалхона ва госпиталлардаги беморлар ва шунингдек, кам таъминланган меҳнаткашларни тухум билан таъминлаш мақсад қилиб қўйилган;

- Туркистонда товуғи бор барча хўжаликлар зиммасига табиий солиқ тарзида товук тухуми топшириш юкланади;

- 1921 йил учун солиқ тариқасида ажратиладиган тухум миқдорини Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан, ҳар бир хўжалик қарамоғидаги товуклар сонидан келиб чиқиб, аммо олинаётган ҳамма тухумлар сонининг 12 фоиздан ортмаганини олади;

- солиқ сифатида ажратилаётган тухумларга ҳақ тўланмайди;

- мазкур тухум солиғи Туркистон бўйича 1921 йил 1 сентябрига қадар тугаши керак;

- солиқни бажармаган ёки ўз вақтида бажара олмаганлар халқ судига берилиб, мулккий жавобгарликка тортилади;

- мазкур декретнинг моҳиятини тушунтириш ва бунинг ривожлантириш Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан амалга ошириш бўйича мажбурий қарор ва йўриқнома ишлаб чиқиш тавсия этилади [6].

Юқорида, яъни 1921 йил 7 майда қабул қилинган Туркистон ХКК декрети мазмун-моҳиятига кўра жорий этилаётган тухум солиғи “касалхона ва госпиталлардаги беморлар” га ҳам берилишини назарда тутган. Мазкур солиқ маҳаллий аҳолидан кўра, ўша госпитал ва касалхоналардаги беморларга деб, амалда аҳолини таъминлаш энг асосий вазифа деб қаралмаган. Яна бир муҳим томони, товуғи бор хўжаликларни меҳнат унумдорлигини оширишга эмас, балки яна ўша этиштирилган тухумни, товуклар сони ва олинаётган барча тухумлар сонидан 12 фоизини

топширишга ундалган. Боз устига олинадиган тухум солиқларига ҳеч қандай ҳақ тўланмаслиги таъкидланган. Ҳатто белгиланган миқдордаги солиқни ўз вақтида бажармаганлар, бажара олмаганлар халқ судига берилиши, мулкый жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Айтиш мумкинки, қабул қилинган декрет, Туркистондаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бўлса-да, бундай мазмундаги декрет амалда аҳоли, хўжаликлар ҳуқуқини поймол этишга тенг эди. Совет ҳокимияти қабул қилаётган декрет ва қарорлар, аҳолини меҳнат унумдорлигини, манфаатдорлигини оширишга қаратилмай, амалда зўравонликка, мусодара-тортиб олишга йўналтирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фарғона вилоят давлат архиви, р-435 фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 39-варок.
2. Фарғона вилоят давлат архиви, р-435 фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 39-варок.
3. Фарғона вилоят давлат архиви, р-435 фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 39-варок.
4. Второе Всероссийское продовольственное совещание (29,VI/-3VII. 1920). М.: 1920. – С.1-2.
5. Берхин И.Б. О продналоге. Некоторые вопросы истории и историографии проблемы.// Вопросы истории КПСС, №10, 1986. – С103-104, 106.
6. Ўз МА, р-805 фонд, 1-рўйхат, 125-иш, 2-варак.

УЎТ 001(093):51+52«12»

НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК РАМЗИ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ НАМУНАСИ

Ш.С. Агзамходжаева, доцент, ф.ф.н., Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлик рамзи ёшлар учун ибрат намунаси эканлиги илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Нажмиддин Кубро асарлари ва унинг шахсий ибратини ҳозирги кунда ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга садоқат, Янги Ўзбекистонни ривожлантириши йўлида фидоийликка тайёр туриши руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Калим сўзлар: ватанпарварлик, ёшлар тарбияси, миллий қадриятлар, жавонмардлик

Аннотация. В статье научно анализирован патриотический символ Наджмиддина Кубро как образец для подражания молодежи. Деятельность Наджмиддина Кубро и его личный пример имеют огромное значение для воспитания молодежи сегодня в духе патриотизма, преданности нашим национальным ценностям, готовности к самопожертвованию на пути развития Нового Узбекистана.

Ключевые слова: патриотизм, воспитание молодежи, национальные ценности, мужество

Abstract. The article scientifically analyzes that the patriotic symbol of Najmiddin Kubro is a role model for young people. The activities of Najmiddin Kubro and his personal example are of great importance for educating young people today in the spirit of patriotism, devotion to our national values, readiness for self-sacrifice on the path of development of New Uzbekistan.

Keywords: patriotism, youth education, national values, courage

Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири буюк ватандошимиз шайх Нажмиддин Кубродир. Нажмиддин Кубро (1145-221) ҳаётини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин [1, 55-б.]. Биринчи босқич-болалик ва йигитлик йиллари (1145-1170), Хоразмда яшаган. Иккинчи босқич - Нажмиддин Кубро илм талабида сафар қилиб, 35-40 йил чамаси, тахминан 1170-1200 йиллар давомида Эрон, Арабистон ва Мисрда яшаган. Учтинчи босқич - ҳаётининг охириги йиллар” (асосан, 1200 йилдан кейин) ватани Хоразмга қайтади. Тарихий воқеалар Нажмиддин Кубронинг болалик ва навқиронлик йиллари ўтган йилларда Хоразм турли низолар гирдобиди бўлганлигига гувоҳлик беради. Табиийки, бундай мураккаб шароит илм-фан, маданият ва маънавият ривожини учун анча тўсқинлик қилган. Нажмиддин Кубронинг илм истагида ўзга юртларга сафар қилишига ҳам ўлкадаги ана шу нотинчликлар сабаб бўлган бўлса керак [1, 56-б.]. Нажмиддин Кубро узоқ муддат, умрининг деярли ярмидан кўпини, ўзга юртларда ўтказиб илм ўрганди: Нишопур, Исфохон, Табриз, Ҳамадон, Макка, Халаб, Искандария каби шаҳарларда яшаб йирик тасаввуф намоёндаларидан сабоқ олди. Мусофирчилик азиятлари, билимга бўлган кучли ихлос ва интилиш туфайли, йирик тасаввуф шайхи бўлиб етишди.

Хоразм ҳукмдори Такаш вафотидан сўнг, тахтни унинг ўғли Муҳаммад эгаллади (1200-1220). Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида Хоразм улкан давлатга айланди, унинг чегаралари Каспий денгизининг шимолий соҳилларидан Форс қўлтиғигача, Кавказдан то Ҳиндукуш тоғларигача етган эди, пойтахти Гурганж (ҳозирги Кўхна Урганч) йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланди. Тасаввуф ҳам ривожланди. Бунга сабаб, биринчидан, марказлашган йирик сиёсий бирлик давлат ташкил топиши бўлса, иккинчидан, салжуқийлар давлатида ҳам илм-маърифат, айниқса Хуросонда тасаввуф кенг ривожланган эди. Бу давлатнинг пойтахти Марв шаҳри эса йирик маданий-маърифий марказга айланди. Хуросон тасаввуф мактаби ривожланиб, Абдулло Ансорий (1006-1089), Аҳмад Жом (вафоти 1141 йил) ва Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) унинг йирик намоёндалари эдилар. Тасаввуфнинг қатор ёрдамчи тариқатлари юзага келди: муҳосибия, кассория, тайфурия, жунайдия,

нурия, саҳлия, ҳақимия, харрозия, ҳафифия, сайёрия ва бошқалар. Ягона сиёсий бирлик заминиди Хуросон тасаввуф мактаби бевосита Мовароуннаҳрда ҳам тасаввуф ривожига сабабчи бўлди. Жумладан, Юсуф Ҳамадоний тасаввуф мактаби асосида яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатлари вужудга келган. Учинчидан, Хоразмда илм-маърифат ривожланишига бевосита Хоразмшоҳлар ҳам маълум ҳисса қўшганлар, зеро уларнинг ўзлари ҳам анча мукамал билимга эга бўлганлар. Масалан, Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ва унинг ўғли Отсиз Хоразмшоҳ Марв шаҳрида билим олишган ва ўз ҳукмдорликлари чоғида илм-фанга ҳомийлик қилдилар. Ҳатто Хоразмшоҳ Отсиз форс тилида шеърлар ёзгани ҳам маълум. Исломи дини пешволари-саййидлар, уламолар, машойихларга Хоразмшоҳлар жуда катта илтифот кўрсатганлар, элчилик муносабатларида ва турли низоларни тинч йул билан ҳал қилишда улар билан бамаслаҳат иш тутганлар.

Хоразмнинг ҳар томонлама юксалиши Нажмиддин Куброни ҳам ўз ватанига қайтишига жалб этди. Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатининг дастлабки йилларида Нажмиддин Кубро Хоразмга келади ва умрининг охиригача пойтахт Гурганжда яшайди. Шу ерда мурид ва мухлислар орттириб, ўз тариқатига асос солади [2, 24-б.].

Нажмиддин Кубро ёшлигидан сафарга кизиқиб, турли ўлкаларни кезиб ўтиб Мисрга боради, у ерда машҳур суфий шайх Рўзбехон Ваззон ал-Мисрий билан танишиб унга иродат қўлини беради ва унинг назари остида оғир риёзат босқичларини ўтайди. Ёш олим калом илмига доир ўзининг биринчи асарини “Шарк ус-сунна вал-масолик” (“Сунна ва эзуликлар шарҳи”) номи билан ўша ерда ёзади. Исломи энциклопедиясида берилган маълумотга кўра ушбу асар мубоҳаса шаклида, муқаддима моҳиятида ёзилган эди. Бу асарга доир бир мунозара жараёнида муаллиф бир янги сиймо-Бобо Фараж Табризий билан танишади. Шайхнинг суҳбатлари ёш олимга чуқур таъсир кўрсатиб, қарашларини ўзгартирди. Бу таъсир унинг амалий ҳаётида яққол сезилади. Изланувчан олим ундан кейин калом илми мавзуларида ўз текширишларини тўхтатиб қўйиб, бутунлай тасаввуф мувоқабасига берилади, чунки Бобо Фараж ишроқ йўлидан ҳақиқатга эришмоқчи бўлган солиқ учун ҳеч қандай билим ўрганиш зарур эмаслигини таъкидларди, негаки, билим илоҳий илҳом орқали ҳосил бўлади [4, 34].

Шайх Нажмиддин Кубро олий истеъдод ва юксак заковат эгаси бўлгани сабабли, ҳар қандай саволга қоникарли жавоб қайтариб, ҳар қандай мураккаб муаммоларни ечишга муваффақ бўларди ва илмий масалалар борасида мубоҳаса ва мунозарани севиб, ҳар доим бошқалар устидан ғалаба қозонарди, шу сабабдан уни “Аттомат ул-кубро” (буюк бало, буюк офат) деб атаганлар. Шамсиддин Сомий “Қомус-ул аълом”да ёзишича, бора-бора “аттома” (бало) сўзи сўзлашув жараёнида тарк этилиб, “Ал-Кубро” (буюк) сўзи унинг лақаби-Нажмиддин Кубронинг ажралмас қисми бўлиб келмоқда [5, 18-б.].

Алишер Навоий мазкур асарида [6, 141-б.] айтилганидек, “Шайх Нажмиддин Кубронинг мардлиги, қахрамонлиги ва Хоразмга бостириб кирган “куффор” (мўғул истилочилари) томонидан ваҳшиёна қатл этилганлиги тўғрисида ҳам маълумот беради: “Чун тотор куффори Хоразмга етубдурлар, Ҳазрати Шайх асҳобини йиғиб, амр қилибтурларки, вилоятларингизга боринг. Алар ул ҳазратнинг амри бирла ўз вилоятларига борибтурлар. Шайх дебтурларки, биз бул куффор илкида шаҳид бўлурмиз. Асҳоб тарқагандин сўнграким, куффор Хоразмга кирибтурлар. Ҳазрати Шайх қолғон асҳоби бирла чиқиб, ғазвга машғул бўлибтурлар, то шаҳодат шаробин тотубдур”.

Хоразмшоҳлар давлати таркибига киритилган ҳудудлардаги қатор шаҳарлар-Бухоро, Марв, Самарқанд, Нисо, Исфохри, Ахсикат, Жанд, Журжон; Марғилон, Ҳирот каби шаҳарларда ҳам илм-маърифат, маънавият юксалди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Ироқ ўлкалари ўртасида маданий алоқалар кучайди. Ушбу даврнинг таниқли олимлари ва зиё аҳли жумласига Рашидиддин Вотвот, Исмоил Исфохоний, Тохир Фарёбий, Абулфазл Ахсикатий, Сайфиддин Бухорий, Абулмажид Жандий, Али Ҳижозий, Исмоил Журжоний, Али Хоразмий, Абулҳасан Хоразмий, Муҳаммад Ахсикатий, Абдуллоҳ ар-Розий, Маҳмуд Самарқандий, Масъуд Хўжандий, Маҳмуд Замахшарий, Абулқарим ас-Самъоний ва бошқаларнинг исмларини келтириш мумкин [2, 58-б.]. Хоразм мўғуллар томонидан босиб олиниши чоғида, унинг пойтахти-Гурганж шаҳри мудофаасида илм аҳли ҳам халқ билан бирга эдилар, ёвга қарши курашиб қахрамонларча ҳалок бўлдилар. Шаҳидлар орасида Нажмиддин Кубро ҳам бор эди. Душман Чингизхон тўдалари Хоразмга яқинлашганда, унга жавобан Шайх Нажмиддин Кубро дейди: “Мен бу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ”. Куффор, яъни мўғул аскарлари Гурганжга кирганда, шайх қолган-қутган муридлари билан жангга шайланади. У хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош билан тўлдирди, қўлига найза олиб, душман қаршисига чиқади. Алишер Навоийнинг ёзишича, Нажмиддин Кубро бир ҳамлада душман байроғини тортиб олган. Етмиш беш яшар мўйсафид – қалбларни нурлантирган шайхи кабир ҳолдан тойиб, кучи кетаётганини сезса ҳам, жангни тўхтатмайди, душман байроғини ғазаб билан маҳкам тутамлаб олди-да, шу ҳолатда жон берди. Дейдиларким, вафотидан кейин ўнта одам унинг маҳкам қисилган панжалари орасидан байроқни зўрға ажратиб олган. Шу тариқа Нажмиддин Кубро 1221 йилда Чингизхон тўдаларига қарши жангда шаҳид бўлди.

Орадан йиллар ўтди, XIV асрда Жўчи улусининг (Олтин Ўрда) хони Ўзбекхон (1312-1341), Хоразм ўлкаси унинг улуси таркибида бўлганлиги учун Нажмиддин Кубро қабри устига улугвор макбара барпо этди ва бу билан гуё ўз аجدларининг оғир гуноҳи учун узр сўрагандай эди.

Хоразм диёри асарлар давомида буюк Туркистоннинг маданият ўчоқларидан бири бўлиб келган. Шайх Нажмиддин Кубродек буюк суфий ва мутафаккир орифни камолга етказиб, у асос солган кубровия тариқатини, фалсафий фикрлар билан йўғрилган янги тасаввуф мактаби сифатида ислом оламига тақдим этган. Абул Жанноб куняси Нажмиддин (диннинг юлдузи) Аттомад ул-Кубро (буюк бало) ва валитарош шайх (валилар етиштирувчи шайх) лақаблари билан шуҳрат қозонган бу мутафаккир, ориф ва суфий, фақатгина тасаввуфга хос бўлган таълимотлар билан чекланиб қолмай, ўз замонасининг барча илм-фанларини ўзлаштириш йўлида машаққатли сафарлар қилиб, шаҳардан шаҳарга билим изидан юрди, “илм Хитойда бўлса ҳам, уни изла” ва “бешиқдан лаҳадгача билим ўрган” деган ҳадис сўзларига чин қўнғилдан ишонган бу илм шайдоси ҳаётининг охириги дақиқаларигача ушбу йўлдан озмади [3, 38-б.].

Хулоса сифати айтиш жоизки, улуг шайх ва донишманд инсоннинг бу қаҳрамонлиги, жасорати душманни ҳам ҳайратга солган. Бу иш авлодларга ибрат бўлди, халқ орасида афсонага айланиб кетди. Нажмиддин Кубро кишиларни эзуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этди. Бу йўлда ўзи бошқаларга ўрнак бўлди. 1221 йили мўғул босқинчилари юртга бостириб келганида, гарчи унга шаҳарни ташлаб чиқиш имкони берилса-да, Ватанини душман қўлига топширмади. Мўғуллар билан жангда мардонавор курашиб, жон фидо қилди. Шайхнинг қабри Кўхна Урганчда. Буюк боболаримизнинг ҳаёт йўли биз авлодлар учун гўзал ўрнақдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бўриев Омонулла. Нажмиддин Кубро яшаган давр ҳақида.//Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент, Ёзувчи нашриёти. 1995.
2. Жабборов Нейматуллоҳ. Миллат ва дин юлдузи.//Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент, Ёзувчи нашриёти. 1995.
3. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Шайх Нажмиддин Кубро – ватансеварлик рамзи.//Шайх Нажмиддин Кубро – Тошкент, Ёзувчи нашриёти. 1995.
4. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. - М., 1965.
5. Усмонов Ориф. Шайх Нажмиддин Кубро ва Кубровия тариқати ҳақида.//Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент, Ёзувчи нашриёти. 1995.
6. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Асарлар. XV жилд. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 1968.

УЎҚ 93/94

XVIII-XIX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МЕЪМОРИЙ ВА ЭПИГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

М.У. Амонов, илмий ходими, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқанд

Аннотация. Мақолада Марказий Осийё нақшбандия-муҷаддидия тариқати намоёндалари мақбаралари, уларнинг қабр тошларига ўйилган матнлар маъноси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Марказий Осийё, нақшбандия-муҷаддидия, меъморий, эпиграфика, Сўфи Оллоҳёр, Иброҳим хожа, мақбара

Аннотация. В статье представлена информация о гробницах представителей секты Нақшбанди-Муджаддиди Средней Азии, значение текстов, нанесенных на их надгробные плиты.

Ключевые слова: Центральная Азия, нақшбандия-муджаддидийа, архитектура эпиграфика, Суфи Аллахяр, Ибрагим Ходжа, мавзолей

Abstract. The article provides information about the tombs of the representatives of the Naqshbandi-Mujaddidi sect of Central Asia, the meaning of the texts inscribed on their tombstones.

Key words: Central Asia, Naqshbandi-mujaddidi, shrines, Sufi Allahyar, Ibrahim xoja, mausoleum

Нақшбандия-муҷаддидия билан боғлиқ Марказий Осийёда кўплаб тарихий аҳамиятга молик меъморий иншоотлар ва эпиграфик маълумотлар унинг тарихини ёритишда муҳим ўрин тутди. Тариқатни ўрганишда Самарқанд ва Бухоро каби машҳур шаҳарларидан ташқари Шаҳрисабз, Китоб ҳамда Хузор (Ғузор) каби шаҳарлар ҳам ислом оламида танилган. Шулар орасида *нақшбандия-муҷаддидияга* оид Ғузордаги тарихий ёдгорликларга эътибор қаратамиз.

Хузор (Ғузор) – Қашқадарё вилоятида жойлашган, тарихан бой масканлардан саналиб, ривоятга кўра Ғузор шахрига шоҳ Афросиёб асос солган. VIII аср бошларида Хузор қалъаси жуда мустаҳкам бўлган [3]. Ўрта асрларда Ғузор иқтисодий савдо алоқаларининг марказий шаҳарларидан бирига айланган. Бухоро амирилиги даври (1756-1920)да Ғузор маданий-маънавий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда етакчи шаҳарлардан бири бўлган [22].

Ғузордан мазкур тариқат намоёндалари етишиб чиққанлигига мисоллар кўп топилади. Улар билан алоқадор ёдгорликлар бу ердаги қадимий мазор ва қабристонлардан топилади. Ўз даврининг машойихларидан бўлган Азизи Ғузорий мақбараси (расм-1) Ғузор шахрида жойлашган "Мири Жанда" қабристони билан машҳур. Машҳур мутасаввуф олим Шаҳобиддин Сухравардий ҳирқа эгаси бўлгани боис, у дафн этилган қабристон аллома номига боғлиқ ҳолатда, "Мири Жанда", деб юритилган [18]. Дарвозасидан киришда чап томон-қабристон ичида жойлашган.

Бу борада мустақиллик даврига қадар олиб борилган тадқиқотларда маълумотлар учрамади. Жумладан, археолог олим Массон М.Е. олиб борган изланишида Ғузор ва унинг атрофларидаги қадимий тепаликлар қаторида мазкур зиёратгоҳдаги "Султон Али Қуржий"га тегишли қабр тош ҳақида сўз юритган бўлса-да [7], Азизи Ғузорий мақбараси ва қабр тоши ҳақида сўз юритилмаган. Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларда эса "Мири Жанда ота" зиёратгоҳи тарихи ёритилган [12,16,19,21], у ердаги қабр тошлар тадқиқ этилган [8], аммо Азизи Ғузорий мақбараси ва қабр тоши ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Азизи Ғузорий ва унинг мақбараси ҳамда қабр тоши тўғрисида дастлаб шу сатрлар муаллифи томонидан эълон қилинган мақола ва рисолаларда [9,10,15] баён этилган эди.



Расм-1. Азизи Ғузорийнинг мақбараси

XVIII-XIX асрларда *Нақибандия-муҷаддидия* силсиласининг Сўфи Оллоҳёр тармоғида фаолият олиб борган Азизи Ғузорийнинг мақбараси (Қашқадарё вилояти Ғузор тумани марказидаги "Мири Жанда ота" зиёратгоҳида жойлашган) мўъжазгина пишиқ ғиштдан қурилган. Унинг баландлиги 6 м, тўрт томони квадрат шаклда, эни 4 м (1-расм). Мақбаранинг юқори қисми, яъни гумбази тунука билан ёпилган. Мақбаранинг атрофида қабрлар мавжуд [9,10]. Янги мақбара ушбу авлод (Яраш Нуриллаев, Хусниддин ака, Ғулом ака ва Ражаб ака каби ахборотчилар билан суҳбат жараёнида ушбу авлод вакиллари халқ орасида катта обрў-эътиборли кишилар бўлганлиги аниқланди. Ҳозирги вақтда ушбу туманда Азизи Ғузорийнинг кўплаб авлодлари истиқомат қилишларига қарамай, Азизи Ғузорийга қадар бўлган аجدодлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бу мустабид тузум ушбу авлод вакиллари ҳам четлаб ўтмаганлигидан далолат беради. Ушбу авлод вакиллари орасида Турдихон, у кишининг отаси Туробхон, бобоси Розикхон) вакили Ғулом Аъзамов томонидан қурилган. Эски мақбара лой (пахса)дан бино қилинган ва шу сабаб, асосан қор-у ёмғир ва шамол таъсирида анча нураб қолгани учун ўрнига янги мақбара қурилган.

Мақбара ичида умумий тарҳи 2x2,5, баландлиги 1,5 метр мармар тош билан ўралган суфа шаклидаги қабр жойлашган. У халифа Қамариддиннинг даҳмасидир. Қабр устида оқ мармардан тайёрланган қабртош бўлақлари қўйилган. Тош синган ва унинг оқибатида бешта турли бўлақка ажралган. Унинг деярли ярми йўқ. У халифа Қамариддин Ғузорийга тегишли бўлиб, бешта бўлақка бўлинган, тошнинг деярли ярми йўқолган, шундай бўлса-да қабртошдаги ёзувларни тиклашга ҳаракат қилдик. Битиклар асосан қабртош матнларини ёзиш учун қўлланиладиган сулс услубида тош сиртига ўйиб ёзилган. Аммо сулс хати таркибида насх услубига яқин унсурлар ҳам йўқ эмас.

Қабр тош матни (2-расм).



Расм-2. Халифа Қамариддин Ғузорий қабр тошидаги матни

"...امد بهرمقصود ميدادش اله
 بود و حق بود از وجودش كارگر
 ل عمر خویش اندر راه حق
 ... اخر معقد .. قش مقر
 ... تاد از دار الفنا
 ... بقا اونكههان رخت سفر
 اوستا ضيا

Қабртош матни форс-тожик тилида битилган марсия. Қабртошнинг айрим бўлаклари йўқлиги сабаб, унинг асл матнини тиклаш бир оз қийинчиликлар туғдирди. Аммо шунга қарамай қуйидаги варианты танланиб, унинг қисқача ўзбекча таржимаси шакллантирилди. Матннинг бошида: “*Ҳар бир мақсади учун унга берувчи Илоҳ*” сўзлари келган. Тошнинг алоҳида бўлагида “*ад-дин Хузор*” сўзлари учрайди. Қабртош иккинчи қаторидаги матннинг боши йўқ ва тахминан ярмидан охирига қадар қисми сақланган ва унда қуйидаги жумлалар берилган: “*унинг вужудида (борлигида) Ҳақ учун заҳмат (меҳнат) [чекиш бор] (Бошқа бир фаразга кўра: “вужуди доимо Ҳақ ёди ила)*”. Тошнинг алоҳида кичик бўлагида “*ад-дин Хузор*” сўзларидан кейин “*шайх ул-ислом шаҳид қутб...*” сўзлари сақланган ва у мазкур шахснинг *шайх ул-ислом* эканлиги ва *шаҳид* кетганлигидан далолат беради. Қабртош асосий қисмининг 3-қаторидаги тўла сақланмаган матнда “*ўзининг умрини ҳақ йўлига бағишлади*” жумласи учрайди. 4,5,6-қаторда сақланиб қолган жумлалар шахснинг вафот этгандаги турар жойи, тупроғи, охириги маскани, маъқад (жойнишини), мақар(қароргоҳ)и ва дор ул-фанодан дор ул-бақога ногаҳон “*сафар либоси*” ҳақида маълумотлар учрайди. Қабртошнинг охирида ёзувларни тошга ўйган “Усто Зиё” исми келтирилган.

Қабртошнинг ўнг томонида “*Ҳотифий равзаъ муқаддас гуфт*”, жумласи алоҳида рамка ичида юқоридан пастга қараб битилган. Шоир Ҳотифий (Ҳотифий – Ушбу тахаллус билан ижод қилган шоирлар кўпчиликини ташкил қиладилар. Жумладан: Ислом шайх Каррухийнинг шогирдларидан бири Олим хожа Қаршигий ҳам “*Ҳотиф*” тахаллуси билан ижод қилган [5]. Яна бирининг асл исми Абдунаби бўлиб, Хўжанд шаҳрида таваллуд топган. Сўфийлик илмидан бохабар бу шахс, Мирзо Қаландар Исфарагийнинг куёви эди [17]. Айтилган ушбу сўз орқали биз халифа Қамариддин вафоти санасини аниқлашимиз мумкин. “*Равзаъ муқаддас*” сўзидан абжод ҳисобида 1280/1863 йил ҳисоби чиқди. Бундан, халифа Қамариддин 1181/1767 йилда Ғузорда таваллуд топиб, қарийб бир аср ҳаёт кечириб, 1280/1863 йилда Ғузорда вафот этганлиги маълум бўлади.

Ислом шайх Каррухийнинг яқин издошларидан бири Сайид Хожа (Сайидои) Каррухий қаламига мансуб “*Ганжнома*” асарининг ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида инв. №4361 рақам остида сақланаётган нусхасининг 80-а варағида “*Ганжномаи Сайидо ба фармудай халифа Қамариддин*”, деб келтирилган. Бундан англашимиз мумкинки, Сайидо Каррухийнинг “*Ганжнома*” (Сайидои Каррухий, ЎЗФАШИ қ.ф. инв/ 7029/II, 11308/VI) асарининг ушбу нусхаси бевосита халифа Қамариддин сўзи билан номаълум хаттот томонидан тасниф этилган.

Самарқанд шаҳридаги "халифа Иброҳим" зиёратгоҳи

Маҳаллий аҳоли орасида "халифа Иброҳим" номи билан аталувчи ушбу зиёратгоҳ Мавлоно Мир Муҳаммад Иброҳимга бағишланган бўлиб, у Самарқанд шаҳридаги машҳур Абду Дарун мазори яқинида жойлашган. Мазкур зиёратгоҳ 2018 йилда таъмирланган ва атрофи ободонлаштирилган (Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини Ҳавзи сангин маҳалласида яшовчи хунарманд кулол Сирож Бобокалонов оиласида дунёга келган Султоной Бобокалонова амалга оширган). Катта дарвоза, унга ҳамоҳанг тарзда маҳобатли айвон ва қадимий иншоот давомидан хужралар барпо этилган. Зиёратчилар учун таҳоратхона, қироатхоналар ҳам иншоот этилган. Мазкур авлод вакилларида бири Баҳодирхон томонидан мақбара устки қисми темир тунука билан қопланган. Мазкур мақбара ва хужраларни афғон шахзодаси Сардор Муҳаммад Исохон томонидан 1300/1882 йилда (Маҳжурий, 91а варақ) бунёд этилган (3-расм). Мақбаранинг ички ва ташқи қисмлари ҳам нозик дид билан таъмирланган. Ички қисмига арабий ёзувлар ва нақшлар билан безак берилган, ташқи қисми ҳам иншоотга мутаносиб тарзда ишланган.

Мақбара пишиқ ғиштдан мустаҳкам пойдевор устига иншоот этилган тўртбурчак шаклдаги иморат бўлиб, унинг баландлиги тахминан 6 м. Бинонинг гумбази олти ва саккиз қиррали елканли асос устига қурилган. Мақбара тўрт девори ва уни ҳар бирининг юқори қисмида деразалар жойлаштирилган. Мақбаранинг асосий кириш эшиги қибла (ғарб) томондан бўлиб, жануб томонида ҳам кириб-чиқиш учун эшик қўйилган. Шимол томонида эса дераза кўринишидаги ўйма нақшли панжара ўрнатилган. Шарқ томонида эса эшик ўрни билиниб турган бўлсада, маҳкам қилиб ёпиб ташланган. Мақбара ичида Мавлоно Мир Муҳаммад Иброҳим хожа қабри жойлашган.



Расм-3. "Халифа Иброҳим" зиёратгоҳи

Мақбаранинг шимол томонида кейинчалик бўлса керак, ёнма-ён 7 та хужра барпо этилган. Бир-бирига монанд бу хужраларнинг эни 3,5 м, бўйи 2,5 м, Бугунги кунда фақат иккита хужра сақланиб қолган, холос. Иброҳим хожа қабрига ўрнатилган мармар қабр тош жуда чиройли услубда ишлов берилган.

Ир-1. (1,60X80 см.) (расм-4) Дала тадқиқот манбалари. Самарқанд шаҳар. 25 декабрь 2019 йил



Расм-4. Иброҳим хожа қабрига ўрнатилган мармар қабр тош

Қабр тош матни:

1	بسم الله الرحمن الرحيم لا اله الا الله محمد رسول الله-
2	يا الكريم الاكرمين
3	يا الهي قادرا پروردگاري انس جن خالق ارض سماء هم مكان هم مكين
4	جمله كرو بيان از لطف تو امیدوار تاكه سازی در دم اخر بايمان هم قرين
5	مقتداء مهتدایش بود مولانا حسين مسلك او مسلك سلطان بهاء الحق دين
6	ماه عيد لعل جمعه روي بر مدفن نهاد اهو افغان شد برون از ميھترين كهترين
7	اسم او ابراهيم است خليل الله سمي هست مردودان او گويا جو نمرود لعين
8	او غريق رحمت حق كشت شد تاريخ او وي برفت شد غريق اي سائل دانا بوبين
9	متوفاء اخقر فرزندان مزكور ملا فيض الله مخدوم ۱۲۹۶

Таржимаси:

1. Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг расули Муҳаммад
2. "Инсу жинларнинг Парвардигорисан барча нарсага Қодир ё Илоҳ,
Арзу самонинг Холиқисан мулк ва макон Сеники.
3. Охирги нафасгача иймон келтириш ва яқин қилишда сенинг лутфу-марҳаматингдан умедвор барча?
4. Ҳидоят топганларнинг муқтадоси Мавлоно Хусайн эди,
Унинг маслаки-йўли Султон Баҳоуддин сулуки эди.
5. Ийд оии жума кечаси мадфун бўлди,
Бу улуг зот ўтганидан кейин оху фиғон бўлди.
6. Ҳалилуллои Сомийдек эди исми унинг Иброҳим,
Гўё у лаънатланган Намрудни енгани каби.
7. Унинг тарихи Ҳақнинг ғариқи раҳматига етди,
Эй соили доно назар сол у кетдию бўлди ғарик".
8. Вафот этган (Иброҳим) хожанинг ўғли мулло Файзуллоҳ Махзум.
Қабртош охирида ҳижрий 1296/1878 йил санаси кўрсатилган.

Аммо мазкур қабртошда ва Мавлоно Нуриддин ибн Олим Маҳжурий Самарқандий сўзларига қараганда "Ғарик-غریق" сўзидан $غ-1000 + ر-200 + ق-100 = 1300$ сони, яъни ҳижрий 1300/1882 йил ҳосил бўлади.

Демак юқорида кўриб ўтганимиздек, Мавлоно Мир Муҳаммад Иброҳим хожа Самарқандий ҳижрий 1296/1878 йилда "Ийд ойининг жума оқшомида" (Маҳжурий, 91а варақ) вафот этганлиги ва унинг қабри устидаги мақбара 1300/1882 йилда барпо этил (ҳамда қабр тош қўйил)ганлиги маълум бўлмоқда.

Мавлоно Мир Муҳаммад Иброҳим хожа мақбарасининг шарқ ва жануб томонидаги мазорда унинг авлодлари ҳамда Афғон амири хонадони вакиллари ҳам дафн этилганлиги у ерда қўйилган қабр тошлардан маълум бўлди.

Ир-2. (42X87 см.) (расм-5)



Расм-5. Мир Муҳаммад Иброҳим хожа мақбарасидаги қабр тошлар

1	بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
2	لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ
3	فَرِيدٌ مَرْتَدٌ كَامِلٌ وَلِيٌّ بِأَكْ سَرِشْت
4	بِيرْدٌ بِيكٌ أَجَلٌ مَرِغٌ رُوحٌ أَوْ بِيهَشْت
5	كَشِيدٌ أَوْ خَرْدٌ خَامَةٌ أَشْ رَقْمٌ بِرْ زَد
6	سَلْتَانْخَانٌ مَتَقِيٌّ بِتَارِيخِ أَوْ نَوْشْت
7	دَرْ سَنَه ١٣٤٥ عَمَلٌ قَطْبِ الدِّينِ

Таржимаси:

1,2. Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг расули Муҳаммад.

3. Пок хислатли валининг ягона муршиди комили

4. Ажалнинг хабар етказувчиси унинг руҳи қушини беҳиштга олиб кетди

5. Ақл хомаси (қалами) рақам уриб, оҳ тортди

6. Такводор Султонхон унинг [вафот] тарихини битди

7. 1345 /1926 санасида

Қутбиддиннинг амали (яъни Қутбиддин тошга ўйган).

Ир-3. (42X87 см.) (расм-6)



Расм-6. Мир Мухаммад Иброхим хожа мақбарасидаги қабр тошлар

11	بسم الله الرحمن الرحيم
1	لا اله الا الله محمد الرسول الله
2	هذا المرقد المغفور المرحوم
3	ملا سيد علي خواجه ابن ملا عبدالله
4	خواجه اي اهل حيات كرم را ياد كنيد
5	دل از غم زمانه ازاد كنيد
6	چون بر سر تربتم
7	كزر كر [گذرگر] نمايد مارا بيكي فاتحه دل شاد كنيد
8	سنه ۱۳۳۸

Таржимаси:

1. "Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг расули Мухаммад.

2. Бу [Аллоҳ гуноҳларини] мағфират [қилсин], марҳум

3. Мулло Саййид Али ибн Хожа Мулло Абдуллоҳ

4. Хожа-и аҳли ҳаёт, агар мени ёдга олсанглар

5. Дилни бу замона ғамидин озод қилган бўласизлар

6. Агар қабрим (турбатим) бошида,

7. Мусофир бўлиб келсангиз бир фотиҳа ўқиб қўнглимни шод айланг.

8. Сана 1337/1918".

Ир-4. (39X124 см.) (расм-7)



Расм-7. Мир Мухаммад Иброхим хожа мақбарасидаги қабр тошлар

1	بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
2	لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ
3	هَذَا مَقْبَرَةُ شَجْرَاءِ دُودِ مَانَ أَمَارَتِ
4	أَفَاغَنَهُ عَلِيًّا جَنَابِ مَعْظَمِهِ مَكْرَمِهِ
5	بِيبِي كُو بِنْتِ سَرْدَارِ سَعِيدِ مُحَمَّدِ خَانَ
6	مَرْحُومِ مُحَمَّدِ زَائِي زَوْجِهِ أَمِيرِ مَرْحُومِ مَغْفُورِ
7	جَنَّتِ مَكَانِ أَمِيرِ مُحَمَّدِ اسْحَاقْ خَانَ
8	وَالْيَدِيِّ جَنَابِ سَرْدَارِ مُحَمَّدِ اسْمَاعِيلِ
9	خَانَ دَرِ تَارِيخِ ١٤ شَهْرِ ذِي الْقَعْدَةِ سَنَةِ ١٣٢٧
10	جَهَانَ فَاثِي رَا پِدْرُودِ نَمُودِه بَه دَارِ الْبَقَا پِيُوسْتِ

Таржимаси:

1. "Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ,
2. Унинг расули Муҳаммад.
- 3.4. Бу мақбара олийжаноб Офоғина амирлиги хонадони шажарасидан саналган муаззама, мукаррама
5. Биби Ку [ники ва у] бинт Сардор Саъид Муҳаммад Хон
6. [Аллоҳ] раҳматли Муҳаммад Зоний,
7. [Биби Ку] жаннатмакон Амир Муҳаммад Исҳоқхон завжаси [бўлиб, у]
- 8,9. жаноб Сардор Муҳаммад Исмоил Хон волидасидир.
9. У [Биби Ку] 1327 йил зу л-қаъда ойининг ўн тўртинчисидан (1909 йилнинг 27 ноябри)да
10. бу фоний дунёни тарк этиб, уни дор-ул-бақога боғлади".

Ир-5. (40X84 см.) (расм-8)



Расм-8. Мир Муҳаммад Иброҳим хожа мақбарасидаги қабр тошлар

1	بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
2	لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ
3	هَذَا مَرْقَدُ مَنْوَرِ پَرِ
4	نُورِ شَهْدِ رِضَائِ
5	خَدَا سَرْدَارِ مُحَمَّدِ
6	شَعِيبِ خَانَ
7	أَبِي مَرْحُومِ مَغْفُورِ خَلْدِ أَشْبِيَانِ
8	أَمِيرِ مُحَمَّدِ اسْحَاقْ خَانَ دَرِ تَارِيخِ جَمْعِهِ
9	٢٧ شَهْرِ رَجَبِ الْمَرْجَبِ سَنَةِ ١٣٢٧

Таржимаси:

1. "Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ,
2. Унинг расули Муҳаммад.
3. Бу нурга тўла мунаввар қабр
- 4,5. Худодан розилик шоҳиди Сардор Муҳаммад
6. Шуъайб Хон
- 7, 8, 9 мағфур марҳум Амир Муҳаммад Исҳоқхон ўглининг жойи жаннатдан бўлсин, тарихи жума куни 1327 (/1908) йилда ражаб ойининг йигирма еттинчисидан вафот этди".

Мазкур зиёратгоҳни 2018 йилда таъмирлаш ишлари давомида зиёратгоҳга кириш дарвозадан бошлаб катта айвон барпо этилган. Айвон пештоқида Қуръони Карим "Бақара" сурасининг 285. "Расул унга ўз Роббидан нозил қилинган нарсга иймон келтирди ва мўъминлар ҳам. Ҳар бирлари Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига иймон келтирдилар ва: "Унинг расулларидан бирорталарини ажратмаймиз. Ва эшитдик ва итоат қилдик, Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир", дедидлар.

286. Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юклагас. Қилган яхши иши фойдасига, қилган ёмон иши зарарига. "Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганинга ўхшаш оғирликни бизга юклагин. Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юклагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен Хожамизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб қил" [23], оятлари келтирилган. Матн охирида эса бу ёзувлар ва ободлаштириш ишлари рамазон ойида ҳижрий 1439/2018 йил эканлиги қайд этилган.

Шу ўринда сардор Амир Исҳоқхонга тегишли бўлган қабр тошдаги ёзувларни бериб ўтсак (Амир Муҳаммад Исҳоқхон қабри Хожа Аҳрор Вали зиёратгоҳида жойлашган).

Сн-1. (50X94 см.) (расм-9)



Расм-9. Сардор Амир Исҳоқхонга тегишли бўлган қабр тошдаги ёзувлар

1	بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
2	لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ
3	هَذَا مَضْجِعُ مَبْرُورِ مَرْحُومِ أَمِيرِ مُحَمَّدِ إِسْحَاقْخَانَ بْنِ خَلْدِي
4	أَشْيَانِي أَمِيرِ اعْظَمِ خَانَ ابْنِ جَنَّةِ مَكَانِي أَمِيرِ كَبِيرِ أَمِيرِ
5	دُوسْتِ مُحَمَّدْخَانَ أَمِيرِ أَفْغَانِسْتَانِ طَيِّبِ اللَّهِ تُرَاهِمِ وَجَعَلَ الْجَنَّةَ
6	مَثْوَاهُمْ دَرَبَسْتِ بِكَ زِ مَاهِ رَبِيعِ دَوْمِ نَمُودِ عَزَمِ جَنَانَ زِ بَهِرِ مَلَاقَاتِي حُورِيَانِ
7	پَرِ سِيدِمِ اَزِ خَرِ دَلِي تَارِيخِ نَكْتِه هَاتَفِ نَدَا كَشِيدِ كِه اَيْنِ ابْخُونِ
8	۱۳۲۷

Таржимаси:

- 1."Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ,
2. Унинг расули Муҳаммад.
3. Бу оромгоҳ марҳум мабрур Амир Муҳаммад Исҳоқхон ибн хулд
4. ошиёни (ўзига жаннатни маскан қилган) Амир Муҳаммад Аъзамхон жаннат макони Амири кабир ўғли
- 5,6. Афғонистон амири Дўст Муҳаммадхон эди. Аллоҳ уларнинг [ётган] тупроғини муаттар қилсин ва [ётган] жойларини жаннат қилсин.
- 6.У раби' ас-сони (рабиъи дуввум) ойининг 21 куни, жаннатларга [отланиб] хурлар билан мулоқот қилишга азму қарор қилди.
7. Тарихнинг қаъридаги ёриқдан покиза сўз сўрадим, нидо қилувчи (овоза қилувчи) "мағфуро" (эй авф этилган банда) буни ўқи! деб нидо қилди.
- 8.1327".

Ушбу қабр Амир Муҳаммад Исҳоқхон Амир Муҳаммад Аъзамхоннинг ўғли, унинг бобоси Афғонистон ҳукмдори Амир Дўст Муҳаммадхон эканлиги айтилиб, унинг вафоти ҳижрий-қамарий йил ҳисобига кўра, яъни абжад ҳисобида кўрсак "مغفورا" - 40-м, غ - 1000, ف - 80, و - 6, ر - 200 ۱-1 = 1327, қабр тошда кўрсатилган санага тўғри келади.

Демак, Сардор Амир Муҳаммад Исҳоқхон 1327/1908 йилнинг 21-раби ул-охир ойида, (хотинидан етти ой олдин) вафот этганлиги ойдинлашади.

Амир Абдурахмонхон (1880-1901) Муҳаммад Афзалхон ўғли эди. У бобоси Дўст Муҳаммад вафот этган (1863) йилларда Самарқандга келган ва у билан бирга сардор Исҳоқхон ҳам бўлган. Улар Амир Абдурахмонхоннинг ҳукмронлиги бошлангун (1880 йил)га қадар шу ерда бўлишган. Айни вақтда Амир Абдурахмонхон ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, ўзининг амакиси Муҳаммад Аъзамхоннинг ўғли бўлмиш Муҳаммад Исҳоқхон амакиваччаси ҳукмронлигини тан олмагач, қаттиқ тазйик натижаси сабаб бўлса керак, Муҳаммад Исҳоқхон Ҳирот-Балх шаҳарлари орқали Самарқандга қайтиб келишига мажбур бўлган. Бу ерда унга иззат икром кўрсатилиб, ҳозирги Хожа Абду Дарун, Хожа Аҳрори Вали ва Хожа Авлиё зиёратгоҳлари атрофидан жой берилган.

Истиқоматни Самарқандда давом эттирган сардор Муҳаммад Исҳоқхон ўз оиласи билан бир неча йиллар шу ерда яшаб, Мавлоно Мир Муҳаммад Иброҳим хожа ҳонақоҳида унинг равишида таълим-тарбиясида бўлган (Самарқандга дастлаб келган вақтларида), 1908 йилда вафот этганлиги тарихий манбалардан маълум бўлди.

Амир Муҳаммад Исҳоқхоннинг учта ўғли бўлганлиги, яъни Сардор Муҳаммад Шуъайбхон, Шаҳид Хон ва Сардор Муҳаммад Исмоилхон. Сардор Муҳаммад Исмоилхон бу давр (1908 йил)ларда ҳаёт эканлиги ва Сардор Муҳаммад Шуъайбхон ва Шаҳид Хонлар вафот этганлиги мазкур қабр тошлардаги эпиграфик маълумотлардан маълум бўлди.

Мазкур меъморий иншоотлар ва эпиграфик маълумотлар орқали нақшбандия-муҳаддиция силсиласининг икки тармоғи, яъни Сўфи Оллоёр ва Мусоҳон Даҳбедий тармоқларида фаолият олиб борган Мавлоно Атоуллоҳ Хўқандий, Азизи (Қамариддин) Ғузорий ва Иброҳим хожа Самарқандий каби егук муршидлар қабри манбалар асосида аниқланди, макбараси ва уларнинг қабрига қўйилган қабр тошлардаги эпиграфик маълумотларни тўлиқ ўрганиш жараёнида уларнинг ҳаёт ва фаолиятига доир қимматли маълумотларни олишга муваффақ бўлдик.

Умуман олганда бу каби тарихий иншоотлар ва эпиграфик маълумотларда акс этган ўтмиш воқеликлари, ўша давр ижтимоий муҳити ва тариқат фаолиятини ўзида мужассам этган маданий меросларимиздан бири саналади. Келгусида бу каби тарихий масканлар юртимизда зиёрат туризми учун янги йўналишларни белгилашда муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик. Куллиёт. Қўлёзма, настаълик, форс тилида ёзилган. ЎЗР ФА ШИ инв № 3021.
2. Мавлоно Нуриддин Махжурий Самарқандий. Тазкираи олимони Самарқанд. Қўлёзма. Тожикча. Самарқанд Давлат музейи қўлёзмалар фонди инв № 5653/2.
3. Ибн Ҳавқал. Китоб суратул ард (Ернинг сурати китоби). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Камолиддин Ш.С. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2011.
4. Муҳаммад Ҳайдар. Силсилаи шариф. Қўлёзма, настаълик, форс тилида. 1299/1881. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
5. Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зойирин. Бухоро. 1328/1909.
6. Сайиди Каррухий. Ганжнома. ЎзФАШИ к.ф. инв/ 7029/II, 11308/VI.
7. Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТошГУ КАТЭ по изучению восточной половины Кашкадаринской области Уз ССР. 1967. ЎЗР МДА Р-2773. 1. 122
8. Аминов Б.Б. Надгробные надписи святых Мир-и Джанди Ата (Гузарский район Кашкадарьинской области Республики Узбекистан)//Журнал Археология Евразийских степей. Татарстан. 2017. №6.
9. Амонов М. Азизи Ғузорий/Ёш Шаркшуносларнинг Академик Убайдулла Каримов номидаги XIII илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент. 2016.
10. Амонов М. Азизи Ғузорий/Ёш олимлар Республика илмий-амалий конференцияси. ТерДУ. 29-30 январ. 2016 йил.
11. Вяткин В. Справочная книжка Самаркандской области. Самарканд. 1902.
12. Даминов Э. Шаҳобуддин Умар Сухравардий (Мири Жанда ота). Т.: Моварауннахр, 2010.
13. Камолзода С.Иброҳимхожа ки буд? – "Овози тожик" газетаси. 2003 йил 15 октябр.
14. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: "Моварауннахр" – "Ўзбекистон", 2009.
15. Мирзо Меъроҷиддин (Амонов М). Сўфи Оллоёр ва Ислом шайх тарихи. Т.: Mashhur-press, 2017.
16. Нуриддинов Х. Ғузорнома. Т.: Янги нашр, 2011.
17. Пўлотжон Қаюмов. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. Т.: Тамаддун, 2011.
18. Поён Равшанов. Қашқадарё тарихи. Т.: Фан, 1995.
19. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Т.: Фан, 1995.
20. Салохий Д., Муҳаммадиев А. Мавлоно Мир Муҳаммад Иброҳим макбараси. "Нақшбандия" журнали, 2013. 2(11).
21. Уватов. У. Буюк алломалар. Т.: Ўзбекистон, 2016.
22. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843.
23. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т.: Hilol-Nashr, 2019.
24. Дала тадқиқот манбалари
25. Дала тадқиқот манбалари. Фарғона-Қўштепа-Лангар ота зиёратгоҳи. Ахборотчи. Ғофуржон ака (58 ёшда). 2016 йил 15-16 июль.
26. Дала тадқиқот манбалари. Халифа Иброҳим хожа зиёратгоҳи. Ахборотчи Саида Қаюмова. Самарқанд шаҳар. 25 декабрь 2019 йил.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТЛАР БИРЛАШУВИ ЙЎЛИДИР**Я.Х. Гаффоров, т.ф.н. доц., Чирчиқ давлат педагогика институти, Чирчиқ**

Аннотация. Мазкур мақолада Шарқ ва Ғарб халқларининг маданий алоқаларида ўтган тарихий даврлар мобайнида эзгулик, бунёдкорлик ва умуминсоний тараққиётга хизмат қилиб келган гоёларни кенг миқёсда тарқалишида асосий омил бўлиб хизмат қилган Буюк ипак йўлининг тарихий аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: геосиёсий мегаконтинент, транзит марказ, миграция, эмиграция, урбанизация, демография, касабалар, технологик ютуқлар, цивилизация, интеграциялашув, транспорт-коммуникация

Аннотация. В этой статье подчеркивается историческое значение Великого шелкового пути, который стал ключевым фактором широкого распространения идей, послуживших делу добра, творчества и всеобщего развития в культурных связях народов Востока и Запада.

Ключевые слова: геополитический мегаконтинент, транзитный центр, миграция, эмиграция, урбанизация, демография, торговля, технологический прогресс, цивилизация, интеграция, транспорт и связь

Abstract. This article highlights the historical significance of the Great Silk Road, which has been a key factor in the widespread dissemination of ideas that have served the cause of goodness, creativity and universal development in the cultural ties of the peoples of East and West.

Key words: geopolitical megacontinent, transit center, migration, emigration, urbanization, demography, trade, technological advances, civilization, integration, transport and communication

Бугунги кунда Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Марказий Осиё минтақаси хусусан Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий жихатдан бутун Евроосиё мегаконтинентидаги ўрни бекиёсдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.Каримов шундай асосли фикр билдирган эди: “Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуктаи назаридан ва ўз тараққиёт истикболлари жихатидан қулай географик-стратегик мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон худудлари орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кетган”[1]. Ўзбекистон учун Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши муҳим стратегик аҳамиятга эга вазифадир. У Республиканинг янгиланиши ва тараққий этишида ҳам катта аҳамият касб этади. Янгиланаётган Ўзбекистон Республикасида ҳам Буюк Ипак йўлини тиклашда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси биринчи раҳбари И.А.Каримов томонидан “Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистонни иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора тadbирлар” тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Шу асосда “Ўзбек туризм” миллий компанияси “Ипак йўли” ўтган тарихий манзиллар бўйлаб 200 дан ортиқ йўналишлар ишлаб чиқди. Улар асосида сайёҳлик зоналари қамраб олинади ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб ўтади. Жаҳон ҳамжамиятида Буюк Ипак йўли анъаналарининг тикланиши борасидаги ҳаракатларда Ўзбекистонни ҳам ўз ўрни бор. Чунки Ўзбекистон бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган. Бу ерга турли мамлакатлар савдогарлари, хунармандлари, олим ва мусиқа билимдонлари қадами теккан.

Буюк ипак йўлининг тарихи Шарқ ва Ғарб халқларининг кенг миқёсдаги маданий алоқалар ва савдо айрибошлаш тарихидир. Бу тарих ўзаро ҳамкорлик, алмашиш ва маданиятлар бойитилиши тарихи бўлиб, тинчлик ва тараққиёт асосини ташкил этган.

“Буюк ипак йўли тарихига назар ташлар эканмиз, бу йўл жамият тараққиётини бронза давридан ҳам илгариги даврлардан бошлаб худудлараро боғловчи восита сифатида унга хос ихтисослашган йўллар бўлганлигини кўраемиз. Ўтмиш тарихда милоддан аввалги VI-IV асрларда Эрон аҳамонийлари салтанати даврида унинг худуди бўйлаб «шоҳ йўли» ўтган. Ундан илгарироқ Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшон лазуритига бўлган эҳтиёж “лазурит йўлининг” вужудга келишига сабаб бўлди. “Буюк Ипак йўли”нинг атамаси қадимда ишлатилмаган. Буюк Ипак йўлини тарихий, географик ва маданий жихатларини илмий ўрганиш амалда қўллаб мамлакат олимлари томонидан XIX-асрнинг II-ярмидан бошланган. Уни тадқиқ этишга Ғарбий Европа, Россия ва Япония олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Жумладан, бу борада Японияда “Буюк ипак йўли энциклопедияси” нашр қилинди [2]. Бу йўл фанга “Ипак йўли” номи билан фақат XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб немис олими Фердинанд фон Рихтгофен томонидан киритилган.

Буюк ипак йўли 12 минг километргача узунликда бўлган. У Сарик денгиз соҳилидан бошланиб Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта ер денгизи соҳилларигача борган. Бу йўлда Сиан Дунхуан, Ёркент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв ва бошқа бир қанча қадимий шаҳарлар жойлашган [3].

Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда III-VI асрларда Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ орқали ўтган бўлса, XIII асрга келиб, “Ипак йўли”нинг барча тармоқлари бўйлаб назоратни Чингизхон ўз қўлига олади. Бу ҳолат то XIV аср ўрталаригача давом этди. Сўнг “Ипак йўли” Темур ва Темурийлар

Иккинчидан, Марказий Осиё давлатларининг геосиёсий ва геоиктисодий манфаатлари уйғунлиги илгари сурилиши, бу эса минтақа интеграциялашувига хизмат қилиши, яъни минтақавий ҳавфсизлик, барқарорлик ва ўзаро ҳамкорликка кенг йўл очиб бериши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий жиҳатдан бутун Евроосиё мегаконтинентидаги ўрни бекиёсдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, “Буюк Ипак йўли” Марказий Осиё халқлари сиёсий, иктисодий, маданий ва савдо соҳасидаги ҳаётида катта ўрни тутган. Бир сўз билан айтганда Буюк Ипак йўли Шарқ ва Ғарб халқлари ҳаётида ғоятда муҳим ва тарихий ўрин тутди. У халқларни сиёсий, иктисодий, савдо ва маданий соҳаларда боғлабгина қолмасдан, балки айна замонда бу йўл дунё халқлари ўртасида тинчлик, осойишталик, қўшничлик, дўстлик ва қардошларга биродарлик йўли ҳам бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ХХР пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” (2017 й, 14-15 май) Халқаро форумида сўзлаган нутқида: “Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпиннинг “Бир макон, бир йўл” концепцияси ажралмас қисми бўлган “Ипак йўли иктисодий йўналиши”ни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси, бизнингча, нафақат тарихий рух билан бойитилган, балки узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кенг қамровли ташаббусни ифода этади... “Ипак йўли иктисодий йўналиши” ташаббусининг амалга оширилиши нафақат иктисодий ҳамкорликни кенгайтириш, мавжуд улкан сайёҳлик салоҳиятидан фаол фойдаланишга қаратилиши лозим. Биз қайта тиклаётган Буюк Ипак йўлида Самарқанд, Бухоро, Хива каби бир неча минг йиллик тарих ва бой маданиятга эга бўлган шаҳарлар жойлашган” [7] -деган эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қаримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.,Ўзбекистон,1999,б-599
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 жилд.-Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001, 320 бет.
3. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи-Т:Шарқ, 2010, 88, 92-93 бетлар.
4. Жўраев Н. Ўзбекистон тарихи 3-китоб.-Т: Шарқ, 2011, 673-бет.
5. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь – Т., 1999, Цивилизации, культура, государственности Центральной Азии.-Т;2005
6. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т., 1994.
7. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т., “Ўзбекистон”, 2019, 1-жилд, 408, 410 бетлар.

УЎК 93/94

ПОМИР БАЛАНД ТОҒ ЭКСПЕДИЦИЯСИНING ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ТУЗИЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ (1930-ЙИЛЛАРНИНГ БОШИ)

*Х.Ф. Ғуломов, т.ф.д., проф., Чирчиқ давлат педагогика институти, Чирчиқ
Н.С. Кенжаева, таянч докторант, Чирчиқ давлат педагогика институти, Чирчиқ*

Аннотация. *Мазкур мақолада ХХ асрнинг 30-йиллари бошида Помир минтақасини ҳар томонлама илмий тадқиқ этиши учун экспедиция ташкил этиши хусусида СССР ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича Кенгаининг (СОПС) фаолияти кўриб чиқилади. Экспедиция иштирокчиларининг тадқиқот ишлари асосида СОПС ташкил этилишининг асосий босқичлари ва фаолияти ёритиб берилган.*

Калим сўзлар: *СОПС, СССР ФА, экспедиция, Тожикистон Помир, геология, кашфиёт, Д.И. Щербаков, Н.В. Крыленко, Н.П. Горбунов*

Аннотация. *В статье рассматривается деятельность Совета по изучению производительных сил СССР (СОПС) в начале 30-х годов ХХ в. по организации экспедиций на Памир для всестороннего его научного изучения. На основе работ участников экспедиций показаны основные этапы становления и деятельности СОПСа.*

Ключевые слова: *СОПС, АН СССР, экспедиция, Таджикистан, Памир, геология, открытие, Д.И. Щербаков, Н.В. Крыленко, Н.П. Горбунов*

Abstract. *The article discusses the activities of the Council for the Study of the Productive Forces of the USSR (SOPS) in the early 30s of the twentieth century. on the organization of expeditions to the Pamir for its comprehensive scientific study. Based on the work of expedition participants, the main stages of the formation and activity of SOPS are shown.*

Key words: *SOPS, Academy of Sciences of the USSR, expedition, Tajikistan, Pamir, geology, discoveries, D.I. Shcherbakov, N.V. Krylenko, N.P. Gorbunov*

Совет ҳокимияти 1930-йилларнинг бошида «социализм иктисодий фундаментини куриш» деб номланган йўналишни кучайтирди. Бу йўналиш энг аввало, сиёсатда саноатлаштириш, коллективлаштириш, маданий инқилобни ўз ичига олди. Буларнинг барчаси СССР илмий муассасалари олдида мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш билан бирга, йирик назарий ва амалий ишларни бирга қўшиб олиб бориш, тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш каби

вазифаларни қўйди. 1930 йилда бўлиб ўтган, ВКП(б) XVI съезди қарори асосида олимлардан мамлакатда «илмий-тадқиқот ишларининг суръатини кучайтириш» ва ишлаб чиқариш кучларини ўрганишни, жараёни жадаллаштириш талаб қилина бошланди.

Ўша вақтларда эндигина ташкил этилган Ўрта Осиё республикалари орасида Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Тожикистон АССРда, айниқса, юқори малакали илмий кадрлар ва мутахассисларга эҳтиёж сезилди.

1929 йил 12 июнда СССР Марказий ижроия қўмитаси Тожикистон АССРни Тожикистон ССРга ўзгартириш бўйича қарор қабул қилди. 1929 йил 16 октябрда Тожикистон Кенгазининг III съездида Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилгани тўғрисида Декларация қабул қилди [1.215-216].

Тожикистон Коммунистик партиясининг 1930 йил июнда бўлиб ўтган Биринчи Таъсис съездида халқ хўжалигини ривожлантириш вазифалари кўриб чиқилди. Хусусан, съезд саноат ишлаб чиқаришни ривожланиши билан бирга (консерва, виночилик, ипакни қайта ишлаш, тўқимачилик, қурилиш) энергетика соҳасини ривожлантириш, оғир саноат хомашё базасини топиш учун геологик кидирув ишларини кенгайтириш заруриятига эътибор қаратди.

Ўз навбатида, СССР Фанлар Академияси олдида ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришни ўрганиш, оғир саноат учун хомашё базасини яратиш мақсадида геологик кидирув ва кон-руда саноатини кенгайтириш, гидроэнергетика манбаларини тадқиқ этиш каби вазифалар қўйилди. Ҳамда, бу борада илмий муассасаларнинг роли муҳим эканлиги эътироф этилди.

Табиий ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича, экспедиция тадқиқотлар ва иттифок республикаларини ўрганиш бўйича комиссиялар бирлаштирилиб (1930 йилда СССР ФА қошида), СССР Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича кенгашига (Совет по изучение производительных сил СССР (СОПС) айланттирилди. Ушбу муассаса (СОПС) зиммасига инсоният эҳтиёжи учун табиий шароитда табиат бойликларини топиш ва улардан кенг фойдаланиш йўллари ва чоралари, энергетик манбалар ва улардан фойдаланиш масалаларини аниқлаш топширилди [2.10-11]. СОПСнинг ташкил этилиши энг аввало, табиий ва хомашё бойликлари кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган жойларга экспедиция жўнатишни ривожлантиришга туртки бўлди.

Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича кенгашининг биринчи раиси академик И.М.Губкин экспедицияни ўрганишнинг асосий усулларида бири эканини эътироф этиб, ушбу фаолиятдан мақсад табиий бойликларни ва энергетик манбаларини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этишдан иборатлигини таъкидлаган [3.11]. Шунингдек, академик А.Е. Ферсман ҳам халқ хўжалигини қайта қуриш шароитида экспедиция фаолияти муҳим эканини таъкидлаган эди [4.2].

СССР ФАнинг 1930 йилги умумий йиғилишида ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш соҳасида Академиянинг илмий-тадқиқот ишлари умумиттифок ва республика хўжалик қурилиши режалари билан боғлиқ бўлиши лозимлиги қайд этилган [5.7]. Ҳамда экспедиция фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш учун СОПС қошида мамлакатнинг турли районларида ҳудудий секторлар ташкил этилди. Шунингдек, минтақадаги ишларни мувофиқлаштириш зарурияти туфайли тузилган комиссиянинг таркибига ҳам кирди. Тожикистон ССР Халқ комиссарлар кенгазининг ташаббусига кўра, 1930 йил октябрда Тожикистон комиссияси тузилди [6.71]. Академик А.Е. Ферсман, Н.Я. Марр, А.Е. Иоффе, С.Ф. Ольденбург ва бошқалар комиссия таркибига киритилди. Комиссия республика Давлат режа қўмитаси (Госплан) билан алоқа ўрнатди. Ушбу комиссия (1931 йил) иш режасида Тожикистонда илмий-тадқиқот институтларнинг тармоқларини ривожлантириш, илгари амалга оширилган барча илмий тадқиқотлар натижаларини жамлаш, экспедиция фаолиятини ташкил этиш ва унга мамлакат марказий илмий муассасалар иштирокини жалб этиш каби масалалар ўрин олган эди [7.55-56]. А.Е. Ферсман, С.Ф. Ольденбург каби етакчи олимларни Тожикистонни ўрганиш бўйича ишларга жалб этилгани, комиссия муваффақиятли фаолиятининг асосий омилларидан бири бўлди. Жумладан, комиссия тез фурсатда республикада илмий ишларни амалга оширишда муҳим йўналишлар стратегиясини аниқлаб олди. Ҳамда маҳаллий илмий бошланғич тармоқ ривожланишига доир тайёргарлик бўйича асосий вазифалар белгиланди.

Хусусан, Помир экспедицияси (1930 йил) Тожикистонда комиссия фаолиятининг марказий бўғини бўлди. Мартда бўлиб ўтган комиссия йиғилишида Тожикистон ССР Давлат режа қўмитаси (Госплан) раисининг республикани саноатлаштириш вазифалари тўғрисидаги, академик А.Е. Ферсманнинг Ўрта Осиё тоғ бойликларини ўрганиш зарурияти ҳақидаги маърузалар эшитилди [8.115]. Экспедицияга тегишли барча ташкилий-тайёргарлик ишларини СССР ФАСОПС амалга оширди. Экспедицияда Тожикистон ССР Халқ комиссарлар кенгаши қошидаги гидрометкомитет ва метеорология бюроси, СССР Халқ хўжалиги олий кенгаши Рангли металллар институти (Индмет), Геологик кидирув Бош бошқармаси (ГГРУ) тоғ-кимё трести иштирок этди. Экспедиция Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши билан ҳамкорликда тадқиқотнинг амалий йўналишини янада кучайтирди [9.57].

Помирдаги Петр I тоғ тизмасининг (Дарвоз) шарқий қисмини географик жиҳатдан рекогносцировка қилиш, воҳани фотограмметрик суръатга олиш вазифаси белгиланди. Ҳамда тизманинг асосий олтин бор жойларини географик тадқиқ этиш, Помирнинг жанубий-шарқий томонидаги минерал манбаларни ўрганиш бошланди. Шунингдек, Олой тизмасидаги нефелин сиенитлари ва жанубий Фарғонанинг сурма-симобли конларини ўрганиш каби масалалар 1930

йилдаги Помир экспедициясининг асосий вазифаларидан бўлди. Аслида мазкур экспедиция 1928 йилдаги Помир экспедицияси тадқиқотларининг давоми эди.

Ушбу тадқиқот СССР ФА ва Тожикистон ССР Халқ комиссарлар кенгашининг топшириғига биноан ва уларнинг қўшма маблағлари ҳисобига олиб борилди. Ушбу экспедицияни амалга ошириш учун Халқ хўжалиги кенгаши (ВСНХ), Давлат савдо ташкилоти (Госторг), Дехқончилик халқ комиссариати (Наркомзем), Бутуниттифоқ гўшт саноати бирлашмаси (Союзмясо) 23 минг рубль ажратди [10.5]. Экспедициянинг раҳбари этиб Н.П.Горбунов, илмий масалалар бўйича ўринбосари Д.И. Щербаков, альпинистлар гуруҳи бошлиғи Н.В. Крыленколар тайинланди. Шунингдек, газни тадқиқ этиш отрядни Н.М. Прокопенко, фотограмметрик отрядни И.Г. Дорофеев, Хайдаркон симоб кидириш гуруҳини А.А.Сауков, геокимёвий отрядни Д.И. Щербаковлар бошқарди [11.114-131]. Ҳамда, экспедиция таркибига топограф И.Д. Жонголович ва минералог, геохимик, ботаник топограф ва уч нафар альпинистлар кичик илмий-техникавий гуруҳ таркибига кирди. Жойлардаги ишларга маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам жалб этилди.

Экспедиция Помирнинг географик харитасидаги бир қанча «оқ доғларни» бартараф қилди. Жумладан, 10-верстли харитада қайд этилганидек, Гарм-Чашма дарёсининг узунлиги 80 км. эмас, 30 км. экани аниқланди. Харитада қайд этилмаган 30 га яқин катта ва кичик ирмоқларни ўз ичига олган Гарм-Чашма дарёси махсус схемага туширилди [12.114-131].

Газни тадқиқ этиш отряди Қоракўл орқали катта Помир йўли бўйлаб йўл юриб, жанубий-шарқий Помирда Қизил-Работ пости худудларида иссиқ булоқ манбаларини ва жойнинг геологик тузилишини тадқиқ этиш билан шуғулланди. Экспедиция махсус гуруҳи томонидан минерал сувлар ва газларни тўплаш мақсадида Хороггача йўл босиб ўтилди.

Газни тадқиқ этиш отряди томонидан илк маротаба Помирнинг жануби-шарқий томонида маълум бўлган ўн саккизта иссиқ булоқлар манбаларининг ўн учтаси ўрганилди. Иссиқ булоқдан эркин ажралиб чикувчи сувлар ва газларнинг намуналари тўпланди. Қизил Работ худудида бир қатор пунктларда «юра даври» охактошларидан фауна йиғилди [13,14].

Фотографик отряд Олтин Мозоргача етиб бориб, тайёргарлик ишларига киришди. Хайдаркон кидирув гуруҳи Сўх қишлоғи атрофида симоб ва сурма конларини тадқиқ этиш билан шуғулланди. Геохимик отряд нефилит сиенитларни ўрганиш объектлари бўлган Сўх дарёси, Хўжа-очган дарёсининг юқори ўнг оқимларини ўрганди. Ҳамда, Олой тизмаси олтин конлари ва пегматит тоғ жинслари алоқа йўллари тадқиқ этиш мақсадида, Сўх дарёсининг юқори оқимида рекогносцировка ишларини амалга оширди. Пегматит ва симоб конларини ўрганиш учун отряд Хайдаркондан Каравшин дарёси юқори соҳилига томон йўл олди. Испайрам ва Чаувай дарёларининг ўнг соҳили районларида симоб, сурма, кристаллар ҳосил қиладиган минерал конлари билан бирга тадқиқ этилди [14.115].

Экспедиция ишлари натижасида, Чаувай сурма-симоб кони рекогносцировка жихатидан тадқиқ этилди. Шунингдек, Қадамжой сурма кони топилиб, унинг теварак-атрофидаги жойларнинг геологик тузилиши ўрганилди. Охнан симоб кони эса, кўз билан чамаланиб режага олинди.

А.В.Москвин томонидан Хўжа-очган дарёсининг юқори қисмларида нефелин сиенитларнинг янги конлари аниқланди. Б.А. Гаврусевич томонидан эса Сўх дарёсининг юқори қисмларида ер юзига чиқиб қолган пегматит тоғ жинслари топиб аниқланди ва уларни илмий тавсифлаш учун материаллар тўпланди. Бундан ташқари, Сўх дарёсининг юқори қисмларида қумлар ювилиб, Хўжа-очган дарёсининг қуйилиш жойида олтин чўқинди аниқланиб, маҳаллий олтинга намуналар олинди.

Тожикистон худудида 1931 йилда ҳам экспедиция яна давом эттирилди. СССР ФА СОПС томонидан 45 та экспедиция ташкил этилган. Уларнинг ичида Помир баланд тоғларига қилинадиган экспедиция ҳам мавжуд эди. Унга Н.В. Крыленко ва Д.И. Щербаковлар раҳбарлик қилди. Экспедиция музликларни тадқиқ этиш, гранит ва олтинга бой жинсларнинг қатламини аниқлаш ишларини олиб борди. Экспедиция давомида Помир ва Олой руда конларининг умумий жиҳатлари ва ушбу тизимларнинг ўзаро металлоген алоқалари текширилди [15,24].

Экспедициянинг фотограмметрик гуруҳи таркибига топограф И.Г.Дорофеев (1928 йил экспедиция иштирокчиси), А. Зикеев, А. Поляков, С.Генецкий ва В.Коломенскийлар кирди. Астро-геодезик гуруҳига эса, астроном И.Д. Жонголович, геолог Т.Б. Боровская ва бошқалар кирган эди [16.19-20]. Шунингдек, экспедиция кейинги тадқиқот ишларини Муксу ва Хингоу водийларида амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бунинг учун эса, бир қатор астрономик пунктларнинг географик хусусиятини тадқиқ этиш, фототеодолит қайд қилиш усулини қўллаган ҳолда, картографик ўрганишни амалга ошириш зарур бўлган.

1928 йилда экспедициянинг топографик гуруҳи Германия билан ҳамкорликда иш олиб борган. Ҳамда Германия гуруҳи тажрибаларидан фойдаланган. 1931 йилда эса, экспедициянинг топографик гуруҳига «Пролетар туризм» жамияти аъзолари бўлган ёш альпинистлар жалб этилган [17,8].

Экспедициянинг фотограмметрик гуруҳи Петр I тизмасининг баланд тоғ қисмида, Бандо ва Гармо музликларида умумий 3 минг кв. км майдонида тадқиқот ишларни амалга оширди. Экспедиция натижасида 8 та астро-радио-пунктлар аниқланди. Ҳамда Петр I тизмасининг марказий қисмида триангуляция ишлари амалга оширилди. Мук-су дарёсининг ўрта оқимида сочма олтин мавжудлиги аниқланди. Баландлиги 7500 метргача бўлган ва улкан музликлари билан ажралиб

турувчи Помирнинг илгари номаълум бўлган худудларининг топографик тавсифлари тузилди. Биринчи марта Саун-сой олтинга бой тоғ жинсларининг Сагран-Хингоунинг метаморфизик тоғ жинслари билан аниқ аналогияси ҳам аниқланди.

Сочма олтин Хингоу ва Мук-су дарёлари сланецларнинг емирилиш жараёни билан боғлиқлиги ўрганилди. Шунингдек, Тожикистоннинг олтин конгломератларининг мазкур тоғ жинслари билан алоқадор жиҳатлари тадқиқ этилди. Экспедиция натижасида Тожикистон ССРда қарийб 300 км майдонни ташкил этган олтинга бой минтақа ўрганилди [18.113].

Экспедициянинг бошқа гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бораётган А.В. Москвиннинг алоҳида отряди Чаувайнинг иккита рудага бой ерларида металллар захирасини аниқлади. Тадқиқот давомида 2 та қадимги конлар, Пум қишлоғидан шарққа томон сурмали ва симобли рудаларнинг юзага чиқиб қолган тоғ жинслари топилди. Тўпланган «Палеозой фаунаси» Чаувай худудининг геологик ривожланишини аниқлашга имкон берди. Мазкур худуднинг геологик тузилиши ҳақидаги эски тасаввурларни инкор этди [19.11].

А.В.Москвиннинг отряди метаморфизик сланецлар орасида гранодиоритларни топди. Илк бор Турук дарёси сарчашмаларида эссенситлар ва тоғ жинсларида нодир минерал аксинит аниқланди [20.24].

Барча геологик гуруҳлар ва отрядларнинг ишлари маршрут ёки рекогносцировка характерида бўлди. Т.Б. Боровский гуруҳи Саук-сой ва Мук-су, Кичик-Олой ва Ок-Бура, Чугам ва Чал-Қуайрук дарё соҳилларида қатор тадқиқот ишларини амалга оширди. Кичик-Олой дарёси водийси бўйлаб, Пётр I тизмасининг шарқий қисми, Олтин-Мозор, Ташлик, Сагран дарёлари ёқалаб маршрут йўли босиб ўтилди. Тадқиқот давомида ўрганилаётган худудларнинг геологик тузилиши аниқланиб, орографик тавсифи берилди [21.53-61, 67-69]. Экспедиция томонидан Помир ва Олой руда жараёнларининг умумийлиги ва мазкур системаларнинг металлогенлари ўртасидаги алоқалари тасдиқланди. Ҳамда СССР ФА экспедициясининг геологик, геохимик ва геологик қидириш ишлари, СССР Геология қўмитаси учун муҳим назарий аҳамият касб этди.

В.Д. Есаков таъбири билан айтганда, «мамлакат табиий бойликларини ўрганиш бўйича ишларнинг янгидан ташкил этилиши ва ССР Иттифоқи Табиий ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича кенгашининг (СОПС) тузилиши, СССР ФА тармоғида муҳим ташкилий ўзгаришлардан бўлди» [22.201].

Тожикистонда олиб борилган илмий экспедиция тажрибаси тўла маънода ўзини оқлади. Мазкур тажриба Республикада келгусида йирик комплекс экспедицияларни ташкил этишда ҳам кенг татбиқ этилди. Бундан ташқари, экспедиция натижасида, қисқа муддат ичида олинган материаллар умумлаштирилди. Помир экспедицияси натижалари тўғрисида 1932 йилдаёқ илмий ҳисобот нашр этилди [23.57].

Помир экспедицияси келгусидаги илмий тадқиқот ишлари учун қатор вазифаларни белгилаб олишга имкон берди. Шундай қилиб, 1930 йилда табиий ва хомашё манбаларини ўрганиш бўйича марказий муассасанинг ташкил этилиши илмий, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

СОПС Тожикистон тоғли вилоятлари худудларини тез ва самарали ўрганишда етакчи роль ўйнади. СОПС туфайли Тожикистоннинг кам ўрганилган тоғли вилоятларида экспедицияга оид фаолият кенг миқёсда қулоч ёзди. СОПС томонидан ташкил этилган экспедициялар саноат ва қишлоқ хўжалигининг янги босқичларини кашф қилди. СОПСнинг экспедицияси фаолияти келажакда Тожикистон ва қўшни республикаларда илмий мактаблар ва муассасаларнинг шаклланишида ўз хиссасини қўшди. СОПС томонидан амалга оширилган экспедициялар натижасида Тожикистон табиий ва ер ости бойликларини комплекс равишда чуқур ўрганиш зарурияти юзага келди.

Шунингдек, Тожикистонда илмий ишларнинг кенгайиши ва барқарорлаши учун замин ҳозирлади. Ўрта Осиё худудида ва Иттифокнинг бошқа республикаларида олиб борилган СОПС экспедицияларига маҳаллий кадрлар жалб қилинди. Бироқ, экспедициялар давомида маҳаллий илмий кадрларга катта эҳтиёж сезилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. История таджикского народа. – М.: Наука, 1964. Т. III. Кн. 1.
2. Губкин И.М. Основные задачи и организационные формы СОПС // Вестник АН СССР. – 1931. №3.
3. Губкин И.М. Основные задачи и организационные формы СОПС // Вестник АН СССР. – 1931. №3.
4. Ферсман А.Е. Экспедиционная деятельность АН СССР и ее задачи. – Л., 1929.
5. Отчет о деятельности Академии наук Союза Советских Социалистических Республик за 1930 г. – Л.: АН СССР, – 1931.
6. Отчет о деятельности Академии наук Союза Советских Социалистических Республик за 1930 г. – Л.: АН СССР, 1931. Бу комиссия «Тоҷик илмий комиссияси» номини олди.
7. Шагалов Е.С. Таджикистанская база Академии наук СССР // Из истории культурного строительства в Таджикистане. – 1970. Вып. 2.
8. Отчет о деятельности Академии наук Союза Советских Социалистических Республик за 1930 г. – Л.: АН СССР, 1931.
9. Памирская (Таджикская) экспедиция Академии наук 1930 года. – М., 1932.
10. Памирская (Таджикская) экспедиция Академии наук 1930 года. – М., 1932.
11. Лукницкий П. На южном Памире // Наши достижения. – 1936. № 4.

12. Лукницкий П. На южном Памире // Наши достижения. – 1936. № 4.
13. Памирская (Таджикская) экспедиция Академии наук 1930 года. – М., 1932.
14. Отчет о деятельности Академии наук Союза Советских Социалистических Республик за 1930 г. – Л.: АН СССР, 1931.
15. Памирская экспедиция 1931 года. – Л.: АН СССР, 1933. Вып.1.
16. Памирская экспедиция 1931 года. – Л.: АН СССР, 1933. Вып.1.
17. Памирская экспедиция 1931 года. – Л.: АН СССР, 1933. Вып.1.
18. Отчет деятельности АН СССР в 1931 году. – Л.: АН СССР, 1932.
19. Отчет деятельности АН СССР в 1931 году. – Л.: АН СССР, 1932.
20. Памирская экспедиция 1931 года. – Л.: АН СССР, 1933. Вып.1.
21. Боровская Т.Б. Геологические работы Памирской экспедиции 1931 года // Памирская экспедиция 1931 года. Вып. 1. Отчеты. – Л.: Изд-во Академии Наук, 1933.
22. Есаков В.Д. Советская наука в годы первой пятилетки. – М.: Наука, 1971.
23. Памирская (Таджикская) экспедиция Академии наук 1930 года. – М., 1932.

УЎК 94

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЯНГИ ТАРИХИ ЮРТ ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИДА

Б. Ибрагимов, ўқитувчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада 1950-2020 йиллардаги Қорақалпоғистон Республикасидаги тарихий воқеаларнинг давлат арбоблари хотираларида таҳлил қилиши масалалари баён этилади. Ушбу даврдаги Қорақалпоғистон давлат арбоблари Пиржан Сеитов, Навруз Жапақов, Қаллибек Камалов, Ережеп Айтмуратов, Камал Рзаев, Сабир Камалов, Айназар Қунназаров, Султан Каниязов, Амин Тажиев, Қууанышбой Ўтениязов ва бошқа юрт фарзандлари ўзлари яшаган вақтдаги тарихий воқеаларга шахсий баҳо беради, хулосалар чиқаради, шўролар даври ва мустақиллик йиллари талқин қилинади. Муаллиф ушбу давр давлат арбобларининг хотираларини тарихий манба сифатида илмий муомалага киритиши аҳамияти ҳақида баён қилади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, давлат арбоблар, хотиралари, тарихий воқеалар, тарихий манбалар, энг янги тарих, тарихиунослик

Аннотация. В статье затрагиваются вопросы анализа в воспоминаниях государственных деятелей исторических событий в Республике Каракалпакстан. Государственные деятели Каракалпакстана этой эпохи Пиржан Сеитов, Навруз Жапақов, Қаллибек Камалов, Ережеп Айтмуратов, Камал Рзаев, Сабир Камалов, Айназар Қунназаров, Султан Каниязов, Амин Тажиев, Қууанышбой Ўтениязов и другие сыновья страны давали личные оценки временам, когда жили и работали, сделали выводы, сопоставляли эпоху советов и независимости. Автор подчеркивает значение воспоминаний государственных деятелей в качестве исторических источников.

Ключевые слова: Узбекистан, Каракалпакстан, государственные деятели, воспоминания, исторические события, исторические источники, новейшая история, историография

Abstract. The article deals with the analysis in the memoirs of statesmen of historical events in the Republic of Karakalpakstan. The statesmen of the Karakalpakstan of this era, Pirzhan Seitov, Navruz Zharakhov, Kallibek Kamalov, Yerezhap Aitmuratov, Kamal Rzaev, Sabir Kamalov, Ainazar Kunnazarov, Sultan Kaniyazov, Amin Tazhiev, Kuyanyshboy Uteniyazam made personal conclusions and other children lived and gave other children, compared the era of advice and independence. The author emphasizes the importance of the memoirs of statesmen as historical sources.

Keywords: Uzbekistan, Karakalpakstan, statesmen, memoirs, historical events, historical sources, recent history, historiography

Қадим даврлардан ҳозирги кунларгача Қорақалпоғистон тарихини ёзишда эсдаликлар, айниқса 1950-2020 йиллар воқеаларини таҳлил қилишда юрт фидойиларининг эсдаликлари алоҳида аҳамиятга эга. Сўнги чорак асрда П.Сеитов, Н.Жапақов, Қ.Камалов, Е.Айтмуратов, К.Рзаев, С.Камалов, А.Қунназаров, С.Каниязов, А.Тажиев, Қ.Ўтениязов ва бошқа юрт фарзандларининг хотира дафтарлари чоп этилди [1].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр Нуриддин Мухитдинов эсдаликларида жуда яхши тавсифланган: «Ғалаба катта куч билан эришилганлигига, минг-минглаб ҳалок бўлганлар, минглаб шаҳар ва туманларнинг вайрон бўлишига қарамасдан одамлар хурсандчиликдан тўлиб тошарди. Моддий харажатлар астрономик миқдорларда ўлчанди, тўйиб овқатланмаслик, оғир турмуш, уй-жой шароитлари, узоқ даврий ва жуда қийин жисмоний ҳамда маънавий машаққат ҳасратлари кишиларни холсиратиб қўйди» [2].

Хожабек Сеитов эсдаликларида иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ёзувчи-шоирлар, олимларга қарши салбий ҳаракатлар акс этган, 1945 йилда «Қорақалпоқ адабиёти ва санъати» журналининг қайта чоп этишда Н.Жапақовнинг катта ўрни, Тошкент киностудиясида унинг «Қирқ қиз» киносценарийи шартномаси тўхтатилишининг номаълум сабаблари, Н.Жапақовнинг давлат лавозимидан бўшатилиши тўғрисидаги маълумотлар катта аҳамият касб этади. Бу эсдаликлар муайян

даражада Сражатдин Ахметовнинг ўша йиллардаги Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасидаги вазият ҳақидаги хотиралари билан бойитилади [3].

Нажим Давқараев ижодининг танқидга учраши, ўша йилларда барча илмий ва ижодий мунозаралар анжуманларда ечим топмаганлиги, илмий ҳақиқатни белгилаш кўп ҳолларда сиёсий конъюнктура талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилганлиги эсдаликларда қайд этила бошланди [4].

Юрт фидойилари ўз эсдаликларида ўша даврдаги келажак рамзи «коммунизмнинг буюк қурилишлари» қаторидан ўрин олган Чаржов-Қўнғирот темир йўл магистрали, Бош Туркман канали бўлганлигини алоҳида таъкидлашади. Урушдан кейинги биринчи йиллардаги аҳоли турмушини кузата туриб юрт фарзандлари халқ учун ҳамма нарса яхши томонга тез ўзгармоқда деган мустаҳкам ишонччи қийинчиликларнинг ўрнини тўлдириб боровчи омил деб ҳисоблашади. Вақт ўтиши билан Амударёнинг Узбой қадимий йирмоғи бўйлаб Бош Туркман каналини қуриш ғояси ўз давридан анча илгарилаб кетганлиги маълум бўлади, чунки у амалга оширилмасдан қолади. Лекин бу ғоя урушдан кейинги йилларда ўзининг уюштирувчи ўрнини бажара олди [5].

Аср лойиҳаси саналган Бош Туркман каналини қуриш масаласи қабул қилинган қулай фурсатдан фойдаланиб, П.Сеитов Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсуповнинг олдига Қорақалпоғистонда темир йўл қуриш масаласини қўяди.

«Қорақалпоғистон учун темир йўл қуриш масаласини ҳал этишни Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетидан илтимос қилдим,-деб эсга олади ўша йилларни Пиржан Сеитов. Чаржов-Қўнғирот темир йўл линиясини қуришни Усмон Юсупов ўз масъулиятига олади. Бу қурилишга Қорақалпоғистондан 35 минг киши қатнашиши назарда тутилди. Бу кишиларни туманлар бўйича тўпладик. Транспорт етишмовчилиги сабаб кўп қурилишчилар Дарған-Отагача яёв боришди. Қорақалпоғистон учун ажратилган участка бошлиғи этиб Матеке Джуманазаров ва Г.И.Скоробогатов тайинланди. Барча кишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларни мен ўзим бошқаришимга тўғри келди» [6].

Пиржан Сеитовнинг шогирди Қаллибек Камалов Усмон Юсупов Ўзбекистонда яшовчи халқлар дўстлигини мустаҳкамлашни, республиканинг узоқ ва яқин вилоятларини бир-бирига жипслаштиришни хоҳлаганди, - деб ёзади. Унинг энг асосий орзуларидан бири-бу Хоразм ва Қорақалпоғистонни темир йўл орқали Тошкент ҳамда бошқа вилоятлар билан боғлаш бўлди. У Ўрта Осиёни Устюрт текислигидан темир йўл орқали Европа билан боғлашнинг аҳамиятини яхши тушунди. Шу асосда 1947 йилда минглаб одамлар ишга жалб этилди, 45 кун ичида Чаржов-Хазорасп линиясида рельс тагига 5 минг куб тупроқ тўпланди. Бу қурилиш Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туб бурилиш қилган Ўзбекистондаги энг йирик қурилишлардан бири бўлди [7].

Усмон Юсупов Марказнинг келишувини олмасдан Чаржов-Қўнғирот темир йўл линияси қурилишини бошлаб юборишга фармойиш берди. Аммо 1947 йилда Ўзбекистон пахта топшириш режасини бажара олмади. Декабрда Усмон Юсупов М.Г.Маленков имзолаган Сиёсий бюро томонидан хайфсан олди. Усмон Юсуповнинг душманлари пахта мавсуми пайтида барча колхозчилар ва ишчилар кучини Чаржов-Қўнғирот линияси қурилишида фойдаланди дея айблашди. 1948 йил 31 декабрда Сталин хайфсанни олиб ташлайди, «бизнинг йигитлар сени бекорга хафа қилишибди»-дейди. Қорақалпоғистон, Хоразм ва Тошовузга темир йўл олиб келган Усмон Юсуповнинг хизмати бебаходир.

«Халқ хўжалигини қайта тиклаш йилларида маҳаллий аҳоли орасидан кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилди,-деб ёзади П.Сеитов. Ўн йиллик мактабни битирган ёшлар ўз хоҳишига кўра Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртига юборилди. Қорақалпоғистон учун кадрлар тайёрлаш масаласи Усмон Юсуповнинг доимо эътибор марказида бўлди. У Нукусга қилган сафарида театрга борар эди. Ушанда у менга шундай деди: «Пиржан ўғлим юр, театрга борайлик, артистларни эшитайлик, улар нима билан хурсанд қилар экан» [8].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш йиллари эндигина чуқур ўрганиш объектига айланмоқда. Бироқ, тарихий асарларида ҳалигача Тахиятош лагери сиёсий қамоқдагиларининг тақдири, аҳолининг Бош Туркман каналини қуришдаги иштироки тўғрисида ёзилмасдан келмоқда. Бу воқеа тирик иштирокчиларининг хотиралари фикр юритиш учун қимматли маълумотлар беради деб ўйлаймиз.

Н.Мухитдинов ўз эсдаликларида 1952 йил январь ойида Сталин билан учрашуви тўғрисида ёзади. У Марказга фақат иттифоқдош идоралар ҳал қиладиган масалаларга оид хат тайёрлаган эди. «Ҳар бир хатнинг мазмунини қисқа тарзда айтдим,-дея эсга олади кейинроқ Н.Мухитдинов. Мирзачўл, Қарши, Марказий Фарғонани сугориш учун сув хўжалиги қурилишини жорий қилиш, Қорақалпоғистонда ирригация хўжалигини ташкил этиш бўйича фикрларимни баён қилдим».

Сталин ҳозир Хожамурадов нима иш қиляпти деб савол берди. Н.Мухитдинов унинг ким эканлиги ва ҳозир нима билан машғул эканлигидан беҳабар эди. Тошкентга қайтиб келишиданок Н.Мухитдинов Нукусга қўнғироқ қилиб, Пиржан Сеитовдан Хожамурадов ким эканлигини ва Сталин уни қандай танишини сўрайди. П.Сеитов сўзлаб беради. Уларнинг учрашуви қуйидаги вазиятларда содир бўлган эди. 1949 йилнинг 21 декабрида И.В.Сталиннинг 70 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Москвада Катта театрдан тантанали мажлис ўтказилди, кечкурун эса Кремлда

Георгий залида қабул ташкил этилди. Унга республикалардан вакиллар таклиф қилинди. Ўзбекистон делегацияси таркибида ёлғиз қорақалпоқ бор эди-Чимбой районининг «Большевик» колхози раиси Матъякуб Хожамурадов.

Раҳбар кишилар, элчилар, юрт фидойилари тилаклар айтмоқда. Шу пайт Хожамурадов тартибни бузиб, соқчиларнинг қаршилигига қарамасдан, жасорат билан Сталинга яқинлашади. Иккиланмасдан русча-қорақалпоқча сўзларни аралаштириб, уни табриклайди. Сталин мийиғида кулиб, унга миннатдорчилик билдиради [9].

1940-1950 йиллардаги Қорақалпоғистон раҳбари Пиржан Сеитов жуда зиёли, камтар инсон бўлган. «Унинг кийиниши, одамлар орасида ўзини тутиши, уларнинг муҳаббатини уйғотар эди,-дея эслайди Қ.Камалов. У жуда пухта, талабчан ва кишини ўзига тортадиган одам эди. У ҳеч қачон бекорчиликка берилмаган, спиртли ичимликни ёқтирмаган, ғийбатга қулоқ солмайдиган, юқори маданиятли ва юқори одоб-ахлоққа эга шахс эди. Ҳеч қачон тамаки чекмаган, ҳатто тамаки тутунига чидай олмас эди. Албатта Пиржан Сеитовнинг бу фазилатлари унинг кўп шогирдларига ижобий таъсир қилди» [10].

Н.Мухитдинов, Қ.Камалов, А.Қунназаровларнинг хотиралари урушдан кейинги пайтларда «буюк қурилишлар» - Чаржов-Қўнғирот темир йўл магистрали, Бош Туркман канали даврини қайта мулоҳаза қилиш учун жуда муҳим.

П.Сеитов Н.Мухитдинов билан биргаликда 1954 йилнинг иккинчи ярмида Марказнинг кўриб чиқиши учун ўлка фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ва қишлоқ хўжалигини ривожлантирувчи муҳим масала бўйича хат тайёрлайди. Зарур ҳужжатли асослар ва ҳисоб-китобларни тайёрлаб, Марказдан дотацияни ялиниб олиш жараёнини Н.Мухитдинов шундай хотирлайди: «биз барча колхозлар учун бир тонна ватан навидаги пахта хомашёси учун ўртача тайёрлаш баҳосини 2150 рублдан 3100 рублга ошириш ва ингичка толали навлар учун 3660 рублдан 6150 рублга кўтариш; ҳар бир тонна пахта хомашёси учун асосий тайёрлаш баҳосига нисбатан 100% миқдорда мукофот бериш; колхозларни рағбатлантириш мақсадида пахта хомашёсининг юқори ҳосили учун мукофотлар бериш; 1955 йилнинг 1 январидан бошлаб сувга пуллик тўлов жорий қилиш тўғрисидаги қарор ҳаракатини тўхтатиш; пахта етиштирадиган колхозларга бўлинмас фондларга ажратмаларни ўз ихтиёрига кўра ўз даромадининг 10-15% и доирасида белгилаш; ирригация, қурилиш, чорвачилик хоналарини қуриш, боғлар, узумчилик, тутзорларни барпо этишга сарфланган меҳнат кунларини бўлинмас фондлар маблағлари ҳисобидан қоплаш; пахта етиштирувчи колхозлардан қарздорликни олиб ташлаш; 3 йил муддатга Ўрта Осиё ва Кавказ орти республикаларининг колхозлари учун РСФСР, БССР, УССР колхозларидагидек белгиланган минерал ўғитларга бериш баҳосидан 50% ортиқ миқдорда жорий этиш; пахта экиш учун янги суғориладиган ерларни ўзлаштираётган колхозлар учун қўшимча имтиёзларни назарда тутувчи тавсиялар бердик» [11].

Бир ярим йил Н.Мухитдинов ва П.Сеитов учун бевосита «азобда юриш» бўлди. Улар Тошкент ва Москва ўртасида тез-тез қатнаб, вази́рлар ва марказий аппарат ходимлари оstonасини тиндиришмади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, пахтакорларга бўлган бу ғамхўрлик пахтачилик соҳасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатди, пахта етиштирувчи барча колхоз, совхоз, туман ва вилоятларда яхши қабул қилинди, бунга далил сифатида 1956 йилда пахтачилик ва бошқа суғориладиган деҳқончилик соҳаларининг сезиларли даражада ривожланганлигини келтириш мумкин.

Ўзбекистон раҳбари Н.Мухитдинов репрессияга учраган А.Икрамов ва Ф.Хўжаевни умуман ишдан ажратиб олиб, 1956 йил август-сентябрь ойларида оқланишига ўз ҳиссасини қўшди. Уша пайтдаёқ 1930 йиллардаги Қорақалпоғистон раҳбари Карим Балтаев ҳам оқланди [12].

Оқсоқолларимиз эсдаликлари XX асрнинг иккинчи ярмидаги юртимиз раҳбарлари фаолиятини таърифловчи қимматли манбалардан ҳисобланади. Қ.Камаловнинг эслашича, Қорақалпоғистоннинг янги раҳбари Носир Махмудовнинг ҳаракатлари авантюризмга мойил эди. Масалан, у пахта уруғини саёз қилиб экиш амалиётини жорий қилди. Республикамизнинг шимолий туманлари колхозлари тарқатилиб, ўрнига совхозлар ташкил этилди. Натижада 475 колхоздан 38 гинаси қолди, бошқа 438 колхоз негизида 20 дан ортиқ йирик совхозлар ташкил қилинди. Масалан, Кегейли тумани масштабида биргина «Кегейли» совхозини тузилди (директор А.С.Гулянец). У қандай куч ишлатмасин, ҳудуднинг кенглиги сабаб совхоз хўжалигининг аҳолини мунтазам ўргана олмас эди [13].

Ўн бир туман ўрнида уч туман қолди. Йириқлаштирилган туман раҳбарига барча хўжаликларга бориб, танишиб чиқиш учун 15 кун керак эди. Раҳбарлик лавозимларида ишлаётган тажрибали хўжаликни яхши биладиган кадрларнинг қисқариб кетиши халқ хўжалигига катта зарар келтирди. Ҳатто республика фаолларидан вакилнинг бир йилга хизмат сафарига юборилиши ҳам ёрдам бермади. Олимлар ўз докторлик диссертацияларини колхоз далаларида вакилчилик вазифаларидан ажралмасдан ёзишга мажбур бўлди, - деб ёзади академик С.К.Камалов. Кўп ўтмай «йириқлаштириш» фикридан бош тортишга мажбур бўлинди [14].

Партия идораларини саноат ва қишлоқ хўжалигига ажратиш, совхозлар тизими умуман тушунарсиз эди – деб ёзади Қ.Камалов. Қорақалпоғистон миқёсида саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича обкомлар тузилди, республика районларида қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари

лавозимлари пайдо бўлди. Аграр республика шароитида партия раҳбарлари иккинчи лавозимга тушди. Тўртқўлда - Қ.Нурибтоев ва М.Розумбетов; Амударёда - Ф.Васыгов ва Р.Жапақов; Хўжайлида - Д.Ожирев ва В.Донцов; Кегейлида - П.Халмуратов ва Т.Науризаев; Чимбойда - К.Абдиреймов ва Х.Мажитовлар ўз туманларида «ким хўжайин?» деган масалани ҳал этишлари лозим эди. Бу ҳолат фақат икки йилга чўзилсада, халқ хўжалигига катта зиён келтирди.

Н.Мухитдиновнинг маълум қилишича, илм-фанни бошқариш, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоллигига тавсия бериш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети назоратида бўлди. 1956 йилнинг 5-6 октябрь кунлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилиши ўтказилди. Республика раҳбарларидан З.Раҳимбаев ва Г.Султановга белгиланган академикларни номма-ном кўрсатиш, қўшимча ўринларни ажратиш тўғрисида топшириқлар берилди. 22 академик ва мухбир аъзолар учун вакант ўринларга 130 номзод тавсия этилди. Шу ўринда айтиш жоизки, тарих фанлари номзоди Я.М.Досумов партиянинг «элагидан» ўтиб, мухбир аъзо этиб сайланди [15].

Ўзбекистон ҳукуматининг тегишли илтимосига Марказдан ижобий жавоб олинди, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондан 1953-1955 йилларда Москва ҳамда Ленинградга аспирантурага 200 дан ортиқ киши юборилди, уларнинг аксарияти ўқишни муваффақиятли тамомлаб, кейин ўзларини илм-фанга ва устозлик фаолиятига бағишлади, фан докторлари, профессорлар бўлишди. Улардан академик С.К.Камалов, фан докторлари У.Шалекенов, Р.Қосбергенов ва бошқаларни келтириш мумкин.

1956 йилнинг 10-13 октябрида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон зиёлилари биринчи съездини чақириш тайёргарлиги, бу тадбирни ўтказишда ташаббус кўрсатувчи Н.Мухитдиновнинг эсдаликларида ёрқин акс этган. Съездда 1200 делегат иштирок этди. Н.Мухитдинов қатағонликка учраганларни оқлаш жараёни тўғрисида маъруза қилди. У қатағонликни кимлар ташкил этгани, у ёки бу зиёлига, раҳбарга, фақат бир шахсга эмас, бутун гуруҳларга «душман» тамғаси босилганлиги ҳақида сўз юритганда, зал кучли таъсирланди. Умуман, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон бўйича тирик ва марҳум 40 мингга яқин одам оқланди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ҳамда маданий ривожланиши тарихи билан узоқ вақт мобайнида тигиз боғлиқ бўлиб, давлат арбобларининг эсдаликларини таҳлил қилиш, айнан, туб бурилишлар пайтида, ўз тарихимизга назар солаётган даврда жуда муҳим саналади. Улар республикамизда юз берган кўпгина муҳим ва мардона ишлар иштирокчиларидир. Юрт фидойилари ўша давр тарихидаги энг муҳим воқеаларни жуда объектив тарзда акс эттиришди. Давлат арбобларининг биографик ҳаёти, бошидан ўтказган турли ижобий ва салбий жараёнларни чуқур ва кенг тушунишда имкон беради.

1960 йиллар авлоди қандайдир қолип ичида яшади. У ҳар бир одамни, унинг ҳаётини болалар боғчаси ва пионерликдан бошлаб, пенсия давригача қамраб олди, бошқача айтганда, совет кишининг турмуши тўлаллигича жадвалга солинган эди. Унинг энг асосий маъноси - коммунизмни куриш ва бунда ҳар бир инсон эмас, балки «қурилишчи», айнан шу пойдеворда одоб-ахлоқли маданият турини, унга иқтисодиёт ва сиёсат бўйсунди, шу нуқтаи назар орқали барча тарих ўрганиб чиқилди.

Қ.Камалов совет замонида бизнинг иқтисодиётимиз ривожланганлиги, юрт ободонлигининг ўсганлиги, фан ва маданиятда ютуқларга эришилсада, Марказнинг сиёсати сабаб биз ўзимизни бошқа халқлар кўланкасида кўрдик деб тўғри мулоҳаза юритган эди.

Манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан Қ.Камалов томонидан тузилган Ўзбекистоннинг йирик давлат арбоблари Усмон Юсупов, Шароф Рашидов ва Ислон Каримовнинг портретлари катта аҳамиятга эга. Одилонга таъкидлаш жоизки, арбобларнинг сиёсий портретлари расмий тарихда мавжуд бўлмаган штрихлар билан тўлдирилган. Қ.Камалов XX асрнинг 60-80 йилларида Ўзбекистоннинг буюк арбоби бўлган Шароф Рашидов шахсига катта эътибор қаратади. Унинг давлатни бошқариш усули, Қорақалпоғистон учун кадрлар тайёрлашдаги роли, тоталитар давлатчилик шароитида ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг манфаатларини ҳимоя қилиши эсдаликларда яхши тасвирланган. Қ.Камалов мемуарларидаги Шароф Рашидов ҳақидаги қисмлари жуда муҳим, чунки бугун Шароф Рашидовнинг номини оқлай туриб, биз бу ишда ўзбек халқининг номини янгилаш бўйича катта ишнинг камтар, шу билан бирга ҳамкорликдаги қисмини кўришимиз керак.

Давлат арбобларининг портретларини чизишни давом эттириб, Қ.Камалов Пиржан Сеитов, Матеке Жуманазаров, Науриз Жапақовнинг қорақалпоқ халқининг урушдан олдинги, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги, халқ хўжалигини тиклаш пайтларидаги миллий давлатчилигининг ривожланишидаги ролини алоҳида ажратиб кўрсатган. Бу арбоблар қорақалпоқнинг яхши номини кўтаришда, унинг ажойиб томонларини дунёга кўрсатишда ўз кучларини аямади. Уларнинг фикрлаш образи ва ишлари Қ.Камалов ва унинг замондошлари учун ишда ва ҳаётда йўналиш бўлди. Шу билан бирга Қ.Камалов мемуарларида халқ хотирасида алоҳида из қолдирган Арзи Махмудов, Насир Махмудов каби арбобларнинг бошқарув даври ҳам акс этган.

Давлат арбобларининг мемуарларидан ўрин олган давлат уюшмалари «ошхонаси» иши тўғрисида хотиралар катта қизиқиш уйғотади. Қ.Камалов вазирлик ижодий энг кўп сонли ва чалқаш ҳуқуқий хўжалик, деб таъкидлайди. Буйруқлар, хатлар, қарорлар, режалар, аниқланмалар кўп ҳолларда қонунчилик нормаларининг ўрнини босиб кетди.

Конунчиликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири,-деб юклама тарзида ишора қилади Қ.Камалов, - унинг юқори даражада мафкуралаштирилиши, яъни, бошқача айтганда: «Қонун бу сиёсий чора, сиёсатнинг ўзи».

Н.Мухитдинов ва Қ.Камалов мемуарларида марказий ҳукуматнинг Қорақалпоғистон бўйича конунчилик ҳужжатлари қабул қилинишининг қуйидаги босқичлари баён қилинади: ташаббуснинг келиб чиқиши, лойиҳани ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш, тўлдириш, тасдиқлаш ва эълон қилиш. Масалан, Қорақалпоғистонда университет ташкил этиш, пахтачиликни ривожлантириш бўйича ҳулосалар шу тариқа қабул қилинди. Қорақалпоғистон бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида тарихий ҳақиқатни очиб бериш қонун лойиҳаси ташаббускорини, ишлаб чиқувчилар гуруҳи раҳбари ва аъзоларини, улардан ҳар бирининг қисқача улушини аниқлашга шароит яратади.

Эсдалик эгаларининг таъкидлашича, Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича энг муҳим қарорлар КПСС МК Сиёсий бюроси томонидан норматив актлар билан бекитилган, яъни уларнинг барчаси Сиёсий бюронинг давлат сиёсатини юритиши билан боғлиқ.

П.Сеитов, Н.Жапақов, Қ.Камалов эсдаликларидаги фикрлар шундан иборатки, совет давридаги Қорақалпоғистон Конституциясининг лойиҳаси устида иш олиб бориш иттифоқ лойиҳалари асосида бўлди ва бу нормаларнинг тақрорланишига олиб келди.

Қорақалпоғистоннинг 1934, 1937, 1977 йилларда қабул қилинган Конституциялари турмушнинг сиёсийлаштирилиши билан зич боғлиқ бўлди, яъни ҳақиқий борлиқдан узилган эди. 1977 йилда юртда «ривожланган социализм» курилишини эълон қилиш сиёсий декларациялар ва ҳақиқий турмуш ўртасидаги узилишнинг кучайишидан далолат берди. «Социалистик курилиш» иштирокчиларининг хотиралари Конституция принциплари ва қоидаларини қайта кўриб чиқишда, унинг жамиятдаги мафкуравий, сиёсий ва ҳуқуқий ролига қайта баҳо беришга сабаб бўлади.

Мемуаристлар давлат аппарати ичидан чиққан кўпгина расмий қарорларни тайёрлаш жараёнида иштирок этганлигини таъкидлашади. Мемуарларни ўқиш мобайнида Қорақалпоғистон обкоми ўз қўлларига фақат мафкуравий сиёсий муаммолар ечимини олиб қўймасдан, давлат аппаратининг функциясини ҳам олган деган ҳулосага келамиз.

Барчага маълумки, сталинлик мафкура ҳукм сураётган йиллар бизнинг тарихимизни чалқаштириб қўймасдан, кўпгина ҳужжатли манбаларнинг ичига кирган тарихий ёдгорликнинг йўқ бўлишига олиб келди. Масалан, қатта давлат лавозимларини эгаллаб турган «халқ душманларини» қамокқа олиш идоранинг архивини тозалаш билан бирга юритилди, уларнинг бир қисми изсиз йўқолган, балки назорат қилувчи идоралар архивларида «компромат» сифатида қолиб кетдимикин, бошқа бировлари махфийлаштирилиб, илмий муомаладан чиқиб кетдимикин? Масалан, Аллаяров Досназаровнинг исми матбуотда кўрсатилган ҳолларда у «халқ душмани» лақаби билан эълон қилинар эди. Шу боис эсдаликлар, кўп ҳолларда, Қорақалпоғистон тарихидаги бўшлиқларни тўлдирди.

Юрт фидойиларининг эсдаликлар ёзганини қўллаб-қувватлаймиз, уни яқин кунларда тайёрланган Қорақалпоғистон тарихи фундаментал китоби учун бебаҳо тарихий манба сифатида кутиб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камалов К. Ел хизметинде.- Нокис: Қарақалпақстан, 1995.-476 б.; Камалов С., Айтмуратов Е., Рзаев К., Сеитов Х., Курбанов Б., Камалова А., Уталиев А. Шараф Рашидов ҳаққинда ҳақыйқатлик.- Нокис: Қарақалпақстан, 1992.-36 б.; Камалов С. Өмирим сабақларинан. – Нокис: Илим, 2019. -160 б.; Қунназаров А. Жети асырым.- Нокис: Қарақалпақстан, 2000. – 292 б.; Өтениязов Қ. Ойларыма өзек өмирим.-Ташкент: Академия, 2000.-289 б.; Рзаев К. Қарақалпақ кадрларының ғамқоршысы еди//Еркин Қарақалпақстан, 1992, 8 октябрь; Сеитов П. Улкен жолда // Совет Қарақалпақстаны, 1984, 15 ноябрь ва бошқалар
2. Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле. – Ташкент: Узбекистан, 1994.-32 б.
3. Жапақов Н. Еске тусириулер, илимий мийнетлери.- Нокис: Билим, 1990.- 49 б.; Сеитов Х. Халкымыздын жанкуйер перзенти // Наурыз Жапақов: Еске тусириулер, илимий мийнетлери. Нокис, 1990.- Б.22; Ахметов С. Белгили шайыр, улкен алым // -Б.29-30
4. Даукараев Нажим. Еске тусириулер. Нокис. 1991. Б.45.
5. Камалов К. Ел хизметинде. Нокис. 1995; Қунназаров А. Жети асырым, Нокис. 2000
6. Сеитов П. Улкен жолда. Еске тусириулер // Совет Карақалпақстаны, 1984, 15 ноябрь
7. Камалов К. Ел хизметинде. Еске тусириулер...Б.20
8. Сеитов П. Улкен жолда. Еске тусириулер // Совет Карақалпақстаны, 1984, 15 ноябрь
9. Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле...Б.66
10. Камалов К. Ел хизметинде. Еске тусириулер...Б.41
11. Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле...Б.122-123
12. Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле. Ташкент, 1994.-Б.16
13. Камалов К. Ел хизметинде.Еске тусириулер...Б.64
14. Камалов С.К. Уақиллик ҳаққинда ойлар // Совет Карақалпақстаны, 1990, 27 октябрь
15. Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле...Б.221

**ЛАТИНИЗАЦИЯ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ
(1928-1940-е ГОДЫ)**

Д. Косымбетова, преподаватель, Каракалпакский государственный университет, Нукус

***Аннотация.** Мақолада янги архив манба ва адабиётларига асосланган 1926-1940-йилларда Қорақалпоғистонда лотин графикасига ўтиши ҳақидаги малумотлар келтирилган, қорақалтоқ ёзуви ислохотининг сабаб ва оқибатлари кўрсатилган.*

***Калим сузлар:** ёзув, тил, алфавит, «яналиф», латинизация, равич, миллийлик, саводсизликни тугатиш, орфография, Қорақалпоғистон автоном республика, пантюркистлар, панисламистлар, жадидлар, кириллица*

***Аннотация.** В статье на основе новых архивных источников и опубликованной литературы освещается экскурс по переходу на латинизацию в 1926-1940 годы в Каракалпакстане, показываются причины и последствия реформы письменности каракалпакского языка.*

***Ключевые слова:** письменность, язык, алфавит, «яналиф», латинизация, наречия, национальности, ликвидация неграмотности, орфография, Каракалпакская автономная область, пантюркисты, панисламисты, жадиды, кириллица*

***Abstract.** In this article transition to the Latin graphics in 1926-1940 in Karakalpakstan on the basis of new archive sources and published materials are revealed. The reasons and consequences of the reform of the Karakalpak written language of are shown as well.*

***Key words:** Written language, language, alphabet, latinization, adverbs, nationalities, liquidation of illiteracy, orthography, Karakalpak autonomous region, panturkists, panislamists, djadids, Cyrillic alphabet.*

С IX века до начала XX века у каракалпакского народа существовала письменность, основанная на арабской графике [1,75-87]. Каракалпакский литературный язык был известен в виде локального варианта общего среднеазиатского тюркского литературного языка. Об использовании в XIX веке арабского письма каракалпаками говорится и в книге «Языки и письменности народов Евразии» [2,72].

Вместе с тем все указанные выше источники, а также обзорный труд по истории письменностей народов СССР М.И.Исаева сходятся в том, что впервые каракалпакская национальная письменность была научно разработана и внедрена в массы в 1924 году. Этот алфавит имел в своей основе арабское письмо и содержал 28 букв. В ноябре 1924 года на нём стала печататься первая каракалпакская газета «Еркин каракалпак», а в 1925 году были изданы первые учебники. Большую роль в создании алфавита и выпуске первых букварей сыграли писатели и просветители Сейфулгабит Маджитов, Касым Авезов, Каллы Аимбетов и др. [3, 117-130].

Этот алфавит имел ряд существенных недостатков: в нём отсутствовали буквы для обозначения ряда специфических каракалпакских звуков, а также учащимися с трудом усваивались три различных начертания каждой из букв, присутствующих в арабском письме [4,56].

В 1920-е годы в бывшем СССР развернулась кампания по латинизации письменностей различных народов страны. Документы ЦГА Республики Каракалпакстан свидетельствуют, что шла жесточайшая кампания по ликвидации наследия исламской религии.

Особенный размах эта кампания получила после I тюркологического съезда, прошедшего в 1926 году в Баку, на котором всем тюркским народам бывшего СССР было рекомендовано перейти на новый алфавит (так называемый «яналиф»).

В июле 1927 года по решению Каракалпакского обкома ВКП (б) был создан областной Комитет Нового алфавита, который занялся разработкой каракалпакского латинизированного алфавита [5]. В докладной записке на имя председателя Всесоюзного Центрального Комитета нового тюркского алфавита председатель Совнаркома Каракалпакской АО (он же председатель Комитета НКТ в ККАО) Касым Авезов констатировал, что в области по переписи 1926 г. проживают 303460 человек, из них каракалпаки – 116371, узбеки – 83068, казахи – 80725, туркмены – 9020, татары – 2000 человек. В это время движение за латинизацию быстро превращалось в официальную государственную политику.

Сторонники латиницы напирала на то, что она лучше подходит для каракалпакского языка, чем арабский алфавит, содержащий мало гласных букв, но имеющий ряд специфических согласных, которые каракалпаками не используются (бесполезный балласт). Звучали доводы о том, что переход на легче усваиваемую латинскую графику поможет каракалпакскому народу избавиться от неграмотности и преодолеть вековую отсталость. В общей сложности во время подобных дискуссий отстаивалось три точки зрения: 1) за сохранение арабского письма, 2) за его реформирование и адаптацию к тюркским языкам, и 3) за отказ от арабской графики и переход на латинский алфавит.

Одной из основных проблем стал языковой барьер между прибывшими российскими управленцами и коренными жителями Каракалпакстана - управляемыми. На первых порах необходимая связь с населением осуществлялась с помощью переводчиков из местной среды - М. Бальжанов, Т. Жаулыбаев, А. Айтымов, О. Кожуров и др.

30 июля 1928 года новый алфавит, разработанный под руководством К.Авезова и С.Маджитова, был представлен на рассмотрение Правительства Каракалпакской автономной области. В конце 1928 года, после учёта ряда замечаний, выдвинутых специалистами и интеллигенцией, этот алфавит был утверждён.

Он имел 32 буквы: а, в, с, ç, d, e, ә, f, g, h, x, i, ь, j, k, l, m, n, ң, o, ө, p, q, қ, r, s, t, u, v, y, z, ş. Заглавных букв в этом алфавите не было. В начале 1929 года на этом алфавите стали выпускаться газеты и книги. К 1930 году печать и образование Каракалпакии полностью перешли с арабского алфавита на латинизированный.

Движение за латинизацию росло, и в эту борьбу постоянно проникают политические мотивы: к сторонникам латинского алфавита присоединяются “воинствующие атеисты”, видя в арабском алфавите оплот мусульманского духовенства, а к арабистам «примыкают все недовольные советской властью, расценивающие замену алфавита как “успех большевиков”.

Основной причиной, надо полагать, является то, что в Казахской АССР (Каракалпакстан находился в составе этой автономной республики с 1925 по 1930 гг.) с успехом был уже решен вопрос реформы арабской графики, которая удачно приспособлена для звуковых особенностей казахского и каракалпакского языков и освобождена от главных недостатков.

Исполбюро ВЦК нового тюркского алфавита 16 июня 1927 г. в целях подготовки работников по агитации идеи латинизации алфавита организовал в Москве месячные курсы по подготовке инструкторов-агитаторов, где для Каракалпакстана было выделено 2 места. По программе курса должны были лекции по нижеследующим темам: история письменности, история арабской и латинской письменности, доисламская письменность тюркских народов, идеи реформы письменности в связи с общественным развитием тюрков [4]. Командируемые на эти курсы лица должны быть хорошо грамотными и владеющими русским языком, так как занятия на курсах велись на русском языке. Командируемые должны быть из числа педагогов, лояльных к реформе. При выборе кандидатов необходимо было учесть, что курсанты по возвращении на места должны явиться основными проводниками реформы в массы в качестве агитаторов и поэтому они должны были состоять членами или кандидатами ВКП (б) с подготовкой к широкой общественной работе.

28 июня 1927 г. был утвержден издательский план ВЦК НТА учебников на новом тюркском алфавите, где по Каракалпакстану намечено было подготовить и издать «Букварь» для взрослых школ 1-й ступени (6 п/л), «Арифметический задачник» (8 п/л), «Книга для чтения» 1-года обучения (8 п/л), «Разрезной алфавит» (1 п/л), «Метрические меры» (2 п/л) [5]. Председатель ВЦК НТА Агамалы-оглы в апреле 1928 г. констатировал о том, что «начатое всеми тюрко-татарскими народностями советских республик дело проведения и внедрения нового тюркского алфавита является одним из больших факторов удара по изживающей себя арабской письменности и в дальнейшем окончательного его уничтожения». Усиливая издания как учебников, так и других литературы на новом тюркском алфавите, тем самым республике ускоряют изживание арабского алфавита. На отпускаемые средства как со стороны ВЦК НТА, так и по бюджетам республик, на дело нового тюркского алфавита ни в коем случае не допускалось печатание учебников, художественной и политической литературы на арабском алфавите [6].

В целях подготовки и проработки генерального плана работ по проведению нового тюркского алфавита Москва требовала дать нижеследующие сведения от Каракалпакстана:

1. количество местного населения с распределением его по наречиям и национальностям;
2. количество грамотного населения отдельно на арабском алфавите, отдельно на новом латинизированном алфавите;
3. количество учащихся и групп в местных школах с распределением их на обучающихся на старом арабском алфавите и новом латинизированном алфавите;
4. количество учителей, обучающихся в школах с распределением их на ведущих занятиях по старому арабскому и новому латинизированному алфавитам;
5. количество пунктов ликвидации неграмотности среди взрослого населения с распределением их на ведущих занятиях по старому арабскому и новому латинизированному алфавиту;
6. количество изб-читален [7].

В 1930 году по инициативе каракалпакской интеллигенции в редакции газеты «Mijnetkeş Qaqaqaraq» («Мийнеткеш Каракалпак») было проведено совещание по вопросам алфавита и орфографии. В результате было решено исключить из алфавита букву с, а вместо неё писать ş. К тому времени назрел вопрос об установлении твёрдых правил каракалпакской орфографии.

В 1932 году Этнолого-лингвистическая секция Каракалпакского комплексного НИИ и учебно-методический совет Наркомпроса представили два проекта каракалпакской орфографии и алфавита. В ходе дискуссии оба проекта были объединены в один и в сентябре 1932 года на I каракалпакской орфографической конференции он был утверждён. Основным изменением стало введение заглавных букв, а также изменение порядка букв в алфавите. Теперь он стал выглядеть так: Aa, Bb, Vv, Gg, Dd, Ee, Çç, Zz, Ii, Jj, Kk, Ll, Mm, Nn, Oo, Pp, Rr, Ss, Tt, Uu, Ff, Xx, Şş, Hh, Əə, Qq, Qıqı, Nı, Öö, Yu, Ыь.

В июне 1935 года в Турткуле – столице Каракалпакской АССР - проходила II языковедческая конференция [6]. На ней, помимо вопросов орфографии, затрагивался и вопрос реформы алфавита.

Предлагалось исключить из него буквы Әә, Өө и Үү. Однако в ходе дискуссии это предложение было отвергнуто, при этом отмечена необходимость дальнейшей проработки этого вопроса.

III орфографическая конференция прошла в Турткуле в октябре 1938 года [7]. На ней снова был поднят вопрос реформы алфавита. В результате в алфавит была введена буква Үй, изменено фонетическое значение ряда букв, а также несколько скорректирован порядок их расположения в алфавите. В итоге утверждённый Президиумом Верховного Совета Каракалпакской АССР алфавит выглядел так: Аа, Вв, Vv, Gg, Dd, Ee, Çç, Zz, Ii, Kk, Ll, Mm, Nn, Oo, Pp, Rr, Ss, Tt, Uu, Ff, Xx, Şş, Nң, Әә, Өө, Hh, Qq, C|ç, Yy, Үй, Jj, Бь.

Первые результаты перехода к латинизации были подведены на заседании расширенного Президиума ВЦК НТА, состоявшегося в г.Махачкале (1-5 июля 1929 г.). В отчетном докладе Казахского ЦК НТА (докладчик Кашимбеков) (Каракалпакская автономная область находилась в составе Казахской АССР— Д.К.) отмечалось, что агитационная работа в республике завершилась в 1927 г., а в 1928 г. было начато практическое внедрение алфавита в массы. Если в 1927/1928 учебному году во всех коренных школах преподавание велось на двух алфавитах, то в 1928/1929 учебному году полностью велось на новом алфавите. В курсах переподготовки, ликбез и советско-профсоюзных школах были подготовлены 91537 учителей и инструкторов. Учебные заведения были обеспечены учебниками на новом алфавите в 1928/1929 учебном году на 80%. Половина газет и журналов издавалась на новом алфавите, главным тормозом в издательском деле явилась недостаточность оборудования типографии. Правительство Казахстана намерено было окончательно перейти на новый алфавит до 1-го января 1930 г.

1929/1930 учебный год по генеральному плану Москвы должен был быть решающим по введению нового алфавита. Согласно постановлению IV сессии ВЦИК VI созыва и СНК РСФСР от 26 февраля 1929 г. все государственные и общественные учреждения должны были перейти на новый алфавит. К десятилетию Казахстана новый алфавит должен был одержать окончательную победу над старым. Для достижения этой цели правительство Казахстана постановило: госаппарат полностью приспособить на новый алфавит; издательский план на 100% выполнить на новом алфавите; периодическая печать должна быть переведена на 50% .

Дальнейшие события по внедрению нового алфавита в Каракалпакстане развивались в составе Российской Федерации, куда наш край непосредственно вошел в июне 1930 г.

С врагами новой письменности расправлялись круто, а в разряд ярых противников социализма, с которыми необходимо бороться всей мощью революционной власти, попали представители местной интеллигенции с черными ярлыками пантюркистов, панисламистов и джадидов. В 1930-е годы в Центральной Азии началось варварское уничтожение книг и рукописей, написанных арабской графикой. Людей, которые пытались сохранить старые фолианты, подвергали репрессиям. Но многие сознательно шли на риск и уберегли древние сокровища, пряча их в развалинах старых домов, в укроенных тайниках и разрушенных могилах.

Искусственно созданный латинизированный алфавит, подобно мертвой ветке, не сумел привиться на могучем древе культуры тюркоязычных народов. Уже вскоре после принятия нового письма недостатки его стали сказываться со всей очевидностью. Оказалось, в латинизированный алфавит второпях включили больше, чем нужно, гласных букв, которые никак не хотели вписываться в живые языки. Новый алфавит с десятью гласными вносил немыслимую путаницу в орфографию, а главное - затруднял изучение каракалпакского языка. Решили подсократить алфавит. Сократили. Вину за путаницу возложили на националистов. Но и с шестью гласными мертвый алфавит никак не хотел оживать. Националистов к тому времени попрятали в тюрьмы, сваливать вину уже было не на кого, и тогда стала пропагандироваться идея близости национальных культур к русской.

С 1932-33 годов кампания по латинизации пошла на убыль, а в 1936-м начался процесс перевода языков на кириллицу. В газетах появились многочисленные письма-обращения рабочих и колхозников, заявляющих, что латиница им не подходит и выражающих желание перейти на кириллицу. Эпоха латиницы продлилась в ней всего 11 лет.

В подготовленной Институтом Востоковедения РАН справке (2004 г.) говорится: «Такая политика была во многом связана с ожиданием скорой мировой революции, после которой во всем мире должен был быть введен единый алфавит, а затем и единый язык... Выбор графики почти всегда связан с культурной и политической ориентацией государства и (или) образованной части населения. В 20-х годах латинизированный тюркский алфавит называли в печати «алфавитом Октября», «орудием пролетарской революции» и даже объявили сбор средств на постройку аэроплана «Октябрьский алфавит»[8].

Таким образом, в истории каракалпакской письменности выделяется 4 этапа:

1. до 1928 года — письменность на основе арабского письма;
2. 1928—1940 — письменность на основе латиницы;
3. 1940—1994 — письменность на основе кириллицы;
4. с 1994 — письменность на основе латиницы.

Изучение документальных источников этих кампаний по реформе каракалпакской письменности имеет важное значение для восполнения истории культурного процесса.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Насыров Д.С. Об усовершенствовании и унификации алфавита каракалпакского языка // Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. — М.: Наука, 1972. — С. 75-87.
 2. Мусаев К.М. Языки и письменности народов Евразии. — Алматы: Гылым, 1993. — С. 72.
 3. Насыров Д.С. Орфография каракалпакского языка // Орфографии тюркских литературных языков СССР. — М.: Наука, 1973. — С. 117-130.
 4. Хамидов Х. Каракалпакский язык XIX – начала XX веков по данным письменных памятников. — Ташкент: Фан, 1986. — С.56.
 5. ЦГА РК, ф.65, оп.1, д.2, л.14.
 6. ЦГА РК, ф.65, оп.1, д.3, л.41
 7. ЦГА РК, ф.65, оп.1, д.4, л.18
 8. Справка Института Востоковедения РАН для представления в Конституционный суд РФ (2004 г.).
- Цит. по: Елена Новоселова. Графомания («Российская газета» – Федеральный выпуск № 3615 от 28 октября 2004 г.) <http://www.rg.ru/2004/10/28/azbuka.html>

УДК 93/94

**«КЯРИЗЫ» И «КЯРИЗНЫЕ» СУДЫ
(по материалам ревизии сенатора К.К.Палена)**

Н.Б. Махмудова, PhD, доцент, Бухарский государственный университет, Бухара

***Аннотация.** Ушбу мақолада, муаллиф Turkiston general-gubernatorligidagi “кяриз” ва “кяриз” судлари иш фаолияти сенатор К.К.Паленинг 1908-1909 йиллардаги тафтиш материаллари асосида кўриб чиқилади.*

***Калим сўзлар:** «кяриз», «кяриз» суд, тафтиш, туркманлар, ишоот, қоида, қудуқ, ҳисобот, сугориш*

***Аннотация.** В данной статье, автор предоставит сведения о «кяризах» и «кяризных» судах, которые действовали в Туркестанском генерал-губернаторстве, по материалам ревизии сенатора К.К.Палена.*

***Ключевые слова:** «кяризы», «кяризный суд», ревизия, туркмены, сооружение, правила, колодец, отчёт, кяризовладельцы, орошение*

***Abstract.** In this article, the author will provide information about the "kariz" and "kariz" courts that operated in the Turkestan General Governorship, based on the materials of the audit of Senator K. K. Palen.*

***Key words:** “kariz”, “kariz court, audit, Turkmen, construction, rules, well, report, kariz owners, irrigation*

По сведениям отчетов ревизии сенатора К.К.Палена проведённой в 1908-1909 гг. по вопросам устройства и деятельности народных судов в Туркестанском генерал-губернаторстве, выяснилось, что помимо существующих аналогичных видам народного суда в трёх областях края, только в Закаспийской области был учреждён «кяризный» суд. Данный суд и разбирал споры об их устройстве; споры между владельцами «кяризов» о правах собственности на них; из-за направлений и глубины колодцев, и расстояний между ними.

Прежде чем, рассмотреть деятельность «кяризных» судов, необходимо рассмотреть само понятие «кяризы». Слово «кяриз» или «кяргиз» - древнее туркменское слово, обозначающее «подземный переход (тоннель) для водоотводов» [6]. В отчёте, «Орошение в Туркестанском крае», даётся так же, определение понятию «кяриз»: «Название «кяриз» или «кяхриз» происходит от персидского слова «kariz», означающего – подземный канал, водопровод» [3.-С. 301]. Только в Закаспийской области к искусственному орошению относились и «кяризы» [4.-С.133] - кяризные колодцы, это подземные сооружения, дающие чистую, пресную воду. Для устройства «кяриза» выбиралась долина с небольшим уклоном, вдоль которой выкапывалась ряд колодцев на расстоянии 20 и менее сажень один от другого. Колодцы эти затем соединялись под землёй сплошной галереею, в которой вода скапливалась из подземных ручьёв и источников, течёт по уклону и возле полей подлежащих орошению, выводится наружу.

Ценность материалов отчетов ревизии ещё раз подтверждается своей многогранностью и обширностью представленной информации. В данном случае, в отношении «кяризов», ревизия К.К.Палена и в частности он сам, явились первыми европейцами, кто изучил это «чудо древней гидротехники» и представил в своей отчётё «Народные суды», где можно было и не останавливаться на истории создания древних подземных водоотводов. Примечательно, что до К.К.Палена, сведения об этих древних водных сооружениях, упоминались в работах древнегреческого историка Полибия, однако он писал, что орошение проводилось посредством каналов из подземных колодцев, что даёт основание предполагать, что речь шла именно о кяризах, но и это не точно. В.В.Бартольд считал, что водная система «кяризов» в Туркменистане возникла в период процветания Государства Ахеменидов, в VI-V веках до н.э. В советский период многие из них были разрушены и заброшены. На сегодняшний день в «Этимологическом словаре туркменского языка» известного учёного лингвиста

С.Атаниязова даёт значение данного слова [1], а также туркменский учёный-этнограф А.Балтаев провёл научные исследования по вопросам создания - кяризов» [2].

Учитывая вышеуказанное, можно ещё раз утверждать, что материалы ревизии, собранные и обработанные под руководством сенатора К.К.Палена предоставляют нам, современным исследователям обширные материалы по данному историческому периоду, включающие в себя не только информацию политического, экономического или статистического характера, но и исторического, этнографического, правового и т.д

В отчёте «Орошение в Туркестане», так же рассматривается данный вид водного сооружения. Отмечается, что «кяризы» и в Закаспийской области, не везде были созданы: в пределах внеприставского района Красноводского уезда не существовало ни естественной, ни искусственной системы орошения, исключение составляли «лишь два кяриза около города Красноводска – Куш-Булакский и Бал-Булакский, дающие в сутки 4000 вёдер воды» [3.-С.306]. Для исследования вопроса о возможности получения в уезде воды для орошения были проведены ряд работ, однако, как указано, сенатором в отчете, «они привели к заключению о невозможности добыть оросительную воду» [3.-С.307]. Надзор за «кяризами» осуществлялся посредством особого выборного, который наблюдал за правильным распределением воды и пользованием ею. Ремонт и очистка «кяризов» происходила за счёт средств лиц или общества или пользующихся их водой, но не на выделенные средства из бюджета администрации края. Орошаемые земли Асхабадского уезда орошались водою речек, родников, а также посредством «кяризов», которыми владели на правах собственности владельцы «кяризов». Для распределения воды избирались «амины» или «мирабы», сроком от одного до нескольких лет. Ремонтные работы, так же, проводились самим населением натуральной повинностью, на основании приговоров общественных сходов, специально созываемых для этих целей [3. -С.312-313]. В Тедженском уезде, так же пользовались «кяризами», где их ремонт и очистка проводились за счёт владельцев, устройство новых «кяризов» и разработка новых проводилась на казённых землях частными лицами [3.-С. 325]. А вот в Мервском, и в Мангышлакском уездах [3.-С. 305-306,326-335] «кяризов» не было.

В отчете «Народные суды», К.К.Пален, прежде даёт характеристику «кяризам», их значение, и только потом переходит к вопросам о создании «кяризных» судов!

До прихода завоевателей вопросы и споры в отношении «кяризов» решались народными судами, а вследствие исторических событий, т.е. завоевание Туркестанского края Царской Россией, в 1893г. [4.-С.134], впервые в Асхабадском уезде, был образован «кяризный» суд из 4 туземцев, хорошо знающих «кяризное» дело и техника под председательством Дурунского пристава подпоручика милиции Куль-Батыр Сердана. Суд собирался по необходимости и решал дела на основании обычного права. В 1897г. Генерал Куропаткин в связи с увеличением количества жалоб кяризовладельцев, сделал распоряжение об учреждении в виде опыта постоянно функционирующего «кяризного» суда за счёт кяризовладельцев, под председательством помощника Начальника уезда, в составе пяти выборных от 25 кяризовладельцев и при участии уездного техника по ирригации [4.-С.134.]. Суд решал все вопросы относительно «кяризного» дела: о правах собственности и владения «кяризами», и вопросами технического характера. Решение «кяризного» суда считалось окончательным.

В 1900 г. начальник области генерал Боголюбов продлил существование «кяризного» суда ещё на 5 лет. В 1903г. новый начальник области генерал Уссаковский, решил ограничить компетенцию «кяризного» суда и разрешил передачу по жалобам сторон всех дел, касающихся правовых вопросов на рассмотрение чрезвычайного съезда, затем, генерал Уссаковский, с целью обеспечения интересов кяризовладельцев, приказал увеличить состав «кяризного» суда, добавив ещё 5 членов и в общем их стало 9 человек. При рассмотрении дел, связанных с вопросами технического характера: о направлении «кяризов», углублении их, способах рытья и прочее «вменено суду в обязанность выслушивать заключения уездного и областного техников по ирригации. Постановления по таким делам решения «кяризного» суда считались окончательными и обжалованию не подлежали» [4. -С.135].

В 1905 г. были разработаны особые, новые правила по разработке новых «кяризов» приказом по области от 23 июня 1905г. за № 193, которые так же в дальнейшем учитывались во время принятия решений кяризными судами:

«1) Прежде, чем приступить к разработке нового кяриза или возобновлению одного из заброшенных, предприниматель должен заявить о своём намерении местной администрации, которая доносит о том начальству;

2) Получив разрешение, предприниматель может приступить к разработке кяриза, причём обязан обратиться за указаниями к лицам технического надзора области лишь в том случае, если по соседству окажутся действующие кяризы;

3) Арендная плата за пользование кяризом, устанавливается в 12 р. с каждого литра ежесекундного притока воды в устье кяриза, по измерению, производимому раз в год. Плата эта вносится 1 октября за весь год. Срок аренды – 24 года, причём начало её считается с того момента,

когда вода, независимо от её количества, будет выведена на поверхность и наступит возможность орошения;

4) По окончании срока аренды кяриз становится собственностью области, и администрация, принимая его, должны проверить, не забито ли сооружение и не имеет ли оно обвалов. Недостатки должны быть устранены самим арендатором или за его счёт. Постройки же, возведённые арендатором, остаются в его распоряжении и по окончании арендного срока, с тем, чтобы арендатор или продал их своему заместителю, или разобрал и увёз в течение шести месяцев, древесные же насаждения, если они имеются, ни в каком случае не могут быть вырублены, так как считаются принадлежностью кяриза;

5) Во время арендного срока разрешается производить всякие работы по увеличению притока воды (удлинение кяриза), но непременно с ведома и дозволения администрации;

6) Предприниматель должен быть предупрежден заранее, что возобновление арендного договора может быть произведено, и притом на новых, более выгодных для области, условиях;

7) Выведенную из кяриза водою разрешается орошать только свободные, не принадлежащие туземцам земли, прилегающие к кяризу, фактически никогда не орошавшиеся и не обрабатывавшиеся ранее;

8) Проводить кяризы по чужой земле воспрещается, но не возбраняется устраивать открытую канаву для вывода воды на поля, если от него не произойдёт никакого ущерба для собственника земли, по которой проводится канал» [3.-С.314-315].

В отчётах ревизии, опубликованы и статистические сведения о решениях «кяризных» судов: за 1905 г. возникло 4, решено 4, обжалована 1; в 1905 г. возникло 5, решено 5, обжаловано 2; в 1907 г. возникло 2, решено 2, обжаловано 1 [4. -С.195].

Таким образом, подводя итоги вышесказанного, выявили, что отчёты ревизии сенатора К.К.Палена, являясь обширным по своему содержанию источником, представили нам, мало изученные данные о «кяризах» и о деятельности «кяризных» судов, созданных администрацией края в колониальный период в Закаспийской области, помимо действовавших в крае.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Atanyúazow. S Türkmen diliniň sözköki (etimologik) sözlügi. 2. Ç-N, Aşgabat, 2004. -496s. (100-247).
2. Балтаев А. Наша история: древний очаг земледелия//Нейтральный Туркменистан. 2018-04-11.
3. Пален К.К. Орошение в Туркестане. - Санкт – Петербург: Сенатская типография, 1910. – 615с.
4. Пален К.К. Народные суды. - Санкт – Петербург: Сенатская типография, 1910. – 309 с.
5. Mission to Turkestan. Being the memoirs of Count K. K. Pahlen 1908-1909. NEW YORK•TORONTO. 1964. - 237p.
6. <https://turkmenportal.com>. Кяризы Туркменистана- чудо древней гидротехники.

УДК: 9(58).355.323 (584.4)

БАРОҚҲОН ЁҲУД НАВРЎЗ АҲМАДХОН ШАХСИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ ТАВСИФИ

Б.Н. Мирзаев, мустақил тадқиқотчи, ЎзР ФА Тарих институти, Тошкент

Аннотация. *Мазкур мақола XVI асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳр ҳудудларидаги беқарор бўлган вазиятни юмшатишга ҳаракат қилган қилган моҳир сиёсатчи ва давлат арбоби Бароқхон номи билан танилган Наврўз Аҳмадхоннинг сиёсий, ижтимоий фаолияти тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритилди.*

Калим сўзлар: *Бароқхон, Мовароуннаҳр, Миёнқол, сафавийлар, мадраса, тўғон*

Аннотация. *В статье рассматривается политическая и общественная деятельность Навруза Ахмад-хана, известного как Баракхан, опытного политика и государственного деятеля, который стремился облегчить нестабильную ситуацию в регионе Мавераннахра в середине 16 века, основываясь на исторических письменных источниках.*

Ключевые слова: *Баракхан, Мавераннахр, Маянкол, сефевиды, медресе, плотина*

Abstract. *This article represents the political and social activities of Navruz Ahmad Khan, known as Barakkhan, a skilled politician and statesman who sought to alleviate the unstable situation in the Movarounnahr region in the mid-16th century, based on historical written sources.*

Keywords: *Barakkhan, Movarounnahr, Miyankol, Safavids, madrasah, weir*

Улуғ ватанимиз ўтмиши турли-туман ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларга бой бўлиб, халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, хусусан, буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари ва саркалар фаолиятини ҳаққоний ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш ва келгуси авлодларга безавол етказишда ҳар биримизга масъулият билан ёндашишни талаб этмоқда. Маънавий ҳаётимизда бугун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда, Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий, Қарши туманидаги Абул-Муъийн Насафий зиёратгоҳлари, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хастимом мажмуаси ва бошқа

қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Албатта, бизнинг бу ишларимиз чуқур илмий ва амалий асосларга эга [1,81-82].

Маълумки, XVI асрнинг 40-йилларига келиб йирик задагонлар ва сулолалар ўртасида Мовароуннахрнинг пойтахт шаҳарлари ва мулклари учун ўзаро курашлар яна авж олди. Ҳукмдор хонадони вакиллари ўртасида айниқса Бухоро ва Самарқанд учун кураш кучайди. Бу даврда Самарқандда Кучкунчихоннинг учинчи ўғли Абдуллатифхон (1541-1552 йй.) Бухорода эса Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1550 йй.) ҳукмронлик қилиб ҳар иккаласи ҳам ўзини расмий хон деб ҳисоблар эди [2,307]. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида “... Абдулазизхон вафотидан кейин Бухоро ҳукуматининг жилови Муҳаммадёр султон ибн Суюнчмуҳаммад султон ибн шаҳид хоқон Абулғозий Муҳаммад Шайбонийхоннинг давлат тутамида қарор топди. Ўша вақтлари Фаридун қудратли подшоҳ Абулфатҳ Пирмуҳаммадхон таъзия билдириш расми билан Балхдан Бухоро вилоятига ташриф буюриб, муҳим хусн тадбирлар, балки ёлғиз тақдир билан ул жанобнинг (Муҳаммадёр султоннинг) мамлакатини эгаллаб олди” [3,94]. Ўзаро сулолавий курашлар давом этаётган бир шароитда Мирзо Улуғбекнинг кизи Робия Султоннинг набираси, шайбоний Суюнчхўжахоннинг иккинчи ўғли тарихда Бароқхон номи билан ҳам машҳур Навруз Аҳмадхон сиёсий майдонга кириб келади. Бу борада “Абдуллонома”да яна қуйидагича зикр этиладики, “.. Бу ҳодиса воқеъ бўлиши билан Кўчкунчи султоннинг ўғли Абдуллатифхон Самарқанддан, Суюнчхўжахоннинг ўғли Навруз Аҳмадхон 1550 (ҳижрий 958) йилда Туркистон ва Тошкентдан саноксиз сипоҳ билан Бухоро ва Миёнқолни ўзига бўйсиндириш мақсадида иззат ва улўғлик қўлларини юқори кўтариб, бу мамлакатга қараб равона бўлдилар” [3,94].

Бароқхон тўғрисидаги маълумотлар манбаларда қисман ёритилган бўлиб, асосан, унинг қўшин тортиши, подшоҳлик қилгани-ю ва баъзан мамлакатда кичик тадбирлар амалга оширганлиги ҳақида сўз юритилади. Хусусан, Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг “Мусаххир ал-билод” асарида қуйидагича тилга олинади. “Оловдек гурилловчи ўт юрак подшоҳ эди. Акаси Келди Муҳаммад султон вафот этгач, Тошкентда мустақил равишда ҳукумат байроғини ҳилпиратди. Абдуллатифхон Самарқандда вафот этгач, 1550 йили хонлик тахтига чиқиб, хутба ва тангани ўз номи ва аъқоби билан безатди. Самарқандни Султон Саид султон ва Жувонмардалихон қўлидан тортиб олиб, жаннатмисол ўлка ҳисобланган мамлакат байроғини юксак кўтарди. Аксар урушларда ғалаба қилиб, зафар билан қайтган. Миёнқол устига лашкар тортиб, Бухорони ҳам босқин-чопкига дуч қилди. Ҳатто, бир марта Бухорони босиб ҳам олди. Бироқ, ҳар қанча вақт бўлмай, у ерни ташлаб чиқди ва асл эгаларига қайтариб берди. Таҳмасб шоҳ қўшини билан бўлган Жоми урушида яъни, 1528 йил сентябрда шайбоний султонлар билан бир сафда Эрон Сафавийларига қарши жангда қатнашган” [4,168]. Зеро, “Абдуллонома”да яна қайд этилишича, ўша вақтлари Бароқхонга қарши чиққан бошқа шайбоний султонлардан Абулфатҳ Абдуллоҳ Баҳодирхон ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожа Муҳаммад (Хожағум) султон ибн Абулхайрхон II бўлганлигини кўриш мумкин. Жумладан, манбада, “..ул ҳазрат (Абдуллохон) кам сипоҳи билан Оқтепа мавзейига келиб, у ерда чодир ва боргоҳини куёш ва ой чўққиларига етказиб курдилар. Фирдавсмакон Абдулазизхоннинг оталиғи амир Танишбий кушчининг гувоҳлик беришича, ҳазрат Убайдулла баҳодирхоннинг ўғли Муҳаммад Раҳим султон авлодидан бўлган Бурхон султон Навруз Аҳмадхоннинг ичкиларидан бир тўдаси, хусусан, Кўчак ўғлон ва Қодирбердийий найманнинг ўғли Мансур мирзолар билан ва Муҳаммадёр султоннинг паҳлавонларидан бир қисми ҳамда найзачи ва ханжарчи турклардан бир тўдаси билан қалъа томонга юз қўйиб, қалъа яқинидаги бир пана жойда яшириниб, урушга мунтазир бўлиб турди. Айни шу вақтда Навруз Аҳмадхон билан унинг бирлашган лашкари келиши тўғрисида хабар бўлиши билан, Абдуллохон II қалъа дарвозасидан ташқарига чиқди ва ҳар иккала томон бир-бирларига қарама-қарши бўлганларидан сўнг, зафарнишон тиглари ва жон олувчи найзаларини кўтариб, жанг шу тариқа бошланиб кетди. Жангда оғир ярадорлар бўлгач, жангни тўхтатиб биров ортга чекиндилар. Аммо урушнинг иккинчи қунида Тошкент султонлари ва Самарқанд хоқонлари Оқтепадан кўчиб, қалъа ёнида ўрнашиб, камал қилдилар. Бироқ, қанчалик камал қилиб ўтиргани билан ҳеч иш чиқмаслигини билиб, ҳазрат Абдуллохон ҳузурига шайх Алиободийни сулҳ ишларини йўлга қўйиш учун юбордилар” [3,96-97].

Дарҳақиқат, ёшлиқда Бароқхоннинг тарбияси билан шоир Васифий шуғулланган. Айни шу маънода, Бароқхон ёшлигида Васифийдан шеърят, мусиқа, ашула, вазн ва назмдан таълим олган. Айни вақтда чавандозлик ва ҳарбий машқлар билан кўпроқ машғул бўлган [5]. Бароқхон ўз салтанатини кенгайтириш учун кўп ҳарбий юришлар уюштирган. Мазкур юришлар натижасида 1551 (ҳижрий 961) йилда Навруз Аҳмадхон Самарқандни босиб олди ва Шайбонийларнинг олий ҳукмдорига айланди. У манбаларда бош ўзбек хони деб эълон қилинган. Жумладан, Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг “Мусаххир ал-билод” асарида “... Искандар нишон султон (Абдуллохон II) вазият тақозосига кўра орқага чекинишга мажбур бўлиб, Насафга қайтиб кетди. Султон Саъид шайх Абулҳасан Ишқий авлодидан бўлмиш валийлик паноҳи, баланд мартабали ҳазрат Муҳаммад Содик шайх лангари томон ошиқиб, ул шайх қариндошларидан бири воситасида Навруз Аҳмадхон ҳузурига борди ва эъзоз-икром билан қабул қилинди. Навруз Аҳмадхон унинг кўнглини кўтарди ва Самарқанд эвазига Бухорони Бурхон султон қўлидан озод қилиб, у ер ҳукуматини Султон Саъидга топширишни

ўз зиммасига олди” [4,241]. Бундан кўринадики, Наврўз Аҳмадхон давлатда қисман бўлса-да, ички тарқоқликга барҳам берганлигини англаш мумкин. Навруз Аҳмадхон ўз ҳукмронлиги даврида аҳоли кизиқишларини кузатган ҳолда, янги экин майдонларида суғориш ишларини ташкиллаштирган, мамлакатда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга уринган. Жумладан, унинг даврида Мовароуннаҳр билан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой, Сибирь ўртасида савдо-сотик, элчилик муносабатлари ривожланган [6]. Бароқхон айна ўша вақтда ободончилик ишларига ҳам эътибор берган, мадрасалар қурдирган. Жумладан, ўз номи билан машҳур бўлган Бароқхон мадрасаси азим пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Ҳазрати имом мажмуасидаги меъморий ёдгорлик ҳисобланади. Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз макбара (кимга мансуб эканлиги номаълум) қурилган. Сўнг (1531) шайбонийлар сулоласининг Тошкентдаги ҳокими Суюнчўжахон (1525 йилда вафот этган) макбараси қад кўтарган. Уни Келди Муҳаммад қурдирган (1531–32). Бу макбара ҳовли тўридаги пештоқли хонақоҳдан иборат. Қўшқават гумбазли бўлган. Ўтмишда «Гумбази Бароқхон» номи билан машҳур бўлган. Бароқхон мадрасаси мемориал мажмуасининг 3-босқичини 16-аср ўрталарида Бароқхон номи билан танилган Наврўз Аҳмадхон қурдирган. У илгари қурилган 2 макбарани ҳам ўз ичига олган мадраса солдирган. Мадраса бу типдаги анъанавий бинолардан фарқ қилса-да, лекин ҳужралар ва айвонларнинг очик ҳовли атрофига жойлаштириш усули сақлаб қолинган [7]. Шунингдек, Бароқхон мамлакатда суғориш тизимига ҳам аҳамият берганлиги манбаларда тилга олинади. Хусусан, Ҳасанбек Румлуниг «Аҳсан ут-таворих» («Тарихлар сараси») асари (1572–77)да айтилишича, «Шохрухия дарёси (Сирдарё)дан Самарқанд томонга канал чиқариб, унинг атрофига ўз улусидан йигирма минг кишини жойлаштиришга қарор қилган» [5]. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг гувоҳлик беришича, “хонлик айёмидан олти йил мустақил шаклда ўтгач, Самарқандга қарашли ва Кўҳак дарёси бошланиш жойи бўлган Хожа работ мавзейида 1556 (ҳиж. 963) йил 24 сентябрида охиратга кетди” [4,168]. Баъзи манбаларда ушбу мавзеда бўлиш сабабини кўрсатиб ўтади. Яъни, Бароқхон Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом каналининг бош иншооти – Равотхўжа тўғонини тузатириш учун келган ва шу ерда тўсатдан вафот этган. 1556 йили Самарқандда дафн этилган [5].

Умуман олганда, шайбоний султонлардан бўлган Наврўз Аҳмадхоннинг шахси ҳақида ёзма манбалардаги маълумотларга таянган ҳолда куйидагича хулосалар қилиш мумкин:

1. Наврўз Аҳмадхон саркарда ва моҳир сиёсатчи сифатида қисқа муддатда Мовароуннаҳрдаги ички тарқоқликка барҳам бера олган тарихий шахсдир.

2. Наврўз Аҳмадхон ёзма манбаларда бунёдкор ва ислохотчи ҳукмдор сифатида ҳам тилга олинганлигининг ўзи ҳам унинг халқсевар ва маданият ҳомийси бўлганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 508 б.
2. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2012. – 556 б.
3. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. Тошкент, Шарқ, 1999. – 416 б.
4. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2009. – 432 б.
5. <https://shosh.uz/Toshkentliklar-Baroqhon-Navroz-Ahmadhon>
6. <https://Qomus.info/Encyclopedia/cat-b/Baroqxon-uz-2>
7. <https://Madrasa.uz/Movarounnahr-m/435-Baroqxon-mad.html>

УДК 93/94

XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ҚИЗИЛ ЧОЙХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ (Самарқанд вилояти мисолида)

Ф.А. Нарманов, ўқитувчи, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур илмий мақолада XX асрнинг 20-30 йилларида Самарқандда ташкил қилинган маданий-маърифий муассасалар фаолияти хусусан қизил чойхоналарнинг ташкил қилиниши, уларнинг фаолияти илмий адабиётлар ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил этилган. Маълумки, 20-йиллардан бошлаб совет ҳокимияти “маданий инқилоб” сиёсатини олиб бора бошлаган эди. Мазкур жараёнда қизил чойхоналарнинг иштироки Самарқанд вилояти мисолида ўрганилган.

Калит сўзлар: маданий-маърифий муассаса, қизил чойхона, маданий инқилоб, ижара солиғи, Регистон, ташвиқот, дин, мафкура, маданият

Аннотация. В данной научной статье на основе научной литературы и архивных материалов анализируется образование культурно-просветительских учреждений, в частности образование красных чайханов в 20-30 годах XX века в Самарканде. Как известно, с 20- годов советская власть проводила политику “культурной революции”. Изучено участие красных чайханов в этом процесс в Самаркандском области.

Ключевые слова: культурно-просветительские учреждения, красная чайхана, культурная революция, арендная плата, Регистан, пропаганда, религия, идеология, культура

Abstract. In the given scientific article analyzed on the basis of the scientific literature and archival materials formation cultural-educational organizations, in particular formation red teahouse in 20-30 years of the XX-th century in Samarkand. As is known, with 20th years the Soviet government spent the politician "cultural revolution". Here is studied participation red teahouse in this process in Samarkand region.

Key words: Cultural-educational organizations, red teahouse, a cultural revolution, a rent, Registan, propagation, religion, ideology, culture

Маълумки, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб совет ҳукумати сиёсий ғояларини тарғиб қилиш мақсадида жойларда совет андозаси типигаги маданий-маърифий муассасаларни ташкил эта бошлади. Маданий-маърифий муассасалар фаолияти билан боғлиқ масала Самарқанд ижтимоий тарихида ҳам муҳим тутади. Зеро, ўтган асрнинг 20-30 йиллардаги Самарқанд тарихи ўлканинг бошқа ҳудудларига нисбатан тутган мавқиега кўра ўзгача аҳамиятга эга эди. Тарихдан яхши маълумки, совет ҳукумати томонидан амалга оширилган миллий ҳудудий чегараланиш сиёсати ўтказганидан сўнг Самарқанд янги ташкил этилган Ўзбекистоннинг пойтахтига айлантирилган эди. Бу даврда совет ҳукумати томонидан маҳаллий аҳоли орасида большевистик тузум ғояларини тарғиб қилиш учун олиб борилган бир қатор сиёсий ва ижтимоий кампаниялар Самарқандда ҳам ҳукмрон мафкура ташаббуси билан амалга оширишга киришилди.

Бундай тадбирлар маданий-маърифий муассасалар орасида айнан шу даврдан нуфузи ўса бошлаган қизил чойхоналарда олиб борилди. Самарқандда ташкил этилган қизил чойхоналар фаолиятига доир маълумотлар XX асрда яратилган "Самарқанд тарихи"[1.496] ва бир қатор илмий тадқиқот ишларида [2.250] келтириб ўтилган. Яқин йиллар ичида айнан Самарқанддаги қизил чойхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар кўзга ташланмайди.

Қизил чойхоналар совет ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган большевистик мафкурани маҳаллий аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб бутун Туркистон ўлкасида ташкил этила бошлади. Совет даврида ишлаб чиқилган резолюция ва йўриқномаларга кўра қизил чойхоналар қишлоқ ҳудудларида клуб вазифасини бажариши керак бўлган маърифий муассасаларнинг бошланғич бўғинини ташкил этиши лозим эди [3.241]. Яъни қизил чойхона ўз ҳудудида кенг дехқонлар оммасини жалб этиш орқали маърузалар, баланд овозда газета ва журналлар ўқиш, деворий газеталар чиқариш каби машғулотларни амалга оширган. Қишлоқ ҳудудларида қизил чойхона ишини юритиб боровчи асосий куч ўқитувчилардан иборат эди [4.70].

Архив ҳужжатларида келтирилган Маориф бошқармаси ҳисоботларига кўра вилоятдаги қизил чойхоналарнинг умумий сони йиллар давомида республикадаги маданий-маърифий муассасалар таркибида ўсиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1923 йилги маълумотларга кўра, вилоятнинг ўша йиллардаги йирик туманларидан бири бўлган Каттакўрғон уездида 3 та қизил чойхона бўлиб, улар Янгикўрғон, Пайшанба ва Митан уездларида жойлашган эди. Каттакўрғон шаҳрида эса 2 та бири бозор яқинида ва пахта тозалаш заводида ташкил қилинган [5.57]. 1924 йил 1 январь ҳолатига кўра, Самарқандда 19 та, шундан Самарқанд уездида 9 та, Жиззахда 4 та, Каттакўрғонда 5 та, Хўжандда 1 та қизил чойхона ишлаган [6.163].

1927 йилнинг май ҳолатига кўра Самарқанд вилоятининг Пайариқ тумани Челақ шаҳрида иккита, Ургутда 3 та (Ургут ва Қайроқли қишлоқларида), Оқдарёда 2 та (Дахбет ва Янгикўрғон қишлоқларида), Юқори Дарғом туманида 3 та (Хожа Аҳрор, Жумабозор маҳаллаларида), Самарқанд шаҳрида иккита қизил чойхона ишлаб турган [7.34]. 1928 йилда бутун республикада мавжуд бўлган жами 336 қизил чойхонанинг 28 таси Самарқанд ҳудудига тўғри келиб, уларнинг 7 таси шаҳарда, 21 таси қишлоқ ҳудудларида жойлашган эди [8.54А]. 30-йилларга келиб вилоят микёсида қизил чойхоналар сони ўсиб бориши 1936 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра айрим туманлар кўринишида куйидаги жадвалда акс эттирилган [9.100-102].

№	Туманлар	Шаҳарда	Қишлоқ ҳудудида	Умумий сони	Қизил чойхона ишчилари сони
1.	Оқдарё		7	7	7
2.	Булунгур		5	5	8
3.	Жомбой		17	17	17
4.	Каттакўрғон	6	3	9	13
5.	Митан		3	3	3
6.	Нарпай		2	2	2
7.	Пайариқ		19	19	19
8.	Самарқанд ш	14		14	16
9.	Ургут	15	25	40	40
10	Самарқанд т		64	64	64

Вилоят микёсидаги қизил чойхоналар турли аҳоли ўринларида ташкил қилинган. Бу каби муассасаларнинг очилган ўрни ҳам совет ҳокимияти илгари сурган мафкуравий сиёсатни ўзида акс эттиради. Яъни, маҳаллий аҳолининг анъанавий чойхоналари тортиб олиниб қизил чойхоналар учун бўшатиб берилган бўлса, айрим ўринларда динга қарши курашнинг ўзига хос усули сифатида

масжидлар ўрнида ҳам қизил чойхоналар ташкил этилган. Шунингдек, вилоятдаги қизил чойхоналар ижара шартномаларини тузиш асосида тузилган. Аммо бундай муассасалар маданий-маърифий ишлар билан эмас, балки савдо-сотик билан шуғулланган. Масалан, Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Регистон кўчасида жойлашган бир қанча қизил чойхоналар ўз ижара ҳақларининг ниҳоятда юқорилиги боис уни камайтириш масаласида шаҳар молия бошқармасига илтимоснома жўнатган [10.74]. Бу даврда шаҳар хўжалик бошқармасининг қизил чойхоналар учун ижара солиғи жуда юқори бўлиб, барча қизил чойхоналар ҳам уни тўлаш имкониятига эга бўлмаган. Самарқанд шаҳрининг Боғишамол қисмидаги маҳаллий аҳоли вакиллари Юлчибоев ва Мансуровлар ҳам ўз даврида бино ижарасининг юқорилиги масаласида юқоридаги ҳолатга дуч келади. Бу даврда қизил чойхона ижарасига берилган бино учун ижара ҳақи чойхоналар ва Темирийўл тумани ўртасидаги тузилган шартнома миқдоридан ошиб кетмаслиги керак бўлган. Касаба уюшмасининг Самарқанд шаҳридаги бўлими шаҳарнинг эски шаҳар қисмида касаба уюшмаларининг 160 нафар аъзоси хизмат қиладиган қизил чойхоналарнинг ижара ҳақларини камайтириш масаласида молия бошқармасига бир неча бор мурожаат қилган [10.75].

Худди шу даврда Самарқанднинг Қози Абдурасул гузари Сўзангарон кўчасида жойлашган чиройли нақшлар билан ишланган масжиднинг катта қисми қизил чойхонага айлантирилган [11.108]. Шунингдек маҳаллий аҳолининг чойхоналари ҳам қизил чойхоналарга бўшатиб берилди. Умумий кўриниш ҳолатига кўра совет даври қизил чойхонаси одатда 2-3 хонадан иборат тунд биноларни эслатиб юборар эди. Чироқ билан таъминлашнинг имкони йўқлиги боис чойхоналар фақат кундузлари ишларди [12.168]. Шунинг билан бирга қизил чойхоналар барпо этилиши жараёнида Самарқанд шаҳри марказидаги Янги растада бир-бирига яқин бўлган Хожа Рофеъ ва Боғи Майдон гузарларида (ҳозирги Регистон кўчасининг Айний уй-музейи атрофи) иккита катта чойхона ва иккита катта қизил чойхона жойлашган эди [11.87].

Самарқанддаги қизил чойхоналар ҳам 20-30 йилларда ўтказилган маданий жараёнлар тарғибот ишларига жалб қилинган эди. Масалан, 1927 йилнинг 8 март куни ўтказилган “Хужум” ҳаракати шаҳардаги Кўкмасжид маҳалласида қизил чойхонада кечган учрашув жараёнида партия тарғиботчиларидан бири бўлган Мухтор Файзулла қизи кўплаб аёлларнинг паранжисини мажбуран юлиб ташлаган бўлса, маҳаллий ҳукумат аъзолари кимда ким юзини очмаса солиққа тортилиши билан таҳдид қилган [13.177].

Динга қарши кураш даврида 1923 йил 5 апрелда бўлиб ўтган Самарқанд вилояти партия конференциясида “Динга қарши ташвиқот” масаласи муҳокама этилиб, унда динга қарши ташвиқотни эҳтиёткорлик билан барча шаҳарларда, фабрика-заводларда, қишлоқларда олиб бориш, бунда аҳоли орасида катта нуфузга эга бўлган кучлардан кенг фойдаланиш муҳокама қилинган эди [14.14]. Рамазон ойи муносабати билан мактаб ўқувчилари иштирокида уларнинг ота-оналарига таъсир ўтказиш ишлари янада кучайтирилди эди. Рўза янги мафкуралари жамият куришдаги энг катта ҳавфлардан бири сифатида баҳоланиб, унинг сўнгги кунидаги арафа ва ҳайит байрамларида болаларнинг иштирок этиши ман қилиниб, мактабларда ўқув жараёни давом эттирилган. Бу жараён кейинги уч кун давомида узлуксиз олиб борилган [15.176]. Аксарият қизил чойхоналардаги ишлар тўхтаб қолган ёки мутлақо олиб борилмаган. Самарқанд шаҳрининг Нуробод маҳалласидаги камбағаллар қизил чойхонасида маҳаллий аҳоли динга қарши курашда ҳам, “Худосизлар” жамияти ишида ҳам мутлақо иштирок этмаган. Шаҳарнинг эски шаҳар қисмидаги Қораоқсоқол маҳалласидаги қизил чойхонасидаги “Худосизлар” ташкилотига дастлабки даврда 40 киши аъзо бўлган ҳолда, ишларнинг мазмун-моҳиятини ҳеч ким англамаслиги натижасида тарқалиб кетган. Қизил чойхона раҳбари бу жараённи комсомол ташкилоти ва шаҳар “Худосизлар” жамиятидаги раҳбарлик ишларининг етарли бўлмаганлигида деб кўрсатади [16.№2].

Хулоса қилиб айтганда, Самарқандда фаолият олиб борган қизил чойхоналар ҳам совет даври мафкуравий курашдаги тарғибот ишлари объекти сифатида маҳаллий аҳоли орасида коммунистик мафкура хизмати учун сафарбар этилди. Қизил чойхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ўринларда қироатхона, тўғарақлар, саводсизликни тугатиш курсларида маҳаллий аҳолининг маданий ҳаётида “маданий инқилоб” ғояларини сингдириш ишлари олиб борилди. Маҳаллий аҳолига таниш бўлмаган бундай сиёсат натижасида кўпчилик ҳолларда қизил чойхона ишлари фақатгина расмиётчилик учунгина ташкил этилди. Шунингдек, совет ҳокимияти томонидан олиб борилган маданий жараёнлардаги сиёсати маҳаллий аҳолининг каттик норозилигига сабаб бўлди.

ҲОДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Самарқанд тарихи. Икки томлик. – Тошкент: Фан, Масъул муҳаррир. И.М.Мўминов. 1970. – 496 с.2.
2. Самибаев К.Х. Культурное строительство в Самаркандской области в 1925-1941 гг. : Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1963. – 250 с.
3. ЎзРМДА. 94-фонд. 1-рўйхат. 223-иш. 241-варақ.
4. Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки. – Самарқанд: Издательство Узбекского государственного университета, 1959. – 92 с.
5. ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1999-иш, 57-варақ орқаси
6. ЎзР МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1774-иш, 163-варақ
7. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 562-иш, 34-варақ.
8. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 314-иш, 54А-варақ.

9. ЎзРМДА. 94-фонд, 5-рўйхат, 1872-иш, 100-102 варақлар.
 10. ЎзР МДА, 737-фонд, 1-рўйхат, 338-иш, 74-варақ
 11. Ходизода Р. Самарқанднома. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 392 б.
 12. ЎзРМДА. 23-фонд.1-рўйхат.2-иш.168-варақ.
 13. Marianne Kamp. The New Woman in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. – Seattle: University of Washington Press, 2006. – 332 p.
 14. Самарқанд вилоят ҳокимияти архиви. 31-жамғарма, 1-А-рўйхат, 782-ийғма жилд, 14-варақ.
 15. Самарқанд вилоят давлат архиви. 152-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 176-варақ.
 16. Худосиз газетаси. 1931 йил 22-январь №2.

УЎК 93

XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ БАЪЗИ ДЕМОГРАФИК МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Г.Б. Нормуродова, доц., Самарқанд давлат университети, Самарқанд
З. Аҳмедова, асс., Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур илмий мақолада XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Самарқанд вилоятида кечган айрим демографик жараёнлар, мустамлака сиёсий, ижтимоий-иқтисодий сиёсат таъсирида таҳлил этилган. Кўчириш сиёсати, миграция, савдо алоқалари натижасида вилоятда аҳоли динамикаси, хўжалик, никоҳ муносабатлари ёритилган.

Калит сўзлар: мустамлака давр, Самарқанд вилояти, демографик жараёнлар, аҳолини рўйхатга олиш, динамика, статистика

Аннотация. В данной научной статье анализированы демографические процессы происходившие в Самаркандской области на основе колониальной, политической, социально-экономической политики в второй половине XIX и начало XX вв. Освещено рост динамики населения, хозяйственное и брачное отношения в итоге проведённой переселенческой политики, миграции и торговых отношений.

Ключевые слова: колониальный период, Самаркандская область, демографические процессы, перепись населения, динамика, статистика

Abstract. This scientific article analyzes the demographic processes that took place in the Samarkand region on the basis of colonial political, socio-economic policy in the second half of the XIX and early XX centuries. The growth dynamics of the population, economic and marriage relations as a result of the resettlement policy, migration and trade relations are highlighted.

Key words: colonial period, Samarkand region, demographic processes, population census, dynamics, statistics

XIX-XX асрнинг бошларида жаҳон тарихида империалистик давлатларнинг олиб борган мустамлака сиёсати худудларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатган. Айниқса, мустамлака худудларда демографик жараёнлар мураккаб кечган. Хусусан, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ўрта Осиё минтақасида юз берган демографик жараёнларнинг хусусияти, аввало мустамлакачилик сиёсати, миграция, сунъий кўпмиллатлиликнинг шаклланиши ва бошқа омиллар таъсиридаги ўзгаришлар билан кечди.

Ҳозирда Россия империясининг мустамлака худудларида демографик жараёнлар муаммоси кўплаб тадқиқотларнинг асосий объекти ва предметига айланган. Бундай тадқиқотларни Ўзбекистон, МДХ ва хорижда олиб борилаётган ишлар гуруҳига ажратиш мумкин. Муаммонинг тарихшунослиги шуни кўрсатадики, мустамлака шароитида Туркистон ва унинг вилоятлари мисолида демографик жараёнлар муаммоси алоҳида ва бутун тадқиқ этилмаган. Лекин мавжуд тадқиқотларда ўлка аҳолисининг миллий-этник таркиби, аҳоли рўйхатга олиш маълумотлари асосида айрим демографик масалаларнинг ёритиб берилгани диққатга лойиқдир. Шу ўринда, Самарқанд вилоятига қаратилган мазкур илмий ишда, вилоят аҳолиси динамикаси, табиий кўпайиш, хўжаликка оид ва бошқа маълумотлар ёритилган бўлиб, бу ўлкада кечган айрим демографик жараёнларга аниқлик киритади.

1897 йилда Россия империяси томонидан ўтказилган Биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбири, нафақат Туркистон ўлкаси, балки унинг аҳоли зич жойлашган худудларидан бири - Самарқанд вилояти демографик ҳолатига ҳам ойдинлик киритади. Самарқанд вилояти Туркистон генерал-губернаторлигининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, 1886 йилда Зарафшон округи (1868 й.) негизда “Туркистон ўлкасини бошқариш Низом”ига мувофиқ ташкил топди ва Жиззах, Каттақўрғон, Самарқанд ва Хўжанд уездларидан иборат бўлган.

1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ўлкадаги демографик маълумотларга аниқлик киритиши баробарида, айрим камчиликларга ҳам эга ҳисобланади. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернаторлиги К. Пален бошчилигидаги маъмурият комиссиясининг вилоят Статистика кўмиталарининг ҳисобга олиш фаолияти тўғрисида берган хулосаларида кўриш мумкин. Хусусан, бу ҳақида: “Уез маъмурияти томонидан ҳар йили аҳоли фаолияти, никоҳ, туғилиш ва ўлим, диний эътиқод тўғрисида тўпланган маълумотларни тўласинча тўғри, деб бўлмади. Чунки, бу борада “туземецлар” дан ҳеч қандай метрик қайдлар ўтказилмади, ўз навбатида, волость бошқарувчиларига

юкланган хонадонлар даромади ва камомадини аниқлаш ишлари одатда бажарилмайди. Бундан ташқари, кўмиталар томонидан ишлаб чиқилган жадвал ва қайдномалар ҳам шунчалик мураккабки, зеро улар участка ва волость бошқармаларида саводи ва маълумоти паст бўлган иш юритувчилар кучи билан тўлдирилган. Бунда рус тилини яхши билмайдиган туб жой хизматчи ходимлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади” [1. 309-310], деган фикрлар билдирилган эди.

Шундай ҳулосага таянган тадқиқотчи Р. Сифман ҳам, инкилобга қадар Ўрта Осиёда табиий кўпайишга оид ҳисоб-китобларни чиқаришда қийинчиликлар мавжудлигини таъкидлайди. Муаллиф, шундай статистик камчиликларни Статистик кўмиталари томонидан Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида туғилиш ва ўлим бўйича келтирилган рўйхатлари бўйича қайд этади. Жумладан, 1897-1901 йилларда Самарқанд вилоятида туғилиш коэффиценти йилига ҳар 1000 кишига ўртача 6 киши сифатида келтирилган бўлса, Сирдарё вилояти учун 1000 кишига 13,1 киши ва ўлим коэффицентини эса 1000 кишига 6,4-7,5 кишига тўғри келиши кўрсатилган [2. www.demos.]. Муаллиф, бундай кўрсаткични 1903-1914 йилларда Ўрта Осиёда табиий кўпайишнинг коэффиценти ўртача 1000 га 14 киши тўғри келганлиги билан таққослаганда, фарқ катта бўлмаслигини таъкидлайди.

Юқоридаги маълумотларга қўшилган ҳолда, ўлкада олиб борилган демографик ҳисоб-китобларда айрим ноаниқликлар ҳақиқатан мавжуд бўлган. Лекин бошқа томондан, мавжуд маълумотлар кўздан кечирилаётган даврда аҳоли демографияси бўйича бирмунча ёрқин таассуротлар беради. Чунки Ўрта Осиёда илк бор ўтказилган 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари, мустамлакадан олдинги хонликлар демографик манзарасига ҳам бир мунча ойдинлик беради. Хусусан, бу борада Самарқанд вилояти бўйича тўпланган статистик маълумотлар эътиборга молик. 1897 йилги аҳолини рўйхатдан олиш маълумотларига кўра, вилоятда жами аҳоли 860.021 минг кишини (ҳар иккала жинс) ташкил этган бўлиб, шундан 472.443 (54.92 %) минг нафари эркак ва 387.578 минг нафари аёл (45.08 %) лар ташкил этган. Вилоятнинг уездлари бўйича бу тақсимот куйидаги кўринишга эга бўлган” [3. С.III.]:

1-жадвал

Уездлар	Эркак	Аёл	Ҳар иккала жинс (минг ҳис.)
Самарқанд уезди	190,644	151,553	343,197
Жиззах уезди	120,228	102,455	222,683
Каттақўрғон уезди	60,897	49,109	110,006
Хўжанд уезди	100,674	84,461	185,135
Жами	472.443	387.578	860.021

Агар аҳоли сони 1872 йилда Зарафшон округи, яъни фақат Самарқанд, Каттақўрғон бўлимлари ва Зарафшоннинг юқорисида жойлашган тоғли туманлардан иборат бўлган округ билан қиёсланганда, фарқ сезиларли эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, округда шу йилда 280.950 киши ҳисобга олинган бўлса, 1897 йилга келиб вилоятга айрим уездларнинг қўшилиши билан худуд кенгайиши ҳисобига аҳоли 860.021 минг кишига етган [4. С.120]. Бундан ташқари, бу ўсишга вилоятда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (товар-пул, савдо муносабатлари, ишлаб чиқариш, темир йўллар қурилиши)нинг таъсири ҳам катта бўлган. Вилоят аҳолисининг таркибида туб жой миллий гуруҳлар - ўзбеклар, тожиклар, яхудийлар, форслар, лўлилар, афғонлар, ҳиндлар билан биргаликда, кейинчалик Россиянинг Европа қисми, Волгабўйи, Сибирь ва Кавказ ҳамда бошқа минтақадан кўчириб келтирилган мигрантлар ҳисобига этник таркибининг ўсиши кузатилади. Самарқанд вилоятидаги туб халқларнинг умумий сони 1889 йилда 707.674 минг кишини, 1897 йил 840.077 минг ва 1914 йилда эса 904.960 минг кишини ташкил этган [5. Б.78].

Вилоят аҳолисининг зичлиги даражаси уездларда куйидагича бўлган [6. С.IV]:

2-жадвал

Уездлар номи	Шаҳарлар билан бирга	Шаҳарларсиз (минг ҳис.)
Самарқанд уезди	44,15	36,56
Жиззах уезди	8,63	8,02
Каттақўрғон уезди	15,72	14,28
Хўжанд уезди	9,24	6,71

Жадвалдан кўриш мумкинки, аҳоли зичлиги бўйича Самарқанд уезди ва шаҳарлари юқори кўрсаткичга эга бўлган. Вилоятнинг марказ шаҳарларида эса, иккала жинсга мансуб аҳоли куйидагича тақсимланган эди [7. С.IV]:

3-жадвал

Шаҳарлар	Эркак	Аёл	Ҳар иккала жинс
Самарқанд	31,734	23,394	55,128
Хўжанд	16,249	13,860	30,109
Ўратепа	10,736	9,885	20,621
Жиззах	8,562	7,148	15,710
Каттақўрғон	2,054	1,604	3,658
Панжакент	2,054	1,604	3,658

Ушбу жадвал шунингдек, аҳоли сони бўйича даставвал Самарқанд, ундан сўнг Хўжанд ва Ўратепа шаҳарлари турганлигини маълум этади. Шу даврда Самарқанд вилоятида жами 147,534 та аҳоли хўжаликлари бўлиб, ҳар бир хўжаликка ўртача 5,83 киши (иккала жинс) тўғри келган. Хусусан, вилоятда қариндош хўжаликлар сони умумий ҳисобда 97,66 фоизни ташкил этган [8. С.IV].

4-жадвал

Хўжаликлар тури	Вилоят		Шаҳарлар		Уездлар	
	мутлақ сони	% ҳис.	мутлақ сони	% ҳис.	мутлақ сони	% ҳис.
Қариндош шахслар	144,097	97,66	21,183	93,03	122,914	98,52
Якка шахслар	2,938	2,00	1,327	5,83	1,611	1,29
Қариндошлиги бўлмаган шахслар	377	0,26	167	0,73	210	0,17
Хўжалик муассасалари	122	0,08	94	0,41	28	0,02
Жами	147,534	100,00	22,771	100,00	124,763	100,00

Юқоридаги рақамлар шунингдек, XIX аср охири - XX аср бошларига келиб Ўрта Осиёда хўжалик турлари сони ва олинган маҳсулот миқдорининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, хўжаликларда аёлларга қараганда эркеклар улуши юқори даражада бўлган.

5-жадвал [9. С.IX]

Машғул турлари	Мустақил шахслар			умумий аҳоли		
	эркак	аёл	ҳар икки жинс	эркак	аёл	ҳар икки жинс
қишлоқ хўжалиги	67,21	27,78	65,58	76,44	77,61	76,95
тоғ-қон саноати	10,28	38,88	11,46	7,96	8,36	8,14
кўчма ва алоқа	1,20	0,17	1,16	0,88	0,78	0,83
савдо	6,72	3,85	6,60	5,70	6,00	5,83
маъмурий ва умум. хизматчилар	1,96	1,61	1,95	1,49	1,46	1,48
эркин касб	0,03	0,11	0,03	0,02	0,02	0,02
ҳарбий кучлар	3,06	-	2,93	0,29	0,10	0,76
хусусий хизматчилар, хизматкорлар	7,37	13,92	7,65	4,62	4,02	4,35
шахсий ва ғазнадан ўртача таъминланганлар	0,60	3,52	0,72	0,32	0,21	0,27
номаълум касблар	1,57	10,16	1,92	1,31	1,44	1,37
фоиз ҳис.	100,00	100,00	100,00	100,00	100,00	100,00

5-жадвалдаги маълумотлар вилоят аҳолисининг (иккала жинс бўйича) машғул турлари тўғрисида ёрқин тасаввур беради. Жумладан, машғул турлар орасида қишлоқ хўжалиги 1-ўринда туриб, бу соҳадан 76,95 фоиз аҳоли тирикчилик қилган. Шундан сўнг, 8,14 фоизни тоғ-қон саноати ва ишлаб чиқарувчи саноат ташкил этган. Шу ўринда, XIX аср охирида вилоят саноатида дастлаб, арок ва вино ишлаб чиқариш устунлик қилган бўлса, кейинроқ ўлка иқтисодиётида сингари, вилоятда ҳам пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш саноати бошқа тармоқларга нисбатан капиталнинг миқдори, ишлаб чиқариш марказлашуви даражаси билан илгарилаб кетган.

Вилоятда 5,83 фоиз аҳоли савдо ва 4,35 фоиз хусусий хизмат, ишчи ва хизматкорлик фаолияти билан шуғулланган, қолган фаолият турлари эса унча катта бўлмаган фоизни ташкил этади. Вилоят аҳолиси яшаш тарзига кўра ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчилик ҳаёт тарзига эга бўлиб, қишлоқ жойларида аҳолининг 84,26 фоизи ва шаҳарларда 15,733 фоизи яшаган.

Вилоят аҳолиси орасида жисмоний нуқсонга эга бўлган шахслар ҳам бўлиб, биринчи ўринни кўзи ожизлар ташкил этган. Кейинги ўринда рухий хасталар турган (1/5 га яқин), ундан сўнг карсоқовлар турган. Касалларнинг энг кам фоизини 1-9 ёшлардагилар, энг юқори кўрсаткични эса 20-29 ёшдагилар (20,28%) ташкил этган. Шундан сўнг бу кўрсаткич ёш жиҳатдан юқorigа пасайиб борганлиги ва энг юқори гуруҳ (60 ёш ва ундан юқори) бўлганлигини (17,93%) кўрсатади [10. С.IX].

Қисқача хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилояти Туркистон ўлкасида аҳоли сони ва зичлиги бўйича алоҳида ажралиб турган худуд саналган. 1897 йилда илк бор ўтказилган Биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижалари, нафақат Туркистон ўлкаси, балки Самарқанд вилоятининг демографик жараёнларига маълум даражада аниқлик киритади. Россия капиталининг кириб келиши, товар-пул, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, савдо ва саноат тармоқларининг кенгайиб бориши, ўз навбатида худудда демографик жараёнларга таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Вилоят аҳолиси умумий сонидан эркеклар улуши бир мунча юқори даражада турган. Аҳоли динамикаси ва хўжаликлар сони ортиб боришига, шунингдек, ижтимоий-сиёсий омилларга ҳам катта таъсир кўрсатган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленом. — СПб., 1910. — 16 тт.
2. Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Самаркандская область. — СПб., 1905. — 147 с.
3. Сифман Р.И. Динамика численности населения России за 1897-1914. <http://www.demos.cope.ru/weekly/knigi/polka>.
4. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе // ЗИРГО по отделению статистики. — СПб., 1874. Т. IV. — 280 с.

5. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. - Тошкент, 2013. - 213 б.

УДК 93/94

КУЛЬТУРНОЕ ВЗАИМОВЛИЯНИЕ И ВЗАИМОБОГАЩЕНИЕ НАРОДОВ ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА

Н.К. Нуруллаева, к.и.н., с.н.с., Хорезмская академия Маъмуна, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг 30-40 йилларида Хоразм воҳаси халқларининг ўзаро маданий ҳамкорлиги, ўзаро таъсири ва бойитилиши илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: маданий ҳамкорлик, маданий ҳаёт, маданий алоқа, концерт дастурлари, адабиёт ва санъат кунлари, миллий рақс, театр санъати, руслаштириши маданияти, маънавий ҳаёт

Аннотация. В данной статье анализируются культурное взаимодействие и взаимообогащение народов Хорезмского оазиса в 30-40-х годах XX столетия.

Ключевые слова: культурное сотрудничество, культурная жизнь, культурная связь, концертные программы, дни литературы и искусства, национальный танец, театральное искусство, русификации культуры, духовная жизнь

Abstract. In this article it analyzed cultural influence and enrichment of people of Khorazm oasis in 30-40 s of XX century.

Key words: cultural cooperation, cultural life, cultural links, concerts, literature and art days, national dance, theatre art, russification of culture, spiritual life

Хорезмский оазис всегда был центром межэтнических и межкультурных процессов, что вызвало формирование многовековых исторических и культурных связей, политических союзов и экономических взаимовыгодных отношений. Культура многоязычия - важный элемент при изучении взаимодействия и взаимодействия культур. Например, в Хорезмском регионе нередко, в зависимости от аудитории, сказитель мог исполнять эпос на разных языках — туркменском, узбекском, каракалпакском, что, несомненно, способствовало обогащению устно-поэтической культуры этих народов, углублению содержания эпических произведений, расширению творческого поиска сказителей. Бала бахши (Курбанназар Абдуллаев), Суйеу баксы при исполнении героического эпоса «Гороглы» легко переходит с одного языка на другой. Курбанбай Таджибаев почти все свои дастаны (их более 20) мастерски исполнял на каракалпакском и узбекском языках.

Культурное сотрудничество Каракалпакстана и Хорезма усилилось после вхождения ККАССР в состав Узбекистана в декабре 1936 г. Оно нашло отражение во многих публикациях периодики того времени. Например, в газете «Инкилоб куяши», выходившей в Хорезмской области, систематически освещалась культурная жизнь Каракалпакстана, появлялась информация о культурных связях двух соседних народов. Так, 16 марта 1936 г. в газете «Инкилоб куяши» была помещена информационная статья о привлечении 60 тыс. взрослых в школы ликбеза и малограмотных в Каракалпакстане. Газета также сообщала, что были организованы курсы стенографистов в Каракалпакстане, куда были приняты 12 женщин [1]. 10 января 1937 г. в газете «Инкилаб куяши» была опубликована статья «В соседней Каракалпакии», где были комментарии постановлению Совета Народных Комиссаров Каракалпакской АССР об организации районных театров в Шаббазе, Кунграде, Чимбае, Кипчаке, Ходжейли и Муйнаке[2] На следующем номере «Инкилаб куяши» сообщала о создании районных спорткомитетов в Турткуле, Чимбае, Куйбышеве и Муйнаке. Также публиковались информации о различных концертных программах представителей каракалпакского искусства в Хиве.

В 1935 г. были записаны мелодии и песни Мадрахима Якубова (Шерази) на пластинках. Мадрахим Якубов принимал активное участие в организации и проведении декады литературы и искусства Узбекистана в Москве в 1937 г., был награжден орденом «Знак Почета». В это же время начал свою деятельность Камилджан Атаниязов. За высокое мастерство в национальном танце в этом же году был награжден орденом «Знак Почета» мастер искусств Рахим Аллабергенов. За мастерство резьбы по дереву хивинский мастер Ата Палванов получил «Золотую медаль» на Парижской ярмарке в том же году.

В феврале 1937 г. киностудия «Узбекфильм» выпустила звуковой документальный очерк «Советская Каракалпакия». Впервые с экрана зазвучала каракалпакская речь. Фольклорист Е.Е.Романовский и музыкант Ильяс Акбаров возглавили экспедицию в Хорезм и записали у знаменитых народных музыкантов и певцов классические мотивы «Наво», «Дугох», «Ирок», «Бузрук», «Раст», «Сегак», «Панджгах» [3].

В 1939 г. вышли в свет книги Е.Е.Романовского «Узбекские народные песни», «Хорезмская классическая музыка»: в этих сборниках были помещены записи музыки и текстов более 150 узбекских народных песен и большое количество хорезмских макомов. Еще раньше в сентябре-октябре 1935 г. мотивы «Феруза», «Сувара», «Эшбой», «Авазим», «Ма-ма-ма». «Санам», «Мустоизод», «Гулупари», «Илгар», «Третья Сувара», «Секгах Упар», «Маври», «Румолим» в

исполнении Матюсуфа Харратова, Мадрахима Якубова, Матякуба Атаджанова, Сафа Мугани, Хаджихан Балтаева были записаны на пластинки в Ташкенте.

Благодаря культурному взаимовлиянию и взаимообогащению выросли замечательные актеры сцены Ражабиби Байжанова, Уразгул Гаипова, Махмуджан Сафаев, Рахим Аллабергенев, Анабиби Ачилова, Каландар Байжанов и многие другие. В это время сложилась традиция показательных концертных программ деятелей культуры и искусства. Например, 14-16 ноября 1936 г. была показана программа интернационального концерта делегатам III съезда Советов ККАССР с участием представителей Каракалпакстана и Хорезма, где в программу выступления был включен ряд номеров узбекской сцены, особенно хорезмские мотивы: «Кўнгилли ёшлар», лафар «Яр-ярахан», «Лазги», «Кураш», «Ганджи-карабаг» (С.Муганни), «Суvara», «Гул ўйини», «Лихирадж». Песни, танцы и музыка на каракалпакской сцене появились благодаря исполнению Тохта Рахмановой, Зауре Исраиловой, С.Джуманиязову, И.Исраилову, Дж.Машарипову [4].

Примечательно, что во время вхождения Каракалпакстана в состав Узбекистана шла подготовка к Декаде литературы и искусства Узбекистана в Москве. С сентября 1936 года в Хорезме началась подготовка к этой Декаде [5]. Каракалпакская и Хорезмская делегация 21-31 мая 1937 г. приняла участие в Декаде узбекского искусства и литературы в Москве. 30 мая транслировался большой концерт из Москвы для отважных завоевателей Северного полюса, где приняли участие Халима Насырова и Тамараханум. 31 мая было принято постановление Совета Народных Комиссаров СССР о дополнительных капиталовложениях в развитие искусства Узбекистана. Дополнительно из союзного бюджета для этих целей выделялось 10 млн. рублей. В этот же день почетное звание «Народная артистка СССР» присвоено Халиме Насыровой.

Культурные связи особенно ярко проявились в театральной жизни Хорезма и Каракалпакстана. В Каракалпакстане развитию театрального искусства уделялось особое внимание [6]. В апреле 1936 г. Касым Авезов был назначен начальником Управления по делам искусств при Совнарком Каракалпакской АССР и по его инициативе колхозные театры Каракалпакстана и Хорезма снабжались репертуарными сборниками пьес, среди которых были «Аршин малалан», «Халима» и др. В 1938 г. Ходжейлинский колхозный театр поставил «Хорезм басмачилари» (А.Ниязов), «Узун кулак ота», «Ак алтын» (А.Маджиди), «Караул кыз», «Танишиш кечаси» — всего 10 пьес. В репертуаре театра были также песни: «Кассам» (Девани), «Ишланглар» (Курбани), «Сизмисиз» (Маджиди), «Румалим» (С.Муганни), «Шайи румал» (Курбан сазчи), «Суvara», «Ганджи карабаг», «Лазги» [7].

С 1931 г. начинается новый подъем развития театрального искусства в Хорезме. В этот год был образован узбекский драматический и концертный театр в Ургенче, который тогда еще назывался Ургенчским районным государственным театром, который возглавлял Отаджон Жуманиёзов. В 1934 году для поднятия данной сферы в Ургенч из Ташкента были командированы Тамара ханум, композитор Пулат Рахимов, режиссер Зухур Кабулов. Это дало большой импульс развитию театра. Хорезмские пляски в исполнении Тамары ханум «Катта ўйин», «Пила», «Хоразмча», «Нарим-нарим» продемонстрировали высокий уровень хорезмского танцевального искусства. Под руководством Тамары ханум Хорезмский театр осуществил постановку спектаклей «Лейли и Меджнун», «Фархад и Ширин», «Гулсара», «Аршин малалан». Тамара ханум, Рахим Аллабергенев, Раззак ата, Матякуб Искандаров поставили на сцене около 30 хорезмских танцев [8].

В декабре 1936 г. Зухур Кабулов был назначен главным режиссером государственного театра Каракалпакской АССР. Он пригласил из Ташкента и Ургенча актеров и актрис: Р.Османову, И.Касымову, Г.Гуламову, А.Шакирова, П.Давлетеву, Р.Исаходжаева. В распространении искусства Хорезма большую роль сыграл Юлдаш Шарипов. Он внедрил стиль хорезмских маскарпазов Утемурата, Сапа сазшы, Кудена Кутлыева, освоил «Лазги», «Арзайым хан», «Джилли порхан» («Бесноватый порхан»), «Саудагер», «Кассап Хатар» («Жадный мясник»), «Шаштарез» («Парихмахер»), «Аразман», «Нарым-нарым», «Каншыгар» [9]. Другой актер Жийен Машарипов также глубоко освоил искусство Хорезма. Рецензенты не поняли этот стиль взаимовлияния искусств хорезмийцев и каракалпаков и написали отрицательный отзыв на спектакль «Хэксиллер» (Ж.Аймурзаева) [10]. Тем не менее, в общественно-политической литературе ярко проявляется и тенденция русификации культуры. Влияние русской культуры в эти годы было очень сильно [11].

Совет народных комиссаров Узбекистана 23 декабря 1938 г. в постановлении «Об улучшении культурно-бытового обслуживания трудящихся ККАССР и Хорезмской области» обязал «СНК ККАССР и Оргкомитет ЦИК УзССР по Хорезмской области в течение 1939 и 1940 г. полностью закончить ликвидацию неграмотности среди населения. Обязать Управление по делам искусств не позже 1 января 1939 г. укомплектовать Ургенчский областной узбекский театр режиссером и литературным переводчиком. В 1939 г. осуществить переподготовку всех режиссеров колхозных театров Хорезмской области и ККАССР и укомплектовать режиссерами колхозные театры. Подготовить режиссеров самодеятельных кружков в количестве 30 человек по ККАССР и 25 человек по Хорезмской области [12]. В ходе выполнения пунктов этого постановления было выявлено по 11 районам Хорезма и Каракалпакстана 71 298 неграмотных и 30 559 малограмотных людей [13].

В подготовке кадров для Каракалпакстана и Хорезма оказывали непосредственную помощь русские, узбекские, татарские, казахские специалисты. Проявлением этой помощи явилась и

подготовка путем обучения представителей Каракалпакстана и Хорезма в высших учебных и средних специальных заведениях страны, а также и приезд педагогов. Например, только в 1930 году в САГУ и САКУ обучались 434 узбека, 93 туркмена, 83 таджика, 134 казахов, 17 каракалпаков и других национальностей. Так, проводниками культурного сотрудничества народов Хорезмского оазиса в 1930-1940-е годы были писатели и поэты, государственные деятели: Курбан Берегин и Касым Аvezов, Абу Кудабаяв и Умар Курбани, Сейфулгабит Мажитов и Сафа Муганий, Саиб Назарий и Дурды Клыч, Абдираман Утепов и Давлат Ризаев, Асан Бегимов и многие другие.

Таким образом, всё это позволяло не только усилению интеграции и улучшения межнациональных отношений, но укреплению межнациональных культурных связей как на уровне институтов культуры, так и на уровне дружеских личностных отношений.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Инкилаб куяши, 1936, 16 марта
2. Инкилаб куяши, 1937, 10 января
3. Олимбаев К., Ахмедов К. Узбекистон халк созандалари. Тошкент, 1959. — С. 68.
4. Сабиров А.С. Развитие советской культуры народов низовьев Амударьи 1928-1940 гг. Нукус, 1984. — С.148
5. Инкилаб куяши, 1936, 30 сентября
6. Собиров О. Хорезм вохаси театрлари. 1917-1941 йиллар. — Т., 1991.- С.115-117
7. Сабиров А.С. Развитие советской культуры народов низовьев Амударьи 1928-1940 гг. — Нукус, 1984 — С.154.
8. Тамара ханум. Менинг ижодим — халк ижоди // Еркин турмуш, 1937, №5. — С.13.
9. Шарипов Ю. Мен остим хэм осемен//Жас Ленинши, 1940, 30 декабря
10. Ойын ба, ойыншык па? // Қызыл Қарақалпақстан, 1935, 29 марта.; Пыжова О.И. Это наше национальное //Театральная жизнь, 1959, №3.
11. Алимova Д.А. История как история. История как наука. В 2-х томах. Т.1. История и историческое сознание. — Ташкент: Узбекистон, 2008. — С.229.
12. Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, ф.1, оп.4, д.2014, л.3.
13. Архив Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, Ф. 1, оп. 4, д. 2014, л.9.

УЎК 329.1/6

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТИ (НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ)

Н.С. Расулова, т.ф.н., доцент, ЎзР Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада сиёсий партиялар шаклланишининг объектив зарурати, уларнинг жамиятдаги функциялари, фуқаролик жамиятининг бош субъекти сифатидаги роли етук олимларнинг назария ва қарашлари асосида таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: ҳокимият, сиёсий қарашлар, фуқаролик жамияти, сиёсий партия, сиёсий гуруҳлар, кўппартиявийлик

Аннотация. В статье на основе теорий и взглядов ученых анализируется объективная необходимость формирования политических партий, их функции в обществе, их роль как главного субъекта гражданского общества.

Ключевые слова: власть, политические взгляды, гражданское общество, политическая партия, политические группы, многопартийность

Abstract: The article analyzes the objective necessity of forming political parties, their functions in society, their role as the main subject of civil society, based on the theories and views of scientists.

Keywords: power, political views, civil society, political party, group of interests, political groups, multiparty.

Партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим унсури (элементи) ҳисобланади. Улар ўзаро рақобат қиладиган сиёсий курслар соҳиблари бўлиб, муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва мақсадларини акс эттирувчи фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Партия тушунчасининг этимологиясига назар ташласак, ушбу атама лотинча “partio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, бўламан, ажратаман деган маъноларни англатади. Қадимги Рим давриданок шундай матал мавжуд: “Partes Caesaris sequi” – “Цезарь партиясига қўшилиш”, яъни ғолиблар тарафида бўлиш. Замонавий италян тилида эса “part” тушунчаси “қисм”, “улуш”, “чизиқ бўлаги”, “томон”, “партия”, шунингдек, “ўйин”, “роль”, “бирон бир фаолиятда иштирок этиш”, “бирон томонда бўлиш” каби маъноларни билдиради. “Сиёсий партия” тушунчаси эса “partito” атамаси билан қўлланилади. Бу маънода, алоҳида гуруҳ, жамиятнинг қисми, мунозара, ўйин, кураш тарафи, бирон бир жамоат иши каби маъноларни билдиради. Лотинча “part” тушунчаси бугунги кунда деярли барча европа тилларига қириб борди, XX асрда эса халқаро терминга айланди [1].

Шундай қилиб, этимология нуктаи назаридан, “партия” деганда жамиятнинг бир қисми, унинг органи, бир гуруҳ одамлар, бирор белгиси атрофида (манфаатларни ҳимоя қилиш, яқдилликни ифодалаш, қўллаб-қуватлаш, умумий мақсадларга эришиш белгиси) бўйича жисплашган, ўзини

жамиятнинг бошқа гуруҳларидан ажратадиган, жадал фаолият ёрдамида ўз қарашлари, қизиқишлари, манфаатларини ҳимоя қилишга, муайян мақсадларга эришишга интилувчи гуруҳни тушунишимиз мумкин.

Сиёсий партияларнинг вазифаси – алоҳида фуқаролар, ижтимоий қатламлар, манфаатдор гуруҳларнинг кўплаб хусусий манфаатларини уларнинг умумий сиёсий манфаатига айлантириш. Партиялар ва сайлов тизими орқали фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки расмий шакл олади. Улар сиёсий ҳокимият механизмининг ишлашида фаол иштирок этади ёки унга билвосита таъсир этади. Партиялар фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати уларнинг аҳолига мафкуравий таъсир кўрсатишидир, уларнинг сиёсий онг ва маданиятни шакллантиришдаги роли ҳам катта.

Сиёсий партиялар икки хил табиатга эга: улар бир вақтнинг ўзида фуқаролик жамиятининг элементи ва давлат механизмининг бир қисми ҳисобланади. Партиянинг илдишлари гуруҳий манфаатлар туғиладиган (юзага келадиган) ва расмийлашадиган фуқаролик жамияти қаърига, айни вақтда, ўзларининг раҳбар инстанциялари орқали давлат ҳокимиятининг механизмига кириб боради, унга фуқаролик жамияти ва давлатнинг икки томонлама алоқа агентидек ноёб сифат бағишлайди [2].

Шундай қилиб, сиёсий партия, аввало, ижтимоий гуруҳдир. Бу шуни англатадики, партия бутун халқнинг ёки жамиятнинг эмас, балки, ушбу сўзнинг лотин тилидан олинган этимологияси ҳам кўрсатиб турганидек, фақат бир қисм аҳолининг манфаатларини ақс эттиради. Айнан шу боис ҳам, профессор Ю.Гамбаров тўғри таъкидлаганидек, жамиятда фақат битта, ягона партия бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай қисм бошқа бир қисм ёки қисмлар бўлишини тақозо этганидек, ҳар қандай партиянинг мавжудлиги унга қарши камида яна бир партия мавжудлигини тақозо этади [3].

Сиёсий партиялар юзага келишининг энг муҳим шarti – манфаатларни жамоа бўлиб очиқ-ошкора ҳимоя қилиш ва сиёсий майдонда ифодалаш (вакиллик) имконининг мавжудлигидир. Немис социологи Роберт Михельснинг фикрича, сиёсий партияларнинг ташкил этилиши идеал мақсадлар мажмуини амалга ошириш, жамоа иродасини шакллантириш учун табиий воситадир. Дастлабки вақтларда партияларга муносабат салбий бўлган. Чунки улар муайян гуруҳлар манфатини ҳимоя қилиб, жамиятни парчалаган ва низолар манбаи бўлиб хизмат қилган [4].

Б.Исаевнинг фикрича, умуман олганда, партия ташкил қилиниши ва кейинчалик сиёсий ташкилий жиҳатдан шаклланиши учун нафақат тегишли объектив шарт-шароитлар мавжуд бўлиши, балки бир қатор субъектив ҳолатлар ҳам пайдо бўлиши талаб этилади.

1) партия ташкил қилиш заруратини юзага келтирувчи субъектив сиёсий манфаатнинг пайдо бўлиши;

2) партияда янги сиёсий бирлашма тузиш учун зарур бўладиган ташкилий ва сиёсий ҳаракатларни бажариш мажбуриятини зиммасига оладиган кадрлар ўзаги, ташаббускор гуруҳнинг мавжуд бўлиши;

3) партиянинг сиёсий стратегиясини, ижтимоий-сиёсий соҳадаги интеллектуал инновацияларнинг ғоявий-назарий палатформасини ишлаб чиқиш эҳтиёжи;

4) партия кадрлар ўзаги ичида партияни жипслаштиришга объектив тарзда хизмат қилувчи шарт-шароитларни яратиш [5].

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, сиёсий партиялар – сиёсий тизимнинг таркибий элементи, фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлиб, сиёсий ҳаётни фаоллаштиради, давлат ҳокимиятининг турли даража ва тармоқлари ўртасида алоқалар ўрнатади.

Партияларнинг пайдо бўлиши жамият таракқиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда сиёсий партиялар, жаҳон тажрибасининг далолат беришича, қанчалик камчиликларга эга бўлмасин, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини ҳисобланади. Улар сиёсий тизимнинг яхлитлиги (бутунлиги) ва барқарорлигини таъминлайди [6].

Аристотель тўғри таърифлаганидек, «инсон – сиёсий мавжудот, шунингдек у – жамоавийликка мойил мавжудот. Инсоннинг нормал турмуш шароитидаги кўп қиррали ҳаётий талабларини қондириши ва унинг бахтга эришиш имконияти айнан бошқа одамлар билан муносабати орқали амалга оширилади» [7]. Дарҳақиқат, инсон сиёсий мавжудот сифатида муайян сиёсий мақсад ва манфаатларга эришишининг кафолати унинг муайян бирлашма, ҳаракат ҳамда гуруҳларга уюшиши натижасидир.

1798 йилдаёқ Т.Жефферсон ўзининг Ж.Тейлорга ёзган хатида шундай деб эътироф этган: “Ҳар бир эркин ва фикрловчи жамиятда қарама-қарши турувчи партиялар, қизгин баҳс-мунозара ва келишмовчиликлар бўлиши лозим – инсон табиати шундай; ва тарафлардан бири кўпинча кўп ёки кам даражада узоқ давом этадиган вақт мобайнида бошқасининг устидан ғалаба қилиши керак. Балки, партияларга бундай бўлиниш бир томон узоқ вақт кузатиб, халққа бошқа томоннинг ҳаракатлари ҳақида хабар бериши учун зарурдир. Аммо бир партия вақтинчалик устунлик қилган даврда бошқа тараф Иттифокни парчалаш воситаларидан фойдаланадиган бўлса, ҳеч қандай федерал ҳукумат ҳеч қачон мавжуд бўла олмайди”. Бундан Жефферсон қуйидаги хулосага келади: “сиёсий партиялар демократия учун ниҳоятда зарур”. Бу гап, Жефферсон фикрича, доимий, бузгунчи, жамиятни толиқтирувчи сиёсий кураш зарурлигини англатмайди. Партиявий кураш сайлов даврида ўзининг чўққисига эришади, аммо у партия дастурини бажариш даврида пасайиши лозим [8].

Инглиз мутафаккири Томас Гоббс (1588–1679.) ўзининг “Левиафан” асарида (1651) партияларнинг ўрни ва роли, функционаллиги муаммосини кўтарган. У давлатнинг антропоморф организм кўринишидаги моделини тузиб, биринчилардан бўлиб жамиятнинг айрим қисмлари, жумладан, партияларнинг функциялари ва ўрнини кўрсатишга уринган. У давлатни улкан инсон танаси кўринишида тасаввур қилган. “Ана шу Левиафанда бутун гавдага ҳаёт ва ҳаракат берувчи олий ҳокимият, шунингдек сунъий руҳ ҳам мавжуд; суд ва ижроия ҳокимиятининг мансабдор шахслари ва бошқа вакиллари – сунъий томирлардир; мукофот ва жазо ... табиий танадаги сингари вазифаларни бажарувчи нервлардир. Бунда улкан инсон сифат Левиафаннинг ўзи қисмлардан, “инсонларнинг ҳокимият остидаги гуруҳлари, сиёсий ва хусусий шахслар” каби кичикрок таналардан иборатдир. Сиёсий бирлашмалар (ёки лигалар)ни ҳам ўз ичига олган ушбу гуруҳлар улкан Левиафан организмнинг “табиий гавдасидаги тегишли қисм ёки мушакларга ўхшаб кетади”, яъни бутун организмни ҳаракатга келтирувчи ўз мушаклар гуруҳларига эга бўлган тана қисмларига ўхшайди [9].

Ўша замондаги аксарият тадқиқотчилар партия сиймосида жамиятнинг фақат бир қисми манфаатларини ифодаловчи худбин гуруҳларни кўришган. Уларнинг фикрича, ушбу манфаатларнинг ҳокимият тузилмаларига йўналтирилиши, уларнинг фикрича, жамиятнинг умумий иродасини, миллий манфаатларини ифодалашга ҳалал берган. Фуқаролик жамиятида партияларни ташкил қилишга ҳар қандай уринишлар унинг душман қисмларга бўлинишига олиб келади, доимий адоват эса жамият ва давлатни кучсизлантиради, анархия ёки тиранияни келтириб чиқаради, деб ҳисоблашган.

Бошқа бир француз олими, тарихчиси ва сиёсатчиси Франсуа Гизо (1817–1874) синфларни эмас, айнан фуқаролик жамиятидаги партияларни унинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблаган. Айни вақтда ҳар бир жамиятда ижтимоий организмнинг тез ривожланиши ва ҳаракатланишига ёрдам берадиган илғор партиялар ҳамда унинг ривожланишини секинлаштирадиган регрессив, консерватив партиялар мавжуд. Францияда партияларнинг ушбу турлари (типлари), унинг фикрича, эски ва янги тартиб партиялари орқали; Англияда – сақловчилар ва прогрессистлар ёки тори, виги кабилар орқали намоён бўлади ва ҳ.к. Бундан ташқари парламентларда муқаррар равишда ҳукмрон ва муҳолиф фракциялар мавжуд [10].

II. Стучка эса шундай деб ёзган эди: “Синфий жамиятда шубҳасиз чинакам ҳокимият – партия. Сиёсий партия – синф ёки синфнинг бир қисмини сиёсий ҳокимият учун ёки ушбу ҳокимиятни ташкил қилиш учун уюштириш. Айрим буржуа олимлари (Г. Мейер) сиёсий партияга ҳатто юридик шахс мақомини беришади, бошқалари эса уни, лоақал, давлат ҳаётининг расмий омили деб эътироф этишади. Партияларнинг аҳамиятига биз ҳали яна тўхталамиз, зеро “демократия” партияни ҳокимиятлар тақсмоти схемасига киритмайди; у, аксинча, назариядан ўзининг ана шу реал ҳокимиятини гўёки четлаб ўтади” [11].

Юқорида кўплаб олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турибдики, сиёсий бирлашмалар, партиялар турли сабабларга кўра шаклланади. Улар жамиятдаги маълум бир ижтимоий фарқланиш натижасида, маълум бир қатламларнинг алоҳида иқтисодий ва сиёсий манфаатлари доирасида тузилади. Шунингдек, партиялар халқ ичидаги ижтимоий норозилик оқимида, расмий ҳокимиятга қарши туришида ҳам пайдо бўлади.

Партия – етилган муаммоларни ўз ғоя ва концепцияларига мувофиқ ҳал қилиш учун давлат ҳокимиятидан фойдаланишга интилувчи барқарор жамоат ташкилоти. У бундай ҳокимиятга қисман ёки вақтинча бўлса ҳам эгалик қилишга интилади.

Сиёсий партияларнинг ушбу функцияси тўлиқ амалга ошиши ҳуқуқий давлат мавжудлигига боғлиқ. Фақат ҳуқуқий демократик давлатгина, аслида, ҳуқуқий майдонда сиёсий институтлар ва сиёсий партияларнинг самарали фаолият кўрсатишини ва бундан келиб чиқадиган барча натижаларни таъминлайди. Фуқаролик жамиятининг демократик ва ҳуқуқий институтлари сиёсий партиялар ўзларининг бош вазифасини, яъни фуқаролар, алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг хусусий манфаатларини бирлаштириш, муросага асосланган сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш, электорал (сайлов) базасини ташкил қиладиган турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида воситачи бўлиш вазифасини бажариш учун қулай шароитлар яратади. Сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг таянч конструкциялари (қурилмалари) бўлиб, умумий сиёсий манфаатни кўпроқ даражада шакллантиради [12].

Шундай қилиб, партиявий генезис жараёнларига сиёсий тизим ҳам, жамиятнинг ҳолати ҳам таъсир этади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, партиялар тарихини улар мавжуд бўлишининг аниқ сиёсий шарт-шароитларидан, сиёсий ва сайлов тизимининг типидан (туридан), сиёсий режимдан, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларидан, мамлакат бошидан кечираётган тарихий босқичдан, ижтимоий-иқтисодий вазиятдан, жамиятнинг сиёсий ва умумий маданий ҳолатидан айри ҳолда (ажралган ҳолда) тасаввур қилиб бўлмайди.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Исаев Б. Теория партии и партийных систем. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С.22.
2. Чижов Д.В. Российские политические партии: между гражданским обществом и государством. – М., 2008. – С.53
3. Гамбаров Ю.С. Политические партии в их прошлом и в настоящем. – СПб, 1904. – С.1.

4. Михельс Р. Социология политической партии в условиях демократии (Лейпциг, 1911). Глава из книги «Необходимость организации» // Диалог. – 1990.- № 3. – С.58-59.
5. Основы теории политических партий: Учебное пособие / под. ред. Заславского С.Е. – М.: «Европа», 2007. – С.37–38.
6. Никоненко С.А. Гражданское общество и политические партии: поиск эффективной модели взаимодействия // Вестник ТГУ, вып. 2 (118), 2013. – С.233-238.
7. Аристотель. Соч. В. 4 т. Т. 4. – М., 1983. – С. 380.
8. Джефферсон Т. О демократии. – СПб., 1992. – С. 77–78.
9. Гоббс Томас. Соч.: В 2 т. Т. 2. – М., 1991. – С. 6–7.
10. Гизо Ф. О средствах правления и оппозиции в современной Франции // Классический французский либерализм. – М., 2000. – С. 447–480.
11. Стучка П. Учение о Государстве и Конституции РСФСР. 3-е изд. пересм. (извлечение). – М., 1923 // Allpravo.Ru. 2004.
12. Хуако З.Ю. Политические партии: нравственно-правовое измерение // Вестник Адыгейского государственного университета, 2014. www.cyberleninka.ru

УЎК 93/94

СССР ДАГИ “ИЛИҚЛИК” ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ

Ш.Т. Рашидов, таянч докторант, Ўзбекистон ФА Тарих институти, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда XX аср 50-йилларида рўй берган ижтимоий жараёнлар илмий адабиётлар орқали таҳлил қилинади. Тадқиқотда СССРдаги “илиқлик” ва унинг республика ҳаётига таъсири, маҳаллий раҳбар-кадрларнинг бу жараёнлардаги иштироки масалалари очиқ берилган.

Калит сўзлар. “Илиқлик”, МКнинг 1953 йил июль ойидаги Пленуми, КПСС XX съезди, Ўзбек ривўзларининг I съезди, “шахсга сизиниши”, қатагонларнинг оқланиши

Аннотация. В данной статье на основе научных работ анализируются общественные процессы происходившие в 50-х годах XX века в Узбекистане. В исследовании раскрывается «оттепель» в СССР и его влияние на жизнь республики, участие местных руководителей в этих процессах.

Ключевые слова. «Оттепель», Пленум ЦК в июле 1953 г., XX съезд КПСС, «культ личности», реабилитация репрессий

Abstract. This article analyzes the social processes that took place in the 50s of the XX century in Uzbekistan on the basis of scientific works. The study reveals the “thaw” in the USSR and its impact on the life of the Republic, the participation of local leaders in these processes.

Keyword. “Thaw”, Central Committee Plenum in July 1953, XX Congress of the CPSU, “cult of personality”, justification of repression

Долзарблиги. Собиқ иттифокнинг XX аср 50-60-йилларидаги тарихи кўпгина тарихчи ва сиёсатчилар томонидан “илиқлик” даври ёки “Хрушчёв илиқлиги” деб номланади. Никита Хрушчёвнинг 1953 йилдан 1964 йилгача КПСС МК биринчи секретари лавозимида фаолият юритган йиллар кўпгина сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар билан характерланади. Мазкур ўзгаришлар Ўзбекистон ССР ҳаётида ҳам ўз аксини топган. Гарчи, бу даврда республика аҳолисининг турмуш тарзида кўплаб ижтимоий муаммолар сақланиб қолган бўлсада, айрим ижобий тенденциялар ҳам кузатилди.

Н.Хрушчёвнинг 1953 йил сентябрдаги КПСС МК пленумидаги қишлоқ хўжалигини қайта ислох қилиш дастури тўғрисидаги фикрлари, 1956 йил февраль ойидаги КПССнинг XX съездидаги маърузалари “илиқлик” даври моҳиятини очиқ беришда муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси.

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Натижалар

“Илиқлик” тушунчасининг муомалага кириб келишида ўша даврда яшаб ижод этган рус ёзувчиси ва журналисти Илья Григорьевич Эренбургнинг машҳур ҳикояси сабаб бўлди. Сталин вафотидан кейин 1954 йилда И.Эренбург томонидан “Илиқлик” (“Оттепель”) номли ҳикоя ёзилади ва “Знамя” журналининг май ойидаги сонидан чоп этилади.

Бу ҳақда тўхталар экан, Сергей Хрушчев (Никита Хрушчевнинг ўғли – Ш.Рашидов) шундай дейди: “Маълумки, “Хрушчев ренессанси” Илья Эренбург томонидан “Знамя” журналининг май ойида эълон қилинган ҳамда 1954 йил октябрда 140 саҳифадан иборат ҳолда босилиб чиққан “Илиқлик” ҳикояси билан машҳур бўлди. Эренбургнинг шарофати билан Хрушчевнинг ислохотлари, яъни унинг 1953 йилдан 1964 йилгача бўлган раҳбарлик фаолиятини ўз ичига олган ўн йиллик “илиқлик” дея номланди” [1, 193].

1953 йил КПСС МК биринчи секретари этиб тайинланган Н.С.Хрущёв мамлакатда бир қатор ислохотларни амалга оширишга киришади. У дарҳол республикалар, ўлкалар, областлар бўйлаб сафарларга чиқиб, қишлоқ аҳолиси, ишчилар билан мулоқот қилишни бошлади. Н.Хрущёв 1954 йил ноябрда Тошкентга ташриф буюриб, пахтачилик соҳасини ривожлантириш масалаларини кун тартибига қўяди. Қайд этиш лозимки, бу СССР раҳбарларининг биринчи бор Ўзбекистонга келиши эди. Н.Хрущёв Ўзбекистонда пахтачилик соҳаси мутахассислари билан учрашиб, пахтани етиштириш, териб олишдаги муаммоларга эътибор қаратади.

1955 йил 19 декабрда Хрущёв Тошкентга иккинчи бор ташриф буюради. Н.С.Хрущёв ва Н.А.Булганини (СССР Министрлар Совети раиси) Тошкент меҳнаткашларидан 500 минг киши кутиб олди [2]. Бу ерда Н.Хрущёв Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгашида иштирок этади. Мазкур ташрифлар Ўзбекистонни пахта етиштирувчи асосий мамлакатга айланишини янада тезлаштирди.

Бу даврда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида Амин Ниёзов (1950-1955 йиллар), Нуриддин Муҳитдинов (1955-1957), Собир Камолов (1957-1959) ҳамда Шароф Рашидовлар (1959-1983) фаолият кўрсатди.

“Илиқлик” даври моҳиятини очиб берувчи асосий жиҳат “шахсга сиғиниш”нинг инкор этилиши бўлди, деб айтиш мумкин. Хрущёвда ҳокимиятга келган дастлабки йиллардаёқ Сталин шахсига сиғинишни бекор қилиш ҳақидаги режалари мавжуд эди: “МКнинг 1953 йил июль ойидаги Пленумида Хрущёв “шахсга сиғиниш”га қарши эканлигини яққол кўрсатган бўлсада бу борадаги фикрларини маълум қилишга шоямайди. Ўзининг “шахсга сиғиниш” борасидаги қарашларини кечроқ, яъни КПССнинг XX съездида билдиради” [3, 106].

1956 йил февраль ойида КПССнинг XX съезди бўлиб ўтди, унда шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларига алоҳида эътибор қаратилди. Н.Хрущёв бошчилигидаги партия сиёсий раҳбарияти мамлакатда ва социалистик лагерга аъзо бўлган мамлакатларда авторитети нуфузли бўлган И.Сталинни қаттиқ танқид қилди. Съезд Сталин шахсига сиғиниш ҳолатини ва унинг оқибатларини қоралади (4, – Б.106). Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, партия нафақат Сталин шахсига, балки умуман олганда шахсга сиғинишнинг барча кўринишларини танқид қилди [5, 8].

Лекин шахсга сиғинишни фош қилиш ва қоралаш, яъни зиддиятли тарихий жараёнларга баҳо бериш “синфий ёндашиш” доирасида амалга оширилди. СССР тарихида XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида, айниқса, 30-йилларда рўй берган хатолар ва фожеалар, сиёсий қатағонлар совет сиёсий режимига эмас, балки Сталинга юклатилди. Шубҳасиз, Сталин ва унинг атрофидагилар Ўзбекистонда ер-сув ислохоти ва жамоалаштиришни амалга оширишганда, ўзбек зиёлиларини, миллий сиёсий арбобларни ва оддий инсонларни оммавий қатағон қилишда фожеавий роль ўйнаган [4, 107].

Қайд этиш лозимки, “илиқлик” даврининг муҳим жиҳатларидан бири қатағон қилинганларнинг окланиши бўлди. Бу ҳақида Ўзбекистон Компартияси биринчи секретари Нуриддин Акрамович Муҳитдинов ҳам ўз эсдаликларида қайд этган. У 1954 йилда Москвада Н.Хрущёв билан учрашиб, қатағон қилинганларни оклаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш истагини билдиради. Н.Хрущёв унинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, унга ёрдамлашиш учун П.Н.Поспеловга топшириқ берганини эслайди: “Пётр Николаевич, менинг хузуримда Тошкентдан келган Н.Муҳитдинов ўтирибди. Уни танийсиз. У 30-йилларда қатағон қилинганларнинг ишлари билан қизиқади. Фикримча, тўғри қилади. Сиз ўттиз еттинчи йил ёзида Икромовнинг (Акмал Икромов – Ш.Рашидов) иши кўрилган Сиёсий Бюро мажлислари баёнини кўриб чиқишда унга ёрдамлашинг” [6, 155].

1956 йил февралда бўлиб ўтган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съездида қатағон қилинганлар номини оклаш ишлари билан Хрущёвнинг махфий топшириғига асосан П.Н.Поспелов шуғулланган. “XX съезд бошланишидан олдин, 1956 йил 8 февралда “Поспелов комиссияси” МК Президиумига ўтмишда қатағон қилинганларнинг кўп сатрли ҳисоботини тақдим этади” [3, 155].

1956 йил октябрда Ўзбекистон зиёлиларининг I қурултойи бўлиб ўтди. 30-йилларда қатағон қилинганларнинг аксариятини айнан зиёлилар – давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, илмий соҳа вакиллари ташкил этгани учун ҳам ушбу қурултойнинг асосий моҳияти қатағон қурбонларини оклашга йўналтирилади. Н.Муҳитдинов ўша пайтдаги вазиятни эслар экан: “Қатағон қурбонлари ҳақида матбуотда кенг тарзда гапирилмас, баъзан қисқа ахборотлар бериларди. Зиёлилар съездида биз бу ҳақда мамлакатда биринчи бўлиб, очик айтишга қарор қилдик” [6, 268]. Ушбу қурултойда – Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Акмал Икромов каби жадиждларнинг номлари илк бор тилга олинади.

Шунингдек, XX съездда мамлакатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта аҳамият қаратилади. Ўзбекистон ССР олдига ҳам қатор вазифалар жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 1,6, электр энергия ишлаб чиқаришни 1,6, кўмир қазиб олишни 2,4, нефть ишлаб чиқаришни 1,5 ҳамда цемент ишлаб чиқаришни 3 баробарга ошириш юкланади [7, 528].

Пахтачилик билан боғлиқ соҳалар хусусан, янги электр станциялари қуриш режалаштирилади. Қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифа пахтачиликни ривожлантириш ҳисобланар эди. 1956 йил сентябрдаги Ўзбекистон компартияси МК пленумида Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ масалалар кўрилади. 1956 йилда Мирзачўлни ўзлаштириш учун 53 млн. рубль маблағ ажратилади. Бу 1955 йилда ажратилган маблағдан 12 млн. рубль кўп эди [7, 531-532].

Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ижобий натижаларга олиб келсада, аҳолининг ижтимоий ҳаётида бу ўзгаришлар оғир асоратларни намоён этди. Хусусан, республика аҳолисining турар-жойга бўлган эҳтиёжлари кескин ошиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири, саноатни ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилиб, турар-жой фондиди яхшилаш масаласига етарли эътибор қаратилмади. Иккинчидан, саноат ривожини шаҳарларда аҳолининг сезиларли равишда ошишига олиб келди. Бу омил ўз навбатида шаҳарларда янги турар-жой биноларини қуришни тақозо этди.

Ўзбекистонда ҳам мазкур муаммони ҳал қилиш долзарб масалалардан саналар эди. Бу ҳақда 1957 йил 30-31 август кунлари ўтказилган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг V пленумида ҳам маълум қилинди. Пленумда Н.Муҳитдинов нутқ сўзлаб, Ўзбекистон ССРда уй-жой қурилишини кенгайтириш соҳасидаги асосий вазифаларни белгилаб беради: “Республикада уй-жой фонди анча ўсганига қарамай, шаҳарларда уй-жойга бўлган эҳтиёж жуда катта. КПСС Марказий Комитети ва СССР министрлар Совети 1956-1960 йилларда Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, ишчи поселкаларида, МТС ва совхозларда давлат йўли билан уй-жой қурилишини 3 миллион 900 минг квадрат метр ҳажмида ва яқка тартибда уй-жой қуришни 3 миллион квадрат метр ҳажмида белгилади. Беш йил ичида жами 7 миллион квадрат метрга яқин уй-жой ёки сўнги 29 йил мобайнида қурилган уй-жой миқдорига етиб қоладиган даражада уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилади” [8].

Республикада турар-жой қуриш кўламининг кенгайиши аҳолининг ижтимоий ҳаёт тарзи яхшиланишига, шаҳарсозликнинг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлди. Бу каби ишлар самараси ўлароқ, 1955-1964 йиллари шаҳарларнинг уй-жой фонди 80%га кўпайди. Масалан, Ўзбекистонда 1958 йили 2105 минг кв.м. – 1956 йилдагига нисбатан уч мартадан кўпроқ уй-жой қурилди [9, 90].

1960 йилга келиб аҳолининг турмуш шароитлари ўтган йилларга нисбатан бир мунча яхшиланди, ижтимоий-маиший ҳаётида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Ўзбекистон Компартиясининг XV съездида нутқ сўзлаган Шароф Рашидов юқоридаги жараёнларни қуйидагича изоҳлайди: “Халқнинг турмуш даражаси ошганлигини шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, 1955 йилдагига қараганда 1959 йилда республика аҳолисига радио моллари 2,9 баробар, тикув машиналари 2,6 баробар, мебель жиҳозлари 2,3 баробар, музлаткичлар 4 баробар, кир ювиш машиналари 9 баробардан зиёдрок кўп сотилди” [10].

“Иликлик” даврида СССРда таълим тизимини ислоҳ қилиш бошланади. Таълим тизимидаги муаммолар айниқса умумий ўрта таълим босқичида яққол кўзга ташланар эди. Шунинг учун “1954-1955 йилларда бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда уларни ижтимоий фойдали ишларга йўналтириш, ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантириш эҳтиёжи юзага келади. 1954-1955 ўқув йилидан бошлаб ўқув режаларига ўзгартиришлар киритилади: 1-4 синфларга меҳнат фани, 5-7 синфларга устахоналарда амалий машғулотлар, 8-10 синфларга машинасозлик, электротехника ва қишлоқ хўжалигига оид фанлар киритилади. 1955 йилдан қишлоқ ҳудудларида ўқув ишлаб чиқариш бригадалари яратилади” [11].

Таълим тизимидаги ўзгаришлар Ўзбекистондаги ўрта таълим мактабларида ҳам кўзга ташланган. Қайд этиш лозимки, 1940 йилда республикада 5448 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлган бўлса, 1960 йилга келиб уларнинг сони 7511 тага етади [4, 109].

1961 йилда Ўзбекистон ССРда 30 та олий ва 75 та махсус ўрта ўқув юртлари фаолият юритиб, уларда 154 мингга яқин талаба таҳсил олган. Олий таълим муассасалари ва махсус ўрта ўқув юртларида 8 мингдан кўпроқ ўқитувчилар ишлаган. Ўша вақтда республикада жами 149 нафар фан доктори, 1500 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатган.

Ижтимоий соҳада хусусан, таълим тизимидаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам яққол кўзга ташланди. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаси республиканинг оғрикли нуқталаридан бири бўлиб қолди. Ўша даврда тиббиёт институтлари, билим юртлари очилиб фаолият кўрсатганига қарамадан, республикада 4 минг врач ва 14 минг нафар ўрта тиббиёт ходимлар етишмаган, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қоникарсиз ҳолатда бўлган [4,109].

“Иликлик” даврида маданият ва санъат соҳасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Санъат ва ижод намуналари мазмунида эркинлик, янгича қарашлар кўзга ташлана бошлади. Айниқса, бу давр кино саноатидаги туб ўзгаришлар билан характерланади. Бунга мисол тариқасида Тошкентда 1957 йилнинг 20 августидан 3 сентябригача давом этган Осиё ва Африка мамлакатларининг кинофестивалини келтириш мумкин. Фестиваль Осиё ва Африка мамлакатлари кино санъатининг асарлари билан ўзаро танишиш, икки китъа ўртасида маданий ҳамкорликни, дўстлик ва тинчликни кучайтириш мақсадида ташкил этилади. Фестивалда Осиё ва Африканинг қуйидаги давлатлари: Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Мўғилистон Халқ Республикаси,

Вьетнам Демократик Республикаси, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Бирма, Покистон, Япония, Таиланд, Цейлон, Тунис, Марокаш (12) каби давлатлардан вакиллар иштирок этади. Кинофестивалнинг аҳамияти шунда эдики, юртдошларимиз Осиё ва Африка мамлакатларининг кино санъати, уларнинг маданий ҳаёти ва турмуш тарзи билан кенг танишиш имкониятига эга бўлишади.

“Илиқлик” даври Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим салбий жиҳатлар билан ҳам характерланади. Бу айниқса, театрлар фаолиятида яққол кўзга ташланди. “Лекин профессионал театрлар сони шу даврда 45 тадан 20 тагача қисқарди, бунинг сабаби, театр фаолияти ва репертуарлари устидан кучли мафкуравий назоратнинг кучайиши натижасида уларнинг бир қисми ёпилган ёки бир-бирига қўшиб юборилган” [4, 109].

Бундан ташқари, 1958 йил октябрь ойида Тошкент яна бир йирик анжуман – Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференциясига мезбонлик қилди. Унинг очилиш маросимида СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияси раиси, Марказий Комитет Президиуми аъзоси Н.Мухитдинов нутқ сўзлаб, бадиий адабиётнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапиради: “Халқимиз адилларни киши руҳиятининг муҳандислари деб атайдими. Бу жуда ўткир гап. У ёзувчиларнинг олижаноб фаолиятидаги асосий вазифани, чунончи – кишилар онгини шакллантириш, уларни халқлар озодлиги ва бахт-саодати учун қатъий, саботли кураш олиб бориш руҳида тарбиялаш вазифасини характерлайди” (13).

Бироқ марказ томонидан кадрлар сиёсатида айниқса, маҳаллий кадрларни лавозимларга тайинлаш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмади. “Шунинг учун бу даврда ҳам маҳаллий ўзбеклар орасидан раҳбар ходимларни тайёрлаш жуда қоникарсиз ҳолатда бўлган. Ўзбекистон Компартияси МК номенклатурасига кирган хизматчилар таркибида ўзбеклар атига 44,4 фоизни ташкил қилган, холос. Айрим партия ва хўжалик аппаратида ўзбеклар сони жуда кам ёки умумат йўқ эди” [4,109].

Хулосалар. Умуман олганда, “Илиқлик” даврида Ўзбекистон ижтимоий, иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришлар кузатилди. СССРда кечган “илиқлик” Ўзбекистонда аҳолини турар-жой билан таъминлаш, таълим, маданият ва санъат соҳаларидаги ислохотларга таъсир қилди. Қатагон қилинганларнинг оқланиши ва шахсга сиғинишнинг инкор қилиниши маданий-маърифий жабҳаларда янги қарашларнинг пайдо бўлишига туртки берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хрущев С. Никита Хрущев. Реформатор. Серия «Трилогия об отце». Москва: Время, 2010.
2. Қизил Ўзбекистон, 1955 йил 20 декабр.
3. Пихоя Р. Советский союз: История власти 1945-1991. –Новосибирск: Сибирский хронограф, 2000.
4. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939 – 1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O'zbekiston”, 2019.
5. Оттепель 1957-1959. Страницы русской советской литературы. / Сост., автор “Хроники важнейших событий” С. И. Чупринин. — Москва: Моск. рабочий, 1990.
6. Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995.
7. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. –Ташкент: “Узбекистан”, 1974.
8. Нуриддин Мухитдиновнинг 1957 йил 30 августда қилган маърузаси // Қизил Ўзбекистон. №208. 1957 йил 1 сентябрь.
9. Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
10. Шароф Рашидовнинг 1960 йил 11 февралда қилган маърузаси // Қизил Ўзбекистон. №35. 1960 йил 11 февраль.
11. <https://rabkrin.org/pyizhikov-a-v-reformirovanie-sistemyi-obrazovaniya-sssr-v-period-ottepeli-1953-1964-gg-statya/>
12. “Қизил Ўзбекистон”, 1958 йил, 20 август.
13. “Қизил Ўзбекистон”, 1958 йил, 8 октябрь.

УЎК 93/94

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

А.Саитқасимов, доц., ф.ф.д., Жиззах Давлат педагогика институти, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиё мутафаккирларининг тарихда жамиятимиз давлатчилиги анъаналарида инсон ва жамият ўртасидаги узвий муносабатларни рўйбга чиқариш борасидаги гоялари илмий таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: жамият, давлат, Марказий Осиё, фуқаро, ижтимоий, масъулият, фаоллик, ҳуқуқ, манфаат, муносабат, ижтимоий адолат

Аннотация. В данной статье научно анализируются идеи центральноазиатских мыслителей в истории государственных традиций нашего общества о реализации целостных отношений между человеком и обществом.

Ключевые слова: общество, государство, Центральная Азия, гражданин, социальная ответственность, активность, закон, интерес, отношение, социальная справедливость

Abstract. *This article scientifically analyzes the ideas of Central Asian thinkers in the history of the state traditions of our society on the realization of the integral relationship between man and society.*

Keywords: *society, state, Central Asia, citizen, social, responsibility, activity, law, interest, relations, social justice*

Жамиятимизда олиб борилаётган маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотлар тарихий меросимиз, миллий кадриятларимиз ва оламшумул анъаналаримизни қайта тиклаш, уларни келгуси авлодларга қолдириш борасидаги ишларни самарали амалга оширишга катта замин яратмоқда. Бундай кенг қамровли фаолиятнинг энг муҳим чора-тадбирлари ва натижалари ўтмишда илм-фан ва маърифатда улкан из қолдирган, халқимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнаган буюк алломаларимизнинг даҳосини ўрганиш ва тафаккур зиёсини чуқур тарғиб қилишдек муҳим ишларда ўз аксини топмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев, “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз - ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиған, қийинчиликдан қўрқмайдиған, адолатни қадрлайдиған, азму шижоатли, буюк халқмиз” [1] деб таъкидлаб, ўтмиш ва бугунги кун маънавий кадриятларининг уйғунлигини эътироф этади.

Минтақамиз буюк давлатчилик ва ижтимоий-сиёсий анъаналарга эга бўлиб, юртимиз тупроғида яшаган хукмдорлар, сиёсий арбоблар, мутафаккирлар, донишмандларнинг жамият ва инсон муносабатлари ҳақидаги қарашлари салмоқли бўлган. Алломаларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳозирги кунда бизнинг давлатчилик асосларимизни қуришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Марказий Осиё мутафаккирларининг сиёсат ва сиёсий муносабатларга доир қарашлари улар яшаган давр ва муҳит билан бевосита боғлиқ бўлиши билан биргаликда, жамиятнинг узок келажакдаги истиқболини ҳам ўзига хос тарзда ёритишга ҳаракат қилинган эди. Уша даврдаги сиёсий тартиблар, идора қилиш усуллари, давлат тузилиши, инсон камолоти, аҳоли билан мулоқот алломалар ижтимоий-сиёсий қарашларида ўз аксини топган.

Мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳар бир макон ва замонда жамият ҳамда инсон маънавий такомилнинг муҳим омиллари билан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Профессор С.Каримовнинг таъкидлашича, “Ижтимоий фикр тарихининг ҳозирги даврдаги аҳамияти ҳақида гап кетар экан, аввало бу таълим сифатида шарққа хос бўлган давлатни бошқариш, сиёсатни амалга ошириш, демократиянинг ҳуқуқий кенгайтирилган функционал шакллари берилиши ва уларнинг тамойиллар сифатида баён қилиниши ҳуқуқий демократик давлат қураётган бизнинг мамлакатимиз ва қолаверса, бутун шарқнинг мустақил мамлакатлари сиёсий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга” [2,446].

Мутафақир Абу Райҳон Беруний ўз даврида жамият аъзоларининг ягона маслак атрофига жипслашиши, инсон ва жамият манфаатлари учун фаол бўлиш, ватанда душманлар ва бошқа хавфларга нисбатан бир ёқадан бош қақариб ҳаракат қилиши лозимлиги тўғрисида айтган эди. Мутафақир кишиларнинг жамиятда мавжуд эҳтиёжлари боис жамоа бўлиб, бир-бирига ўзаро ёрдам асосида яшаши лозимлиги тўғрисида шундай ёзади: “Инсон унда кўплаб эҳтиёжлар мавжудлиги, ўзини ҳимоя қилиш усуллари камлиги ва душманларининг кўплиги боис ўзига ўхшаш кишилар билан ўзаро кўмаклашиш ҳамда бошқаларни таъминлашга қодир ишларни амалга ошириш учун жамиятда бирлашишга мажбур бўлади” [3,83].

Форобий эса, инсонлар бир-бири билан аҳил жамоа бўлиб бирикиб, ягона маслак асосида яшаганларидагина кўзланган мақсадларига етишиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг қарашларида ғоялари инсонларни ижтимоий жиҳатдан бирдамликка чақариши, бир-бирига ўзаро ёрдам бериб яшаш ғоялари илгари сурилиб, фуқароларни жамиятда ижтимоий масъулиятини юқори бўлишига қаратилган эди. Мутафақир жамиятда кишилар ўзини-ўзи тарбиялаши, ахлоқ ва ҳуқуқий нормаларга онгли тарзда итоат этиши, шахснинг жамият, ижтимоий тузумнинг эса, шахс олдидаги бурчлари ҳамда жавобгарликларининг шаклланиши ва унга амал қилиниши лозимлиги борасидаги оламшумул назарияларни илгари сурган эди.

Мутафақирнинг таъкидлашича, “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати буйича интилган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради” [4,183].

Инсон ва жамият ўртасидаги теран муносабатлар ҳақидаги қарашлар Ибн Сино илгари сурган илмий ғояларида ҳам кўрсатиб ўтилган. Унинг назарида инсон ижтимоий ҳаёт ва жамоадан ажралган ҳолатда мавжуд бўла олмайди. Аллома инсонни ижтимоий мавжудот сифатида жамиятда маълум вазифаларни бажариши, ижтимоий ҳаёт билан доимий боғлиқ ҳолда истиқомат қилиши ва бунинг эвазига маълум имтиёزلарга эга бўлиши борасида фикрлар айтган. У инсонни ижтимоий ролларни бажариши эвазига жамиятда ўз талаблари, эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириши лозимлиги, бунинг учун у доимий равишда ижтимоий муносабатларга киришиши ҳамда ахлоқий меъёрларга

амал қилиши кераклигини айтиб ўтган. Ибн Сино “Ишорат ва танбихот” асарида шундай ёзади: “Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина уларни қондира олиши мумкин” [5,68].

Мутафаккир Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам инсон ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар борасида фикрлар салмоқли. Асарда кишиларнинг ватанпарвар, бурчга садоқат, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан онгли равишда иш тутиши, ижтимоий фаол бўлиш ҳамда давлат ишида масъулиятли бўлиш каби ғоялар илгари сурилган. Кишининг ижтимоий фаолиятида оқиллик, хушфъллилик, мардлик, сиёсий ва маънавий етуклик каби хислатларини ёқлаб, дағаллик, мутакаббирлик, бахиллик ва жоҳиллик сингари салбий иллатларни қоралайди. Мутафаккирнинг ёзишича, “Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш кишининг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва дунёқарашидан далолат беради. Ҳар бир киши маълум бир нарса ҳақида кўпроқ ё камроқ билади. Бир кишининг назарий билими бўладию, аммо тажрибада уни қўлламаган, бошқа кишининг эса, тажрибаси илми ва билимига ўтган бўлади” [6,97].

Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг салтанат тахтини бошқариш қоидалари ислом дини ва шариат қонунларига риоя қилганлиги, уни қўллаб-қувватлаганлиги, тарғиб қилганлиги, мамлакат устунларини ташкил этган турли табақа ва тоифалар билан биргаликда иш қўрганлиги, тадбиркорлик, фаоллик, хушёрлик, эҳтиёткорлик билан қонунга асосланиб иш юритганлиги, адолат ва инсоф билан иш қўрганлиги, раият, оддий халқ аҳволидан доимо огоҳ бўлганлиги, давлатга садоқат билан хизмат қилганларни хурмат қилганлиги эди. Соҳибқироннинг қайд этишича, “Бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг қатъийлик, сабр чидамлилик, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур. Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур. Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир” [7,10-11].

Улуғ мутафаккир, шоир ва давлат арбоби, Мир Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти халқнинг манфаати, фаровонлиги, эркинлиги, маданий-маърифий тараққиётини таъминлаш ғоялари билан уйғунлашиб кетган. Унинг асрларида ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил, мураккаб муаммолари, фуқаролар турмушининг реал кўринишлари фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мукамал ифодаланган бўлиб, даврнинг воқелигини тўла даражада ўзида акс эттирган. Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда ҳукм сурган тартиб-қоидалар, давлатни идора этиш усуллари, сиёсий-ҳуқуқий заминлари, ижтимоий ҳаёт, инсон маънавий такомилли, халқ иши учун фидойи, камарбаста бўлиш Навоийнинг сиёсий қарашларида муҳим ўрин эгаллайди.

Навоийнинг сиёсий қарашларидаги инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги мақоми, фуқаролик маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамият тараққиёти ва барқарорлиги учун хизмат қилиш борасидаги инсонпарвар ғоялари ҳақида академик В.Зоҳидов қуйидагича таъкидлайди: “Навоий давлат ишида турганида ҳам бир пас бўлса-да, халқни эсдан чиқармади. У давлатни халқ манфаатларини кўзловчи, халқ орзуларини амалга оширувчи воситага айлантиришга, давлат арбобларини халқ хизматчиларига айлантиришга тиришди ва унинг ўзи намуна бўлди. У давлат ишларини интизомга солишга, ҳукумат идораларини, саройни ярамаслардан, халқ ҳисобига зарбоф тўн киювчи амалпарастлардан, фитначилардан тозалаш, уларни фош этиш, камчилаш учун қўлидан келганича ҳаракат қилди” [8,104].

Тарихда кишилар ижтимоий фаолиятининг жамият ва инсон такомиллидаги ўрни борасида ғоялар жадидчилик намоёндаларининг қарашларида ҳам яққол намоён бўлади. Жадидлар ғояларида жамиятда бирлик, яъни ижтимоий ва диний муштараклик, миллатнинг ўз-ўзининг англаши, жамият истиқболини яратиш, инсонни сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида муҳим қарашлар ифодаланди. Жадидларнинг мазкур ғоялари инсоннинг жамият ва сиёсатга нисбатан қарашлари, дунёқараши ва тафаккурида намоён бўлиб, ахлоқий жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, А.Авлонийнинг таъкидлашича, “Ахлоқ илмини ўқиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илми, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас” [9,11]. Мутафаккир қарашларида инсон фаолиятидаги диёнат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, интизом, виждон, ватанпарварлик, ҳаққоният, ибрат, садоқат ва муҳаббат каби илбий фазилатлар тарғиб этилган.

Мутафаккирлар сиёсий қарашларини ўрганиш орқали мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши тарихининг ўзига хос хусусиятларини билиб олиш мумкин бўлади. Бундан ташқари давлат ва жамият, унда бўлаётган сиёсий жараёнлар моҳияти, мамлакатимизда қандай жамият барпо этаётганлигимиз, унинг сиёсий, ижтимоий, маънавий негизи нимадан иборат эканлиги, унинг тарихий методологик базаси қандай эканлиги, сиёсий қарашлар тизимида бизнинг минтақамиз алломаларининг ўрни, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг моҳиятини очиб бериш ва мазкур жараёнларни илмий таҳлил қилиш, ушбу масалаларни назарий жиҳатдан кўрсатиб бериш фуқароларнинг ижтимоий масъулияти ва сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. 2020 йил 24 январь. www.uza.uz
2. Каримов С. Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. –Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. –Б. 446.
3. Беруний. Танланган асарлар. Т.3. –Тошкент, Фан, 1996. –Б. 83.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, А.Қодирий, 1993. –Б. 183.
5. Қаранг. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Тошкент, Ўзбекистон, 1995. –Б.68.
6. Низомулмулк. Сиёсатнома. –Тошкент, “Адолат”, 1997. –Б. 97.
7. Амир Темураўғитлари. –Тошкент, Наврўз, 1992. –Б. 10-11.
8. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Тошкент, Ўзбекистон, 1970. –Б. 104.
9. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент, Ўқитувчи, 1992. –Б.11.

УЎК 93/94

ХИВА ХОНЛИГИДА ҚУЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ф. Тожиева, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмур академияси, Хива

Аннотация. *Мазкур мақолада Хива хонлигида қулчилик муносабатларининг моҳияти, қулчиликнинг юзага келиши масаласи ёзма манбалар маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Хива хонлигида қулчиликнинг моҳияти ва унинг ижтимоий – иқтисодий ҳаётдаги ўрни масаласи илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ва хулосалар чиқарилган. Шу билан бирга мақолада Хива хонлигида қул бозорлари ва қулларга нисбатан муносабат масалалари илмий таҳлил қилинган.*

Калим сўзлар: *қулчилик, қулчилик манбалари, қул бозорлари, шариат, шиалар, фатво, осиеча ишлаб чиқариш усули, туркманлар, оломон, Марв, Ахал, Гюмуштепа, А. Мак-Гахан, Х. Вамбери, Г. Данилевский, Филипп Ефремов, Г. Зеленин, Акулина Степанова, М. Зайчиков, рус қуллари, эронлик қуллар, А. Женкинсон, Р. Шекспир*

Аннотация. *В этой статье освещены новые взгляды и новые точки зрения по поводу анализа сущности рабства в Хивинском ханстве, происхождение рабства на основании письменных источников. Сущность рабства в Хивинском ханстве и его роль в социально-экономической жизни были научно проанализированы и сделаны выводы. В то же время в статье приводится научный анализ рынков рабов и отношения к рабам в Хивинском ханстве.*

Ключевые слова: *рабство, источники рабства, рабские рынки, шариат, шииты, фетвы, азиатский способ производства, туркмены, толпы, мервы, ахалы, гюмуштепы, А. Мак-Гахан, Х. Вамбери Г. Данилевский, Филипп Ефремов, Г. Зеленина, Акулина Степанова, М. Зайчиков, русские рабы, иранские рабы, А. Дженкинсон Р. Шекспир*

Abstract. *This article analyzes the essence of slavery in the Khiva khanate, the origin of slavery on the basis of written sources. The essence of slavery in the Khiva khanate and its role in socio-economic life have been scientifically analyzed and conclusions have been drawn. At the same time, the article provides a scientific analysis of the slave markets and attitudes towards slaves in the Khiva khanate.*

Key words: *Slavery, sources of slavery, slave markets, sharia, Shiites, fatwas, Asian mode of production, Turkmens, crowds, Merv, Akhal, Gyumushtepa, A. McGaxan, X. Vamberi, G. Danilevskiy, Philip Efremov, G. Zelenin, Akulina Stepanova, M. Zaychikov, Russian slaves, Iranian slaves, A. Jenkinson, R. Shakespeare*

Хива хонлиги ижтимоий – иқтисодий ҳаётида қулчилик анъаналари узоқ вақт сақланиб қолган. Аммо, бу қулчилик қадимги Юнонистон ва Римдаги каби классик, яъни хўжалик қулчилиги даражасига етмаган. Бу қулчилик тизимининг асосий хусусияти қул инсон ўрнида кўрилмасдан, бирор-бир буюм ёки меҳнат курали сифатида қаралган. Ҳатто қадимги дунёнинг энг маърифатли кишилари ҳисобланган Платон ва Аристотеллар ҳам қулларга муносабатда шу давр қарашлар қобиғидан чиқа олмаганлар ҳамда қулчиликни одатий ҳол сифатида қараганлар [6]. Жумладан, Аристотель ўзининг “Сиёсат” (“Политика”) асарида қулга “сўзловчи меҳнат курали” деб таъриф берган [3]. Умуман қулларнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаган ҳамда қулнинг хўжайини унга нисбатан хоҳлаган даражада муносабатда бўлиши мумкин эди. Қулни ўлдиргани учун қулдорга ҳеч қандай жазо йўқ эди.

Ўрта асрларда Европада қулчилик расман тугатилсада, фақат номи тугатилиб, амалда бошқа номларда сақланиб келди. Жумладан, Россияда қуллар холоп номи билан юритилган. Бундай қулчиликдан фарқли равишда Ўрта Осиёда шаклланган қулчилик патриархал, яъни оила қулчилигига асосланган эди. Бу ерда қулга бирор бир буюм сифатида эмас, балки оила аъзолари қаторида муносабатда бўлинган.

Ўрта Осиёда қадимдан жамоачилик муносабатлари кучли бўлганлиги ҳамда бу муносабатларнинг узоқ сақланиб қолганлиги сабабли қулчилик муносабатлари ўзининг классик даражасига чиқаолмади. Чунки, бу ҳудудлардаги ижтимоий – иқтисодий муносабатларда, ерга бўлган муносабатларда асосан жамоачилар муҳим ўрин тутган [4].

Иқтисодий - ижтимоий фанларда бундай муносабатлар “осиёча ишлаб чиқариш услуги” деб аталган. Бу тушунча дастлаб 1859 йилда немис файласуфи ва иқтисодчиси К. Маркс томонидан киритилган бўлсада, ўтган асрнинг 20–30–чи ва 60–80–йилларида ижтимоий фанда кескин тортишувларга сабаб бўлди, лекин ўзининг узил-кесил ечимини топмади.

Осиёча ишлаб чиқариш усулининг асосий хусусияти ерга давлат мулкчилигининг амал қилишидир. Давлатнинг алоҳида хўжалик роли худди ана шундан келиб чиқади. Ерга давлат мулкчилиги кишлоқ жамоалари тизими билан қўшилиб кетиб, бу ишлаб чиқариш усули фаолиятига кенг йўл очиб беради. Бундай шароитда ҳокимиятга алоҳида деҳқон ёки ҳунарманд эмас, жамоанинг демократик ташкилоти рўбарў турадики, улар ўз навбатида давлат олдида жамоа аъзолари манфаатларини ҳимоя қилади, яъни, бу ишлаб чиқариш усулида жамоанинг ўрни алоҳидадир. Хива хонлигида ҳам шу ишлаб чиқариш услуги ҳукмрон бўлган дейишга тўлиқ асосимиз бор.

Хуллас, хонликдаги асосий ишлаб чиқарувчи куч барибир деҳқонлар бўлган, шунинг учун кулчилик Хива хонлиги сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий ҳаётида биринчи даражали муҳим аҳамиятга эга бўлмаган. Урушлар кўп бўлиб, асирлар кўпайган баъзи даврларни ҳисобга олмаганда, куллар баҳоси асосан қиммат бўлиб, фақат зодагонлар ёки ўзига бақувват оилаларгина ўз хўжаликларига куллардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар.

Қолаверса, кейинчалик ислом динининг кириб келиши ҳам кулчиликнинг классик даражасига чиқишига қисман йўл бермаган [9].

Шу ўринда бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, Хива хонлигида кулчилик масаласига эътибор қаратган кўпгина тадқиқотларда, айниқса совет даври тадқиқотларида кулчиликка муносабат масаласида ҳаддан ташқари ошириб юборишлар ҳам кўзга ташланади. Биз бу ерда кулчилик муносабатларини оқлаш масаласидан йироқмиз, албатта. Зеро, Хива хонлиги ҳақида маълумотлар қолдирган Россия, Европа ёки Американинг XIX аср муаллифлари кулчиликка жирканч одат сифатида қараган бўлсаларда, улар яшаган жамиятда ҳам кулчилик турли кўринишларда мавжуд бўлиб, бутунлай тугатилмаган эди. Жумладан, Хива хонлигини босиб олишда қатнашган ва кулчилик ҳақида маълумотлар келтириб ўтган Мак-Гаханнинг юрти АҚШда ҳам кулчилик тугатилганига ҳали энди 10 йил бўлган бўлсада (1863 йилда қабул қилиниб, 1865 йилда кучга кирган), шу йиллар ичида ҳам унинг асоратлари тўлиқ тугатилмаганлиги маълум эди [1].

Россияда кулчилик (Россияда куллар – холоп деб аталган) 1722 йилда Пётр I фармони билан расман тугатилган. Инсонларни унинг ким бўлишидан қатъий назар сотиш ёки сотиб олишни тақиқловчи 1746 йилдаги фармон билан эса кулчилик ҳуқуқий институт сифатида тугатилган. Аммо, бу фармон ҳам фақат Россиянинг марказий ҳудудларигагина тааллуқли бўлган. Қолаверса, бундай фармон ва ҳужжатлар фақат рус фуқароларининг, православ динидагиларнинг манфаатларига хизмат қилган ҳолос. Чунки Сибирда, Россиянинг Осиё қисмида ва империянинг бошқа чекка ҳудудларида кулчилик XIX асрнинг 50–йилларигача давом қилди. Агар Россия ижтимоий – иқтисодий ҳаётида мавжуд бўлган крепостнойликни (деҳқонларнинг ўз хўжайинларига қарамлигини) ҳам кўпчилик тадқиқотчилар томонидан кулчилик билан тенглаштирилишини ҳисобга оладиган бўлсак, Россияда ҳақиқий маънодаги кулчилик крепостнойликни тугатиш ҳақидаги 1861 йил фармони билангина тугатилган [12].

Вена конгрессининг қора танли аҳолини кул қилишни тугатиш тўғрисидаги 1815 йилдаги қарори ҳам асосан Африка ҳудуди учун хос бўлган. Қолаверса бу қарор ҳам Африкада кулчиликни умуман тугатмади. Бу қитъада кулчилик расман XX асрнинг 80–йилларигача (Мавританияда кулчиликни тугатиш ҳақидаги 1981 йилги қонун) давом қилди (амалда ҳозиргача ҳам Африкада ҳамда дунёнинг бошқа ҳудудларида кулчиликнинг турли кўринишлари мавжуд) [13].

Бразилияда кулчилик 1888 йилда, Кореяда 1894 йилда, Хитойда эса 1910 йилда тугатилган. Европада ҳам кулчилик турли кўринишларда амалда XIX асрнинг 80–йилларигача давом қилди (Италияда 1889 йилда кулчиликнинг тугатилиши) [14]. Хуллас, Хива хонлигидаги кулчилик муносабатлари муаммоси ва умуман хонликдаги кулчилик аъёнасига муносабат масаласининг ўзи ҳам ҳалигача тўлиқ ва ҳолисона очиб берилмаган.

Хива хонлигида, хусусан Хоразмда кулчилик муносабатларининг тарихи қадимги даврларга бориб тарқалади. Аммо, биз бу ўринда Хива хонлиги ташкил топишигача бўлган давр кулчилик муносабатлари тарихи ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Шуниси маълумки, XVI асрдан, яъни Хива хонлиги вужудга келган даврданок, манбаларда кулчилик муносабатлари билан боғлиқ маълумотлар кўзга ташлана бошлайди. Зеро, шу асрда Ўрта Осиёда вужудга келган иккита янги давлат Хива ва Бухоро хонликларининг ўзаро тинимсиз курашлари ҳамда хонликларнинг ўзлари ичидаги ички курашлар кучайиб кетди. Ҳиндистон бобурийлари Бухоронинг жануби – шарқий чегарадаги тоғли Бадахшонни эгаллаш учун кураш бошлаб юборган бўлсалар, Эронда сафавийлар давлати вужудга келиб, Хива ва Бухоро хонликлари иккаласи билан ҳам чегара Хуросонни эгаллаш учун кураш бошлаб юборди. Улар билан чегарадош бўлган бошқа ҳудудлар ва даштлар ҳам турли қабилалар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар майдонига айланган эди. Айниқса, Эрон – сафавийлар давлатида шиа мазҳабининг ҳукмрон мафкурага айланиши кулчилик тизимининг янада кучайишига ўзига хос кучли бир туртки бўлди десак муболаға бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, ислом динида ўз диний биродарини кул қилиш қатъий тақиқланган, “кофир”ларни кул қилишга эса

рухсат берилган эди (шунда ҳам аслида уларни “оллоҳ кўрсатган тўғри йўлга бошлаш” ёки ислом динига киритиш мақсадида қилинган). Ислом динининг сунний мазҳаби учун эса шиа мазҳабадагилар кофир ҳисобланса, шиалар учун эса суннийлар кофир ҳисобланган. Натижада XVI асрдан бошлаб, ва кейинги уч аср давомида Эрон билан бўлган урушлар ёки бу давлат худудига уюштирилган ҳар қандай юришлар оқибатида қўлга туширилган асирлар ўз – ўзидан маълумки кул қилинган [8].

Хукмдорлар ўзларининг бундай фаолиятини оқлаш учун сунний уламолар томонидан махсус фатво чиқартирганлар. Жумладан, XV асрда (Х. Вамбери маълумотида кўра 1500 йилда) шайх Шамсиддин бошлиқ Бухоро уламолари шиа мазҳабадагиларни кул қилишга рухсат берувчи фатво чиқарган бўлсалар [7], Бухоро шайбонийлари хукмдори Абдулла II 1586 йилда Ҳиротга юриши вақтида уламолардан фатво чиқартириб олган эди [11]. Айнан Ҳирот сунний уламолари 1611 йилда ҳам шиаларни кофирлар деб эълон қилиб, уларни кул қилишга рухсат берувчи фатво чиқарганлар [10].

Қолаверса, хонликлар учун яна бир “кофирлар макони” бўлмиш Россия, бу даврда ҳали етарлича буюк давлатлардан бири бўлиб улгурмаган ҳамда унинг жанубий ва жануби – шарқий чегара худудлари эса кўчманчи нўғойлар, қалмиқлар, қозоқлар ва қирғизларнинг йил сайин кучайиб бораётган талончилик ва босқинчилик юришлари майдонида, янада аниқроғи, кул манбаларидан бирига айланган эди. Жумладан, 1558 – 1559 йилларда Ўрта Осиё хонлиқларида бўлган А. Женкинсон 25 рус кулини озод қилиб, ўзи билан Россияга олиб келган эди [2].

Умумий ҳолатда бу улкан худуддаги тўхтовсиз урушлар ва босқинчилик юришлари мазкур минтақадаги давлатларда ва хусусан Хива хонлигида ҳам кулчилик тараққиётининг энг асосий сабабларидан бири бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аллалыев Р. М. Рабство, сегрегация и верховенство права в США // Экономика. Право. Общество. - 2017. - Вып. 2 (10). - С. 76-82.
2. Аллворт Э. Россия: прорыв на Восток. Политические интересы в Средней Азии (Перевод: Л. А. Игоревского). - М.: ЗАО “Центрполиграф”, 2016. 490 стр. 34 иллюстрации.
3. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т. 4. Политика. Книга 1. Раздел 2. О домохозяйстве и рабстве. / Пер. с древнегреч.; Общ. ред. А. И. Доватура. - М.: Мысль, 1983. (Т.4.- С.376-644) - С.381.
4. Асқаров А. А. Ўзбекистон тарихи. - Т.: Ўзбекистон, 1994. - Б. 197.
5. Асқаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1994. - № 6. - Б. 35.
6. Валлон А. История рабства в античном мире. Том I. Рабство в Греции. Глава 10. Взгляд на рабство в древности. Перевод с франц. С. П. Кондратьева. Под редакцией и с предисловием проф. А. В. Мишулина. - М.: ОГИЗ ГОСПОЛИТИЗДАТ, 1941. - С. 165-168.
7. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - М.: Восточная литература. 2003. -С. 33, 37-38, 40-42, 93, 110-111, 115-116, 120, 137.(pdf.)
8. Рабство в исламе // Википедия. [2017—2017]. Дата обновления: 28.08.2017. URL: <http://ru.wikipedia.org/?oldid=87294937> (дата обращения: 28.08. 2017).
9. Сайфуддин И. Рабство в исламе // Даруль-Фикр. Ру Исламский образовательный портал. URL: http://darulfikr.ru/story/manhaj/slaves_in_Islam (дата обращения 30.09.2017).
10. Тохтиев Ш. Р. Краткая история самаркандских и бухарских “ираны”//Евразийский журнал региональных и политических исследований. - 2012. - № 33 (287). - С. 124-129.
11. Файзиев Т. Бухоро хонлигида кул савдоси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1970. - 56 б. (pdf)
12. Чеславский О. Рабство в России.// <https://inosmi.ru/social/20180612/242457013.html>.
13. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Рабство>.
14. https://ru.wikipedia.org/wiki/Хронология_отмены_рабства_и_крепостного_права_по_странам.

УДК 93/94

НАУЧНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ИСТОРИИ КАРАКАЛПАКОВ, ПРОЖИВАВШИХ В ЮЖНОМ ПРИАРАЛЬЕ

Ж. Торениязов, преподаватель, Каракалпакский государственный университет, Нукус

Аннотация. Мақолада Жанубий Орол бўйида яшаган қорақалпоқларнинг XVI-XIX асрлардаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида сўз боради. Қорақалпоқлар хўжалиқнинг комплекс тури деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, хунармандчилик билан шугулланганлиги, қўшни халқлар билан сиёсий ва савдо алоқалари, ҳаётидаги ўзгаришлар, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар, маънавий ва бошқа соҳалардаги маълумотларни ўрганган тарихчи олимлар ва уларнинг асарлари асосий манба сифатида қўлланилган.

Калит сўзлар: қорақалпоқлар, Хоразм, Туркистон, Бухоро, Орол денгизи минтақаси, Амударёнинг қўйи оқими ва Сирдарё, тарих, этнография, олимлар, деҳқончилик, чорвачилик, балиқ ови, овчилик, хунармандчилик

Аннотация. В данной статье речь идет о политической, социальной, экономической и культурной жизни каракалпаков, проживавших в Южном Приаралье в XVI-XIX веках. Историки и их произведения использовались в качестве основного источника информации о каракалпаках,

занимающихся сельским хозяйством, животноводством, рыболовством, ремеслами, политическими и торговыми отношениями с соседними народами, изменениями в их жизни, изменениями в социальной сфере, духовной и других сферах.

Ключевые слова: каракалпаки, Хорезм, Туркестан, Бухара, Приаралье, низовья Амударьи и Сырдарьи, история, этнография, ученые, сельское хозяйство, животноводство, рыболовство, охота, ремесленничество

Abstract. This article is about the political, social, economic and cultural life of the Karakalpaks who lived in the southern Aral Sea region in the 16th-19th centuries. Historians and their works were used as the main source of information about the Karakalpaks engaged in agriculture, livestock, fisheries, crafts, political and commercial relations with neighboring peoples, changes in their lives, changes in the social sphere, spiritual and other spheres.

Keywords: Karakalpaks, Khorezm, Turkestan, Bukhara, the Aral Sea region, the lower reaches of the Amu Darya and Syr Darya, history, ethnography, scientists, agriculture, animal husbandry, fishing, hunting, crafts

История каракалпаков периода XVI-XIX веков неразрывно связана с историей Туркестана, Бухары и Хорезма. В 1951 году Б.В. Андрианов защитил кандидатскую диссертацию по теме “Этническая территория каракалпаков в северном Хорезме”. В его научных изысканиях основательно исследованы следующие пласты истории каракалпаков: обоснование каракалпаками в дельте Амударьи в XVI-XVII веках, сведения арабских географов об этих событиях, археологические памятники, легенды устного народного творчества, оросительные системы, рытье каналов, среда расположения каракалпакских родов, этническое и историческое единство аральских узбеков и каракалпаков, проживание каракалпаков на севере Хорезма в XVIII веке – начале XIX века, системы реки Амударья – Карабайлы, Таллык, Улкендарья, Есим, крепости, свидетельства русских офицеров, стремление каракалпаков к получению подданства России, произведения Жиен-жырау, захватнические войны хивинских ханов, народные восстания и т.д. [1].

Ученым, проводившим колоссальную работу и написавшим масштабные труды о данном периоде времени, является академик С. Камалов. Одна из его начальных книг посвящена русско-каракалпакским отношениям в XVIII веке. Книга основана на богатом архивном материале, посвященной истории взаимоотношений наших народов. Кроме того, социально-экономическая и политическая жизнь нашего народа в этот период раскрыта посредством объективных исторических фактов. Попытка заселения нашего народа на землях Жанадарьи в 40-60 годах XVIII века, ставшим одним из сложных и драматических периодов в истории народа, их причины, бесконечная борьба за независимость, изложены на основе скрупулезного анализа различной литературы [2]. Продолжая свои исследования, С. Камалов в дальнейшем написал большую книгу. В ней ученый к ранее исследованным фактам добавил новые материалы. В труде приведены уникальные сведения о политических связях каракалпаков с Россией, казахами и среднеазиатскими ханствами, хозяйственных преобразованиях, переменах в социальной жизни, выложены суждения о духовной жизни и общественных отношениях [3]. Труд С. Камалова, Ж. Уббиниязова и А. Кошанова охватывает период XVII-XX веков [4]. Наряду с этим, плодотворную деятельность в данном направлении осуществлял видный ученый и общественный деятель М. К. Нурмухамедов, который в числе первых проводил научные изыскания в области истории русско-каракалпакских культурных связей. Описывая долговременные взаимоотношения, он оперировал достоверными архивными источниками, редкими изданиями, дневниками, письмами и другими документами, внося тем самым весомый вклад в освещение и воссоздание минувшей истории нашего народа и доведение её до широкой общественности [5].

В книге О. Юсупова “Жэнибек батыр, Маман батыр, Мурат шейх азиз баба, Қоразбек бий аталық” [6] на основе архивных данных, сделан обзор о жизни каракалпаков в Приаралье, низовьях Амударьи и Сырдарьи. А также он рассказал о заслугах отдельных личностей, вышедших из самой гущи народа.

Исторические связи каракалпаков с Россией и башкирами полнее освещаются в труде профессора М. Тлеумуратова, который раскрывает их подробнее. Там же демонстрируются копии архивных документов тех времен [7].

Профессор М. Тлеумуратов в своем труде “Қарақалпақ поэзиясы – тарийхый дерек” (“Каракалпакская поэзия – исторический источник”) четко указывает, что каракалпакские народные дастаны (сказания), произведения каракалпакских поэтов одновременно являются историческими документами, так как они базируются на обширных исторических, этнографических, литературных и фольклорных источниках. В книге использован большой массив местных исторических документов, относящихся к XVI-XIX векам, а также труды зарубежных ученых, проводивших в нашем крае исследования [8].

Труды известного знатока восточной филологии и литературы, профессора Камала Мамбетова, прежде всего, книга “Қарақалпақлар тарийхы” (“История каракалпаков”), имеют богатый политический и этнографический материал, касающийся жизни каракалпаков в XVI-XIX веках [9].

Из книги Г.Ходжаниязова и О.Юсупова “Сакральные места Каракалпакстана” можно почерпнуть значительные данные о народных батырах, религиозных деятелях, биях, а также мечетях и медресе. В частности, приводятся полные сведения о жизни и деятельности таких легендарных личностей, как Каракум ишан, Имам ишан Каипназар улы, Маман бий, Мурат шейх и других деятелях и их потомках [10].

В совместном труде профессора Б.Шаммамбетова и историка О.Юсупова “Өзбекстан хэм Қарақалпақстан халықлары тарихы бойынша дереклер” (“Источники по истории Узбекистана и Каракалпакстана”) приведен обширный материал о каракалпаках, проживавших в Бухарском и Хивинском ханствах, в том числе и из русских источников [11].

Также ключевое значение имеет книга, вышедшая из-под пера академика С.Камалова и рассказывающая о формировании каракалпакского этноса и его государственности [12].

Роль источниковедения в изучении истории каракалпаков. В частности, одной из важнейших задач историков является изучение источников каракалпаков по данным зарубежных историков с новой точки зрения и передача их будущим поколениям. Результаты, мнения и выводы научного исследования, проведенного учеными о новом периоде истории Каракалпакстана, были представлены историками Ж. Хакимниязовым, Ж.Торениязовым и Х. Утегеновым в своей книге «Историография каракалпаков в новую эпоху» [13].

В целом, научно-исследовательская деятельность по истории нашего народа в период XVI-XIX веков, получила большое развитие в годы независимости.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Андрианов Б.В. Этническая территория каракалпаков в северном Хорезме. Автореферат кандидатский диссертации. М. 1951.
2. Камалов С. XVIII эсирдеги каракалпақ-рус қатнасықлары Нөкіс, 1966
3. Камалов С. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968
4. Камалов С., Уббиниязов Ж., Кошанов А. Из истории взаимоотношений каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII - начале XX вв. Ташкент, 1988
5. Нурмухамедов М. К. Из истории русско-каракалпакских культурных связей. Ташкент, 1974
6. Юсупов О. Ж. Жәнибек батыр, Маман батыр, Мурад Шайых әзийз баба, Қоразбек бий аталық. Нөкіс, 1993
7. Глеумуратов М. Исторические и культурные связи каракалпаков с Россией и Башкирией в XVIII-начале XX вв. Нукус, 1993
8. Тилеумуратов М. Қарақалпақ поэзиясы - тарихый дерек. Нөкіс, 1994
9. Мамбетов К. Қарақалпақлар тарихы Нөкіс, 1993
10. Хожаниязов Ғ., Юсулов О. Қарақалпақстандағы мухаддес орынлар. Нөкіс, 1994
11. Шаммамбетов Б., Юсупов О. Өзбекстан хэм Қарақалпақстан халықлары тарихы бойынша дереклер. Нөкіс, 1995
12. Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиуі хэм оның мәмлекетлигиниң тарихынан. Н. 2001
13. Hakimniyazov J., Toreniyazov J., Otegenov N. Jańa dáwirdegi Qaraqalpaqlar tariyxnaması. Nókis, 2019

УЎК 93/94

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА ВИНОЧИЛИК САНОАТИНИНГ ЎРНИ

У.С. Тўпчиев, ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада Туркистон ўлкаси иқтисодиётида виночилик саноатининг ўрни масаласи даврий тадқиқот ва наишлар ҳамда архив материаллари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: узум, узумчилик, янги узум навлари, Ати-Верде, Франк-пино, Мерло, Саперави, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла, Каберно-Савиньон, Рислинг, Сотернь, Опорто, Модерн-Мальвази, Чуенко, Фетисов, Н.И.Иванов, Первушин, А.Пулло, вино, виночилик

Аннотация. В данной статье на основе периодических исследований и издательств, а также архивных материалов освещаются вопросы винодельческой промышленности Туркестана в конце XIX и в начале XX века.

Ключевые слово: виноград, виноградарство, новые сорта винограда, Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперави, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла, Каберно-Савиньон, Рислинг, Сотернь, Опорто, Модерн-Мальвази, Чуенко, Фетисов, Н.И.Иванов, Первушин, А.Пулло, вино, виноделие

Abstract. This article discusses the role of the wine industry in the economy of Turkestan on the basis of periodic research, publications and archival materials.

Key words: grapes, viticulture, new grape varieties, Ate-Verde, Franco-pino, Merlo, Saperavi, Yakrima, Christie, Yakrima-Dolce, Isabella, Cabernet-Sauvignon, Riesling, Sothern, Oport, Modern-Malvasi, Chuenko, Fetisov, N.I.Ivanov, Pervushin, A.Pullo, wine, winemaking

Бугунги кунда республикамизда иқтисодиётнинг самарали тармоқларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалигида узумчилик ва саноатда виночилик масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, республикамининг қулай табиий-иқлим шароити ноёб хўраки ва техник узум навлари ҳамда сифатли вино маҳсулотларини етиштириш имконини берадиган минтақа ҳисобланади.

Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан забт этилиши ва мустамлакага айлантрилиши ўлка ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўзгартириб юборди. Бу ўзгариш иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби узумчилик ва виночиликда ҳам ўз аксини топди. Дастлаб у даражада жиддий эътибор берилмаган ушбу сердаромад соҳа, сал кейинроқ мустамлакачи маъмурлар диққатини ўзига жалб эта бошлаган. Зеро, мустамлака ҳукумат бу соҳанинг ўта фойдали эканлигини, узумчилик асосида виночилик саноатини ривожлантириш учун Туркистон ўлкаси табиий иқлим шароити қулай минтақа эканлигини англаб етган эди. Шу сабабли, Россия империяси ҳукуматининг ўлкада қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг бошқа соҳалари каби узумчилик ва вино ишлаб чиқаришга ҳам қизиқиши ортиб, бу соҳа аста секин унинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирила борилди.

Кўрилатган даврда Туркистон ўлкасида узумнинг маҳаллий навларининг ўттиздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, булардан Чиллаки, Чарос, Оқ Кишмиш, Қора Кишмиш, Домброба, Майизи, Катта-Қўрғон, Дорой, Оқ ва Пушти Хусайни, Ҳасайни, Саҳоби, Гилами, Офпар, Буаки, Маска, Набиши, Хожааҳрори, Султони, Шакар ангур, Алвони, Сиркои, Шувурғон, Хотинбармоқ ва бошқа шу кабиларни мисол келтириш мумкин [4, 48-50; 8, 247-300].

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маҳаллий узум навларидан ташқари серҳосил ва винобоп узум навлари асосан Украина (Қрим), Молдова, Кавказорти ва бошқа жойлардан келтирилиб, ўлка табиий иқлим шароитига мослаштирила бошланган. Манбаларда қайд этилишича, ўлкага четдан янги узум навлари илк бор 1868 йилда Тошкент уездига олиб келтирилган бўлса, кейинчалик бу борада ўлка вилоятларидан Самарқанд асосий марказга айланган. 1869 йилдан бошлаб Туркистонга Россия империясининг Қрим, Кавказ, Украина каби минтақаларидан ташқари, европанинг Франция, Германия, Венгрия, Болгария каби мамлакатларидан узумнинг янги навлари олиб келиниб маҳаллийлаштирила бошланган [6, 59-60; 7, 75; 8, 237-239; 1, 234].

Туркистон ўлкасида XIX аср охиридан аста секин қишлоқ хўжалигида узумчиликка эътибор кучайиб, саноатда узумдан вино ва спирт ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошланган. Ўлкада маҳаллий ва янги келтирилган узумдан олий навли қизил ва ошхона учун уч ҳилдаги десерт винолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жумладан, Европадан келтирилган ва ўлкада маҳаллийлаштирилган янги узум навларидан Каберно-Савельон, Соперовки, Матрос (Қора Ширвон) кабилардан юқори навли қизил вино ишлаб чиқарилган бўлса, маҳаллий узум навларидан Қора Кишмиш, Чарос, Чиллаки, Қора Хусайни кабилардан ошхона, черков, десерт (сархил) навли уч ҳилдаги винолар тайёрлаб истеъмолга чиқарилган [5, 177-183; 9, 154].

Ўлка бозорларида Мерло, Гренаж, Мурвед каби янги узум навларидан тайёрланган қизил ва оқ винолар ҳам сифат жиҳатдан юқори баҳоланган. Шунингдек, ушбу навларнинг ҳосилдорлик миқдори ва вино бериш коэффициенти ҳам бошқа янги узум навларига нисбатан юқори бўлиб, 1 десятина ердан олинган узум ҳосилидан ўртача 500 челақдан - 700 челақгача вино олинган.

Ўлкада вино ишлаб чиқариш борасида Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари етакчилик қилишган. Хусусан, Самарқандда виночилик билан ўз даврининг ушбу соҳадаги дастлабки мутахассислари бўлган Филатов, Проховский, Толочинов, Тошкентда эса Платон Шевченко, инженер технолог Н.И.Первушин, Адольф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоковлар шуғулланишган. Манбаларда қайд этилишича Самарқандда Филатовнинг вино заводида йилига 10-15 минг челақ, Проховский заводида 6 000 челақ, Толочинов заводида 4 000 челақ; Тошкентда Платон Шевченко, инженер-технолог Н.И.Первушин, Адольф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоков заводларида ўртача 10 000 челақ, Фарғонада 10-11 минг челақ вино тайёрланган [8, 288-289; 4, 48-50; 9, 219; 10, 141-142].

Вино ва вино маҳсулотларининг ўлка вилоятлари бозорларидаги нарх-навоси ҳам талаб ва сифатига қараб турлича бўлган. Масалан, Тошкентда қизил ва оқ винонинг бир челаги 2 рубль 15 копеекдан-5 рублгача, бошқа турдаги винонинг бир челаги 8-12 рубль, хушгаъм винонинг бир челаги 16-18 рубль бўлган. Тошкентда винонинг нархи у даражада юқори бўлмаган. Масалан, шаҳарда паст навли винонинг бир челаги ўртача 3-5 рубль атрофида бўлиб, баъзи холларда винонинг челаги 7-8 рублгача кўтарилган. Шаҳарда вино савдосининг йиллик айланмаси ўртача 500 000 рублни ташкил этган [2, 378-379].

Ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларининг катта миқдори Самарқанд вилоятга тўғри келиб, унинг умумий суммаси 1 040 532 рубль бўлиб, ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг 84,1%ни ташкил этган. Сирдарё вилояти бу борада кўрсаткичи 195 325 рубль бўлиб, ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг 15,8% ни ташкил этган бўлса, Фарғона вилояти бу борада 2 000 рублни ташкил этиб, атиги 0,1%ни ташкил этган. Самарқанд вилоятининг бу борада юқори ўринда туришининг сабабларидан бири вино ишлаб чиқарадиган заводларнинг аксарияти ушбу вилоятда барпо этилганлиги ва узум етиштириш учун қулай табиий иқлим шароити ва тупроқ таркибининг мослигида эди. Самарқанд вилоятида барпо этилган вино заводларининг жойлашиши ҳам турлича бўлиб, Самарқанд уезида фаолиятда бўлган заводлар ишлаб чиқарган вино миқдори 1 014 932 рублни ташкил этиб, ўлка бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг 82,0%ни ташкил этган. Вилоятнинг Каттақўрғон уезида вино ишлаб чиқаришнинг умумий миқдори 1,1%, Хўжанд уезида ишлаб чиқарилган винонинг умумий миқдори 1,0%ни ташкил этган. Яқунда шаҳарда

Самарқанд уезди вино заводларининг ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,7 баробар, қолган уездларда бу кўрсаткич 12 баробар ва шаҳарнинг ўзида бу кўрсаткич 8 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин [3, 341].

Вино ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг нархи бўйича ўлкада иккинчи ўринда Сирдарё вилояти турган. Бу борада вилоят кўрсаткичига эътибор берадиган бўлсак, ўлкада ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларининг умумий ҳажмининг 11,4% ёки умумий қиймати 195 325 рублик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бир челақ винонинг нархи ўртача 4 рубль 1 копейка ташкил этган.

Ва нихоят бу борада учинчи ўринда Фарғона вилояти турган. Вилоятда ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг атиги 0,1% ёки 500 челаги ишлаб чиқарилган. Аммо, винонинг нархи бўйича Сирдарё вилояти каби юқори бўлиб, винонинг бир челагининг ўртача нархи 4 рубль атрофида бўлган [3, 347].

Юқорида келтирилган мавзуга оид маълумотлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- манба ва адабиётлар, шунингдек даврий нашрлар таҳлили натижасида XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига узумнинг 20 дан ортиқ серҳосил хўраки ва винобоп янги узум навлари олиб келинган ва маҳаллийлаштирилганлиги аниқланди;

- Россия мустамакчилиги сиёсатида Туркистонда қишлоқ хўжалигида узумчилик ва саноатда виночилик соҳаси ривожлантириш орқали четдан сотиб олинadиган спиртли ичимликларга кетадиган сарф харажатларни камайтириш, шунингдек узумдан сифатли, олий навли вино ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш орқали катта даромад олиш режаси бўлган;

- кўрилатган даврда Туркистон ўлкаси иқтисодиёти ривожига саноатнинг виночилик тармоғи ҳам ўз ўрнига эга бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Глушенко Е.А. Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. Москва. Центрполиграф. 2010
2. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк.—Ташкент: Типолитография О.А.Порцева, 1912 – с. 378, 379.
3. Заорский В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края.-Петроград, 1915
4. Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г.—Ташкент: Издание Туркестанского Отдела Императорского Российского Общества Садоводства, 1886
5. Невесский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области//Туркестанский сборник. Т. 525 – с. 177-183.
6. Пулло А. К вопросу о винограде//Туркестанский сборник. Том 467 – с. 58-60).
7. Хайитов Ж.Ш. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар. —Бухоро. “Дурдона”, 2018 с. 75.
8. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.СПб., 1908 с. 247-300, 288-289, 295.
9. ЎзР МДА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3178-иш 141-142, 154 б.
10. ЎзР МДА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 3545-иш, 219 б.

УЎК 93

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУҒДА ШИШАСОЗЛИКНИНГ РИВОЖИ Ж.Р. Турдалиев, ўқитувчи, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида илк ўрта асрларда Суғдадаги хунармандчилик соҳаларининг ривожланиб бориши шишасозлик ва металлсозлик орқали кўриб чиқилган. Шунингдек, тадқиқотда Суғд шишаларининг таснифлаидаги жиҳатлар ёритилган. Торилган топилмалар назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларнинг даврий чегарали тўғрисида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Панжикент, шишасозлик ва металлсозлик, шиша идишлар хронологияси, балзамарий

Аннотация. Данное исследование рассматривает развитие ремесел в раннем средневековье в Согде посредством производства стекла и металлургии. Также освещаются аспекты классификации согдийского стекла. Полученные результаты были теоретически проанализированы и высказаны мнения об их периодичности.

Ключевые слова: Пенджикент, стеклоделие и металлургия, хронология стеклянной посуды, балзамарий

Abstract. This study examines the development of crafts in the early Middle Ages in Sogd through the production of glass and metallurgy. Also, highlights aspects of the classification of Sogdian glass. The results were theoretically analyzed and opinions were expressed on their frequency.

Key words: Panjakent, glass making and metallurgy, chronology of glassware, balsamarium.

Инсоният тамадунини тадқиқ этиш асосида маълум бўладики, кўпчилик шаҳар ва давлатларнинг ривожланишида табиий омиллар билан биргаликда, инсон меҳнатининг таъсири ҳам мавжуд. Айниқса хунармандчилик соҳалари мазкур жараёнга сезиларли таъсир кўрсатган. Буни нафақат ҳозирги замон мисолида, балки ўрта асрлар даври мисолида ҳам кузатиш мумкин. Шишасозлик соҳаси илк ўрта асрларда Суғд конфедерацияси ва бутун дунёда хунармандчиликнинг

муҳим ва сир тутилган соҳаларидан бири сифатида турган. Шу сабабдан, жамиятнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган шишасозлик тарихини ўрганиш зарурати тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Илк ўрта асрларда Суғддаги шишасозлик соҳасининг ривожига оид маълумотлар манбаларда келтириб ўтилган. Масалан, Ибн Ҳавқал маълумотларига кўра, “Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўҳак тоғидан шаҳар қурилиши учун тош, кулолчилик, “нура” мойи ва шиша буюмлар учун гил тупрок казиб олинган [8.145].

Илк ўрта асрларда Суғдда шиша буюмлар ишлаб чиқариш бўйича маълумотлар жуда оз. Ҳозиргача фақатгина шиша тайёрлаш билан боғлиқ битта устахона қазилган. Шиша тайёрлаш устахонасини ўз ичига олган уйнинг даврий чегараси VII -VIII асрларга оид [2.156]. Шунингдек, еттита қазилма майдончасида шиша бўлаклари топилган. Панжикентда шиша ишлаб чиқариш устахоналарига синхрон равишда фаолият олиб борган устахоналар Марказий Осиёда ҳозиргача топилмаган.

Юқорида таъкидланган еттита қазилмалар ичида XXIII объектдаги 55-хона ва унга параллел равишда жойлашган баланд қаватли 54 - хона аҳамиятли. Чунки, уларнинг тепасида иккинчи қават биносининг қолдиқлари бўлиб, қолдиқлар тахлили устахона бўлганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 55-хонани ўрганиш жараёнида, иккинчи қаватнинг қулашидан кейин сақланиб қолган изларида шиша бўлаги топилган [5.7].

Шиша бўлаги қорамтир сарғиш рангли, қирралари жигарранг, зич, юқори қисмида катта пуфакчалар мавжуд, битта қиррадан ташқари ҳамма қирралари синган. Синмаган қиррасида идишнинг шакли сақланган, фикримизча бунинг сабаби тайёрлаш жараёнидаги идишнинг қиздирилганлигидир. Идишнинг диаметри 6 см атрофида [4.46-47]. Топилмалар бу ерни заргарлик устахонаси эканлигини кўрсатади. Сабаби усталар безак сифатида нафақат тошлар, балки шишадан ҳам фойдаланишган. Илк ўрта асрларда заргарлик буюмларида ҳам шиша қўшимчалар жуда кенг тарқалган дейишимиз мумкин. Панжикентдан топилган олтин сирғага шиша билан безак берилганлиги фикримизни тасдиқлайди [4.110].

Перешчепинанинг VII асрга оид заргарлик буюмларининг сериясида шиша қўшимчалар мавжуд. Шунингдек, Тан императорининг саройига турклар ва кешликлар 746 йилда “люли” шишадан ясалган қимматбаҳо тошлар олиб боришган [6.582].

Мазкур маълумотлар, илк ўрта аср суғд заргарлари қимматбаҳо тошларга ўхшатиб турли хил шиша массаларидан фойдаланишганлигини асослайди. Бундан ташқари, шиша массадан ясалган шиша идишнинг пастки қисмига ўхшаш парча XIX иншоотнинг 4-хонасидан топилган. XII объектнинг юқори биносини 39-хонасининг ғарбий қисмида кўчанинг юқори қатламини қазилма жараёнида бир қирраси шаффоф яшил шишадан ясалган парча топилган, иккинчисида синиш излари мавжуд. Ўчоқ тўртбурчаклар шаклга эга, майдони 32x42 см, деворларининг сақланиб қолган баландлиги тахминан 15 см. Мазкур топилмалар шаҳар ҳаётининг сўнгги даври (VIII асрнинг 60-70-йиллари) билан боғлиқ.

Шунингдек, 36 объектда турар жой ўрганилганда, юқоридаги иккинчи қават остидаги яшил тупрок қатлами остидан қоронғи шаффоф шиша бўлаги топилган. XVI объект 81- хонасида, хира лимонсимон сариқ рангдаги кичик шаклсиз шиша массаси ва XXIII объектнинг П1-бўлимасини тозалашда сариқ хира шиша массасининг жуда кичик бўлаги топилган бўлсада, уларни бўлақлар ёки тайёр маҳсулотларнинг қолдиқлари деб айтиш қийин. Чунки, бу жиҳатлар уларда акс этмаган.

Панжикентдаги шиша идишларнинг таснифлашдан олдин таснифлашдаги жиҳатларга мухтасар тўхталиб ўтсак. Таснифлаш вазифавий мақсади, шакли ва ишлаб чиқариш техникасига кўра амалга оширилади. Агар юқоридаги каби жиҳатлар бир хилда бўлган объектларни таснифлаш учун қўшимча белги сифатида декордан фойдаланилади.

Нарсаларни топилган кордината ва жойлашган ўрни ҳисобга олинади: полда, агар хонада бир неча қават бўлса топилма қайси қаватга тегишли эканлиги, девор тоқчасида, супа устида, қаватлар орасида, ёки ҳаробаларнинг турли жойда бўлиши мумкин. Айрим ҳаробадаги буюмларнинг ёнғинда қолганлиги биносининг ҳаробага айланган вақтига мос келмаслиги мумкин. Чунки, яроқсиз ҳолга келган буюмлар ҳозирги кунда ҳам кўп ҳолларда ёқиб юборилади.

Барча шиша буюмлар даврий тартибда кўриб чиқилганда, уларнинг даврланиши статиграфия ва моддий қатламга нисбатан олганда бошқа аниқ артефактлардек бўлмаслиги мумкин. Одатда шиша буюмлар синганда ёки йўқолганда моддий қатламга тушган. Шу сабабли, қатламнинг санаси ҳар доим ҳам нарсанинг санаси эмас, чунки юқори маданий қатламдаги пастки маданий қатламга тушиш эҳтимоли мавжуд. Аммо синхрон қатламларда бир хил топилмаларни бир неча мартаба топиб олиш, бундай нарсаларга даврлаштиришда ишонч билан мурожаат қилиш имконини беради. Юқорида айтилганларга асосланиб, уларнинг келиб чиқиш қатламларини топиш ва асослаш шартларига алоҳида эътибор қаратдик. Шиша идишларни хронологик тартибда қуйидагича ёритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

У аср шиша идишлари: Панжикент шаҳарининг илк деворини VII объектини қазилма жараёнида жанубий юқори қисмида қурилган мудофаа деворларидан яхши тикланган, чунки унинг барча

бўлақлари сақланиб қолган идиш ва шиша идиш топилган. Сополларнинг бирида суғд тангаларидан иборат хазина топилган [7.271-272].

V аср билан даврлаштирилган шарсимон корпусли идиш жуда нозик, шаффоф, деярли рангсиз шишадан қилинган. Идиш III-IV асрларда кенг тарқалган бальзамарийга ўхшаш. Худди шундай идишлар Афғонистондаги Чақалоқтепадан кўп миқдорда топилган. Чақалоқтепадаги шиша идишлар юпқа ва оч яшил рангда. Ясаиш техникасига кўра Панжикентдаги топилмага ўхшаш Чақалоқтепа ўрта даври IV аср билан белгиланишини ҳисобга олсак, Панжикентдаги шиша идишни V аср билан даврлаштиришимиз ҳақиқатга яқин [4.24]. Бундан ташқари, Месопатамиядаги Телл Махуздан, Эрондаги Хафтавонттепадан ҳам Панжикентдаги шиша идишга ўхшаш идишлар топилган [11.153., 10.169-171].

Юқоридаги топилма Панжикентдан шу пайтгача V асрга оид шиша идишнинг ягона топилмасидир. Фикримизча, V-VI асрлардаги қатламлар ўзидан кейинги даврда қурилган бинолар томонидан ёпиб қолинганлиги туфайли бошқа шиша идишлар топилмаганлигига сабаб бўлиши мумкин. Панжикент истехкомидаги топилма билан боғлиқ ҳолда, 1947 йилда Афросиёб шаҳрининг Афросиёб IV қатламида (мил. I аср) 2-пунктда қазилган пайтида майда думалоқ шиша идиш топилган [9.70].

Шундай қилиб, Сўғддан икки дастлабки шиша идишлар бир гуруҳга мансуб бўлиб, яқин Шарқ ёдгорликларида уларга ўхшатишлар топилган. Мазкур жиҳат минтақалар ўртасида маданий алоқалар борлигини кўрсатади.

VI аср шиша идишлари: VI аср қатламида фақат битта шиша буюм топилган. Эҳтимол топилма қосанинг бир бўлаги бўлиши мумкин. Топилган шиша сифати ҳақида ҳеч нарса деб бўлмайди, чунки парча бутунлай бирламчи ҳолатини йўқотган. Идишнинг даврий чегараси унинг топилган жойига қараб олинган. Идиш XII объектда, 10-квадратда, 3 давр деворидаги тошдан топилган, бу стратиграфия ва керамика бўйича VI асрга тўғри келади [3.208].

VII аср шиша идишлари: Панжикентнинг шарқий қалъа деворини қазिश пайтида, учинчи даврнинг деворларида қалин шаффоф ойнадан пуфакчалари бўлган, озгина сарғиш бўлган идиш парчаси топилган. Идишнинг ташқи томонида парлатилган қирралар қўлланилган бўлиб, фақат еттитаси сақланиб қолган. Марказда бешбурчак юз ва яна олтига яқин қолдиқ бор, улардан биттаси олти бурчакли қилиб ишланган. Панжикент коллекциясида шиша идишнинг парчаланган юзлари билан безатилган яна иккита бўлаги мавжуд. Улардан бири думалоқ қиррали жуда кичик бўлақ бўлиб, унинг ҳеч бири тўлиқ сақланиб қолган эмас. Уларнинг тахминан 3/4 диаметри 1,9 см [5.14].

Яхши сақланиб қолган қисмининг ёнида бир оз орқада қолган, қолгани юқоридан пастга, бир оз ён томонига ёпиштирилган. Шиша шаффоф, озгина сарғиш. Эҳтимол, бу юқорида тавсифланган гуруҳга тегишли идишдан парча. Идишнинг ташқи юзаси юмалоқ қирраларнинг қаторлари билан қопланган. Бўлақда учта қатор қолдиқлари қолган. Ушбу парча биринчи чоракдан бошланган нон пишириш устахонасининг юқори қавати (59-хона, XVI объект) жойлашган жойдан топилган. Эҳтимол, шиша идишнинг бир қисми вайрон бўлган қурилиш конструкцияларидан тушиб қолган бўлиши мумкин. Шу сабабли, ушбу идиш учун VIII асрнинг биринчи чорагига қараганда анча олдинроқ тарихга эга бўлиш эҳтимоли катта. Ёғочли қиррали идишда ясалган яна бир парча XIX иншоотнинг 2 - хонасининг юқори қаватидан топилган. Хона дастлаб асосий коридор бўлиб хизмат қилган, кейин турар-жой биносига айлантирилган. 2 - хона билан бир хил комплекснинг таркибига кирувчи 1 - хонанинг юқори қаватида 760-761 ва 761-762 йилларда Самарқанд зарбхонаси қолдиқлари топилган. Идишнинг шаклини аниқлашнинг иложи йўқ. Бўлақ қисмлари эркин пуфлаш техникаси ёрдамида ясалган. Шиша - шаффоф, яшил кўк. Ташқи юзада, бир-биридан 0,5 см масофада жойлашган икки думалоқ юзнинг қолдиқлари сақланган.

Шундай қилиб, парлатилган қиррали шиша парчалари топилганлиги, VII-VIII асрларда панжикентлик зодагонларнинг турмуш тарзида кенг фойдаланилганлигини асослайди. Идишлар узок ўлкаларда ҳам фойдаланилган. Чет элда қимматбаҳо мўъжизалар сифатида, бошқа шиша идишлар қатори Япония императорлари саройига етиб борганлиги орқали кўришимиз мумкин.

Панжикентнинг коллекциясида VII аср қатлампидан топилган бир қатор шиша идишлар бўлақлари мавжуд. Металлни қайта ишлаш устахонасини қазिश пайтида (XXIV иншоотнинг 19-хонаси) шимоли-шарқий бурчакдаги чуқурдан турли хил идишлар деворларининг иккита бўлаги топилган. Биринчи бўлақ девори нозик пуфлаш асосида тайёрланган, иккинчи бўлаги безаксиз ва профили юмалоқ идиш, мовий яшил шишадан иборат, икки бўлақ ҳам мовий рангда. Устахона узок фаолият кўрсатмаган, унинг даврий чегараси VII аср охиридан бошлаб VIII асрларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади [1.232-233].

VIII аср шиша идишлари: Панжикент шаҳрининг VIII аср қатламлари шаҳар худудининг деярли ярми қисмида ўрганилган. Шунинг учун VIII аср қатламларида шиша идишларнинг топилиши V-VII асрларга қараганда анча кўп. Шу муносабат билан идишларни мақсадга ва шаклга қараб ҳамда хронологик боғланишини ҳисобга олган ҳолда таснифлаймиз. VIII аср шиша идишлари мақсадига икки гуруҳ бошқаларидан ажралиб туради: биринчиси, овқат хонаси (идишлар, финжонлар, кўзалар) иккинчиси дорихона ва парфюмерия (банкалар, пробиркасимон идишлар).

Суғда хунармандчилигининг яхши ривожланган соҳаларидан бири шишасозликни кўриб чиқиш орқали, суғдикларнинг маданияти ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, инсоният тарихида шишасозлик маҳсулотлари фақатгина маданий ва турмуш тарзи жиҳатдан юқори даражадаги халқларда кузатилган. Шишасозлик маҳсулотларининг даврлаштириш орқали мазкур соҳа тизимли равишда ривожланиб борганлигининг гувоҳи бўлдик. Суғдадаги шишасозлик буюмларига таркибий хусусияти жиҳатдан ўхшаш буюмларнинг топилиши маданий алоқалар ўрнатилганлигини асослайди. Шишасозлик буюмлари таботат, фармацевтика ва кимё соҳаларини илк ўрта асрлар Суғда ривожланганлигини асослашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Беленицкий А.М., Маршак Б.И., Распопова В.И., 1980. Раскопки городища древнего Пенджикента в 1975 г. // АРТ, – Душанбе. 1980. – С. 309.
2. Большаков О.Г. и Негматов Н.Н. Раскопки в пригороде древнего Пенджикента // МИА, № 66. – Москва. 1958. С.354.
3. Маршак Б.И. Отчет о раскопках на объекте XII за 1955-1960 гг. // МИА, № 124. – Москва. 1964. – 376 с.
4. Распопова В.И., 1990. Жилища Пенджикента. – Ленинград: Наука, 1990. – 224 с.
5. Распапова В.И. стеклянные сосуды из Пенджикента (находки 1950-1999). – Санкт-Петербург. 2010. – 164 с.
6. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. Москва. 1981. – 608 с.
7. Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1983. – 309 с.
8. Bibliotheca geographorum arabicorum. Edit, MJ de Goeje pare. I—VIII. Lugduni Batavorum I-II, III. – New-York. 2008. – P. 466.
9. Тереножкин А.И. Согд и Чач. // КСИИМК, вып. 33. – Москва. 1950. – С.284.
10. Higuchi T., Kuwajama Sh. Chagalag Tepe. – Kyoto University, 1970. – P.318.
11. Negro Ponzi M., Sasanian Glassware from Tell Mahuz (North Mesopotamia). Estratto da Mesopotamia III-IV. – Torino. 1968. – P.324.

УЎК 808.5

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЖАДИД АДИБЛАРИНИНГ ЎРНИ

(М.Бехбудий ва А.Авлоний қарашлари асосида)

Б.Т. Хаитов, катта ўқитувчи, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти,
Чирчиқ

Аннотация. Ушбу мақолада юртимизда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга таълим-тарбия бериш масалалари, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ва М.Бехбудийнинг қарашлари берилган бўлиб, улар асосида тегишли хулосалар берилган. Фарзанд тарбиясига лоқайдлик билан муносабатда бўлмастик лозимлиги алоҳида ўқтирилган.

Калит сўзлар: маънавий-маърифий ислохотлар, жадидчилик ҳаракати, таълим-тарбия, баркамол авлод, А.Авлоний, М.Бехбудий, яхши хулқ, миллат келажаги, халқ қаҳрамонлари

Аннотация. В данной статье рассматриваются проводимые в нашей стране реформы в духовно-образовательной сфере, вопросы образования и воспитания молодежи, их воспитание как вполне зрелых и разносторонне развитых личностей. Также даны взгляды нашего просвещенного предка Абдуллы Авлони и М.Бехбудии на воспитание молодежи в духе патриотизма, на основании которых были сделаны соответствующие выводы. Также подчеркивается, что воспитанием детей нельзя пренебрегать.

Ключевые слова: духовно-образовательные реформы, движение жадидов, воспитание-образование, А.Авлони, М.Бехбудии, хорошее поведение, будущее нации, народные герои

Abstract. This article examines the reforms carried out in our country in the spiritual and educational sphere, issues of education and upbringing of young people, their upbringing as quite mature and diversified personalities. The views of our enlightened ancestor Abdullah Avloniy and M.Behbudiy on the education of youth in the spirit of patriotism are also given, on the basis of which the corresponding conclusions were drawn. It also emphasizes that parenting cannot be neglected.

Key words: reforms in the spiritual and educational, the movement of the Jadids, upbringing and education, A.Avloniy, M.Behbudiy, good behavior, the future of the nation, national heroes

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий маънавиятга ҳурмат, миллий ва умуминсоний кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинган ва келинмоқда. Уларни маънан етук, жисмонан соғлом, баркамол авлод сифатида вояга етказиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага кўтарилиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда уларни тўғри йўлдан оздирадиган, ўзларининг ёвуз ва ғаразли мақсадларини илгари сураётган турли гуруҳлар фаолиятидан ҳам огоҳ бўлишимиз, уларнинг домига тушиб қолмасликка ҳаракат қилишимиз даркор. Уларнинг ҳаракатлари, илгари сураётган қарашлари

натijasida бутун инсоният маънавий таназзулга учрамоқда. Маънавий таназзул муаммоси бутун башариятни (аниқроғи онгли башариятни) ташвишга солганига анча бўлди. Фарбда ҳам, Шарқда ҳам бу борада жуда кўп фикрлар билдирилмоқда, мулоҳазалар илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда 2016 йил янги тахрирда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Ёшлар Ишлари Агентлигининг ташкил этилиши юртимизда ўсиб-униб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Муқаддас ҳадиси шарифларда “Ватанни севмоқ иймондандир” дейилган. Яъни иймони бут, виждони пок ҳар бир инсон Ватанини севади, уни ғанимлар кўзидан асрайди, унинг озодлиги ва хурлиги учун доимо курашади. Ҳар бир баркамол инсон Ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртнинг озодлиги ва ободлиги, мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто ширин жонини ҳам аямайди. Машҳур мутафаккир Мавлоно Фузулий шундай дейди: “Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлар эдим”.

XX аср бошларида фаолият олиб борган жадидларимиз ёшларни билимли, маърифатли, ўз халқига хизмат қиладиган, бир сўз билан айтганда юксак маънавиятли шахс этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Улар томонидан ушбу вазифани амалга ошириш жараёнида янги усул мактаблари ташкил этилди, кўплаб газета ва журналлар чоп этирилди, миллий театр фаолиятини йўлга қўйдилар. Ўзларининг қатор асарларида ёш авлодга тўғри тарбия ва таълим беришда нималарга эътибор бериш керак эканлигига алоҳида урғу берганлар.

Улар қаторида “Ўрта Осиё жадидларининг отаси” номи билан танилган Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) ва машҳур педагог, маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний (1878-1934) алоҳида ажралиб туради.

М.Бехбудий – драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби сифатида танилган. Бир неча марта Арабистон, Миср, Туркия ва Россиянинг йирик шаҳарларига саёҳатга чиқади. Саёҳатлари давомида янги усул мактаблари билан танишади, татар зиёлилари билан алоқани йўлга қўяди. Дастлаб Самарқанд шаҳрида Сиддиқий Ажзий ва Абдулқодирий Шакурийлар билан биргаликда янги усул мактабларини ташкил этади.

Бехбудий томонидан янги мактаблар учун “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”, 1905), “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”, 1906), “Китобат ул-атфол” (“Болалар хати”, 1908) каби дарсликлар чоп этирилади [1-219].

1913-йилда Маҳмудхўжа Бехбудий “Самарқанд” газетасини ва “Ойна” журналинни чиқара бошлади. У нашриёт ва ўз номи билан аталувчи кутубхона ташкил этган. Газета ва журналда миллат ва она юрт дарди, халқни маърифатли қилиш, миллат мустақиллигини, эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган долзарб мақолалар чоп этиларди. Улар Россия империяси тасарруфидаги туркий халқларга, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача бориб етарди [2-227].

Бехбудий ўз халқи ва миллати ёшларини ҳар томонлама замонавий билим олишини чин дилдан истайди. Турли зарарли урф-одатларни, исрофгарчиликларни қоралаб уларга сарфланадиган маблағни илм олиш учун сарфлаш лозимлигини уқтиради. “...Илми замонавийни таҳсил қилмоқ учун ҳаракат қилмоғингиз лозимдур. ... Тўйга исроф қилинатургон оқчаларни ўқумоқ йўлига сарф қилсангиз!” [3-171].

Шунингдек, М.Бехбудий ёшларнинг таълим ва тарбиясида “янги усул” мактаблари ва уларда таълим берадиган муаллимлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратган. Маориф тизимини ислоҳ қилмаган миллат “дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас” лигини таъкидлайди [3-178]. Унинг мактаб ва муаллимлар ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Чунки замонавий билим ва касб-ҳунар учун пойдевор авваломбор, мактабларда ва уларда таҳсил берадиган устоз-мураббийларга бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

А.Авлоний ўз қарашларини ўзи томонидан нашр этилган “Тараққий”, “Шухрат”, “Осиё” каби газеталар орқали халққа етказишга интилан. Ушбу газеталар нашр этилиши тақиқланганидан сўнг бир нечта янги усул мактабларини ташкил этган ва ўзи ҳам ушбу мактабларда дарс берган. Шу билан биргаликда мактаблар учун бир қанча дарслик ва рисоалар чоп эттирган. Жумладан; “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” қабилар. Авлоний томонидан ташкил этилган мактабларда болаларга таълим-тарбия беришда уларга ҳам замонавий билимлар бериш, ҳам миллий ахлоқий масалаларга алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу билан биргаликда, билим олишга имкони бўлмаган, ота-онасиз болаларнинг билим олиши, савод чиқаришига бевосита ёрдам бериш мақсадида 1909 йил “Жамияти хайрия” ташкилотини ташкил этганлиги муҳим аҳамиятга эга [4-73].

Бехбудий ва Авлоний ўз асарлари орқали ёш авлодни билим олишга, ўз ватанига муносиб хизмат қилишга чақиради. Тўғри тарбия ва таълим орқали ҳар қандай муаммони ечиш мумкинлигини содда ва равон тилда баён этиб беради. “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”, дейди Авлоний [5-36].

“Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-этибори авваломбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир”, деган эди Биринчи Президентимиз.

А.Авлоний бобомиз ўз ватанини севадиган, ардоқлайдиган ёшларни яхши хулқ соҳиби сифатида кўради. Яхши хулқ сифатида эса қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: диёнат, ғайрат, каноат, шижоат, илм, сабр, интизом, виждон, ватанни суймак ва бошқалар.

Яхши хулқлар соҳиби бўлган фарзандларимиз ўз ватанларини нафақат авайлаб-асрашлари, балки шу юрт равнақи учун хизмат қиладиган, унинг ривожланиши учун ўзининг бор имкониятларини сарфлайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши шубҳасиз.

Маърифатпарвар бобомизнинг қуйидаги фикрларига эътибор беринг: “Ёшлиқдан бошлаб зеҳн ва гидрокимизни қувватландурмак учун азиз умримизни ўйин-кулгу, сафсата моло, яъни (маъносиз) каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, ғазита ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмак лозимдур” [5-60].

Шундай экан, ҳақиқий ватанпарвар, фидойи ва юксак маънавиятли инсонларни тарбиялашдаги энг муҳим омиллар сифатида ёшларимизни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор беришимиз зарур. Беҳбудий ўқувчиларнинг ўз Ватанлари тарихини ўрганишларига алоҳида эътибор беради. Бу уларнинг миллий онгини уйғотишга, жамиятни этник жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблайди. “Ўз уруғи отини билмаган, етти отасини танимаган кул – манкуртдир!” деган сўзлари миллий ўзликни англашда муҳим аҳамиятга эга [2-226]. Жаҳид адибларининг қарашларини умумлаштириб, ёшларимизни юксак маънавиятли инсонлар сифатида тарбиялаш ва вояга етказиш учун қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз:

Биринчидан: ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида чуқур масъулиятни англаган ҳолда эътибор қаратиши зарур;

Иккинчидан: мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тарбиячилар ҳамда педагогларимиз ҳар бир боланинг қобилият ва истеъдодини юзага чиқаришда жонбозлик кўрсатишлари, шунингдек, ҳар бир болага бўлажак шахс сифатида қарашлари керак;

Учинчидан: ота-оналар ўз фарзандларини ёшлиқдан жисмонан бақувват ва кучли қилиб тарбиялаш учун уларга соғлом турмуш тарзига, шахсий гигиенага ва ўз вақтида тўғри овқатланишга маъсулият билан етарлича шарт-шароит яратиб бериши лозим;

Тўртинчидан: ёшларимизни ўз Ватани тарихи билан яқиндан таништириш мақсадида музейларга, тарихий шаҳарларга саёҳатларга олиб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Бешинчидан: етарли таълим олишга имконияти йўқ иқтидорли болаларни ўқитишни давлат ва жамият ўз қарамоғига олиб, уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериши кераклигини ўқтиради.

Шу нарсани унутмаслик лозимки, оилада, таълим муассасаларида, жумладан, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим тизими – ёшларимизни ҳар томонлама ўсиб-улғайишларида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам айнан шу даврда ёшларни бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, уларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун етарли имконият яратиб бериш муҳим омил ҳисобланади.

Биз бугун ниҳол экиб, эртаси куни ундан мева беришни талаб қилолмаймиз. Ниҳолни эккандан сўнг уни эътибор билан парвариш қилишимиз, ёзнинг иссиқ, қишнинг қировли ва совуқ кунларидан асраб-авайлашимиз керак. Шундагина, у бизга кутилган натижани беради.

Шу сабабли ҳам фарзанд тарбиясига фақат бир киши ёки қайсидир ташкилот ёхуд муассасанинг иши сифатида қараш мутлақо нотўғри. Бугун биз тарбиялаётган ёшлар жамиятимизнинг, ватанимизнинг эртанги эгаларидир. Уларга ҳар биримиз, ким бўлишимиздан, қайси соҳада фаолият олиб боришимиздан қатъий назар, ҳеч қачон лоқайдлик билан муносабатда бўлмаслигимиз керак. Чунки, “ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ёшларнинг илм ва маърифатига, ҳунар ва санъатига боғлиқдур” [5-50].

Хулоса қилиш мумкинки, бугунги Ўзбекистон ёш авлод вакили Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобур сингари саркардалар, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Фарғоний, Бухорий, Термизий ва бошқа кўплаб буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлишларини истасак бугун уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият беришимиз даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.Қосимов. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият. 2002.
2. Қ.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. -Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”. 2016.
3. Б.Қосимов. Маҳмудхўжа Беҳбудий. 3-нашр. -Т.: Маънавият. 2006.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000.
5. А.Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. -Т.: Маънавият. 2006.

THE BASIS OF TEACHING SPEAKING IN LITERATURE*Sh.M. Axmedova, teacher, Termez State University, Termez*

Annotatsiya. *Ushbu maqolada asosiy til aspektlari haqida soʻz boradi. Tilning asosiy koʻnikmalaridan biri nutq. Ushbu maqolada biz adabiyotda nutqni oʻrgatishni tushuntirishga harakat qildik.*

Kalit soʻzlar: *adabiyot, prinsip, til, suhbat, ijro, asosiy, muhim*

Аннотация. *Эта статья посвящена основным языковым навыкам. Одним из основных языковых навыков является речь. В этой статье мы пытаемся объяснить, как преподается литература.*

Ключевые слова: *литература, принцип, язык, разговор, исполнение, главное, основное*

Abstract. *This article deals with the main language skills. One of the basic language skill is speaking. In this article we try to explain teaching speaking in literature.*

Key words: *literature, principle, language, speaking, performance, main, basic*

Language learning which must be at the heart of any methodology one decides to implement in the MFL classroom, is that – as posited by Cognitive Skill Theory – the four main language skills (listening, reading, speaking and writing) are learnt exactly in the same way as any other cognitive skill, through lots of practice and formative feedback on performance. Many years of teaching, in the majority of lessons I have seen speaking and listening skills are practised insufficiently and definitely not to the same extent as reading and writing are. When speaking occurs, it is usually within the context of teacher-to-student rather than student-to-student interaction. Teachers still recall vividly the uproar that every lesson should include at least 15 minutes of student-to-student oral communication (through surveys, find someone who, simulations, role plays, card games, etc.). Frankly, I was shocked by that reaction. Isn't it why people learn languages? To be able to converse in the target language to other fellow humans? Shouldn't it be our primary pedagogic and even ethical imperative to encourage face-to-face oral communication, especially in this age of hiding-behind-the-screen chronic digital chatting? What is ironic is that some of those reluctant teachers have become passionate advocates of personalized learning and the 'flipped classroom' through the digital medium. But when students chat with each other in the target language, making up their own questions and answers, using language spontaneously and creatively – isn't this truly personalised learning? We truly flip the classroom, when our learners carry over this learning habit to the outside world or even simply to the corridors or play areas of our schools – a possible scenario in an International school like the one I work in, for example, where people from lots of different nationalities play and work side by side. This is why I personally make sure that every single one of my lessons includes lots of learner-to-learner interaction in the target language.

Is this tendency to refrain from lots of speaking and listening practice exacerbated by teachers' use of the Tablet or other other digital devices in the MFL classroom? The answer is, I am afraid, a resounding 'YES'. Of the over 1,000 tweets about Apple Apps, Tech tips on various teacher networks, digital based learning activities and forum posts I have reviewed as part of a study I am carrying out on digital learning, only a dismal 2 % concerned themselves with oral fluency enhancement. In fact, it should be pointed out that most of the teaching tips that make up that 2 % were of questionable pedagogic values. Here is why. Firstly, some of the 'techy' advice I reviewed related to the use of Telegram, Chatterpix and similar Apps as oral-fluency enhancing activities. Although, there is a place for this kind of activities as catalysts for (younger) student motivation to talk by means of the visual and sound effects, their enhancing effect on fluency is not massive. Moreover, in my experience, students usually tend to read scripts when they record with these Apps as they are often use to 'show off' students' work or as homework to post on school blogs. Similarly, videoing students or recording their dialogues through apps like Voice Recorder Pro, can indeed be useful for AFL activities such as self-/peer-assessment but do they really significantly impact oral fluency? Other tips reviewed related to using apps like Explaining everything where teachers/students record feedback on a student/peer's performance. Besides being very time consuming for teachers to make and students to listen to, all language learning models and research, whether nativist or cognitive, show that this kind of activities have little or no significant impact on student's oral proficiency as they work on declarative rather than procedural knowledge and for them to really impact learning their formative content needs to be recycled constantly to be internalized effectively I will write more on this in my next post explaining why. Finally, using Aurasma to hear a passage being read aloud so as to model good pronunciation/intonation is great at the imitative stages to work on the prosodic levels of language production but does not really develop spontaneous speech. Ultimately, what some language educators seem to forget or ignore, is that for language learners to acquire all the oral micro-skills, each of them needs to be automat zed. In other words, the learner needs to practice each and every one of those skills along the Declarative to Procedural route; a route, that is, that goes from a slow, conscious stage where the learner needs to think about what he/she says with lots of hesitation and mistakes, to a faster, 'automatic' stage where the language performance is fluid and

'spontaneous' and accurate. This requires a sustained, constant and time-consuming effort supported by regular, well-dosed and selective on only a few crucial issues at a time formative feedback, lots of grammar practice, vocabulary learning and pronunciation/intonation modeling through masses of listening:

a) to prepare the students for communicative practice;

b) to consolidate learning;

c) to personalize expansion of the target material.

These colleagues use recording apps mostly at the end of each learning cycle, when the students are developmentally ready for spontaneous interaction or to learn from richer formative feedback. In conclusion, digital tools can be powerful and effective catalysts of learning, but their use must be informed by sound principled teaching and lots of cognitive and affective empathy with the learners. Oracy or social communication must be fostered on a day-to-day basis and developing spontaneous speakers/writers should always be our primary objective as MFL teachers. This is the framework that I advocate for the integration of digital learning in the promotion of oral fluency in the 21st century MFL classroom. Short and long focus, oral and written performance, vocabulary and grammar building are integrated. The principles behind Content and Language Integrated Learning include global statements such as 'all teachers are teachers of language' to the wide-ranging advantages of cross-curricular bilingual teaching in statements from the Content and Language Integrated Project. The benefits of CLIL may be seen in terms of cultural awareness, internationalization, language competence, preparation for both study and working life, and increased motivation.

While CLIL may be the best-fit methodology for language teaching and learning in a multilingual world, the literature suggests that there remains a dearth of CLIL-type materials, and a lack of teacher training programmers to prepare both language and subject teachers for CLIL teaching in literature. The theory may be sold, but questions remain about how theory translates into classroom practice.

Concrete goals and behavioral objectives are the corner stones of an effective writing program, as they will provide the teacher with valid evaluative and diagnostic tools and permit the pupil achieve success. Prior writing experiences for many of our pupils have resulted in failure primarily due to poor objectives, which failed to allow the pupils to succeed. We must first tap the abundant resources our pupils have brought with them to class. All of our pupils have mastered the syntactical complexities of their mother tongue. When the child first learned to speak, he did so through imitation. He learned words, imitated sentence patterns, and later created original sentences according to the many patterns he had internalized. In essence, he has learned the patterns of verbal communication. Unfortunately, when teaching writing, teachers fail to recognize this innate phenomenon. We are so concerned with grammatical rhetoric, standard English and proper usage, that the pupil is no longer confident about his ability to use language. Such a pupil will never be motivated to write. Management of a writing program is also crucial.

REFERENCES:

1. Adger. D. Core syntax: A minimalist approach. 2003
2. Bannard, C., Baldwin, T. and Lascarides, A.A statistical approach to the semantics of verb-particles. In Proceedings of the ACL-2003 Workshop on Multiword Expressions: Analysis, Acquisition and Treatment, Japan, Sapporo, 2003.- p 65- 72.
3. Beecher.H.Pragmatic licensing of redundant VPCs. USCD. Linguistics Department. 2008
4. Biber, D., Johansson, S., Leech, G., Conrad, S., and Finnegan E. Longman Grammar of Spoken and Written English. Harlow: Pearson Education Limited. 2006.- p 12
5. Collins Cobuild, "Usage English", Birmingham" 1987

UDC 81-13

BADIIYLIK MEZONLARI VA KONFLIKT TALQINI

S. Bozorov, o'qituvchi, Termiz Davlat universiteti, Termiz

Annotatsiya. *Iste'dodli ijodkor Normurod Norqobilovning "G'animlar" qissasidagi konflikt talqini haqida mulohaza yuritilgan. Asarda voqealar rivojining konfliktni shakllanishiga xizmat qilishi asoslangan. Talqinlardagi konflikt turlarining ifodalanishiga e'tibor qaratilgan. Sujet va badiiy konfliktning uzviy birligi mukammal asarlarni yuzaga chiqishiga asos bo'lishi isbotlangan.*

Kalit so'zlar: *talqin, badiiy konflikt, tasvir va mahorat, badiiylik, g'oya, ruhiyat*

Аннотация. *Интерпретация конфликта в повести "Враги" талантливого творца Нормурода Норқобилова. Спектакль основан на том, что ход событий формирует конфликт. Интерпретация акцентирует внимание на типах конфликтов. Неразрывное единство сюжета и художественного конфликта оказалось основой для создания безупречных произведений.*

Ключевые слова: *интерпретация, художественный контакт, образ и мастерство, искусство, идея, дух*

Abstract. *The interpretation of the conflict in the story "Enemies" by the talented writer Normurod Norkobilov. The play is based on the fact that the course of events serves to shape the conflict. The focus is on the types of conflict in the interpretations. The inseparable unity of plot and artistic conflict has proven to be the basis for the creation of perfect works.*

Key words: *interpretation, artistic contact, image and skill, art, idea, spirit*

Asrlar davomida shakllanib kelgan badiiy nasriy asarlarda inson va ijtimoiy muhit o'rtasidagi ziddiyatlar turfa xil ohanglarda o'z ifodasini topib kelmoqda. Badiiy adabiyot yaralibdiki, yaxshilik va yovuzlik, adolat va adolatsizlikni turli vositalar, ramzlar, majozlar orqali ifodalashga intiladi.

Hayotdagi mavjud ziddiyatlar hech bir insonni chetlab o'tmaydi. U ko'pincha uzoq muddat o'zaro birga bo'ladigan inson va inson, inson va muhit, inson botinidagi ziddiyatlar zamirida sodir bo'ladi. Odatda shunday tassavurlar mavjudki, konflikt–bu doim tahdid, dushmanlik, araz, tushunmovchilik uyg'otadigan salbiy hodisa sifatida namoyon bo'ladi. Aslida esa, inson tafakuridagi evrilishlarni, jamiyatdagi ziddiyatlarni badiiylilik orqali namoyon etadi.

Shu jihatdan, Normurod Norqobilovning asarlariga murojaat etar ekanmiz, uning barcha nasriy asarlarida: roman, qissa, hikoya janrida qalam tebratar ekan badiiy konfliktning asar sujetiga mahorat bilan singdiradi. "G'animlar" qissasi fikrimizga yorqin misol bo'ladi. Asardagi voqealar oddiy qishloq hayoti bilan chambarchas bog'liqdir. Inson va nabobat olami dialektik birlikda yashab kelgani singari, bu majoziy obrazlar orqali hayotiy ziddiyatlarni ifodalashga harakat qiladi: "Suyikli iti Dikkiquloq o'ldirib ketilgandan sovg, g'azabi ko'kka o'ralgan Sarvar, itning qotili bo'lmish Yoldor bo'rining jonini olmoqqa qat'iy ahd qildi. Shu tog'da yo sen turasan, yo men, deya bor ovozda baqirdi" [1, 125]. Sardordagi nafrat hissi, sevimli itining Yoldor bo'ri tomonidan o'ldirilishidan boshlanadiki, bu esa har ikkisi o'rtasidagi ziddiyatni yuzaga chiqaradi. Inson qalbidagi istiroblarni yozuvchi asar sujetiga mahorat bilan singdirib yuborgan. Konfliktlar, insonlarning o'zaro bir-biriga ta'sir ko'rsatishi, o'zaro munosabatlar jarayonida vujudga kelishi bilan bir qatorda, muhitning ta'sirida xarakterlarning shakllanishini ham kuzatish mumkin.

Konfliktlar faqat insonlar o'rtasida mavjud bo'lib qolmay balki, bir insonni o'zida, ya'ni botinida ham mavjud bo'ladi. Shuning uchun badiiy asar tarkibida konfliktning bir qancha ko'rinishlari sujet tarkibida o'z ifodasini topadi. Bu haqida adabiyotshunos olim H. Umurov badiiy konfliktning turlarini quyidagicha izohlaydi: "Psixologik (ruhiy) konflikt qahramon qalbidagi hissiyotlar, tushunchalar, ojiz va kuchli jihatlar kurashgan. Ijtimoiy konflikt – asar qahramonlari bilan ular yashayotgan sharoit o'rtasidagi kurash. Shaxsiy – intim konflikt – bir-biriga qarama-qarshi xarakterlar, guruhlar o'rtasidagi kurash" [1, 123-124]. Ijtimoiy konflikt – bu taraflardan biri ikkinchisi bilan qarshilik yoki ochiq kurashga kirgan holati sifatida qaraladi. Ijtimoiy konfliktlar bilan bir qatorda ijtimoiy-psixologik va psixologik kategoriyalar ham ajratiladi. Konfliktning asosiy ko'rinishlari yozuvchining yuqorida qayd qilgan qissasida mahorat bilan o'z aksini topgan: "Bularda faqat jasad bor, fahm-farosatdan zig'ircha yo'q, deydi. Tulkisimon Dikkiquloqni esa dunyodagi barcha itlardan afzal ko'radi. Bunda bor yo'g'i zamon yo'q, qolgan hamma narsani odamday ilg'aydi, odamday fahmlaydi, ishonmasangiz sinab ko'ring"[1, 125]. Bu talqinlardan ko'rish mumkinki, Sarvar o'z itidagi xislatlarni sanar ekan, botinida o'zi bilan o'zi kurashadi. Ruhiy konflikt asar qahramonlarining badiiy xarakterini yoritishga asos bo'lgan.

Har qanday konfliktning qamrov doirasi juda keng bo'lib, ichki va tashqi holatlarga, omillarga, hayot voqeligiga bog'liqdir. Bu holatlar qanchalik o'zgaruvchan va o'ziga xos bo'lishini asardagi voqealar rivoji namoyon qiladi. Shuning uchun badiiy matndagi konflikt predmeti deganda, tomonlar o'rtasida ob'ektiv jihatdan mavjud bo'lgan yoki biror maqsadni ko'zlab yuzaga keltirilgan muammolar majmuasi tushuniladi. "G'animlar" qissasidagi voqealar rivojiga nazar tashlasak, inson va inson, inson va nobobat olani, inson botinidagi turfa xil ziddiyatlar asosida yorqin obrazlar olami namoyon bo'ladi: " – Nima, tutqich bermayabdimi, mehmon? – dedi Suyun chol hol-ahvol so'ragan kishi bo'lib. – Tutishingiz qiyin uni. Ergash bodigayam tutqich bermagan u. O'rta erda Ergashning o'zi o'lib ketdi... – Itimning xuniga mana shuni tikaman! – dedi iddaoli, ham kiborli ohangda. – Sharti shu, jasaki oyog'im ostida bo'lishi kerak! Tepkilab alamimdan chiqmoqchiman!" [1, 127]. Asardagi voqealar rivojlanib borar ekan, Suyun chol bilan Sarvar o'rtasidagi dialogik nutqda, ularning ma'lum darajadagi xarakter qirralarini anglay boshlaydi. Chunki, Suyun cholning "piching, kesatiq" shaklidagi fikrini Sarvar teran anglagan holda, "kibor va mag'rurlik, shaharlik"ka xos xislatini namoyon qilgan. Aslida esa, Suyun chol yoldor bo'rining tarafini oladi, agar unga biror kor-hol bo'lsa, ularning to'dasi qishloqqa qirg'in keltirishni juda yaxshi anglaydi. Ammo Sarvarda esa bu tushuncha mavjud emas. Ma'lum muddatga tog' etagidagi qishloqqa kelgan, tabiiyki, o'z manfaatini, xalq manfaatidan ustun qo'yadi. Kiborlaracha aytilgan bu fikrdan keyin har ikkisi o'rtasida anglanmagan ziddiyat vujudga keladi.

"G'animlar" qissasida sujet va badiiy konflikt orasida ikkiyoqlama aloqa mavjudligi kuzatiladi, sujet konfliktlarni umumlashtirib namoyon qilsa, ikkinchidan, konflikt sujetni harakatga keltiruvchi asosiy badiiy unsurga aylanadi. Ko'rinadiki, sujet va konflikt badiiy asarda uyg'unlashadi, biri ikkinchisini to'ldiradi va taqozo etadi. Badiiy asar voqelikni aks ettirgani va uning markazida inson obrazi turgani uchun ham, insonning real hayotida mavjud ziddiyatlarning bari unda badiiy aksini topadi. Yuqorida qayd qilingan talqinlarda ham shu xususiyatlar o'z aksini topgan.

Birinchidan, ziddiyatlararo uyg'unlik sujet takomilini belgilaydi, ikkinchidan, sujet va voqealar rivoji konflikt salmog'iga tutashadi, uchinchidan, xarakter mantig'ida ham botiniy, ham zohiriy keskinlik markazlashuvi ustuvorlashadi, to'rtinchidan, voqealar tizimi xalqalararo yaxlitlik badiiy munosabatlar ziddiyatining ko'lamini uyushtiradi. Aslida, sujet qismlari vazifadoshligini ta'minlaydigan vositalar qarama-qarshiliklar hamda asardagi tasvir xususiyatlari uni namoyon qiladi. Asarda sujet va konflikt munosabatlari aloqalantirilgan badiiy izchillikni hosil qiladi. Tasvir ziddiyati (kinoya, kesatiq, piching) odamzod fe'l-atvoridagi keskinlikni tafovutlasa, xarakterlararo ixtilof ijtimoiy munosabatlar raqobatini ham yuzaga

chiqaradi. Sarvar qayd qilgan fikri o'z botinida anglashga, his etishga harakat qiladi. Uning bu holatini adib quyidagicha talqin etgan: “U, bu kammi, degancha bo'lmay, kimdir bu yil qish erta kelishi mumkinligini aytib qoldi. Bir zum sukutga tolgan davra birdan jonlandi. Qishning erta kelish-kelmasligi haqida har kim o'z bilganicha bashorat qila boshladi. Sarvar sezdi, buning hammasi shunchaki gap. Noqulay vaziyatdan qutulmoq uchun ko'tarilgan “g'avg'o” [1, 128]. Asardagi talqinlarni kuzatar ekanmiz, noqulay vaziyatdan asar qahramonini chiqarish uchun gap boshqa tomonga buriladi. Xalqona va ayni vaqtda odilona hukumni yozuvchi chiqarishga intilar ekan, kitobxonning Sarvarga nisbatan achchinish hissini ham shakllantiradi. Uning esa xayolida bu qishloq muhitiga, odamlariga nisbatan ilk nafrat hissini sezadi. Ana shu voqealar rivoji badiiy qahramon va muhit o'rtasidagi ziddiyat shakllantiradi.

Har bir badiiy asar – yaxlit bir olam ekanligiga e'tobor qaratsak, bu olamga kirib borish adib yaratgan ijodiy voqelikni badiiy talqin etish jarayonida teranroq namoyon bo'ladi. Unda favqulodda nafosat va estetik idrok, ma'rifiy shaxs xususiyatlari ko'z o'ngimizda jonlanadi. Shu ma'noda, muallifning o'ziga xos talqini hayotni teran anglashida, asar qahramonlarning har bir holatini juda go'zal talqin etish bilan izohlash mumkin. Yozuvchi talqinida alohida ahamiyat kasb etadigan holat, hayotga ijodiy yondashuvni taqozo etadi. Sujetda badiiy yaxlitlashadigan voqealar silsilasi yozuvchini hayotga asosli yondashishida namoyon bo'ladi. Aslida badiiy idrok shakl va mazmun uyg'unligini ta'minlaydigan muhim halqa bo'lib, ham nazariy, ham amaliy mohiyat kasb etadi. To'g'rirog'i, talqindagi voqealar tasvirida inson ruhiyatidagi o'zgarishlar orqali o'z aksini topgan. Suyun chol hayotning ko'p murakkabliklarini ko'rgan shaxs sifatida jonlansa, Sarvar hali hayot murakkabliklarini anglamagan, ziddiyatlar zahirida shakllanmagan shaxs siymosi ekanligi ma'lum bo'ladi. Badiiy idrok va yozuvchining hayotni oddiy qirralarini ham mahorat bilan yoritganligi bilan izohlanadi. Asarni – kichik-kichik ruhiy manzaralardan tashkil topgan yaxlit tizim desak, xato qilmagan bo'lamiz. Talqin va tasvir mohiyatida – odamzod orzu-o'ylari, istak-intilishlari, talpinishlari, sog'inchu sevinchlari o'ziga xos tarzda tasvirlanadi. Bunday xususiyatni Sarvarda yorqin ifodalanganligini ko'ramiz. Uning botinidagi istirob, jismidagi kasallik, odamni o'ylashga, o'zini tanishga, o'zligini anglashga va shu jarayonda o'zligini ayon etishga undaydi.

Adabiyotshunos A.Rasulov qayd qilganidek: “Inson o'sadi, o'zgaradi, shakllanadi, ruhan – ma'nan boyib boradi, lekin inson tamoman o'zgarib, ikkinchi «men» kasb etmaydi, o'zligini yo'qotmaydi, ya'ni ijtimoiy munosabatlar majmui, inson mohiyati, fitrati, mehrida ro'y beradi. Aniqroq aytsak, fitrat mavjudki, inson o'zgaradi, moslashadi, tuslanadi, turlanadi” [3, 9]. Insondagi moddiy boyliklar uning qalbini zulmatdan qutqara olmasligiga o'quvchida ishonch hosil qiladi. Ma'naviy qashshoqlik esa, shaxsni tubanlik sari qadam tashlashga majbur etsa-da, ma'naviy yuksaklik o'zlikni anglashga asos bo'lishini teranroq anglay boshlaydi. “Siz nonni “nana” deb yurganingizda, Shoyim akangiz shaharning ko'zirlaridan biri bo'lgan. Vaqtida ahmoqlikni ko'p va xo'p qilganmiz. Qisqasi, gap bitta, jondorni o'ldiromasangiz, suruvni tashlab ketasiz. Aksi bo'lsa, mening suruvim sizniki!” Shoyim yo'g'on qishloq odamlariga xos, mard, tanti shaxs sifatida, Sarvarni ikkilantirib qo'yadi. Xuddi qat'iy kelishuvni o'rtaga tashlagandek, fikrlarni bayon etar ekan, aslida qismatda nima borligini anglash mumkin emasligini o'rtaga tashlaydi. Ammo insonning sha'ni, g'ururi, bevosita kiborona qarashlar sohibi Sarvarni dahshatga soladi.

Asarda insonning jamiyatdagi o'rni, qadr-qimmatini asosiy o'ringa qo'yilib, inson va tabiat o'rtasidagi muammolar, asar sujetiga singdiriladi. Bu jarayon shiddatli voqealar tasvirida qahramon xarakterini shakllanishiga asos bo'ladi. Badiiy asar, qaysi davr, qanday ijtimoiy-adabiy sharoitda shakllanishidan qat'iy nazar, muallif nigohi orqali umuminsoniy qadriyatlarni badiiy asar sujetiga singdirilishi va o'quvchi qalbini larzaga solishi, yozuvchining badiiy mahoratidan dalolat beradi. Asar qahramonining borlig'ini qamrab olgan, ruhiy ziddiyatlar iztirobida qoladi. U butun jamiyat ruhiyatida aks sado berayotgandek ko'rinadi. Lekin inson dunyosi, o'zining yolg'izligi, orzu istak va iroda-bardoshi bilan alohida-alohida olam ekanligi asoslanadi. O'zligini anglagan shaxs sukunatning iztiroblarini teran anglaydi. Yozuvchi Normurod Norqobilov asar sujetiga falsafiy mushohadalarni singdirib yuboradi.

Adabiyotshunos Bahodir Karim ta'kidlab o'tganidek: “Keyingi yillarda o'zbek adabiyotida yangi bir nafas, yangi bir iqlim ob – havosini olib kirishga intilayotgan ijodkorlar vujudga keldi. Adabiyotimiz suratidan siyratga, jamiyatdan insonga, tashqaridan ichkariga qaytayotgandek, irmoqdan dengizga ulanayotgandek. O'z asarlarini davrning ijtimoiy – siyosiy muoammolari bilan bezashni o'zlariga ep ko'rmagan, badiiy adabiyotni ramzlar tili, ezgulik va qabohatning mangu janggohi, inson qalbidagi cheksiz iztiroblar chizgisi ekanligini his etayotgan yosh iqtidor egalari, imkoni boricha insonlarning botiniga, his – tuyg'ulari to'lqiniga, orzu-armonlariga diqqatni qaratayotgandek taassurot beradi” [4, 262]. Yuqoridagi mulohazalar bugungi nasrdagi badiiy o'zgarishlarni, inson tafakkuridagi bahs-munozaralarni mohiyatan o'zlikni anglash yo'lidagi hayot voqealarini va inson tafakkuridagi o'zgarishlarni badiiy talqini bilan izohlanadi.

Darhaqiqat, hayot ziddiyatlaridan iborat ekan, u insonga, ruhiy olamiga o'z ta'sirini o'tkazadi. Inson ruhiy olamidagi konflikt qissada mahorat bilan talqin etilgan. Shuning uchun ham konflikt asar pesonajlarining sujetda badiiy ifodasini topadigan o'zaro to'qnashuv va kurashlari qahramon bilan muhit orasida yoki uning ruhiyatida kechuvchi ziddiyatlar, qarama-qarshiliklar tarzida o'z ifodasini topgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Norqobilov N. G'animlar. Qissa. Qarang: Bo'ron qo'pgan kun. Qissa va hikoyalar. – Toshkent, Sharq, 2007. – 304 b.

2. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazaryasi. –Toshkent, 2004. – 264 b.
3. Rasulov A. Badiiylik–bezavol yangilik. –Toshkent, Sharq, 2007. –336 b.
4. Karim Bahodir. Mohiyatning namoyon bo'lishi. Qarang: Mustaqillik davri adabiyoti. Adabiy-tanqidiy maqolalar. – Toshkent, 2006. – 288 b.

UDC 81-13

EFFECTIVE WAYS OF TEACHING GEMINANT CONSONANTS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

D.P. Donieva, student, Termez state university, Termez

Annotatsiya. Ushbu maqola qiyosiy fonetikaga, ingliz va o'zbek tillarida ikkilangan qo'sh undoshlarning o'ziga xos xususiyatlariga, so'zlashuv nutqini o'rganishda qiyosiy uslubning roliga bag'ishlangan. Chet tilini oson, tez va zavq bilan o'rganishni istagan talabalar uchun turli xil qoidalar mavjud.

Kalit so'zlar: yo'l, ta'lim, ingliz tili, noaniq, til

Аннотация. Данная статья посвящена сравнительной фонетике, собственно сходным и различным особенностям двойных согласных в английском и узбекском языках, роли сравнительного метода в обучении разговорной речи. В нем представлены различные примеры правил для учащихся, которые хотят изучать иностранный язык легко, быстро и с удовольствием.

Ключевые слова: способ, обучение, английский язык, согласный, язык

Abstract. The following article is devoted comparative phonetics, actually similar and different features of double consonants in English and Uzbek languages, the role of comparative method in teaching speaking. It is presented different rules examples for learners, who wants to learn foreign language easy, fast and with fun.

Key words: way, teaching, English, consonant, language

If students learn second language on comparative method, they can figure out the system of language items easily and quickly. Learning as well as teaching foreign language is not an exception. There are many different softwares for all grades and ages, especially for non-philological learners. In this article, we are going to present different phonetic peculiarities in Uzbek and English directed to the teaching elementary learners, which are easy to learn and joyful.

The purpose of modern techniques in Teaching Language is to study English independently. Due to the fact that Interactive Teaching language involves listening speaking reading and writing skills. It is referred as Communicative Language Teaching. On the first part of our research article we're going to recommend improvement of speaking skill. Now we outline that one of interesting and also enthusiastic suitable topic for discussion in comparative linguistics. We'd analyzed consonant combinations, it can be exactly considered that the doubled consonants still need observing and researching process.

It tends to be quite difficulties when elementary learners come across new vocabulary. In ELT it is important to explain individual features of pronunciation, learners should realize that the name of a letter may not be similar to the sound it represents. Otherwise, they may hesitate and make some mistakes in articulating words such as *the, think, listen, knife, answer*. Teachers are asked to pay great attention on teaching phonetics that letters occur without representing any sound.

A consonant is some application that has been designed to teach anyone, especially non-phylogenic learners. First of all we must divide consonant combinations: they may be rootish (ex.*school*) or formal (*sunny*). Two different consonants together are called 'blends'. You can hear the sound: He jumped.

Actually, we are talking about double consonants. Typical cases of double consonants are described in this material. You know, if same consonants are used together we can call it Double or geminant consonants. The phrases "double consonants, a double consonant, geminants in this material refer to two neighbouring consonant letters that are the same, for example, "ss,mm,nn" as in "*pass, summer, running*".

There are some similar and different features of English Double consonants compare as Uzbek ones. In Uzbek language double consonants are pronounced fully for representing the meaning completely (*qallob, arra, alla*).

There are two main reasons for the appearance of double consonant letters.

1. Generally, the final consonant letter of the first part of the word may be the same as the initial consonant letter of the next part.

This may take place when adding prefixes that end in a consonant (*dissatisfy, illogical, unnecessary*) or suffixes that begin with a consonant (*openness, soulless*) or also begin with vowel sound (*stopping, sitting wrapping, skipping*) or when two words are combined to make a compound word (*newsstand, roommate*). When adding a syllable beginning with a vowel letter to a single consonant letter that stands after short stressed vowel sound represented by a single letter, the consonant letter is doubled in order to keep the preceding vowel sound short, for example: *kitten, funny, biggest, reddish, swimmer, stopping*.

But in Uzbek language the root and affix sounds are expressed only in pronunciation as doubled, for example, *yigit-yigichcha, aytdi -aytti, tog' - toqqa*.

Double 'k' and double 'v' are rare. They are found in a few words, as well as in nicknames: *Yakky, trekker, skivvy, Nikky, Bevvie, Livvy*.

And also in Uzbek you can see examples which appeared in such a way that shortening or spoiling: *Asliddin -Assi, Nafisa -Nappi, asalim-assalim*. In the following examples first syllable is chosen as a base of double consonants. In addition we can observe double consonants may express additional meaning notes in Uzbek:

a).to emphasize the meaning strongly: *to'g'ri- to'ppa-to'g'ri,oq-oppoq, chin-chippa-chin*

b).to describe adverb and adjectives like superlative mean: *aniq aytmoq-anniq aytmoq,o'ta injiq - o'tta injiq*

2.A double consonant letter indicates that the preceding vowel letter represents a short sound (*matter,tunnel,sell*).Generally,a single vowel letter in a stressed syllable represents a long sound or a diphthong before a single consonant letter followed by another vowel letter(*meter,tuner,typing,sale*).

So ,double consonants do not occur at the beginning of both language words,but in English there some cases of initial double consonants in words of foreign origin and in personal names and are written in any translation (*Lloyd,Llewellyn*).The consonant letters h/ j/ q/ w/ x are not doubled in any position in the word.Unusual doubling of these consonants is found in some names and abbreviations(*EXXON, www*) and there are spelling cases where 'h' stands after ch,sh,th (*fishhook, withhold*).

Consonant combinations are never doubled (*brother,fishing*).There are certain cases of a double consonant before another consonant letter ,for example, in words like "*middle, settle, bubble*".

Three like consonant letters in a row in one and the same word do not occur in English, except when they are divided by a hyphen in compound words (*bell-like shape,stainless-steel*).

A double consonant may represent one sound,for example stiff/lesson/normally or two sounds:*misspell/meanness/roommate*.

We can explain English geminant consonants peculiarity tending to care for speaking time colloquial principles took placed in pronunciation and in addition to the influence of stress. According to the process of assimilation becoming identical into one. For example: *Give me- gimme / want to- wanna/ out of - outta / A lot of -alotta /Cup of - cuppa / don't know - Dunno / Let me - Lemme .*

REFERENCES:

1. Abduazizov. English Phonetics. A Theoretical Course, T., 2007.
2. Sokolova M.A. and others. Theoretical Phonetics of English.
3. Peter Roach. English Phonetics and Phonology. Cambridge University Press, 2006
4. Martin Hewings. Pronunciation Practice Activities. Cambridge University Press, 2004

UDC 81-13

IMPROVING THE METHODOLOGY OF TEACHING ENGLISH

D. Haydarova, teacher, Ferghana State University, Ferghana

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tilini o'qitishda ta'lim samaradorligini oshiruvchi metodlarning o'ziga xos xususiyatlari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: o'qitish metodikasi, ingliz tili, ta'lim samaradorligi

Аннотация. В данной статье освещены особенности методов повышения эффективности обучения английскому языку.

Ключевые слова: методика преподавания, английский язык, эффективность обучения

Abstract. In this article, the specific features of the techniques that increase the effectiveness of education in the teaching of the English language are highlighted.

Keywords: teaching methods, English, the effectiveness of training

One of the conditions for social progress is the creation and dissemination of various innovations in society. The fundamental changes taking place in society and accelerating these processes require a new General approach to knowledge and life, taking into account the initiative and creative action of people in modern conditions. In our time, there is a gap between the reviving complexity of reality and the ability of a person to navigate in new conditions with existing teaching methods. In this regard, "innovative training" based on anticipating unexpected and new situations with the active participation of people becomes relevant.

One of the main tasks of higher education at the present stage is to provide highly effective training and training of qualified personnel on the basis of modern educational professional programs. Cardinal social transformations require a revision of pedagogical concepts and the development of pedagogical science in line with modern requirements for a specialist as a person and a unique personality. In this regard, the task of mastering and applying modern teaching technologies by higher school teachers as a system of methods that are closest to the professional activities of students becomes particularly acute.

Educational technologies that provide not only the effectiveness of mastering subject knowledge, but also constructively organize the activities of students, reveal the possibilities of using knowledge from the field of a specific science in real educational practice are of value to the University.

Progress and fundamental changes in language learning methods are undoubtedly associated with innovations in the field of personality and group psychology. The psychological factor of learning foreign languages is promoted to a leading position. Authenticity of communication, balanced demands and claims, mutual benefit, respect for the freedom of other individuals-this is a set of rules for building constructive relationships in the "teacher-student" system.

Education at the same time acquires the conceptual properties of technology, provides a multi-level and multi-stage process of goal formation, characterized by integrity and purposefulness in the development of technology and its implementation. When it comes to the use of new pedagogical technologies, the question arises as to whether it is appropriate to apply them in the methodology of teaching specific disciplines, in particular, in the methodology of teaching English. Market transformations the formation of ideological pluralism and personal preferences require a revision of the theoretical content of education, bringing the applied tasks of education in line with the requirements of the time. Learning a foreign language should not only provide the necessary knowledge about society and its development, but also help to adapt to modern life.

The teacher is also not constrained in the choice, because there are a huge number of methods and techniques of training - from games and trainings to simultaneous translation, in the organization of classes, in the choice of textbooks and manuals. The teacher can now select, create, combine and modify the training material using various methods.

In the practice of English language teachers, the technology of educational and gaming activities is widely used. However, its implementation is often episodic, not built into a clear system of organization of cognitive activity. Educational game as a pedagogical technology gives a positive result only if it is seriously prepared, when both students and the teacher are active. The modern teacher is a key figure in the organization and design of the pedagogical process. The effectiveness of the educational system depends on their professional suitability, pedagogical skill, skill, creativity, and innovation. The main condition "for the development of educational programs, the development of creative, spiritual and physical capabilities of the individual, the formation of strong foundations of morality and a healthy lifestyle, the enrichment of intelligence by creating conditions for the development of individuality, etc." is the teacher. In education, everything should be based on the personality of the educator, because the educational power is poured out only from the living source of the human personality.

The development of new technology should be carried out gradually, without allowing a sense of revolutionary novelty. In the conditions of development of design technology, when the teacher is faced with the task of mastering new technological knowledge and skills, the processes of creativity, design are associated with his educational activities. Here it is necessary to take into account that the lack of freedom of choice kills creativity. Therefore, especially at the stage of entering the technology, the decision on large-scale innovations requires the participation of the entire team. The involvement of the team in the development of new approaches to the organization of the educational process can be provoked through changes in organizational forms. other pedagogical relations and other pedagogical communication are also necessary conditions.

Of particular importance is a well-developed game scenario, where training tasks are clearly marked, each position of the game, possible methodological techniques for getting out of a difficult situation are indicated, and methods for evaluating results are planned. The use of various games opens up wide opportunities for activating the educational process.

The technology of communication and dialogue activity requires a creative approach to the organization of the educational process, knowledge of heuristic conversation techniques, the ability to conduct a discussion and create conditions for a discussion between students. In the subject of English, there are great opportunities for the use of communication and dialog technology.

In addition, you can also use structural and logical technology on the subject of English. This is viewing video material with a consistent retelling and full analysis, as well as viewing video material "partially", i.e. some excerpt, it can be the beginning, end, or middle of the film. The idea is that the trainee develops their imagination by coming up with the missing episodes.

The quality of training directly depends on the methodological consciousness and professional culture of the teacher. Currently, they have to independently form the concept of the subject, develop a teaching methodology. In order to bring the work of modern teachers closer to world standards, it is necessary to create educational and methodological complexes for all sections of the English language, and at the same time it is necessary to form students' civic responsibility, foster patriotism, independence, initiative, and tolerance. You need to think through the illustrative block of the textbook and the methodological apparatus that should focus the student on self-education, self-development and self-improvement.

Thus, in the professional activity of a teacher there is always room for search, pedagogical creativity, and not at the level of traditional methods, but at the next-technological level. The introduction of new technology contributes to the development of the level of education, students' desire for knowledge. In order for a citizen's education to become democratic, it should not be limited to some specially designated classes, knowledge should become part of the General approach to learning, which can be used by any teacher.

REFERENCES:

1. Innovative directions for improving the study of foreign languages: Materials of the Republican scientific and practical conference. T.: Uzniipn, 2014.160 p.
2. Polat E. New pedagogical and information technologies in the education system. - Moscow, 2002.
3. Farxodjonova N.F. Modernization and integration: social-philosophical analysis //Роль науки в формировании современной виртуальной реальности. – 2019. – С. 10-12.

UO'K 808.5

FARIDUDDIN ATTOR ASARLARI G'ARB OLIMLARI TADQIQOTLARI TALQINIDA

R.X.Husanova, o'qituvchi, Qarshi davlat universiteti, Qarshi

Annotatsiya. Mazkur maqola so'fiylik rivojiga salmoqli hissa qo'shgan fors shoiri Fariduddin Attor asarlari va ularning g'arb va sharq tadqiqotchi olimlari tomonidan o'rganilish tadqiqiga hamda Attor asarlarining ko'plab xorijiy tillarga tarjima qilinish tavsilotlari va uning beqiyos ahamiyatiga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: so'fiylik, ruhiy va moddiy olam, rivoyat, masnaviy, klassik fors adabiyoti, Qur'on oyatlari, tasavvuf dunyosi, avliyolar va ilohiyotchilar

Аннотация. Данная статья посвящена изучению творчества персидского поэта Фаридууддина Аттара, внесшего значительный вклад в развитие суфизма, их изучению западными и восточными учеными, а также деталям перевода произведений Аттара на многие иностранные языки.

Ключевые слова: суфизм, духовный и материальный мир, повествование, маснави, классическая персидская литература, аяты Корана, мир мистицизма, святые и богословы

Abstract. This article is devoted to the study of the works of the Persian poet Fariduddin Attar, who made a significant contribution to the development of Sufism, and their study by Western and Eastern scholars, as well as the details of the translation of Attar's works into many foreign languages.

Keywords: Sufism, spiritual and material world, narration, Masnavi, classical Persian literature, verses of the Qur'an, the world of mysticism, saints and theologians.

Fariduddin Attor taxallusi bilan mashhur bo'lgan Abu Hamid bin Abu Bakr Ibrohim, so'fiylik nazariyotchisi va VI-VII asr boshlarida ijod qilgan, forsiy she'riyat va so'fiylikka adabiy ta'sir ko'rsatgan fors musulmon shoiridir. U milodiy 530 yilda taxminan Nishopur yaqinidagi Kadkan qishlog'ida tug'ilgan. Uning vafotining sanasi aniq belgilanmagan, ammo uning zamondoshlari asarlarida bir necha bor uning 627 yilda vafot etganligi tilga olingan. Bundan tashqari, uning o'limi sababi to'g'risida aniq dalillar yo'q va aytilgan barcha voqealar afsonalardir. Attorning otasi kimyogar bo'lgan. Otasining o'limidan so'ng, Attor otasining kasbini davom ettirdi va shu davrdan boshlab she'riyat va so'fiylikka qiziqishi boshlangan. Fariduddin Ator eng sermahsul shoir bolib, uning "Bulbulnoma", "Mantiq ut-tayr", "Ushturnoma" asarlari ramziy-allegorik timsollar asosida yozilgan. "Javhar uz-zot", "Xayloj", "Asrornoma", "Sharh ul-qalb", "Musibatnoma" kabi dostonlari bevosita muhokama-mushohada tarzida bitilgan, "Xusravnoma" esa romantik-sarguzasht asar hisoblanadi. Ikki qismdan iborat "Javhar uz-zot" asarida butun ruhiy va moddiy olamlar yagonaligi ta'riflangan. Bundan tashqari, Attor "Pandnoma", "Besarnoma", "Devon", "Vuslatnoma," "Tazkirat ul-avliyo" kabi asarlar muallifi. Uning "Ilohiynoma" asari ham masnaviy yo'lida bitilgan ishqiy-ma'rifiy, falsafiy-axloqiy dostonidir. Shoarning 96 bobdan iborat "Tazkirat ul-avliyo" asari nasrda bitilgan yagona asar bo'lib, unda tasavvuf avliyolarining hayoti, karomatlari bayon etilgan.

Eroniy-amerikalik yozuvchi, ingliz adabiyoti professori Azar Nafisi 1948 yilda Eronning Tehron shahrida tug'ilgan. Lekin u 1997 yildan Amerikada muqim yashab, 2001 yidan AQSh fuqaroligini olgan. Uning tadqiq natijalari ham u aytib o'tgan to'qqizta kitob, ya'ni "Musibatnoma", "Ilohiynoma", "Asrarnoma", "Muxtoroma", "Mantiq ut-Tayr", "Xusravnoma", "Javhar uz-zot", "Sharh ul-qalb", "Tazkirat ul-avliyo" shubhasiz unga tegishli ekanligini isbotlagan. Bundan tashqari, "Pandnoma", "Besarnoma" va boshqa asarlari ham boshqa kompilyatorlarida bu kitoblarni nomlamagan bo'lsa ham, ular Attorga tegishligini aytib o'tgan (Nafisi, 2003).

Quyidagi rivoyat fransuz yozuvchisi Lui Dyubuk (1841) tomonidan "La Perse" (o'zb: Fors) nomli kitobda yozilgan. Undan oldin bu rivoyatni Silvestre de Sesi (1816) Attorning Pandnomasida keltirilganligini aytib o'tgan: "Darvish do'konga qarab qo'ydi, xo'rsinayotganda ko'zlari yoshga to'ldi. "Nimaga qarab turibsiz? O'zingizning yo'lingiz bilan yurishingiz oqilona bo'lardi" dedi do'kondor. "Mening yukim unchalik og'ir emas", dedi u. "Menda bu eski kiyimlardan boshqa narsa yo'q, lekin bu dorilar bilan to'ldirilgan sumkalar va bochkalarda nima qilasiz? Men xohlaman paytimda bu bozorni tezda tark etishim mumkin, lekin agar siz o'z yuringizni qanday yuklab olishni rejalashtirsangiz va o'ylab ko'rsangiz yaxshi bo'ladi". Fransuz yozuvchisi ushbu hikoya eng oqilona hikoyalar sirasiga kirishi va uning zamirida bir olam ma'no yotganligini ta'kidlaydi.

Antuan Isak Silvestre de Sesi 1758 yil 21 sentyabrda tug'ilgan va 1838 yil 21 fevralda Parijda vafot etgan. U fransuz tilshunosi va sharqshunosi va zamonaviy arabshunoslik tadqiqotchisi bo'lgan. Attor ijodiga qiziqqan de Sesi, Attorni G'arbgga tanishtirishga harakat qilgan birinchi Evropa olimlaridan biri edi. 1816 yilda Silvestre de Sesi "Pandnoma"ning she'rlarini Parijda tarjima qilgan.

Jon Heddon Hindli Evropaning boshqa mamlakatlariga Attorning "Pandnoma"sini va boshqa asarlarini tanishtirdi. 1819 yilda Manchester universitetidan kelgan xristian ruhoniysi Hindli Londonda "Pendeh-I-Attar" deb nomlangan "Pandnoma" haqida katta muharrirlik sharhini nashr etdi. Ushbu sharhda muallif Pandnoma mazmunining musulmonlarning ongini ro'yobga chiqarishda yordam beradigan amaliy ahamiyatiga urg'u bergan.

"Pandnoma"ning ikkinchi tarjimai Gabriel Gey Telin tomonidan 1835 yilda Lotin tilida Finlyandiyaning Helsinki shahrida nashr etilgan.

Baron Erik Hermelin 1860 yilda tug'ilgan va 1944 yilda Shvetsiyada vafot etgan. U fors adabiyotining tarjimalari bilan shug'ullangan. U o'z ishini mahalliy gazetalarda o'qitish, izohlar va tarjimalar yozish bilan boshlagan, asta-sekin tasavvuf dunyosi uni o'ziga jalb etdi. Bu qiziqish uni klassik fors adabiyotini tarjima qilishga undadi. 1929 yilda u Attorning "Pandnoma"sini shved tiliga tarjima qildi. Shuningdek, u 1931-43 yillar davomida "Tazkirat ul-avliyo" ni to'rt jildga tarjima qilgan. Ammo uning tarjimalarining ommaga tarqalishi ba'zida g'alati va g'aroyib uslubi tufayli cheklangan edi (Vikipediya, 2012). Pandnamaning boshqa tarjimalari ham mavjud.

Attar har doim turk adabiyoti va madaniyatida alohida poydevor qo'ygan. Mehmet Akushin o'zining Nishopur shahrida bo'lib o'tgan Attor ijodiga bag'ishlangan xalqaro konferentsiyasida o'z nutqida: "Attarshavani intellektual mahsulotlari va asarlari turk adabiyotiga kuchli ta'sir ko'rsatdi"; u qo'shimcha qildi: "Ushbu kitob Hindiston va Turkiya maktablarida va diniy seminariyada darslik sifatida o'qitilgan" (Mehr News, 2012, 3-bet).

A.J. Arberry "Ilohiynoma" ni, "Tazkirat ul-avliyo" va kichik parchalarni tarjima qildi. "Tazkirat ul-avliyo" islomiy tasavvufning yirik asari. Attor ko'plab avliyolar va ilohiyotchilarning xatti-harakatlarini masallari va rivoyatlari bilan tanishtiradi va so'fiy ichki dunyosining boyliklarini uyg'otadi. Ushbu kitob obro'li so'fiylarning hayoti va ularning mo'jizaviy ishlari haqida. U shialarning oltinchi imomi Imom Jafar Sodiqning tarjimai holidan boshlanib, So'fiy shahidligi Mansur al-Xallajning biri bilan tugaydi.

R. A. Nikolson o'z xulosalarini quyidagicha umumlashtirdi: U avliyolarning so'zlari hatto ularni amalda ishlata olmaydiganlar uchun ham foydaliligiga ishongan, chunki ular shuhratparastlikni kuchaytiradi va o'z-o'zini hayratga soladi. Qur'on va urf-odatlarni arab tilini bilmasdan tushunib bo'lmaydi, shuning uchun ko'p odamlar ulardan foydalana olmaydilar; Qur'on va urf-odatlarni sharhlaydigan avliyolarning so'zlari, aksariyat hollarda arab tilida taqqoslangan. Binobarin, muallif hamma uchun ochiq bo'lishi uchun ularni fors tiliga tarjima qilgan. U asarni o'qiganlar muallifga baraka berishiga va shu bilan uning qabrdan tashqarida gullab-yashnashiga yordam berishiga umid qilgan edi (Hafiz, 2012). Mehmet Akush shuningdek, "Tazkirat ul-avliyo" ning oltita turli nashrlarda lotin alifbosida chop etilganligini aytdi (Mehr News, 2012).

Edvard Fitsjerald esa "Mantiq ut-tayr" Attorning eng taniqli asari ekanligini, ammo shunga qaramay, Attorning bu asari XX asrning o'rtalariga qadar to'liq tarjima qilinmaganligini ta'kidlagan. Edvard Fitsjerald, aslida Umar Xayyomning ruboiylarining tarjimoni sifatida tanilgan, "Mantiq ut-tayr" she'rlarining beshdan bir qismini tarjima qiladi, u hikoyalarni qayta tartiblaydi.

1984 yilda Dik Devis va Afxam Darbandi "Mantiq ut-tayr"ni "Qushlar konferentsiyasi" nomi ostida tarjima qilgan. Unda so'fiylar o'z e'tiqodlaridan qaytmaganliklari uchun azoblanganliklari haqida ko'plab latifalar mavjud. Devis va Darbandi so'fiylarni quyidagicha ta'riflaydilar: "So'fiyning yo'li bu yerda tez-tez jumboqli va ba'zan noaniq, ammo voqealar va jo'shqinliklarga to'la, tezkor xarakterli eskizlar va kundalik hayotning bema'ni vinetalari bilan o'ralgan ertaklarda tushuntiriladi".

2002 yil noyabr oyida Londonda Fariduddin Attor asarlariga bag'ishlangan xalqaro konferensiya bo'lib o'tdi va dunyoning turli mamlakatlaridan kelgan olimlarni to'pladi. Ushbu konferensiyada Attor she'riyatining, nasrining, adabiy asarlarining ajoyib go'zalligini, fors so'fiylik an'analari doirasidagi mistik ta'limoti o'rganildi. Fors adabiyoti tarixida Attor so'fiylik mafkurasini shakllantirishda katta xizmat ko'rsatganligi, Attorning "Mantiq ut-tayr"dagi latifaning ahamiyati va shuningdek, Attorning Shayx San'on ertaklari va Xristian qizi haqida ma'ruza qilgan. Ushbu konferensiyada Jorjiya Universitetining Fors tili professori Lyuis Chaucer ayol obrazlar fazilati haqida qiyosiy tadqiqotlarini to'pladi. Attorning "Ilohiynoma" latifasini eslab, u Shayx Attor Fors she'riyatidagi boshqa nazokatli obrazlardan mutlaqo farq qilmaydigan "Ilohiynoma" ayollik fazilatining yaxshi namunasini namoyish etadi degan xulosaga keldi.

Attorning G'arb san'at va adabiyoti vakillariga ham ta'siri katta bo'ldi. Masalan, rejissyor Piter Bruk Jan-Klod Kerri bilan birgalikda 1982 yilda nashr etilgan yangi shakldagi "Qushlarning konserti" ni yaratdi. Bunday yutuqlarga umid qilib, ingliz shoiri Ted Xyuz Attorga tegishli she'riyatda badiiy motivli she'rlar tayyorladi (Nyuman, 2009). Attorning asarlari Helmut Ritterda ham katta taassurot qoldirdi. Ritter dastlab Qur'on oyatlari mazmunini o'rgandi. Attorning G'arbiga tanilishi, uning fikrlari va g'oyalari asoslangan tarjimalar va kitoblarni orqali yuz berdi. Eronliklar Attorni o'rganishlaridan oldin, G'arb sharqshunoslari 200 yil oldin o'z tadqiqotlarini boshlashgan. Taxminan ikki asr oldin, evropaliklar Attorning asarlari haqida aholiga ma'lumot berishni rejalashtirishgan. Tadqiqotlar xulosasiga asoslanib aytish joizki, garchi fransuz tarjimonlari birinchi bo'lib Attorni G'arb jamiyatiga tanishtirishgan bo'lsa-da, bu sohada eng muhim ishlar inglizlar va nemislar tomonidan amalga oshirilganligiga amin bo'ldik.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1.A. Nafisi, s. (2003). Shayx Farid-uddin Attar Neishaburiyning tarjimai holi. Tehron: Egbal.

- 2.Nyuman, R. J. (2009, 13 dekabr). Klassik Eron she'riyatining tarjimasi: Farid al-Din Attar. <http://www.richardjnewman.com>
3. Arberry, A. J. (1966). Musulmon avliyolari va ilohiyotchilari. London va Boston.
- 4.Pingvin. Fars News Agency. (2012 yil, 22-dekabr). <http://www.farsnews.com>
- 5.Tebyan. (2008, 15 aprel). <http://www.tebyan.net>.

UDC 81-13

ABDULLA QODIRIYNING HAYOTI VA UNING O'ZBEK ADABIYOTIGA QO'SHGAN HISSASI ("O'tkan kunlar" romani misolida)

D.Sh. Islomov, o'qituvchi, Buxoro Davlat universiteti, Buxoro

Annotatsiya. "O'tkan kunlar" romanining ma'no-mundarija doirasi nihoyatda keng. Unda xilma-xil taqdir, ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-axloqiy, oilaviy-ishqiy muammolar qalamga olingan. "O'tkan kunlar" bamisoli ulkan va tiniq ko'zga, unda o'zbek millatining muayyan tarixiy sharoiti, vaziyatdagi turmushi, urf-odatlar, ruhiy-ma'naviy dunyosi, bo'y-basti, qiyofasi keng ko'lamda aniq-ravshan gavdalaniriladi. Romandagi uchlik – oshiq, ma'shuqa va ag'yor, bir qarashda, an'anaviy ishq dostonlarini ham eslatadi.

Kalit so'zlar: realistik nasr, romanchilik, ideologlar, kommunistik partiya, fojiviy sevgi, ishq-muhabbat, ruhiy-ma'naviy

Аннотация. Роман «Минувшие дни» имеет очень широкий диапазон значений. Он занимается разными судьбами, социально-политическими, духовно-нравственными, семейно-романтическими проблемами. «Минувшие дни» - это огромное и чистое зеркало, в котором широко отражены конкретные исторические условия, ясно воплощены быт, обычаи, духовный мир, рост и образ узбекского народа.

Ключевые слова: реалистическая проза, роман, идеологи, коммунистическая партия, трагическая любовь, романтика, духовность

Annotation. The novel "Days Bygone" has a very wide range of meanings. He deals with various destinies, socio-political, spiritual and moral, family and romantic problems. "Bygone days" is a huge and clear mirror, which broadly reflects specific historical conditions, life, customs, spiritual world, growth and image of the Uzbek people, clearly embodied. The trinity in the novel is a lover, a lover and a gentleman, which at first glance resembles traditional love stories.

Key words: realistic prose, novel, ideologists, communist party, tragic love, romance, spirituality

Kirish. Abdulla Qodiriy– XX asrning yangi o'zbek adabiyotining ulkan namoyandasi, o'zbek romanchiligining asoschisi, 20-yillardagi muhim ijtimoiy-madaniy jarayonlarning faol ishtirokchisi. Bog'bon oilasida tug'ilgan. Otasi Qodirbobxon, beklar qo'lida sarbozlik qilgan, rus bosqini paytida Toshkent mudofaasida qatnashgan. Otasi boshidan o'tgan sarguzashtlar Abdulla Qodiriyning qator asarlari, xususan tarixiy romanlarining yuzaga kelishida muhim rol o'ynagan. Abdulla Qodiriy musulmon maktabida, rus-tuzem maktabida, Abulqosim shayx madrasasida ta'lim oldi. Moskvadagi adabiyot kursida o'qidi. Yoshligidanoq qadimgi Sharq madaniyati va adabiyoti ruhida tarbiya topgan hamda arab, fors va rus tillarini mukammal o'rgangan o'zbek yozuvchisi. Jahon adabiyotini ixlos bilan mutolaa qilgan. 1920-yillar boshida Abdulla Qodiriy birinchi o'zbek romani bo'lmish „O'tkan kunlar“ni yozadi. 1922-yili ilk bor „Inqilob“ jurnalida chop etilib, 1926-yilda esa alohida kitob holida chiqadi.

Roman XIX-asr voqealarini o'z ichiga qamrab olgan. Murakkab tarixiy hodisalar romanning bosh qahramonlari Otabek va Kumushbibining fojiviy sevgi qissasi atrofida ifodalangan. Voqealar rivoji mahalliy hukmdorlarning hokimiyat uchun qonli kurashlari muhitida kechadi. Boshqa yirik epik asarlardagi kabi „O'tkan kunlar“da ham hikoyanavislikning ko'p planliligi, ikkilamchi syujetlar mavjudligi, ketma-ket avj oluvchi va fojiali yakun topuvchi voqealar bilan to'qnashamiz.

Ilg'or fikrlarni olg'a suruvchi Otabek obrazi romanning g'oyaviy va kompozitsion markazi hisoblanadi. U ochiqcha savdodagi eskirgan iqtisodiy munosabatlarga qarshi chiqib, oila va turmush muammolariga yangi qarashga amal qilardi. Otabek va eskilikka yopishib olib, yurt rivojini ortga suruvchi kuchlar o'rtasida mojaro sodir bo'ladi. Abdulla Qodiriy o'z qahramoni nomidan o'zining shaxsiy o'y-fikrlarini so'zlaydi.

Asosiy qism. „O'tkan kunlar“ o'ziga xos va iqtidorli o'zbek adabiyotining oltin fondiga kirib, yangi realistik nasrga asos soldi. Keyinchalik mashhur sharqshunos akademik Yevgeniy Bertels: „Qodiriy romanlari butun tarkibi bilan o'ziga xos uslubda yozilgan o'zbek romanlaridir. Dunyoda beshita, ya'ni: fransuz, rus, ingliz, nemis va hind romanchiligi maktablari bor edi. Endi oltinchisini, ya'ni o'zbek romanchilik maktabini Abdulla Qodiriy yaratib berdi“, deb yozgan.

Turkman yozuvchisi Xidir Deryayev shunday yozadi: „Abdulla Qodiriyning „O'tkan kunlar“ romani menda bir umrga unutilmas taassurot qoldirgan va ilhom bag'ishlagan. Shundan keyin menda turkman xalqining o'tmishi haqida roman yozish ishtiyoqi tug'ildi. Katta niyat bilan „Qismat“ romanim ustida ish boshladim“

O'zbek yozuvchisi Tohir Malik ham shunday deb yozgan: Ularning jisman mahv etilganlariga ellik olti yil bo'libdi. O'shanda hazrat Abdulla Qodiriy qirq to'rt yoshda ekanlar. «O'tkan kunlar» romanining yozilganiga esa yetmish yil bo'ldi. Yozuvchi bilan birga asarga ham kishan urdilar. Asarni ham o'limga

mahkum etdilar. Haq yo'lidagi asarni hech qanday hukmdor hech bir zamonda mahv etolgan emas. Abdulla Qodiriy ham, u zotning asarlari ham tirik qolaveradi.

Yozuvchi bu romanni yozishdan oldin hayotdagi barcha qiyinchiliklarni, adolatsizliklarni, nohaqliklarni, urushlarni, xalqning azoblarini ko'rib, bularni asar orqali ko'rsatib berishni maqsad qilgan. Asarni boshlashdan oldin yozuvchi shunday degan: Modomiki, biz yangi davrga oyoq qo'ydiq, bas, biz har bir yo'sunda ham shu yangi davrning yangiliklari ketidan ergashamiz va shunga o'xshash dostonchilik, ro'monchilik va hikoyachiliklarda ham yangarishg'a, xalqimizni shu zamonning „Tohir-Zuhra“lari, „Chor darvesh“lari, „Farhod-Shirin“ va „Bahromgo'r“lari bilan tanishdirishka o'zimizda majburiyat his etamiz.

Yozmoqg'a niyatlanganim ushbu — „O'tkan kunlar“ yangi zamon ro'monchilig'i bilan tanishish yo'lida kichkina bir tajriba, yana to'g'risi bir havasdir. Ma'lumki, har bir ishning ham yangi — ibtidoiy davrida talay kamchiliklar bilan maydong'a chiqishi, ahllarining yetishmamlari ila sekin-sekin tuzalib, takomulga yuz tutishi tabiiy bir holdir. Mana shuning daldasida havasimda jasorat etdim, havaskorlik orqasida kechaturgan qusur va xatolardan cho'chib turmadim. Moziyg'a qaytib ish ko'rish xayrlik, deydi. Shunga ko'ra mavzuni moziydan, yaqin o'tkan kunlardan, tariximizning eng kirlik, qora kunlari bo'lg'an keyingi „xon zamonlari“dan belguladim.

„O'tkan kunlar“ o'ziga xos va iqtidorli o'zbek adabiyotining oltin fondiga kirib, yangi realistik nasrga asos soldi. Keyinchalik mashhur sharqshunos akademik Yevgeniy Bertels: „Qodiriy romanlari butun tarkibi bilan o'ziga xos uslubda yozilgan o'zbek romanlaridir. Dunyoda beshta, ya'ni: fransuz, rus, ingliz, nemis va hind romanchiligi maktablari bor edi. Endi oltinchisini, ya'ni o'zbek romanchilik maktabini Abdulla Qodiriy yaratib berdi“, deb yozgan.

Turkman yozuvchisi Xidir Deryayev shunday yozadi: Abdulla Qodiriyning „O'tkan kunlar“ romani menda bir umrga unutilmas taassurot qoldirgan va ilhom bag'ishlagan. Shundan keyin menda turkman xalqining o'tmishi haqida roman yozish ishtiyoqi tug'ildi. Katta niyat bilan „Qismat“ romanim ustida ish boshladim“.

„O'tkan kunlar“ romani xalq tomonidan qanchalik sevib o'qilsa, sho'ro hukumati ideologlari, kommunistik partiyaga moyil kishilar, adabiy tanqidchilar tomonidan shunchalik qoralangan. Tanqidlarning asosini asarning markscha-lenincha g'oyalarga zid ekanligi, asarda burjua sinfiy kurashi, boylar tomonidan kambag'allarni ezish sahnalari ko'rsatilmaganligi, o'zbekning o'tmishi bezab ko'rsatilganligi va bu bezaklar sovetlar qoralayotgan inqilobgacha bo'lgan davrni odamlar ko'ziga juda chiroyli qilib ko'rsatishi kabi iddaolar tashkil etadi.

1928-yilda rus tanqidchisi Mixail Sheverdin „O'tkan kunlar“ asari haqidagi tanqidiy maqolasiga xulosa o'rnida shunday yozadi: „Romanni rus tilida chop etish kerakmi? – Bizningcha, kerak. Masala – qanday chop etishda. Uni ekzotik tipdagi qiziqarli asar sifatida chop etishga qarshi kurashmoq kerak. U bizga o'zbeklarning turmushi, qiziqishlari va o'sib kelayotgan o'zbek adabiyoti bilan tanishish vositasi sifatida kerak. Lekin bu nashrni o'zbek tilidagi qayta nashr kabi biron boshqacharoq tarzda – eng avvalo davrning asl holatini yorituvchi, savdo kapitalining rolini ochib beruvchi, muallifning o'tmishni ideallashtirishga urinishlari qanchalar xato ekanini ko'rsatuvchi tanqidiy maqola kerak. Romanning alohida o'rinlariga e'tirozlar bildirmoq lozim. Muallifning ideologik og'ishlarini zararsizlantirgandan so'nggina, ushbu asarni rus kitobxoniga tavsiya etish mumkin“.

„O'tkan kunlar“ romani haqida eng katta adabiy-tanqidiy materialni 1929–1930-yillarda Sotti Husayn yozadi. U asarni o'z davrining ijtimoiy-siyosiy, badiiy ijodni mavjud sho'rolar hokimiyati manfaatlariga xizmat qildirish nuqtai-nazaridan tahlil qiladi. Shu bois adibning mahorati, so'z ustasi ekanligi, asarning sevib o'qilishini inkor qilmagan holda asarni markscha-lenincha mafkura targ'ibotchisi bo'lmagani uchun keskin tanqid qiladi. Xususan, tanqidiy maqolalaridan birida u shunday yozadi: „Yozuvchilarimizning birmunchalari „O'tkan kunlar“ni o'qib, tilidan ancha foydalanib ish ko'rayotqanlari ochiq ma'lum. Bundan ko'z yumish bo'lmaz. „O'tkan kunlar“ mafkuraviy, axloqiy tomondan bizga zararli bo'lishi bilan baravar, adabiy tilimizning takomili yo'lida ancha foydalidir.“

Abdulla Qodiriy „O'tkan kunlar“ romanini yozish bilan o'zbek romanchilik maktabiga asos soldi. Yuksak talant egasi – yosh adib qalami ostidan chiqqan birinchi o'zbek romani favqulodda bir muvaffaqiyat va shuhrat qozondi. Romanning boshidagi bir qancha fasl dastlab „Inqilob“ jurnalining 1923 yilgi fevral-mart qo'shma sonida bosiladi. Keyin kitob holida nashr etilib, qo'lma-qo'l o'qiladi. „O'tkan kunlar“ yaratilgan davr o'zbek xalqi uchun millatning erki, ozodligi, mustaqilligi, jahondagi o'rni masalasi hayot-mamot ahamiyatiga molik edi. Abdulla Qodiriy o'z davrining ilg'or bir ziyolisi sifatida Vatan va millat taqdiri ustida astoydil qayg'urdi, o'zicha najot yo'lini izladi. Zamon taloto'plari adib qalbini iztirobga soldi. „O'tkan kunlar“ romani orqali xalqning milliy ongini uyg'otmoqchi bo'ldi, „tariximizning eng kir, qora kunlari“ – yurtni mustamlaka balosiga giriftor etgan keyingi noahil „xon zamonlari“ to'g'risida so'z ochib, bu ayanchli haqiqatdan xalqqa saboq bermochi bo'ldi.

Xulosa

„O'tkan kunlar“ romanining ma'no-mundarija doirasi nihoyatda keng. Unda xilma-xil taqdir, ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-axloqiy, oilaviy-ishqiy muammolar qalamga olingan. Biroq ular orasida yurtning taqdiri, mustaqilligi masalasi alohida ajralib turadi. Binobarin, el-yurtning mustaqilligi, birligi masalasi romanning asosiy pafosini tashkil etadi. Asarning bosh qahramonlari Otabek va Yusufbek hojilar shu yurt istiqloli, farovonligi, osoyishtaligi yo'lida hayotini, jonini tikkan fidoyi kishilar qiyofasida tasvirlanadi.

“O‘tkan kunlar” bamisoli ulkan va tiniq ko‘zgu, unda o‘zbek millatining muayyan tarixiy sharoit, vaziyatdagi turmushi, urf-odatlarini, ruhiy-ma’naviy dunyosi, bo‘y-basti, qiyofasi keng ko‘lamda aniq-ravshan gavdalaniriladi. Romandagi uchlik – oshiq, ma’shuqa va ag‘yor, bir qarashda, an’anaviy ishq dostonlarini ham eslatadi. Muallif oshiqning ishqiy sarguzashtlari bahonasida muayyan tarixiy davrni – Turkistonning rus bosqini arafasidagi ahvoli, qora kunlarini ko‘z oldimizda gavdalaniradi. Abdulla Qodiriy Otabek bilan Kumushning ishq tarixini yozar ekan, ayni damda o‘lkaning tutqunlikka tushishining bosh sababi jaholat, qoloqlik va o‘zaro ichki nizolardir, degan fikrni g‘oyat ustalik bilan asarning mazmun-mohiyatiga singdiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Elif Batuman *The Possessed: Adventures with Russian Books and the ...* 1847083137 2011 "literary-historical landmark I had been waiting for: the emergence of an indigenous novel form. Abdulla Qodiriy's Past Days, considered to be the first Uzbek novel, was serialized in the magazine *Inqilob* in 1922-25. "

2. Abdulla Qodiriy. „O‘tkan kunlar“ ham o‘tkan kunlar“ tanqidi ustida ba’zi izohlar. *Sharq haqiqati*, 1929-yil, 218-son

3. Bayram Rahimguliyev *The fate of the first Turkmen novel: From the Bloody Claw ...* — 2009 — Page 40 O‘tkan Kunlar (Days Gone By) by Abdulla Qodiriy, Quluq Qon (Holy Blood) by Muso Toshmuhammadogli Aybek and Tushda ...

4. Фархад Хамраев. У истоков узбекского романа. <https://www.kultura.uz>. 16 Июля 2014.

5. Yevgeniy Bertels. „Sovet O‘zbekistoni“ gazetasi, 1967-yil 2-iyundagi soni

6. Хидир Деряев. Эдебият ве сунгат. 1962 йыл 12 ноябр

7. Михаил Шевердин. Первый узбекский роман (А. Кадыри. «Уткан кунляр») («Прошлые дни»). Журнал «За партию». 1928 год, 3 (7) номер.

8. Habibulla Qodiriy. *Otamdan xotira (Otam haqida)*. Abdulla Qodiriy asarlari to‘plami, „Adibni xotirlab“ qismi (5-kitob). Info Capital Group, Toshkent, 2017. 172–173-betlar

UDC 81-13

ERKIN A‘ZAM NASRIDA KINOYA VA UNING KO‘RINISHLARI

G.U. Kabulova, o‘qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

S.T. Kim, o‘qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. *Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda badiiy adabiyotni ijodiy individual uslub nuqtai nazaridan tadqiq etish borasida jiddiy yutuqlarga erishildi. Zotan, voqelikka kinoyaviy munosabat ko‘rinishlarini badiiy obraz yaratish mahorati bilan uzviy aloqada tadqiq etish adabiyotshunoslik oldida turgan dolzarb vazifalardan sanaladi. Hozirgi o‘zbek adabiyotshunosligida badiiy asarni tahlil qilish, ijodkorning poetik mahoratini yoritishda jahon adabiyotshunosligining turli tadqiqot metodlari asosida yondashuv sezilmoqda. Shuningdek, badiiy obraz yaratishda ijodiy individuallik va adabiy ta’sir, jahon adabiyoti namunalari bilan qiyosiy-tipologik, umumiylik va o‘ziga xoslik kabi masalalarni atroflicha tadqiq etish zarurati mavjud.*

Kalit so‘zlar: *kinoya, kinoyaviy munosabat, badiiy obraz, individuallik, metodlar, qiyosiy tipologik, ijodiy individuallik, poetik mahorat*

Аннотация. *В годы независимости в Узбекистане были достигнуты значительные успехи в изучении художественной литературы с точки зрения творческого и индивидуального стиля. Действительно, изучение сатирического подхода к реальности в тесной связи с искусством создания художественного образа является одной из актуальных задач, стоящих перед литературой. В современной узбекской литературе существует подход, основанный на различных методах исследования мировой литературы, в анализе произведений искусства, освещении поэтических умений художника. Существует также необходимость всестороннего изучения таких вопросов, как творческая деятельность и литературное влияние при создании художественного образа, сравнительно-типологического, общего и конкретного с примерами литературы.*

Ключевые слов: *сатирика, сатирический подход, художественный образ, индивидуальность, методы, сравнительная типология, творческая индивидуальность, поэтическое мастерство*

Abstract. *During the years of independence, Uzbekistan has made significant progress in the study of fiction in terms of creative and individual style. Indeed, the study of the satirical approach to reality in close connection with the art of creating artistic image is one of the urgent problems facing literature. In modern Uzbek literature, there is an approach based on various methods of studying world literature, in the analysis of works of art, and in the coverage of the artist's poetic skills. There is also a need for a comprehensive study of issues such as creative activity and literary influence in creating an artistic image, comparatively typological, general and concrete with examples of literature.*

Key words: *satire, satirical approach, artistic image, personality, methods, comparative typology, creative personality, poetic skill*

Kirish. *Hozirgi o‘zbek adabiyotida O‘zbekiston xalq yozuvchisi Erkin A‘zam ijodi alohida o‘ringa ega. Erkin A‘zam ilk ijod namunalari bilanoq ilmiy va adabiy jamoatchilik e’tiborini qozongan. Uning ilk ijodiga U.Normatov, N.Xudoyberganov, N.Shukurov, O.Tog‘ayev, N.Vladimirova, R.Otayev, H.Boltaboyev, I.Hasanovlar munosabat bildirganlar. Ayniqsa, mustaqillik yillariga kelib, adib ijodiga bo‘lgan qiziqish tobora ortib bordi. Xususan, A.Rasulov, S.To‘laganova, M.Qo‘chqorova, M.Sheraliyeva, F.Rajabova*

S.Qurbonovlarning tadqiqotlarini alohida tilga olib o'tish lozim. Adabiyotshunosligimizda E.A'zam ijodining turli qirralariga to'xtalib o'tilgan bo'lsa-da, uning nasriy badiiyati, jumladan, kinoya va obraz masalalari monografik planda maxsus tadqiq etilmagan.

O'tgan asrning 70–80-yillar adabiy avlodiga mansub ijodkorlar, xususan, ayrim nasrnavislar ijodida kinoya yetakchi estetik hodisaga aylandi. Ayniqsa, bu Murod Muhammad Do'st, Erkin A'zam, Ahmad A'zam ijodida bosh konsepsiya sifatida namoyon bo'ldi. M.Sheraliyeva 70–80-yillar o'zbek nasrida kinoyaga moyillikning ortishiga sabab sifatida davrning ijtimoiy shart-sharoiti, ya'ni obyektiv omil va ijodkorlarimiz tomonidan personifikatsiyalangan (shaxsiylangan) ijtimoiy dard-kayfiyat, ya'ni subyektiv omillarni ko'rsatib o'tadi [1]. Shunday ekan, kinoyani ilmiy-nazariy jihatdan o'rganish va 70–80-yillar o'zbek nasridagi kinoyaviylikni tadqiq etish ehtiyoji yuzaga keldi. Ammo, shunga qaramay, adabiyotshunosligimizda bu muammo hali-hamon dolzarbligicha qolmoqda. Mashhura Sheraliyevaning "Hozirgi o'zbek nasrida kinoya (ijtimoiy-psixologik omillari, poetik tizimdagi o'rni)" nomli monografiyasida kinoya haqidagi nazariy qarashlar va uning 70-yillar nasrida ifodalanishi masalasi maxsus tadqiq etilgan bo'lsa-da, buni muammoni o'rganish yo'lidagi dastlabki qadamlardan biri sifatida baholash lozim. Kinoya atamasi ironiya va antifraza atamalarini bilan ma'nodoshlik kasb etadi. Biroq o'zbek tilida kinoya birligi ko'proq ishlatiladiki, uning o'zbek tiliga mutlaq o'zlashganligi, ironiyaning olinma sifatida saqlanganligi, antifraza esa kam iste'molli bilan xarakterlanishi ular sirasida kinoyaning mutlaq ustuvor termin sifatida yashovchanligini ta'minlaydi.

Dunyo fanida kinoyaning maxsus ilmiy fenomen sifatida tan olinishi va tadqiqqa tortilishi, asosan, o'tgan asrning oxiri va yangi asrning boshlarida yuz berayotgan globallashuv jarayoni bilan chambarchas bog'liq. Kuzatishlardan ma'lum bo'ladiki, klassik (Suqrot), romantizm, modernizm va postmodernizm bosqichlaridan faqat oxirgisida kinoyani ilmiy o'rganishga qat'iy kirishildi, ta'bir joiz ko'rilsa, "kinoyashunoslik" sohasi vujudga keldi. Turli fan sohalari uni o'z o'rganish ob'yekti sifatida tahlilga tortdi. Xususan, adabiyotshunoslik, tilshunoslik, falsafa, sotsiologiya, estetika sohalari kinoya muammosi u yoki bu darajada o'rganildi, qator tadqiqotlar yaratildi. V.Pigulevskiyga ko'ra, kinoya deganda umumiy ma'noda aldash (firib berish), mug'ombirlik yoki haqorat qilish (so'kish) tushuniladi. Kinoyaning xususiyatlaridan biri uning odatdagi va aldashdan farqli o'laroq ikki barobar ekspozitsiyadan iboratligidir: tasdiqlovchi va rad etuvchi. Mug'ombirlik (yasamalik) sifatida kinoya ikki ma'noli, u maqto'v ko'rinishidagi haqorat qilish hisoblanadi. Yoki xushomad ko'rinishidagi yomonlash: blame-by praise va praise-by-blame.

Zamonaviy falsafiy adabiyotlarda kinoyaning umumiy nazariyasini yaratishga urinish turli-tuman vaziyat va yondashuvlar bilan kechgan. Rus adabiyotshunosligida kinoya bir necha kategoriyalarga ajratib o'rganilgan. Nafosatshunos olim Y.B.Borev esa kinoyani quyidagi tiplarga ajratadi:

- suqrotcha kinoya – "soxtalikdagi bilimsizlikdan tuzilgan" pedagogik maqsadlarda qo'llaniladigan;
- romantik kinoya – tadqiqotchi tomonidan ko'rsatiladigan "asarlarda uchrab turadigan, ya'ni muallif o'z aytganlarini inkor etuvchi usul";

- taqdir kinoyasi – voqealarning kutilmaganda o'zgarishi bilan bog'liq bo'lgan;
- S.Kyerkegor tomonidan aniqlangan ekzistensial kinoya – inson mavjudligida qo'llaniladigan, etika va estetika hayot shakllari o'rtasida chegarachi;

- og'zaki kinoya – sarkazmdan vujudga kelgan va aytilgan, gumon qilingan fikr oralig'idagi tafovutdan kelib chiqqan. Sarkazm – azob keltirish maqsadiga ega bo'lgan kinoyali ifoda;

- struktural kinoya – hikoya qiluvchi tomonidan chalg'ituvchi hamda kitobxon va muallif tomonidan narsalarning asl holatining tan olinishi o'rtasidagi ixtiloflar asosida tuzilgan;

- dramatik kinoya – tomoshabin yoki kitobxon personaj haqida, unga nisbatan uning taqdiri to'g'risida ko'proq narsa bilishi, hattoki voqeadagi xotimani ko'ra olish qobiliyati bilan bog'liq bo'lgan;

- tragik kinoya – dramatik kinoyaning tragediyada namoyon bo'lishi;

- kosmik kinoya – ishtirokchilar hayotiga Xudoning yoki taqdirning aralashuvi bilan bog'liq bo'lgan, koinot ko'lamida bo'layotgan munosabatlarda ularning zarracha ahamiyatligi haqida guvohlik berishi.

The main characteristics of professionally-oriented teaching of foreign languages in higher education are the following: successful implementation of the set tasks and goals, cost-effectiveness - achieving results in the shortest possible time, ergonomics-ensuring the situation of emotional, psychological and intellectual comfort of subjects of the educational process, a high level of motivation of students in learning a foreign language, due to the relevance of the goals. International activities intensively developed in the higher education leads to the production of radically new, practically important task, the implementation of which requires recourse to the fundamentally new approaches in the educational process, new forms of teaching English for an audience that should be interested in practical use of obtained knowledge and skills. It includes among other priority areas such as:

- attracting foreign citizens to study at the University;
- working with foreign partners;
- participation in international conferences, internships, research;
- international informational and organizational work;
- lectures by foreign scientists for students.

The problem of insufficient language proficiency of students, graduates and teaching staff of non-linguistic higher education institutions stands in the way of realizing the limitless opportunities that are currently open to young people in terms of obtaining and improving their education. The method of teaching at school and University, which has been practiced for many years, bypassed communication methods and was mainly reduced to reading texts and translating "thousands".

Students who are former school graduates come to the University with a certain "baggage", and the level of their knowledge of a foreign language in the absence of an entrance exam is sharply differentiated, which is further aggravated when students are divided into subgroups for language training without taking into account their actual level of foreign language proficiency.

The result of the research conducted within the framework was the development of a new technology for organizing the process of teaching a foreign language, which on the one hand increases the motivation of students, and on the other hand expands the coverage of students who are able to communicate professionally in a foreign language and participate in academic mobility programs.

The subject of the article is two key conditions for the implementation of the project, which is based on this technology.

1. Dividing the flow of students to learn English into subgroups based on their level of knowledge and internal motivation.
2. Transition to teaching using a single technology, a limited number of programs and using high-tech, effective modern textbooks.

The division of students into language subgroups is planned to be carried out not only on the basis of testing, but also on the basis of the results of an interview, which, as practice shows, gives a more objective picture of the level of language proficiency, taking into account the data obtained by questioning applicants. After that, the entire stream is taught according to the general program, but in groups of various levels from elementary to advanced. A student who is given feasible tasks, radically changes his attitude to the subject. Training a student in a group of "their" level is in itself a powerful tool for increasing their internal motivation. The learning process becomes interesting, becomes practical - to achieve more, to move to a higher level. The student's movement from a lower to a higher level occurs naturally, allowing the teacher to create a psychologically comfortable educational environment and a situation of fair competition in the group from the very beginning.

Reference to authentic textbooks is also essential. They are designed to solve the problem of bringing students to the functional initial level. Any course that is designed to solve practical problems, such as teaching students to understand a lecture in a foreign language, participate in a presentation, or write a report, assumes that students have at least an Intermediate level. This functional level of language proficiency will enable the student to become a participant in business, professional and scientific communication.

The teaching that have been developed at the department of foreign languages for many years and have served a good purpose in their time should be replaced by modern, time-appropriate educational and methodological complexes in foreign languages of various directions: general English courses, business courses, specialized courses for use in various professional fields. The undisputed advantages of authentic textbooks include their multi-level design and configuration (they have not only become standard Student's book and Workbook, but also components such as CD-ROM and video Course). The educational material in them is arranged successively in ascending order from the lowest to the highest - Starter, Beginner, Elementary, Pre-Intermediate, Upper-Intermediate, Advanced. A distinctive feature of such textbooks are:

- topics that meet the interests of young people and reflect the realities of the modern world;
- clear and precise structure of the lesson;
- there are sections that develop the skills of cross-cultural communication;

- the language portfolio;
- a variety of tasks that contribute to the formation of communication skills in real-life situations;
- interactive CD-ROM;
- a book for a teacher is a great help for a teacher.

In the academic environment of a technical University, it is advisable to allocate 4 levels for students to study. This is Elementary (which can also be the Starter level if there are students who have not studied a foreign language at all), Pre-Intermediate, Intermediate, and Advanced. When dividing students by levels, a group of each level is assigned a specific task: for example, for Beginners and Pre-intermediate - it is to increase the level to functional, and for Intermediate and Advanced students - it is to further improve the existing skills and abilities and their practical use-active participation in projects of the international. Choosing a suitable course for the academic program is a responsible task that requires a special approach and a collective decision.

REFERENCES:

1. Ter-Minasova S. Language and intercultural communication, -Moscow, 2000.
2. Numonjonov S. D. Innovative methods of professional training //ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81). – 2020. – C. 747-750.

UO'K 81-13

ISPAN TILIDA OMOFONLARNING BERILISHI M.E. Tursunova, o'qituvchi, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Ushbu maqolada ispan tilida omofonlarning berilishi va tahlili ko'rib chiqilgan. Omofonlarda faqat talaffuzi bir xil bo'lib, fonetik strukturasi bir tovushda farqlanadi.

Kalit so'zlar: omofoniya, omofon, so'z, talaffuz, fonetik struktura, tahlil, tovush, leksika

Аннотация. В этой статье рассматривается анализ омофонов в испанском языке. Можно увидеть разновидность омофонов в испанском языке.

Ключевые слова: омофония, омофоны, слова, произношение, фонетическая структура, анализ, лексика

Abstract. This article discusses the analysis of homophones in Spanish. You can see a variety of homophones in Spanish.

Key words: homophony, homophones, words, pronunciation, phonetic structure, analysis, vocabulary

Fonetik strukturasi ma'lum tovushi farqli, lekin talaffuzi bir xil bo'lgan so'zlar omofonlar deyiladi. So'zlarning shunday munosabatda bo'lish hodisasi omofoniya deyiladi [7,35].

Omofonlar, bu so'zlar shunday so'zlarki talaffuz qilinishi bir xil ammo yozilishida bir muncha o'zgarishlar bor.

Omofonlardagi o'zaro farq ular tarkibidagi bir fonemada bo'ladi. Lekin bu fonemalar ham fonetik xususiyatlari jihatdan bir-biriga juda yaqin turadi. Shu sababli ham bu so'zlarning talaffuzi bir xil bo'ladi: tub — tup, yod — yot, bob — bop, mard — mart, tanbur — tambur, sudxo'r — sutxo'r, bod — bot, sud — sut va b.

Demak, omonimlarda so'zlarning fonetik strukturasi va talaffuzi bir xil bo'lsa, omofonlarda faqat talaffuzi bir xil bo'lib, fonetik strukturasi bir tovushga farqlanadi. Ushbu maqolamizda ispan tilida omofonlarning tahlilini ko'rib chiqamiz.

a: predlog- **ah:** undov; **abrasarse:** quchoqlamaoq -**abrasarse:** kuymoq

acerbo: nordon - **acervo:** meros; **aprender:** o'rganmoq-**aprehender:** o'txo'r hasharotlar

arrollo 1. Rulonga o'ramoq, 2. urib yubormoq -**arroyo:** 1. Soy, anhor, 2. Oqim

Shuni ta'kidlab o'tish kerak, ispan tilida h harfi talaffuz qilinmaydi va ikkilangan ll harfi esa y tovushini beradi.

as: 1. profesional, 2. Tuz (karta)-**haz:** hacer fe'lining tuslanishi .

asia: qit'a- **hacia:** predlog; **ato:** atar fe'lining tuslanishi-**hato:** uncha kata bo'lmagan poda

Baca: mashinalar tepasida turadigan yuklarni tashuvchi metallik moslama-**vaca:** sigir- **Baca:** sartaroshning soqol oladigan idishi- **vaca:** bo'shliq.

basto: qo'pol-**vasto:** ulkan ; **bacante:** vaxkanka- **vacante:** vakansiya

bacilo: bakteriya turi- **vacilo:** vacilar fe'lining tuslanishi

bah: undov so'z - **va:** ir fe'lining tuslanishi; **bale:** juda ham ochiq ko'ngil inson - **vale :** kartochnka;

balido: ma'rash -**valido:** haqiqiy; **balsa:** sol -**valsa:** valsar fe'lining tuslanishi; **baqueta:** shompol -

vaqueta: buzoq terisi; **barn:** aristokratlar tituli -**varn:** erkak kishi

basar: isbotlamoq -**bazar:** magazin **baya:** rezavor meva -**valla:** devor, to'siq.

bello: chiroyli- **vello:** soch.

bienes: mahsulotlar-**vienes:** venir fe'lining tuslanishi

beta: grek alfaviti harfi-**veta:** vetar fe'lining buyruq mayli

bocal: bokal-**vocal:** vokal

bolada: sharni otish -**volada:** qisqa distansiyalarga uchish

Ispan tilida v harfi bilan b harfining talaffuzi bir biriga juda yaqin bo'lganligi sababli nutqda v harfi ham b tovushida talaffuz qilinadi.

cabe: *caber* fe`lining tuslanishi -**cave:** *cavar* fe`lining tuslanishi (копать)

cabo: burun- **cavo:** *cavar* fe`lining tuslanishi

callado: *callar* fe`lining sifatdoshi (молчать) -**cayado:** cho`pon tayog`i

casa: uy- **caza:** ov

caso: ish - **cazo:** cho`mich

cebo: xo`rak-**sebo:** quyruq

censo: ro`yxat qilish-**sensual:** hissiyotli

senado: senat-**cenado:** *cenar* fe`lining tuslanishi

ciervo: kiyik-**siervo:** qul

cien: yuz-**sien:** yanoq

ceda: *ceder* fe`lining tuslanishi -**veda:** ipak

cegar: yasamoq-**segar:** o`rmoq

cesin: kimnidir huquqini rad qilmoq-**sesin:** majlis

cima: cho`qqi-**sima:** o`pirish

cierras: *cerrar* fe`lining tuslanishi - **sierras** juyak

cocer: pishirmoq-**coser:** tikmoq

consciente: ongli -**consciente:** consenter fe`lining tuslanishi

combino: combiner fe`lining tuslanishi **convino:** Hal qilibdi

contesto: contester fe`lining tuslanishi -**contexto:** kontekst

desechos: chiqindi- **deshecho:** bekor qilmoq

desmallar: setkani olib tashlamoq -**desmayar:** hushdan ketmoq

encausar: sud qaroriga amal qilmoq -**encauzar:** yo`naltirmoq

faces: yuzlar-**fases:** fazalar

grabar: yozib olmoq -**gravar:** soliqni yig`moq

grabe: *grabar* fe`lining tuslanishi -**grave:** og`ir тяжельй

hay: haber fe`lining tuslanishi-**ay:** undov

hatajo: uncha katta bo`lmagan poda-**atajo:** qisqartirilgan yo`l

he: ravish-**eh:** undov

yerro: *errar* fe`lining tuslanishi -**hierro:** temir

hola: salomlashish-**ola:** to`lqin

hollar: qadamlardan iz qoldirmoq-**ollar:** kulol

honda: osma arqon -**onda:** suvda aylana; **hora:**soat-**ora:** *orar* fe`lining tuslanishi

hoyo: oy nuri -**oy:** *oir* fe`lining tuslanishi

huso: shpindel-**uso:** *usar* fe`lining tuslanishi

Losa: plita -**loza:** idish tovoq

masa:- massa- **maza:** ignacho`p

nobel: Nobel mukofoti sovrindori -**novel:** novator

olla: kastryul -**hoya:** yerdagi yorilgan chiziq

poso: *posar* fe`lining tuslanishi -**pozo:** quduq

rallar: terkadan o`tkazmoq-**rayar:** tirnamoq

rallo: terka -**rayo:** chaqmoq ; **rebosar:** to`ldirmoq-**rebozar:** klyarga botirmoq.

Garchi bu omofonlar omonimlarning bir hodisasi bo`lsa ham biz uni suhbat jarayonida bir biridan farqlaymiz. Omofonlik hodisasi qanchalik boy hodisa ekanligini ushbu misollardan ko`rish mumkin bo`ladi. Olib borgan tadqiqot natijasida quyidagi xulosalarga kelish mumkin bo`ladi.

Zamon rivojlanishi bilan tilda ham o`zgarishlar sodir bo`ladi. Har bir tilning o`ziga xos xususiyatlari, bajaradigan funksiyasi mavjud. Har bir til o`zining boyligiga, rivojlanish tarixiga ega. Har bir tilda o`ziga xos funksiyani bajaruvchi so`z mavjud. Har bir til o`zining so`z boyligiga ega. Har bir so`z gapda, muloqot jarayonida ma`lum bir vazifani bajaradi.

Fonetik strukturasi ma`lum tovushi farqli, lekin talaffuzi bir xil bo`lgan so`zlar omofonlar deyiladi. So`zlarning shunday munosabatda bo`lish hodisasi omofoniya deyiladi.

Tahlil qilingan maqolada shuni aytish kerakki, omofon hodisasi qiziqarli mavzu hisoblanib, ishlatilish doirasi kengdir. Uning leksik semantik xususiyatlaridan yangi-yangi so`zlar va ular yangi ma`nolarni bajaradigan hodisalar paydo bo`lishini ko`rsa bo`ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:

1. Борисенко М. Грамматика испанского языка. М. 1997.-45 с.
2. Васильева - Шведе О.К., Степанов Г.В. Грамматика испанского языка. Москва, 1983.- 658 с.
3. Васильева - Шведе О.К., Степанов Г.В. Теоретическая грамматика испанского языка. Москва,1980.- 680 с.
4. Виноградов В.С. История испанского языка. Москва: Высшая школа, 1985.-457 с.
5. Виноградов В.С. Грамматика испанского языка. Москва, 2010.- 432 с.
6. Деев М.Н. Предлоги современного испанского языка. Москва, 1993.-346 с.
7. Данилевская Р., Патрушев Е.И., Степанина И.Л. Учебник испанского языка. I-II-часть М. 2000.-356 с

8. Карпов Н.П. Фонетика испанского языка. Москва, 1979.- 287 с.
 9. Канонич С.И. Артикль в испанском языке. Москва, 1978.- 345 с.

UO'K 81-13

ISPAN TILIDA RANG BELGILARINING GRAMMATIK XUSUSIYATLARI
M.E. Tursunova, o'qituvchi, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Ushbu maqolada ispan tilida rang atamalarining grammatik xususiyati ko'rib chiqilgan. Ispan tilida rang atamaları asosiy va asosiy bo'lmagan rang atamalarga bo'linishini ko'rishimiz mumkin bo'ladi. Ularning ishlatilishi turlicha ekanligi berib o'tilgan.

Kalit so'zlar: rang atamaları, rang, grammatik, morfologik, oddiy leksema, sifat, asosiy va asosiy bo'lmagan sifatlar

Аннотация. В этой статье рассматриваются грамматические особенности цветообозначения испанского языка. Можно увидеть разновидность и употребление цветообозначений в испанском языке. Основные и неосновные цветообозначения различаются по частности употребления.

Ключевые слова: цветообозначения, грамматика, морфология, лексема, прилагательное, основные и неосновные

Abstract. This article discusses the grammatical features of Spanish color coding. You can see the variety and use of color designations in Spanish. Basic and non-basic color designations differ in frequency of use.

Key words: color designations, grammar, morphology, lexeme, adjective, main and non-main

Har bir millatning o'z madaniyati bor va har millatda rang o'ziga xos xususiyatlarga egadir. O'zbek xalqida Oq yo'l degan rangni ifodalovchi frazeologizm yo'lingiz bexatar bo'lsin ma'nosini beradi. Milliy bayrog'imizda berilgan ranglarning ma'nolarini ko'rib chiqqanda, ulardagi ranglar turli xil ma'nolarni bildiradi: qizil rang tomirimizda oqib yotgan qonni ifodalasa, yashil rang tabiatni anglatadi. Ko'k rang osmonimiz musaffoligini, yurt tinchligini anglatasa yoki umuman xalq ichida qora rang zulmat ma'nosini beradi.

Shuning uchun rang belgilari uzoq vaqt davomida tadqiqotchilarning e'tiborini tortib kelmoqda, ularning psixolingvistik, evolyutsion, lingvistik va madaniy jihatlarini va qiyosiy jihatlari o'rganilib kelmoqda. Tadqiqotlarda shuni ko'rsatish mumkinki, rang belgilarini o'rganishga turli xil yondashuvlar mavjud, masalan, funktsional, kognitiv, grammatik, qiyosiy va boshqalar.

Grammatik yondashuvda rang belgilarining asosan morfologik va sintaktik xususiyatlari hisobga olinadi.

Zamonaviy olimlarning (M. Garsiya-Pache, A.A. Kaybijinen, V.G. Kulpina) kuzatishlari asosida, ularning ishlari ranglar notasiyasining sintaktik va morfologik xususiyatlarini tahlil qilishga bag'ishlangan bo'lib, olimlarning rang belgilari bo'yicha tahlillarini ko'zatganda shu narsa ayon bo'ldiki ispan tilida boshqa tillar kabi ma'lum miqdordagi rang atamaları mavjud [1, 66].

Ispan tilida rangni ifodalovchi so'zlar asosan sifat so'z turkumida keladi, lekin ispan tilida rang atamalaridan fe'llar yasalganini ko'rishimiz mumkin bo'ladi. Sifat so'z turkumida keluvchi rang atamalarining vazifasi rangning asosiy tushunchasida tasnif farqlarini o'rnatishdir. Ispan tilida ushbu rang atamalariga quyidagilar kiradi: negro, blanco, rojo, colorado, verde, azul, amarillo, matron pardo, castano, gris, indigo, beige, morado, rosado, magenta.

Morfologik nuqtai nazardan oladigan bo'lsak ranglarni ifodalovchi so'zlar oddiy leksik birliklardan tashkil topgan va ularning orasida qo'shma so'zlarni va yasama so'zlarni uchratmaymiz, lekin sintaktik jihatdan esa ular ham ot so'z turkumi va sifat so'z turkumi sifatida keladi.

Yana rang atamalarining farqi shundaki ular maxsus qo'shimchalar orqali mavhum otlarni keltirib chiqaradi misol uchun –ez, uro, -or; rojo –qizil, qizillik, negro-negruro qora-qoralik, qorong'ulik, verde-verdor-yashil, maysalar, bunday holatni o'zbek tilida ham uchratish mumkin oq-oqlik, ko'k –ko'klik. Ispan tilida faqatgina ko'k sifatidan hech qanday mavhum ot yasalmaydi. Lekin ko'p rang belgilaridan fe'llarni ham yasash mumkin bo'ladi: blanquecer - oqarmoq, verdear - yashil rang bo'lmoq, azulear-ko'karmoq, enrojecear - qizarmoq. Shuni aytib o'tish kerak verdear-fe'lini o'zbek tiliga tarjima qilganimizda yashillanmoq deb berolmaymiz.

Ispaniyaning asosiy rang atamalar ro'yxati ancha kengroq va ishlatilgan sifatlar mavjud. Bular ko'pincha lotin yozuvidagi rangli atamalardir va ular eskirgan hisoblanadi. Ularning foydalanish darajasi cheklangan bo'ladi: rucio –(kulrang), cardeno –(qora va oq, buqalarning rangi haqida), rubio-(sarg'ish), cetrino-(yashil, sarg'ish), flavo-(asal rangi –eskirgan).

Ikkinchi guruhga ispan rang atamaları kiradi, jismoniy ob'yektlarni bildiruvchi oddiy belgilar asosan tabiatga tegishli bo'lgan (o'simliklar, minerallar, sabzavotlar va mevalar, hayvonlar va ularning tana qismlarini ko'rsatuvchi oddiy leksemalardan tashkil topadi: Lila –(nastarin, nastarin rang), malva –(siyoh rang, gunafsha rang), violeta-(binafsha rang), rosa- (pushti rang), gualda-(sariq rang), avellana –(o'rmon yong'og'i), zanahoria-(sabzin rang), berenjena –(baqlajon rang), naranja-(to'q sariq), plata-(kumush rang),

oro-(tillo rang), plomo-(qo`rg`oshin rang), bronze –(mis rang), tierra-(yer rangi), chocolate-(shokolad rang), miel –(asal rang).

Ko`rsatib o`tilgan ranglar ispan tilida ikkinchi darajali ranglar hisoblanadi.

Asosiy terminlar kabi bu ikkinchi darajali terminlar oddiy leksemalardan tashkil topgan bo`lib, faqatgina violeta va viola so`zlaridan fe`l so`z turkumini yasab bo`lmaydi.

Qizig`i shundaki, ba`zida rang belgilarini ishlatish shunchalik odatiy tusga kirib ketadiki, bunda faqat predmeti rang bilan bog`lashga olib keladi. Ispaniyalik bolalar granata- anorni emas, balki rang sifatida tushunishadi. Naranja atamasi esa ispanlar tomonidan o`zining asl ma`nosiga qaraganda, rang ma`nosi jihatidan ko`proq ishlatishadi.

Bundan tashqari ispan tilida murakkab rang atamaları guruhi mavjud bo`lib, ularning tuzulishi asosiy rang+ jismoniy ob`yektdan iborat bo`ladi. Bunday rang atamaları asosan asosiy ranglarning nozik turlarini aniqlab beradi (azul cielo-osmonning ko`k rangi), azul noche- (qorong`uning ko`k rangi), azul turquesa- (to`q ko`k rang), rojo-sangre (qontalash rang), rojo-cereza (gilos rang), rojo-geranio (geran gulining qizil rangi), amarillo-limón (sariq limon), verde esmeralda –(yashil zumrad), verde mar (dengizning yashilligi), verde hoja – (bargning yashilligi), gris perla- (marjon rangi).

Rangdagi nozik farqini yoki bo`yalgan rangning yorqinligini ko`rsatish uchun rang atamaları sifatida sodda sifatlar ishlatiladi, blancuzco-oqimtir, cobriza-misli, violaceo-binafshaga oid, azulenco-ko`kimitir, verdoso- yashil rangga oid, rosaceo- pushti tusga kirmoq.

Shuni ta`kidlab o`tish kerak, mustaqil ravishda ishlatiladigan rang atamalarning tonallik, yorqinlik yoki yorqinlikni ifoda etish, shuningdek to`yinganlik ranglardagi sifat bo`lib kelmaydi, claro-yorqin, oscuro-qorong`u, vivo-yorqin, brillante- yaltiroq, mate- jilosiz, pálido- rangsiz. Misollar keltirib o`tishimiz mumkin: El color del bolso es claro- sumkaning ranggi yorqin deyish noto`g`ri, ammo el bolso de color claro- Sumka yorqin rangda deb aytsak to`g`ri bo`ladi.

Xulosa qilib aytganda rang leksemaları ispan tilida turli xil, ayniqsa buni badiiy asarlarda, ularning keng qo`llanilishi bitmas tuganmasdir. Rang atamaları boyliklaridan shuni ko`rish mumkin bo`ladi: rang atamaları asosiy va asosiy bo`lmagan ranglarga bo`linadi. Asosiy va asosiy bo`lmagan rang atamaları ularning qo`llanilishida farq qiladi. Asosiy rang atamaları rang terminlarini ishlatilishida keng qo`llaniladi. Boshqa turdagi rang atamaları asosiy ranglardan uzoqligi yoki yaqinligi ularning ishlatilishiga bog`liq bo`ladi. Bu haqiqat rang atamalarning ko`p qirraligini ochib berishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI:

1. Garcia-Page, M. Los nombres de colores del español. De su composición y sus propiedades gramaticales [Text] / M. Garcia-Page // Revue Romane: John Benjamins Publishing Company, 2009. - P. 47-66.
2. Кайбийянен, А.А. Устойчивые атрибутивно-субстантивные сочетания с прилагательными цвета в современном русском языке [Текст]: дис. ... канд. филол. наук / А.А. Кайбийянен. - Казань, 1996. - 193 с.
3. Кульпина, В.Г. Лингвистика цвета: Термины цвета в польском и русском языках [Текст] / В.Г. Кульпина. - М.: Московский лицей, 2001. -470 с.
4. Berlin, B. Basic colour terms: their universality and evolution [Text] / B. Berlin, P. Kay. Berkeley: University of California Press, 1969. - 210 p.

УЎК 81.31.61

ТИББИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯДА ЮНОНЧА-ЛОТИНЧА ЎЗЛАШТИРМА СЎЗЛАР

М.У. Абдурахманова, ўқитувчи, Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон

Аннотация. Ушбу мақолада тиббий терминологиянинг келиб чиқиши юнон лексик ва сўз ясашиши фонди билан боғлиқлиги тўғрисида, латин ва юнон тилларини ўрганиши хотирада лексик элементлар тўпланишига, жонли тилларда мавжуд бўлган сўзларнинг маълум қисмини ўйунлаштиришига ёрдам бериши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: терминология, латин тили, юнон тили, термин, кўп маъноли сўзлар

Аннотация. В этой статье утверждается, что происхождение медицинской терминологии связано с греческим лексическим и словообразовательным фондом, и что изучение латинского и греческого языков помогает накапливать лексические элементы в памяти, гармонизируя определенные части слов, присутствующих в живых языках.

Ключевые слова: терминология, латинский язык, греческий язык, термин, многозначные слова

Abstract. This article argues that the origin of medical terminology is related to the Greek lexical and derivational foundation, and that the study of Latin and Greek helps to accumulate lexical elements in memory, harmonizing certain parts of words present in living languages.

Key words: terminology, Latin language, Greek language, term, polysemous words

60-йилларидан бошлаб, янги даврнинг шаклланиши антропологик, антропоцентрик ёндашувнинг шаклланиши билан бирга келди, унинг марказида эса шахс ва унинг ўзига хос “субтекст” га эга бўлган нутқ, дискурсни тушуниши туради [1]. Ҳар қандай атама ўз маъносига эга бўлади ва уни тушуниш учун атамаларнинг қайси тилдан келиб чиқишига эътибор қаратиш керак. Халқаро сўзларнинг кўп қисмини латин-юнон тилига асосланган атамалар ташкил қилади.

Юнон - лотин терминологияси тиббиёт фанининг буюртмаси, яъни тиббий термин ва тушунчаларнинг ҳаммасини ўз ичига олади, билмасдан махсус фанларни онгли ўзлаштириш мумкин эмас ҳисобланади. Г.Ф. Гегель фикрича, қадимий тилларнинг лексика ва грамматикасини ўрганиш катта имкониятларга эга, чунки “у доимий ва узлуксиз ақлий фаолият бўлиб, ўз она тилидан фарқли ўлароқ, ўйламай одатий сўзларнинг тўғри комбинациясини таъминлайди, онг томонидан аниқланган нутқ бирликларининг ўзига хос маъноларини ҳисобга олиб, уларни бирлаштириш қоидаларига ёрдам беради”. Аммо шу билан бирга асосий нарсанинг умумийга доимий бўйсунуши ва умумийдан ажралиши, ақл фаолиятининг шаклида бўлади [2].

Лотин тили нафақат алоҳида сўз ясовчи бирликларда, балки сўз ясовчи бирликларнинг ҳаммасида, шу билан бирга сўз ясовчи моделларда асосий “етказувчи” ҳисобланади. Берилган сўз ясовчи моделлар терминологик тизимда адабий тил тизимидан сўзларнинг етказиб бериш жараёнида бир бўлак сифатида қаралади, олинган сўз ясовчи бирликларни ўзгартириш ва қайта кўриб чиқиш жараёнида, уларнинг реинтерпретацияси, реконструкция жараёнларида янги муҳитда сўз қисми ўзгариши билан боғлиқ ҳар хил турдаги қайта ўзгариши жиддийроқ тартибда кузатилади. Ҳамма бундай ўзгаришлар терминология тизимида моделлашнинг янги тамойилларига, мазкур тизимда янги элементлар пайдо бўлишига, тизимда фаолият олиб бормайдиган тил-манбаларига олиб келади.

Тиббий терминологиянинг келиб чиқиши юнон лексик ва сўз ясашиши фонди билан ҳам боғлиқ. Адабий лотин тили ўзига юнон тилининг катта миқдордаги элементларини қамраб олган, у нафақат келажак термин тизимининг бой манбаси, балки бу тизимни юнон тили элементлари билан тўлдирувчи медиатор ҳам ҳисобланади. Тиббий терминологияни шакллантириб, лотин ва лотин тилида ўзлашган юнон элементлари бир-бирига ўзаро таъсир қилади, янги маъно ҳосил қилади, янги сўз бирикмаси бўлиб келади, янги моделлар яратади, ва ниҳоят терминологик тизим нимадан ташкил топиши керак бўлса ҳаммасини бирлаштириб, янги қатор, янги уя ва бошқа комплексларни ташкил қилади. Аммо тиббий терминологиянинг шаклланиши ва ривожланиши учун ушбу ўзаро таъсирнинг роли мутахассисларга маълум бўлсада, махсус терминологияни ўрганиш ҳозирги кунгача маълум эмас.

Тиббий терминологияни билмай, тиббиётни ўрганиш мумкин эмас. Терминнинг сўзма сўз таржима маъноси унинг ҳақиқий маъносига қанчалик мос келишига қараб, ҳамма терминларни уч гуруҳга бўлиш қабул қилинган: 1) тўғри йўналтирилган терминлар; 2) нейтрал терминлар; 3) сохта йўналтирилган терминлар [4]. Сохта йўналтирилган терминлар ўзларининг асл маънолари билан терминнинг умумқабул қилинган маъноларидан фарқ қилади. Бунга артерия термини типик мисол бўлади (лот. *arteria*), икки ўзакдан ташкил топади: *aeo* — ҳаво ва *tereo* - ўз ичимга оламан.

Лотин ва юнон тилларини ўрганиш хотирада лексик элементлар тўпланишига, жонли тилларда мавжуд бўлган сўзларнинг маълум қисмини уйғунлаштиришга ёрдам беради. Агар сўз бирламчи бўлса, мотивацияни ортиқча деб ҳисоблаш мумкин. Мотивация сўз нотаниш тилдан ўтаётганида, яъни янги сўз яралиш вақти ва ўзлашишида зарур саналади. Ўрганилаётган сўз маъносини тўлдириш, ўзлаштириш уни маълум лексик элементлар билан таққослашга ёрдам беради. Кўплаб тиббий терминлар мотивацияси лотин ва юнон тили сўз яшаш элементлари, бошқа тил манбаларидан таржима қилинган ёки ўзлашма сўзлар ҳақидаги билимларга боғлиқ.

Таржима бир тилдаги битта сўзни бошқа тил сўзлари билан камроқ ёки кўпроқ адекват равишда алмаштириш имконияти деб аталади. Ушбу жараённинг ажралмас шарти ҳар иккала тилда сўзларнинг яқин (иложи борича аниқ) тушунарли эканлиги, бир хил (ёки аналогли) предметни ифодалаш ва услубий мос келиши ҳисобланади. Ушбу шартларнинг бажарилмаслиги таржимани қийинлаштиради ва ўзлашма лексик бирликларга мурожаат қилишга мажбур қилади (Л.Л. Кутина, А.И. Горшков, Н.В. Горяев, Г. Арнаудов, В.А. Татаринов, А.И. Воронков, Л.А. Бахрушина, Л.В. Бабошкина, Е.В. Бекишева, А.А. Царева, Е.Н. Борисова ва бошқаларнинг ишларига қаралсин). Умумий таниш нарсалар ва умумий тушунчалар билан боғлиқ умумий лексика сўзлари одатда уларнинг тушунча ва вазифалари фақат яқин бўлишига қарамай, бир тилдан бошқа тилга осон таржима қилинади. Тилда бир-бирига боғланувчи лексик мосликларни тўлдирувчи сўзлар луғатларда мустаҳкамланган.

Терминологик лексикани таржима қилиш ҳар доим ҳам бир хил бўлмайди. “Термин тушунчанинг илмий-таснифий соҳасига кирувчи сўздан ўзининг махсус тушунчага эга эканлиги билан фарқ қилади, сўз эса майший тушунча билан боғлиқ бўлади, у ўз навбатида махсус тушунчалар тизимига хос бўлган мантиқий маънони ташкил этишининг юқори даражасидан маҳрум бўлган умумистеъмол лексикаси тизимига қиради. Бу ерда терминологик лексиканинг умумистеъмол лексикасига нисбатан юқори даражада тизимли ташкиллаштирилганини кўриш мумкин” [3]. Одатидан ташқари, мақол, матал, турғун иборалар, термин ва бошқа махсус сўзларни етказиш учун қўлланадиган идиоматик таржима ҳам бор.

Терминологиянинг тизимлилиги бошқа тиллардан ўзлашма терминлардан “тескари сўз ясашиши” деган ном билан талқин қилинади.

Махсус лексика сўзларининг таржимаси бир тилдан бошқа тилга эмас, балки контекстга нисбатан амалга оширилади, чунки турли тизимларда битта термин ҳар хил таржима қилиниши мумкин: масалан, тилшуносликда морфология тушунчаси (*morphologia*, юнончадан. [*morphos*] - шакл

ва [logos] - фан) сўз шакли ҳақидаги фан, тиббиётда эса бу “инсон танасининг ички тузилиши ва шакли ҳамда унинг ривожланиши, ҳаётининг фаолияти билан боғлиқ қисмлари ҳақидаги фан” деб таржима қилинади [5]. Турли тилларда кўплаб махсус тушунчалар ҳар хил тасвирларга асосланади, бу алоҳида халқлар дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади, уларнинг таржимаси доимо тушунча, образ, анъана тизими орқали амалга оширилади. Тил манбасида мавжуд тилдаги сўзларни сўзлаб бера олмаслик ёки номен ва онимлар тушунчаси билан бевосита алоқанинг йўқлиги уларни таржима қилишнинг мумкин эмаслиги ҳамда махсус конструкция ёки ўзлашма терминлар заруратини чиқаради.

Терминларнинг ўзлаштирилиши қабул қилувчи тил манбасида аниқланган ва номланган тушунча мавжуд бўлмаганида амалга оширилади. Агар тил-манбасида у ёки бу тизим яхши ва тўлиқ ишлаб чиқилган бўлса, айрим ҳолатларда терминологик бўлимлар (блоклар) бутунлигича ўзлаштирилади.

Махсус лексика сўзлари турли даражада ифодаланиш режасини аниқлаш ёки ўзгартириш имконига, уларнинг денотатлари эса уларни қайта номлашга эга бўлади. Умумий лексика учун униси ҳам буниси ҳам хос эмас. Бироқ сўз сунъий яратилиб, унинг маъноси ҳам сунъий режада шакллантирилса, бу сўзларнинг ифодаланиш режасини ўзгартириш ёки аниқлаштириш керак. Бундай ҳолат албатта бўлиши мумкин, чунки ном номланган объект (денотат) билан фақат шартли боғлиқ бўлса, тушунча билан бевосита боғлиқликка эга бўлмайди. Кўп ҳолатларда термин ва номенклатура номлари маълум. Бу денотатларни сунъий ажратиш ва луғавий маънолари билан уларнинг шароитларига сабаб бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурахманова М.У. Термин как номинативная единица языка//Universum:филология и искусствоведение: электрон. научн. журн. 2020. № 9(76). URL:<https://7universum.com/ru/philology/archive/item/10702>
2. Гегель, Ф. Работы разных лет: В 2-х т. / Ф. Гегель. - М.: [б. ук. на изд.], 1970-1971.
3. Косов, А.В. Некоторые различия системной организации терминологии по сравнению с организацией общей лексики / А.В. Косов // Термин и слово. - Горький: Изд-во Горьк. Ун-та, 1980. - 13-22 бетлар
4. Лотте, Д.С. Основы построения научно-технической терминологии: Вопросы теории и методики / Д.С. Лотте. — М.: Изд-во АН СССР, 1961.- 158 бет.
5. “Латинско- русский словарь” 2006

УЎК 81-13

“ФИРДАВС АЛ-ИҚБОЛ” АСАРИНИНГ Ю.БРЕГЕЛЬ ТАРЖИМАСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.К. Адамбаева, ўқитувчи, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Урганч

Аннотация. Маълумки, инглиз тилидан ўзбек тилига ёки туркий тиллардан инглиз тилига таржима муаммолари билан боғлиқ бўлган бир қанча илмий ишлар юзага келган. Уларда таржима танқиди билан боғлиқ анча фикрлар айтилган. Бадиий, тарихий-бадиий асарлар таржимасининг ўзига хос лисоний хусусияти мавжуд бўлиб, бу нафақат маъно етарли даражада узатилиши билан, балки бадиий дизайнни тил материали орқали муносиб етказиши билан ҳам боғлиқ. “Фирдавс ал-иқбол” асарига ўхшаган қомусий асарлар таржимасига киришган таржимондан нафақат тил, балки маданият, турмуш, урф-одатлар, этнография, география соҳасида ҳам чуқур билимлар талаб қилинади. Мақолада асарнинг Ю.Брегель томонидан қилинган таржимаси чуқур ўрганилади.

Калит сўзлар: транслитерация, транскрипция, трансформацион таржима, таржимон, реалия

Аннотация. Известно, что по проблемам перевода с английского на узбекский или с турецкого на английский существует ряд научных исследований, содержащих множество идей о переводческой критике. Есть своеобразная языковая особенность перевода произведений искусства, исторических и художественных произведений, которая связана не только с адекватной передачей смысла, но и с правильной передачей художественного замысла через языковой материал. Переводчик энциклопедических трудов, таких как Фирдавс аль-Икбал, требует глубоких знаний не только в области языка, но и в области культуры, быта, обычаев, этнографии и географии. В статье рассматривается перевод произведения Ю.Брегеля.

Ключевые слова: транслитерация, транскрипция, трансформационный перевод, переводчик, реальность

Abstract. It is known that there have been a number of scientific studies on the problems of translation from English into Uzbek or from Turkish into English. They contain a lot of ideas about translation criticism. The translation of works of art, historical and artistic works has its own linguistic feature, which is associated not only with the adequate transmission of meaning, but also with the proper transmission of artistic design through language material. A translator of encyclopedic works such as Firdavs al-Iqbal requires in-depth knowledge not only in the field of language, but also in the field of culture, life, customs, ethnography and geography. The article deals with the translation of the work by Yu.Bregel.

Keywords: transliteration, transcription, transformational translation, translator, reality

Маълумки таржима усулларида энг кўп тарқалганлари транслитерация, транскрипция, калкалаш, тасвирий таржима, яқинлаштирилган таржима ва трансформацион таржималар ҳисобланади. Қаерда қайси таржима усулидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида илмий адабиётларда анча фикрлар айтилган.² Транслитерация усулида асл матндаги сўзнинг график шакли таржима қилинаётган тилнинг воситалари орқали кўрсатилади. Транскрипция жараёнида эса – унинг товушли формаси ифодаланади.

Калкалаш – чет тилидаги морфема ёки сўзларни таржима қилинаётган тилдаги лексик муқобиллари ёрдамида таржима қилиш демакдир (масалан: Executive Committee – ижроий қўмита). Бу усул ҳам биринчи усул сингари камчиликлардан холи эмас.

Тасвирий ёки бошқача изоҳли таржима усули манбадаги тил лексик бирликларининг маъносини очишда ўз фойдасини кўрсата олади. Аммо бу усул оригиналдан бироз чекинишга олиб келади. Кўпинча тасвирий таржима сноска ёки изоҳларда берилади.

Яқинлаштирилган таржимада таржима қилинаётган тилда аниқ муқобиллар бўлмайди, шу боис таржимон асл матнда сўзларнинг маъносига кўра яқин бўлган сўзларни топишни мақсад қилади.

Трансформацион таржима таржимонга гапнинг синтактик структурасини ўзгартиришга, бирор сўзнинг маъносини тўлиқ ўзгартириш орқали ҳаммага тушунарли бўлган умумий маъноли сўзлар билан алмаштиришга имкон беради.

Кузатишларимиз асосида шунга амин бўлдикки, Хоразм туркий тарихий адабий манбалар таржимасида Ю.Брегель бу таржима усулларида барчасидан ўз ўрнида фойдаланади.

Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ал-икбол” асари ўзига хос усулда битилган бўлиб, унда ўша давр тарихнавислигида тасдиқланган ва қатъийлаштирилган услубдан фойдаланилган. Асарда бугунги китобхонга тушунилиши қийин бўлган арабий ва форсий иборалардан ташқари жуда кўплаб истиора, муболаға, ўхшатиш каби шеърий санъатлар, назмий парчалар келтирилган. Шунинг учун асарни инглиз тилига таржима қилиш осон кечмаган, бу жараён бир неча йилларга чўзилган. Асар инглиз тилига сўзма-сўз таржима қилинмаган, бу таржимани бадий таржима дейишдан ҳам йироқмиз.

Ю.Брегель асарни таржима қилишда дуч келган қийинчиликларни асар таржимаси берилган сўзбошида батафсил ёритади. Олим бу каби манбаларни ғарб тилларига мукамал таржима қилиш амри маҳол эканини, шундай изоҳлайди: *“An unabridged translation of this work into a modern Western language is hardly possible. The stylistic ornaments which were familiar and necessary to the contemporaries of Munis and Agahi do not have the same (or sometimes any) meaning for the modern reader – not only Western, but also Central Asian – and they will only appear verbose and clumsy in translation. they often cannot be properly understood without additional commentary explaining the numerous allusions and word plays which are hidden in the original text and cannot be translated, not to mention the impossibility of preserving the rhyming synonymical apithets which are a very important element of the stylistic system of the original. The passages of poetry interspersed with the prose text, in a great majority of cases, also serve purely stylistic purposes, being an element of the same ornate style and carrying no historical or any other substantial information whatsoever (very often they just repeat in a rhymed form what is said before in prose)”*³

Ю.Брегель асар тилидан келиб чиқиб, асл матннинг барча услубий безакларини сақлашни лозим топмаган ва мутлақ таржимани амалга оширишни мақсад қилмаган. Масалан, асар дебочаси жуда мураккаб шарқона услубда битилган, уни тушуниш нафақат оддий китобхонга, балки мутахассиснинг ҳам луғатсиз англашига имкон бермайди. Асар дебочасидаги кўйидаги парча фикримизга ёрқин далилдир: *“Олиймакон султонларнинг дабдабаи ҳашамати ва гардунтавон хоқонларнинг кавкаба⁴и давлати ул подшоҳи алалитлоқ⁵нинг қуллуғи билан интизом топарким, олами носут⁶анинг боргоҳи салтанати оллада бир қазо⁷и муҳаққар⁸дур ва фазои малакут даргоҳи узмат⁹идин бир сахни муқассар¹⁰. Худус¹¹у қидам¹²икки гавҳари носуфта¹³дур иродат¹⁴и уммонидин,*

² Саломов Ф. «Адабий анъана ва бадий таржима». Т., «Фан» 1980; Таржимон маҳорати, Т., «Фан».1979. Сирожиддинов С., Одилова Г. «Бадий таржима асослари». 2012; Рецкер Я.И. «Теория перевода и переводческая практика». М. Международные отношения, 1997; Кудряшов В.С. «Семантико-прагматический аспект перевода реалий: Тетради переводчика». М.: Высшая школа, 198.; Фридрих С.А. «О теории перевода художественного текста. Язык и культура: библиографический аспект проблемы». Уфа: РИО Госкомиздата БАССР, 1990; Сафаров Ш. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. Т.: «Наврўз» нашриёти ДУК, 2019.

³ Firdavs al iqbal, 1999– p.LIX

⁴ Кавкаба – улуғворлик, шон-шавкат.

⁵ Алал итлоқ – мутлақ, бутунлай.

⁶ Носут – моддий олам.

⁷ Қазо – мақом, ўрин.

⁸ Муҳаққар – кичик, арзимас.

⁹ Узмат – буюклик.

¹⁰ Муқассар – қусурли, айбли; кичик, калта, қиска.

¹¹ Худус – янгилик.

¹² Қидам – қадимги, илгари рўй берган.

¹³ Гавҳари носуфта – тешилмаган, яъни ишлатилмаган гавҳар.

¹⁴ Иродат – ирода, қарор; яратиш, вужудга келтириш.

вужуду адам¹⁵ икки гунчаи навшукуфта¹⁶ санъат¹⁷ и гулистонидин. Маъмураи кавну макон¹⁸ зобита¹⁹ и қудратидин мазбут²⁰, олами арвоҳ ва абдон²¹ робита²² и ҳикматидин марбут²³”. Шу биргина парчада, шунча сўзни изоҳлашга тўғри келганини инобатга олсак, таржима фақат изоҳлардан иборат бўлиб қолиши табиий. Шунинг учун Ю.Брегель инглиз китобхонини асарнинг кўпроқ мазмуни билан таништиришга, услубий унсурлар уммонида асарнинг тарихий ахамияти йўқолиб кетмаслигига ҳаракат қилган: *”An unabridged translation that tries to preserve all stylistic ornaments of the original would become unmanageably large; its historical content would become diluted in a mass of stylistic details which have no significance, and the commentary would be overburdened by additional explanations connected with these details. All this will make the translation barely readable not only to the general reader, but even to as specialist”*²⁴.

Олимнинг таъкидлашича, “Фирдавс ал-иқбол”нинг таржимаси давомида энг катта қийинчилик туғдирган изоҳлов жараёни асосан Хоразм, шунингдек, бошқа кўшни худудлар кўп сонли топонимларнинг келиб чиқиш жойини аниқлашда кечган. Бу ўринда Ю.Брегель олдин ҳеч қаерда нашр этилмаган Хива топографик харитасидан фойдаланган: *”The most difficult part of the annotation of the Firdaws al-iqbal was the localization of numerous place names, mainly in Khorezm, but also in surrounding regions (the Qazaq steppes, the middle course of the Amu-Darya, southern Turkmenia and Khorasan), mentioned by Munis and Agahi. I was also able to use the sheets of an unpublished topographic map of the Khanate of Khiva at the scale of 2 versts per inch (1:83,464) prepared by Russian military topographers in the 1880s. (I am grateful to Professor Roman Zlotin, formerly of the Institute of Geography of the Russian Academy of Sciences, who provided me with the copy of this map, the original of which is kept in the Military Historical Archives in Moscow.)”*²⁵

Ю.Брегель таржимасида тартиб билан рақамланиб, китоб сўнгидан жой олувчи изоҳу иловалардан ташқари, саҳифа остидан жой олувчи лотин алифбоси ҳарфлари билан кўрсатилган изоҳлар ҳам ўрин олган бўлиб, улар йил ҳисобини (асосан ҳижрий), Куръонга ҳаволалар ва баъзи матнлар манбасини (мақоллар, ҳадислар ва ҳк.) кўрсатади. Ҳижрий йил ҳисобини мувофиқлаштиришда олим доктор Герард Беренс (Мюнхен)нинг компьютер дастуридан фойдаланган: *”Besides the explanatory notes that are numbered consecutively and placed at the end of the translation, the translation also includes footnotes marked with the letters of the Latin alphabet and giving the conversion of dates (usually Hijri to the common era), references to the Qur'an and the sources of some sayings (proverbs, hadiths, etc.), and literal translations of certain passages. In converting the Hijri dates I have used the computer program ”Computus Calendar Conversion”*²⁶.

Олимнинг таъкидлашича, таржима ишлари бир неча маротаба узилишларга учраб, фақатгина 1989 йилга келиб якунланган. Мазкур таржимани услуб жиҳатдан мукаммаллаштириш ва сайқаллашда, олимга профессорлар Элеазар Бирнбаум (Торонто университети) ва профессор Девин Девислар ёрдам берган. Таржиманинг ўзига хос услубияти натижасида сўзма сўз таржиманинг, таржима тилининг идиоматик бўлиб қолишининг олди олинган. Буни олимнинг ўзи шундай изоҳлайди: *The work was interrupted several times and was finished only in 1989. Professor Eleazar Birnbaum (University of Toronto kindly agreed to be a reader, and he did much more than he was expected to do, meticulously collating my translation with the Chaghatay original and not only correcting inadvertant oversights and errors, but also making numerous stylistic changes whose numerous was to make the translation not too literal and its language more idiomatic even when it attempts to give some idea of the Bowerly language of the original”*²⁷

Олимнинг фикрларидан шу нарса англашиладики, таржимон максимал даражада Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб бўлган, икки хил услубда ёзилган “Фирдавс ал-иқбол” асари мазмунини инглиз китобхонига етказишга ҳаракат қилган. Албатта, тарихий терминлар, реалиялар (бир маданият ёки бир халққагина тегишли бўлган сўз ва иборалар), шеърлар таржимасини амалга ошириш олим учун осон кечмаган, аммо Ю.Брегель таржимаси орқали бемалол асар мазмунини англаш мумкин. Аммо араб ва форс терминологиясидан беҳабар бўлган китобхон, асарнинг оригиналини ўқиб, унинг мазмунини тўлиқ тушуна олмайди. Чунки асар ўзига хос сифатлашлари, арабий форсий ибораларга, идиомаларга бой тарзда битилган.

¹⁵ Вужуду адам – борлик ва йўқлик.

¹⁶ Навшукуфта – янги очилган.

¹⁷ Санъат – яратиш.

¹⁸ Маъмураи кавну макон – ер юзи.

¹⁹ Зобита – тартиб, қонун.

²⁰ Мазбут – тартиб-интизом топган.

²¹ Олами арвоҳ ва абдон – рухий ва моддий олам.

²² Робита – боғланиш.

²³ Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол // нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И. Бекчонов, Н.Полвонов — Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б.23.

²⁴ Firdavs al iqbal, 1999. – p.LIX

²⁵ Firdavs al iqbal, 1999. – p. LXII

²⁶ Firdavs al iqbal, 1999. – p. LXIII

²⁷ Firdavs al iqbal History of Khorezm. Translated from Chaghay and Annotated by Yuri Bregel, Leiden Boston, 1999. – p.LXIII

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Иванов П. П. Хивинские хроники XIX в. Муниса-Агехи как источник по истории туркмен // Материалы по истории туркмен и Туркмении. – Т.П.–М–Л.,1938. – С.23–28.
2. Халлиева Г. XX Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. –Тошкент: Мухаррир, 2018. – 275 б.
3. Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул–иқбол // нашрга тайёрловчилар: Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. — Тошкент: Уқитувчи, 2010. — 381 б.
4. Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. Фирдавс ул–иқбол // нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И. Бекчонов, Н.Полвонов — Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. —518 б.
5. Firdavs al iqbal History of Khorezm, edited by Yuri Bregel. Leiden. New York. 1988. –1280 p.
6. Firdavs al iqbal History of Khorezm. Translated from Chaghay and Annotated by Yuri Bregel, Leiden Boston, 1999. –718 p.

УЎҚ 81-13

ҲАБИБ САЪДУЛЛАНИНГ “ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО” ДРАМАСИДА АНЪАНАВИЙ СЮЖЕТ ТАЛҚИНИ

Н. Бобожонова, таянч докторант, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада Ҳабиб Саъдулланинг “Юсуф ва Зулайҳо” драмасининг таҳлили асосида анъанавий эпик сюжетларнинг ёзма адабиётдаги бадиий талқини принциплари аниқланган.

Калим сўзлар: фольклор, ёзма адабиёт, эпик сюжет, мотив, образ, мусиқий драма, драматизм, ривоят, достон, композицион қурилиш

Аннотация. В статье на основе анализа драмы Хабиба Саъдуллы “Юсуф и Зулайхо” определяются принципы художественной интерпретации традиционных эпических сюжетов в письменной литературе.

Ключевые слова: фольклор, письменная литература, эпический сюжет, мотив, образ, музыкальная драма, драматизм, предание, дастан, композиционная структура

Abstract. Based on the analysis of Khabib Sadulla's drama “Yusuf and Zulaikho”, the article defines the principles of artistic interpretation of traditional epic plots in written literature.

Key words: folklore, written literature, epic plot, motive, image, musical drama, drama, legend, dastan, compositional structure

Маълумки, Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги диний қиссалар ва фольклор сюжетларининг ёзма адабиётдаги бадиий талқинлари орасида драма жанрига мансуб асарлар ҳам салмоқли ўрин тутди. Бу қиссада баён қилинган воқеа-ҳодисалар драматизмга ғоят бойлиги, образлар ўртасидаги коллизия жуда мураккаб ҳолда тасвирлангани, ҳар бир ривоят замирига сингдирилган мазмун кучли ижтимоий моҳият касб этиши ушбу сюжетга драматургияда кўп мурожаат қилинишига сабаб бўлганга ўхшайди. Масалан, 1535 йилда Амстердамда голланд драматурги К.Крокус ўзининг беш кўринишдан иборат “Иосиф деб номланувчи муқаддас комедия” (“Comedia sacra cui titulus Joseph”) номли сахна асарини намойиш этган. Ушбу асар Европанинг бошқа халқлари драматургияси ривожига кучли таъсир кўрсатган. Жумладан, поляк адиби Николай Рей 1545 йилда К.Крокуснинг мазкур сахна асаридан руҳланиб, ўзининг “Иосифнинг ҳаёти” (“Zywot Josefa”) пьесасини ёзган. Шунингдек, 1615 йилда голландиялик ижодкор Яков Бидерманнинг “Иосиф Миср ҳукмдори” (“Josephus Aegipti prorex, comoedia”), 1650 йилда австриялик Николай Аванциннинг “Иосифнинг акалари таниши” (“Joseph a fratribus recognitus”), 1695 йилда франциялик Ле Женинг “Акалари танимаган Иосиф” (“Josephus fratres agnoscens”) драматик трилогиясининг юзага келиши ҳам ана шу анъананинг бевосита давоми ҳисобланади. XVII асрда Германиядаги протестант черковида руҳоний бўлиб ишлаган немис драматурги Иоганн Готфрид Грегори ҳам ўзининг “Иосиф ҳақидаги ихчам совуқ комедия” (бу асар рус тилига “Малая прохладная комедия об Иосифе” деб таржима қилинган) [1] номли пьесасида Иосиф тўғрисидаги насроний диний ривоятларини даврнинг ижтимоий муаммолари билан боғлиқ ҳолда бадиий талқин қилишга ҳаракат қилган эди.

XX асрнинг биринчи чорагида рус драматурги К.Голейзовскийнинг “Иосиф прекрасный” номли балет-спектакли яратилди. Латиш адабиётида биринчи марта Иосиф ҳақидаги сюжетнинг бадиий талқинини яратган Ян Райниснинг “Иосиф ва унинг оғалари” драмасида ака-укаларнинг ўзаро муносабатлари, муҳаббат ва нафрат, кечиримлилик ва ўч олиш, ичи қоралик ва бағрикенглик муаммоларини кенг бадиий фонда ёритиб берган. Тожикистоннинг Душанбе шаҳридаги “Ахорун” театр-студиясида сахналаштирилган Ф.Қосимовнинг “Юсуфнинг Каънонга қайтиши” спектакли эса Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги қадимий қиссанинг Фирдавсий талқинидаги намунаси асосида яратилган.

Туркий халқлар адабиётида ҳам Юсуф ва Зулайҳонинг муҳаббати ҳақидаги эпик сюжет асосига қурилган драматик асарларнинг яратилиши ўзига хос бир анъана тусини олди. Жумладан, таниқли турк шоири Нозим Ҳикмат Юсуф алайҳиссалом тўғрисидаги диний қисса сюжети асосида ўзининг “Юсуф билан Менофис” (“Yusuf ile Menofis”) драмасини ёзди [2]. Татар мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Қул Алининг “Қиссаи Юсуф” достони асосида драматург Гаёз Исҳоқий томонидан

яратилган “Зулайхо” спектакли узоқ йиллар давомида Қозон шаҳридаги Тинчурин номли театр сахнасидан тушмай, томошабинлар орасида катта шухрат қозонган [3]. Мазкур драмада Юсуф алайҳиссалом тўғрисидаги қадимий сюжетдан фойдаланган ҳолда татар халқига зўрлик билан насронийлик ғояларини сингдиришга уринишлар рўй берган давр фожеалари юксак маҳорат билан тасвирланган. Бошқирд драматурги Юнус Сафиуллин ҳам Қул Али қаламига мансуб “Қиссаи Юсуф” дostonи сюжетига ижодий ёндошув асосида ўзининг “Юсуф ва Зулейха” драмасини ёзди [4]. Мажид Ғофурий номидаги Бошқирдистон давлат академик театрида Олег Ханов томонидан муваффақият билан сахналаштирилган ушбу драмада Қул Али дostonида тараннум этилган юксак умуминсоний қарашлар сақлангани ҳолда эзгуликнинг боқийлиги ва ҳақиқатнинг қарор топиши муқаррарлиги ғояси асар моҳиятининг ўқ илдизини ташкил этади.

Ўзбек адабиётида биринчи бўлиб истеъдодли шоир ва драматург Ҳабиб Саъдулла Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи мотивларига асосланган ҳолда 1979 йилда ўзининг “Юсуф ва Зулайхо” номли драмасини яратди [5]. Шоир ўзининг “Юсуф ва Зулайхо” асарининг жанрий мансубиятини “уч пардали етти кўринишли романтик мусиқали драма” деб белгилаган. Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonи асосида яратилган ушбу драманинг образлар таркиби ўн нафардан иборат бўлиб, асосий қаҳрамонлар – Юсуф билан Зулайҳодан ташқари Момо, яъни Зулайҳонинг энагаси, Азиз (Миср шоҳи), Қулбобо (кекса қул), Зебо билан Қамар (Зулайҳонинг канизаклари), ясаулбоши ва ҳакимдан иборатдир. Асар Мағриб мулки ҳукмдори Таймуснинг кизи Зулайҳонинг қароргоҳи тасвирдан бошланади. Ана шундан кейин драматург Зулайҳонинг яна уйқуга кетиши ва тушида Юсуф билан учрашишида содир бўлган ҳолатларни тасвирлашга ўтади.

Қаҳрамоннинг тушида кўрган севгилиси манзил-маконини айтиб, агар чиндан севса излаб топиши кераклигини айтиб кўздан ғойиб бўлиши фольклор мотивларидан бири бўлиб, халқ эртакларида, айниқса, кўп учрайди. Шу тариқа Ҳабиб Саъдулла фольклор анъаналаридан самарали фойдаланган ҳолда туш мотиви воситасида Зулайҳонинг Миср ҳоконига турмушга чиқишининг ўзига хос талқинини ярата олган. Юсуфнинг “Миср шоҳи, элим акли эрурман” деган сўзлари аслида “Миср ҳукмдори ҳамда элининг донишмандиман” деган маънони англатса-да, уни тўғри тушунмаган Зулайхо ёрини Миср подшоҳи деб билади ва бу ҳақда зудлик билан отасига хабар бердиради. Зулайхо тушида намоён бўлган Юсуфнинг хабар, дарак маъносидagi сўзларини хато тушунганлиги оқибатида тақдирини ўзгартириб юборади. Қизининг раъйига қарши боролмаган Таймусшоҳ ҳам Мисрга мактуб юбориб, қудалашини нияти борлигини билдиради.

Драманинг иккинчи кўриниши Миср ҳукмдорнинг тантанавор безалган саройи тасвири билан очилади. Фонда ғолибиятдан дарак бергувчи тантанавор мусиқа садоси янграб, парда очилганда байрам либосидаги сарой шоҳни кутиб олади. Виқор ва ғурур билан Азиз чиқиб келади. Бундай кўтаринкилик ва тантанаворликнинг сабаби Азиз узоқ давом этган юришдан зафар кучиб қайтган бўлади. Ана шу ҳолатда воқеалар силсиласига Қулбобо образи олиб кирилади ва ҳукмдор билан унинг суҳбати асносида жабру зулм асосига қурилган салтанатнинг фожеали кўринишлари ифода этилади. Миср ҳукмдори Азизнинг табиатиға хос манманлик, кибру ҳаво, инсон шаънини менсимаслик каби салбий хислатлар Қулбобони “кекса хар” деб ҳақоратлашидагина эмас, балки Таймусшоҳ элчиси олиб келган мактубга билдирган муносабатида ҳам яққол аён бўлади.

Таймусшоҳ ўзининг мактубида ўз кизи Зулайҳонинг чиройини таъриф-тавсиф этганидан кейин туш воқеасини келтириб, шундай ёзган бўлади:

Кўриб тушда сенинг рўйингни бир бор,
 Бўлибдур доми ишқингга гирифтор.
 Магар ёлғиз бутун мулкимга ворис,
 Миср мулкин тилайдир ишқи боис.
 Эрурлар неча ҳоконлар харидор,
 Миср сори боқиб ул қиз чекар зор.
 Унинг оҳига раҳм эт, марҳамат эт,
 Ризо бўлсанг, берай тўйлар, олиб кет! (“Ҳабиб Саъдулла”. – Б.220).

Бу хабарни эшитган Азиз хурсандчилик билан Таймусшоҳнинг таклифини қабул қилади. Унинг тўйга розилик билдиришининг сабаби Зулайҳони яхши кўрганлиги учун эмас, балки Таймуснинг кизига уйланиш орқали Мағриб подшолигининг мулкини ҳам қўлга киритиш имкони туғилганлиги эди.

Драматург Ҳабиб Саъдулланинг ижодкор сифатидаги бадий маҳорати шунда кўринадики, у Юсуфнинг оиласи ҳақидаги маълумотлар ҳамда акалари билан бўлган воқеалар баёнини беришда ўзига хос йўлни танлаган: Миср ҳукмдори тўйдан аввал бўлғуси хотини Зулайхо учун алоҳида қаср қурдиришга киришади ва бу қурилишда кўплаб қуллар қатори Қулбобо билан Юсуфни ҳам ишлатади. Зулайхо қасрини бунёд этишда иштирок этаётган Қулбобо билан Юсуфнинг суҳбати асносида Юсуфнинг қандай қилиб Мисрга келиб қолганлиги воқеалари баён этилади.

Юсуф ўзининг Мисрга келиб қолиши сабабларини ҳикоя қилар экан, асл ватани Канъон юрти бўлиб, отасининг ўн бир ўғли борлиги, Юсуф уларнинг энг кенжаси эканлиги боис ота-онаси уни беҳад яхши кўрганликларини айтиб шундай дейди:

Отам бирла онам севмишди ортқ,

Этиб меҳру умидин менга тортик,
 Билим олдим ва касб этдим камолот,
 Хаёлим тортди юлдузли самовот.
 Тушимда содир ўлди хўб ажиб сир.
 Оёғимга уриб бошини бир-бир,

Келишмиш шамс, қамар, ўнларча юлдуз (“Ҳабиб Саъдулла”. – Б.225).

Юсуфнинг ғаройиб туш кўриши ва тушида ой, куёш ва юлдузлар унинг пойига келиб тавоф қилишини Яъқуб пайғамбар яхшиликка йўганидан хабар топган акалари Юсуфга ёмонлик қилиши мазкур қиссанинг барча талқинларига хос анъанавий сюжет элементларидан биридир. Ушбу туш мотивининг асар композицион қурилишидаги ўрнига кўра Ҳабиб Саъдулланинг “Юсуф ва Зулайҳо” драмаси оригиналлик касб этади. Оғалари Юсуфни чоҳга ташлашлари ва йўловчи (савдогар)лар томонидан қутқарилган Юсуфнинг Мисрдаги қул бозорида сотилиши воқеалари ҳам ана шу суҳбат асносида томошабин эътиборига ҳавола этилади.

Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги қиссанинг Шарқ мумтоз адабиётидаги кўпгина бадий талқинларида бўлгани каби, Ҳабиб Саъдулланинг “Юсуф ва Зулайҳо” драмасида ҳам гарчи саройга чақиртирилган Юсуф маликанинг муҳаббатини қабул қилиб, эл-юрт олдида маломатга қолишдан кўра ҳам ўзининг, ҳам севгилисининг пок шаънига доғ туширмай, ташқарига чиқиб кетишни афзал билган бўлса-да, Зулайҳо ўз ниятига етиш учун астойдил курашади. Бир мусаввирни чақиртириб қаср деворига ўзи билан Юсуфнинг висолга етган дамлари тасвирини чиздириб, лавҳа тайёр бўлиши билан ушбу расми кўриши билан юрагидаги муҳаббат олови яна алангаланади деган умидда Юсуфни ҳузурига чақиртиради. Зулайҳо билан Юсуф қасрда учрашиб, деворга чизилган лавҳани томоша қилиб туришганида ичкарига баногоҳ Миср ҳукмдори Азиз кириб келади ва уларнинг иккаласига ҳам оғир жазони тайинлайди.

Зулайҳо ҳамма айб ўзида эканлигини айтиб, Юсуфни жазодан омон саклаб қолишга уринади. Азизга мурожаат қилар экан, Мағриб мулкида эканлигида кўрган туши сабаб алданиб қолиб Миср шоҳига эрга текканлигини, аслида севгани бир қул бўлиб чиққанини шундай баён қилади:

Нетай, тушмиш бошимга бўйла савдо,
 Муҳаббат деб бўлибман элда расво.
 Кириб хобимга бул хуршидпайкар,
 Этиб мафтуну шайдо ҳам саросар,
 Олиб ақлу қарорим бемор этди.
 Зотин сўрсам Миср шоҳи деб айтди.
 Бўлиб мен зору гирён пайкарига,
 Юбордим элчиларни сиз сарига.
 Келиб кўрсамки, эвоҳ, алдамиш туш,
 Кўриб сизни шаҳаншоҳ, учди эс-хуш.
 Мени банд айлаган ул беназир гул,
 Бўлиб чикди Миср мулкида бир қул (“Ҳабиб Саъдулла”. – Б.236).

Аммо бағритош ҳукмдор қизнинг нолаларини назар-писанд қилмай, хотинини хиёнаткорликда айблайди ва Юсуфни дорга осишни, Зулайҳони эса отнинг думига боғлаб саҳрода сазойи қилишни буюради. Кўпгина эртақларда хиёнаткор аёлларни от думига боғлаб, саҳрога ҳайдаб юбориши жазоси тайинлаши ҳолати учрайди. Масалан, “Чолнинг кичик ўғли” эртагида тасвирланишича, подшо қизи билан ўйнашини тутибди-да, тўртта тўқ биянинг думига боғлаб, судратиб ўлдирибди [6]. Назаримизда, ўзбек халқ эртақларида учрайдиган ана шу анъанавий сюжет элементи Ҳабиб Саъдулланинг “Юсуф ва Зулайҳо” драмасидаги Зулайҳонинг от думига боғлаб судратилиши мотивининг ишланишига асос бўлган. Аммо драматург анъанавий эпик мотивни драматик матнга айнан кўчириш ёки тўғридан-тўғри ўхшатиш асосида сюжет қурилишига олиб кирмасдан уни моҳиятан ўзгартирган. Ижодкорнинг новаторлиги маликанинг от думига боғлаб судратилиши лавҳаси тасвирига момо образини олиб кирганлигида кўринади. Чунки халқ эртақларида аёлни от, айғир ёки ҳачир думига боғлаб саҳрода судратилиши натижасида унинг гўшти тиканзор-чангалзорларга илиниб қолиб тилка-пора бўлиб кетади. Яъни от думига боғланган аёлнинг ҳаёти ўлим билан яқунланади. “Юсуф ва Зулайҳо” драмасида эса ижодкор ана шу анъанавий эпик мотив талқинига янгилик олиб кирган: яъни от думига боғланган Зулайҳо энага момонинг садоқати туфайли қутқариб қолинади.

Драманинг учинчи пардаси олтинчи кўриниши кимсасиз чўлни қоплаган қовжираган кўкатлар устида қўллари арқон билан боғлиқ хушсиз Зулайҳони бир ясовул судраб олиб кириши билан бошланади. Унинг ортидан эса узоқ югурганидан чарчаб-толиққан момо кириб келади ва ҳансираганида бир чеккага ўтиради. Ясовул Зулайҳонинг кўксига бошини кўйиб эшитиб кўради-да, ҳали юраги уриб турганини билгач, яна чопишим керак экан, деб ўрнидан туради. Шунда момо ясовулга ёлвориб, Зулайҳони бўшатишни илтимос қилади. Шунда момо тилла тўла ҳамённи ясовулни кўлига тутқазгач, мунча бойликни кўрган ясовул: “Бало экан бу кампир. Ҳи-ҳи-ҳи. Энди Мисрга қайтмайман, Мағрибга кетаман! Савдогарлик қиламан. Биримни ўн, ўнимни ботмон қиламан. Ҳи-ҳи-ҳи, халққа хайронсан, жаллод бўлиб қонини сўрсанг қарғайди, савдогар бўлиб ҳамёнини шилсанг дуо

килади”, дейди-да, Зулайхонинг бўшатиб юборади. Момо билан Зулайхо Мисрга қайтиб келиб, шаҳар чеккасида бир қапа тикиб фақирона яшай бошлайдилар.

Подшонинг амри билан эшакка тескари миндириб сазойи қилинган Юсуф билан уни химоя қилмоқчи бўлгани учун ўлимга ҳукм қилинган вазирни майдонга олиб келиб дорга осмоқчи бўлишганида Қулбобо бошлиқ халқ жаллодларни тошбўрон қилиб, маҳкумларни қутқариб қоладилар. Оломон саройга ҳужум қилиб, Азизни тахтдан ағдаради ва унинг ўрнига Юсуфни подшо қилиб кўтардилар.

Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги қиссанинг сўнгги қисми билан боғлиқ иккита сюжет элементи, яъни ҳасадгўй акаларнинг Мисрга келиб Юсуфга учрашишлари ва қаҳрамон улар билан суҳбатлашиши, шунингдек, Зулайхо билан Юсуфнинг тақдири масаласи ҳам Ҳабиб Саъдулла драмасида ўзига хос тарзда тасвирланган.

Маълумки, Юсуф алайҳиссалом қиссаси сюжетининг туркий ва форсий адабиётдаги кўпгина бадиий талқинларида Қанъондан келган акалари Юсуф билан учрашган пайтида уни танимайдилар. Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонида ҳам ана шу учрашув турли синов шартлари мотивлари воситасида кенг баён этилган. Ҳабиб Саъдулла драмасида эса ака-укаларнинг учрашуви лавҳаси жуда содда баён этилгандай таассурот қолдиради.

Ясавуллар уч мусофирни ҳукмдорнинг хузурига олиб кирганларида Юсуф дарҳол уларни танийди-да, “оғаларим!” деб хитоб қилиб кучоқ очиб уларга пешвоз чиқади. У оғаларига мурожаат қилиб, шунча пайдам бери энди излаб келишларининг боиси нималигини билмоқчи бўлганида улар шундай жавоб беришади:

1-мусофир:

Адаштирдик сени чўлда ўшал кун,
Итардик боз қудуққа айлаб афсун.
Бориб этдик «йўқотдик» деб овоза,
Падар пойига урдик бошни тоза.
Бирок, булмиш бу асрордан хабардор.

2-мусофир:

Ўшал дамдан ҳолимиз бўлди душвор,
Олиб кел, деб қудуқ сори юборди.
Таассуф, топмадик ҳаттоки гардинг.

3-мусофир:

Падар амрин санаб одил ва ҳақли,
Бизи қувди диёрдан Қанъон аҳли (“Ҳабиб Саъдулла”. – Б.258).

Шундан кейин драматург Юсуф билан уч оға-инининг суҳбатини шу билан якунлаб, Зулайхонинг топилиши ва Юсуф билан дийдор кўришиши воқеаси тасвирига ўтиб кетади. Назаримизда, Юсуфнинг ўз акалари билан учрашиши мотиви баёни ўз ниҳоясига етмай қолганга ўхшайди. Драматург бу лавҳани ишлашда Юсуф алайҳиссалом қиссаси сюжетининг мотивлар таркиби талқинига хос анъанавийликка амал қилганида хиёнат ва кечиримлилик, вафо ва хиёнат, меҳр ва бағритошлик каби тушунчалар драматизми янада кучлироқ чиққан бўлар эди.

Гарчи Ҳабиб Саъдулла қаламига мансуб “Юсуф ва Зулайхо драмасининг финал қисмида севгилиси билан дийдор кўришган Зулайхонинг “Йўлингизга тўкиб ашки равоним, Тилардим пойингизда чиқса жоним, бу кун орзумга етдим, иншооллоҳ”, деб Юсуфнинг кўксига бош қўйиб бандаликни бажо келтириши, шундан кейин бу айриликка бардош беролмаган Юсуфнинг ҳам ишқ ўти оловида жон бериши лавҳаси тасвирланган бўлса-да, асар ғоят юксак оптимистик руҳ билан якунланган. Бу оптимизм пок севги-муҳаббатнинг боқийлиги ва чинакам инсоний туйғуларнинг барҳаётлигига бўлган улкан ишонч ифодасидир. Қулбобонинг “Муҳаббатни дафн этиб бўлмас! Булар пок ишқ ва садоқатнинг тимсоли бўлиб қоладилар” деган сўзлари Юсуф ва Зулайхонинг оташин севгиси халқ тилида дoston бўлиб, асрлар оша тилдан-тилга ўтиб мангу қуйланиб келишининг сабабини изоҳлаётганга ўхшайди.

Муаллиф бу асарни яратиш давомида Юсуф алайҳиссалом қиссасининг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий талқинлари, жумладан, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони билан чекланиб қолмасдан, халқ эртақлари сюжетининг анъанавий мотивларидан, халқ шеърляти ва жонли оғзаки сўзлашувга хос поэтик нутқ намуналаридан ҳам самарали фойдаланган. Натижада “Юсуф ва Зулайхо” драмасининг тили халққа жуда тушунарли ва бадиий жиҳатдан жозибадорлик касб этган. Асар сюжетининг асосини Юсуф билан Зулайхонинг севгисини тасвирлашга бағишланган лавҳалар ташкил этган бўлиб, драматург анъанавий мавзуга янгича мазмун ва моҳият бахш этганлиги эътиборлидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каплун М.В. Образ Вильги в “Малой прохладной комедии об Иосифе” И.Г.Грегори в контексте протестантского мировоззрения // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2016. – №2 (56). – С.35-37.
2. Горбаткина Г. А. Пьесы-легенды Назыма Хикмета. – М.: Изд-во “Наука”, 1967;
3. Саттарова А.М. Современная татарская драматургия (1985-2000 гг.). Концепция героя и эпохи. – Казань: Гуманитария, 2003. – С.128-168.

4. Кильмухаметов Т. Поэтика башкирской драматургии. – Уфа: Башк. кн. изд-во, 1995. – 335 с.
 5. Ҳабиб Саъдулла. Танланган асарлар. II жилд / Масъул муҳаррир Ҳ.Шарипов. – Тошкент: “Шарк”, 2002
 6. Зумрад ва Қиммат (ўзбек халқ эртаклари). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б.67.

УЎК 81-13

КАНОНИК МОДЕЛЛИ НУТҚИЙ ҲОСИЛАЛАРНИНГ ТОЛЕРАНТЛИК АКСИОМАСИ ТАДРИЖИЙ РИВОЖИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

П.Р. Бобокалонов, тадқиқотчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур мақола канолик модели нутқий ҳосилаларнинг толерантлик аксиомаси тадрижий ривожини билан боғлиқ ўзбек ва француз тиллари қиёсий аспектига прагматик, лингводидактик, социолингвистик ва компаратив тадқиқотга бағишланган.

Калим сўзлар: систем-структур таълимот, компаратизм, логицизм, структурализм, натурализм, социологизм, психологизм, канолик модели нутқий ҳосилалар, толерантлик, гипогипероним, гипоним, “сабр” лексемаси

Аннотация. Данная статья посвящена прагматическому, лингводидактическому, социолингвистическому и сравнительному изучению сравнительного аспекта узбекского и французского языков, связанного с постепенным развитием аксиомы толерантности к речевым продуктам канонической модели.

Ключевые слова: системно-структурное учение, компаратизм, логистика, структурализм, натурализм, социология, психология, каноническая модель речевых продуктов, толерантность, гипогипероним, гипоним, лексема «терпение»

Abstract. This article is devoted to the pragmatic, linguodidactical, sociolinguistic and comparative study of the comparative aspect of the Uzbek and French languages associated with the gradual development of the axiom of tolerance of speech products of the canonical model.

Keywords: System-structural doctrine, comparatism, logistics, structuralism, naturalism, sociology, psychology, canonical model of speech products, tolerance, hypo-hyperonym, hyponym, lexeme "patience"

“Тил – инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси, кишилик жамиятининг маҳсули эканлигини аниқлаш ва жамият тараққиётини тилсиз ва тил равнақини жамиятсиз тасаввур этиш мумкин эмас” [8]. Жамият учун ҳаводек зарур бўлган тил турли даврларда олимлар томонидан турлича талқин этилган ва тилшунослик тараққиёти тарихида компаратизм, логицизм, структурализм, натурализм, социологизм, психологизм каби ўнлаб оқимларнинг кириб келишига сабаб бўлган ҳамда бу тадқиқот йўналишлари амалий жиҳатдан фаннинг у ёки бу жиҳатларини ўрганишда муҳим вазифа бажарган.

Систем-структур таълимотда лисон//нутқ ҳодисалари диалектик қонуниятлар методологияси асосида таҳлил қилинади. Тизим асосида ташкил топган тил яхлит бир бутунлик ҳисобланиб, унинг унсурлари ташкил этувчилик тамойилига асосан ана шу бутунлик доирасида ўзаро боғланган бўлади. Бу айни кунда нафақат ўз она тилини, балки хорижий тилларни қиёсий-типологик аспектда систем-структур тилшунослик натижалари заминидан ҳам ўрганишга имкон беради. Бу жараён лингвистик интерференция майдони деб юритилади. Бу нафақат тил сатҳларини ўрганиш билан, балки халқаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муаммоларни миллий тил негизи асосида ҳал қилишга ёрдам беради. Диалектика ва тасаввуфда ўзаро алоқадорликда бўлган **фаҳм** ва **идрок**, **зот** ва **тажалли**, **кулл** ва **жузв**, фалсафий **моҳият** ва **ҳодиса**, **имконият** ва **воқелик**, **умумийлик** ва **хусусийлик**, **сабаб** ва **оқибат** категорияларининг талқинига таянади [2, 3-123].

Канолик модели нутқий ҳосилалар (бундай буён қисқ. КМНХлар) когнитив лингвистика, социолингвистика ва компаратив типология асосида грамматик шаклланган гаплар (бундан буён қисқ. ГШГ) дан фарқли равишда ўрганилади. КМНХларнинг миллий онг ва тафаккурнинг шаклланиши билан боғлиқлиги миллий кадрини саналмиш толерантлик аксиомасининг тадрижий ривожини систем-структурал, лингводидактик ва компаратив методлар асосида ўрганилаётгани социолингвистик тадқиқот олиб боришга сабаб бўлади.

Қиёсий тилшунослик, социолингвистика, нейропсихолингвистика, когнитив лингвистикадаги муаммоларга КМНХларнинг структур қурилиши масаласига ойдинлик киритиш, уларнинг ижтимоий онг ва толерантлик руҳиятига таъсирини экстралингвистик-коммуникатив восита сифатида намоён бўлишини аниқлаш, таълим жараёнида “ғайриоддий”, “номеъерий” деб саналган ҳодисаларни “меъерий” бирликлари билан боғлиқ равишда ўрганишга ва уларнинг тўғри тушунилишига ёрдам беради [2, 3-123].

Ўзбек ва француз тиллари синтаксиси қиёсий аспектида лисон//нутқ фарқияти муаммоларидан бири содда гап ва КМНХларнинг қурилиши масалалари ва нутқий ҳосилаларнинг жамият тараққиётига таъсири масалалари назарда тутилади. Унда синтактик, лексик-семантик, стилистик соҳалар таҳлилга тортилади. КМНХларнинг ўрни назарий жиҳатдан аниқланади. КМНХларнинг социолингвистик, когнитив лингвистик талқини ва уларнинг экстралингвистик қиймати назарий жиҳатдан белгилаб олинади. КМНХларнинг ижтимоий онг ва толерантлик руҳиятига таъсирини

экстралингвистик-коммуникатив восита сифатида намоён бўлиши градуономик ва гипономик ўсувчанлик даражаларида аниқланади. Ана шу барқарор ва стихияли ёндашувларни тизим асосида ўрганиш, инсон тафаккурининг шаклланишида лингводидактик омилларнинг ижтимоий-сиёсий ўрнини белгилаш, унинг тадрижий ривожини изоҳлаш, шунингдек, бадий асарларда алоҳида нутқий ҳосилаларнинг ўзига хос кўринишларини ўрганиш тилшуносликда оралик учинчи бўлиб турган КМНХларнинг семантик-структурал, социоллингвистик, типологик ва когнолингвистик нуқтаи назардан қиёслашга ёрдам беради.

Профессор А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқаровалар каби олимларнинг содда ва қўшма гап тадқиқи ишлари анъанавий тилшунослик асосида рус тилшунослигидан андоза олгани маълум. “Тил тўғрисидаги қонун” ва Мустақиллик шарофати билан систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, М.Абузалова, Ш.Акрамов, М.Бошмонов, З.Эралиева, С.Назарова, Р.Бобокалонов, Л.Раупова ва бошқалар ўзбек тилида гапнинг минимал қурилиш қолипни (қисқ. ГМқК) кесимлик категориясига мувофиқ алоҳида ўрганиб, а) *грамматик (морфологик) шаклланган гаплар (WPM)*га ва б) *семантик-функционал шаклланган гаплар (WP)*га ажратдилар ва унинг туркона хусусиятлари аниқланди. Бошқа тиллар қатори айнан ўзбек ва француз тилларидаги оралик учинчи – атипик (каноник) гапларни компаратив ўрганишга замин тайёрланди [2, 3-123].

Французча-ўзбекча гапларнинг систем-структурал, лингводидактик ва компаратив таҳлили асосида субстанциал (формал-функционал) тадқиқ усулига йўл очилди. Тилдаги “меъерий” ва “номеъерий” синтактик ҳодисаларни аниқлаштиришга амалий ёрдам берди, шунингдек, когнитив тилшуносликка асосан инсон онги билан боғлиқ нутқий ҳосилаларнинг алоҳида лексик, морфологик, синтактик сатҳ бирликларини ажратиб ўрганиш - *ГШГ* ва *семантик-функционал шаклланган гаплар (қисқ. СФШСГ)лар* кўринишларини фарқлаш, тил сатҳларининг бўлинувчанлик, яхлитлик, бутунлик, яқкалик, мураккаблик каби диалектик компаратив таҳлиliga имконини яратди.

СФШСГларнинг анъанавий кўринишлари Э.Шодмонов, С.Усмонов, Б.Ўринбоев, Ҳ.Болтабоев, Р.Комилжонова, С.Саноев, Р.Мўминова, Ғ.Зикриллаев, А.Ҳазратқулов тадқиқот ишларида ва систем-структур кўринишлари эса Р.Сайфуллаев, Р.Бобокалоновларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Каноник модели французча-ўзбекча гапларнинг систем-структурал, лингводидактик ва компаратив таҳлили толерантлик руҳиятига боғлиқлиги, социоллингвистик, когнитив лингвистик ва қиёсий-типологик талқини, уларнинг лисоний лексик-грамматик тизимдаги ўрни ва бошқа лексик бирликлар ҳамда ГШГлардан фарқлари, шунингдек, КМНХларнинг зотий (онтологик, субстанционал) табиати миллий онг ва тафаккурнинг шаклланишида толерантлик тарбиясига тадрижий таъсири борлигига, толерантликнинг миллий концепцияси асосида КМНХларнинг социоллингвистик, когнитив лингвистик ва уларнинг экстралингвистик моҳиятини ва қийматини белгилаб олишга, КМНХларнинг ижтимоий онг ва толерантлик руҳиятига таъсирини экстралингвистик-коммуникатив восита сифатида намоён бўлишига, КМНХларнинг иерархик ривожланиши ва таснифига оид лексик-семантик турларини қиёсий чоғиштириш ҳамда уларнинг градуономик ва гипономик ҳолатига эътибор қаратиш асосида ўрганилишига йўл очади. Чунончи, француз тилида мустақил қўлланадиган: *Attention! Doucement! Tout doux! En avant! Eh! Malheur! Sapristi! Bah! Marche! Silence! Stop! Paix! Bravo! Parbleu! Chameau! Mince! Dommage! Veine! Ça alors! Grâce! Allons! Courage! Diable! Mon Dieu! Bonne Mère! Jamais! Non! Bon! Bien! En bien! Ah ça! Assez! Tant pis! Tenez! Encore! Vas-y! A la bonne heure! Voilà! Merci! Admirable! Enfin! Par exemple!* каби ундов, модал, тасдиқ-инкор, тақлиф-хитоб сўз-гаплар мисол бўлади.

Толерантлик ўзбек халқига хос бўлган улғу фазилат. Бундай фазилат ҳамма халқларда бир хил бўлавермайди. Баъзи олимлар толерантликни ахлоқшунослик фанига мансуб категория сифатида талқин қилишади. Баъзи манбаларда толерантликнинг маънавий-маърифий вазифаларини талқин қилувчилар шахслараро ва гуруҳлараро белги-муносабатларига кўра маданиятшунослик фанининг муҳим категорияси деб, яна баъзилар эса давлат ва сиёсат нуқтаи назаридан бу лексема политология фани терминига айланганлигини таъкидлашади. Социологлар ижтимоий ва демократик ўзгаришлар мисолида бу атама остида фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги мужассам бўлганлигини кўрсатишади [3, 2-266]. Мазкур ишда толерантлик тилшунослик коди сифатида социоллингвистик йўналишда тадқиқ қилинмоқда. Толерантлик коди (мутлақ лексема) занжирида гипо-гипероним ҳодисаси сифатида “сабр” лексемасининг гипонимлар қаторидан жой олишини куйидаги тизимда кузатиш мумкин:

Толерантлик (бағрикенглик) = кечиримлилик (кечирим, авф, тўзим, олижаноблик) + адолат (одиллик, холислик, ҳаққонийлик, ҳаққоният) + сахийлик (ҳомийлик, ҳотамлик, олижаноблик, бирон нарсани аямаслик, эзгулик) + олижаноблик (олиймақом, юқори даражада одобли, олиҳиммат, ўта одамохун, юқори ҳимматли инсон) + мардлик (жасурлик, ботирлик) + ҳиммат (яхшилик, марҳамат, ёрдам, саховат, олижаноблик)+очиқкўнгиллилик (хушфёъллик, беғуборлик, хушчакчақлик) + диёнат (1. Виждон, виждонлилик, инсоф, андишалик, 2. Ййжонлилик, диндорлик, тақводорлик) + сабр (1. Тўзим, тоқат, 2. Чидам, бардош, 3. Шукр, қаноат) + қаноат (1. Бориға кўниш, нафсни тийиш, 2. Мамнунлик, хурсандлик, мамнуният, қониқиш, 3. Шукроналик, чидамлилик, бардошлилик) + хилм

(ҳалимлик, мулойимлик, хушфёъллик) + хайрихоҳлик (маъқуллаш, олқишлаш, қўллаб-қувватлаш) + шукр (розилик, тийилганлик, қаноатлилик)... + (N)².

Луғавий жиҳатдан “сабр” арабча сўз бўлиб, биринчи маъноси - ”ошиқмасдан кута билиш ёки ўзини тия олиш, тўзим, тоқат”, иккинчи маъноси “чидам, бардош”, учинчи маъноси “қаноат”дир. Синоним равишда “сабр-бардош” (арабча-форсча), яъни “сабр ва бардош, тўзим ва чидам” сўзи ишлатилади [4,6]. Шунингдек, “сабр” сўзининг уядош-синонимик қаторида сабр-тоқат (сабр-тоқатли), сабр-қаноат (сабр-қаноатли), сабр-қарор қўшма сўзлари ҳам жой олади.

Фалсафий тушунча сифатида “сабр” – инсоннинг матонатли ва бардошли бўлишига, иродасини мустаҳкамлаш ва ҳаётга теранроқ назар ташлаш қобилиятларини тарбиялашнинг ахлоқий-руҳий пилапоёси саналади. Буни “Сабрнинг таги – олтин”, “Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар”, “Ақлингга ақл қўш, жаҳлингга сабр”, “Сабрни чидаганга чиқарган” каби мақоллар мавжуд. Ҳаттоки, “Етти ўлчаб, бир кес”, “Катта ошга шошил, катта ишга шошилма”, “Шошилган қиз эрдан ёлчимас”, “Аркон (ёки қалмоқ) ни узун ташлаб қўй” каби ҳикматли сўзлардан англаш мумкин.

Диний тушунча сифатида Қуръони Каримнинг “Фурқон” сурасининг 20-охирги оятида “(Эй Муҳаммад). *Биз сиздан илгари юборган барча пайгамбарлар ҳам, шак-шубҳасиз, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Биз сизларнинг баъзиларингиз учун фитна – синов қилиб қўйдик* (яъни сизнинг оддий одамлар каби фақирона кун кечиришингиз бошқалар учун бир синовдир. Чунки агар Биз сизни бой-бадавлат қилиб қўйганимизда, улар сизга шу мол-дунёнгиз учун итоат қилган бўлур эдилар). **Сизлар (Бизнинг бу синовимизга) сабр қила олурмисизлар? Парвардигорингиз кўриб тургувчи бўлган зотдир**” [6, 248], деган изоҳ учрайди. Ҳадиси шарифда: “Кимки шошилмай, сабр, қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри бўлади”, дейилган.

Амир Темурнинг “Тузуқлар”ида ҳам Қуръони Каримнинг ёрқин изи, инсонни сабрли бўлишга ундайдиган кўплаб қимматли ўғитлар, сабоқлар учрайди [1, 3-166]: ”... Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулойимлик қилдим; қаттиққўлик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. **Шошилмаслик** керак ерда **шошилмадим**”, “... Оғзингга қон тўлса ҳам, душман олдида тупурма”, “... Бир кун келадик, золим ўз бармоқларини тишлайди”.

Дидактик кадрят сифатида қадим қадимдан ота боболаримиз сабр, чидам, қаноат, умид тушунчаларини эъзозлаб, ардоқлаб келишган.

1. Ҳазрат Алишер Навоий:

“Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.”

2. Юсуф Хос Ҳожиб:

“Ишга шошиб киришма, сабр қил, эҳтиёт бўл,
Шошилиб қилинган ишнинг охири вой бўлади.

Шошилиб қилинган ишлар ярамас бўлади,

Шошқалоқлик барча адашган кишилар иши,” – дея инсонни телбалиқдан сақланишга ундаган.

3, Низомий Ганжавий:

“Сабр билан банддан қутулар киши,

Сабр калит эрур бекилса иши,

Сабр қилмоқ била талх бўлса комим,

Сабр қаъбаси де сен менинг номим!” деб сабрни афзал билиб, уни муқаддас Қаъбага тенглаштиради.

Ижтимоий-сиёсий босқичда сабрли, қаноатли, чидамли ва бардошли бўлиш толерантликнинг ёрқин нишонасидир. Сабр ижтимоий маънода ақлни чархлаш бўлса, сиёсий маънода дипломатик мувозанатни сақлаш тимсолидир.

Тасаввуфда сабр тушунчаси замирида Комил Инсонни шакллантирадиган, уни эзгулик сари йўналтирадиган кўплаб қимматли фазилатлар мужассам, хусусан: *мулоҳазакорлик, кечирилмшлик, ҳиммат, инсонийлик, меҳр-оқибат, мурувват, саховатпешалик* каби ўнлаб лексемалар бир мутлак лексема - толерантлик лексик бирлик атрофида бирлашиб, “ядро+қуршов+қуршов занжирлари” доирасида иерархик (поғонали, ўсувчан) равишда бир нуктага талпиниб тўкнашиб туради.

Политологик тушунча сифатида **толерантлик**, бу сиёсий ўзгаришлар даврида юрт чегараларининг дахлсизлигини таъминлаб, тинч ва осуда турмуш тарзига зиён етказмасдан, фаровон ҳаёт қуриш ва унда барча миллат халқларининг яйраб-яшнаб яшаши учун танланган аниқ бир йўл, восита, муҳим сиёсий тадбир ҳисобланади. Дунё ҳамжамияти билан тенг ҳуқуқли муносабат ўрнатиш, давлатни ташқи сиёсий тутқунликдан озод этиш, иқтисодий муаммоларни бартафоз этиш, янги ижтимоий-сиёсий тафаккурни барпо этиш билан биргаликда жамиятни ва жамият аъзоларини, пировардига айтганда, халқнинг ривожланган буюк давлатлар сафидан жой олишини таъминлаш учун қўйилган залворли қадам, ақл-заковат, билим ва сиёсий тажриба маънолари англашилади.

Фалсафий нуктаи назардан Платоннинг ғоялар дунёси ҳақидаги таълимотига эътибор берайлик [7]. Унинг фикрича энг олий ғоя бу « фаровонлик» ғоясидир: “Фаровонлик моҳият эмас, лекин у ўзининг улуғворлиги ва қудрати ила моҳият чегарасидан устун туради”. “Фаровонлик ғоясисиз барча инсоний билимлар, у ҳатто мукамал бўлмасин, асоссиздир.”

Демокритнинг ахлоқий қарашлари ҳам шунга ўхшаш:

«Бир кишига бир нарса ёқимли бўлса, иккинчи кишига иккинчи нарса ёқимли бўлади, бироқ барча кишилар учун ёқимли ва фаровон, ҳақиқат биттадир» «Киши эзгулик иши тўғрисида чиройли гапириш ўрнига, унга интилиши керак» «Меъёр эзгу ва бахтли ҳаёт учун зарур» [7].

Демокритнинг маънавий позицияси оқиллик билан ажралиб туради. Оқиллик олий фазилат. Ақл тартибнинг мезонини ташкил этади. Яхшилик, бу - фойда. Меъёрдан ортиқ лаззатга берилган, чегарани билмаган кишиларни Демокрит ахлоқ ва тентак билиб, улар ўз кулфатларига ўзлари айбдор бўлишлари мумкин дейди. Фақат донишмандгина ўз эҳтиросларини енгиши мумкин.

Аристотелнинг ахлоқий қарашлари анча илғор: «Яхшилик – маълум даражада ўртамиёналикни ташкил этади, чунки у доимо ўртачага интилади. Комил кишилар бир хил бўлади, ёмонлар ҳар хил бўлади» [7]. Аристотель таснифлаган ахлоқий иллатлар ва фазилатлардан ҳам толерантликнинг маъно кираларини жадвалдан излаб топиш мумкин:

Фазилатлар	Иллатлар
Жасурлик, довжораклик	қўрқоқлик
Мўтадиллик	ўзини тия билмаслик
Сахийлик	хасислик
Савлатли бўлиш	такаббурлик, пасткашлик
Ҳимматли бўлиш	ҳимматсизлик
Мулойимлик	қўполлик
Тўғрилиқ (хақгуйлик)	ёлғончилик, такаббурлик
Дилкашлик	кўнгилқоралик
Меҳрибонлик	тошбағирлик
Адолатли бўлиш	адолатсизлик

Кўринадики, толерантлик лексемаси занжирида англашиладиган семантик майдоннинг социоллингвистик, парагматик, лингводидактик, компаратив, конгнитив, нейропсихологик, тарихий, диний ва фалсафий қатламларида “сема+семемалар”нинг рангбаранг жилोलанишига дуч келинади. Бу занжирда сўз сеҳри нечоғлик сермаъно эканлиги инсонни ўзига лол қолдиради. Демак, агарда биз толерантлик, яъни бағрикенгликни лексемалар занжирида гипо-гипероним (мутлақ лексема) тарзида ифодаласак, “сабр” лексемаси унинг гипонимлар қаторидан жой олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Темура Тузуклари. СамДУ, 2008.
2. Бобокалонов Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар талқини, Тошкент, “Фан”. 2006, 3-123.
3. Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари. Илмий-назарий конференция материаллари, Бухоро. Тошкент, 2006. 2-266 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-т. М.: Изд. “Русский язык”, 1981, 6-б.
5. Муродов М. Соҳибқирон сабоқлари. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996. 3-166 б.
6. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима, таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент, 248 б.
7. Кадимги ва Ўрта аср фалсафаси. Тошкент 2003. 40-41- б.
8. Lois-Jean Calvet. La sociolinguistique. Quatrième édition, PUF. Paris, 2003. P. 3-127.

УДК 81-13

НУТҚ ТЕМПНИНГ ФУНКЦИОНАЛ БЕЛГИЛАРИ ХУСУСИДА М.М. Газиева, ф.ф.б.ф.д. (PhD), Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мақолада интонация компонентларидан бири бўлган нутқ темпи ҳақида сўз юритилади. Нутқ темпининг социал ва гендер фарқланишидаги роли замонавий фонетик-экспериментал текширишлар орқали очиб берилди.

Калит сўзлар: интонация бирликлари, нутқ темпи, темпораллик, миллисекунд, пауза, социал фарқ, гендер фарқланиши

Аннотация. В статье освещается темп речи как один из основных компонентов интонации. Социальное и гендерное различие темпа речи исследовано экспериментальными методами.

Ключевые слова: интонационные единицы, темп речи, темпоральность, миллисекунда, пауза, социальное различие, гендерное различие

Annotation. The article discusses the matters of the speech tempo as one of the components of the intonation. The social and gender difference of the speech tempo is illustrated by experimental method.

Key words: intonation units, speech tempo, temporality, millisecond, pause, social difference, gender difference.

Интонация компонентлари ичида нутқ темпи нутқнинг ифодалилиги ва таъсирчанлигини белгилайдиган воситалардан бири саналади. У интонация бирлиги сифатида нутқнинг интонацион яхлитлигини таъминлашда иштирок этади. Дунё тилшунослигида йирик фонетист олимлар Л.Р.Зиндер, Т.М.Николаева, Л.К.Цеплитис, Н.Д.Светазаровалар интонациянинг структур бирликлари

каторида нутқнинг темпорал хусусиятларига ҳам тўхталадилар. Улар нутқ элементларининг талаффуз қилиш тезлиги, секинлиги, темпга хос акустик параметр принциплари, дунё тилларида чўзиқликка асосан урғу турини ажратиш, темпнинг муҳим ва номуҳим ахборотларни ифодалашдаги ўрни каби масалаларда ўз қарашларини баён қилганлар [4, 508]. Бу олимларнинг нутқ темпи хусусидаги қарашлари экспериментал-фонетик изланишлар натижасида олинган илмий хулосаларга таянганлиги билан аҳамиятлидир. Нутқнинг интонацион структурасида ҳар бир бирлик ўзига хос вазифа бажаради. Нутқ темпи ҳам алоқа-аралашув жараёнида сўзлашувчилар томонидан талаффуз қилинаётган нутқнинг жанр ва услубий хусусиятларидан келиб чиқиб, нутқнинг ранг-баранг бўлишини таъминлайди.

Интонация компоненти ҳисобланган "...темп италянча *tempo*, лотинча *tempus* – сўзларидан олинган бўлиб, нутқ элемент (товуш, бўғин, сўз)ларининг талаффуз тезлиги"[4,508] маъносини ифодалайди. Илмий адабиётларда "талаффузнинг вақти, унинг тезлиги(секин, ўрта тезлик, тез) нутқ темпидир. Нутқ темпи фразани бўлақларга бўлиш учун хизмат қилади"[1,472] деб таъкидланади. Демак, нутқ темпи мулоқот жараёнида нутқ бирликларига сарфланган вақт миқдори билан белгиланади.


Агар одатдаги меъёрий нутқ мезони 60-70 дБ оралиғидаги параметрдан иборат деб белгиланган бўлса, бунда талаффуз қилинган ҳар бир товушнинг ўртача темпорал миқдори 70-75 мсек. ни ташкил қилади. Осойишта суҳбатнинг децибел миқдори акустик мезон бўйича 54 дБ деб белгиланган. Бунда нутққа сарфланган вақтнинг ўртача миқдори 100-110 мсек. ни ташкил қилади. Урғунинг интенсивлик даражаси 80 дБ дан ортиқ бўлган экспрессив-эмоционал нутқларда эса нутқ темпи миқдори пасаяди. Бунда бир товушга ўрта ҳисобда 40 мсек. гача вақт сарфланиши мумкин. Нутқ темпи сўзлашувчиларнинг характериға, эмоционал ҳолати, нутқ вазияти, жинси, социал мавқеи ҳамда руҳий ҳолатиға кўра ўзгарувчан хусусиятға эға бўлади. Нутқий актлар мазмуниға кўра ҳам уларға сарфланган вақт миқдори ўзгариши мумкин. Масалан, ажабланиш нутқий актида унга сарфланган вақт миқдори меъёрдан ортиқ бўлади. Бунға нутқ вазияти ҳам таъсир кўрсатади.

Нутқда темпораллик хусусиятларини аниқлаш товуш, бўғин ва сўзға сарфланган вақт миқдори билан белгиланади. Агар бир хил миқдордаги ва гапнинг бир хил коммуникатив типига хос ифода икки жинс вақили томонидан талаффуз қилинса, нутқ темпида фарқ кузатилади. Масалан, Назокат нутқидаги "Сизға нима?" ва Аброр ака нутқидаги "Сенға нима?" сўроқ ифодалари талаффузида сарфланган темпораллик миқдори бўйича фарқни кўриш мумкин:


Назокат нутқидаги "Сизға нима?" жумласи учун 679 мсек. вақт сарфланган: *сизға* бўлағиға 325 мсек., *нима* бўлағиға 354 мсек. Демак, ифоданинг биринчи бўлағи нисбатан тез темп билан бошланиб, ундаги *сиз* бўғини учун 213 мсек., *ға* бўғини учун 112 мсек. вақт сарфланган. Кейинги *нима* бўлағи нисбатан секин темпда талаффуз қилинган. Буни *нима* сўзининг *ма* бўғиниға сарфланган 249 мсек. миқдори билан ҳам кўриш мумкин. Бунда ҳар бир товушға ўрта ҳисобда 75 мсек. вақт сарфлангани келиб чиқади (1-расм).

Аброр ака нутқида "Сенға нима?" сўроқ ифодаси учун 788 мсек. вақт сарфланган ва ҳар иккала бўлаққа бир хил – 394 мсек. дан вақт берилган. Лекин Назокатнинг нутқиға нисбатан охириги *-ма* бўғини жуда секин талаффуз қилинган. Яъни *сен-* бўғиниға 248 мсек., *-ға* бўғиниға 146 мсек., *ни-* бўғиниға 67 мсек., *-ма* бўғиниға 327 мсек вақт сарфланган (2-расм). Бу акустик параметрлардаги кўрсаткичлар темпнинг жинсға кўра фарқланишини илмий асослашға ёрдам беради.

1-расм



2-расм.




Ўзбек тилшунослигида экспериментал-фонетика мутахассисларидан бири Ҳ.Йўлдошевнинг қарашларида интонациянинг темпорал компоненти бўлган темпнинг ўзбек тили интонациясидаги ўзига хос ўрни хусусида асосли маълумотлар келтирилади. Жумладан, "...темпорал компонент, айниқса, ўзбек тили интонацияси учун жуда муҳим, чунки у ўзбек тили интонациясини бошқа туркий тиллардан, масалан, қорақалпоқ, қозоқ тили интонациясидан фарқлашда бош интонацион восита вазифасини ўтайди" [3,41], деб таъкидланади. Шунга кўра, нутқий мулоқотда темпнинг иштироки нафақат бошқа тиллар билан, балки нутқнинг жанр ва услубий хусусиятларига кўра ҳам фарқ қилади. Шунинг учун ҳам нутқ услубларида "маърузаларнинг темпи ҳикоя ва ўртоқлик суҳбатига нисбатан секин бўлиши, нутқ услубларида темп турлича талаффуз услубини аниқлаш учун..." [2,276] хизмат қилиши таъкидланади.

Профессор М.Миртожиев темпнинг функционал хусусиятлари тўғрисида "...товушларга, уларнинг типларига қараб, турлича чўзиқликда вақт сарфланади: портловчиларга кам, сирғалувчиларга ортиқроқ, унлилар учун максимум даражада вақт берилади. Сонантлар интервокал ҳолатда жуда кам, аслаутда унлилар даражасида кўп вақт олиши кузатилади. Товушларга бериладиган вақт экспрессивликка кўра яна ортиши, бу ортиш икки, уч, ҳатто, беш баробаргача бориши мумкин. Бунинг устига гапдаги уюшиқ бўлак, ажратилган бўлак, яна ундалма, кириш ва киритма кабилар ҳам гапдан пауза билан ажратилади. Тактлар оралиғида ҳам қисқа пауза бўлади. Шу паузалар ҳам вақт олади. Мана шулар гап темпини белгилайди" [5,354] деб таъкидлайди.


Бизнинг кузатишларимизда ҳам нутқ ва нутқ парчасига сарфланган вақт ўз таркибига паузани ҳам қамраб олишини кўрсатади. Бу ҳолат сўзловчи нутқига хос темпнинг нутқ мазмунига таъсир кўрсатишини исботлайди. Темп интонациянинг компоненти сифатида пауза билан боғлиқ ҳолда унга сарфланган умумий вақтга нисбатан белгиланади. Интонациянинг бошқа компонентлари сингари темп ҳам ўзи ёлғиз ҳолда нутқ парчасидаги интонацияни шакллантира олмайди. Демак, гапдаги темпнинг ҳосил бўлиши мелодика, интенсивлик, пауза каби просодик воситаларга боғлиқдир, деган хулосага келиш мумкин. Оҳангдаги асосий овоз тони частотасининг ортиқлиги, нутқдаги текис, кўтарилувчи ва пасаяувчи оҳанглар, интенсивликнинг юқори ва қуйи даражалари темпнинг структурасига таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси нутқ вазияти, сўзлашувчиларнинг қасб-кори ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ тарзда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам нутқий мулоқотда сўзлашувчиларнинг нутқ темпи интонациянинг бошқа компонентлари ва нутқ вазияти таъсирида тез ёки секин тарзда амалга оширилади. Бу эса нутқ мазмунига ўз таъсирини кўрсатади.

Нутқ темпи интонациянинг компоненти сифатида нафақат насрий асарларда, балки шеърий асарларда ҳам маълум функционал хусусиятларга эгадир. Шу маънода профессор У.Тўйчиевнинг нутқ темпи ҳақидаги қарашлари қимматлидир. Олим "...ўзбек тили унлилари қисқами ёки чўзиқми, ўзбек арузида табиий чўзиқлик ходисаси мавжудми, урғули очик бўгин чўзиқ бўгин ҳисобланадими ё қисқами" каби муаммолари масалаларга ойдинлик киритиш учун ўзбек, араб ва форс-тожик тилларида ёзилган ғазал намуналарини экспериментал-фонетик усулида текшириб, ғазалнинг ҳар бир банд темпини ҳисоблаб чиқди. Шу асосда "...ўзбек арузида қисқа ва чўзиқ бўгинлар мавжуд, ёпик бўгин сўз ўртасида қисқарок, сўз охирида эса чўзиқроқдир, урғули очик бўгин чўзиқ бўлиши ҳам, қисқа бўлиши ҳам мумкин. Бунга очик бўгиннинг товуш таркиби, мисра ва сўзда тутган ўрни, товушларнинг характери ва бошқа омиллар сабаб бўлади"[6,15] деган хулосага келади. Араб, форс-тожик ва ўзбек арузидаги бундай фарқланишлар темпнинг умумфонетик функционал хусусиятларга эгаллигини кўрсатади. Ҳ.Йўлдошева изланишларида бундай илмий хулосалар туркий тиллар кесимида кўриб чиқилган.

Нутқ темпи гапнинг коммуникатив типларида ўзига хос функция бажаради. Ўзбек тилшунослигида бу ҳақда "темпорал компонент гапнинг коммуникатив типларини фарқлайди, сўроқ гап буйруқ гапга нисбатан давомли талаффуз қилинади" [3,41], "сўроқ гап интонацияси буйруқ гап интонациясидан кесимининг сўнгги бўгини чўзиқ талаффуз этилишига кўра кўп вақт олади" [5,378] каби фикрлар билдирилади. Бу фикрларни қуйидаги экспериментал-фонетик кузатишларимиз ҳам тасдиқлайди (3-расм).



Эксперимент учун олинган “Муроджонам билибдимми?” сўроқ гапини талффуз қилиш учун 1357 мсек. миқдориди вақт сарфланган бўлиб, ундаги ҳар бир товушнинг ўрта арифметик қиймати 71 мсек. ни ташкил қилади.



Таҳлил учун олинган “Янги қурилайотган жойлардан уй олсин!” Буйруқ гапи 1749 мсек. вақт билан талаффуз қилинган. Гапдаги ҳар бир товушни талаффуз қилиш учун ўрта ҳисобда 56 мсек. вақт сарфланган (4-расм). Демак, янги замонавий дастурлар ҳам юқорида таъкидланган “сўроқ гап буйруқ гапга нисбатан давомли талаффуз қилинади” деган қарашни тасдиқлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, нутқнинг темпорал компоненти нутқий мулоқотда интонацияни шакллантирувчи воситалардан бири саналади, нутқ темпи нутқ парчасига сарфланган вақтга нисбатан ўлчанади. Бу хусусияти билан у нутқ темпининг тез ёки секинлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Нутқ парчасига сарфланган вақт миқдори асосида аёл ва эркеклар нутқ темпи фарқланади. Бунда аёллар нутқи эркеклар нутқиға нисбатан темпининг тезлиги билан ажралиб туради. Нутқ парчасининг якунида нутқ темпининг секинлашиши кузатилади. Бу, албатта, гапнинг коммуникатив типларига ҳам боғлиқдир. Дарак, сўроқ, буйруқ гаплар интонациясида темпининг маълум даражада фарқланиши кузатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1969.
2. Зиндер Л.Р. Общая фонетика. – М.: Высшая школа, 1979.
3. Йўлдошева Ҳ. Интонациянинг темпорал компоненти // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1985. – 5-сон. – Б. 41.
4. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1990.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013.
6. Тўйчиев У. Ўзбек арузини экспериментал фонетика усули билан текшириш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993. – 4-сон. – Б. 13-21.

“ТАЗКИРАИ ШУАРО”НИНГ ЯНА БИР ҚЎЛЁЗМАСИ

С.С. Дўстова, катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада “Тазкираи шуаро” асари ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, асарнинг қўлёзма нусхаларидан бири ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: тазкира, манба, инвентарь, нусха, настаълиқ, қўлёзма, асар

Аннотация. Эта статья расскажет о работе “Тазкираи шуаро”. А также пойдет речь об одной из вариантов рукописи произведения.

Ключевые слова: антология, источник, инвентарь, копия, настаълик, рукопись, произведение

Abstract. This article will talk about the work "Tazkirai shuaro". There is also an opinion about one of the manuscripts of the work.

Keywords: anthology, source, inventory, copy, nastalik, manuscript, work

Хива адабий муҳотида яшаб ижод этган Ҳасанмурод Лаффасий ўзининг “Тазкирай шуаро” асарини ёзиб тазкиранависликка муносиб ҳисса қўшган. Асарнинг қўлёзма нусхаларини Ватанимизнинг бир неча кутубхона фондларида учратиш мумкин. Асарнинг қўлёзма нусхаларидан бири Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №9494 инвентарь рақами остида сақланади.

Қўлёзма *خيوه شاعر و ادبياتچيلارينينگ ترجمهء حال لارى* (“Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари”) [5.1] деб номланган, настаълик хатида, 67 бетдан, яъни 34 варақдан иборат, 12-варағигача катакли дафтарга, 13 варақдан 34 варақча йўл-йўл дафтарга сафсар сиёҳ билан кўчирилган. Муқоваси тўқ зангор рангли картон билан қопланган, муқова ўлчами 17x23. 1951 йил 16 августда машҳур ҳаттот Абдуқодир Муродов томонидан кўчирилган. Қўлёзмада тартиб рақамлар билан шоирлар ҳақида маълумот ва ижодидан намуналар берилган. Қўлёзманинг 1а варағида муҳр мавжуд, унинг остида араб ёзувида “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” деб ёзилиб, тўпловчи Ҳасанмуродқори Муҳаммад Амин ўғли Лаффасий, дейилган. 16 варағидан бошлаб Лаффасийнинг асарни ёзиш сабаби битилган сўз бошиси берилган. Сўнгра шу давр йирик тарихнавис олими ва шоири Шермуҳаммад Мунисдан бошлаб 1. (бир) тартиб рақами қўйилган ва шоир ҳақида бирмунча муфассал маълумот берилган. Унинг ижодидан намуналар келтирилган. Қўлёзмада Мунис ҳақидаги фикра (бўлимча)дан сўнг 53 та тартиб рақами билан шоиру адиблар номи келтирилган. Асар Шермуҳаммад Мунис ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлардан ва намуна шеърларидан берилиши билан бошланиб, кейинги шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам шу тариқа давом этган. Қўлёзмада ёзилиб, устидан ўчирилган жойлар жуда кўп кўзга ташланади. Бу эса асарнинг нусха эканлигини исботлайди. Масалан, 9а варақда ўша давр энг машҳур шоирларидан бири Комил Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотда “жуда ҳам” сўзлари, “Муҳаммад Раҳимхон” сўзлари ёзилиб, сўнг ўчирилган. Бундай ҳолатларни Пир Комил, Девоний, Ходимий, Фақирий ҳақидаги маълумотларда ҳам учратамиз, ушбу сўзларнинг аксарияти икки марта ёзилиб, биттаси ўчирилган.

Тартиб рақамлар ва варақ рақамларининг барчаси ҳозирги араб рақамларида қўйилган. 1- 13-34-варақларга № 9494 инвентарь рақамли муҳр босилган.

Қўлёзманинг 33б варағида асар охирига араб ёзувида, “Асл нусха 2 август 1944 йил чаҳоршанба кунда 14-шаъбон 1364-ҳижрий йилда ёзилди, Тамом, деган сўзлар ёзилган, сўнгра “Асл нусхадан кўчирувчи Муродов. Хива шаҳри. 16/VIII.51”, дейилган. Шундан сўнг А. Муродовнинг 1951 йил 1 сентябрда араб ёзувида, ”Шарқшунослик институти томонидан Хива шаҳридаги давлат музейида сақланмоқда бўлган қўлёзма китоб ва ҳужжатларни мазкур институтга олиб келиш учун 1951 йил август ойида камандировка билан борганимда шу китобни музей илмий ходими Болтаев Абдулла қўлида кўриб, илтимос баробарида шу нусхани айнан кўчириб олиб келиб, институтга топширган эдим. Бинобарин, бу асарни кўчирилиши, институтга келишини сабаби аниқ бўлсин учун шу изоҳни ёзиб қўйдим. А.Муродов.1/IX.51й. Тошканд” [5.34 а] деб ёзилган изоҳи ўрин олган.

Олима Э.Иброҳимова мазкур нусхада 53 шоирнинг таржимаи ҳоли хронологик тарзда берилган ва китоб муқовасининг ички томонида мундарижа бор [2.62], деб ёзган, Ф. Ғанихўжаев, Муҳаммадамин ўғли Ҳасанмуродқори Лаффасий ёзиб қолдирган “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” номли тўплами диққатга сазовордир (ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв.№9494). Бу асар 1944 йилда хоразмлик халқ наққоши А.Болтаев томонидан кўчирилган. Лаффасий тазкирасида Мунис Хоразмийдан бошлаб 65 шоир ва адибнинг таржимаи ҳоли хронологик тарзда берилган, дейди. У.Хамроев ва У.Каримов эса, мазкур нусхада хивалик 51 шоирнинг таржимаи ҳоли ва уларнинг асарларидан намуналар берилган, деб ёзади. Бирок, баъзи шоирларнинг номи икки мартадан такрорланганлиги туфайли шоирлар сони 51 ўрнига 53 деб ҳисобланган [4.77], дея, изоҳ беришган.

Биз қўлёзмани ўқиб ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, унда 51 та шоир ҳақида маълумот ва 31 та шоирнинг намуна шеърлари мавжуд, мундарижа эса умуман берилмаган, шоирларнинг номлари тартиб рақамлар билан ёзиб қўйилган. Равнақийдан бошқа бирор бир шоир номи икки марта такрор ёзилмаган. Асарда 53 та тартиб рақам мавжуд, бироқ 4-рақамда Равнақий деб ёзилган ва “Равнақий ҳам Хива шоирларидан бири эрди. Анинг адабиётларидин намуна топилмади”[5.5], деб ёзилган, 14-рақамда эса Равнақий ижодидан намуна берилган. 9-рақам умуман ёзилмасдан 10-рақамга ўтиб кетилган. Бу ҳолат, назаримизда, юқоридаги каби чалкашликларга сабаб бўлган.

Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асари адабиётимизда номаълум бўлган, бироқ назмда баракали ижод қилган ижодкорлар билан таништиришда, XIX аср ҳамда XX аср бошлари Хоразм адабий мухитини ўрганишда муҳим манба сифатида адабиётшунослик, матншунослик ва адабий манбашуносликда илмий тадқиқ этилиши лозим бўлган асарлардан бири эканлиги билан аҳамиятлидир. Асарнинг қўлёзма нусхаларини қийсий ўрганиш эса олдимизга қўйилган мақсадлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ابراهيم خدايار. غريبهای آشنا. ايران. 1384. موسسه مطالعات ملي. 137-136ص.
2. Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари//Ўзбек тили ва адабиёти, № 6, Тошкент 1963, 62-бет.
3. Исмоилова Г. Чақмоқли орзулар ижодкорлари//“Истиклол нури”, Тошкент, 2014, 6-бет.
4. Хамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари//Адабий мерос, № 4, Тошкент 1981, 77-бет
5. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма инв, № 9494 нусха 1а, 5б, 34 а варақлар.

УДК 81-11

Ўз ўрнида миллатнинг уйғоқ олимлари ҳам сўз ўзлаштириш борасида ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Уларнинг фикрлари албатта ўз даврида жамоатчилик эътирофи ҳамда оммавий ахборот воситалари, нашр ишларига таъсир этмай қолмаган.

XX аср бошида Исҳоқхон тўра Ибрат араб тилининг ижтимоий қўлланиши ҳақида ёзиб, унинг дин тили сифатида, таълим олишда мажбурий қўлланиши халқнинг барча қатламларига етиб бормаётганлиги учун самарасиз қолаётганлиги ҳақида ёзади: «Олами исломни ҳар тарафидаги масжидларда халқ тили илан ваъз панд этмоқ жорийдир. Ёлғиз Туркистон ва Бухорога, билмайман, на сабабдан жорий эмас. Онингчун халқни ахлоқу одоби кундан кун бузилмоқда... Лоқал мазмунини авомга тушундирмоқ керак. Ҳолбуки, халойиқга зарурроқ, керакдур» [8:157]. Ўз вақтида Тўрақўрғон уезди қозиси бўлган Исҳоқхон тўра масжидларда ваъз ўқиганда адабий тилда эмас, халқ тилида ўқиш кераклиги масаласини кўтаради.

Жадидлардан Абдурауф Фитрат, хусусан, у раҳбарлик қилган «Чигатой гурунги» маърифий ташкилоти фаолиятида адабий тилни умумхалқ даражасига кўтариш, бунинг бир қисми ўлароқ арабий, форсий сўзлардан тозалаш муҳим ўрин тутди. Фитрат “дунёдаги энг бой тил бу туркчадур, дунёдаги энг бахтсиз тил бу туркчадур”, – дея афсусланар экан, ўз давридаги ўзбек тили жамиятдаги ўзгаришларга муносиб жавоб бера олмаётгани, бунда миллат ўғлонлари, жумладан, зиёлиларнинг ўрни муҳим эканлигини бот-бот такрорлайди. Алишер Навоийнинг адабиёт оламидаги обрў-эътибори эски ўзбек адабий тилининг узоқ давр амал қилишига, бу тил эса жонли ўзбек сўзлашув тилидан анча узилганлигини ёзади. Шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси учун тушунарсиз эди. Бу тилни тушуниш учун маълум тайёргарликка эга бўлиш, мактабларда сабоқ олган бўлиши керак эди [12:120]. Абдурауф Фитрат яна бир асари – «Ёпишмаган гажаклар» мақоласида муаллимлар, зиёлилар учун очилган курсларда она тили фан сифатида ўқитилмаётгани ёки она тили сифатида усмонли турк тили ўқитилаётганини ёзади. Ўша вақтда идеаллаштирилаётган «умумий турк тили» эса бошқа туркий тилларнинг мустақиллигини чеклар эди: «Бунларнинг адабий умумий турк тили деганлари арабча қатнашган усмонлича эди» [14:246]. Гурунг аъзолари, шу қаторда Фитрат ўзбек тили лексикасидан олиб ташлаш керак деб ҳисоблаган чет тили сўзларини биз шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин: 1. Арабча сўзлар. 2. Форс-тожикча сўзлар. 3. Бошқа туркий тиллардан кирган сўзлар (усмонли туркча, татарча каби). Уларнинг кўпчилиги халқ учун тушунарсизлиги, жонли тилда нофаоллиги, шу туфайли эски ўзбек тилидаги асарлар қийинчилик билан ўқилиши, уларнинг ўрнига ўзбек тилининг ўзидан кераклича материалларни топиш мумкинлиги тилни тозалаш ғоясига асос бўлди.

Албатта, Чигатой гурунги аъзоларининг саъй-ҳаракатлари чуқурлашиб кетиши тил қонуниятларидан четга чиққан ҳолатлар ҳам бўлди. Буни гурунг аъзоси Элбек ҳис қилган ва 1923 йил «Туркистон» газетасининг 10 та сонидида 550 та туркий сўзни ўзининг ёт муқобиллари билан «Луғат ва атамалар» рукни остида эълон қилиб борди. Элбекнинг бу луғатни тузишдан мақсади –асрлар давомида ўзлашиб қолган ёт сўзларни Чигатой гуруҳи аъзолари томонидан ёппасига туркийлаштириш ҳаракатлари натижасида юзага келган нуқсон ва чалкашликларга барҳам бериш, уларни мубоҳасалар ёрдамида илмий ҳал қилиш эди [4]. Луғат сўзбошисида у луғатни тузишдан мақсади тилимиздан барча «бегона» сўзларни «қувиб» чиқариш ва ҳақиқий ўзбекча терминлар яратиш эканлигини ёзади. *Тегра– тўгарак – доира, буюрма – ҳукумат, ёзоқ – мактаб, босқоқ – нойиб, жазвал – линейка, лисониёт – тилишунослик, савтиёт – фонетика, жарроҳ – хирург, мутахассис – печан* каби сўзлар, *тўртпучмоқ – мурабба, қўлтўқ – кўрфаз, ишлик – феъл* сингари терминлар афкор омма муҳокамасига ҳавола қилинди. Шуниси ҳам муҳимки, Элбек бу ҳаракати билан тил борасидаги ислохотлар тор доирада эмас, халқнинг бошқа зиёли одамлари билан ҳам кенгашган ҳолатда олиб бориш кераклигига ишора қилади.

Мазкур даврда тил ислоҳоти борасида либерал йўл танлаган Маҳмудхўжа Бехбудий эса арабча ва форсча сўзларни луғат таркибидан зўрама-зўраки чиқариш жонли халқ тили қонуниятларига зид эканлигини таъкидлайди, тилларнинг бир-биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчанинг ҳам «ўн минглар ила бегона луғатларни мажбуран олганлиги»ни далил қилиб кўрсатади [6:189]. Шу билан бирга Туркистонда «қадимдан бери уч тил (туркий, араб ва форс-тожик) жорий» эканлигини, Туркистон эли «турк ва форс тилини таҳсилсиз билиши» қатта бахт эканлигини ёзади [7:151]. Шу билан бирга, тилга ўзлашма сўзларнинг кўплаб қабул қилиниши ҳам усмонли турк тилидаги каби адабий тилни халқ тилидан ажратиш қўйиши мумкинлигини кўрсатади. Бехбудий «Тил масаласи» мақоласида туркий тилларнинг араб ва форс-тожик тилидан сўз олиши нуқтаи назаридан уч даражасини кўрсатади: 1. Усмонли турк, озарбайжон, крим-татар тиллари араб, форс тилидан жуда кўп сўз олган, шу туфайли оддий халқ ўз адабий тилларида ёзилган асарларни тушунмайди. 2. Татар тилида арабча ва форсча сўзларнинг салмоғи юқоридаги тилларга нисбатан кам, аммо матбуот тилида чет тили сўзлари кўп учрайди. 3. Ўзбек тили (чигатой лаҳжаси) – маданияти, адабиёти ва санъати инқирозга юз тутгани учун Навоий тамал тоши қўйган адабий тил бузилиб, турли шеваларга бўлиниб кетган. Бу шеваларнинг арабча ва форсча сўзларга таъсирчанлиги қуйидаги тартибда камайиб боради: Бухоро, Самарқанд шевалари – Қўқон ва унинг атрофидаги шаҳар шевалари – Тошкент, Сирдарё музофотларидаги шевалар. Бехбудий адабий тилнинг шаклланишига фақат ўзлашма сўзлар эмас, шевалар ҳам тўсиқ бўлаётганлигини таъкидлайди [6]. У асос солган «Ойна» журналинини кузатиш яна шундай хулосаларга олиб келадики, журналнинг 1913 йилги сонларида тилдаги софликка интилиш кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлган бўлса, бошқа сонларида туркий ва форсий тилларни «мусулмоний» тил сифатида баҳолаб, иккитиллилиikka табиий ҳол сифатида қаралган. Адабий тил сифатида эса мазкур тиллар оралиғидаги «ўрта шева»ни қўллаш маъқул кўринган [3].

Фаол ислохотчилардан бири Ашурали Зоҳирий вақтли матбуот тилида учрайдиган ўзбек тили учун ёт бўлган лексик бирликлар ва грамматик шаклларнинг қўлланилишини, айниқса, татар ва усмонли турк тилига ҳос шаклларнинг истеъмом қилинишини қоралайди [12:122]. Ашурали Зоҳирий ҳам турли сўз ва терминлар ҳосил қилишда иложи бориша ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланиш кераклигини таъкидлайди, ўзлашма характеридаги терминларнинг бир қанча ўзбекча муқобил вариантларни муҳокамага тортади, терминларни қўллашни назорат қиладиган кўмита

тузишни илгари суради. Демак, XX аср бошларида чет тиллардан сўз олиш масаласида жадидларнинг фикрлари турлича бўлган. «Чигатой гурунги» аъзоларида тил софлиги тамойили етакчилик қилган бўлса, Бехбудий, Авлоний кабилар мўътадиллик ва тилнинг ижтимоий қонунларига аралашмаслик йўлини тутдилар. Бу ҳаракатлар маълум даражада ўзбек тилининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Оқибатда ўзбек тили XX асрнинг 30-40 йилларига келиб, яқин замондаги бўлган Фуркат, Муқимий, Завкийлар ижод қилган тилдан фарқ қилувчи адабий тил сифатида майдонга чиқди.

Ўзбек тилининг асл туркий табиатини сақлаш йўлидаги бошқа барча уринишларга мустабид шўро ҳокимияти ўз вақтида шундай назарий ва амалий зарбалар берадики, буларнинг натижаси ўларок ўзбек ёзма адабий тили луғат таркибида совет – байналмилал сўзларнинг салмоғи йил сайин ортиб борганлигида намоён бўлади [13:50]. Ўз давридаёқ байналмилал ўзлашмаларга икки хил қараш юзга келди. Жумладан, 1929 йил тилшуносларнинг Республика съездида байналмилал сўзларни ўз сўзларга алмаштириш масаласи ўртага ташланди. Иккинчи томондан, А.Қаҳҳорнинг адабий танқидчиликка оид мақолаларида (масалан, «Гап арузда эмас», 1946) нима учундир арабча ва «эски» сўзларни қўллашни қоралаб, ҳатто ғазалларда интернационализм ишлатилиш статистикасини ўрганиб чиқади [9:75]. А.К.Боровковнинг эса *инқилоб, жумҳурият, мавзу* каби сўзларга тўхталиб, шундай ёзади: «Бу каби луғавий элементлар аллақачон «архаизмлар» ҳисобланади... совет жамоатчилиги қадам-бақадом совет интернационализи тамойили учун курашмоқда» [4]. Реал воқеликда ўз қатламга оид сўзларга салбий бўёқ бериш ҳолатлари ҳам кузатилади. Жумладан, савдогар [2:42] (Мен сизга савдогарманми? – олибсотар), талмудчи (кўр-кўрона эътиқод қилувчи), миллатчи (миллатларни айирувчи) каби.

Айрим мутахассислар совет воқелигида русча-байналмилал сўзларнинг ўзлашувида туртки бўлган экстралингвистик омил сифатида қуйидагиларни кўрсатадилар: «Биринчидан, большевиклар сиёсати ва советлар мафкурасининг ўзбек халқи онги ва дунёқарашига сингдирилиши туфайли бу тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг қўлланиши фаоллашди.

Иккинчидан, иқтисодиёт ва техника соҳаларидаги янгиликларнинг билвосита шўро ҳокимияти орқали кириб келиши ўзбек тилининг илмий терминологиясини шакллантирувчи асосий воситага айлантирилди.

Учинчидан, барча муҳим бўғинлардаги бошқарув рус тилини билувчи субъектлар томонидан амалга оширилди» [13:52].

АҚШ турколог А.Бодроглигети (асли венгер) «Chagatay or classical Uzbek» мақоласида ўзбек тилидаги арабча ва форсча ўзлашмалар ҳақида фикр юритар экан, улар ҳеч қачон пуристтик оқимнинг қаршилигига учрамаганлигини ёзади [1]. Мазкур фикрлар жадидлар тил ислохотидан ва Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ҳолатга мос тушади, шунингдек, форс-тожикча сўзларнинг қўлланиши ўз ижтимоий асосига ҳам эга эди.

Мустақиллик йилларида сўз ўзлашуви ҳамда унга муносабат масаласига кенг ёритилиши дастлаб М.Миртожиев, Н.Маҳмудовнинг «Тил ва маданият» асарида кузатилади [11]. Китобда ўзбек тили ва ўзбек маданияти бевосита боғлиқлиги, ўзбек халқи тарихий ва маданий обидаларига қилинган таъйиқлар ўзбек тилига нисбатан ҳам амалга оширилганлиги ёритилган, кўрсатиб берилади. Ўзбек жадидларининг миллий тил борасидаги саъй-ҳаракатлари, Туркистон ўлкаси конституциясида (1918) туркий тил билан бирга рус тили ҳам давлат тили сифатида таъкидланганлиги ҳақида фикр юритилади. Собиқ шўро даврида тил ва ёзув соҳасида олиб борилган сиёсатнинг салбий асоратлари ҳақида куюниб ёзилади. Н.Маҳмудов кейинчалик «Тил сиёсати ва сиёсат тили» [10] мақоласида ҳам ушбу мавзунини мантиқан давом эттириб, давлатнинг тил борасидаги сиёсати тил таракқиётида жуда муҳим эканлигини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср давомида жаҳон интеграциясига қўшилар экан, ўзбек тили луғат таркибида жуда катта ўзгаришлар бўлди, натижада ҳозирги ўзбек адабий тили шаклланди. Бу жараёнларда маърифатпарварлар, жадидлар, ўзбек зиёлилари фаол қатнашдилар, ўз амалий ишлари билан тил сиёсатига кучли таъсир ўтказдилар. Аждодларимизнинг илмий анъаналарини ўрганиш замонавий глобаллашув жараёнида ҳам фойдали хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bodrogligeti A. Chagatay or classical Uzbek? The Uzbeks to Take Charge of the Classical Central Asian Turkish Heritage // Turk dilleri arastirmalari. 3 (1993):43-56. Манба: <http://turkdilleri.org>.
2. Dr. Aziz B. Djuraev. The social lie as a central concept for research topic «Politics, power and speech»/Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2006. – Б.42.
3. Балдауф И. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг «Ойна» журнали // XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б.35-46.
4. Бобомуродова Ш. Элбекнинг луғатшунослик фаолияти // Тил ва адабиёт таълими, №6, 2006. – Б.59-62.
5. Боровков А.К. Изменение в лексике узбекского языка и новый алфавит – Изв. Узб. Филиала АН СССР, 1940, № 2. – С.39, 41, 45.
6. Бехбудий М. Тил масаласи // Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.183-189.
7. Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим // Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б.151.
8. Ибрат Исҳоқхон тўра. Миллатни ким ислох этар // Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005.

9. Қахҳор А. Ҳақ сўзнинг кучи. Асарлар. 5-жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
10. Маҳмудов Н. Тил сиёсати в сиёсат тили / Тил тилсими тадқиқи. Рисола. – Т.: Mumtoz so'z, 2017. 178 б. – Б.5-23.
11. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 119 б.
12. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
13. Рафиев А. 20-йиллар ўзбек тили лексикасидаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти хусусида/Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2006. – Б.50-52
14. Фитрат А. Ёпишмаган гажаклар // Абдурауф Фитрат. «Чин севги» тўплами. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.

УЎК 81-13

МИФНИНГ БАДИИЙ КОНТЕКСТДАГИ СЕМАНТИК ВАЗИФАЛАРИ**М.Отажоновна, ф.ф.н., ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент**

Аннотация. Ушбу мақолада миф, бадиий мифологизм, ҳозирги замон ўзбек ёзувчилари асарларида мифдан фойдаланиш сарҳадлари, бадиياتи, образларнинг кўпқатламлилиги, полифоник тасвир ҳақида назарий-таҳлилий фикр юритилган.

Калим сўзлар: миф, мифологик дунёқараиш, сюжет, мотив, образ, архетип, бадиий мифологизм, полифоник тасвир, фалсафийлик, реализм

Аннотация. В данной статье даны теоретико-аналитические взгляды на миф, художественный мифологизм, границы использования мифа в творчестве современных узбекских писателей, богатство, множественность образов, полифоничность образа.

Ключевые слова: миф, мифологическое мировоззрение, сюжет, мотив, образ, архетип, художественный мифологизм, полифоническое мировоззрение, философия, реализм

Abstract. This article provides theoretical and analytical views on myth, artistic mythologism, the boundaries of the use of myth in the work of modern Uzbek writers, wealth, multiplicity of images, polyphony of the image.

Key words: myth, mythological in view, plot, motif, image, archetype, artistic mythologism, polyphonic worldview, philosophy, auctions

Воқеликни бадиий акс этириш анъанаси аслида борлиқни мифологик англашга асосланган архаик фольклорнинг муайян даражадаги инкори сифатида пайдо бўлган бўлса-да, ёзма адабиёт ўзининг тарихий тараққиёти мобайнида мифологик тасаввурлар, мифик мотив ва образлардан доимо озикланиб, такомиллашиб келганлиги ҳаммамизга аён. Ҳар бир давр адабиёти ўзининг адабий анъаналари ва ривожланиш тамойилларидан келиб чиққани ҳолда мифга мурожаат қилгани каби, ҳар бир ижодкорнинг мифологияга муносабатида ҳам ўзига хос индивидуал ёндашувлар кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам мифологик ва бадиий тафаккурнинг ўзаро тарихий-ворисий алоқадорлиги, мифнинг ёзма адабиётга таъсири ҳамда сўз санъати тарихида тугган ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг долзарб назарий масалалари сирасига киради.

Ёзма адабиёт билан миф муносабатининг ҳикоя жанрида қай даражада акс этишини ўрганиш асосида ёзувчининг мифологик образлар ва архетипларни бадиий идрок этишдаги ўзига хослигини аниқлаш ҳамда мифологизмларнинг ҳикоя жанри структурасидаги семантик эволюцияси қонуниятларини белгилаш ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигининг долзарб масалаларидан биридир. Хусусан, Е.Г.Прошина, Н.В.Шинкарова, В.Г.Мехтиев, Н.В.Мачаварини каби олимларнинг ишларида турли миллатга мансуб ёзувчиларнинг ҳикоя жанрида яратилган асарлари мифопоэтика нуқтаи назаридан таҳлилга тортилган.

Ўзбек адабиётида, жумладан, миллий, мумтоз адабиётимизда ҳикоя жанридан кенг фойдаланишган бўлса-да, аммо тўлақонли, жанрнинг барча талабларига жавоб берадиган ҳикоялар XX асрда яратила бошланди. Албатта, бу борада Абдулла Қаҳҳорнинг хизматлари жуда катта бўлди. Абдулла Қаҳҳор миллий ҳикоялар жанрини дунё адабиёти стандартларига мослашишида беҳисоб ҳисса қўшди, жанрни дунё адабиёти анъаналари билан бойитди, ифода чегараларини кенгайтди, жанрнинг янгидан-янги имкониятлари борлигини исботлади. Абдулла Қаҳҳорнинг изидан бориб кейинчалик адабиётга кириб келган Шукур Холмирозев, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Ўзғар, Назар Эшонқул, Исажон Султон каби ижодкорлар нафақат ўзбек адабиёти, балки дунё ҳикоячилигининг ҳам ютуқлари бўлган кичик наср намуналарини яратишмоқда.

Албатта, бу адиблар яратган ҳикоялар поэтик унсурлари, ҳаётни ифодалаш усулларига кўра ҳар хил. Бундан ташқари, бу адибларнинг ҳаёт ва сўз санъатида бўлган муносабатлари ҳам турлича. Аммо уларни бир нарса – янги бадиий сўз айтиш эҳтиёжи бирлаштириб туради.

Адабиёт тарихидан маълумки, ҳар қандай адабий усулдаги янгилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди: адабиётдаги янги оқимлар, анъаналар ўз даврининг эстетик, ижтимоий, ғоявий, мафкуравий, тафаккур эҳтиёжи, инъикоси сифатида сўз санъатида бўй кўрсатади. Қадим замон адабиётими ёки кейинги юз йиллик адабиётими, қайси давр адабиёти бўлишидан қайтмай назар, янги бир оқимлар,

сўзга муносабат, бадииятга ва жамиятга муносабат, шаклий ва бадий изланишлар аслида ўша жамиятда пайдо бўлаётган ижтимоий фикр ва ижтимоий онгостининг эҳтиёжини намоён қилади.

Шу маънода ўтган асрнинг 80-йилларида миллий ҳикоячиликдаги ўзига хос янги талқинлар, янги ифода усуллари, янги аъаналарнинг пайдо бўлиши ўша давр ижтимоий, миллий, эстетик эҳтиёжлари намунаси сифатида юзага келди, десак хато қилмаймиз. Умуман, адабиётда пайдо бўлган ҳар қандай оқим, янгилик, кўтарилиш, юксалиш, услубий ўзгаришлар ўз даврининг онгости эҳтиёжи, яъни эски қарашлар ва ғоялар, қадриятлар, эътиқодлар таназзулининг, ҳали ижтимоий фикр даражасида шаклланиб улгурмаган, ҳали оммавий онгости ҳиссиётлари даражасида ётган қарашларнинг, тушунчаларнинг, муносабат ва ёндашувларнинг, тафаккурдаги эврилиш ва ўзгаришларнинг акс-садоси ўлароқ пайдо бўлади. "...бу йўналишдаги изланишлар (*адабиётдаги изланишлар М.О.*) жамият ҳаётида кескин тўнтаришлар ҳамда қалтис катаклизмлар юз берган шароитда, айниқса, кучаяди. Негаки, инсон ижтимоий турмушидаги кескин чайқалишлар унинг туйғуларини мувозанатдан чиқариб, таъсирланиш ва бу таъсирни ифодалаш йўсинларига таҳрир киритади, қарашлар тизимини ўзгартириб юборади. Бу ўзгаришлар эса одамнинг бадий дидини янгилайди".

Профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг фикридан англашилиб турибдики, адабиётда мавзунини ҳам, унинг янгилини заруратини ҳам жамиятдаги толотўмлар, ижтимоий катаклизмлар, жамиятни қамраган янги қараш ва тушунчалар, инкор ва эътирофлар, умуман, даврнинг ижтимоий ва маънавий талаблари пайдо қилади.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўзбек адабиётига илгари синаб кўрилмаган дунё адабиёти аъаналари, усуллари, кўлами кириб кела бошлади. Бу ҳолат айна даврда бадий сўз айтиш, воқеликни тасвирлаш усулини янгилаш, тасвир ифодаларини янги бир поғонага кўтариш, аслида, жамиятда бошланган миллий ўзликни англаш жараёнидаги катаклизмлар, ижтимоий пўртаналар билан боғлиқдир.

Ўтган асрнинг 70-йиллари собиқ Шўро тузумида яшаётган миллатлар аста-секин ўзлигини англай бошлаган, ўзини таниб, миллий қадриятларни, топталган миллий ўзликни, миллий хотирани тиклаш сари қадам ташлаган палла эди. Халқларнинг миллий овозликка интилиши, энг аввало, миллий адабиётларда намоён бўла бошлади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи каби шоирларнинг миллий ўзликни англаётган ватанпарварлик руҳидаги шеърлари ана шу паллада туғилгани бежиз эмас. Бу даврда фақат адабиётгина миллий ғурур, ор, миллат шаъни-шавкати тарғиб қилувчи ва уни уйғотувчи асосий куч эди. Бу интилиш барча миллий адабиётларга хос эди. Бошқача айтганда, адабиёт миллий ўзликни англаш жараёнининг марказида турди ва уни қўллаб-қувватлади. Ҳатто собиқ Иттифоқда энг машҳур ёзувчи бўлган Чингиз Айтматов ижодида ҳам миллий хотира муаммоси баралла кўтарила бошланди.

Умуман олганда, адабиётда янги шакл ва янги мазмун излашни фақат давр эҳтиёжи билан боғлаш ҳам бирёқламалик бўлади. Янги ифода усулини излаш адабий диднинг, сўзнинг ўзида эстетик ва идрок эҳтиёжи пайдо бўлиши туфайли ҳам юз беради. Ана шу икки эҳтиёж адабиётни янги усуллар излашга мажбур қилади. 80-йиллар миллий адабиётдаги кўтарилиш, дунё адабиёти аъаналарини миллий сўз санъатига олиб кириш, миллий воқеликдан умумбашарий хулосалар топишга интилиш ана шу икки эҳтиёжнинг ҳосиласи сифатида баҳоланиши керак.

Ўзбек насрида, жумладан, мумтоз насрий асарларда мифологик сюжетлардан ижодий қайта ишлаш воситасида фойдаланиш аъанасининг тарихи анча узоқ бўлиб, унинг илк кўринишлари Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асарида учрайди. Асосан "Қуръони Карим" оятларини турли ривоятлар, нақллар ва ҳикоятлар орқали шарҳлаш мақсадида яратилган ушбу асарда муаллиф ўзи мансуб бўлган халқ фольклори намуналари – макол, нақл, ривоят, афсона, кўшиқлар қаторида мифлардан ҳам самарали фойдаланган. "Носириддин Рабғузий ҳам «Қисаси Рабғузий» асарида мифлардан унумли фойдаланган. Шунга кўра ёдгорликда космогоник, календарь, хайвонот ва наботот, инсон фаолияти ва кашфиёти, этнографик каби миф турлари учрайди".

Дарҳақиқат, Рабғузий ўз асарида дунёдаги илк одамнинг яратилиши ҳақидаги антропогенетик мифни, турли жониворларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги зоонимик мифларни, табиат ходисалари (масалан, Аямажун кунларининг сабаблари)нинг моҳиятини изоҳловчи календарь мифларини келтириб ўтган. Масалан, "Қисаси Рабғузий"да қарғанинг туси нега қоралиги ҳақидаги миф шундай талқин қилинган: дунёни сув босиб, бутун олам тўфони рўй берганида ҳар бир жонзотдан бир жуфтдан олиб кемага жойлаган Нуҳ набиуллоҳ поёнсиз уммон ичида қуруқ ер борлиги ёки йўқлигини билиш учун бир қарғани жўнатади. Аммо қарға сув бетиде сузиб юрган ўлимтикларни кўргач, пайғамбарнинг топширигини унутиб қўяди-да, қайтиб бормади. Нафсига кул бўлган қарғани Нуҳ пайғамбар қарғайди ва натижада у ўлимтикхўр қушга айлантиради.

Ана шу тарзда ўзбек мумтоз насрида мифологик сюжетлар, мотив ва образлардан ижодий фойдаланиш ўзига хос аъананага айланди. Бу аъанана XX аср ўзбек адабиётида ҳам фаол давом эттирилганлигини Асқад Мухторнинг "Чинор" романидаги "чинор" мифологемаси, Одил Ёкубовнинг "Кўхна дунё" романидаги оламнинг яратилиши тўғрисидаги космогоник миф талқини, Ўткир Ҳошимов асарларидаги халқ қарашларининг бадий ифодаси ва бошқа кўплаб мисолларда таҳлил қилиш мумкин. Истиклол даври адабиётида эса аъанавий мифологик сюжет

ва мотивларни ижодий қайта ишлашда ўзига хос трансформация жараёни юз берди: яъни ёзувчилар ўз бадиий ниятини амалга ошириш учун тасвирланаётган воқелик талқини ёки қахрамон руҳиятининг бадиий таҳлилини мифологик тасаввурлар призмасидан ўтказишнинг ўзига хос намунасини яратдилар.

Хусусан, Исажон Султоннинг “Манзил” ҳикоясида иккита мифологик сюжет сингдириб юборилганини кўришимиз мумкин. “Манзил” бошдан оёқ рамз асосига қурилган. Бунда сафар гўё инсон умри. Йўлда учраган гулзор-у чўллар унинг шодлигу ғамига ўхшайди. Манзил – орзулардан бино этилган бино – сароб”. Бу ҳикояда қарвон узок сафарга отланади. Уларнинг манзиллари жуда узок эди. Улар юриб-юриб бир манзилга дуч келади, бу манзил эртақларда жуда кўп учрайдиган парилар юрти Қўҳи Қоф эди. У ерда хуру парилар яшар эди. Ижодкор нега бу ҳикоясига парилар мамлакатини кўшади? Бунга сабаб қилиб ҳикоядаги қарвон эгаларининг қатъияти ўз олдига қўйган мақсадларидан кечмасдан сабр-бардош билан манзил томон кетишларини очиб бериш бўлса керак. Қарвон эгаларининг туйғуларига ишонмасдан уларнинг ўткинчилигига ишониб манзили сари олға интилишлари тасвирланади. “У ерда ҳар биримизнинг исми-измига зарб этилган хазиначалар бор. Қопқаларнинг ҳалқасидан тутиб, исми-изми айтсак бас: тилсим очилади. Хазиначанинг ҳар қандай истаги ўша ондан бошлаб, айтилган заҳоти амалга ошади. У манзилга яқин қолди. Юрак сезаётир – жуда яқин қолди”. Юқоридаги ҳолатлар бизга “Сусамбил” эртаги сюжети эслатади. Ундаги эшак, хўкиз, хўроз, арилар ва каламушлар Сусамбил манзилини излаб чиққан қахрамонлар. Эртақда Сусамбил қуйидагича таърифланади: “Сусамбил жуда ҳам кенг, бепоён бир жой экан. Ҳавоси жуда тиниқ, нариги ёқда улкан тоғ бўлиб, унинг шабадаси доим ғириллаб келиб туради. Ерда кўм-кўк чаман кўкатлар, бедалар яшнаб ётибди. Бир ёқда буғдой, арпалар, бир ёқда қовун-тарвузлар пишиб ётибди, бир тараф кетганча боғ. Унда узум, анжир, ўрик, шафтоли ва турли-туман мевалар пишиб, тағларига тўкилиб ётибди”. “Манзил” ҳикояси қахрамонлари ҳам “Сусамбил” эртаги қахрамонларига ўхшайди. Аммо бу қахрамонлар “Сусамбил” эртаги қахрамонларидан фарқли ўлароқ Тилсим тоғини излаб йўлга чиқишган эди. Тилсим тоғини топишганидан сўнг улар ҳар бирининг исмига зарб этилган хазиначаларни қидиришади. Улар қопқаларнинг ҳалқасидан тугганда нима нияти бўлса, бу тилсим тоғи уларнинг барча ниятларига етказар эди. “Манзил” ҳикояси қахрамонлари шундай дея ҳаёл қилишарди. Ушбу ҳикояга “Сусамбил” эртаги сюжети асос қилиб олинган.

Адибнинг “Бир томоша тарихи” ҳикоясида осмон жисми ҳақида, яъни Зухро юлдузи ҳақида мифологик афсона келтирилади. Афсонада келтирилишича, Сулаймон пайғамбарга шамол бўйсуниб истаган ерига олиб учар, хайвонлар ва Тангрининг кўзга кўринмас махлуқлари ҳукмини сўзсиз бажаришини кўриб кишилар орасида “Сулаймон бу ишларни сеҳру жоду ёрдамида амалга оширяпти”, деган гаплар тарқалади. Аммо одамлар ҳақиқат ва сеҳру-жоду орасидаги фарқни билдириш учун ер юзига Хорут ва Морут деган икки фаришта туширилганидан беҳабар эди. Инсон авлодлари ер юзида ҳаддан зиёд бузғунчилик қила бошлаганларидан сўнг, Оллоҳ олдидаги фаришталар айтишадики, сен уларнинг ўрнига бошқа халқни ёки бизни туширганидан эди, бундай бузғунчиликлар бўлмасди, – деганда Оллоҳ: “– Сенлар ҳам улар билган нарсаларни билганларингда сенлар ҳам шундай бузғунчилик қилардинглар”, – дейди. Шундан сўнг ораларидан учтасини ер юзига тушишини истаган экан. Учовидан бири бу ишнинг охири ёмон эканлигини билиб, ер юзига тушмайди. Бузғунчилик қилмасликларига қаттиқ ишонган фаришталар Зухро исмли ғоят ажойиб ва гўзал бир аёлга дуч келиб, унинг зеболигидан эсларини йўқотиб қўяди. Аёлнинг гўзаллигидан маст бўлган фаришталар Зухрога ҳам ўзлари билган билимларини ўргатишади. Тангри таоло уларни бир чоғга ташлайди. Зухро эса фаришталар сирларини билгани учун осмонга кўтарилиб, юлдузга айланган экан. Улар Бобилдаги бир чоғга ҳибс қилинадилар. Шундан буён сеҳр ўрганувчилар Бобилга борар эканлар. Ҳикоя композициясида бу афсона муҳим аҳамиятга эга, у асар мазмунининг ёритилишида муҳим бадиий вазифа бажарган.

Маэстронинг халқнинг олдида кўрсатган фокуслари сеҳргарликнинг бир кўриниши эди. Шунга мос равишда адиб ҳикоя композициясига бу афсонани киритиб ўтади. Бу мазмундаги афсоналар халқимиз орасида кўп учрайди. Айнан, ушбу ҳикояда келтирилган Зухро юлдузи ҳақидаги афсона сюжети Ғафур Ғулумнинг “Шум бола” қиссасида ҳам келтирилган. Унда ёзувчи бу афсонани сал бошқачароқ келтириб ўтган. Унга кўра Зухро деган гўзал қиз бўлиб, унинг ота-онаси эрта вафот этади. Қизнинг гўзаллигини эшитиб подшо совчи юборади. Қиз “ўзимни севганим бор, шунга тегаман”, деб совчиларни қайтаради. Подшо Зухронинг севган йигитни топтириб дорга осдириб ўлдириб юборади. Зухро тун ярмида севгилиси осилган дор ёнига келади. Бу дор ёғочи жуда узун эди, осмонга етишига бир ёки икки қадам қолган эди. Зухро шу дор ёғочига тирмашиб осмонга чиқиб кетади. “Бир кунмас бир кун, ерда зўравон подшолар йўқолса қайтиб тушарман”, дебди-ю, кўкка чиқиб кетибди. Шу-шу Зухро тун ярмидан ўтганда ёрқин бўлиб кўриниб турадиган Зухро юлдузига айланиб қолган экан. Кўриб ўтганимиздек иккала афсона мавзуси бир хил, лекин ундаги сюжет бир оз фарқ қилади. Биринчи Зухро ва фаришталар ҳақидаги сюжет асос бўлган оғзаки ҳикоя афсона бўлса, иккинчи оғзаки ҳикоя эса мифдир. Чунки биринчи оғзаки ҳикояда ҳаёлий уйдирма етакчилик қилади ва сюжет сўнгида сеҳргарликни ўрганиш учун

Бобилга бориш лозимлиги таъкидланади. Иккинчи оғзаки ҳикояда эса Самовий жисм – Зухро юлдузининг пайдо бўлиши изоҳланади. Демак, табиат ҳодисасининг пайдо бўлишини изоҳлаганлиги учун уни миф дейишимиз тўғридир. Миф самовий жисмни изоҳлашга қаратилганлиги учун космогоник миф сифатида тавсифланиши мақсадга мувофиқдир. Бу афсонанинг ҳикоя сюжетига сингдирилиши орқали ёзувчи ғоят муҳим бадиий мақсадни кўзда тутган: томошабинларга томоша кўрсатаётган Маэстронинг фокусини сеҳр-жоду, кўзбойлагичликдан бошқа нарса эмаслигини очиб берган. Мураккаб фольклоризм ҳисобланган миф, афсона ва ривоятлар, асосан, насрий асарларда муайян маълумотни далиллаш, исботлаш ёки китобхонга шу хабарни етказиш мақсадида қўлланади.

Исажон Султон “Манзил”, “Тилсим лашкари”, “Ойдинбулок”, “Боғи Эрам”, “Авлиё”, “Қисмат”, “Ориф”, “Аскар”, “Кичкина пуштиранг махлукча”, “Кўриқчи”, “Шамолли кеча”, “Озор”, “Фаришта”, “Турмуш” каби ҳикояларини ишонарли, ҳаққоний чиқишини таъминлаш мақсадида шу кўринишдаги фольклор унсурларидан самарали фойдаланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лучанов М.Ф. История мировой литературы. – Омск, 2004 г.
2. Шукурова З. «Қисаса ар-Рабуғзий»да космогоник мифлар // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2015. – 1/1-сон. – Б.282-284.
3. Носируддин Бурхонуддин Рабғўзий. Қиссаси Рабғўзий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б.45.
4. Ҳамдам У. Ойдинбулок ойдинлиги. (И. Султон насри бадиияти). - Тошкент: Турон замин зиё, 2017. – Б. 149.
5. Исажон Султон. Асарлар. Асарлар. Ҳикоялар. 1 жилд. – Тошкент: Фафур Гулом НМИУ, 2017. – Б. 43.
6. Ўзбек халқ эртаклари. 3 жилдлик. I том. – Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2014. – Б. 51.
7. Фафур Гулом. Шум бола. Танланган асарлар. Тошкент, Фафур Гулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи. 2016 йил, 237-бет.
8. Йўлдошев Қ. Модернизм: илдиз, моҳият ва белгилар//Ёшлик, 2014 йил, 9-сон.

УЎК 81.31

ИШ ЮРИТИШ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ВАРИАНТЛИЛИК ҲОДИСАСИ

Н.У. Садинова, ф.ф.ф.д., катта ўқитувчи, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Ушбу мақолада терминология соҳасига оид синонимлик, дублетлик ва вариантлик ҳодисаси ҳақида сўз юритилган, шунингдек, вариантлик ҳодисасининг синонимлик ва дублетлик ҳодисасидан фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: иш юритиш, синонимлик, дублетлик, вариантлик, морфема, бирикма термин

Аннотация. В данной статье речь идет о таких явлениях как синонимизм, дублетность и вариантность в сфере терминологии, а также раскрыта отличие вариантности от синонимизма и дублетности.

Ключевые слова: канцелярские принадлежности, синоним, дублет, вариативность, морфема, составная терминология

Abstract. This article deals with such phenomena as synonymism, doublet and variance in the sphere of terminology, and also discloses the difference between variance and synonymism and doublet.

Keywords: stationery, synonym, doublet, variability, morpheme, compound terminology

Тилшуносликда *синоним* ва *дублет* терминлари билан бирга *вариантлик* термини ҳам қўлланади. Вариантлик муносабатлари тил структурасининг барча сатҳларида учрайди. Сўз ясаши тизимида вариантлик а) морфемаларда, б) уларнинг бирикмалари – морфем структурада кузатилади. Бу икки шакл ўзаро узвий боғланган бўлиб, морфема вариантлари мустақил равишда мавжуд бўлмайди, у фақат морфем структура таркибида ҳаракат қилади. Шундай экан, морфем структура вариантлиги морфема вариантлиги натижасидир [5, 3-13].

Ўзбек тилининг лексика, терминология каби соҳаларида ҳам вариантликнинг мавжудлиги А.Ҳожиев томонидан таъкидланган ҳамда қуйидаги мисоллар келтирилган: *даврий матбуот* – *вақтли матбуот*, *кўп партиялик* – *кўп партиявийлик* ва бошқалар [9, 18]. Аввало шуни таъкидлаш керакки, тилшуносликда “синоним” ва “дублет” тушунчалари каби вариантлик ҳодисаси ҳақида ҳам қатъий фикр айтилган эмас. “Тилшуносликда синоним, дублет, вариант ҳодисалари етарли ишланган эмас. Уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқлаш белгилари ҳамда шу ҳодисаларнинг ўзига хос белгиларини таърифлашда бир хиллик йўқ” [3,58].

Кўпчилик тилшунослар эса вариантлик ҳақида умуман тўхталишмайди ва термин қўлашдаги хилма-хилликни “синоним” ёки “дублет” тушунчалари остида ёритадилар. Шунга қарамай, терминологияда *дублет*, *синоним* терминлари билан бирга *вариантлик* термини ҳам қўлланади. Баъзан қатъий бўлмаса ҳам, уни “дублет” ва “синоним” тушунчаларидан фарқлашга уринишлар кузатилади: “Синоним ва дублет маъноларида *вариант* сўзини ишлатиш ҳодисаси ҳам учраб туради, шунинг учун сўз ёки термин вариантлари ҳақида ҳам бирмунча тўхтаб ўтиш лозим кўринади: Синонимлар турли сўзлардан, дублетлар эса турли сўз ва сўз бирикмаларидан тузилади. Сўз вариантлари эса бир сўзнинг турли шаклларида ҳосил бўлади: *адаб – одоб*, *ассаломалайкум – ассалому алайкум* каби” [7,33].

Фонетик жиҳатдан фарқ қилувчи сўзларни *вариантlilik* деб аташ З.Г. Уразбаеванинг ишларида ҳам кузатилади. Фарқли томони шундаки, З.Г. Уразбаева бир ўзакдан синоним қўшимчалар билан ҳосил қилинган сўзларни ҳам вариантlilik доирасига киритади [6,82].

Лексик сатҳда вариантlilik ҳодисасига тўхталиб ўтган Д.Набиеванинг таъкидлашича, вариантlilik шундай ўзгарувчанликки, ўзгарувчилар янги моҳиятнинг ҳосил бўлишига олиб келмайди. Яъни ўзгарувчилар орасидаги умумий моҳият сақланиб қолади [4,34].

Ўзбек тили терминологиясига оид ишларда эса бу ҳолат синоним ёки дублет терминлар сифатида қайд этилади: “Аффикслар синонимияси ҳам терминлар синонимиясига сабаб бўлади. Чунки бир автор бир хил аффиксдан фойдаланса, бошқаси айни шу тушунчани ифодалашда иккинчи хил (синоним) аффиксдан фойдаланади: *тиркама* – *тиркагич* (“прицеп” маъносида), *тирсакли вал* – *тирсаксимон вал*; *плуг ағдармаси* – *плуг ағдаргичи каби*” [8,66].

Кўринадики, бу борадаги ишлар ҳам алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Яъни синоним, дублет ва вариантlilik тушунчалари алоҳида тадқиқотларда ёритилиб, улар орасидаги чегаралар алоҳида ажратиб кўрсатилиши ёки бу тушунчалардан баъзилари мавжуд эмаслиги исботланиши ва истъмождан чиқарилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки терминларни тартибга солишга бағишланган ишларнинг ўзида терминларни тартибсиз қўллаш ўқувчида бу ишларга нисбатан ишончсизлик туғдиради.

Юқорида “синоним” ва “дублет” тушунчалари ҳақида фикр юритдик. Қуйида ўз нуқтан назаримиздан ёндашиб, “вариантlilik” тушунчасига аниқлик киритишга ва уни синонимлик (шу жумладан, дублетлик ҳам) ҳодисасидан фарқлашга ҳаракат қиламиз.

“Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати”да *вариант* сўзига шундай таъриф берилади: *Вариант* (лот. *varians, variantis* – ўзгарувчи) тил бирлигининг турли-туман ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган шакли. [10, 27]

Демак, *вариант* сўзининг маъносига таянган ҳолда вариантlilik терминини қуйидагича таърифлаймиз: Терминологияда вариантlilik битта терминнинг ўзгарган ёки фарқ қилувчи бир нечта вариантга эга бўлишидир. Синонимлар бир тушунча доирасидаги ҳар хил сўзлар бўлса, дублетлар айнан бир тушунчани атовчи ҳар хил сўзлардир. Вариантlilik эса бу икки ҳодисадан ҳам фарқли ҳолатда айнан бир терминнинг ўзгарган шакллари ёки вариантларидир.

Маълумки, терминлар тузилиши жиҳатидан сўз-термин ва бирикма терминларга бўлинади. Айни шу термин шаклларида вариантlilik ҳодисасининг фарқи кузатилади. Сўз-терминларнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгаришга учраган шакли вариантlilikка мисол бўлади: *акциядор* – *акциячи*, *йўлланма* – *йўллаш*, *иқтисодиёт* – *иқтисод*, *ёлланган* – *ёлланма*, *хатлов* – *хатлаш*, *раҳбарият* – *раҳбарлик*. Булардан *акциядор*, *йўлланма*, *ёлланма*, *хатлов* лексемаларини термин сифатида тавсия этиш, *иқтисодиёт* – *иқтисод*, *раҳбарият* – *раҳбарлик* жуфтликларини ўзаро фарқлаш керак.

Бирикма терминлар яхлит тил бирлиги саналади. Бунда вариантlilik ҳодисаси қуйидагича кузатилади:

а) бирикмаларнинг термин элементлари ўзгариши мумкин: *асосий воситалар* – *асосий маблағлар*, *аъло сифатли* – *юқори сифатли*, *банк маблағлари* – *банк капиталли*, *валюта курси* – *валюта қиймати*, *даромад келтирмоқ* – *фойда келтирмоқ*, *икки ёқлама* – *икки томонлама*, *ишончли шахс* – *ваколатли шахс*, *қонунсиз* – *ноқонуний*, *кечки ўқиш* – *кечки таълим*.

б) термин элемент таркибидаги қўшимчалар ўзгариши мумкин: *қимматдор қозғозлар* – *қимматбаҳо қозғозлар*.

Юқорида бир ўзакдан синоним қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган сўзлар *синоним* ёки *дублет терминлар* тушунчаси остида ўрганилаётгани айтиб ўтилди: *тиркама* – *тиркагич*, *тирсакли вал* – *тирсаксимон вал*, *плуг ағдармаси* – *плуг ағдаргичи*. Н.Қосимов қўшимчалар синонимияси терминлар синонимиясига сабаб бўлади деб ҳисоблайди [8, 66]. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки юқоридаги сўзлар эмас, балки улар таркибидаги қўшимчалар синонимдир. Сўзларнинг ўзи эса ўзгаришга учраган бир сўз шаклидир. Бу сўзларни *дублет* деб аташга ҳам қўшилиб бўлмайди, чунки улар иккита тил бирлиги эмас, бир тил бирлигининг ўзгаришга учраган шаклидир, яъни бир сўзнинг икки хил вариантдир. “Шу нарса аёнки, терминологияда вариантlilik ижобий ҳодиса ҳисобланмайди. Бинобарин, вариантlilikни давом эттирмай, улардан бирини, яъни терминга қўйиладиган талабларга ҳар томонлама жавоб бўладиган сўзни танлаш, шунисини термин сифатида тавсия этиш ва қабул қилиш керак бўлади” [8, 66].

Иш юритиш терминологиясида ҳам вариантlilik кўп учрайдиган ҳодисадир. Бу ҳолат ҳатто хужжат номларида ҳам учрайди: *даъво хати* – *даъвонома*, *йўриқ хати* – *йўриқнома*, *кафолатнома* – *кафолат*, *мақтовнома* – *мақтов қозғози каби* [1]. Хужжат номларини ҳосил қилишда *-нома* аффиксоидининг ўрнини кучайтириш лозим. “Умуман тилда сўз ясовчи элементларга кенг маъно функцияси юкланган ҳолда, терминологияда уларга фаннинг маълум соҳаси бўйича бир хил даражадаги тушунчаларни системалаштирадиган махсус тор маънонинг бириктирилиши мақсадга мувофиқдир” [2, 46]. Модомики, юқоридаги сўзлар хужжат номлари экан, *-нома* аффиксоиди билан ясалган вариантини танлаш мақсадга мувофиқдир: *даъвонома*, *йўриқнома*, *кафолатнома*,

мақтовнома каби. Бу сўзлар, биринчидан, хужжат номларининг системалилигини таъминласа, иккинчидан, бирикма терминлардан қутулиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, терминологияда вариантлик ҳодисаси ҳам мавжуд ва у синонимлик ҳамда дублетлик ҳодисаларидан фарқ қилади, шунингдек, терминологияда синонимлар ва дублетлар билан бир қаторда вариантлик ҳам жиддий нуқсон саналади ва терминологияга оид ишларда уни бартараф этишга ҳаракат қилинади, чунки синонимлар ва бир сўзнинг турли шакллари ахборот алмашинувида қийинчилик туғдиради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. Амалий қўлланма (тузатилган ва тўлдирилган 5-нашри). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012.
2. Лотте Д.С. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М.: Наука, 1968.
3. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984.
4. Набиева Д. Лексик сатҳда вариантлик // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. – №6.
5. Тимофеев К.А. Вариантность в словообразовании (вариантность корневых морфем) / Вариантные отношения в лексике. – Новосибирск, 1986.
6. Уразбаева З.Г. Вариантность в сфере терминологии / Развитие терминологии башкирского литературного языка. – Уфа, 1981.
7. Шукуров Р. Терминлар синонимияси хусусида / Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари/ Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986.
8. Қосимов Н. Ўзбек техникавий терминологиясида синонимлик ва уни бартараф этиш йўллари / Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986.
9. Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. Ахборот. 11 – 12-чиқарув. – Тошкент: Фан, 1996.
10. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.

УЎК: 811.512.133 (043.5)

ЎЗБЕК ТИЛИ УНДОШ ФОНЕМАЛАРИ ТИЗИМДА ГИПЕРОНИМ-ГИПОНИМИК МУНОСАБАТЛАР

И.Р. Эрматов, PhD, Гулистон давлат университети, Гулистон

Аннотация. *Мазкур мақола ўзбек тилшунослиги муаммоларига, хусусан, тил сатҳлари ва уларнинг бирликлари тизимида хос гипероним ва гиперонимик, гипоним ва гипонимик муносабатлар, уларнинг ўзбек тили ундошлар тизимида хос амали ҳақида сўз юритилади. Тилшунослик терминлари мақоланинг иллюстратив материали сифатида хизмат қилади.*

Калим сўзлар: *лисоний бирликлар, парадигматика, синтагматика, гипероним, гиперонимик муносабат, гипоним, гипонимик муносабат, ундош фонемалар ва б.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются проблемы узбекской лингвистики, в частности, гиперонимы и гиперонимные, гипонимы и гипонимические отношения, присущие системе языковых уровней и их единицам, их практика, свойственная системе узбекских согласных. Лингвистические термины служат иллюстративным материалом для статьи.*

Ключевые слова: *языковые единицы, парадигматика, синтагматика, гипероним, гиперонимная связь, гипоним, гипонимная связь, согласные фонемы и т. д.*

Abstract. *This article deals with the problems of Uzbek linguistics, in particular, hyperonymic and hyperonymic, hyponymic and hyponymic relations inherent in the system of language levels and their units, their practice inherent in the system of Uzbek consonants. Linguistic terms serve as illustrative material for the article.*

Keywords: *Linguistic units, paradigmatics, syntagmatics, hyperonym, hyperonymic relationship, hyponym, hyponymic relationship, consonant phonemes, etc.*

КИРИШ. Жаҳон тилшунослигида миллий тилларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиш босқичлари турли аспектларда ўрганилган. Ҳар қандай фан тадқиқининг асосий воситаси бўлган терминлар, уларнинг лингвистик табиати, юзага келиш манбалари, ясашиш усуллари, терминларнинг тузилишига кўра турлари, улардаги синонимлик ва дублетликни бартараф қилиш йўллари, термин ва тушунча муносабати кабилар ҳам тилшуносликдаги асосий масалаларидан бирига айланган.

Жаҳон тилшунослигида лингвистик терминологиянинг пайдо бўлиши ва алоҳида терминологик қатлам сифатида шаклланишини антропоцентрик планда тадқиқ этиш, терминларнинг лингвистик тушунчани қай даражада ифодалашидан келиб чиқиб тартибга солиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу маънода тилшуносликнинг ривожини билан янги терминларининг пайдо бўлиши, терминлардаги синонимия, полисемия ва вариантликнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, ўзлашма терминларнинг миллий терминологик тизимга таъсирини очиқ бериш, мураккаб таркибли терминларнинг ҳосил бўлиши юзасидан аниқ хулосаларга келиш тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиётга эришиши жамият ҳаётининг барча соҳаларига, хусусан, миллий-маданий кадрятларнинг тикланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Ўзбек тили лексикасининг бойиши ва ривожланиши ҳам истиқлол яратган имкониятлар билан боғлиқ бўлди. Шунинг баробарида ўзбек тилшунослигида ҳам тилимизнинг туркона табиатини аниқлашга йўналтирилган қатор тадқиқотлар бажарилди. Ўзбек тилшунослари терминологияни тартибга солиш, ўзбек тилидаги турли соҳа терминларини изоҳлаш, ўзбекча термин яшаш усулларини ишлаб чиқиш борасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Шу билан бир қаторда, тилшуносликнинг тараққий этиб бориши билан унинг терминологиясида ҳам тадқиқ қилиниши зарур бўлган муаммолар келиб чиқади. Ана шундай масалалардан бири терминологияда гиперо-гипонимик ва эквонимик муносабатларни ўзбек тили тилшунослик терминлари мисолида аниқлашдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Ўзбек тилшунослигида луғавий-семантик гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар тадқиқоти объекти сифатида ўрганилган бўлса-да, терминология тизимидаги гиперо-гипонимик муносабатлар етарли даражада ўрганилган эмас. Хусусан, Р.Сафарованинг 1990 йилда ҳимоя қилган “Ўзбек тилида гипонимия” деб аталган диссертацион тадқиқот иши [1, 25] ҳамда 1996 йилда нашр этилган “Лексик семантик муносабатнинг турлари” рисоласи [2, 46] ўзбек тилида дастлабки ушбу йўналишда монографик планда ўрганилган иш ҳисобланади. Бундан ташқари Ҳ.Неъматов, Э.Бегматов, Р.Расуловлар ҳаммуаллифлигидаги “Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси” (Систем лексикология тезислари) [3, 6]; А.Нурмоновнинг 1992 йилда нашр этилган “Лисоний белги хусусиятлари ҳақида”ги [4, 56]; Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” [5, 128]; А.Бердиалиев, Р.Хидировлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” [6, 83-87] асарлари тилшуносликнинг ушбу масаласига бағишланган. Тадқиқот иши объекти сифатида А.Ҳожиевнинг 1 700 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” [7, 168] ва Н.Маҳкамов ва И.Эрматов ҳаммуаллифлигида нашр этилган 1 500 га яқин сўз ва сўз бирикмасидан иборат “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” [8, 144] таҳлил қилинади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ. Тадқиқот объектини ўзбек тили изоҳли луғатлари ҳамда тилшунослик терминларининг изоҳли луғатларидаги ўзбек тилшунослик терминлари ташкил этади. Тадқиқотда қуйидаги илмий таҳлил методларидан фойдаланилган: лингвистик тавсифлаш, систем, статистик, контекстуал таҳлил усуллари. Тадқиқот мавзусига доир илмий адабиётларни таҳлил қилишда лингвистик таҳлил усулидан фойдаланилган. Гипоним ва гипероним ўртасидаги муносабатларни ёритишда систем таҳлил усули қўлланилган. Статистик таҳлил ўзбек тили изоҳли луғатларда тилшунослик терминларининг ўрин олиши, акс этиш хусусиятларини ўрганишда кенг фойдаланилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМАСИ. Тилнинг лексик-семантик даражаси бирликларининг тизимли ўзаро муносабатларининг бир тури – бу гипонимия (умумий – хусусий муносабатлар, умумий, кўшимчалар, гипер-гипонимик, таксономик муносабатлар). Тилнинг лексик тизимидаги ушбу муносабатларнинг ҳолати тўғрисида турли хил нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда, биз жуда кенг тарқалган, кўплаб тадқиқотлар билан тасдиқланган, гипер-гипонимик муносабатлар лексик бирликларининг энг муҳим умумий боғланишлари сонига тегишли эканлиги ҳақидаги хулосага мурожаат қиламиз. Мантиқий ва семантик боғланишга асосланган гипонимия, индивидуал семантик майдонлар (гуруҳлар) иерархик тузилишини ва тилнинг лексик тизимини бир бутун сифатида, тилнинг луғавий таркибини тузадиган асосий алоқадир.

Лисоний бирликлар, тилнинг қайси сатҳига қарашлилигидан қатъий назар, маълум бир лисоний муносабатлар асосида ўзаро боғланади. Бундай лисоний муносабатлар асосан икки хил бўлади. Биринчиси парадигматика (парадигматик муносабатлар), иккинчиси синтагматика (синтагматик муносабатлар) деб аталади [9, 79-80].

Парадигматик муносабатлар асосида парадигма, синтагматик муносабатлар асосида синтагма (ва синтагматика) тушунчалари ётади. Парадигматика ва парадигматик муносабат, синтагматика ва синтагматик муносабатлар тушунчалари француз ва швейцар тилшуноси Ф. де Соссюр таълимоти туфайли фанга маълум бўлган [10, 56-57].

Парадигма ва парадигматика тушунчалари асосида тилнинг, ҳар бир сатҳ бирликларига хос гипероним, гипоним тушунчалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, иерархиялик хусусиятлари белгиланади.

Парадигма ва парадигматика муносабатлар туфайли тил сатҳлари ва уларнинг систем тавсифи белгиланганидек, гипероним ва гипоним тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабатлари туфайли парадигма ва уларни ташкил этувчи узвий бирликлар тавсифи белгиланади.

Тил унсурларининг гиперонимик-гипонимик боғланишлари турлича қуршовларда амалга ошади. Бу қуршовлар бири-бошқасини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади. Бошқа гипонимик қуршов ҳосил қила олмайдиган тил бирликлари ўзидан йирикроқ гипероним (лар) доирасида туташади. Нисбатан йирик гиперонимлар ўзидан қуйи гиперонимлар ва улардан яна қуйироқ (минимал) гиперонимлар уюшмасидан ташкил топади. Гипоним характерини касб этган энг кичик (минимал) лисоний унсурлар унга нисбатан йирикроқ, ўртача катталиқдаги гиперонимо-гипонимлар ўзига нисбатан яна бошқа йирикроқ гиперо-гипонимлар ва ҳоказо изчилликдаги гиперо-гипонимлар

таркибига унинг таркибий унсурлари сифатида ўрнаша боради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай йирик, максимал гиперонимлар ўзига хос парадигмалар характери касб этиб, ўзига нисбатан куйи гиперогипонимлар ҳосиласи, уюшмаси, мақомига эга бўла боради. Бу ва бунга ўхшаш хусусиятлар тил тизимининг иерархия ва иерархияли муносабатлар ҳодисаси билан алоқадор тушунчалар ҳисобланади.

Тўпламни каттароқ гуруҳларга, бундай гуруҳларнинг ўзини ички турларга, турларни ички хилларга, хилларни навларга, навларни кўринишларга босқичма-босқич бўлиш ҳамда тўпламни ўхшаш ва фарқли белгилар асосида ички гуруҳларга ажратиш орқали гиперонимик-гипонимик муносабатлар юзага келади.

Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тили ундош фонемалари сатҳига назар ташласак, улар йигирма уч аъзодан иборат микротизимга эга: **b, v, g, d, j, z, y, k, l, m, n, ng, p, r, s, t, f, x, ch, sh, q, g', h**.

Ундошлар оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб пайдо бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шовқиндан иборат товушлардир. Уларнинг талаффузида ҳаво оқими сирғалиб ёки портлаб чиқади. Бу ҳаво оқими ун пайчаларини титратиб ёки титратмай ўтади ва б. Ана шулар натижасида турли жиҳатдан бир-биридан фарқли ундош товушлар ҳосил бўлади [11, 122-123].

Бу микротизим ўз навбатида тўрт гуруҳга ажратилади. Мазкур гуруҳларда ундош товушлар ҳосил бўлишидаги куйидаги нуктаи назарлардан тасниф қилинади: 1) овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра; 2) ҳосил бўлиш ўрни (нутқ аъзоларининг иштироки)га кўра; 3) ҳосил бўлиш усулига кўра; 4) танглай иштироки (палатализация)га кўра.

Ундош фонемалар ҳосил бўлишидаги бу хусусиятларнинг ҳар бири ўзига хос ўртача йирикликдаги гуруҳлар саналиб, улар овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра (биринчи), ҳосил бўлиш ўрнига кўра (иккинчидан), ҳосил бўлиш усулига кўра (учинчидан) каби гипонимик тўдаларга бўлинади.

Кейинги бу гуруҳлар ҳам ўзига хос “ички” гипероним характери касб этиб, уларнинг ҳар бирига хос маъно ва вазифасини ўзида мужассам этган гипонимларга ажралади. Масалан:

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундошларга хос гипонимлар: *сонор ундошлар* ва *шовқинли ундошлар* бўлиб, улар ўз навбатида ўзига хос “ички” гипероним характери касб этиб, уларнинг ҳар бирига хос маъно ва вазифасини ўзида мужассам этган гипонимларга ажралади. Масалан:

а) сонор ундошларга хос гипонимлар: *m, n, ng, l, r*;

б) шовқинли ундошларга хос гипонимлар: *жарангли ундошлар* ва *жарангсиз ундошлар*.

Бизга маълумки, сонорлардан бошқа ҳамма ундошлар шовқинли ундошлар қаторига киради. Овознинг қатнашиши ёки қатнашмаслигига кўра шовқинли ундошлар куйидаги ўз гипонимларига эга: *жарангли ундошлар* ва *жарангсиз ундошлар*. Булар ҳам ўз навбатида гипонимларга ажралади:

а) жарангли ундошларга хос гипонимлар: *b, v, z, g, d, j, g', y, l, m, n, ng, r*;

б) жарангсиз ундошларга хос гипонимлар: *p, f, s, k, t, ch, q, sh, h, x*.

Ҳосил бўлишдаги хусусиятига кўра ундошларнинг ҳар бири ўзига хос *лаб ундошлари*, *тил ундошлари* ва *бўғиз ундоши* каби ўртача йирикликдаги гуруҳлар ташкил этади. Бунда *лаб ундошлари*га хос гипонимлар *лаб-лаб ундошлари*, *лаб-тиш ундошлари* бўлса, *тил ундошлари*га хос гипонимлар *тил олди ундошлари*, *тил орқа ундошлари*, *тил ўрта ундоши*, *чуқур тил орқа ундошлари* каби гипонимик тўдаларга бўлинади. *Бўғиз ундоши*га хос фақатгина **h** фонемаси мавжуд бўлганлиги учун бўғиз ундоши гипоним ҳосил қилмайди ва энг сўнгги гипонимик тизимни яқунлайди.

Лаб ундошлари гипероними лабларнинг фаол ҳаракати билан ҳосил бўладиган ундошлар бўлиб, *лаб-лаб ундошлари* ва *лаб-тиш ундошлари* каби гипонимик тўдалар ҳосил қилади. Булар яна ажралиб, ўз гипонимларига эга бўлади:

а) лаб-лаб ундошларига хос гипонимлар: **p, b, m**;

б) тил-тиш ундошларига хос гипонимлар: **v, f**.

Тил ундошлари гипероними нутқ аъзоларидан тилнинг фаол иштироки ҳамда ҳосил бўлишида тилнинг қайси қисми фаол иштирок этишига кўра *тил олди ундошлари*, *тил орқа ундошлари*, *тил ўрта ундоши*, *чуқур тил орқа ундошлари* гипонимларига эга. Масалан:

а) тил олди ундошларига хос гипонимлар: **k, g**;

б) тил орқа ундошларига хос гипонимлар: **b, p, d, t**;

в) чуқур тил орқа ундошларига хос гипонимлар: **q, g', x**.

*Тил ўрта ундоши*га хос фақатгина **у** фонемаси мавжуд бўлганлиги учун *тил ўрта ундоши* гипоним ҳосил қилмайди ва энг сўнгги гипонимик тизимни яқунлайди.

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундошлар гипероними *портловчи ундошлар*, *сирғалувчи ундошлар*, *қоришиқ товуш (ундошлар)*, *титроқ товуш (ундош)* каби гипонимларга ажралади. Бу гипонимлар ўз навбатида яна гиперонимларга айланиб, “ички” ўзига хос гипонимларни ташкил этади. Масалан:

а) портловчи ундошларига хос гипонимлар: **p, b, t, d, k, g, q**;

б) сирғалувчи ундошларига хос гипонимлар: **v, f, z, s, sh, j, y, x, g', h**;

в) қоришиқ ундошларига хос гипонимлар: **s (ts), ch (tsh), j (dj)**.

*Титроқ товуш (ундоши)*га хос биргина *r* фонемаси мавжуд бўлганлиги учун *титроқ товуш (ундоши)* гипоним ҳосил қилмайди ва энг сўнгги гипонимик тизимни яқунлайди.

ХУЛОСА. Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

а) ундош фонемалар гиперонимлигининг қўлами булар билан чекланмайди, албатта. Бу ундош фонемаларнинг ҳар бири ўзига хос оралиқ гиперонимлар характерини касб этиб, жаранглилик-жарангсизлик, сирғалувчи-портловчилик белгилари асосида яна бошқа гипонимларни ўз ичига олади;

б) юқорида қайд этилган ана шу энг сўнгги гипонимик бирликлар ўзбек тили ундош фонемалари гиперонимик тизимини яқунлайди;

в) гиперонимик ва гипонимик муносабатлар тил бирликларининг функцияга киришувини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Шуниси ҳам борки, гипероним ва гипоним ҳодисалари бири бошқаси билан қанчаллик узвий боғлиқликка эга бўлишидан қатъий назар, улар иерархия жараёнига кўра ўзаро фарқ қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке. АКД. – Тошкент, 1990. – 25 с.
2. Сафарова Р. Лексик семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 48 б.
3. Неъматов Х., Бегматов Э., Расулов Р. ва б. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. (Систем лексикология тезислари) ЎТА, 1989, №6.
4. Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон. 1992. – Б. 56.
5. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., “Ўқитувчи” нашриёти, 1995. – 128 б.
6. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Хужанд: Раҳим Жалил, 2013. – Б. 83-87.
7. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.
8. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Т.: Fan, 2013. – 144 б.
9. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1977. – С. 79-80.
10. Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 56-57.
11. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Т.: Fan, 2013. – В. 122-123.

УЎК 808.5

КИНОЯВИЙ ТЕЖАМНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Р.Н. Юсубова, доцент, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Кинояни қўллаш тилнинг шартли белгилик ва образлилик хусусиятига таянади. Бунда ижодкорлар асарда тилнинг ана шу хусусиятидан унумли фойдаланиб, уларнинг семантик ва мазмуний структурасини ўз коммуникатив мақсади ва бадий нияти ҳамда зоясига мос равишда модификация қилади.

Калит сўзлар: киноя, сукут, ситуатив ҳодиса, контекстуал киноя, феномен

Аннотация. Применение иронии опирается на условную и образную природу языка. В то же время создатели эффективно используют эту особенность языка в произведениях, видоизменяя свою семантическую и содержательную структуру в соответствии со своим коммуникативным назначением, художественным замыслом и идеей.

Ключевые слова: ирония, молчание, ситуационное событие, контекстная ирония, феномен

Abstract. The use of cinema is based on the conventions and imagery of language. At the same time, the creators effectively use this feature of the language in the performance, modifying their semantic and semantic structure in accordance with their communicative purpose, artistic intent and idea.

Keywords: Cinema, default, situational event, contextual cinema, phenomenon

Ўзбек тилида киноянинг ифодаланиш имкониятлари жуда кенг бўлиб, фақат тил воситалари билангина чекланмайди. Чунки сўзловчи кинояни турли мақсад ва вазиятларда қўллайди. Маънонинг ифодаланиши нутқ вазияти ва шароитига кўра воситаларнинг имкониятларига мослашади. Айрим воситалар маънони очиқ ва ўзаро эркин мулоқот шароитида ифодалай олса, айримлари ёпиқ ва зимдан ифодалаш учун хосланган бўлади. “Сўз ёки гап нутқ контекстида ўзининг одатланилган қўлланишларига зид равишда кишида шубҳа уйғотадиган кулгили ва “эгри” маъно касб этади”[1]. Ана шу кулгили ҳолатни туғдиришда шароит ва воситаларнинг мослашуви жараёни кечади. Айрим ҳолларда тил воситалари мазкур шароит билан тўғридан-тўғри мослаша олса, бошқаларида мослаштирувчи омил сифатида новербал воситалар ҳам юзага чиқади. Баъзан киноянинг “айёрона сукут” сифатида эътироф этилиш ҳолатлари ҳам фикримизга далил бўла олади [2].

Ҳар қандай ҳодисанинг юз беришида муҳит муҳим роль ўйнаганлиги каби киноя ҳам, одатда, мулоқот муҳитидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Шу боисдан киноя матнда кузатилганда контекстуал киноя саналса-да, аслида уларнинг барчаси ситуатив ҳодиса сифатида амал қилади. Демак, киноя ифодаловчи воситаларни сўз, сўз бирикмаси ёки матн ёрдамида ифодаловчи киноя деб аташ нисбий бўлиб, барчаси ўз-ўзича бу имкониятни воқелантира олмаганлиги сабабли уларни мутлақ киноя воқелантирувчиси сифатида баҳолаш ҳам нисбий. Қуйидаги матнга диққат қилайлик:

“...Холидий даврида интизомни назорат қилиш шу хонимга топширилган, бу вазифа бошлиқ ўзгаргандан кейин ҳам фидойилик билан бажариларди. Ўн беш дақиқа кеч қолган ходим бу хонимнинг темир дафтарига тушар, “қайта қуриш ишига сезиларли улуш қўша олмайгани учун”

мукофотлардан маҳрум этиларди. Анвар барвақт туриб, ишга барвақт келишга ўргангани учун бу рўйхатга тушиши бахтидан бенасиб эди. Кадрлар бўлимининг бошлиғи унинг кеч қолишини жуда-жуда истар эди. Қани эди, Анвар ишга кечикса-ю, бу хушxabарни Холидийга етказса, ҳайфсан эълон қилиши ҳақидаги буйруққа имзо чектириб чиқса. Вақт-бемаҳал хоналарни ҳам айланиб юривчи хоним эшикни очганида, “навбатдаги текиширув шекилли”, деб ўйлашди. Хоним тўғри Анварга яқинлашди-да, сал энгашиб, “Сиз мен билан бирга юринг”, деди. Бу сирли чақирув хонадагиларнинг диққатини тортди. “Энг кичкина илмий ходим” маънодор қилиб йўталиб қўйди. Анвар хонимга бир қараб олиб, қозғоздаги сатрларни диққат билан ўқиётгандай мук тушди. (Т.Малик, “Шайтанат”).

Матнда иккита киноявий ифода бор: 1) қайта қуриши ишга сезиларли улуш қўша олмаётгани учун; 2) энг кичкина илмий ходим. Анварнинг қайта қуриш ишга ҳисса қўшаётгани аниқ. Лекин биргина ишга кечикиши ҳодисаси асосида унинг бутун фаолиятига “лой чаплаш” ўша тузумнинг иллатларидан, бюрократик амалларидан бири эди. Ёзувчининг киноя асосидаги коммуникатив нияти ушбу нутқий ифода билангина рўёбга чиқмайди. Унинг мазмун-моҳиятини тушуниш учун ўқувчи муайян билим захирасига эга бўлиши, собиқ шўро тузуми даврида катта шов-шув сифатида мамлакатни қамраб олган сохта “қайта қуриш” шиорининг мазмун-моҳияти билан таниш бўлиши лозим. Акс ҳолда киноянинг мазмуни тушунарсиз бўлиши, адибнинг нияти англашилмай қолиши мумкин.

Кичик илмий ходим илмий профессияни ифодаловчи терминнинг энг сўзи билан бирга ишлатилиши асосида киноя маъноси бўрттирилган. Аслида “кичик илмий ходим” тушунчасининг ўзи ҳам адиб мақсадини реаллаштириши мумкин эди. Лекин кинояга мустаҳкамловчи восита бўлган энг сўзи контекстуал заруратдир. Зеро, “кичик илмий ходим” катта кирдикорларга эга. Бунда киноянинг ядроси – *кичик илмий ходим* термини. Аммо, адиб уқтиришича, кичик илмий ходимликка ҳам нолойиқ шахс “энг катта ёмонлик”ларни ҳам қилишга қодир.

Демак, киноя ифодаловчи воситаларга мутлақ бирлик сифатида қараш уларнинг имкониятларини сунъий равишда кенгайтириб юборишга олиб келади. Ҳар қандай киноявий бирликда ҳам мустаҳкамловчи воситага зарурат сезилади. Бу, юқорида айтилганидек, оддий сўз шаклида ҳам, бутун матн сифатида ҳам намоён бўлади. Умуман олганда, киноя ифодаловчи бирлик ушбу маъносини намоён қилишда ҳар доим ҳам “қарамлик” ҳолатида бўлади. Бу киноя феноменининг контекстуал ва ситуатив хосланганлигини кўрсатади.

Кинояни қўллаш тилнинг шартли белгилик ва образлилик хусусиятига таянади. Бунда ижодкорлар асарда тилнинг ана шу хусусиятидан унумли фойдаланиб, уларнинг семантик ва мазмуний структурасини ўз коммуникатив мақсади ва бадиий нияти ҳамда ғоясига мос равишда модификация қилади.

Киноявий воситаларнинг семантик структурасини ўрганиш лисоний маъноларнинг нутқий модификацияси асосда амалга оширилади. Бунда модификацияси асоси, воситаси ва уни муайянлаштирувчи воситалар фаркланади. Қуйида уларнинг айримлари таҳлил қилинди:

– Э, нимасини айтасиз, – деди бошлиқ, ўзига-ўзи ачиниб. – Қон қилиб юборишади. Бошлиқ Жалол Комиловни эслай олмади. Қозғозлар титқиланиши лозим бўлади. Ҳужжатлар қоидага амал қилинган ҳолда тартибли эди. Ишга қабул қилинган, “*меҳнатсевар*”, “*коллективда обрў-эътиборга эга*” бўлгани учун доимий равишда пул мукофотлари берилиб турилган. Комиловнинг меҳнатдаги ютуқлари таърифланган сатрларни ўқиб, Зоҳид “бу ютуқлар учун юз сўмлик камлик қилар, биратўласи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони” унвонига тақдим этаверишмаган экан-да”, деб қўйди. Жамол Комилов маошини ҳам вақтида қанда қилмай турган. Агар ҳужжатга шак келтирмаса, у кеча, ўлимидан сўнг ҳам келиб маош олган. Зоҳид “балки арвоҳларга ҳам пул зарур бўлиб қолгандир”, деб ўйлаб, ҳужжатларни бошлиққа узатди:

– *Коллективда обрўси баланд экан*–у, коллектив бу баобрў одамнинг ўлимидан бехабар қолибди–да, а? (Т.Малик, “Шайтанат”).

Матнда *меҳнатсевар* сўзи киноявий маъно ифодалаган. Бунда у *дангаса* сўзининг шартли маънодошидир. *Меҳнатсевар* сўзи “меҳнатни севадиган” маъносига эга бўлиб, у матнда “иш ёқмайдиган” маъноси билан иштирок этмоқда. Албатта, ёзма матнда сўзнинг қўштирноқ ичида берилишининг ўзи маълум маънода киноявий маънони реаллаштирувчи сифатида етарли. Бироқ адиб мазкур маънога муайянлаштирувчи киноявий воситалардан яна бир нечасини келтиради: “*Бу ютуқлар учун юз сўмлик камлик қилар, биратўласи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони*” унвонига тақдим этаверишмаган экан-да”, у кеча, ўлимидан сўнг ҳам келиб маош олган, балки арвоҳларга ҳам пул зарур бўлиб қолгандир. Кейинги воситалар *меҳнатсевар* киноявий бирлигининг маъносини тўлдирди: меҳнат қилмасдан “пул топишга ўч”, “ҳаромдан ҳазар қилмайдиган”, “текинхўр” каби маъно бўлакчалари *меҳнатсевар* сўзининг маъносини “мукаммаллаштиради”, унинг аслиятига зид маъносини *дангаса* сўзидагига нисбатан муайянроқ ва аниқроқ ифодалайди. Умуман олганда, мазкур сўзнинг ушбу контекстуал маъноси матндаги бошқа киноявий маъно ифодаловчи бошқа воситалар билан кучайтирилади.

“Кинояли фикр замонавий тафаккурнинг атрибутив белгиси ва умумий тенденциясига айланмоқда”[3]. Кўхна ҳодиса сифатидаги киноянинг мутлақо янги моҳият, навқиронлик касб этаётганлигини алоҳида уқтирмақ лозим. У ўзининг функционал қиймати ва сферасини ўтмишдаги

шаклидан буткул янгилади. Зеро, янги замон (фаний тил билан айтганда, постмодернизм даври) ўзга тамойиллар асосида кечмоқда. Аччиқ бўлса-да айтиш лозимки, индивидуализм ҳамда худбинликнинг янги хусусиятлар билан “бойиётганлиги”, қисмининг бутунга нисбатан устуворлашганлиги, “ўзинг учун ўл етим” тамойили постмодернистик турмуш тарзининг шиорига айланаётганлиги, ҳаётнинг ўйинга менгзалаётганлиги ва уни жиддий қабул қилишга уриниш бемаънилиги ҳақидаги қарашларнинг ҳукмронликка интилаётганлиги постмодернизмни лўнда тавсифловчи хоссалардир [4]. “Юмор маданияти билан йўғрилган постиндустриал типдаги жамият киноявий тафаккур амалиётига асосланган. Замонавий социал муносабатларга киришиш ва унда иштирок этиш учун индивиддан киноявий позиция эгаллаш талаб қилинади. Пировардида, киноя қуввати у ёки бу даражада, у ёки бу шаклда мавжуд социал қатъиятларни танқид қилишга йўналтирилган, шу боисдан киноянинг моҳияти социал мезонлар асосида очилади”[5].

Сўзловчи мулоқот жараёнида информация ифодачиси бўлибгина қолмай, ўзининг психологик вазияти билан боғлиқ ҳолда информацияга шахсий муносабатини ифодалашга мойиллик билдирганда, агар муносабати салбий бўлса, кўпинча киноя юзага келади. Тил бирликларининг бирламчи функциясидан бошқа функцияларни бажариши, бир мазмунни юзага чиқариш учун мазмунан алоқадор бўлмаган бирликларнинг иштирок этиши кўчимларга хос хусусият бўлиб, кўчим тури саналган кинояда сўзловчининг гап семантикасини қарама-қарши қўйиш асосида маълум бир кўчма маънони кўзлаганлигини англаш тингловчининг ассоциацияси билан боғлиқлиги мисоллар асосида кўриб ўтилди.

Умуман олганда, ижодкорларнинг воқеликка фикрий муносабати ва ҳиссий баҳоси кинояларни қай тарзда ва қандай шаклда қўллашни ҳам белгилайди. Шунингдек, кўп ҳолларда асарнинг жанрий имкониятлари ҳам кинояларни қўллашнинг ўзига хослигига таъсир қилади. Ижтимоий муҳит ва давр ҳам киноянинг қўлланиш ва тур даражасига маълум даражада таъсир қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лингвистической энциклопедический словарь. М. 1987. – С.132.
2. Гомлешко Б.А. Языковые средство выражения иронии в художественных текстах. Джона Голсуорси: лингвопрагматический аспект (на материале языка романа «Сага о Форсайтах»). Автореф.диссерт.кандидат филол.наук. –Маскоп, 2008. -С. 9. -25 с.
3. Фархитдинова О.М. Ирония: проблема определения и роль в философском познании: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. –Екатеринбург, 2004. -С.15.
4. Философия. Энциклопедический словарь // под.ред. А.А.Ивана. -М.: Гардарики, 2004.
5. Фархитдинова О.М. Ирония: проблема определения и роль в философском познании: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. –Екатеринбург, 2004. -С.17.

УУТ:633.511:631.572

НАЗОРАТ КЎЧАТЗОРИДА ПАРВАРИШЛАНГАН ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ*Ж.Х.Ахмедов, б.ф.д., проф., Пахта селекцияси ва уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Тошкент**Ж.С.Жабборов, к.и.х., Пахта селекцияси ва уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Тошкент**Э.Э.Холлиев, қ.х.ф.ф.д., Пахта селекцияси ва уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Тошкент**Д.Д. Ахмедов, қ/х.ф.д., Пахта селекцияси ва уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Тошкент*

Анотация. Мазкур мақолада олиб борилган илмий тажрибалар асосида олинган бир қатор янги яратилган ғўза тизмаларнинг технологик сифат кўрсаткичлари андоза навга нисбатан ўрганилган.

Калим сўзлар: ғўза, дурагай, тола узунлиги, микронейр, юқори ўртача узунлик, солиштирма узилиш кучи (*Str*), узилишдаги узайиш (*Elg*), ранги бўйича нави (*CG*)

Анотация. В данной статье изучены технологические показатели новых созданных линии хлопчатник, полученных на основе проведенных научных исследований.

Ключевые слова: хлопок, гибрид, длина волокна, микронейр, высокая средняя длина, удельная прочность на разрыв (*Str*), удлинение при разрыве (*Elg*), разнообразие по цвету (*SG*)

Abstract. In this article, the technological indicators of new developed cotton lines are studied, which obtained on the basis of scientific research.

Keywords: cotton, hybrid, fiber length, micronaire, high average length, specific tensile strength (*Str*), elongation at break (*Elg*), variety by color (*SG*)

Дунё кишлоқ хўжалигида ғўза энг муҳим техник экинлардан бири ҳисобланади, у асосан тола учун етиштирилади. Маълумки, ғўза дунёда 80 дан ортиқ мамлакатларда 32 млн гектарда етиштирилади ва 25 млн тоннадан кўпроқ йилига тола олинади. Аммо етиштирилган толани сифати тўлиқ дунё андозалари талабларига жавоб беради деб бўлмайди. Чунки толанинг асосий кўрсаткичлари бу унинг сифати ҳисобланади, яъни асосан тола узунлиги, майинлиги, пишиқлиги ва йиғирувчанлигидир.

Жаҳон бозори асосан тола микронейрига катта эътибор қаратади. Микронейр–толанинг пишиб етилганлик даражасини белгилайди. Шунингдек, толанинг ранги ва жинлашдан кейинги сифати бўйича ташиқи кўриниши, нуқсон ва ифлос аралашмаларнинг вазни узилиши (%), намликнинг вазни нисбати (%) ҳам унинг баҳосига катта таъсир кўрсатади [1,3]. Пахтачилик соҳасида *G.hirsutum* L. турига мансуб тезпишар, ҳосилдор, зараркунанда ҳашаротларга ва ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамликка эга бўлган ҳамда тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратиш бир қатор долзарб муаммолар ечимини топишда муҳим ўрин тутади [2]. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда биз ўз олдимизга тола узунлиги юқори, майин ва пишиқлиги юқори толали ҳамда юқори йиғирувчанлиги индексига эга янги ғўза ашёларини яратишни қўйганмиз.

Микронейр кўрсаткичи белгиси бўйича энг сара оралик диапазоли 4,0-4,9 оралиғи бўлиб унинг даражаси “ўрта” саналади. Ўтказилган кузатувларда андоза С-6524 навида микронейр кўрсаткичи бўйича диапазоли 5,0 га, МТ-36, МТЧ-2736 ва К-2708 тизмаларида ундан ҳам юқори бўлиб, микронейр даражаси “дағал” эканлиги кузатилди. БАХ-100 тизмасида эса микронейр кўрсаткичи 3,9 га тенг бўлиб унинг даражаси “ингичка” бўлганлиги кузатилди.

Кузатувларда СП-2532, ЖБ-102, МТЧ-2736, Б₇С-9085с, Б₇С-9085п ҳамда идентификатор сифатида олинган С-4727 нав ва тизмаларнинг намуналари пахта толасининг микронейр кўрсаткич даражаси “ўрта” ораликда жойлашган бўлиб, андоза С-6524 ғўза навига нисбатан уларнинг толаси нафисроқ бўлиб, кўрсаткичи 0,1-1,2 гача юқори бўлди.

Юқори ўртача узунлик (UHML). С-6524 андоза навида толанинг юқори ўртача узунлиги 1,15 дюймни ташкил этди. Юқори ўртача узунликнинг энг минимал миқдори МТ-36 тизмасида 1,02 дюймни, БАХ-100 тизмаси 1,09 ва ЖБ-102 тизмаларида 1,08 дюймга тенг бўлди.

Толанинг юқори ўртача узунлиги бўйича энг юқори кўрсаткич идентификатор сифатида танланган С-4727 навида 1,19, СП-2533 навида 1,22 дюйм ва Б₇С-9085п тизмасида 1,20 дюймга тенг бўлди, яъни юқори миқдорларга эга бўлганлиги туфайли уларни селекцион-генетик тадқиқотларга тавсия этилади, қолган нав ва тизмалар андоза С-6524 навидан паст бўлиб, 1,14 ва 1,12 дюйм ораликларда жойлашди.

Солиштирма узилиш кучи (Str). Мазкур белги андоза С-6524 нави ва МТЧ-2736 тизмасида 34,6 гк/тексга тенг бўлганлиги кузатилди. СП-2533, ЖБ-102, МТ-36, К-2708 ва Б₇С-9085с нав ва тизмалар эса андоза навига нисбатан кам (31,7-33,0 гк/текс) ораликларини эгаллади. Энг кичик миқдори 30,5 гк/текс БАХ-100 тизмасида кузатилди.

Солиштирма узилиш кучининг энг юқори миқдорлари СП-2533 ғўза навида 34,8 гк/текс, Б7С-9085п навида 34,3 гк/текс хамда идентификатор сифатида олинган С-4727 навида 34,9 гк/текс миқдорлари кузатилиб, мазкур нав ва тизмалар солиштирма узилиш кучи белгиси бўйича селекцион генетик ишларига тулик жалб қилиниши мумкин.

Узунлик бўйича бир хиллик индекси (Unf). Мазкур Unf белгиси бўйича андоза С-6524 навида хамда БАХ-100 ва Б7С-9085п тизмаларида бир хил 83,6% кўрсаткични ташкил этди.

Unf белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич СП-2533 ғўза навида 85,7% ни ташкил этиб, СП-2532 навида 84,1%, МТ-36 ва МТЧ-2736 тизмаларида 84,7%, идентификатор сифатида олинган С-4727 ғўза навида 84,0%, К-2708 ва Б7С-9085п тизмаларида 84,6% бўлганлиги аниқланди. ЖБ-102 тизмаси эса Unf белгиси бўйича андоза С-6524 ғўза нави кўрсаткичидан 0,3% га пастлиги аниқланди.

Калта толалар индекси (SFI). С-6524 андоза навида мазкур белгининг кўрсаткичи 5,5 га тенг бўлиб, “жуда паст” мезонига киради. Ушбу мезонга идентификатор С-4727 навида, МТЧ-2736, К-2708 СП-2532 ва Б7С-9085п нав тизмаларида кузатилди. БАХ-100 6,5 га, ЖБ-102 6,9 га, МТ-36 ва Б7С-9085с 6,0 га тенг бўлди. SFI нинг энг минимал қиймати 3,5 га тенглиги СП-2533 ғўза навида учради.

Узилишдаги узайиш (Elg). Ушбу белги бўйича андоза С-6524 нави 6,8 га тенг бўлганлиги кузатилди. БАХ-100, Б7С-9085с ва Б7С-9085п тизмаларида бир хил 7,2 га, МТ-36 тизмасида 6,9 га ва МТЧ-2736 тизмасида 7,1 ни ташкил этди. Узилишдаги узайиш белгисининг энг юқори миқдори СП-2533 навида 8,1 га тенг бўлганлиги кузатилди. Ушбу белгининг энг кам миқдорлари ЖБ-102 ва идентификатор сифатида олинган С-4727 навида кузатилиб, унинг миқдори 6,7 га тенг бўлди.

Ранги бўйича нави (CG). Мазкур белги бўйича андоза С-6524 ғўза навининг кўрсаткичи 41-1 га тенглиги кузатилди. Пахта толасининг ранги бўйича Халқаро ва Ўзбекистон Республикасининг стандартлари бўйича энг юқори кўрсаткич 41-1 мезонига СП-2532, С-4727 ва К-2708 тизмалари эга бўлди.

Ранги бўйича навлар классификацияси ўрганилган нав ва тизмалар орасида 31-2 мезонига ЖБ-102 ва МТЧ-2736 тизмалари эга бўлди. Қолган тизмалар кўрсаткичлари БАХ-100, МТ-36 хамда Б7С-9085п тизмалари 51-1 ва 51-3 кўрсаткичлари оралиғида жойлашди.

Нур қайтариш коэффиценти (Rd) бўйича андоза С-6524 навида 76,4 га тенг бўлганлиги кузатилди. Нав ва тизмалар кесимида кўрилганда энг юқори кўрсаткич ЖБ-102 тизмасида 78,0, К-2708 тизмасида 76,5, С-4727 навида 76,7 ва МТЧ-2736 тизмасида 77,7 га тенг бўлди. Қолган тизмалар кўрсаткичлари андоза С-6524 навидан паст оралиғида бўлди.

Ип йигирувчанлик коэффиценти (SCI) С-6524 андоза навида 149 га тенг бўлди. БАХ-100 ва МТ-36 тизмалари “Ўрта” мезонига, ЖБ-102, Б7С-9085с ва СП-2532 навлари “Юқори” мезонига тенг бўлиб, қолган тизмалар андоза С-6524 навидан баланд 150 ва 169 “жуда юқори” мезони оралиғида жойлашди.

Сарғишлик даражаси (+b). Кузатувларда андоза С-6524 нави ва СП-2533 навида 6,3 ни ташкил қилди. Ушбу белги бўйича энг юқори миқдор БАХ-100 тизмасида 7,7, ЖБ-102 тизмасида 7,3 ва МТЧ-2736 тизмасида 7,0 тенглиги кузатилди. К-2708 тизмасида 6,4, С-4727 ғўза навида 6,5 га тенг бўлганлиги кузатилди. С-6524 андоза нави кўрсаткичидан паст бўлган МТ-36 тизмаси 5,1 га тенг бўлди.

Хулоса. Олиб борган тажрибаларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, ушбу ажратиб олган тизмалар технологик сифат кўрсаткичлари бўйича жахон талабларига жавоб беради. Шуни инобатга олган ҳолда айтишимиз мумкинки ушбу ажратиб олинган тизмаларни селекционер олимларимиз бошланғич донор сифатида селекция жараёнида фойдаланиш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Иксанов М., Халмонов Б. Мировое производство хлопка. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги – Ташкент. 2007.-№6.– Б. 19.
2. Эгамбердиев А., Алиев А.И., Матякубов Х. Ғўзанинг юқори тола сифатига эга бўлган тизмалар. // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами.–Тошкент,-1995.-Б.16-20
3. Silvertooth, J.C. and A. Galadima. Evaluation of Irrigation Termination Effects on Fiber Micronaire and yield of Upland Cotton, 2001-2002.// College of Agriculture and Life Sciences, Cooperative Extension, Tucson, Arizona. 2002. – P.17-41.

УДК 631.8

ЭФФЕКТИВНОСТЬ БИОСТИМУЛЯТОРА УЧКУН ПРИ ВЫРАЩИВАНИИ ОГУРЦА (CUCUMIS SATIVUS L.) В УСЛОВИЯХ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

М.Р. Баратова, к.б.н., доц., Андижанский филиал Ташкентского Аграрного Университета, Андижан

Ш.М. Косимова, ассистент, Андижанский филиал Ташкентского Аграрного Университета, Андижан

С.С. Бустонова, ассистент, Андижанский филиал Ташкентского Аграрного Университета, Андижан

Н.К. Хидирова, к.х.н., с.н.с., Институт химии растительных веществ АН РУз, Ташкент

Аннотация. Мақолада Андижон вилояти шароитида бодрининг “Орзу” навида «Учкун», «Госсипрен» ва «Вэрва» биостимуляторларининг таъсири натижалари ёритилган. Тажрибаларнинг

кўрсатишича, экишдан аввал бодринг уруғларига биостимуляторлар таъсир эттирилганда уруғларнинг унувчанлиги ва ўсиш жараёнларига ижобий таъсир этади. Бодрингнинг «Орзу» навига энг эффектив таъсир «Учкун» биостимуляторида кузатилди. Бодринг уруғлари биостимуляторлар билан ишлов берилганда ўртача хосилдорлик 9,85%; 24,27%; ва 14,02%ни, қўшимча хосилдорлик эса 2,0; 6,2; 2,7 т/га таъкил қилди.

Калит сўзлар: ўсимлик, биостимулятор, бодринг, унувчанлик, хосилдорлик

Аннотация. В этой статье излагаются результаты применения биостимуляторов «Учкун», «Госсипрен» и «Вэрва» на урожайность огурца сорта «Орзу» в условиях Андижанской области. Было установлено, что предпосевная обработка биостимуляторами семян огурца способствовала усилению всхожести семян и ростовых процессов. Наиболее эффективным стимулятором роста на огурце сорта «Орзу» оказался биостимулятор «Учкун». В среднем урожайность огурца при обработке биостимуляторами возросла на 9,85%; 24,27%; 14,02%; прибавка урожая составила 2,0; 6,2; 2,7 т/га соответственно.

Ключевые слова: растение, биостимулятор, огурец, всхожесть, урожайность

Abstract. It is describe an influence of the using bio stimulators “Uchqun”, “Gossipren” and “Verva” on the crop yield cucumber “Orzu” in the conditions of Andijan region of Uzbekistan. It was found that pretreatment biological stimulators had enhanced germination of seed and growth processes. The most effective stimulant was “Uchkun” on growth of cucumber “Orzu”. The average yield of cucumber increased by 9.85 per cent; 24.27%; 14.02%; Harvest amounted to 2.0; 6.2; 2.7 t/ha, respectively when processed with biological stimulators.

Keywords: plant, biostimulators, cucumber, germination, productivity

Целью данного исследования является изучение влияния биостимулятора «Учкун» на рост, развитие и урожайность огурца сортов «Орзу» при выращивании его в условиях Андижанской области Республики Узбекистан. Андижанская область расположена в восточной части Ферганской долины на высоте 490 метр над уровнем моря, на древних отложениях реки Андижансай. Климатическими особенностями области является высокая летняя температура и сухость воздуха, резкие колебания суточных и сезонных температур. Почва Андижанской области характеризуется наличием глеевого горизонта в нижней части профиля, и часто засолены, хорошо развиты гумусовые горизонты.

Применение экологически безопасных технологий при выращивании огурца – перспективное направление современной биотехнологий в Узбекистане. К таким технологиям относится использование биостимуляторов, которые значительно повышают адаптивные свойства и иммунитет сельскохозяйственных растений, увеличивая их урожай и качество продукции.

Методы исследования. Исследования проводились на экспериментальных участках Андижанского филиала Ташкентского Государственного Аграрного университета в 2018-2020 годах. Схема опыта предусматривала предпосевную обработку растений огурца биостимуляторами:

1. Контроль – обработка водой;
2. Стимулятором Госсипрен;
3. Биостимулятором Учкун;
4. Препаратом Вэрва - эталон.

Схема посадки квадратногнездовая. Площадь делянки 100 м². Повторность трехкратная, размещение делянок систематическое. При закладке полевых опытов руководствовались основными положениями методики полевого опыта [3]. Для оценки влияния биостимуляторов на всхожесть семян и качество рассады огурца была проведена предпосевная обработка семян, которая заключалась в их замачивание на 24 часа в растворах биостимуляторов роста. В течение вегетационного периода проводились фенологические наблюдения. Посев проводился 20 апреля 2018-2020 годах. Обработка биостимуляторами была проведена при норме расхода 200 мл /га 0,1% водными эмульсиями.

Огурец посевной (*Cucumis sativus* L.) принадлежит семейству «Тыквенные» (Cucurbitaceae). В семействе тыквенных он относится к 2 подсемейства, включает в себя 118 родов и 825 видов. В Узбекистане в основном выращиваются известные сорта огурцов Орзу, Номер, Кураж, Отелла и Галант [1]. При прорастании семени огурца формируется типично стержневой корень. Корневая система состоит из короткого стержневого корня и многочисленных боковых корней, располагающихся в поверхностных слоях почвы. Главные и отдельные боковые корни могут уходить вглубь до 1 м. Радиус распространения корней в стороны около 1,5 метра. Главный стебель огурца при образовании 4-5 листьев полегает и стелется по земле или поднимается вверх, цепляясь за окружающие предметы. В зависимости от сорта и условий произрастания он достигает длины от 50-80 см до 2 метр и более. Боковые побеги несут побеги второго и последующих порядков ветвления. После образования 7-10 листьев на стебле появляются усики. Листья огурца черешковые. В ходе онтогенеза они меняют размер и форму. У молодых листьев центральная доля выдается вперед и имеет острый угол, который увеличивается по мере роста листа.

Огурец-преимущественно, раздельнополое растение. Цветковые бугорки закладываются в пазухах первых трех листьев на четвертые-восьмые сутки после всходов. В первое время цветки носят черты гермафродитизма, затем происходит их дифференциация на пестичные и тычиночные типы. Женские цветки расположены обычно по одному - три, мужские - по пять - семь и собраны в соцветие - щиток. Смешанные узлы редки. Венчик и чашечка мужских и женских цветков одинаковый по строению, за исключением того, что венчик женского цветка крупнее мужского. Восприимчивость рыльца пестика к пыльце у огурца обнаруживается еще в бутоне - за два дня до начала цветения. Пыльца не выдерживает яркого солнечного освещения и высокой температуры (выше +27...+30°C). Раскрытие цветков огурца происходит в утренние часы - с 6 до 10 ч в зависимости от погоды. Мужские цветки увядают через один-два, а женские - через три-четыре дня после их раскрытия. На оплодотворение и завязываемость плодов влияют возраст пыльцы и рыльца, а также факторы внешней среды [2].

Плод огурца - ложная ягода с тремя, пятью семенными камерами. Форма плодов варьирует от шаровидной до змеевидной, но чаще яйцевидная, веретеновидная или цилиндрическая. Разные сорта огурца имеют плоды различной формы, размера, окраски, рисунка и других признаков. В плодах содержится 100-400 семян. Имеются и бессемянные, так называемые партенокарпические плоды.

Семена удлиненно-эллиптической формы, белой или слабояжелтой окраски, масса 1000 шт. 16-35 г. Нормальная всхожесть сохраняется до 5-6 лет. Огурец - культура светолюбивая, растение короткого дня. Большая вегетативная масса и мало плодов образуется при продолжительном дне. На скорость развития растений огурца влияет интенсивность света. Недостаток солнечного освещения снижает ассимиляцию и задерживает цветение на 1-2 недели. При недостатке света в плодах накапливается меньше сахаров и других питательных веществ.

Минимальная температура для прорастания семян огурца составляет +10...+12 °С, оптимальная - +25...+30°C. Для вегетативного роста растений огурца требуются температуры выше 15°C. Огурец - одна из наиболее влаголюбивых овощных культур. Плоды его содержат до 96% воды. Более высокая влажность почвы нужна растениям в первый период вегетации - до цветения. Наибольшее количество воды растение расходует в период интенсивного плодоношения.

При недостатке калия в растении накапливается аммиачный азот, что оказывает токсическое действие на листья. Они теряют окраску, появляются светло-желтые пятна, распространяющиеся между основными жилками к центру. Одним из первичных источников грибных, бактериальных и вирусных болезней огурца являются инфицированные семена. С семенами передаются возбудители таких опасных болезней огурца, как фузариозное увядание, корневые гнили (*Fusarium*, *Pythium*), аскохитоз, пероноспороз, бактериальное увядание, а также вирус зеленой крапчатой мозаики, вирус огуречной мозаики [5].

Инфекция может находиться на поверхности семян, под семенной оболочкой, в зародыше. Для подавления поверхностной инфекции хорошие результаты обеспечивает метод кратковременного замачивания семян в 0,5 %-ном растворе КМпО₄. Для обеззараживания семян огурца от вирусной инфекции, а также других патогенов, их подвергают воздействию высокой температуры. Биостимуляторы применяются для профилактики заболеваний огурца, оказывают положительное влияние на энергию прорастания и всхожесть семян, стимулируют корнеобразование. Учитывая результаты наших исследований, для обработки семян огурца с целью снижения заболеваемости растений мы рекомендуем применение биостимулятора «Учкун».

Биологическая ценность плодов огурца должна сочетаться с их безопасностью, поэтому за последние годы все большее внимание уделяется экологизированным технологиям выращивания и защиты огурцов. В настоящее время признано, что эффективным и приемлемым с точки зрения охраны окружающей среды является биологический метод защиты растений, предусматривающий применение биопрепаратов, приготовленных на основе, как живых культур микроорганизмов - антагонистов, так и продуктов их жизнедеятельности. В большинстве своем они являются альтернативой химическим препаратам и дают возможность соблюдать принципы охраны окружающей среды от чрезмерного загрязнения. Кроме того, при выращивании огурца часто используют регуляторы роста, оказывающие ростостимулирующее действие на растения и обладающие антистрессовой активностью.

В период вегетации рекомендовано опрыскивание растений и почвы под ними рабочим раствором биостимулятора «Учкун». Интервал между обработками составляет 7-10 дней. Кроме непосредственного воздействия на патогены, биопрепараты стимулируют рост и развитие растений, улучшают состав почвы, что, в конечном счете, повышает урожайность [6].

Результаты исследования. В условиях Андижанской области предпосевная обработка семян огурца с биостимулятором «Учкун» в концентрации 100 мл/литр в течение 30 минут ускоряла динамику прорастания семян на 31,8%, улучшала процессы роста и корнеобразования рассады. Сроки прохождения фазы фазы огурца ускорялись на 2-3 дня, достижение фазы массового созревания плодов на 3 дня раньше, чем в контроле. Применение биостимулятора «Учкун» в концентрации 100 ppm для опрыскивания рассады и растений в период цветения оказывало положительное влияние на биометрические показатели растений, урожайность и динамику формирования плодов культуры

огурца, индуцировало повышенную сопротивляемость к фузариозу и улучшало биохимические показатели плодов. Снижение степени развития фузариоза в обработанных биостимулятором «Учкун» в вариантах составляло 45-78%, увеличение урожая - 27-40%. Биохимический анализ плодов огурца показал увеличение содержания сухого вещества и витамина С в вариантах с применением «Учкун».

Предпосевная обработка биостимуляторами способствовала сокращению сроков появления всходов, усилению ростовых процессов. Всхожесть семян является важнейшим показателем их качества. Отсутствие данных о всхожести семян является фактическим показателем и может привести к большим убыткам [3, с.178; 4, с.256]. При обработке биостимулятором «Учкун» всхожесть семян наступила на 4 дня раньше, чем на контроле (таблица-1). В вариантах с использованием Госсипрен всхожесть наступила на 2 дня раньше, чем в контроле и на уровне эталонного препарата Вэрва (таблица-1).

Таблица-1

Влияние стимуляторов роста растений на всхожесть и динамику роста и развития огурца сорта «Орзу» (2019 г.)

Фазы развития	Контроль	Госсипрен	Учкун	Вэрва
Всхожесть	30.04.2019	28.04.2019	26.04.2019	28.04.2019
Бутонизация	20.05.2019	18.05.2019	16.05.2019	18.05.2019
Массовое цветение	01.06.2019	29.05.2019	26.05.2019	28.05.2019
Плодоношения	11.06.2019	09.06.2019	05.06.2019	07.07.2019

Приведенные данные в таблице-1 показывают, что при обработке стимуляторами роста растений во всех вариантах все фазы развития: бутонизация, массовое цветение и плодоношение, наступали на 4-6 дней раньше, чем в контрольном варианте. Фаза бутонизации при обработке биостимулятором Учкун наступила на 2 дня раньше, а в случае с Госсипрен наблюдаются на уровне эталонного препарата. Соответственно, наступление массового цветения тоже в вариантах Учкун на 3 дня раньше, чем Госсипрен и на 2 дня раньше, чем Вэрва. Следовательно, в этих вариантах раньше началось плодообразование.

Таблица-2

Влияние биостимуляторов на урожайность

Варианты	Кол-во плодов /растение	Средняя масса плода, г	Урожайность (т/га)
Контроль б/о	4	110	15,0
Госсипрен 0,1% -ный (200 мл/га)	7	110	16,9
Учкун 0,1%-ный (200 мл/га)	10	120	21,2
Вэрва 0,1%-ный (200мл/га)	8	120	17,7
*НСР _{0,5} =7,25		**S _x =0,7	

Примечание: *Наименьшая существенная разность; **средняя ошибка

Выводы. В среднем урожайность огурца возросла с 10,58% до 41,27%, а прибавка урожая в случае применения биостимулятора «Учкун» составила 6,2 т/га в сравнении с контрольным вариантом и на 5,1 т/га больше, чем в эталоне. Использование биостимулятора «Учкун» в посевах огурца сорта «Орзу» в условиях Андижанской области было наиболее эффективным в сравнении с Госсипреном и Вэрва. Таким образом, наиболее эффективным стимулятором роста на огурец сорта «Орзу» для сокращения периода вегетации является биостимулятор «Учкун». В среднем прибавка урожая огурца при предпосевной обработке семян биостимулятором «Учкун» составляет 6,2 т/га.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Гуляева, Г. В. Оценка качества овощной и бахчевой продукции – актуальная задача /Г. В. Гуляева, В. В. Коринец, В. А. Шляхов // Картофель и овощи. – 2012. – № 1. – С. 8-9.
2. И.А. Кязимова, И.Ю. Хусаинова, А.А. Набиев. Исследование технологии производства соков из огурца, плодов хурмы и шиповника//Пищевая промышленность. - 2018. -№ 6. -С. 53-55
3. Белик, В. Ф. Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве / В. Ф. Белик, Г.Л. Бондаренко. – М., 1979. – 209с.
4. Б.А. Доспехов. Методика полевого опыта.- М.: Колос, 1985. -352с.
5. Комарова, М.С. Сравнительная патогенность отдельных видов рода Fusarium, вызывающих корневую гниль огурца в защищенном грунте / М.С. Комарова // Защита растений. - М.- 1980. - Вып. 5. - С. 156-160.
6. Кононенко, А.Н. Эффективность совместного действия регуляторов роста и биопрепаратов при тепличной культуре огурца: автореф. дис. к.с.-х.н. / А.Н. Кононенко. - С.-Пб. - 2005. - 24 с.
7. Varatova M., Khidirova N., Kosimova S.Kh. An environmentally friendly way of growing pumpkin varieties Spanish-73, XIII International Symposium on the Chemistry of Natural Compounds, Shanghai, China, October 16-19, 2019, 73 p.

**ТУРЛАРАРО ЧАТИШТИРИБ ОЛИНГАН F₁ – F₃ ДУРАГАЙЛАРНИНГ АЙРИМ
ЦИТОГЕНЕТИК ТАҲЛИЛИ**

С.К. Матёкубов, таянч докторант, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

М.Ф. Санамьян, б.ф.д., Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

Ш.Э. Намазов, к/х.ф.д., проф., ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Ш.У. Бобохужаев, таянч докторант, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада Султон билан чатиштирилган дурагайларда чангчиларни пуштлилик бўйича цитогенетик таҳлил натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: турлараро, дурагай, чатиштириш, чангчи пуштлилиги, геном, селекцион оила

Аннотация. В статье даны результаты по фертильности пыльцы после цитогенетического анализа у гибридов полученных от скрещивание с Султоном.

Ключевые слова: межвидовой, гибрид, скрещивания, фертильность пыльцы, геном, селекционные семьи

Abstract. The article gave results on pollen fertility after cytogenetic analysis in hybrids obtained from crossing by Sulton.

Key words: interspecific, hybrid, crosses, pollen fertility, genome, breeding families.

Маълумки, ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда экилаётган ғўза навлари, асосан, геномичи дурагайлари ва навлараро чатиштириш орқали яратилган бўлгани учун, уларга хос қимматли-хўжалик белгиларини, селекцион услублардан фойдаланган ҳолда, тубдан ўзгартириш қийин. Мураккаб ғўза турлараро 3-4-5 турларни чатиштириш тадқиқотларида тетраплоид турлардан (*G.hirsutum* L., *G.barbadense* L.) AD геномли ва диплоид тур А геномига мансуб (*G.arboreum* L.) ва D геномига (*G.thurberi* Tod., *G.raimondii* Ulbr.) мансуб турлар асносида олинган янги ва аҳамиятли турлараро линиялар, оилалар ва ғўза навлари яратилган бўлиб улар ғўзанинг амалий селекцияси ва генетик селекцион тадқиқотларда бошланғич материал сифатида хизмат қила олиши мумкин [1, 2].

Таҷрибалар 2015-2019 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида ва Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ғўза генетикаси лабораторияси билан ҳамкорликда олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида турли йилларда олинган селекцион оилалар ва тизмалари ҳамда уларни чатиштириш асосида олинган айрим дурагай комбинациялардан фойдаланилди. Олинган натижалар “**Pollen**” дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинди.

Жадвал

Турлараро чатиштириб олинган F₁ – F₃ дурагай авлодларининг чангчиларида пуштлилик даражаси


№	Комбинации	F ₁	F ₂	F ₃
		Чангчиларни пуштлилиги, %	Чангчиларни пуштлилиги, %	Чангчиларни пуштлилиги, %
1	(F ₃₂ K203 х Наманган-1) х Султон	93,30 ± 0,85	96,65±0,61	92,31±1,37
2	(F ₁₆ K58 тип арб) х Султон	80,47 ± 1,27	92,52±0,85	93,23±0,73
3	(F ₃₁ K69 тип арб) х Султон	90,76 ± 1,83	93,57±0,98	84,50±1,02
4	(F ₂₄ Наманган-1хСурхон-5) х Султон	95,42 ± 0,63	90,32±1,11	95,93±0,48
5	Л-138 х Султон	92,35 ± 0,74	94,64±0,94	94,9±0,67
6	Л-470/1 х Султон	96,10 ± 0,54	94,32±1,01	93,4±0,66
7	Л-95 х Султон	96,84 ± 0,51	86,54±1,28	96,55±0,43
8	Л-158 х Султон	91,31 ± 1,03	94,51±1,03	94,1±0,62
9	Л-200 х Султон	97,40 ± 0,44	86,69±1,28	86,26±1,07
10	МВГ-2 х Султон	96,91 ± 0,50	92,53±1,00	85,55±1,04
11	Л-58 х Султон	96,05 ± 0,56	97,52±0,68	89,97±0,81
12	Л-1979 х Султон	93,20 ± 0,74	90,16±1,01	94,6±0,69
13	Л-175/248 х Султон	90,80 ± 0,77	95,36±0,80	92,7±0,66
14	Л-12/06 х Султон	93,92 ± 0,62	90,41±1,33	97,6±0,44
15	(F ₂₃ K-58 тип арб) х Султон	95,75 ± 0,60	95,58±0,78	91,94±0,66
16	БСГ-2/06 х Султон	92,50 ± 0,80	95,20±0,89	96,7±0,41
17	Л-588х Султон	89,24 ± 1,06	95,74±0,74	97,2±0,38

Ацетокармин ёрдамида чанг доналарни бўялиши натижасида Султон нави иштирокида чатиштириб олинган F₁ дурагайларнинг 17 та бошланғич шаклларида чангчиларнинг пуштлиликлиги даражасини ўрганиш асосида 15 тасида чангчиларнинг юқори даражадаги пуштлиликлиги (90,76±1,83% дан 97,40±0,44 гача) ва қолган иккитасида, яъни F₁(F₁₆K-58 тип арбхСултон) дурагайларда чангчиларнинг пуштлиликлик даражаси нисбатан пасайиб кетгани (80,47±1,27) ва стериллик даражаси 19,53±1,27 эканлиги, F₁(Л-588хСултон) дурагай комбинациялари мос равишда 89,24±1,06 ва стериллик даражаси 10,76±1,06 эканлиги аниқланди (жадвал). Иккинчи йилги маълумотларга асосан Султон иштирокидаги чатиштириб олинган 17 та F₂ дурагайларда чангчаларнинг пуштлиликлиги даражасини ўрганиш асосида 15 тасида чангчиларнинг юқори


даражадаги пуштлиликлиги $90,16 \pm 1,01$ дан $97,52 \pm 0,68\%$ гача ва қолган иккита дурагайда F_2 (Л-95хСултон) ва F_2 (Л-200хСултон) чангчиларнинг пуштлиликлик даражаси нисбатан пасайиб кетгани мос равишда $86,54 \pm 1,28\%$ ва $86,69 \pm 1,28\%$, ва стериллик даражаси $13,46 \pm 1,28$ ва $13,31 \pm 1,28\%$ эканлиги аниқланди. Учинчи йилги маълумотларга асосан ўрганилган дурагайлардан 13 таси юқори даражадаги пуштлиликлиги $91,94 \pm 0,66$ дан $97,6 \pm 0,44\%$ гача ва қолган тўрттасида F_3 ($F_{31}K69$ тип арбхСултон) $84,50 \pm 1,02$, F_3 (Л-200хСултон) $86,26 \pm 1,07$, F_3 (МВГ-2х Султон) $85,55 \pm 1,04$ ва F_3 Л-58 х Султон $89,97 \pm 0,81$ чангчиларнинг пуштлиликлик даражаси нисбатан пасайиб кетгани аниқланди. Мазкур дурагайларнинг стериллик даражаси даражаси ҳам ўз навбатида мос равишда $15,5 \pm 1,02$ дан, $13,74 \pm 1,07$, $14,55 \pm 1,04$, $10,03 \pm 0,81$ гача эканини кўришимиз мумкин.

Уч йиллик натижаларни умумлаштириб статистик таҳлил қилганимизда уч йилда ҳам бир-бирдан кескин фарқ қилмаган дурагайларни кўришимиз мумкин.

Жумладан; пуштлилик даражаси юқори бўлган F_{24} (Наманган-1хСурхон-5) х Султон дурагайи биринчи йили $95,42 \pm 0,63$, иккинчи йили $90,32 \pm 1,11$ ва учинчи йилги маълумотларга асосан $95,93 \pm 0,48\%$ эканлиги, Л-138хСултон дурагайи биринчи йили $92,35 \pm 0,74$, иккинчи йили $94,64 \pm 0,94$ ва учинчи йилги маълумотларга асосан $94,9 \pm 0,67$ эканлиги, Л-470/1 х Султон дурагайи биринчи йили $96,10 \pm 0,54$, иккинчи йили $94,32 \pm 1,01$ ва учинчи йилги маълумотларга асосан $93,4 \pm 0,66\%$ эканлиги ҳамда Л-1979хСултон дурагайи биринчи йили $93,20 \pm 0,74$, иккинчи йили $90,16 \pm 1,01$ ва учинчи йилги маълумотларга асосан $94,6 \pm 0,69\%$ эканлиги тадқиқот натижаларида ўз аксини топди. Йиллар давомида нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлган дурагайлар ҳам учради, жумладан, ($F_{16}K58$ тип арб) х Султон биринчи йили $80,47 \pm 1,27$, иккинчи йили $92,52 \pm 0,85$ ва учинчи йилги маълумотларга асосан $93,23 \pm 0,73\%$ эканлиги ҳамда ($F_{31}K69$ тип арб) х Султон биринчи йили $90,76 \pm 1,83$, иккинчи йили $93,57 \pm 0,98$ ва учинчи йилги маълумотларга асосан $84,50 \pm 1,02\%$ эканлиги тадқиқот натижаларида ўз аксини топди. Ғўзанинг мазкур дурагайларида пуштлилик чангчилар миқдорини пасайиши ва стерил чангчилар миқдорининг ошиши ўрганилаётган дурагайлар кариотибида яширин ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатади, бу эса чангчиларнинг унумдорлигини пасайишига олиб келади.



F_3 ($F_{31}K69$ тип арб) х Султон



F_3 ($F_{16}K58$ тип арб) х Султон

Шундай қилиб, ғўзанинг мазкур дурагайларида пуштлилик чангчилар миқдорини пасайиши ва стерил чангчилар миқдорининг ошиши ўрганилаётган дурагайлар кариотибида яширин ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатади, бу эса чангчиларнинг унумдорлигини пасайишига олиб келади. Кўп йиллик тажрибаларга асосан F_{24} Наманган-1хСурхон-5) х Султон, Л-138 х Султон, Л-470/1 х Султон ва Л-1979 х Султон дурагайлари юқори пуштлилик даражасини намоён қилди. Бу ашёлар селекцияда бошланғич ашё бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бобоев С.Ғ., Муратов А., Намозов Ш.Э. Ғўзанинг кўп геномли турлараро дурагайларида эртапишарлик белгисини шаклланиши // Ғўза ва бошқа кишлоқ хўжалик ўсимликлари эволюцион ва селекции қирралари номли халқаро илмий конф. материаллари. Тошкент. ФАН. 2005. С.31-32.

2. Бобоев С., Намазов Ш.Э., Муратов А. Ғўзанинг янги кўп геномли турлараро дурагайларида тола сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши // Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития: Материалы Международной научно-практической конференции. Ташкент. 2006. С.67-68.

УЎК 63

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎТМИШДОШ ДОН-ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРДАН СЎНГ ҒЎЗАДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ МАҚБУЛ ҚЎЛЛАШ МЕБЎРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Л.Мирзаев, қ.х.ф.н., к.и.х., ПСУЕАИТИ, Тошкент
А.Садулаев, ассистент, ККДУ, Нукус

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимлари орқали этиштириладиган асосий кузги

бугдой, кунгабоқар, кунжут ва соя экинларидан сўнг кейинги йил экиладиган ғўза экиннинг мақбул ўғитлаш тизимига бағишланган тажриба натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: бугдой, кунгабоқар, кунжут, соя, ғўза, ривожланиш даври, эрозия, гумус, озиқа модда

Аннотация. В статье представлены результаты опытов по оптимальной системе удобрения хлопка, который будет высажен в следующем году после выращивания основных культур озимой пшеницы, подсолнечника, кунжута и сои, выращиваемых в Республике Каракалпакстан в условиях орошаемых лугово-аллювиальных почв Аральского моря.

Ключевые слова: пшеница, подсолнечник, кунжут, соя, хлопок, период развития, эрозия, перегной, питательные вещества

Abstract. The article presents the results of experiments on the optimal fertilization system of cotton, which will be planted next year after the main winter wheat, sunflower, sesame and soybean crops grown in the Republic of Karakalpakstan in the conditions of irrigated meadow-alluvial soils of the Aral Sea.

Keywords: wheat, sunflower, sesame, soybean, cotton, development period, erosion, humus, nutrient

Кириш. Суғориладиган ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш республикамизнинг барча худудлари учун асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳозирги кунда суғориладиган тупроқларимизда шўрланиш, эрозияга чалиниш, ифлосланиш, гумус ва озиқа моддаларнинг камайиши каби салбий жараёнлар ривожланмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин аҳолини дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йилда 413-сонли ва 1998 йилда 344-сонли қарорлари ва суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли дон экинлари илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳар бир вилоятда филиалларини ташкил этилишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, Республикамиз Президентининг республикада озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқроқ қондириш, қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида 2008 йил 20 октябрда «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, қишлоқ даромади ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш кўзда тутилган.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи худудида тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида экилган ўтмишдош дон-дуккакли экинлардан сўнг мақбул ўғит меъёрларининг пахта ҳосилига таъсирини илмий-амалий асослашни асосий мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқотнинг мақсади: Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимларининг (кунгабоқар:ғўза, кунжут:ғўза ва соя:ғўза) аҳамияти ва ғўза мажмуидаги экинлардан сўнг ғўзада қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрларини илмий-амалий асослашдан иборат.

1-жадвал

Ғўза билан боғлиқ тадқиқотлар тажриба тизими, 2019 йил

Вар тартиби	Ўтмишдош, яъни ғўзадан олдин экилган экин турлари	Ғўзада қўлланиладиган ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га			Қўллаш муддатлари, кг/га							
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	Шудгор олдидан			Экиш билан бирга	Шоналашда		Гуллаш	
					N	P ₂ O ₅	K ₂ O		N	K ₂ O	N	P ₂ O ₅
1	Кузги бугдой	160	100	75	-	70	40	30	65	35	65	30
2		200	140	100	-	100	50	50	75	50	75	40
3		240	170	125	-	120	60	70	85	65	85	50
4	Кунгабоқар	160	100	75	-	70	40	30	65	35	65	30
5		200	140	100	-	100	50	50	75	50	75	40
6		240	170	125	-	120	60	70	85	65	85	50
7	Кунжут	160	100	75	-	70	40	30	65	35	65	30
8		200	140	100	-	100	50	50	75	50	75	40
9		240	170	125	-	120	60	70	85	65	85	50
10	Соя	160	100	75	-	70	40	30	65	35	65	30
11		200	140	100	-	100	50	50	75	50	75	40
12		240	170	125	-	120	60	70	85	65	85	50

Тадқиқот услублари. Изланишлар дала тажрибаси ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тажриба ўтказиш, фенологик кузатув, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш «Методика полевых опытов» (Доспехов, 1985), «Методика Государственного сорта испытания сельскохозяйственных культур» (1964) ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмаларига асосан ўтказилади. Тупроқ намуналаридаги чиринди, NPK умумий ва ҳаракатчан турлари миқдорлари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963) ва «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» (1977) усулномаларига биноан амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг турли тупроқ-иклим шароитларида алмашлаб экишнинг 3:7, 2:6, 2:4, 1:4:1:4, 2:4:1:3 ва ҳоказо тизимларида З.Турсунходжаев (1972), Н.Қашқаров (1979), Н.Халилов, П.Бобомирзаев, (2002), Х.Атабаева, О.Қодирходжаев (2006), Д.Ёрматова, Х.Хушвақтова (2008), М.Аманова, А.Рустамов (2010), Т.Азизов, И.Анарбаев ва бошқалар (2010, 2016) Ш.Нурматов ва бошқалар (2012), Б.Избасаров (2016), М.Аманова, Л.Алланазарова (2017), Р.Сидиков ва бошқалар (2017), А.Аманов ва бошқалар (2017) каби бир қанча олимлар томонидан амалий тавсиялар берилган.

Тажриба ўтказиш давомида ғўзанинг ривожланиш даврлари бўйлаб ва амал даври охирида ўсимлик таркибидаги озика модда миқдорлари таҳлил қилинди (2,3,4,5-жадваллар).

2-жадвал

Ғўзанинг ривожланиш фазалари бўйича ўсимлик органларида NPK миқдорлари, % ҳисобида
(кузги бугдой экилган далада)

Вариантлар тартиб рақами	Ғўзада қўлланилган минерал ўғит меъёри, кг/га	Ривожланиш даврлари										
		2-4 чин барг (28.05.19)		шоналаш даври (03.07.19)			гуллаш-мевалаш даври, 23.07.19			амал даври охири, 03.09.19		
		поя+барг	Барг	Поя	Шона	Барг	Поя	Гул	Барг	Поя	Пахта	Чанок
Азот, %												
1	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	2,70	3,85	2,91	3,75	3,45	2,82	3,75	1,56	1,67	1,72	1,41
2	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	2,71	3,87	2,93	3,79	3,51	2,86	3,80	1,59	1,69	1,75	1,48
3	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	2,71	3,84	2,90	3,71	3,50	2,81	3,82	1,52	1,75	1,68	1,43
Фосфор, %												
1	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,74	2,22	1,40	2,21	2,20	1,64	2,30	0,80	0,76	1,10	0,62
2	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,81	2,26	1,45	2,25	2,18	1,62	2,29	0,82	0,80	1,12	0,65
3	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,82	2,27	1,47	2,21	2,19	1,67	2,30	0,84	0,81	1,15	0,62
Калий, %												
1	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,32	1,31	2,43	2,38	1,25	2,21	2,86	0,81	2,70	1,52	1,23
2	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,35	1,32	2,41	2,35	1,26	2,25	2,91	0,83	2,72	1,59	1,26
3	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,33	1,30	2,34	2,37	1,30	2,27	2,95	0,79	2,72	1,62	1,22

3-жадвал

Ғўзанинг ривожланиш фазалари бўйича ўсимлик органларида NPK миқдорлари, % ҳисобида
(кунгабоқар экилган далада)

Вариантлар тартиб рақами	Ғўзада қўлланилган минерал ўғит меъёри, кг/га	Ривожланиш даврлари										
		2-4 чин барг (28.05.19)		шоналаш даври (03.07.19)			гуллаш-мевалаш даври, 23.07.19			амал даври охири, 03.09.19		
		поя+барг	Барг	Поя	Шона	Барг	Поя	Гул	Барг	Поя	Пахта	Чанок
Азот, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	2,68	3,87	2,90	3,71	3,45	2,81	3,70	1,61	1,65	1,73	1,43
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	2,75	3,85	2,90	3,74	3,42	2,85	3,74	1,63	1,65	1,74	1,50
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	2,74	3,85	2,91	3,70	3,43	2,80	3,75	1,65	1,68	1,75	1,51
Фосфор, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,67	2,20	1,43	2,18	2,21	1,60	2,32	0,82	0,77	1,11	0,65
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,75	2,27	1,42	2,17	2,25	1,61	2,34	0,84	0,81	1,14	0,67
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,76	2,27	1,43	2,20	2,24	1,62	2,34	0,83	0,83	1,15	0,64
Калий, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,35	1,29	2,41	2,35	1,23	2,25	2,85	0,81	2,74	1,55	1,24
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,37	1,30	2,43	2,34	1,26	2,26	2,86	0,84	2,75	1,57	1,25
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,37	1,32	2,42	2,35	1,31	2,25	2,87	0,83	2,75	1,58	1,23

Тадқиқот натижалари. Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимлари орқали етиштириладиган асосий кузги бугдой, кунгабоқар, кунжут ва соя экинларидан сўнг кейинги йил экиладиган ғўза экиннинг мақбул ўғитлаш тизимини илмий асослашга бағишланган дала тажрибаси 2018-2019 йй. мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги “Сапаргул Хасанова” фермер хўжалигида ўтказилди. Ушбу худуддаги асосий кузги бугдой, кунгабоқар, кунжут ва соя экинларидан сўнг кейинги йил экиладиган ғўза экиннинг мақбул ўғитлаш тизимига бағишланган тажрибалар қуйидаги тузулма бўйича (1-жадвал) амалга оширилди.

Ғўзада ҳар бир вариант эни –4,8 м, узунлиги –50 м, умумий майдони –240 м². Тажриба 3 такрорланишда бўлиб, умумий майдони –8640 м².

Тажриба майдони дастлаб тегишли қайтариқ ва варинтларга бўлинади ва тажриба тизими бўйича аммиакли селитра (34% N), мочевино (46% N), супрефос (N-10%, P₂O₅-22-23%) ва калий хлориди (60% K₂O) минерал ўғитлари қўлланилди.

Гўзанинг ривожланиш фазалари бўйича ўсимлик органларида NPK миқдорлари, % ҳисобида (кунжут экилган далада)

Вариантлар тартиб рақами	Гўзада қўлланилган минерал ўғит меъёри, кг/га	Ривожланиш даврлари										
		2-4 чин барг (28.05.19)	шоналаш даври (03.07.19)			гуллаш-мевалаш даври, 23.07.19			амал даври охири, 03.09.19			
		поя+барг	Барг	Поя	Шона	Барг	Поя	Гул	Барг	Поя	Пахта	Чанок
Азот, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	2,73	2,94	2,93	2,74	3,47	2,87	3,79	1,59	1,70	1,74	1,45
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	2,75	2,93	2,94	2,76	3,49	2,89	3,81	1,62	1,72	1,76	1,47
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	2,74	2,96	2,95	2,75	3,47	2,89	3,82	1,64	1,74	1,74	1,48
Фосфор, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,71	2,25	1,43	2,23	2,24	1,63	2,32	0,83	0,84	1,13	0,64
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,74	2,29	1,47	2,24	2,25	1,65	2,32	0,87	0,83	1,15	0,65
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,73	2,29	1,48	2,24	2,26	1,67	2,33	0,85	0,83	1,16	0,64
Калий, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,33	1,35	2,44	2,35	1,28	2,24	2,84	0,83	2,74	1,53	1,25
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,35	1,34	2,45	2,36	1,27	2,26	2,89	0,84	2,76	1,62	1,27
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,32	1,36	2,46	2,33	1,28	2,25	2,90	0,86	2,77	1,63	1,25

Гўзанинг ривожланиш фазалари бўйича ўсимлик органларида NPK миқдорлари, % ҳисобида (соя экилган далада)

Вариантлар тартиб рақами	Гўзада қўлланилган минерал ўғит меъёри, кг/га	Ривожланиш даврлари										
		2-4 чин барг (28.05.19)	шоналаш даври (03.07.19)			гуллаш-мевалаш даври, 23.07.19			амал даври охири, 03.09.19			
		поя+барг	Барг	Поя	Шона	Барг	Поя	Гул	Барг	Поя	Пахта	Чанок
Азот, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	2,75	2,94	2,95	2,78	3,51	2,89	3,80	1,62	1,73	1,75	1,47
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	2,78	2,96	2,96	2,79	3,52	2,90	3,83	1,63	1,75	1,77	1,49
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	2,77	2,97	2,97	2,78	3,56	2,91	3,84	1,65	1,75	1,76	1,48
Фосфор, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,74	2,30	1,45	2,25	2,25	1,65	2,35	0,85	0,85	1,15	0,65
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,75	2,32	1,50	2,26	2,27	1,67	2,37	0,88	0,87	1,17	0,67
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,76	2,32	1,52	2,27	2,29	1,68	2,36	0,87	0,87	1,16	0,68
Калий, %												
4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	1,35	1,36	2,45	2,36	1,30	2,25	2,87	0,84	2,75	1,55	1,26
5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	1,38	1,36	2,47	2,37	1,32	2,27	2,91	0,86	2,78	1,59	1,29
6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	1,39	1,38	2,47	2,37	1,35	2,28	2,92	0,87	2,78	1,62	1,29

Кузги буғдой экилган майдонда кейинги йили гўза парвариш қилинганда ўсимликнинг амал даври охирида қўлланилган минерал ўғит (N₁₆₀P₁₀₀K₇₅, N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ ва N₂₄₀P₁₇₀K₁₂₅ кг/га) меъёрларига мос равишда NPK миқдорлари баргда -1,56:0,80:0,81; 1,59:0,82:0,83 ва 1,52:0,84:0,79 фоизни ташкил этган ҳолда, ушбу кўрсаткичлар пояда 1,67:0,76:2,70; 1,69:0,80:2,72 ва 1,75:0,81:2,72 фоизни, пахтада 1,72:1,10:1,52; 1,75:1,12:1,59; 1,68:1,15:1,62 фоизни ҳамда чанокда 1,41:0,62:1,23; 1,48:0,65:1,26; 1,43:0,62:1,22 фоиз бўлди.

Ҳар қандай тупроқ иқлим шароитда бўлишидан қатъий назар барча омиллар ўсимликнинг курук масса тўплашига ўз таъсирини кўрсатиши кўплаб тадқиқотларда ўз исботини топган [16;17-18-б,26;21-б,29;237-Р;23;23-б].

Бизнинг изланишларимизда ҳам гўзанинг ривожланиш даврлари бўйлаб ва амал даври охирида вариантлар кесимида ўсимлик намуналарини олиб, сояда ва лаборатория шароитида термостатда қуришиб, курук масса тўплашини аниқладик (6-жадвал).

Гўзанинг амал даври охирида кузги буғдой экилган майдонда энг юқори курук масса гўзада минерал ўғит меъёрлари N₂₄₀P₁₆₀K₁₄₀ кг/га қўлланилган 12 вариантда 154,6 г/ўсимликни ташкил этган бўлсада пахтанинг салмоғи минерал ўғитлар меъёри N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га қўлланилган вариантга нисбатан 0,3 грамм кам бўлди.

Кунжут экилган майдонда гўзага қўлланилган минерал ўғит меъёрлари N₁₆₀P₁₀₀K₇₅, N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ ва N₂₄₀P₁₇₀K₁₂₅ кг/га бошқа вариантларга нисбатан бироз бўлсада ўсимлик курук массаси юқори бўлди (136,5; 149,2 ва 153,8 г/ўсимлик).

Гўзада қўлланилган турли меъёрдаги минерал ўғитлар ўсимликнинг курук масса тўплашига, айниқса пахта ҳосилини шаклланишига албатта турлича ўз таъсирини кўрсатди.

Бизнинг изланишларимизда кузги буғдой ва ундан сўнг экилган тақрорий экинларда турли меъёрларда қўлланилган минерал ўғитларнинг гўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқладик (2 –расм).

Кузги буғдой экилган майдонда энг юқори пахта ҳосили гўзада минерал ўғит меъёрлари N₂₄₀P₁₆₀K₁₄₀ кг/га қўлланилган 3 вариантда 33,2 ц/га олинган бўлса, гўзани N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрда ўғитланган 2 вариантда 32,1 ц/га ва гўзани N₁₆₀P₁₀₀K₇₅ кг/га озиклантирилган вариантда 28,6 ц/га пахта ҳосили олинди. Кунгабоқар экилган майдонда пахта ҳосили бошқа экинлар майдонларига нисбатан пастлиги билан тавсифланади. Бу албатта кунгабоқар экиннинг тупроқдан юқори миқдорда озиқа унсурларни олиб чиқиши билан боғлаймиз. Хусусан, ушбу экин фонида ҳам

юқори пахта ҳосили минерал ўғитларни юқори N240P160K140 кг/га меъёрда қўлланилган 6 вариантда кузатилди (31,7 ц/га). Лекин айнан ушбу ўғит меъёри 3 вариантга нисбатан 1,5 ц/га кам кўрсаткични ташкил этди.

6-жадвал

Ўзанинг қуруқ модда тўплаши, г/ўсимлик

вар №	Ўтмишдош экин тури	Ўзада қўлланилган минерал ўғит меъёрлари, кг/га	2-4 чин барг (28.05.19)	шоналаш даври (03.06.19)				гуллаш-мевалаш даври (23.07.19)			
				барг	поя	шона	умумий	барг	поя	Шона+гул	умумий
1	кузги бугдой	N160P100K75	0,71	9,5	5,3	1,5	16,3	11,4	7,2	4,5	23,1
2		N200P140K100	0,75	9,9	5,5	1,6	17,0	11,5	8,3	5,0	24,8
3		N240P170K125	0,78	9,8	5,7	1,9	17,4	14,6	8,9	5,2	28,7
4	кунгабоқар	N160P100K75	0,73	9,4	5,2	1,6	16,2	12,5	8,1	4,6	25,2
5		N200P140K100	0,74	9,7	5,6	2,0	17,3	13,9	9,6	5,1	28,6
6		N240P170K125	0,74	9,8	5,7	2,0	17,5	16,0	9,5	5,4	30,9
7	кунжут	N160P100K75	0,75	10,0	5,5	1,6	17,1	12,9	8,5	4,9	26,3
8		N200P140K100	0,78	10,3	5,9	2,1	18,3	14,7	9,3	5,5	29,5
9		N240P170K125	0,80	10,5	5,9	2,0	18,4	15,6	9,5	6,0	31,1
10	соя	N160P100K75	0,78	11,0	5,6	2,1	18,7	13,7	8,7	5,3	27,7
11		N200P140K100	0,81	11,7	6,0	2,6	20,3	15,6	9,5	6,2	31,3
12		N240P170K125	0,83	12,2	6,1	2,6	20,9	15,9	9,6	6,2	31,7

амал даври охири (03.09.19)							
1	кузги бугдой	N160P100K75	барг	поя	пахта	чанок	умумий
2		N200P140K100	21,4	39,2	43,7	21,0	125,3
3		N240P170K125	23,2	41,6	51,2	23,3	139,3
4	кунгабоқар	N160P100K75	22,6	40,7	45,6	22,9	131,8
5		N200P140K100	24,8	42,8	52,9	24,7	145,2
6		N240P170K125	25,2	43,7	53,3	25,6	147,8
7	кунжут	N160P100K75	23,1	41,5	48,7	23,2	136,5
8		N200P140K100	25,9	43,6	53,8	25,9	149,2
9		N240P170K125	26,7	45,9	54,4	26,8	153,8
10	соя	N160P100K75	23,9	41,8	52,8	23,8	138,6
11		N200P140K100	25,8	45,7	54,3	27,4	153,2
12		N240P170K125	26,5	46,0	54,0	28,1	154,6

2 - расм. Пахта ҳосилдорлиги, ц/га (НСР₀₅= 1,6 ц/га)

Кунжут экилган майдонда ўзага қўлланилган минерал ўғит меъёрлари N160P100K75, N200P140K100 ва N240P170K125 кг/га бошқа вариантларга нисбатан бироз бўлсада пахта ҳосилини ортишига ижобий самара берган деган хулосага келиш мумкин (29,3; 33,4 ва 33,8 ц/га).

Лекин, бу борада соя экини ўза учун энг мақбул ўтмишдош экин бўлишини тажрибада олинган пахта ҳосилига асосан айтиш мумкин.

Чунки, ушбу экин ўрнида ғўзани мақбул агротехникаси қўлланилганда минерал ўғитларнинг юқори меъёрлари эмас, балки паст меъёрлари ўзини самарасини кўрсатди (N160P100K75 кг/га қўлланилган 10 вариантда 34,9 ц/га, ғўзани N200P140K100 кг/га меъёрда озиклантирилган 11 вариантда 36,7 ц/га ва ғўзани N240P160K140 кг/га меъёрда озиклантирилган 12 вариантда 35,0 ц/га пахта ҳосили олинди).

Демак, олинган натижалар бўйича асосий экин сифатида соя экилган майдонларга ғўзани йиллик меъёрини N160P100K75 ва N200P140K100 кг/га меъёрида қўлланилиши иқтисодий самараси юқори деган хулосага келиш мумкин.

Хулоса

1. Таҷрибанинг 2019 йили эса ғўза экилмасдан олдин тупроқнинг 0-30 см қатламидаги минерал азот (N-NH₄ + N-NO₃) миқдори кузги буғдой экилган майдонда 17,5 мг/кг, кунгабоқар экилган майдонда 15,5 мг/кг, кунжут экилган майдонда 17,1 мг/кг ва соя экилган майдонда 18,5 мг/кг бўлса, ғўзанинг амал даври охирида қўлланилган минерал ўғит N160P100K75, N200P140K100 ва N240P170K125 кг/га меъёрларига боғлиқ тупроқнинг 0-30 см қатламидаги минерал азот N-NH₄ + N-NO₃ миқдори кузги буғдой экилган майдонларда 19,8, 21,0 ва 22,0 мг/кг, кунгабоқар экилган майдонда 22,7, 24,1 ва 26,2 мг/кг, кунжут экилган майдонларда 27,3, 28,6 ва 30,0 мг/кг ҳамда соя экилган майдонларда энг юқори кўрсаткичларни 28,5, 30,6 ва 32,2 мг/кг ни ташкил этди.

2. Ғўзанинг амал даври охирида кузги буғдой экилган майдонда энг юқори курук масса ғўзада минерал ўғит меъёрлари N240P160K140 кг/га қўлланилган 12 вариантда 154,6 г/ўсимликни ташкил этган бўлсада пахтанинг салмоғи минерал ўғитлар меъёри N200P140K100 кг/га қўлланилган вариантга нисбатан 0,3 грамм кам бўлди. Кунжут экилган майдонда ғўзага қўлланилган минерал ўғит меъёрлари N160P100K75, N200P140K100 ва N240P170K125 кг/га бошқа вариантларга нисбатан бироз бўлсада ўсимлик курук массаси юқори бўлди (136,5; 149,2 ва 153,8 г/ўсимлик).

3. Кузги буғдой ва кунгабоқар экилган майдонда энг юқори пахта ҳосили ғўзада минерал ўғит меъёрлари N240P160K140 кг/га қўлланилган 3 ва 6 вариантларда 33,2-31,7 ц/га олинган бўлса, кунжут экилган майдонда ғўзага қўлланилган минерал ўғит меъёрлари N160P100K75, N200P140K100 ва N240P170K125 кг/га бошқа вариантларга нисбатан бироз бўлсада пахта ҳосилини ортишига ижобий самара берган деган хулосага келиш мумкин (29,3; 33,4 ва 33,8 ц/га).

4. Соя экилган майдонларга кейинги йили ғўзада мақбул агротехника қўлланилганда минерал ўғитларнинг юқори меъёрлари эмас, балки паст меъёрлари ўзини самарасини кўрсатди (N160P100K75 кг/га қўлланилган 10 вариантда 34,9 ц/га, ғўзани N200P140K100 кг/га меъёрда озиклантирилган 11 вариантда 36,7 ц/га ва ғўзани N240P160K140 кг/га меъёрда озиклантирилган 12 вариантда 35,0 ц/га пахта ҳосили олинди).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси.

2. Азизов Т.Б., Анарбаев И.У. ва бошқалар. Кунжудан мўл ҳосил етиштириш агротехникаси бўйича тавсиялар. Тошкент, 2010 й., 24-бет.

3. Азизов Т., Анарбаев И., Балкибекова Р., Файзиёв О. Мойли ўсимликлардан кунгабоқар, ерэнгоқ, кунжутнинг ривожланишига минерал ва биоўғитларнинг таъсири//Агро илм-Ўзбекистон қ/х журнали, 2016 йил №5(43), 66-бет.

4. Аманов А.А., Анарбаев И.У., Идиятуллина Д.Л., Абитов И.И., Расулов М., Халилов У.М., Исраилов А.С. Мойли экинлардан (кунгабоқар, соя, махсар) юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар // Тошкент, ТИМИ 2017, 26-бет.

5. Джуманиязова Ю. Кузги буғдойда суғориш тартиблари асосида азотли ўғитлар меъёрларининг самарадорлиги. қ.-х фанлари номзоди... дисс. автореферати. Тошкент, 2011. -23 б.

УЎТ:635.61+611

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ҚЕЧПИШАР ҚОВУН ГЕНОФОНДИ ТАРКИБИДАГИ АЙРИМ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Р.А. Низомов, қ/х.ф.д., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Тошкент

С.М. Садуллаев, докторант, Урганч давлат университети, Урганч

М.Ў. Халимова, қ/х.ф.н., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм вилоятида етиштирилган «Туёна», «Амударё», «Бижир», «Бешек», «Қари қиз», «Гурлан», «Саховат», «Гулобий-Хорезмий», «Рохат», «Ала-хамма», каби навларнинг фенологик, биометрик ўлчов, хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган. Олинган натижаларга асосан юқори кўрсаткичга эга бўлган навлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзи: фенологик кузатув, оналик гул, оталик гул, биометрик ўлчовлар, поя узунлиги, ён шохлар, хўжалик белгилари, меванинг вазни, этининг қалинлиги, эрувчан қуруқ модда миқдори

Аннотация. В статье дан сравнительный анализ фенологических, биометрических измерений, показателей хозяйственной характеристики таких сортов, как «Туёна», «Амударё», «Бижир»,

«Бешек», «Карикиз», «Гурлан», «Саховат», «Гулоби-Хорезми», «Рохат», «Ола-хамма», *выращиваемых в Хорезмской области. По полученным результатам были показаны сорта с высокими показателями.*

Ключевые слова: фенологические наблюдения, материнский цветок, отцовский цветок, биометрические измерения, длина стебля, боковые ветви, хозяйственные признаки, масса плода, толщина мякоти, количество растворимого сухого вещества

Abstract. This article analyses the phenologic, biometric measures, the indications of growing features of melon species cultured in Khorezm region such as “Tuyana”, “Amudarya”, “Bijir”, “Beshak”, “Qaryqyz”, “Gurlan”, “Sahovat”, “Guloby Khorazmiy”, “Rahat”, “Ala-khamma” species comparatively. The species with high fertility indications are identified and presented basing on the research results.

Key words: phenological observation, pistil-late flower, staminate flower, biometric measures, the length of stalk, side brunches, growing features, weight of fruit, thickness of rind, the amount of thaw dry substance

Кириш: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29- мартдаги “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 259-сонли қарорига биноан республикада қовун – 25016 гектар, тарвуз – 25569 гектар ҳамда қовоқ – 9571 гектарда, жами 60156 гектар майдонда полиз экинларини экилиши режалаштирилган [5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташириқлари давомида берилган топшириқлари ва 30 ноябрь куни Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси йиғилиши баёни ижроси, шунингдек, Хоразм вилоятида қовун етиштирувчи хўжаликларини ташкил этиш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш, инновацион технологиялар асосида қовуннинг очик майдонларда ва иссиқхонларда етиштириш, уни қайта ишлашни комплекс ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 февралдаги “Хоразм вилоятида қовун етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 114-сонли қарори тасдиқланди. Қарорга биноан Хоразм вилоятида фойдаланилмаётган ерларда экспортбоп қовун маҳсулотларини очик усулда 2019-2020 йилларда босқичма-босқич ошириб бориш белгилаб берилган.

Хоразм воҳасининг маҳаллий 10 хил қовун нав намуналарини Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий тажриба станциясида 1,5 гектар тажриба майдонига экиш схемаси $\frac{210+70}{2} \times 70$ см экиб ўрганилди [1].

Кузги-қишки мавсумда (2018 йил ноябрь-декабрь ойлари) ва баҳор ойида (февраль-март ойлари) шўр ювиш ишлари олиб борилди. Ер текисланиб, мола тортилди. Тажрибаларда 1 май куни олдиндан суғорилган эгатларга уруғлар курук ҳолда экилди.

Ўсимликлар ўсув даврида 3 марта культивация, 3 марта чизел, 4 марта кетмон чопиқ ва ўток қилинди. Палак 7 марта таралди [3].

Ўсув даврида ўсимликлар 200 кг/га аммофос, 400 кг/га аммоний сульфат, 150 кг/га калий ўғитлар билан озиклантирилди, 1 марта суғорилди [2].

Етиштириш технологияси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган қўлланма [1975] асосида олиб борилди.

Хоразм илмий тажриба станциясида 2018 йилда нав намуналаридан ажратиб олинган қовуннинг «Туёна», «Амударё», «Бижир», «Бешек», «Қари қиз», «Гурлан», «Саховат», «Гулобий-Хорезмий», «Рохат», «Ала-хамма», навлари билан қиёслаш синовини ўтказилди. Синов давлат нав синаш услуги (ГСИ 1975) асосида ўтказилди. Ҳар бир намунада 20 тадан ўсимлик, 20 м² майдондан 4 қайтариқда олиб борилди.

Экиш схемаси (210+70)/2 x 70 см.

Ўсув даврида қуйидаги кузатиш ва ўлчовлар ўтказилади.

- Ўсув даврининг асосий босқичларини (10%-75%) униб чиқиши, оталик ва оналик гулларини очилиши, мевани пишишини кузатиш;

- Ўсимлик палакларини биометрик ўлчовлари (асосий ва ён шохлар узунлиги, ён шохлар сони) 3 та ўсимликда;

- Ўсимликларни морфологик ва нав белгилари бўйича баҳолаш;

- Ун шудринг, палак сўлиш ва некроз касалликларига чидамлилигига баҳо бериш (ВАСХНИИЛ, 1970)

- Ҳосилни ҳамма қайтариқлар бўйича ҳисобини олиш, т/га;

- Олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш, (Доспехов М. 1985 йил).

Ўзбекистон қовунлари ширин таъмга эга, хар хил ёқимли хид таратувчи навлари мавжуд. Навлар пишиш даврига кўра эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларга ажратилади. Маҳаллий навлар кўпчилиги йирик мевали бўлиб, экспортга кўпроқ ўрта ва кичик ҳажмларига талаб юқори. Биз

Хоразм вилояти шароитида кўп экиладиган навларнинг хусусиятларини ўргандик. Бу навлар куйидагилардан иборат «Туёна», «Амударё», «Бижир», «Бешек», «Қари киз», «Гурлан», «Саховат», «Гулобий-Хорезмий», «Рохат», «Ала-хамма». Уларни Хоразм вилоят шароитида ўсиш ривожланишини ўрганиш учун. Фенологик, биометрик, хўжалик белгилари текшириб борилди.

1-жадвал

Қовун навларини фенологик кузатув кўрсаткичлари

т/р	Нав намуналари	Каталог рақами	Уруғ униб чиқиши, кун	Гулларини очилиши, кун		Мева етилиш даври, кун
				оталик	оналик	
1	Туёна	109	16	34	45	121
2	Амударё	90	16	35	46	98
3	Бижир	33А	16	35	48	115
4	Бешек	78	16	42	50	120
5	Қари киз	104А	16	44	54	142
6	Гурлан	92	16	42	51	136
7	Саховат	85	16	44	54	129
8	Гулобий-Хоразмий	100	16	35	46	126
9	Рохат	-	16	34	45	121
10	Ала-хамма	106А	16	36	46	124

2-жадвал

Қовун навларини биометрик ўлчовлар кўрсаткичлари

т/р	Нав намуналари	Каталог рақами	Асосий поя узунлиги, см	Ён шоҳлар узунлиги, см	Умумий узунлиги, см	Ён шоҳлар сони, дона
1	Туёна	109	166	618	785	4
2	Амударё	90	166	755	911	4,5
3	Бижир	33А	140,6	415,3	555,9	3
4	Бешек	78	141	552	722	4
5	Қари киз	104	202	633	836	4,5
6	Гурлан	92	185	688	866	4
7	Саховат	85	160	565	710	4
8	Гулобий-Хоразмий	100	177	699	875	4
9	Рохат	-	138	565	704	4
10	Ала-хамма	106А	152	729	882	4

3-жадвал

Қовун навларини хўжалик белгилари бўйича қисқача таърифи

т/р	Нав намуналари	Каталог рақами	Меванинг вазни, кг	Этининг қалинлиги, см	Эрувчан қуруқ модда миқдори, РСВ%
1	Туёна	109	6,3	6,0	12,5
2	Амударё	90	3,2	5,0	14,0
3	Бижир	33А	6,2	5,0	16,0
4	Бешек	78	8,1	6,2	12,0
5	Қари киз	104	5,0	5,7	13,0
6	Гурлан	92	5,6	6,5	16,5
7	Саховат	85	6,4	5,0	12,0
8	Гулобий-Хоразмий	100	5,5	5,5	12,5
9	Рохат	-	6,3	6,0	12,5
10	Ала-хамма	106А	6,3	7,0	11,5

Хоразм вилояти шароитида бу навларнинг фенологик кузатув натижалари 1-жадвалда келтирилган «Туёна», «Рохат» навлари оталик гулларини очилиши учун ўрганилган бошқа навларга нисбатан қисқа 34-кун вақт талаб қилади. «Саховат», «Қари киз» навларининг оталик гуллари очилиши учун ўрганилган навларга нисбатан узоқ 44 кун талаб қилиш аниқланди. Оналик гуллари очилиши учун эса «Туёна» ва «Рохат», навларига 45 кун зарур. «Саховат» ва «Қари киз» навлари учун бу белгилар пайдо бўлиши учун 54 кун талаб қилинади. Етилиш даври ўрганилганда эса нон-гўшт нави учун бошқа навларга нисбатан қисқа вақт 98 кун сарфланиши талаб қилиниши аниқланди. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики пишиш даври бир хил кечпишар навларда оталик гуллар хосил бўлиш даври ўртасидаги фарқ 9-кунгача бўлиши мумкин. Олинган натижаларда навларнинг пишиши учун талаб қилинадиган вақтлар навлар ўртасидаги фарқлари 50-кунгача бўлиши мумкин. Демак пишиш даври бир хил кеч пишар навлар ўсиш ривожланишида оналик ва оталик гуллар пайдо бўлиши учун зарур бўлган вақт доим уларнинг пишиб етилиши учун зарур бўлган вақтга боғлиқ

бўлмаслиги мумкин. Масалан оналик гуллар ҳосил бўлиши учун «Туёна» нави 45-кун талаб қилган, «Амударё» нави эса 46-кун талаб қилган бўлса, «Туёна» нави 120-кунда, «Амударё» нави эса 98-кунда пишиб етилади. «Туёна» нави оналик гуллар ҳосил қилиш учун «Амударё» навига нисбатан 1-кун кўп вақт талаб қилган. Аммо пишиб етишиш учун 23-кун вақт кам талаб қилган. Олинган натижалар кўрсатишича Хоразм вилояти тупроғида 10-нав ўсиши мумкин. Иқлим шароитларида гулларни очилиши учун сарфланган вақт, меванинг пишиб етилиши учун сарфланадиган вақт билан доим пропорционал эмас.

Биометрик кўрсаткичлар сифатида асосий поя узунлиги, ён шохлари узунлиги, умумий узунлиги, ён шохлари сони ўрганилди (2-жадвалга қаранг).

Ўрганилган қовун навларидан «Қари-қиз» асосий поясининг узунлиги 202 см бўлиб, бошқа барча навларга нисбатан узун бўлиши кузатилди. Навларнинг асосий поя узунлиги ўрганилган барча навларнинг асосий поя узунлигига нисбатан калта бўлиб, 138-сантиметрли ташкил қилди. Ён шохлар узунлиги «Ала-хамма» навида 699 см бўлиб, бошқа навларга нисбатан узун бўлиши кузатилди. «Бижир» навларида 415,3 см ташкил қилди ва ўрганилган барча навларга нисбатан калта бўлиши кузатилди. Навларнинг умумий узунлиги ўрганилган «Ала-хамма» навида 882 см бўлиб, бошқа навлардан узун бўлиши қайд қилинди. «Гулбий-Хоразмий» навлари умумий 710 см бўлиб, бошқа навларга нисбатан калта бўлганлиги кузатилди. Ён шохлар сони «Бижир» навида жуда кам бўлиб 9 тани ташкил қилган. «Амударё», «Қари-қиз» навларида бошқа навларга нисбатан кўп бўлиб, ўртача 4,5 дона бўлиши кузатилди.

Ўрганилган қовун навларининг хўжалик белгилари сифатида меванинг вазни, этининг қалинлиги, эрувчан қуруқ модда миқдори ўрганилади. «Амударё» навининг оғирлик вазни ўртача 3,2 кг бўлиб, ўрганилган навларга нисбатан энг кичик кўрсаткичга эга бўлди. «Бешек» нави эса ўрганилган бошқа навларга нисбатан қовунларнинг вазни энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, ўртача 8,1 кг ни ташкил қилди. Қовунларнинг оғирлиги жихатдан «Саховат» 6,4 кг, «Туёна» 6,3 кг бўлиб, кейинги бўлганлиги қайд қилинди. Этининг қалинлиги жихатдан «Ала-хамма» бошқа навларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 7,0 см ни, «Саховат» ва «Амударё» навларининг эти қалинлиги жуда кичик бўлганлиги аниқланди. «Бешек» навлари қовуннинг вазни 8,1 кг бўлиб, юқори кўрсаткичга эга бўлсада этининг қалинлиги 6,1 см бўлиб, «Ала-хамма» навига нисбатан 1,2 см кичик кўрсаткичга эга бўлганлиги аниқланди. Қовун вазнининг оғир бўлиши унинг эти қалинлиги юқори бўлишига доим ҳам боғлиқ бўлмаслигини тажрибалардан ҳам кўриш мумкин.

Қовун таркибидаги эрувчан қуруқ модда миқдори унинг ширинлигини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. «Гурлан» навида 16,5%, «Бижир» навида 16,0% га эга бўлиб, ўрганилган навларга нисбатан юқори бўлиши қайд қилинди. «Саховат», «Бешек» навининг қовунлар таркибидаги эрувчан қуруқ моддаси паст бўлиб, 12,0 фоизга тенг бўлиши аниқланди. Энг кичик бўлган кўрсаткич «Ала-хамма» навида 11,9% бўлиши кузатилди.

Ўрганилган кўпчилик навлардан «Амударё» нави экспортга қўйилган талабларга тўғри келади. Маҳаллий аҳоли истеъмоли учун «Гурлан», «Бижир» навларида аниқланган эрувчан модда миқдори, меванинг вазни жихатдан мос келиши аниқланди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитларида «Тўёна» «Бижир» навларида оталик гуллари эрта 34-кундан сўнг, оналик гуллари, «Тўёна», «Рохат» навларида 45-кундан сўнг бошқа навларга нисбатан эрта ҳосил бўлиши, меванинг етилиши эса 98 кундан сўнг эрта муддатда «Тўёна» навида кузатилди. «Тўёна» навини меваси 3,2 кг бўлиб, бошқа навларга нисбатан кичик бўлиши аниқланди. «Гурлан» нави бошқа навларга нисбатан ширин бўлиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент 2002 й.
2. Бўриев Х.Ч., Ашурметов О.А. Полиз экинлари биологияси ва етиштириш технологияси//Т.: «Мехнат».- 2000.- 115 б.
3. Бўриев Х.Ч., Зуев В.И., Умаров А.А. Полизчиликдан амалий машғулотлар//Т.«Мехнат».- 1997.- 203 б.
4. Халимова М.Ў., Файзиёв М.В. Маҳаллий қовун генофондини тиклаш// Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик ҳолати, муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари- Халқаро илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами.- Тошкент. 2018. 59-бет
5. www.lex.uz

УЎТ: 631.4

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЯЙЛОВ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МОРФОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.И. Рузметов, б.ф.н., к.и.ҳ., “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада Самарқанд вилояти яйлов майдонларини ишғол этган кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Турли хил қалинликдаги тупроқ қатламлари шаклланганлиги аниқланган.

Калим сўзлар: Самарқанд вилояти, яйловлар, кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлар, морфогенетик хусусиятлар, тупроқлар унумдорлиги ва уларнинг шаклланиши

Аннотация. В данной статье приведен сравнительный анализ морфогенетических свойств слабощелочных горно-бурых, темно-серых и светлых сероземов, занимающих пастбища Самаркандской области. Было установлено, что были сформированы почвенные слои разной толщины.

Ключевые слова: Самаркандская область, пастбища, слабощелочные горно-бурые, темно-серые и светлые сероземы, морфогенетические свойства, плодородие почв и их формирование

Abstract. This paper provides a comparative analysis of the morphogenetic properties of weakly alkaline mountain brown, dark serozem and light serozem soils occupying the pastures of Samarkand region. It was found that soil layers of different thicknesses were formed.

Keywords: Samarkand region, pastures, weakly alkaline mountain brown, dark serozem and light serozem soils, morphogenetic properties, soil fertility and their formation.

Кириш. Ўзбекистонда яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони 21,1 млн гектарни ёки мамлакат ер майдонининг 46,5 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизнинг тоғ олди яйловлари ўзининг хусусияти ва ишлаб чиқариш қобилиятига кўра энг яхши яйловлар ҳисобланади, яйловларнинг маҳсулдорлик имкониятлари бугунги кунда чегараланган. Бу ҳол яйловларнинг маҳсулдорлигини белгиловчи омиллар, хусусан табиий намликка боғлиқ деган яқдил қарашлар мавжуд. Бирок, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, яйлов ерлар табиий тупроқларнинг шаклланишида ўзиги хос морфогенетик хусусиятларининг роли катта. Чунки, тупроқлар морфогенетик хос хусусиятлари яйлов ерларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд вилояти яйлов майдонларини ишғол этган кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлар хизмат қилди. Дала, лаборатория-кимёвий таҳлиллар генетик тупроқшуносликда умумқабул қилинган услубларда [1] бажарилган.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Қуйида Тошкент вилояти яйлов тупроқлари морфогенетик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар қисқача қиёсий мушоҳада қилинган.

40-кесма. Нуробод тумани “Сазагон” массиви. Лёссимон, учламчи давр делювиал ва элювиал ҳамда шағалли ётқизиклардан ташкил топган, қияликлари кучли бурмаланган ўрта баландликдаги тоғлари геоморфологик райони. Яйлов **тоғ жигарранг тупроқлари**, ўрта кумоқли, шўрланмаган, ўрта ва кучли ювилган тупроқлар. 454-контур. N 39°29'496'', E-066°35'377''.

A2 0-4 см. Жигарранг, ўрта кумоқли, кесаксимон-донодор-чангсимон, юқори қисми юмшоқ, паст қисми ўрта зичлашган, майда қиррали шағаллар учрайди, тупроқда ҳайвон инлари, ҳашарот излари учрайди. Зич майда илдизлар кўп, кейинги қатламга ранги билан аниқ ўтади.

A20 4-11 см. Оч қўнғир, қуруқ, ўрта кумоқли, донодор-кесаксимон, ўрта зичлашган, ўсимликларнинг майда ва йирик излари учрайди, ер ости ҳашаротларининг майда излари учрайди, янги яралмалардан карбонатларнинг доғлари учрайди. Майда қиррали шағаллар учрайди. Кейинги қатламга сезиларли даражада ранги билан ўтади.

B1 11-27 см. Ранги жигарранг-кулранг, қуруқ, ўрта кумоқли, катта- кесакли-донодор-чангсимон, ўрта зичлашган, ўсимлик майда ва йирик илдизлари, ер ости ҳашаротлари ва ҳайвонлар инлари ва излари учрайди, кам миқдорда қиррали майда шағаллар учрайди. Кейинги қатламга ранги билан ўтади.

B2 27-50 см. Оч жигарранг, нам хуш, ўрта кумоқли, кесаксимон-донодор-донсимон, ўрта зичлашган, карбонатлар кичик доғлар шаклида учрайди. Ўсимлик илдизлари, тупроқ жониворлар инлари ва излари учрайди, кам миқдорда қиррали шағалли тошлар учрайди, кейинги қатламга ранги билан сезиларли ўтади.

B3 50-80 см. Жигарранг-оқимтир доғлар билан, нам хуш, ўрта кумоқли, кесаксимон, ўрта зичлашган, карбонатлар майда кристалли тузлари тўпланган, майда шағаллар учрайди. Ўсимлик илдизлари ва тупроқ ҳайвон ҳамда ҳашарот инлари ва излари учрайди. Кейинги қатламга ранги билан сезиларли ўтади.

C-80-110 см. Жигарранг, нам хуш, ўрта кумоқли, донодор-донсимон, кесакчали, ўрта зичлашган, карбонатларнинг тузлари учрайди. Илдизлар учрайди.

43- кесма. Қўшробот тумани Жуманбулбул массиви. Проллювиал, лёсс ва лёссимон ётқизиклардан ташкил топган тоғ олди тўлқинсимон текислиги худудларидан ташкил топган, тўқ тусли бўз тупроқлар, ўрта кумоқли, ўрта ювилган тупроқлар. 33а-контур жанубий қиялик 5-8°. N 40 24' 338" E 066-24' 501" денгиз сатҳидан 947 м.

A2 0-7 см тўқ бўз ранг, қуруқ, ўрта кумоқли, кесаксимон-донадор, ўрта зичлашган. Ярим чириган ўсимлик қолдиқлари, майда ўсимлик илдизлари ва тупроқ ҳашаротларининг инлари учрайди, кейинги қатламга аниқ ранги билан ўтади.

A20 7-26 см. Сарғиш ранг, курук, ўрта кумоқли, донадор-кесакчали, кам зичлашган. Тупроқ ҳашаротлари инлари ва ўсимликларнинг илдизлари учрайди, карбонатларнинг CO₂ (конкреция) оқиш доғлари учрайди. Кейинги қатламга зичлиги билан сезиларли ўтади.

B-26-56 см. Оқиш-сарғиш ранг, курук, ўрта кумоқ, майда ёнғоқсимон тузилишли, юмшоқ, тупроқ ҳайвонлари ва ҳашаротлари инлари ва илдизлари учрайди, карбонатлар конкреция шаклида учрайди, ўсимликларнинг майда, йирик илдизлари учрайди. Кейинги қатламга аста-секин ранги билан ўтади.

B1 56-87 см. Оч-сарғиш ранг, курук, ўрта кумоқ, майда ёнғоқсимон, юмшоқ, онда-сонда ўсимлик илдизлари учрайди. Ёмғир чувалчангининг чиқинди маҳсулотлари ва ҳашаротларнинг пилла шаклдаги уялари, майда қиррали шағаллар учрайди. Кейинги қатламга сезиларли ранг билан ўтади.

B2 87-120 см. Сарғиш ранг, нам хўш, ўрта кумоқ, ёнғоқсимон- донадор, юмшоқ, майда қиррали шағаллар учрайди.

49-кесма. Нуробод тумани Саҳоба ота массиви. Қадимий аллювиал-пролювиал терассаларидаги лёсс жинсларида ҳамда тоғ олди пролювиал текисликларида ва тоғ ён бағирларидаги қиялик жойларидаги текислашган делювиал-пролювиал ва лёсс ётқизикларида ривожланган оч тусли бўз тупроқлар. Яйлов оч тусли бўз тупроқлари, енгил кумоқли, ювилмаган ва баъзан кам ювилган тупроқлар. 6124-контур N 39° 34' 316" E 065° 36' 196" денгиз сатҳидан 306 м баландликда.

A2-0-5 см. Тўқ сур тусли, курук, енгил кумоқли, майда кесаксимон, юмшоқ, ўсимлик илдизлари билан зич қопланган, ҳашаротлар инлари учрайди. Кейинги қатламга сезиларли ранги билан ўтади.

A20-5-24 см. Оч сур тусли, курук, енгил кумоқли, майда кесаксимон, донадор, кам зичлашган, карбонатлар, замбуруғлар (мицелла), оқ кўзанақ, конкреция шаклида учрайди. Ўсимликнинг майда ва йирик илдизлари кўп учрайди. Тупроқ ҳайвонлари ва ҳашаротларнинг инлари ва излари учрайди. Кейинги қатламга ранги билан аниқ ўтади.

B1 24-37 см. Сур тусли, нам хўш, енгил кумоқли, донсимон-кесакли, кам зичлашган, карбонатлар томирсимон, конкреция ва тупроқ ҳайвонларининг, ёмғир чувалчанларининг чиқинди маҳсулотлари (капролит) шаклида учрайди. Кейинги қатламга аста-секин ранги билан ўтади.

B2 37-82 см. Тўқ сарғиш, нам хўш, енгил кумоқли, донадор-кесаксимон, ўрта зичлашган, карбонатларнинг CO₂ конкреция, оқ кўзанақ, капролит шакллари учрайди. Ўсимликлар майда ва йирик шакллари бор. Кейинги қатламга ранги билан сезиларли ўтади.

B3 82-125 см. Тўқ сарғиш, нам хўш, чангли кумоқли, лёсс чангсимон, кам зичлашган, қаттиқ жинслашган, гипс доғлари учрайди, карбонатларнинг конкреция, оқ кўзанақ, капролит шакллари учрайди. Кейинги қатламга механик таркиб билан аста-секин ўтади.

C 125-150 см. Тўқ сарғиш, нам хўш, кумли, чангсимон, кам зичлашган.

Юқорида келтирилганидек, яйлов тупроқлар морфологик белгиларини тадрижий ривожланишида атмосфера ёғинларининг бевосита роли катта эканлигини кўрсатади.

Мазкур тупроқларда рельеф қиялигига боғлиқ ҳолда, айрим жойларда юза жойлашган (0-30 см лик) тупроқ қатламлари мавжудлиги, асосий ҳолатларда эса 1,0-2,0 метр атрофида (айрим ҳудудларда тупроқли қатламлар 3-5 ва ҳатто 10-20 метргача етади) турли табиий унумдорликка хос бўлган табиий тупроқ қатламлари шаклланганлигини кузатиш мумкин.

Ўрганилган тоғ жигарранг тупроқлар амалда шўрланмаган бўлиб, курук қолдиқ миқдори 0,050-0,012% ни ташкил этади. Шўрланиш химизмига кўра, яйловлар тупроқлари профилида асосан сульфатли ва хлорид-сульфатли типга мансуб. Автоморф шароитдаги ушбу тупроқларнинг муҳити (рН) – кучсиз ишқорий (7,52-7,97).

Таҳлилларга кўра, ўрганилган оч тусли бўз тупроқларда физик лой миқдори 23-34 фоизни ташкил қилиб, улар енгил кумоқли механик таркибга мансуб тупроқлар тоифасига киради, айрим ҳолатларда физик лой миқдори 17,5-19,1 фоизни ташкил этгани ҳолда қуйи қатламларида кумлоқли механик таркибли қатламлари ҳам учрайди. Тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқларда физик лойнинг миқдори 35-37 фоизгача кўпайиб, улар асосан ўрта кумоқли механик таркибли тупроқлар тоифасига киради.

Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқлар механик таркибига кўра асосан ўрта кумоқлардан иборат.

Тўқ тусли бўз тупроқларда ҳам ўрта кумоқли механик таркиб устунлик қилади, баъзан тупроқ профилининг қуйи қисмида енгил ва кумлоқли механик таркибдан иборат тупроқлар учрайди.

Тоғ жигарранг тупроқлари механик таркибига физик кум (>0,01 мм) заррачаларидан йирик чанг (0,05-0,01 мм) ва йирик кум (>0,25 мм) заррачалари устунлик қилади. Йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари тупроқ профилида 11,8-37,4 фоизгача ортса, йирик кум (>0,25 мм) заррачалари эса 12,4-21,5 фоиз атрофида тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 33,2-36,6 фоиз ҳисобида тупроқ профилида қайд этилгани ҳолда, ўрта чанг (0,01-0,005 мм) заррачалари – 7,2-9,5, майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачасининг миқдори – 14,3-15,9 фоиз атрофида тебраниб туради.

Тўқ тусли бўз тупроқлар механик таркибида ҳам физик кум (>0,01 мм) заррачаларидан майда кум (0,1-0,05 мм) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари устунлик қилади.

Тўқ тусли бўз тупроқларда майда кум (0,1-0,05 мм) заррачалари тупроқ профилида 14,5-42,6 фоизгача ортса, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 23,1-45,3 фоиз атрофида тебраниб туради. Бу

тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 15,9-45,3 фоиз ҳисобида тупроқ профилида ўзгариб туради.

Оч тусли бўз тупроқларда эса асосан енгил қумоқлардан иборат бўлиб, майда қум (0,1-0,05 мм) заррачалари тупроқ профилида 9,8-36,9 фоизгача ортса, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 18,3-42,9 фоизни ташкил этиб, кенг ораликда тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 17,5-33,9 фоиз ҳисобида тупроқ профилида ўзгариб туради.

Ўрганилган кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар чимли қатламлари гумус (чиринди) миқдори билан асосан “юқори” (2,0-3,0%) ва “жуда юқори” (>3,0%) даражада таъминланган, чим ости ва асосан қуйи 10-110 см лик қатламлари “ўртача” (1,0-1,5%), айрим ҳолатларда “етарли” (1,5-2,0%) даражада таъминланганлиги аниқланди.

Оч тусли бўз тупроқлар профилида юза чимли қатлами гумус билан “кам” (0,5-1,0%) даражада таъминланган гуруҳга мансуб эканлиги аниқланди.

Углероднинг умумий азотга бўлган нисбати ҳам мутаносиб тарзда ифодаланади. Яъни, юқори ва жуда юқори даражада гумус билан таъминланган қатламларида унинг нисбати тоғ жигарранг тупроқларда 10-20 га, тўқ тусли бўз тупроқларда – 8-16 га, ва ниҳоят, оч тусли бўз тупроқларда эса 8-9 га тенг.

Барча ҳолатларда мазкур тупроқларнинг қуйи қатламлари томон гумус миқдорининг камайиб бориши ҳисобига углероднинг азотга бўлган нисбати ҳам камайиб бориш қонуниятига бўйсунди.

Мазкур тупроқларда ҳаракатчан фосфор миқдорининг энг катта улуши чимли ва чим остки қатламларига тўғри келиб, мос равишда таъминланганлик даражасига кўра тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар “кам” (16-30 мг/кг) ва “ўртача” (31-45 мг/кг) таъминланган гуруҳга мансублиги, бироқ қўриқ оч тусли бўз тупроқлар эса фосфорга жуда камбағал, яъни “жуда кам” (0-15 мг/кг) гуруҳга мансуб эканлиги аниқланди.

Ҳақат ушбу майдонларда сув тежамкор суғориш “Water-box” технологияси қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларини, боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фосфорли ўғитлардан турли ўсимликларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда солиш мақсадга мувофиқ.

Алмашинувчи калий миқдори бўйича ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Яъни, тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқларда юқори чимли ва чим ости қатламларида мос равишда 241-265 ва 241-289 мг/кг ни ташкил этиб, “ўртача” (201-300 мг/кг) даражада таъминланган гуруҳга мансуб эканлиги аниқланди. Ушбу тупроқларнинг қуйи қатламлари ҳам алмашинувчи калий билан асосий ҳолатларда “кам” (101-200 мг/кг) даражада таъминланган.

Қўриқ оч тусли бўз тупроқларда алмашинувчи калий бўйича тупроқ профилининг 0-1 м қатлами “ўртачадан юқори” (201-300 мг/кг) кўрсаткичларда эканлиги аниқланди. Лекин, қўриқ оч тусли бўз тупроқларда алмашинувчи калийнинг миқдори 95-100 см дан бошлаб “кам” (101-200 мг/кг) даражада таъминланган гуруҳга мансуб.

Ушбу тупроқлар сингдириш қобилиятига кўра гуруҳларга ажратиб тавсифланганда [2], ўрганилган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлар “паст” (10-15 мг-экв.) ва “ўртача” (15-25 мг-экв.) гуруҳларга мансуб бўлиб, катионлар алмашинишига кўра, сингдириш сифими ижобий ҳолатда эканлиги аниқланди.

Ўрганилган ушбу яйлов ерларини ишғол этган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида шаклланган тупроқ юзаси қалинлигини ва уларнинг хосса-хусусиятларини ҳисобга олиб, мазкур яйловларда қишлоқ хўжалиги экинларини ва боғларни жойлаштириш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар.

1) Самарқанд вилоятининг табиий яйлов тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлари атмосфера ёғинлари таъсирида ривожланган. Бунда турли мураккаб рельеф шароитга боғлиқ ҳолда турли хил қалинликдаги морфогенезисга эга бўлган, юза жойлашган (0-30 см лик) ва 1,0-2,0 метр қалинликдаги (айрим ҳудудларда тупроқли қатламлар 3-5 ва ҳатто 10-20 метргача етади) турли табиий унумдорликка хос бўлган тупроқли қатламлари шаклланган.

2) Яйлов тупроқларида йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачаларининг кўплиги, атмосфера ёғинларини, хусусан намликни тупроқ аэрация зонасида яхши тутиб туриш имконини беради.

3) Тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлари сифати жиҳатидан “жуда яхши”, қўриқ оч тусли бўз тупроқлари эса “қониқарли” унумдорликка эга бўлган тупроқлар ҳисобланади.

4) Самарқанд вилоятидаги денгиз сатҳидан 900 метрдан юқорида жойлашган яйловларида, яъни тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар шароитида атмосфера ёғинларини 400 мм дан кўп тушишини инобатга олиб янги инновацион сув тежамкор технологиялардан, хусусан “сув йиғиш” технологияларини қўллаш орқали яйловларда қишлоқ хўжалиги экинларини ва боғларни жойлаштириш имконияти мавжуд. Бу ҳолат мазкур ҳудудда келгусида қўшимча иш ўринларини ташкил этилишига замин яратади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель / Под. ред. А.Ж.Баирова, М.М.Ташкузиева, и др. - Ташкент: «ГосНИИПА», 2004. - 260 с.

УЎК 631.45

МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ ТУПРОҚЛАРИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИНГ ЎЗГАРИШИ
Ш.М. Турдиметов, б.ф.н., доцент, Гулистон давлат университети, Гулистон

Аннотация. Мақолада тупроқларни ўзлаштириши натижасида хоссаларида юз берадиган ўзгаришлар ҳақида маълумот берилган. Тупроқни суғориши натижасида янги сув режими пайдо бўлади, бу эса тупроқнинг туз-сув тартиботининг ўзгаришига сабаб бўлади. Мақолада ушбу ўзгаришларнинг йўналишларига оид материаллар берилган. Сизот сувларининг сатҳи кўтарилиши натижасида тузлар концентрацияси маълум даражада пасайган, лекин минераллашган сувлар тупроқ устки қисмига яқинлашиши натижасида тупроқ шўрланишига сабаб бўлиши таъкидланган. Тупроқдаги тузларнинг миқдори ва таркибининг йиллар давомида ўзгариши тезлиги аниқланган ва солиштирилган.

Калим сўзлар: тузлар, туз-сув режими, тупроқ шўрланиши, эволюция, тупроқ ўзгариши, сизот суви, минераллашиши, қуруқ қолдиқ, хлор, сульфатлар

Аннотация. В статье приводятся сведения об изменениях, происходящих в свойствах почвы в результате освоения почв. В результате орошения почвы возникает новый водный режим, который вызывает изменение водно-солевого режима почвы. В статье приводятся материалы о направлениях этих изменений. Было отмечено, что в результате повышения уровня грунтовых вод концентрация солей в определенной степени снижалась, но минерализованная вода приближалась к верхней части почвы, вызывая засоление почвы. Определена и сопоставлена скорость изменения количества и содержания солей в почве за эти годы.

Ключевые слова: соли, водно-солевой режим, засоление почвы, эволюция, изменение почвы, грунтовые воды, минерализация, сухой остаток, хлор, сульфаты

Abstract. The article provides information about changes in their properties as a result of soil development. As a result of soil irrigation, a new water regime occurs, which causes a change in the salt-water regime of the soil. The article provides materials on the directions of these changes. It was noted that as a result of rising ground water levels, the salt concentration decreased to a certain extent, but the mineralized water approached the upper part of the soil, causing salinization of the soil. The rate of change in the amount and content of salts in the soil over these years was determined and compared.

Key words: salts, water-salt regime, soil salinization, evolution, soil change, ground water, mineralization, dry residue, chlorine, sulfates

Тупроқлар мелиоратив ҳолатининг ўзгаришида антропоген омилларнинг роли жуда катта ҳисобланади. Суғориш натижасида тупроқнинг сув режимида катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар тупроқнинг бошқа хоссаларига ҳам таъсир кўрсатади. Сизот сувларининг кўтарилиши натижасида тупроқнинг физикавий, кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларида, айниқса мелиоратив хоссаларида ўзгаришлар кузатилади. Буни тупроқ эволюцияси бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг шарҳларида ҳам кўришимиз мумкин.

Endo T., Yamamoto S., Larrinaga J., Fujiyama H., Т.Ноппаларнинг [1] фикрига кўра тузларнинг динамикаси турли хўжаликларда бир-биридан фарқ қилади. Тупроқнинг рН кўрсаткичи, тузларнинг миқдори кумли тупроқларда тез ўзгарувчан кўрсаткичга эга. Бу ҳол тупроқдаги тузларнинг тез силжиши билан боғлиқ. Бундан ташқари тузлар динамикасига суғориш сувларининг таркиби ҳам катта таъсир кўрсатади.

В.И. Савич, В.А. Черников, Н.М. Садуақасов, В.В. Гукаловларнинг фикрича [2] тузларнинг таркиби ва миқдори ҳаттоки мавсум бўйича ҳам ўзгариб туради. Йилнинг фаслларида қараб ҳарорат, ёғингарчилик каби кўрсаткичларга кўра ҳам тузлар таркиби маълум даражада фарқ қилади. Бундан ташқари йиллар давомида суғориш тузларнинг концентрациясига таъсир кўрсатиб, тупроқ мелиоратив ҳолатини ўзгартириб юборади.

Л.М. Татаринцев, В.Л. Татаринцев, Т.И. Пушкарёвалар [3] кўп йиллар давомида суғориш натижасида тупроқ мелиоратив ҳолатининг ўзгариши ҳақида маълумотлар беришган. Муаллифларнинг тадқиқотларида 13 йил давомида суғориш натижасида 2 метрли қалинликдаги тупроқ қатламида тузларнинг миқдори 1,5-2,0 баробарга ошган. Тупроқдаги умумий тузлар заҳираси йингидиси камайгани ҳолда, захарли тузлар, айниқса хлорнинг миқдори ортаганлиги кузатилган.

Суғоришлар натижасида тупроқ мелиоратив ҳолатининг ўзгариши бўйича тадқиқотларнинг аксарияти [4-7] туз балансида маълум даражада ўзгаришлар юз беришини қайд этишади.

Юқоридаги шарҳларга эътибор қаратиладиган бўлса, тупроқларнинг суғоришлар натижаси тупроқ мелиоратив ҳолатига таъсири турли минтақаларда турлича таъсир кўрсатади.

Тадқиқот объекти ва услубияти. Тадқиқот объекти сифатида Мирзачўл худудидаги турли вақтларда тупроқ кесмалари кўйилган жойларни танлаб олдик. Ушбу тупроқ кесмалари Мирзачўлнинг эскидан ўзлаштирилган қисми бўлган.

Тупроқ сувли сўрим натижалари

Чуқурлиги, см	Курук қолдик	HCO ₃	Cl	SO ₄	Ca	Mg
1938 йил 82-кесма						
0-13	0,412	0,056	0,020	0,193	0,058	0,019
13-20	0,464	0,051	0,028	0,210	0,060	0,024
20-40	0,475	0,049	0,012	0,242	0,081	0,023
40-60	0,226	0,053	0,010	0,021	0,031	0,018
60-80	0,201	0,053	0,014	0,026	0,026	0,015
110-120	0,483	0,053	0,018	0,225	0,065	0,027
170-180	1,135	0,045	0,017	0,583	0,191	0,038
1938 йил 1-кесма						
0-1	11,003	0,120	5,302	2,427	0,486	0,382
1-5	5,504	0,056	2,462	0,275	0,373	0,109
5-12	6,681	0,028	1,367	1,740	0,354	0,149
12-22	4,172	0,021	1,207	0,668	0,279	0,109
25-35	3,607	0,013	0,843	0,679	0,326	0,087
50-60	2,776	0,013	0,559	0,555	0,319	0,065
80-90	2,863	0,013	0,408	0,576	0,316	0,044
100-110	2,122	0,013	0,337	0,504	0,279	0,038
1959 йил 82-кесма						
0-13	0,150	0,036	0,013	0,043	0,039	0,007
13-20	0,223	0,031	0,020	0,092	0,062	0,006
20-40	0,281	0,035	0,027	0,078	0,048	0,008
40-60	0,202	0,025	0,030	0,093	0,052	0,007
60-80	0,294	0,024	0,034	0,110	0,048	0,014
110-120	0,381	0,026	0,047	0,209	0,060	0,021
170-180	0,813	0,015	0,017	0,495	0,270	0,009
1959 йил 1-кесма						
0-1	9,561	0,056	2,023	5,371	0,228	0,082
1-5	4,341	0,034	0,673	2,058	0,260	0,025
5-12	2,606	0,031	0,245	1,380	0,238	0,013
12-22	1,956	0,042	0,256	0,769	0,256	0,008
25-35	2,082	0,023	0,133	1,156	0,252	0,024
50-60	1,877	0,022	0,150	1,008	0,252	0,009
80-90	1,802	0,025	0,147	0,016	0,276	0,008
100-110	1,843	0,027	0,158	0,997	0,272	0,009
2017 йил 17-82-кесма						
0-13	0,075	0,04	0,01	0,017	0,02	0,003
13-20	0,305	0,033	0,024	0,152	0,06	0,015
20-40	1,105	0,018	0,01	0,717	0,275	0,009
40-60	0,32	0,018	0,031	0,174	0,075	0,012
60-80	0,028	0,002	0,003	0,010	0,005	0,001
110-120	0,036	0,002	0,004	0,020	0,006	0,002
170-180	0,077	0,001	0,002	0,047	0,026	0,001
2017 йил 17-1-кесма						
0-1	8,691	0,051	1,839	4,882	0,207	0,051
1-5	3,946	0,031	0,612	1,871	0,236	0,031
5-12	2,369	0,028	0,223	1,254	0,216	0,028
12-22	1,778	0,038	0,233	0,699	0,233	0,038
25-35	1,893	0,021	0,121	1,051	0,229	0,021
50-60	1,706	0,020	0,136	0,916	0,229	0,020
80-90	1,638	0,023	0,134	0,015	0,251	0,023
100-110	1,675	0,025	0,144	0,906	0,247	0,025

Тупроқ эволюциясини аниқлашнинг турли методлари [6] мавжуд бўлиб, энг кўп тарқалганлари қуйидагилардан иборатдир:

1) тупроқ профилининг генетик анализи усули; 2) стационар усул; 3) такрорий кесмалар қўйиш усули. Биз тадқиқотларимизни учинчи усул ёрдамида амалга оширдик. Бу усулнинг моҳияти тадқиқотлар битта кесма қўйилган жойга маълум вақт давомида такрорий кесмалар қўйиш билан олиб борилади. Бунда тупроқ ва тупроқ қоплами эволюцияси ҳақидаги маълумотларга эга бўлинади.

С.П. Сучков [8] томонидан 1938 йилда қўйилган тупроқ кесмаларига 1959 йилда такрорий кесмалар қўйилган. 2017 йилда биз томонимиздан такрорий кесмалар қўйилиб солиштирилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқот майдони тупроқ-иқлимлаштириш материалларига кўра бўз тупроқлар минтақасига мос келади. Балангликда жойлашишига кўра оч тусли бўз тупроқлар минтақасида жойлашган. Бу тупроқлар бўз тупроқлар баланглик минтақасининг энг қуйи бўғинида жойлашган. Кейинги йилларда бўз тупроқларни шаклланишига ва тупроқ пайдо бўлиш жараёналарига, баъзи массивларда ер ости сувларининг ва инсонларнинг хўжалик фаолияти таъсир этмоқда. Бунинг натижасида оралиқ ўтувчи тупроқлар ҳудудда кўпроқ тарқалмоқда. Суғориладиган бўз тупроқлардан бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз тупроқлар, кейинчалик эса суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шаклланимоқда. Тупроқларнинг бундай эволюцияга учраши албатта тупроқнинг хосса ва хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатади.

Р.Кўзиев, Н.Абдурахмонов, Ў.Собитовларнинг таъкидлашларича [9] Мирзаҷўл тупроқлари қатламларининг ўзгариши, шўрланганлиги, кам структураллиги ва ғоваклиги уларнинг сув ўтказувчанлиги ҳар хил бўлишини белгилайди.

Қуйида 1938 ва 1959 йилларда қўйилган тупроқ кесмалари ҳамда ушбу жойларга 2017 йилда қўйилган тупроқ кесмалари натижалари баён этилган.

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 1938 йилда қўйилган 82 кесмадан кейин 1959 йилда такроран қўйилган кесмада тупроқдаги тузларнинг миқдори ва таркибида ўзгаришлар рўй берган. Қуруқ қолдикнинг миқдори барча тупроқ чуқурлигида дастлабки ҳолатига нисбатан камайганлигини кузатиш мумкин. Худди шундай хосса 2017 йилдаги кесмада ҳам рўй берган бўлса-да, 20-40 см чуқурликда қуруқ қолдикнинг миқдори 1,1 фоиздан ортганлигини кўришимиз мумкин. Бундай ҳодиса гидроморфланиш жараёни таъсирида тузларнинг юқори қатламларда тўпланиши натижасида амалга ошиши натижасида рўй берган бўлиши мумкин. Тупроқдаги ишқорийликка эътибор қаратадиган бўлса, тупроқ кучсиз ишқорий муҳитга эга бўлиб, тупроқ қатламлари бўйича уччала тупроқ кесмасида ҳам бир хилда тарқалган.

Тупроқдаги хлор бошқа анионларга нисбатан захарли бўлиб, унинг миқдори тупроқ шўрланиш даражаси ва миқдорида катта аҳамиятга эга. Тупроқдаги хлорнинг миқдори тез ўзгарувчан хусусиятга эга. Лекин шундай бўлса-да, тупроқдаги хлорнинг миқдори суғоришлар давомийлигининг ортиб бориши билан миқдорининг камайиб борганлигини қайд этиш лозим.

Тупроқдаги сульфатларнинг миқдори эътибор қартадиган бўлсак, бошқача ҳолатни кўришимиз мумкин. 1938 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 1959 йилда сульфатларнинг миқдори бироз камайган бўлса-да, 2017 йилда эса бу миқдор бироз ортганлигини, ҳатто 0,717 фоизгача етганлигини кўришимиз мумкин. Кейинги қатламларда эса унинг миқдори захарлилик миқдоридан камайган. Кальций ва магнийнинг миқдори бўйича 82-кесмада маълум бир қонуният йўқ.

1-кесма маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, қуруқ қолдикнинг миқдори ҳар учала муддатда ҳам юқори кўрсаткичга эга. Лекин, суғоришлар давомийлигининг ортиб бориши билан унинг миқдорининг камайиб борганлигини кузатиш мумкин. Тупроқнинг ишқорийлиги 82-кесма маълумотларига яқин бўлиб, тупроқдаги хлорнинг миқдори захарлилик даражасидан анча юқори бўлиб, пастга томон бироз камайиб борган. 2017 йилги кесмада унинг миқдори пастки қатламларидан анча миқдорга камайган. Сульфатларнинг миқдори қуруқ қолдиққа мутаносиб равишда тарқалган бўлиб, унинг ҳам миқдори пастга томон камайиб борган. Кальций ва магнийнинг миқдори ҳам 82-кесмага нисбатан юқори кўрсаткичга эга.

Хулосалар

Тупроқлар ўзлаштирилиши натижасида туз-сув тартиботида ўзгариш юз беради. Бундай ўзгаришлар энг аввало сизот сувлари сатҳининг ва минераллашганлик даражасининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Сизот сувларининг умумий минераллашганлик даражаси пасайса-да, лекин сизот сувларининг кўтарилиши натижасида тупроқ шўрланиш даражаси ва типига таъсир кўрсатади.

Суғоришлар давомийлигининг ортиб бориши билан магнийнинг миқдори ортиб, кальцийнинг миқдорини камайиб бориши кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. T. Endo, S. Yamamoto, J. Larrinaga, H. Fujiyama, T. Honna. Status and Causes of Soil Salinization of Irrigated Agricultural Lands in Southern Baja California, Mexico. Abstract Introduction Materials and Methods Results and Discussion Conclusion References Copyright. Volume 2011. //doi.org/10.1155/2011/873625.

2. Савич В.И., Черников В.А., Садуакасов Н.М., Гукалов В.В. Агроэкологическая оценка изменения засоления почв во времени и в пространстве.// Международный сельскохозяйственный журнал. 2018. № 2. С. 45-48.

3. Татаринцев Л.М., Татаринцев В.Л., Пушкарёва Т.И. Изменение мелиоративного состояния каштановых почв сухой степи при орошении//Вестник Алтайского государственного аграрного университета 2012. № 9 (95), С. 25-29.

4. Кузнецов Е.В., Хаджиди АЕ., Куртнезирова А.Н., Кузнецова М.Е. Оценка мелиоративного состояния почв оросительных систем. // Успехи современного естествознания. 2018. № 11. С. 49-54.

5. Щедрин В. Н., Докучаева Л. М., Юркова Р. Е. Негативные почвенные процессы при регулярном орошении различных типов почв// Научный журнал Российского НИИ проблем мелиорации. 2018 г. № 2(30). С. 15-16.

6. Апарин Б.Ф. Сухачева Е. Ю. Эволюция почв и почвенного покрова мелиорированных земель. Санкт-Петербург : Изд-во Санкт-Петербургского ун-та, 2009. С. 22-29.

7. Сухачева Е.Ю. Эволюция почв и почвенного покрова объектов реконструкции мелиоративных систем: На примере Ленинградской области. Автореф. дис....канд. биол. наук. Санкт-Петербург, 2004. 7 с.

8. Сучков С.П. Изменение светлых сероземов Голодной степи под влиянием освоения. // Почвы Голодной степи и их агрохимическая характеристика. С. 29-52.

9. Кўзиев Р., Абдурахмонов Н., Собитов Ў. Мирзаҷўл воҳаси суғориладиган тупроқлари тавсифи. Ж. Агроилм. 2018 № 2. 88-89 б.

ОЛМА ДАРАХТИНИНГ ТАНАСИНИ ТУРЛИ СИМБАҒАЗЛАРГА МОСЛАБ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ
Ю.Б. Саимназаров, б.ф.д. проф., Богдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ, Тошкент
М.М. Якубов, к/х.ф.н., Богдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ, Тошкент
Н.С. Шерипбаев, к.и.х., Богдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада ўрганилган олманинг Первенец Самарканда ва Дейтон навларини турли дарахт танасини симбағазларга мослаб шакллантиришининг ҳосилдорлигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Дейтон нав намунасини икки қаторли симбағазга дарахт танасини мослаб очиқ татура усулида шакллантирилган қўш қаторли экиш $\frac{4,5 \times 1,0}{2}$ **схемасида** бир гектар майдонда 4444 дона дарахт бўлган вариантда 407,4 центнер ҳосил етиштирилди, бу эса стандарт Первенец Самарканда навига нисбатан 236,9% га кўп бўлди.

Калим сўзлар: татура, олма, нав, бог, ҳосилдорлик, симбағаз

Аннотация. В статье представлены результаты исследования влияния формирования стволов деревьев изученных сортов яблок, Первенец Самарканда и Дейтон, под различные шпалеры на урожайность. Образец сорта Дейтон был посажен методом татура по двухрядной схеме посадки $\frac{4,5 \times 1,0}{2}$, урожай составил 407,4 центнера с гектара при варианте в 4444 деревьев, что на 236,9% больше, чем у стандартного сорта Первенец Самарканда.

Ключевые слова: татура, сорт, шпалер, сад, урожайность, яблоня

Abstract. The article presents the results of research on the effect of Pervenec Samarkand and Deyton apple varieties on the productivity of growing different tree trunks on a trellis. In the $\frac{4,5 \times 1,0}{2}$ scheme of double-row planting, which was formed by the open tatura method, adapting the trunk of the Deyton variety to a two-row trellis, 407,4 quintals were produced in the variant with 4444 trees per hectare, which is 236.9% more than the standard Pervenec Samarkand variety.

Key words: The garden, tatura, apple, variety, fertility, spaller

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 23 июль куни ўтказилган “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва бозор муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги” видеоселектор йиғилиши 53-сонли Баёнида сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилиш, бозор механизмларини жорий этиш, резерв ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилишга жиддий эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси қабул қилиниб, унда белгиланган ҳар бир вазифани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларини топиш устида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

2021 йил якунига қадар жаҳон банкининг 65 млн. доллари ҳисобига 3 минг гектар майдонда плантация шаклида интенсив боғларни барпо этиб, Фарғона вилояти тажрибаси асосида ташаббускорларга бўлиб берилиши таъкидлаб ўтилган [1].

Боғдорчиликни иқтисодий самарадорлигини ортиб боришига асосий омиллари нав ва мева турини тўғри танлаш, уларни тўғри жойлаштириш, нав пайвандтаг уйғунлигини аниқ билиш, дарахт танасига шакл бериш усулини танлаш, тупроқ унумдорлиги, касаллик ва зараркундаларга қарши кураш чораларини такомиллаштириб бориш, агротехник тадбирларни механизация даражасини ошириб бориш, доим нав ва пайвандтагларни янгилаб бориш, замонавий рационал конструкцияли боғларни яратиш, уларни янги самарали шакллантириш усулларини яратиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган асосий мева экинларининг танасини симбағазларга мослаб ўстириш бу оддийлаштирилган итальян пальметта усулидир. Янги авлод интенсив боғларда дарахтларни юқори зичлашган усулида шакл бериб мўл ҳосил ва сифатли маҳсулот етиштириладиган усул бу V (татура) шаклидаги истиқболли боғлардир [2].

Ўсув даврининг бошланиши, гуллаш муддатлари дарахт турлари ва навларининг ирсий хусусиятидир. Куртакларнинг бўртиши ва очилиши баҳорда ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлиги маълум даражага етганда фенологик босқичлари бошланади. Гулларнинг очила бошлаши ва гуллаш фазаси босқичининг қанча вақт давом этиши ўсимликларнинг тур, нав хусусиятларига ҳамда ташқи муҳит омилларига ва агротехник тадбирларнинг бажарилишига қараб эрта ёки кеч бошланиши ҳамда давом этиши мумкин [3,4,5].

Тадқиқотлар “Программа и методика сорта изучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” (1999), И.А.Прохоров, С.П. Потапов практикум по селекции и семеноводству овощных и плодовых культур (1988), Х.Ч.Буриев, К.И.Байметов, А.Т.Жононбекова ва З.А.Абдуқаюмовларнинг “Мева-резавор экинлари селекцияси ва навшунослигидан амалий машғулотлар”, Х.Ч. Бўриев, К.И. Байметов ва Р.Ж. Жураев мева экинлар селекцияси ва навшунослиги (2001). Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) дисперсион

услуги асосида тажрибалар ўтказилди.

Тадқиқотлар академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий – тадқиқот институтининг марказий тажриба майдонида, олманинг интенсив паст бўйли М-9 пайвандтаги пайванд қилинган навларида ўрганилди. Олма кўчатлари 2014 йилда экилган. Ҳар бир навдан кетма –кет 10 та типик дарахтлар танлаб олинди ва қузатув ишлари олиб борилди. Олманинг Первенец Самарканда назорат навининг кўчатини экиш схемаси $4 \times 2,5$ м, бир туп дарахтни озикланиш майдони 10 м^2 , 10 дона дарахтнинг умумий озикланиш майдони 100 м^2 ни ташкил қилди.

Олманинг Дейтон навининг дарахтлари 2 та экиш схемасида $4 \times 2,5$ м ва $(4,5 \times 1) / 2$ ёки $\frac{4,5 \times 1,0}{2}$ ҳамда дарахтнинг танасини вертикал симбағазда экиш схемаси $4 \times 2,5$ м бўлганда бир дарахтни озикланиш майдони 10 м^2 , 10 дона дарахтнинг умумий озикланиш майдони 100 м^2 , очиқ татура усулида шакллантирилганда экиш схемаси $(4,5 \times 1) / 2$ ёки $\frac{4,5 \times 1,0}{2}$ шаклида дарахт танасини шакллантирилганда ҳар бир дарахтнинг озикланиш майдони $2,25 \text{ м}^2$ ҳамда 10 дона қузатув дарахтнинг умумий озикланиш майдони $22,5 \text{ м}^2$ ни ташкил қилди.

Тажриба даласининг майдони денгиз сатҳидан 486 м баландликда жойлашган бўлиб, тупроғи суғориладиган бўз тупроқ, ер ости сувлари 2,5-3,5 м да жойлашган, тупроқ эритмасининг реакцияси рН-7,8 (нейтралга яқин).

Истикболли, тез ва мўл ҳосил берувчи М-9 пайвандтагида ўстирилган олма дарахтлари учун навларни танлаш, дарахт танасини симбағазга мослаб шакллантириш усулининг ҳосилдорликка таъсири ўрганилди.

Янги маҳаллий ва интродукция қилинган навларни биологик хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги, ҳосилга кирган ёш боғ шароитида ўрганилди. Мевали боғлар шароитида икки хил экиш зичлиги, оддий симбағазда ҳамда очиқ татура шаклидаги олма дарахт танасини симбағазга мослаб шакллантириш усуллари ва қимматли хўжалик-биологик хусусиятлари ўрганилди.

Олма боғи, экилиш схемаси, вертикал симбағазда очиқ татура ва ёпик татура шаклида шакл бериш усуллари ҳисобланди.

Ўрганилган олманинг Первенец Самарканда, Дейтон навлари тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди.

Олманинг стандарт Первенец Самарканда назорат нави кўп йиллик қузатишлар натижаларига кўра 2016 -2019 йилларда гуллашининг бошланиши 14 мартдан 10 апрель кунлари оралиғида фенологик босқичи бўлганлиги қузатилди. Дейтон нав намунасида гуллашининг бошланиши фенологик босқичи 23 мартдан 12 апрель кунларида қузатилди. 2020 йили Первенец Самарканда назорат навининг гуллаш бошлаш фазаси 30 март куни қузатилди. Унга нисбатан Дейтон нав намунасининг гуллаш бошлаш босқичи 7 апрелда ёки стандарт Первенец Самарканда навига нисбатан 8 кун кеч бошланганлиги қузатилди.

1-диаграмма




2020 йил апрель ойининг биринчи 7 кунлигида ҳавонинг ўртача ҳарорати $+16,5^{\circ}\text{C}$ даражани, максимал ҳарорат $+21,5^{\circ}\text{C}$ даражани ва минимал ҳарорат $+13,5^{\circ}\text{C}$ даражани ташкил этди. Тажриба даласидаги тупроқнинг максимал ҳарорати $+20,5^{\circ}\text{C}$, минимал тупроқ ҳарорати $+13^{\circ}\text{C}$ даража ва тупроқнинг ўртача ҳарорати $+14^{\circ}\text{C}$ даражани ташкил этди. Ҳавонинг нисбий намлиги 64-68% ни ташкил қилиб олманинг Дейтон навининг гуллаш фазасининг бошланишига имконият яратилди. 8 апрелда ҳавонинг ўртача ҳарорати $+7,5^{\circ}\text{C}$ даражани ташкил этди. 9-10 апрель кунлари сурункали

ҳавонинг кескин пасайиб кетиши натижасида минимал ҳавонинг ҳарорати минус -1 -3⁰С даражада бўлганлиги кузатилди. Тупроқнинг минимал ўртачаси -1,5⁰С, 11 апрель куни ҳавонинг ҳарорати кўтарила бошлади ва ўртача ҳарорат +19,5⁰С, максимал ҳарорат +21,5⁰С ва минимал ҳарорат +14,5⁰С даражани ҳамда тупроқнинг ўртача ҳарорати +18,1⁰С ни, максимал ҳарорати +21,0⁰С ва минимал ҳарорат +14,0⁰С даража бўлганлиги кузатилди.

11 апрель куни олиб борилган кузатиш ишларидан шу маълум бўлдики, назорат Первенец Самарканда нави гулларининг тўлиқ совуқ таъсири натижасида дарахтнинг маҳсулдорлигига кучли таъсири кузатилди. Ўрганаётган Дейтон навининг гуллаш фазасининг тугаши 21 апрелда кузатилди. Дейтон навининг дарахт танасини симбағазларда шакллантириш фенологик фазаларига таъсири бўлмаганлиги кузатилди.

Ўрганилган олманинг Дейтон нави мевасининг техник етилиши, яъни пишиши 23-29 июль кунларида кузатилди, яъни нав услубий кўрсатмага биноан ёзги гуруҳга мансублиги аниқланди.

2-диаграмма



Олманинг гуллаш фенологик фазасининг босқичлари ўз навбатида ўсимликликнинг маҳсулдорлигига ўзаро таъсири бўлганлиги кузатилди. Дарахтнинг танасини тик симбағазга мослаб ўстирилган назорат Первенец Самарканда навининг ўртача мевасининг оғирлиги 74 г ни ташкил этди. Ўрганаётган Дейтон навида стандарт навига нисбатан дарахтнинг танасини тик симбағазга мослаб шакллантириб ўстирилаётган намунасида меванинг ўртача вазни 167 г ни ташкил этди, бу эса назорат Первенец Самарканда навига нисбатан 93 г ёки 225,6% га оғир бўлганлиги аниқланди. Дарахт танаси икки қаторли симбағазга дарахт танасини мослаб очик татура усулида шакллантирилган Дейтон нави мевасининг ўртача вазни 154 г ёки дарахтнинг танасини тик симбағазга мослаб шакллантирилган очик татура усулига нисбатан 13 г ёки 8,2% га кам бўлганлиги кузатилди.

Ўрганилган намуналар орасида назорат Первенец Самарканда навининг ўртача мевасининг оғирлиги 74 г ни, яъни 3 балл бўлиб, ўртачадан кам вазндаги гуруҳга мансуб бўлди. Барча дарахтларнинг танасини симбағазларга мослаб шакллантирилган Дейтон навининг ўртача мевасини оғирлиги 154-167 г ни ташкил қилганлиги сабабли услубий кўрсатмага биноан 4,5 балл кўрсаткичига эга бўлиб, у йирик мевалар гуруҳига мансуб бўлди.

1-жадвал

Олма дарахтнинг танасини турли симбағазларга мослаб шакллантириш усулларини ҳосилдорликка таъсири

Вариантлар	Нав номи	Мевани ўртача вазни, г	Бир дарахтдаги мева сони, дона	Ҳосилдорлик, ц/га			Уртача ҳосилдорлик, ц/га	st га нисбатан, %
				2018	2019	2020		
1	Первенец Самарканда (назорат)	74	120,3	243,4	272,3		171,9	100,0
2	Дейтон	167	70,6	318,7	321,8	191,4	277,3	161,3
3	Дейтон	154	43,5	531,6	433,1	257,5	407,4	236,9
	ЭКМТ05	А омили (нав)		2,7	3,9	4,6		
	ЭКМТ05	В омили (шакллантириш)		3,6	4,3	4,9		

Ушбу тажриба икки омили ҳисобланади 1-омил 2 та нав ва 2-омил 2 та олма дарахтнинг танасини симбағазларда шакллантириш усуллари. Йиллар бўйича энг кам муҳим тафовути (ЭКМТ05) А омили (нав) ва В омили (шакллантириш) бўйича кўрсаткичлари ишончли даражада ҳисобланади.

Гектардан олинаётган ҳосилдорлик нафақат меванинг вазнига, балки ўсимликдаги мевалар сонига ҳамда майдондаги дарахтлар сонига ҳам боғлиқ бўлди. Тажриба майдонида дарахтнинг танасини тик симбағазга мослаб ўстирилган Первенец Самарканда назорат навининг 4x2,5 м схемада экилиб бир гектар ерда 1000 дона дарахт бўлган вариантда йиллар бўйича ўртача ҳосилдорлик 171,8 центнерни ташкил қилди. Унга нисбатан дарахтнинг танасини тик симбағазга мослаб ўстирилган Дейтон нави 4x2,5 м схемада экилиб бир гектар майдонда 1000 дона дарахт бўлган вариантда ҳосилдорлиги 277,3 центнерни ташкил қилди ёки 61,4% га юқори бўлди. Икки қаторли симбағазга дарахт танасини мослаб очиқ татура усулида шакллантирилган кўш қаторли экиш $\frac{4,5 \times 1,0}{2}$ **схемасида** бир гектар майдондаги кўчатлар сони 4444 дона дарахт бўлган вариантда 407,4 центнер ҳосил етиштирилди бу эса назоратдаги Первенец Самарканда навига нисбатан 236,9% га кўп бўлди.

Хулоса қилиб айтганда ўрганилган олманинг Дейтон навида фенологик фазаларининг кеч бошланиши, кеч баҳорги қора совуқларга чидамли бўлиб, бу дарахтлардан ҳар йили ҳосил етиштириш имконини берар экан.

Ўрганилган олманинг Дейтон навининг мевасининг техник етилиши, яъни пишиши 23-29 июль кунларига тўғри келиб бу олмаларнинг ёзги гуруҳига мансуб бўлди.

Дейтон навининг ўртача мевасини оғирлиги 160,5 г ни ташкил қилди ёки 4,5 балл кўрсаткичига эга бўлиб, у йирик мевалар гуруҳига мансуб бўлди.

Дейтон нав намунасининг дарахт танасини икки қаторли симбағазга мослаб очиқ татура усулида шакллантирилганда энг юқори ҳосил олинди.

Янги авлод интенсив боғларини ташкил қилувчи боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун олманинг истиқболли Дейтон навини тавсия этамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 23 июль кунини ўтказилган 53-сонли Баёни “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни жадаллаштириш ва бозор мунсабатларини янада ривожлантириш тўғрисида” ги видеоселектор йиғилиши

2. Арипов А., Мирзохидов Ў. Дарахтни танасини симбағазларга мослаб шакллантириш. Ўзбекистон шароитида уруғли ва данакли пакана ва ярим пакана мевали дарахтларни парваришлаш агротехник тадбирларини амалга ошириш. Тошкент 2018. 38-41 б)

3. Рыбаков А.А., С.В.Остроухова С.В. Фенофазы вегетации и покоя. Плодоводство Узбекистана. Ташкент 1972. С 98-114

4. Прохоров И.А., Потапов С.П. Признаки плодов яблони, груши и некоторых других семечковых культур. Практикум по селекции и семеноводству овощных и плодовых культур. Москва ВО «Агропромиздат» 1988 С.221-232.

УЎТ: 631.416: 631.6.03

СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРДА ЗАҲАРЛИ ТУЗЛАР МИҚДОРINI ЛАЗЕРЛИ ТЕКИСЛАШ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

М.М.Тургунов, PhD, Тошкент дала тизмачи университети Андижон филиали, Андижон
М.К. Пулатов, к.и.х., Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада суғориладиган ўтлоқи тупроқларни лазерли текислаш таъсирида заҳарли тузларнинг сифат ва миқдор ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Лазер ёрдамида текислаш натижасида токсик тузлар миқдори камаяди. Сифат таркиби қуйидаги қаторда жойлашган: $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$, CaSO_4 , MgSO_4 , Na_2SO_4 , NaCl .

Калим сўзлар: текислаш, заҳарли тузлар, тузларнинг сифат таркиби, сизот сувлари, ўтлоқи тупроқ, кальций сульфат, магний сульфат, натрий сульфат, натрий хлор

Аннотация. В статье приводятся данные изменения количества и качества токсичных солей при лазерной планировке орошаемых луговых почвах. В результате лазерной планировки уменьшается количество токсичных солей. Качественный состав расположен в следующем ряду: $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$, CaSO_4 , MgSO_4 , Na_2SO_4 , NaCl .

Ключевые слова: разровнять, токсичные соли, качественный состав солей, грунтовые воды, луговая почва, сульфат кальция, сульфат магния, сульфат натрия, хлорид натрия

Abstract. The data change quality happens to In article and toxic salts under laser planning irrigated meadow soil. As a result of laser planning decreases the amount a toxic salt. Qualitative composition are located in following row: $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$, CaSO_4 , MgSO_4 , Na_2SO_4 , NaCl .

Key words: flatten, toxic salts, qualitative composition of salts, groundwater, meadow soil, calcium sulfate, magnesium sulfate, sodium sulfate, sodium chloride

Кириш. Бугунги кунда республикаимиз суғориладиган ерларида меъеридан ортиқ суғориш натижасида тупроқнинг сув ва туз тартибида бир қатор салбий ўзгаришлар кузатилмоқда. Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ресурстежамкор технологияларини такомиллаштириш ва тупроқларда иккиламчи шўрланиш жараёнларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омиллардан бири бу – шўрланиш жараёнлари

хисобланади. Олиб борилган кўп сонли тажрибалар кўрсатишича, хаттоки кам шўрланган ерларда ҳам асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сезиларли камаяди. Кучсиз шўрланган ерларда, пахта ҳосилдорлигини шўрланган тупроқларга нисбатан 20-25%, ўртачада 40-45%, кучли шўрланган майдонларда эса 60-80% гача камайиши илмий тадқиқотларда исботланган. Бу жараённинг жадаллашиб давом этиши ерларнинг қишлоқ хўжалик экинлари учун яроқсиз ҳолга олиб келиши мумкин, айнан шу муаммони ўрганиш кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда [1,5]. Бунинг асосий сабаби эса тупроқда ортикча тўпланган захарли тузларнинг ўсимликларга кўрсатадиган зарарли таъсирidir. Шу боисдан ҳам бугунги кунда, тупроқлар шўрланишига қарши кураш, озиқ-овқат хавфсизлигининг асосларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарорлаштиришга ва тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган ресурстежамкор технологиялар қўллаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига қаратилган муҳим изланишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан шўрланган ерларни лазерли текислаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ёрни текислаш сувни иқтисод қилиш самарасини янада оширади. Бу технология сизот сувлари сатҳи кўтарилишини олдини олади, узлуксиз суғоришни таъминлашда, хатто сув танқислиги ҳолатларида қўл келади [3, 6].

Тадқиқот объекти ва услуги. Тажрибалар 2010 - 2013 йиллар Япония қишлоқ хўжалиги фанлари халқаро тадқиқот маркази (JIRCAS) олимлари билан биргаликда Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Янгиобод СИУ си худудида тарқалган ўтлоқи тупроқларда олиб борилган. Тажриба майдони қуйидаги 2 та вариантдан иборат:

1-Ер шудгор қилинади + шўри ювилади + фермер хўжалигида қабул қилинган агротехника асосида тупроқ юзаси текисланиб қишлоқ хўжалик экинлари (ғўза ва бугдой) экилди.

2-Ер шудгор қилинади + шўри ювилади + ер майдони лазерли нивелир ёрдамида текисланади + қишлоқ хўжалик экинлари (ғўза ва бугдой) етиштирилди.

Тажриба майдони тупроқларидан 52 нуқтада қуйидаги: 0-30; 30-50; 50-70; 70-100 см чуқур қатламлардан турли даврларда тупроқ намуналари олиниб лаборатория шароитида сувда осон эрувчи тузлар миқдори-сувли сўрим усулида таҳлиллар олиб борилиб аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тузларнинг сифат таркиби бўйича 2010 йил натижаларига кўра CaSO_4 тузи (0-100 смда ўртача) энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, фасллар бўйича назоратда 0,344-0,539%, лазерли текисланган 2-вариантда эса 0,334-0,506% оралигида ўзгариб туради. Кейинги ўринларни MgSO_4 ва Na_2SO_4 тузлари эгаллайди, CaCl_2 ва MgCl_2 тузлари учрамайди (1-жадвал). 2010 йилга нисбатан 2011 йилда CaSO_4 тузи биров камайган, яъни ёз фаслида назоратда 0,458 фоизни, лазерли текисланган вариантда 0,411 фоизни ташкил қилган бўлса, қиш фаслига келиб шўр ювишни ҳар иккала вариантда тенглашганлик ҳолатига ювилган (0,334%), бундан мақсад келгуси йилда вариантлар ўртасида шўрланиш жараёнини қандай бораётганлигини ва лазерли текислашнинг таъсирини кузатишдан иборат.

1-жадвал

Лазерли текислаш таъсирида тузларнинг сифат ва компонент кўрсаткичларини ўзгариши (0-100 см даги ўртача % ҳисобида)


Вариант	Қатлам қалинлиги, см	$\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$	CaSO_4	MgSO_4	Na_2SO_4	NaCl	Захарли тузлар миқдори, %
Баҳор 04-17 апрель 2010 йил							
1	0-100	0,030	0,536	0,203	0,193	0,08	45,66
2	0-100	0,031	0,477	0,196	0,149	0,064	44,52
Ёз 25.07-05 август 2010 йил							
1	0-100	0,030	0,492	0,202	0,199	0,09	49,22
2	0-100	0,030	0,451	0,178	0,162	0,065	46,58
Куз 01-14 октябрь 2010 йил							
1	0-100	0,031	0,539	0,239	0,156	0,1	46,76
2	0-100	0,031	0,506	0,243	0,145	0,075	46,34
Ёз 10.05-01 июнь 2011 йил							
1	0-100	0,032	0,458	0,205	0,146	0,1	48,03
2	0-100	0,033	0,411	0,214	0,142	0,074	49,02
Қиш 06-11 декабрь 2011 йил							
1	0-100	0,032	0,334	0,194	0,145	0,075	53,09
2	0-100	0,033	0,334	0,18	0,126	0,061	50,09

Изланиш олиб борилган 2010 йилнинг баҳорида, захарли тузлар миқдори назоратда 0,476 фоизни қайд этган бўлиб, 2-вариантда эса захарли тузлар миқдори 0,408 фоизга тенг, ёз фаслига келиб назоратда 0,491 фоизни, лазерли текисланган майдонда 0,405% ва кузга келиб назоратда 0,495%, 2-вариантда 0,462 фоизга тенг. 2011 йилнинг ёз фаслида олинган натижаларига кўра, назорат вариантда захарли тузлар 0,451% бўлса, қишда 0,413 фоизни ташкил этади, 2-вариантда эса бу кўрсаткичлар мос равишда ёзда 0,430 ва қишда 0,367 фоизга тенг бўлиши кузатилади.

Юқоридаги натижалардан кўриниб турибдики, 2010 йилнинг куз фаслида умумий тузлар миқдорининг ортиб кетиши, сизот сувларининг юқори даражада минераллашганлиги ва тупроқ

катламлари бўйлаб тузлар вегетация даврида юқорига кўтарилганлиги билан ифодаланади. 2011 йил баҳорида тажриба майдони юқори қисмига, тик зовур қурилиши сизот сувлар сатҳини сезиларли камайтириши билан шўрланиш даражасига ҳам таъсир кўрсатганлигидан олинган натижалар далолат беради (1-расм).

Изланиш олиб борилган 2010 йилнинг баҳорида, заҳарли тузлар миқдори назоратда умумий тузлар йиғиндисининг 45,66 фоизни ташкил этса, 2-вариантда эса заҳарли тузлар умумий миқдорига нисбатан 44,52 фоизга тенг, ёз фаслига келиб назоратда 49,22% бўлса, лазерли текисланган майдонда мос равишда 46,58%, кузга келиб назоратда 46,76%, 2-вариантда 46,34 фоизга тенг. 2011 йилнинг ёз фаслида олинган натижаларига кўра, назоратда заҳарли тузлар 0,451% бўлса, қишда 0,413%, умумий тузларга нисбатан ёзда 48,3%, қишда 53,09 фоизни ташкил этади, 2-вариантда эса бу кўрсаткичлар мос равишда ёзда 49,02 ва қишда 50,09 фоизга тенг бўлиши кузатилади. Юқоридагилардан кўришиб турибдики тупроқ шўрланиши нафақат мавсумий, балки унга ишлов бериш билан ҳам ўзгартириш имкони мавжуд.



Расм. Тажриба майдони тупроқларининг сифат кўрсаткичи (0-100 см да ўртача)

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, суғориладиган ўтлоқ тупроқларнинг шўрланиши асосан, суғориш суви ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига ҳамда майдоннинг рельефига боғлиқ бўлиб, лазерли текисланган майдонларда суғоришда сув сарфининг камайиши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Сифат таркиби ва заҳарли тузларнинг миқдори бўйича ҳам лазерли текслашнинг таъсирини кузатиш мумкин. Назоратга нисбатан лазерли текислашда тузларнинг сифат кўрсаткичи фасллар бўйича 0,033-0,086% ва заҳарли тузлар миқдори 0,021-0,046 фоизга камайган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ефремов А.Н. Лазерная планировка орошаемых земель. М.: ООО «Литера Принт», М. 2016, 52 с.
2. Ефремов А.Н. Совмещенные технологии комплексной планировки рисовых чеков // М.: Механизация и электрификация сельского хозяйства. 2016, № 1. С.5-9,17.
3. Ибрагимов Н., Рўзимов Ж., Эгамбердиев О., Акрамханов А., Руденко И., Нурметов Қ. – Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш бўйича техник йўриқнома / Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ресурслар тежамкор технологияларни омдалаштириш. Урганч, 2012. 21 б.
4. Комилов О.К., Ахмедов А.У. Тупроқ шўрланганлиги даражасини туз заҳиралари миқдори бўйича аниқлаш ва баҳолаш классификацияси / Почвы Хорезмской области. Кн.: 1 и 2. Ташкент, 1998. 108,103 с.
5. Норкулов У. Тупроқни шўрини ювишда сувни тежаш технологияларининг илмий ва амалий асослари. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DsC) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. 61 б.
6. Юкио Окуда, Хироши Икеура, Джуния Ониши, Наото Нитта, Аюми Фукуо, Каори Шигаи. Сизот сувлари сатҳи юқори жойлашган шароитда қишлоқ хўжалиги ерларида шўрланишини камайтириш тадбирлари бўйича қўлланма. Тошкент, 2013. 114 б.

УЎК 631.67

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУҒОРИШНИНГ СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

И.Ж.Худайев, т.ф.н.доцент, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
Ж.Ш.Фазлиев, докторант, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Мақолада муаллифнинг табиий-хўжалик шароитда олиб борган назарий тадқиқотлари ва дала синовлари натижалари келтирилган. Суғориш режими ўсимликларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради ва ортиқча сув ишлатилмайди, шу билан бирга тупроқдаги сувнинг буғланиши аҳамиятсиз, намлик фақат ўсимликларнинг илдиз тизимида яқин жойда тўпланади, натижада сув дала бўйлаб тарқалиб кетмайди, чунки тупроқ сувни паст синдиради, ер ости сувлари даражаси кўтарилиши бўлмайди.

Калит сўзлар: суғориш, томчилатиб суғориш, суғориш усуллари, лой сувлари, ер ости сувлари, сув ресурслари

Аннотация. В статье приведены результаты теоретических исследований и полевых испытаний автора, проведенных в природно - хозяйственных условиях. Режим орошения соответствует потребностям растений в воде и лишняя вода не используется, при этом испарение

воды в почве незначительно, влага соберется лишь около корневой системы растений, в результате вода не рассеивается по всему полю, из-за малого поглощения почвой воды уровень грунтовых вод не будет подниматься.

Ключевые слова: орошение, капельное орошение, способы орошения, глинистая вода, грунтовая вода, водные ресурсы

Abstract. The article presents the results of theoretical studies and field trials of the author, conducted in ancestral - economic conditions. The irrigation regime corresponds to the water needs of plants and excess water is not used, while water evaporation in the soil is insignificant, moisture will collect only near the root system of plants, as a result, water does not disperse throughout the field, due to the small absorption of water by the soil, the level of subsoil water will not rise.

Key words: irrigation, drip irrigation, irrigation methods, clay water, subsoil water, water resources

Жаҳонда сув ресурсларининг танқислиги шароитларида суғориш сувининг маҳсулдорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан сув ресурсларини умуман тежашни таъминлайдиган суғориш технологияларини ва усулларини ишлаб чиқиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишга АҚШ, Австралия, Исроил, Россия, Украина, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа ривожланган давлатларда катта эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг сув тежамкор техника ва технологиясига ҳамда суғориш сувининг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек суғориш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш масалаларига йўналтирилган назарий ва амалий тадқиқотларга бир қатор олимларнинг, шу жумладан А.Н. Костяков, Б.Б. Шумаков, Н.Т. Лактаев, Н.Р. Хамраев, Б.Ф. Камбаров, Х.И. Якубов, В.А. Духовный, М.Г. Хорст, А.А. Рачинский, С.М. Кривовяз, Г.Н. Павлов, Р.К. Икрамов, В.Р. Шредер, В.Ф. Сафонов, Р.И. Паренчик, Л.Г. Шурова, Р.М. Авербух, С.А. Нерозин, Б.С. Камиллов и Г.А. Безбородов, Б.Г. Малаев ва Т.И. Палванов, А.В. Новикова, Э.Д. Чолпонкулов, Н.Р. Хамраев, М.Х. Хамидов, Ф.А. Бараев ва бошқаларнинг ишларини айтиб ўтиш мумкин.

Республиканинг жануби учун суғорма деҳқончиликда сувдан рационал фойдаланиш бўйича ва ерларни мелиорациялаш учун чора тадбирларни асослашда суғориш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Олиб борилган тадқиқотларда:

суғорма деҳқончилик ва мелиорация бўйича турли илмий-тадқиқот институтларининг сувни тежаш ва тупроқ муҳофазаси бўйича тавсиялари таҳлил этилди;

республиканинг жанубий ҳудудлари шароитларида қўллаш учун сув ресурслари танқислигининг долзарб муаммоларини таҳлили этиш ва сув тежаш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш масалаларини ечиш йўллари ишлаб чиқилди;

суғориш учун сув сифатини ва унинг тупроқ бонитетига таъсирини эътиборга олиб ғўза комплекси экинларини суғориш режими ва технологиялари ишлаб чиқилди;

янги ўзлаштирилган ерларда негатив жараёнлар: эрозия, суффозия, тупроқ чўкиши ва қияли ерларда тупроқ кўчиши оқибати шароитларида, суғориш давомига ва сув исрофига таъсир этувчи кучсиз ва кучли сув ўтказувчан тупроқларда суғориш жараёнларининг мураккаб ҳолатларида суғориш технологиялари параметрларини мақбуллаштириш йўллари аниқланди;

сув тақчиллиги даврларида тупроқ унумдорлигини бошқаришнинг агротехник ва ирригацион-мелиоратив ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш услублари аниқланди;

республиканинг жанубий ҳудудлари учун суғориш технологиялари бўйича районлаштириш мақсадида тоғолди-адирли ерларда сувни тежаш далада меҳнат унумдорлигини ошириш, янги ўзлаштириладиган ва суғорма ерларда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун суғориш технологияларини такомиллаштириш услублари баҳоланди;

Тадқиқотлар жараёнида экспериментларни математик режалаштириш усуллари, лаборатория ва дала тадқиқотларини статистик қайта ишлаш ва ҳисобларнинг компьютер дастурларидан, натижаларнинг ишончлилигини асослашдан фойдаланилди. Суғориш техникаси элементлари ва режими параметрлари ҳисобини математик масалаларини физик ва ўхшашлик моделлаштириш модуль майдончаларини мелиоратив баҳолаш, тажриба участкаларида стационар кузатишлар, лаборатория-дала тажрибаларидаги гидравлик тадқиқотлар куйидаги етакчи институтлар услубиятларидан фойдаланишга асосланган.

Сув ва ресурс тежамига, республиканинг жанубидаги суғориладиган ерларда тупроқ унумдорлигини ошириш, деҳқончиликни интенсификациялашни рағбатлантиришга йўналтирилган такомиллаштирилган суғориш, мелиорация, агротехника усуллари негизида сув тежаш ва тупроқни муҳофаза қилишга қаратилган суғориш усулларидан фойдаланиш услублари ишлаб чиқиш;

республиканинг жанубидаги тоғолди-ўрқачли, текисликли чўл ва чўл минтақаларидаги ўзлаштирилган ва суғориладиган ерларда ўзлаштирилган ерларнинг табиий мажмуида суғориш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тадқиқот объекти учун суғориш техникаси ва технологияси бўйича назарий ишланмаларнинг таҳлили асосида суғориш техникаси параметрларининг ўзгариши динамикасини аниқлаш ва уларнинг параметрларини характерли тупроқ-иқлим шароитларида аниқлаш бўйича жойдаги

тадқиқотлар ўтказиш, ўзлаштирилган ерлар тупроқларининг агрофизик, физикавий- кимёвий ва мелиоратив хоссалари ўзаро функционал боғлиқлиги ва ўзлаштирилган ерлар тупроқлари унумдорлигининг қайта тикланиши жараёнига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

деҳқончилик юритиш жараёнига, фермер ва деҳқонларнинг моддий-меҳнат харажатларига тупроқ хоссалари – чўкиши, суффозияси, эрозияси ва қияликлар кўчишининг негатив таъсирини олдини олувчи ва пасайтирувчи тавсия этилган суғориш техникаси ва режимининг квалификацияцион хоссаларидан фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

далада сув тежамкорлигига эришишда чўл зонасидаги ерларда мелиоратив мақбул шароитларини яратиш учун тоғ олди суғориш тадбирларининг тамойилларидан фойдаланиш хусусиятлари ва қонуниятлари ўрнатилган;

фермер ва деҳқон хўжаликлари учун лимитли, чекланган сув олиш шароитларида суғориш технологияларини мақбуллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг техникаси ва режими нисбатини аниқлаш услуги ишлаб чиқилган.

Томчилатиб суғориш тизимлари тадқиқотларида сув тежамкорлиги эгитлаб суғоришга солиштирилганда 40% дан 60% гача ташкил қилади. Сув тежамкорлиги буғланишни ва дала охирида сув ташланиши, чуқур қатламларга фильтрацияни бартараф этиш орқали сув исрофини камайтириш ҳисобига эришилади.

Жадвал 1

Биринчи йил суғоришдаги узум кўчатларининг суғориш режими элементлари ва биометрик кўрсаткичлари

Суғориш қурилмаси	Сув сарфи, л/с	Суғоришлар сони	Суғоришлар оралиги даври, кунлар	Умумий суғориш меъёри, м ³ /га	Вегетация охиридаги узумзорнинг биометрик кўрсаткичлари			
					Баландлиги, см	Шохлар сони	Барглр сони, шт	Барг юзаси, см ²
Намлатгичлар устида тешиклари билан 140 мм диаметри полиэтилен лоток	0,0038-0,0086	5	3-4-5	2510	52	7,1	69	2053,7
Гравийли лункалар устида тешикли металл ёки дюймли полиэтилен қувур	0,016-0,027	5	3-4-5	3775	56	8,2	72	2273,0
Траншядаги тешикли полиэтилен шланг	0,0019-0,0010	5	3-4-6	4495	55	7,5	81,8	2409,8
Одатдаги эгат	0,375-0,395	5	3-7	4980	60,1	8,1	80,3	1973,8

Исроилда бундай тизим билан 43,0 минг га, АҚШ да 62 минг га қамраб олинган. Тожикистон (Вахш) ва Ўзбекистонда (Савай) томчилатиб суғориш бўйича олиб борилган тадқиқотлар тажрибаси кўрсатадики, ушбу тизим баланд жойлардаги галечникларда фильтрация сувларининг катта исрофларини бартараф этади ва шу билан бирга қуйида жойлашган ерларнинг сув босишини ҳам бартараф этади, бунда сув босиш зонасидаги дренаж қурилишига сарфланадиган харажатларни анча камайтиради (Мирзаева, 1994).

ТИС ва ТСТ нинг асосий тамойили – экинларни талаб этиладиган миқдорда сув ва ўғитлар билан бошқариладиган таъминлаш, бу даланинг сифатли агротехникасида ва тупроқларни тайёрлаганда вегетация даврида экинларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирининг, эгатлаб суғоришга нисбатан оширилган ҳосил олиш учун уларнинг сувга бўлган биологик талабини ишлатиш орқали, самарали натижаларини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, суғориш технологияларини суғорма деҳқончиликни юритишни такомиллаштириш билан бирга олиб бориш деҳқончиликни интенсификациялашнинг ҳали ўрганилмаган потенциал имкониятларини очишга имкон беради. Хусусан, бу ҳақда Марказий Осиёда А.Н. Костяков (1960), Б.Б. Шумаков (1976), Ўзбекистонда Н.Р. Хамраев (1978), Р.А. Ахмедов (1979), М.Х. Хасанов (1978), Қирғизистонда К. М.Кулов (1987), Грузияда В.Н. Бокерия (1987), Россияда Ю.А. Скобельцын (1985), М.С. Григоров (1973), Д.П. Гостищев (1973), Тожикистонда Г.Ю. Шейнкин (1972), Х.Д. Домуллажанов (1947), Қозоғистонда Г.В. Чернов (1979) ва бошқа олимларнинг тадқиқот натижаларида таъкидлаб ўтилган, уларнинг ишларида ТСТ нинг сув тежаш хусусиятлари келтирилади, шунингдек чорвачилик фермалари оқимларидан фойдаланган ҳолда суғориш тизими орқали тупроққа ўғит киритиш, ҳаво ва сувда эритилган углекислота бериш кабилар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси генетика институти селекционерлари сув тежашнинг йўлларида бири деб бунда ғўзанинг эски навлари билан таққослаш бўйича янги перспектив навларни ҳисоблашади, улар сувни 30% гача тежашлари мумкин. Бошқача айтганда, эгатлаб суғоришда сувнинг техник исрофларини бартараф этиш, уни томчилатиб суғоришга алмаштириш, ғўза навининг потенциал қобилиятлари максимал сув тежамкорлигини бериши мумкин. Ғўзанинг шўрга бардошли ва қурқоқчиликка чидамли Армуғон, Навбахор, Гулбахор, Бухоро-6, Наманган-77 навларини айтиб ўтиш мумкин.

Хулосалар. Республиканинг жанубий қисми ҳудудлари учун сув ресурслари тақчиллиги муаммоларини ва сувни тежаш, тупроқ унумдорлигини деградациялашган шароитларда қайта тиклаш зарурлигининг муҳимлиги аниқланди;

қишлоқ хўжалик экинларининг мақбул суғориш режимини ва ғўза мажмуи экинларининг суғориш технологияларини суғориш учун сув сифатини, шунингдек уларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини ҳисобга олиб ишлаб чиқилди;

янги ўзлаштирилган ерларда чўкиш, суффозия, эрозия ва қияликларнинг кўчиши каби негатив жараёнларнинг юзага келиш шароитларида мавжуд суғориш технологияларини мақбуллаштириш усуллари ва йўллари ишлаб чиқилди;

тупроқ унумдорлигини ошириш ва сув ресурсларини тежамли ишлатишнинг агротехник ва мелиоратив усуллари асосланди;

республиканинг жанубидаги янгидан ва аввалдан суғориладиган ерларда сувни тежаш, далада меҳнат унумдорлигини ошириш, унумдорликни сақлаш ва ошириш борасида тавсия этиладиган янги суғориш технологиялари баҳоланди;

тавсия этилган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. – Тошкент 2007 й., – 176 б.
2. И.Худайев, Ж.Фазлиев, С.Баротов Технология капельного орошения садов и виноградников//AGRO ILM 1(57) сон 2019
3. Xamidov M.X., Suvanov B.U. Water resources and their effective use". Journal of Irrigation and Melioration 2017. No 10. Pp. 5-9.

УЎК 631.1

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Ш.Ш. Шомуротов, мустақил тадқиқотчи, Андижон давлат университети, Андижон

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда сув хўжалиги тизими модернизацияси тарихи, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари ва қишлоқ хўжалигида амалга татбиқ этилаётган изчил ислохотлар, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона тарзда фойдаланиш ҳамда ирригация ва мелиорация фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: сув ресурслари, суғориш тизими, мелиорация ва ирригация, модернизация, сув танқислиги муаммоси, ерни муҳофаза қилиш, сув иншоотлари, тежамкорлик, ислохот

Аннотация. Статья посвящена истории модернизации водных систем в Узбекистане, способам эффективного использования водных ресурсов и последовательным реформам в сельском хозяйстве, экономному и рациональному использованию водных ресурсов, а также ирригации и мелиорации земель.

Ключевые слова: водные ресурсы, ирригационная система, мелиорация и орошение, модернизация, проблема нехватки воды, охрана земель, гидротехнические сооружения, экономика, реформа

Abstract. The article focuses on the history of modernization of water systems in Uzbekistan, ways of efficient use of water resources and consistent reforms in agriculture, economical and rational use of water resources, as well as irrigation and land reclamation.

Keywords: water resources, irrigation system, land reclamation and irrigation, modernization, water scarcity problem, land protection, waterworks, economy, reform

Охирги пайтларда атроф-мухитни ва унинг ресурсларини, жумладан, энг муҳим неъматлардан бири – сувни муҳофаза қилиш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятини аҳолини ва иқтисодиётни сув билан таъминлаш муаммоси ташвишлантirmoқда. Зеро, расмий маълумотларга кўра, бугун сайёрамизда 1 миллиарддан зиёд одам тоза сувдан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Келгусида аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ва иқлим ўзгаришлари оқибатида сув ресурслари тақчиллиги янада кескинлашади.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб сув олиш ҳажми 63 км³ дан 52 км³ гача қисқарди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сўнгги йилларда 1 миллиард доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. Бунинг ҳисобидан қарийб 740 минг гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди – коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва тозаланди, ер тузишга доир ишлар амалга оширилди, зарур техника харид қилинди.

Ўзбекистонда сув танқислиги муаммосини ҳал этиш йўлида энг замонавий ёндашувлар, шу жумладан, сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш жорий этилмоқда. Масалан, бундай лойиҳалардан бирининг амалга оширилиши ҳисобидан Жанубий Фарғона канали тизимига умумий сув олиш ҳажми 20 фоиздан ортиқ камайди.

Бугун сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш мамлакатимиз бўйлаб 250 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда амалга оширилмоқда. Минтақанинг асосий дарёлари – Амударё ва Сирдарё оқимлари юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг амалдаги халқаро меъёрларни бузиш орқали трансчегаравий сув ресурсларини эксплуатация қилишга интилишлари

катта ташвиш туғдиришти. Мазкур дарёларнинг юкори қисмларида улкан тўғонларга эга катта гидроиншоотлар қуришга доир лойиҳаларни амалга оширишга уринишлар минтақанинг бутун экотизимига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши ҳамда техноген, ижтимоий-экологик ва гуманитар ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкин.

Сайёрамиз худудининг 3/4 қисмини сувли муҳит ишғол этган бўлиб, унинг жами захираси 1,5 млрд км³ га тенгдир. Шу миқдорнинг 94%ни ўта шўр денгиз ва океанлар суви ташкил этади. Ер қутблари ва баланд тоғлардаги музликлар таркибида эса, ердаги умумий сувнинг фақат 2,2% гина мавжуд. Дарё, кўл, булоқ ва турли хил ер ости чучук сувларининг улуши атиги 0,6% ни ташкил қилади.

Ер юзидаги курукликдан ҳар йили 41500 км³ сув оқиб чиқиб океанга тушади. Бу сув миқдори Байкал кўли сувидан 1,5 баравар кўп демакдир.

Курукликдаги йиллик сув оқимининг 56% Атлантика океанига ва Арктика сув ҳавзаларига, 44% Тинч ва Ҳинд океани сув ҳавзаларига, 2,5% берк сув ҳавзаларига тўғри келади. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, сайёрамизда чучук сув захиралари кам бўлиб, ер юзи бўйлаб жуда нотекис тақсимланган. Сув билан экваториал ва мўтадил минтақалар бошқа минтақаларга нисбатан яхшироқ таъминлангандир.

Ўрта Осиёда ҳам сув нотекис тақсимланган бўлиб, умумий сув захираларининг 27% Тожикистонга, 27% Қирғизистонга, 39% Қозоғистонга, 6% Ўзбекистонга, 1% Туркменистон давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Ўрта Осиё худудида ҳам турли рельеф шакллари, даштлар, чўллар, водийлар, воҳалар ва тоғлар мавжуд бўлиб, сув танқислиги бизнинг худудга ҳам хавф солиши мумкин. Бу тўғрисида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов шундай деб таъкидлайдилар: "Кейинги йилларда ОАВда табиатнинг улуғ неъматини – сув ҳақида кўп ёзиладиган, кўп гапириладиган бўлиб қолинди. Бу бежиз эмас, БМТ маълумотларига кўра ҳозирги даврда сайёрамиз аҳолисининг 2 млрд га яқини ичимлик суви етишмаслигидан қийналаяпти. Шундай давлатлар ҳам борки улар ёмғир, қор сувларини, ҳаттоки, ер ости сувларини ичимлик суви ўрнида истеъмол қилмоқда. Масалан: Англияда ер ости чучук сувлари ҳисобига зарур бўлган эҳтиёжнинг 2/3 қисми, АҚШда, Японияда 9/10 қисми даражасида кондирилади. Германия, Голландия, Бельгия ва бошқа мамлакатларда сув ҳавзаларининг ниҳоятда ифлосланиб кетганлиги учун асосан ерости сувлари ва ёмғир сувларидан фойдаланадилар".

Гидросфера таркибининг жуда оз қисмини ташкил этадиган чучук сув захиралари ХХI асрга келиб, ҳар хил сабаблар туфайли кўп ифлосланиб бормоқда. Сувнинг ифлосланиши унинг физикавий хоссалари, яъни тиниклиги, ранги, ҳиди, таъми кабиларнинг ўзгаришида, таркибида сульфатлар, хлоридлар, нитратлар, захарли оғир металллар миқдорининг кўпайишида, кислород миқдорининг камайишида, радиоактив элементларнинг пайдо бўлишида, касаллик туғдирувчи бактериялар мавжудлигида намоён бўлади. Ҳозирда 400 дан ортиқ турдаги моддалар сувни ифлослантириши мумкинлиги аниқланган.

Сувни ифлослантирувчи моддаларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: Кимёвий, биологик, физикавий моддалардир. Кимёвий ифлослантирувчилар ичида – нефть ва нефть маҳсулотлари, синтетик енгил-фаол моддалар, пестицидлар, оғир металллар, диоксин кабилар кенг тарқалган. Қишлоқ хўжалигида суғориш учун ишлатиладиган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда давлат аҳамияти даражасидаги вазифа бўлиб, ундан самарали фойдаланишнинг моҳияти - кам сув ресурси бирлиги ҳисобига энг кўп маҳсулот олишдир.

Кўпчилик олимлар ўз ишларида сувни бозор иқтисодиёти муносабатларидан келиб чиқиб фойдаланувчиларга сотишни таклиф қилишган. Уларда сувга баҳо беришда хўжаликларнинг сув олиш нуқтасигача сувни етказиб бериш учун давлат томонидан сарфланган харажатлардан келиб чиқиб, унинг эксплуатацион таннархига мос равишда белгиланиши кераклигини таъкидлашган. Шунингдек, бунда сувнинг сотиш баҳоси унинг таннархида баланд бўлиб, иккаласи ўртасидаги фарқ сув хўжалиги тизимидаги корхонанинг фойдасини ташкил қилишини таъкидлашган.

Маълумки, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи – фермер хўжаликларининг даласига сув, сув манбасидан сув олиш иншооти, давлат балансидаги ирригация тизимлари, сув истеъмолчилари уюшмалари суғориш тармоқлари ва фермерлар ариқлари орқали етказиб берилади. Бугунги кунда далага берилаётган ҳар 5-6 л/с сувга битта сувчини бириктириш, эгатлар узунлигини 50-60 метрдан оширмаслик, "шарбат" усулида суғориш, тунги суғоришларни ташкил этилиши, эгиловчан қувурлар ва қора плёнка тўшаб суғоришлар, энг асосийси – инсон омили: сувчиларнинг ишлашларига шароитларни яратиб берилиши ва меҳнат ҳақларини ўз вақтида олишлари фермерлар даласида сув истеъмоли коэффициентининг ошишига олиб келмоқда.

Бу соҳадаги ишларни давом эттириш ва дала шароитида сув тежамкорлигига эришиш учун катта майдонларда етиштириладиган экинлар пахта ва ғаллани суғориш учун махсус касб йўналишига эга бўлган сувчиларни тайёрлаш (ўқитиш) лозим. Ҳар бир тумандаги қишлоқ хўжалиги ёки ирригация ва мелиорация коллежлари қошида мунтазам фаолият юритувчи сувчиларни ўқитиш курсларини ташкил этиб, унинг битирувчиларига тегишли сертификат берилиши лозим. Фақат сертификатли сувчиси бор фермерлар билан сув етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш тизимига ўтилиши далаларда сув йўқотилишининг олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кундаги мавжуд турли хил муаммоларнинг асосий сабабчиси сув ҳисобланади. Шу боис, мавжуд сув истеъмолчилари уюшмаларини ўрганиб, уларни ҳар бир суғориш тармоқлари бўйича маъсулиятини ошириш, ҳар бир туманлараро каналлар бўйича сув истеъмолчилари уюшмаларинининг бирлашмаларини тузиш ва уларни ушбу каналлар бўйича сув бошқарувида иштирок этишини таъминлаш-уларнинг худудларида сув ресурсларини оқилона бошқариш, сув ресурсларининг самарадорлигига эришиш имконини беради. Зеро, мамлакатимизда ҳар бир томчи сувни кўз-қорачиғидай асрашимиз, бу бизнинг – келажак авлодларимиз олдидаги бурчимиздир.

Тежамкорлик билан боғлиқ омилкорлик кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида сув ресурсларидан унумли фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳага сувни тежашга мослаштирилган кўплаб янги технологиялар жорий этилиб, бир қатор чора-тадбирлар татбиқ этилмоқда.

Биргина 2011 йилда мамлакатимизда 2658,2 километр узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқлари, 9677,7 километр хўжалик ички суғориш ариқлари тозалангани, 2647 та гидротехника иншооти ҳамда 2772 та гидропост таъмирлангани ҳамда ҳам бу борадаги ишлар кўламини ҳис этиш учун муайян тасаввур беради. Бу билан бирга айни пайтда Ўзбекистонда сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш (СРИБ)ни кенг жорий этиш юзасидан ҳам изчиллик билан бир қатор саъй-ҳаракатлар йўлга қўйилмоқда.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Швейцария халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлиги доирасида Зарафшон дарёси ҳавзаси ва Фарғона магистрал каналида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамкорлигида ирригатсия тармоқлари модернизация қилиниб, сувдан фойдаланишни ҳисоблаш тизими такомиллаштирилмоқда, шунингдек, сувни тежашни иқтисодий рағбатлантириш усулларида фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли ўртасида фаол тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Айтиш ўринлики, экинларни суғоришда сувдан тежамкор фойдаланиш борасида сўнгги йилларда алоҳида диққатга молик таклифлар илгари сурилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.М. Арифжанов, К.Т. Рахимов, А.К. Ходжиев “Гидравлика” Тошкент – 2016 й. 136 б
2. К.Ш. Латипов, О.М. Арифжанов “Гидравлика ва гидравлик машиналар” Тошкент –2011й. 286
3. Д.Р. Бозоров, Р.К. Каримов, Ж.С. Казбеков, С.Х. Хидиров “Гидравлика” Тошкент –2003 й. 946
4. Гулямова А., Бурхонова М. Сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш//«Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари» мавзусидаги анъанавий XVIII – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. Тошкент - 2019 йил, 28-29 март 95-б
5. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Тошкент. Шарқ. 2008. -408 бет.

УДК 631.54

ВЛИЯНИЕ БИОСТИМУЛЯТОРОВ НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И УРОЖАЙНОСТЬ ПОДСОЛНЕЧНИКА

М.А. Яхекулова, Андижанский филиал ТашГАУ, Андижан
К.Т. Жураева, Андижанский филиал ТашГАУ, Андижан

Аннотация. *Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида уруғлар учун Валя кунгабоқар навини ўстиришида Экосил 50 г / л, Экоҳум комплекси ва Экоҳум ФК дан биргаликда фойдаланишининг юқори самарадорлиги аниқланди.*

Калим сўзлар: *биостимуляторлар, кунгабоқар, препаратни қўллаш даражаси, бошқарув, вариант, такрорлаш, Экосил 50 г / л, Экоҳум комплекси, экогум ФС, Гуми*

Аннотация. *В результате наших исследований была выявлена высокая эффективность совместного использования препаратов Экосил 50 г/л, Экогум комплекс и Экогум ФК при выращивание сорта подсолнечника «Валя» для семян.*

Ключевые слова: *биостимуляторы, подсолнечник, норма использования препарата, контроль, вариант, повторение, Экосил 50 г/л, Экогум комплекс, экогум ФК, Гуми*

Abstract. *As a result of our research, the high efficiency of the joint use of Ecosil 50 g / l, Ecogum complex and Ecogum FC preparations when mowing the Valya sunflower variety for seeds was revealed.*

Keywords: *biopreparation, sunflower, rate of using of the drug, the control, option, reiteration, Ecosil 50 g / l, Ecohum complex, ecohum FC, Gumi*

Дополнительный продукт при получении масла из семян масличных культур – жмых является ценным кормом для скота благодаря высокому содержанию белка и жира, его используют в производстве мыла и других отраслях промышленности.

Подсолнечник является одним из важнейших масличных культур. Семена современных сортов подсолнечника содержат 50-54% масла полусухого качества. Его масло используется непосредственно в пищу, в приготовлении рыбных консервов, овощей, в производстве маргарина, хлеба и кондитерских изделий.

В составе масел из сортов подсолнечника, созданных в последние годы, содержит 75-80% олеиновый и 12-17% линолевые кислоты. Такие масла по качеству очень близки к оливковому маслу. Подсолнечное масло содержит витамины А, Д, Е, К и фосфотиды. Высококислотное, низкачественное подсолнечное масло используется в производстве стеарина, линолеума, в производстве клеёнки, а также в производстве электротехники, мыла, краски, лака [3,4].

При обработке семян под масло получают 33-35% высококачественный корм для скота- жмых. Жмых богат незаменимыми аминокислотами.

В одном килограмме жмыха содержится - 1,09 кормовых единиц и 226 г. усвояемый протеин, а в 1 кг шрота - 1,02 кормовых единицы и 363 гр усвояемый протеин [1].

При использовании нетрадиционных органических удобрений в учебном хозяйстве сельскохозяйственного института, прирост урожая составлял 2,4 - 4,1 ц / га [5].

Актуальность темы. Результаты наших наблюдений показали, что подсолнечник хорошо растет при температуре воздуха 26-28⁰С. Когда температура была выше 32-34⁰С, это оказало слегка негативное влияние на растение.

Лузга подсолнечника является дополнительным кормом для скота, шелуха семян главным ценным сырьем для производства гексозы и пентозы. После сжигания стеблей из пепла получается щелочь. Зола также является ценным удобрением.

Подсолнечник медоносное растение. На богарных зонах Узбекистана подсолнечник выращивают на силос и зеленый корм. Это имеет большое агротехническое значение для других солеустойчивых растений.

Гексозный сахар из шелухи семян используется для производства этилового спирта, пищевых дрожжей, пентозный сахар - для производства искусственных волокон, пластика и небьющегося стекла.

В 1 кг муки полученной из лузги содержатся 0,8 кормовых единиц и 38–43 г белка.

Учитывая это, нами изучены влияние биостимуляторов на рост, развитие и урожайность подсолнечника повторного посева в условиях орошаемых луговых почв учебного хозяйства Андижанского филиала Ташкентского государственного аграрного университета.

Почвы опытного участка, где проводились научные исследования, относятся к орошаемым луговым почвам. По своему минералогическому составу она относится в основном к среднепесчаным, с увеличением доли пыли вниз, относится к тяжелым песчаным. Глубина залегания грунтовых вод составляет около 1,2-2,0 метра, не засоленная. Количество гумуса в почве составляет 1,85-1,01% (при 0-30-50 см). Объемная плотность верхнего слоя почвы составляет 1,25 г/см³.

Общее количество питательных веществ составляло 0,71% гумуса в недрах и 0,078% в слое 30-50 см. Общее содержание фосфора и калия для этого слоя составило 0,146 и 1,63 процента соответственно.

Легкоусвояемые питательные вещества в почве для растения до начала опытов составляли: N-NO₃ -21,4 мг/кг, P₂O₅ -31,4 и K₂O -205 мг/кг.

Результаты исследований. В ходе исследований были проведены полевые опыты в шести вариантах и в четырёх повторностях подсолнечника сорта «Валя» повторного посева.

После первой обработки варианта биостимулятором видно, что эффект препарата четко ощущается, учитывая высоту его основного стебля и количество листьев. В частности, согласно результатам фенологических наблюдений 5 августа, наилучшие результаты по высоте растений и количеству листьев наблюдались в варианте 4, то есть, когда Ecosil 50 г/л, Ekogum комплекс, Ekogum FC использовались вместе, показатели составляли 44,2 см и при 12,9 единицах эти показатели оказались на 2,8 см и на 1,5 единицы выше, чем в контрольном варианте. В варианте 5, где использовался местный препарат Gumi, высота основного стебля составляла 43,4 см, а количество листьев составляло 12,6, что было на 0,8 см и на 0,3 больше, чем в варианте 4.

Данные по формированию структуры урожая подсолнечника в конце вегетации приведены в таблице 2.

В конце вегетационного периода данные по высоте основного стебля подсолнечника показали, что в вариантах 2 и 3, т.е. в комплексе Ekogum и одноразовом применении Ecosil 50 г/л, в комплексе Ekogum, в Ekogum FC, высота растения была выше, чем в других вариантах. Также было выявлено, что высота стебля растения в варианте 2 с использованием комплекса Ekogum была на 0,8 см выше, чем в варианте 3, где все три препарата использовались вместе.

Согласно данным, полученным по формированию структуры подсолнечника, наибольший индекс размера корзины диаметром 28,9 см наблюдался у варианта где использовались одновременно Ecosil, Ekogum и Ekogum FC. Относительно высокая скорость также наблюдалась в варианте 5 с использованием гуми, но немного более низкий результат (-0,6 см) наблюдался по сравнению с вариантом 4. В контрольном варианте размер корзины в среднем составлял 22,1 см, что на 6,8 см меньше, чем в 4 вариантах.

В нашем исследовании лучшие результаты для веса 1000 зерен наблюдались снова в 4 ом варианте, который составил 90 г, что на 26,9 г больше, чем в контроле. Было отмечено, что этот же

показатель был на 10 г выше, чем результат, полученный с варианта, в котором использовался местный препарат Гуми.

Таблица 1

Влияние биостимуляторов на рост и структуру подсолнечника

Варианты	Густота растений, шт/га	Ср.высота растений, см	Ср.диаметр корзины, см	Ср.вес корзина + семечки, гр	Ср.сес семечек одной корзины, гр	Выход семечек, %	Вес 1000 семечек, гр
1	56565	119,1	25,2	388,3	73,2	18,8	70,1
2	56566	152	22,6	286,66	55,8	19,4	65
3	56567	151,2	24,8	355	74,5	20,9	65,4
4	56568	56	28,9	413,1	98,3	23,8	90
5	56569	144,9	28,3	375	93,3	24,8	80
6	56570	137,2	22,1	276,6	52,8	19,1	63,1

Конечно, эти результаты не остались незамеченными в их влиянии на урожайность подсолнечника.

Предварительные данные по урожайности подсолнечника приведены в таблице 3.

Согласно данным по средней урожайности, самая высокая урожайность наблюдалась при совместном использовании Экосила 50 г/л, комплекса Экогум и ФК Экогум, который составил 55,5 ц/га. Этот результат на 2,8 ц/га выше, чем 5 вариант, где использовали местный препарат Гуми. Следует отметить, что этот результат указывает на дополнительную урожайность 25,6 ц/га по сравнению с контрольным вариантом. Среди вариантов, кроме контрольного, относительно низкий показатель наблюдался в варианте 2, в котором использовался Ecosil и составил 31,4 ц/га, с дополнительной урожайностью всего 1,6 ц по сравнению с контролем.

Таблица 2

Первичные данные по влиянию биостимуляторов на урожайность подсолнечника

№	Варианты	Урожайность ц/га				Ср. урожайность ц/га	Прибавка к урожаю ц/га
		I-повторение	II- повторение	III- повторение	IV- повторение		
1	Экосил 50 г/л	41,1	41,5	41,4	41,6	41,4	11,60
2	Экогум комплекс	31	31,6	31,7	31,3	31,4	1,60
3	Экогум ФК	42	41,7	42,4	42,3	42,1	12,50
4	Экосил 50 г/л Экогум комплекс Экогум ФК	55,3	55,8	55,5	55,4	55,5	25,6
5	Гуми	52,5	52,9	52,6	52,8	52,7	22,90
6	Контроль	29,5	30,2	30,1	29,3	29,8	-

Выводы. По результатам эксперимента можно сделать следующие предварительные выводы:

Использование биопрепаратов производимых в Беларуси в сочетании с минеральными удобрениями положительно влияет на количество питательных веществ в почве. Увеличение подвижных питательных веществ в почве создает благоприятную возможность для роста, развития и сбора урожая подсолнечника.

Совместное использование всех биопрепаратов позволяет повысить урожайность подсолнечника. В экспериментальных вариантах за счёт применения препаратов обеспечило получение дополнительной урожайности 11,6 - 25,6 ц/га по сравнению с контрольным вариантом.

Исходя из первоначальных результатов, мы полагаем, что совместное использование 50 г/л Ecosil, комплекса Ecosil и биопрепаратов Ecosil FC при выращивании подсолнечника даёт хорошие результаты.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. П.П.Вавилов и др. Растениеводства М.Колос 1986 г. 547 с.
2. О.Узаков, Г.Курбонов Семеноводство и семеноведение Т. Мехнат 2000 г. Стр - 310 .
3. Б.С.Мусаев “Агрохимия” Ташкент.Издательство “Шарк” 2001 г. Стр - 217-284.
4. Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов “Растениеводство” Ташкент 2007 г. Стр - 360-368.
5. This is certify paper titled “Influencnce of local coal on the agrochemical properties of mead soil and crop yield” submitted by Author Uraimov T Oripov G and Turdieva M has been published for Nov-Dec 2019 Volime 4 Issue 6 online publication under ISSN 2456-8643

PEDAGOGIK QOBILIYAT VA UNING ASOSIY TURLARI

Z.I. Abdumalikova, katta o'qituvchi, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotasiya. *Pedagog eng avvalo, mulohazali, bosiq, har qanday pedagogik vaziyatni to'g'ri baholay oladigan hamda mavjud ziddiyatlarni bartaraf etishning uddasidan chiqa olishi kerak.*

Kalit so'zlar: *pedagogika, qobiliyat, kasbiy faoliyat, texnologiya, psixologik texnologiya, kinestetik, bilim*

Аннотация. *Прежде всего, педагог должен быть вдумчивым, спокойным, уметь правильно оценивать любую педагогическую ситуацию и уметь разрешать существующие противоречия.*

Ключевые слова: *педагогика, способности, профессиональная деятельность, технология, психологическая технология, кинестетика, знания*

Abstract. *First of all, a teacher should be thoughtful, calm, able to correctly assess any pedagogical situation and be able to resolve existing contradictions.*

Key words: *pedagogy, abilities, professional activity, technology, psychological technology, kinesthetics, knowledge*

Pedagogning kasbiy pedagogik tayyorgarligi shartli ravishda quyidagi yo'nalishlarda olib boriladi:

- 1) pedagogning shaxsiy fazilatlar bo'yicha tayyorgarligi;
- 2) pedagogning ruhiy - psixologik tayyorgarligi;
- 3) pedagogning ijtimoiy-pedagogik va ilmiy-nazariy jihatdan tayyorgarligi;
- 4) pedagogning maxsus va ixtisoslikka oid uslubiy bilimlarni egallab borishi; Pedagog faoliyatida pedagogik qobiliyat va uning o'ziga xos xususiyatlari.

Pedagog eng avvalo, mulohazali, bosiq, har qanday pedagogik vaziyatni to'g'ri baholay oladigan hamda mavjud ziddiyatlarni bartaraf etishning uddasidan chiqa olishi kerak. Muloqot jarayonida pedagogning so'zlaridan suhbatdoshiga nisbatan xayrixohlik, samimiylilik, do'stona munosabat, yaxshi kayfiyat sezilib tursin. Hozirgi sharoitda jamiyatning pedagoglik kasbiga nisbatan qo'yayotgan talablari kun sayin ortib bormoqda va bu talablarni amalda to'g'ri tashkil qilish vazifasi pedagogga bog'liq. Ijodiy faoliyat olib boruvchi pedagog faqatgina ta'lim oluvchilarni muvaffaqiyatli o'qitish va tarbiyalash, ilg'or pedagoglar ish tajribalarini o'rganish bilangina cheklanib qolmasdan, tadqiqotchilik ko'nikma va malakalariga ham ega bo'lishi zarur.

Govard Gardner qobiliyatlarni intellektlar to'plami deb atadi va uning ettita jihatini ajratib ko'rsatdi. Biz intellektning ushbu jihatlaridan olitasini pedagog pedagogik mahoratini takomillashtirish nuqtai nazaridan tahlil qilishimiz mumkin. Psixolog olim Olga Matveeva ushbu jihatlarini psixologik texnologiya bilan kuchaytirib modifikatsiyalaydi va pedagogning kasbiy faoliyatida muhim ahamiyat kasb etishini ta'kidlab, quyidagi qobiliyatlarni ko'rsatib o'tadi:

✓ Muloqot qilish (kommunikativ) qobiliyati: Pedagogning dars va darsdan tashqari jarayonlarda guruhda ijobiy ruhiy iqlim yarata olishi.

✓ Voqealarni oldindan ko'ra olish qobiliyati: ushbu qobiliyat turi har bir pedagogning sergakligida, ta'lim oluvchilarning ruhiyatini, ichki dunyosini ko'ra olishida namoyon bo'ladi. Shunda pedagog kim nimaga qodir ekanligini oldindan bashorat qila oladi.

✓ Eshitish va his qilish qobiliyati: Bunday qobiliyatga ega bo'lgan insonlar musiqani sevisadi, ohangni yaxshi his qilishadi, deklamatsiya asosida yaxshi o'qishadi, eshitgan narsasini xotirada saqlaydi, ayniqsa she'r va qo'shiqlarni sevib tinglaydi.

✓ Kinestetik (teri-muskul) qobiliyat: pedagogning o'z hatti harakatlarini muvofiqlashtirish qobiliyati, harakat ohangini his qilib yo'naltiradi, vaqtni, harakat sur'atini his qilish, maishiy qulayliklarni yarata olish, hayot marhamatlaridan rohatlanish.

✓ Mantiqiy qobiliyat: mulohaza yuritishni, raqamlarni, matematikani, murakkab masalalarni sevisadi, sababiyat va natijalarni tushunish malakasi, voqelikda asosiy ikkinchi darajalidan ajrata olish;

✓ Shaxsning ichki qobiliyati: o'z-o'zini bilish, tushunish va his qilish qobiliyati. Erkin shaxsda qo'rquv yoki noerkinlik tuyg'usi kamdan-kam holda bo'ladi.

Bilim – bu ilmiy mutolaa natijasidir, qobiliyat esa insonning psixologik va fiziologik tuzilishi xususiyatidir. Qobiliyat bilim olish uchun zaruriy shart-sharoit bo'lib, shu bilan birga, u ma'lum darajada bilim olish mahsulidir. Umumiy va maxsus bilimlarni o'zlashtirish, shuningdek, kasbiy mahoratni egallash jarayonida qobiliyat mukammallashtirib va rivojlanib boradi. Qobiliyatga yaqinroq turadigan tushunchalar ko'nikma va malakalardir.

Ko'nikmalar – pedagogning kasbiy faoliyati jarayonida hosil qilingan tajriba va bilimlar asosida bajariladigan ishning mukammal usulidir.

Malakalar – pedagogning ongli faoliyatni bajarishi jarayonida hosil qilingan kasbiy intellektual faoliyatning avtomatlashgan komponentlari yig'indisidir. Ular pedagog kasbiy faoliyati mexanizmining asosini tashkil qiluvchi jarayonlardir, ular qobiliyat bilan birgalikda pedagogik mahoratga erishishni

ta'minlaydilar, buning natijasida pedagog kasbiy faoliyatida ulkan yutuqlarni qo'lga kiritadi. Qobiliyatli, ammo noshud pedagog ko'p narsaga erisha olmaydi.

Pedagogning pedagogik qobiliyatini tahlil qilgan N.V.Kuzmina shunday yozadi: "Ta'lim – tarbiyada ro'y beradigan ko'pgina kamchiliklar pedagog o'z pedagogik qobiliyatining amaliy yo'nalishlarini yaxshi bilmaligi, iste'dodning pedagogda yo'qligi natijasida ro'y beradi". Maxsus qobiliyatga ega bo'lgan pedagoglar faqat o'zlari egallagan kasbiy yo'nalishlari bo'yicha muayyan faoliyat bilan muvaffaqiyatli shug'ullanadilar. Biror faoliyatning muvaffaqiyatli, mustaqil va mukammal bajarilishini ta'minlaydigan noyob qobiliyatlar birikmasi talant deyiladi. **Pedagogik texnika**–pedagogning nafaqat ta'lim–tarbiya jarayonida, balki butun kasbiy faoliyatida zarur bo'lgan umumiy pedagogik bilim va malakalari majmuidir.

- ta'lim-tarbiya jarayonida o'z xatti-harakatlarini boshqarishi (mimika, pantomimika);
- ta'lim-tarbiya jarayonida o'z hissiyatini va kayfiyatini jilovlay olishi va turli nojo'ya ta'sirlarga berilmaslik;

- mukammal ijtimoiy perseptiv qobiliyatlarga (diqqat, kuzatuvchanlik, xayol) egaligi;
- nutq texnikasini (nafas olish, ovozni boshqarish, nutq tempi) bilishi va o'z o'rnida qo'llay olishi.

Pedagogik texnikaning ikkinchi guruh komponentlari pedagogning shaxs va jamoaga ta'sir ko'rsatish malakalari bilan bog'liq bo'lib, bu guruh ta'lim-tarbiya jarayonining texnologik tomonini qamrab oladi:

- pedagogning didaktik, tashkilotchilik, konstruktiv, kommunikativ qobiliyatlari;
- ma'lum bir reja asosida o'z oldiga qo'yilgan talablarning bajarilishini nazorat qilishi;
- ta'lim muassasasida va pedagogik jamoasida ta'lim-tarbiya bilan bog'liq bo'lgan ijodiy faoliyatni tashkil eta olishi;

- bolalar bilan pedagogik muloqot jarayonini bir muvozanatda saqlab boshqara olishi.

Pedagogning tarbiyalanuvchi ob'ektlar oldida o'z harakatlarini boshqarishida aktyorlik san'atiga xos bo'lgan xususiyatlari, ya'ni mimik va pantomimik qobiliyatlari muhim rol o'ynaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, "O'zbekiston" NMIU, 2017. - 56 b.
2. Azizxo'jaeva N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma.-T.: 2006, 159 bet.
3. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. - T.: Cho'lpon, 2005.
4. Ta'lim texnologiyalari. Z.F.Sharopova Toshkent. Navro'z nashriyoti. 2019
5. Innovatsion ta'lim texnologiyalari / Muslimov N.A., Usmonboeva M.H., Sayfurov D.M., To'raev A.B. - T.: "Sano standart" nashriyoti, 2015. -150 b.

UO'K 37.02

PEDAGOGIK FAOLIYATIGA KREATIV YONDASHUV S.A. Mirzayev, assistant, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotasiya. Pedagogning kreativlik sifatlariga ega bo'lishi uning shaxsiy qobiliyatlari, tabiiy va ijtimoiy quvvatini, kasbiy faoliyatni sifatli, samarali tashkil etishga yo'naltiradi.

Kalit so'zlar: kreativlik, sifat, kasbiy faoliyat, ijodiy faoliyat, fazilat, fikrlash

Аннотация. Творческие качества педагога направляют его личные способности, природный и социальный потенциал на качественную и эффективную организацию профессиональной деятельности.

Ключевые слова: креативность, качество, профессиональная деятельность, творческая активность, качество, мышление

Abstract. The creative qualities of a teacher direct his personal abilities, natural and social potential to a high-quality and effective organization of professional activity.

Key words: creativity, quality, professional activity, creativity, quality, thinking

Kreativlik (lot., ing. "create –yaratish, "creative" yaratuvchi, ijodkor)–individning yangi g'oyalarni ishlab chiqarishga tayyorlikni tavsiflovchi hamda mustaqil omil sifatida iqtidorlikning tarkibiga kiruvchi ijodiy qobiliyati ma'nosini ifodalaydi. Shaxsning kreativligi uning tafakkurida, muloqotida, histuyg'ularida, muayyan faoliyat turlarida namoyon bo'ladi. Kreativlik shaxsni yaxlit holda yoki uning muayyan xususiyatlarini, zehni o'tkirlikni tavsiflaydi. Shuningdek, kreativlik iqtidorning muhim omili sifatida aks etadi.

Amerikalik psixolog P.Torrens fikricha, kreativlik muammo yoki ilmiy farazlarni ilgari surish; farazni tekshirish va o'zgartirish; qaror natijalarini shakllantirish asosida muammoni aniqlash; muammo echimini topishda bilim va amaliy harakatlarning o'zaro qarama-qarshiligiga nisbatan ta'sirchanlikni ifodalaydi. Boshqa har qanday sifat (fazilat) kabi kreativlik ham birdaniga shakllanmaydi. Kreativlik muayyan bosqichlarda izchil shakllantirib va rivojlantirilib boriladi.

Pedagogning kreativlik sifatlariga ega bo'lishi uning shaxsiy qobiliyatlari, tabiiy va ijtimoiy quvvatini kasbiy faoliyatni sifatli, samarali tashkil etishga yo'naltiradi. Oliy ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagoglarning kreativlik sifatlariga ega bo'lishlari ularda o'quv va tarbiya jarayonlarini tashkil etishga an'anaviy yondashishdan farqli yangi g'oyalarni yaratish, bir qolipda fikrlamaslik, o'ziga xoslik, tashabbuskorlik, noaniqlikka toqat qilmaslikka yordam beradi.

Pedagog ijodiy faoliyatni tashkil etishda muammoli masalalarni echish, muammoli vaziyatlarni tahlil qilish, shuningdek, pedagogik xarakterdagi ijod mahsulotlarini yaratishga alohida e'tibor qaratishi zarur. Pedagog o'z oldiga muammoli masalalarni qo'yish orqali mavjud bilimlari va hayotiy tajribalariga zid bo'lgan dalillar bilan to'qnash keladi. Pedagogning ilmiy-tadqiqot ishlari va ilmiy yoki ijodiy loyihalarni amalga oshirishi unda kreativlik potensialini yanada rivojlantiradi. Zamonaviy ta'lim barcha turdagi ta'lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan tarbiyachi, pedagoglarning ijodkor bo'lishlarini taqozo etmoqda.

“**Kreativlik**” tushunchasi o'zida madaniy xilma-xillikni aks ettiradi. G'arb kishilari uchun kreativlik, umuman olganda, yangilik sanaladi. Ular kreativlik negizida noan'anaviylik, qiziquvchanlik, tasavvur, hazil-mutoyiba tuyg'usi va erkinlik mavjud bo'lishiga e'tiborni qaratadilar (Myordok, Ganim, 1993 y.; SHternberg, 1985 y.). Sharqliklar esa, aksincha, kreativlikni ezgulikning qayta tug'ilish jarayoni, deb tushunadilar (Xui, Sternberg, 2002 y.; Rudovich, Xui, 1997 y.; Rudovich, Yue, 2000 y.). Garchi g'arblik va sharqliklarning kreativlik borasidagi qarashlari turlicha bo'lsa-da, biroq, har ikki madaniyat vakillari ham mazkur sifat va unga egalikni yuqori baholaydilar (Kaufman, Lan, 2012 y.).

Ko'pgina pedagog-tarbiyachilar o'zlarida kreativlik qobiliyatini mavjud emas, deb hisoblaydilar. Buni ikki xil sabab bilan asoslash mumkin: birinchidan, aksariyat pedagog-tarbiyachilar ham aslida “kreativlik” tushunchasi qanday ma'noni anglatishini yetarlicha izohlay olmaydilar; ikkinchidan, kreativlik negizida bevosita qanday sifatlar aks etishidan bexabarlar.

Ayni o'rinda shuni alohida qayd etib o'tish joizki, har bir shaxs tabiatan kreativlik qobiliyatiga ega. Xo'sh, ular o'zlarida kreativlik qobiliyati mavjudligini qanday namoyon eta olishlari mumkin. Bu o'rinda Patti Drapeau shunday maslahat beradi: Agarchi o'zingizni kreativ emasman deb hisoblasangizda, hozirdanoq kreativ tafakkurni rivojlantirishga qaratilgan darslarni tashkil eta boshlashingizni maslahat beraman.

Patti Drapeau nuqtai nazariga ko'ra kreativ fikrlash, eng avvalo, muayyan masala yuzasidan har tomonlama fikrlash sanaladi. **Har tomonlama fikrlash** ta'lim oluvchilardan o'quv topshirig'i, masalasi va vazifalarini bajarishda ko'plab g'oyalarga tayanishni talab etadi. Bundan farqli ravishda **bir tomonlama fikrlash** esa birgina to'g'ri g'oyaga asoslanishni ifodalaydi. Mushohada yuritishda masala yuzasidan bir va ko'p tomonlama fikrlashdan birini inkor etib bo'lmaydi.

Multimedia – bir necha ko'rinishdagi: elektron shakldagi grafik, matnli, raqamli, ovoqli, musiqali, video, audio, fotografiya, harakatlanuvchi obrazlar (animatsiyalar) va boshqa axborotlarni uzatuvchi kompyuter texnologiyalari uchun taalluqli umumiy tushuncha.

Elektron albom – rasmlar, suratlar, chizmalar va boshqa grafik tasvirlar hamda ularning izohlarini o'zida aks ettiruvchi elektron shakldagi to'plam.

Elektron atlas (yun. “Atlas” – birinchi bo'lib, osmon globusini yaratgan afsonaviy Liviya podshosining nomidan) – muayyan o'quv moduli (o'quv fani) bo'yicha tavsiya etilgan va o'ziga xos grafik tasvirlarga ega bo'lib, o'quv maqsadlariga ko'ra foydalaniladi. **Raqamli video lavhalar** – o'quv modul bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirishga yordam beradigan ma'lumotlarni o'z ichiga olgan 3D o'lchamdagi zamonaviy o'quv manbai.

Virtual stendlar – 1) real ob'ekt, predmet, jarayon, voqea va hodisalarning elektron modeli; 2) matn, rasm, sxema, jadval, diagramma va b. shakldagi axborot, jarayon hamda virtual muhitlarni yaratish, saqlash, ishlov berish, raqamlashtirish va tizimli ravishda amalga oshirishni ifodalovchi kompyuterli vosita.

Imitatsion virtual trenajyor (ingl. “train” – “tarbiyalamoq”, “o'qitmoq”, “mashq qildirmoq”) – elektron shakldagi o'quv-mashqlantiruvchi qurilma bo'lib, u yordamida mehnat faoliyatining real sharoiti modellashtiriladi, muayyan faoliyat ko'nikmalari shakllantiriladi, ko'nikmalar malakalarga aylantiriladi hamda hosil bo'lgan malakalar takomillashtiriladi.

Multimedia mahsulotlari – o'zida AKTning dasturiy va texnik imkoniyatlari asosida audio, video, matn, grafika va animatsiya effektlari asosida o'quv materialini talabalarga etkazib berilishini mujassamlashtirgan ishlanma (mahsulot)lar.

Audio va video vizual materiallar – o'quv axborotlarini kompyuter texnologiyasi yordamida ovoqli va vizual shaklda qabul qilinishini ta'minlovchi materallar.

Video animatsiyalar – chizilgan (rasimli) yoki kichik hajmli obraz (hajmiy, qo'g'irchoq yoki o'yinchoqli ob'ekt)larni harakatga keltirish va bu harakatning har bir bosqichini ketma-ket suratga olinganligini ifodalovchi elektron tasvirlar.

Prezentatsiya (*taqdimot; lot. “praesentatio” – taqdim etish*) – muayyan mavzu yoki muammo bo'yicha o'quv (ilmiy, amaliy) xarakterdagi materiallarning ish qog'ozlari (oddiy yoki vatman qog'ozlar) hamda axborot-kommunikatsion vositalar yordamida taqdim etilishi mumkindir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, “O'zbekiston” NMIU, 2017. - 56 b.
2. Azizxo'jaeva N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma.-T.: 2006, 159 bet.
3. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. - T.: Cho'lpon, 2005.
4. Ta'lim texnologiyalari. Z.F.Sharopova Toshkent. Navro'z nashriyoti. 2019
5. Innovatsion ta'lim texnologiyalari / Muslimov N.A., Usmonboeva M.H., Sayfurov D.M., To'raev A.B. - T.: “Sano standart” nashriyoti, 2015. -150 b.

THE USE OF NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES AND THEIR IMPORTANCE IN THE EDUCATIONAL PROCESS

M.Sh. Muhammadjonov, assistant, Fergana Polytechnic Institute, Fergana

A.Sh. Tursunov, assistant, Fergana Polytechnic Institute, Fergana

Аннотация. Мазкур мақолада талабаларни ўқитишида қўшимча ёрдамчи ўқув воситалари қўмағида уларни дарсга қизиқиши ва муносабатини янада юксалтириши, хар бир дарсни интерактив усулларда олиб бориши, дарслардан сўнг уларга қўшимча машғулотлар бериши ва бу жараёнда ноанъанавий услублардан кенг фойдаланганлиги ҳақида айтилган.

Калим сўзлар: *Замонавий таълим, педагогика, таълим технологияси, методика, ўқув жараёни*

Аннотация. В данной статье было сказано, что при поддержке дополнительных вспомогательных учебных средств в обучении студентов необходимо дополнительно повышать их интерес и отношение к уроку, проводить каждый урок в интерактивных методах, давать им дополнительные занятия после занятий, а также использовать в этом процессе нетрадиционные методы.

Ключевые слова: *современное образование, педагогика, образовательные технологии, методология, образовательный процесс*

Abstract. In this article, it was said that with the support of additional auxiliary educational tools in teaching students, it is necessary to further increase their interest and attitude to the lesson, to conduct each lesson in interactive methods, to give them additional classes after classes, and to use non-traditional methods in this process.

Keywords: *modern education, pedagogy, educational technology, methodology, educational process*

In today's fast-evolving era, science and technology are also growing rapidly. Progress in each area is taking a step forward. In particular, great changes and significant achievements are being made in science. The delivery of each science to students using new innovative teaching methods is one of the main requirements of today's education.

Teaching methods are one of the most important components of the educational process. Without the use of appropriate methods, it is impossible to realize the teacher's planned goals and objectives of teaching their subject. The question of choosing the methods of the lesson - everyday, practical. In his decision, the teacher must show maximum independence, because no "program instructions" on this issue. Specific learning situations are too diverse. The method of teaching cannot be assessed as something obvious and simple, lying on the surface of pedagogical practice. In modern science, the approach is approved, according to which teaching methods are extremely complex, multidimensional pedagogical phenomenon.

Another distinctive feature of pedagogical technology is that any teacher in well-designed pedagogical technology can pass a good lesson, even if he is not educated. Because pedagogical technology is formed by pedagogical scientists, their skills are expressed in the project of the technological process. As before, "the goal from the lesson could not be reached for objective reasons" or "the lesson was drawn up according to unexpected factors", and there is no place in pedagogical technology for such statements. Pedagogical technology is a new approach to the educational process, pedagogy is an expression of social engineering consciousness. It is a social phenomenon associated with the formation of an optimal project of the lesson on the basis of the technical capabilities of the pedagogical process and the technical thinking of a person. The term technology is derived from production, in which thousands of technological processes are designed. They are considered a guarantee of achieving the desired results. At the time of application of these technologies, the zone and their performers, even if they change, will still produce the necessary product. In order to achieve this in the educational process, pedagogical technology will be developed. The main difference from the traditional methods, methods of pedagogical technology is that it is derived from the theory of complexes, which is in the fact that it obeys all the laws of this theory. Today, in higher educational institutions, that is, in other educational issues, teaching students on the basis of modern pedagogical technology, that is, modern interactive methods, is becoming a topical issue. One of the main issues of this is the launch of the skills of teaching in the process of teaching the subject, the effective organization of the teaching process, adaptation to educational standards, raising to the level of world standards, the perfect formation of knowledge and skills of students is one of the important factors of today's educational process.

At present, modern technologies of teaching interactive methods are being created, which are effectively used in the course of the lesson. The main difference of modern interactive techniques from traditional methods is that bunda students freely behave in the process of learning, think independently, have the opportunity to express their thoughts, engage in discussions, freely communicate with the teacher. In the process of training on the basis of modern interactive methods, the following is done:

- students plan their own training and take an active part in it;
- independently engage and strengthen the knowledge of the students themselves on the basis of the established curriculum.

- students engage in discussions on the subject in the course of the lesson and take an active part in it all;
- in the selection and implementation of teaching methods, students participate as partners, express their opinions;
- students will be provided with the issue of clarifying their knowledge, understanding it, that is, they will be able to convey it to others as well.

Of course, to all of the above, students can achieve a step-by-step learning process through interactive techniques.

The method of teaching cannot be invented, it develops gradually. Its development can be compared with the improvement of a mechanical device. Both the one and the other, primitive at first, are gradually perfected by the combined efforts of generations. From the perspective of teacher leadership, teaching methods can be assessed as ways to organize and manage student learning and learning activities. Emphasizing the cognitive orientation of existing methods, they can be defined as the ways in which students, under the guidance of a teacher, go from ignorance to knowledge, from incomplete and inaccurate knowledge to fuller and more accurate knowledge. On the logical-content side, teaching methods can be assessed as the applied logical way in which students consciously acquire knowledge, skills and abilities.

The interactive method of teaching the subject as a result of the lessons conducted on the basis of modern technologies mentioned above, the student's knowledge and skills of independent thinking and speaking are perfectly formed. During the training, their erkinligi is created, that is, the students themselves determine the purpose and objectives of the lesson, argue on the chosen topic, discuss and finally draw conclusions on the subject under study.

In general, in the process of lessons conducted in the interactive method, students perform the leading task. And this is determined by the fact that they perfectly master knowledge, express their independent opinion, that is, they can conduct free speech. In the process of applying the techniques, it is possible to work in a group or mass with students. When working in a group form, the activity performed by each group at the end of the training session is analyzed. The activities of the groups can be organized in the following form:

1. Each group performs the tasks assigned by the teacher on the basis of the general scheme, and at the end of the training, the relationships of the groups are summarized according to the project items.

2. The groups perform the assignments given by the teacher on individual items of the general scheme.

The advantage of using the innovative method is that in this process students are formed the skills to study the subject into certain parts and to determine the logical linkage and relevance between parts on the basis of analysis and cents.

REFERENCES:

1. Yuldashev J. "Direction problems of new pedagogical technologies". - Public education, 1999.
2. Kadirov F. "Pedagogical education". - Tashkent, 2002.

UO'K 37.01

O'QUV JARAYONINI TASHKIL ETISH TEXNOLOGIYALARI BO'YICHA XALQARO INTEGRATSIYA

M.M. Nishonova, katta o'qituvchi, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona
G.M. Qipchaqova, assistant, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotasiya. *Insoniyat jamiyatining hozirgi zamon rivojlanish darajasi mustaqil respublikamiz ijtimoiy hayotining barcha sohalarida amalga oshirilayotgan tub o'zgarishlaridir.*

Kalit so'zlar: *texnologiya, jarayon, ta'lim, istiqbol, pedagogika, muassasalar, manba*

Аннотация. *Современный уровень развития человеческого общества -это коренное изменение всех сфер общественной жизни нашей независимой республики.*

Ключевые слова: *технология, процесс, образование, перспектива, педагогика, источник*

Abstract. *The current level of development of human society is a radical change in all spheres of public life in our independent republic.*

Key words: *technology, process, education, perspective, pedagogy, source*

Har bir oliy ta'lim muassasasi tomonidan xoriydagi etakchi turdosh ilmiy-ta'lim muassasalari bilan istiqbolli hamkorlik aloqalarini yaqindan yo'lga qo'yish, o'quv jarayoniga xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan eng zamonaviy pedagogik texnologiyalar, ta'lim dasturlari va o'quv-metodik materiallarni keng joriy etish, ilmiy-pedagogik faoliyatga yuqori malakali chet el o'qituvchilari va olimlarini jalb etish muhim ahamiyatga ega. Mamlakatimizning har bir oliy ta'lim muassasasi bilan AQSh, Buyuk Britaniya, Fransiya, Italiya, Niderlandiya, Rossiya, Yaponiya, Janubiy Koreya, Xitoy va shu kabi boshqa davlatlarning etakchi ilmiy-ta'lim muassasalari bilan hamkorlik aloqalarining o'rnatilgani o'ta muhim ahamiyat kasb etadi. Asosiy maqsad xorijiy ilg'or texnologiyalarni ta'lim tizimiga qo'llash hisoblanadi.

Insoniyat jamiyatining hozirgi zamon rivojlanish darajasi mustaqil respublikamiz ijtimoiy hayotining barcha sohalarida amalga oshirilayotgan tub o'zgarishlarda o'z aksini topmoqda. Bunday o'zgarishlar shak-

shubhasiz, barkamol shaxsni tarkib toptirish bilan chambarchas bog'liq. Aynan ana shu masala "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" da o'z aksini topgan.

Integratsiya masalasini pedagog olimlar va amaliyotchilar quyidagi yo'nalishlarda tadqiq etishni tavsiya etadilar:

- a) o'quv predmetlari va fanlar turkumi doirasidagi mazmunni integratsiyalab o'rganish;
- b) turli o'quv predmetlaridan tahsil beruvchi shaxslarning faoliyatlarini integratsiyalash;
- v) ta'lim-tarbiya ishini tashkil etish shakllarini integratsiyalash va shu kabilar.

Bu yo'nalishlarning har birining aniq o'z maqsadi bo'lib, uni amalga oshirish uchun mos shakl, metod, vosita va shart-sharoitlarni talab etadi. Amaliyotda ulardan uyg'un holda foydalanilgandagina ko'zlangan maqsadga erishish mumkinligini ham shu o'rinda eslatib o'tish lozim. Mutaxassislikka oid fanlarni integratsiyalab o'rganish quyidagi masalalarni hal etishga qaratilgan:

- mutaxassislikka oid fanlarni integratsiyalab o'rganishning mohiyati, mazmuni va uni amalga oshirish shart-sharoitlari va vositalarini o'rganish;
- turli fanlar mazmunini integratsiyalashtirishning ilmiy-nazariy va pedagogik-uslubiy asoslari bilan tanishish;
- tahsil oluvchilarning o'quv-bilish faolligi, mustaqilligi va bilimlar darajasini integrativ oshirishda bilimlarning dolzarbligini isbotlash;
- ijtimoiy-iqtisodiy, tashkiliy, ruhiy-pedagogik, texnik-texnologik bilimlarni sintezlash talablari, imkoniyatlarini aniqlash.

Ta'lim tizimlari. Fransiya ta'lim tizimining dastlabki bosqichini maktabgacha tarbiya tashkil etadi. Bu bosqich "Onalar maktabi" deb ham yuritiladi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad bolalarning maktabdagi sharoitini o'z sharoiti bilan yaqinlashtirish, ularga oiladagidek iliq munosabatni shakllantirishdan iborat. Maktabgacha tarbiya bosqichida tarbiyalanuvchilar quyidagicha tabaqalashtirilgan:

- Kichik guruh 2 yoshdan 4 yoshgacha;
- O'rta guruh 4 yoshdan 5 yoshgacha;
- Katta guruh 5 yoshdan 6 yoshgacha.

5-6 yoshlilar maktabga tayyorlov guruhi bo'lib, ularga Fransiyada 100 foiz shu yoshdagi bolalar qamrab olingan.

Boshlang'ich ta'lim.

Fransiyada boshlang'ich maktablarga 6 yoshdan 11 yoshgacha bo'lgan bolalar jalb qilinadilar. Boshlang'ich ta'lim barcha uchun majburiy va bepul. Boshlang'ich sinflarda o'qish 5 yil bo'lib, o'qish 3 bosqichga bo'linadi:

- Tayyorlov bosqich-1 yil. Bunda bolalar hisoblashga, o'qish va yozishga, kuylashga, o'ylashga, mehnat qilishga o'rgatiladilar. O'qish mashg'ulotlari ertalab soat 9 dan 12 gacha, hamda soat 14 dan 16 gacha 5 soat davom etadi. Boshlang'ich ta'limga qo'yilgan asosiy talab o'quvchilarga ifodali o'qish, yozish, hisoblashdan iboratdir.

- Ikkinchi bosqich -elementar kurs bo'lib, bu 2 yil davom etadi. Tayyorlovdagi bilimlar yanada takomillashtiriladi.

- Uchinchi bosqich- chuqurlashtirilgan bosqich hisoblanadi.

O'rta ta'lim.

O'quvchilar 11 yoshdan o'rta maktabga o'tadilar. O'rta ta'lim kollejlar va litseylarda amalga oshiriladi. O'rta ta'lim 2 bosqichda beriladi. Birinchi bosqich (11 yoshdan 15 yoshgacha) 4 yil bo'lib, eng kichik sinf 6- sinf, 5,4- o'rta, 3-sinf eng katta sinf hisoblanadi. Birinchi bosqichda fransuz tili va adabiyoti, chet tili, tarix, geografiya, matematika, tabiiy fanlar o'qitiladi. Birinchi bosqich yakunlangach, o'quvchilar kasbiy yo'nalishlari bo'yicha guvohnoma oladilar. Ikkinchi bosqichda o'quvchilar 15-18 yoshda ta'lim oladilar. Bunda o'qish 3 yil davom etib, 2-sinf kichik, 1-sinf o'rta va yakunlovchi sinflarga bo'linadi. Guvohnoma olganlaridan so'ng oliy pedagogika instituti, politexnika instituti, oliy ma'muriy maktablarga imtixon bilan qolgan oliy o'quv yurtlriga imtixonsiz qabul qilinadilar.

Oliy ta'lim.

Fransiyada quyidagi bilim maskanlarida oliy ta'lim beriladi:

- Universitetlar;
- oliy texnologiya maktablari;
- oliy muhandislik maktablari;
- oliy arxitektura maktablari;
- oliy tijorat maktablari;
- siyosiy fanlar oliy maktabi.

Innovatsion ta'lim texnologiyalarining mohiyati, turlari va nazariy asoslari.

Lug'aviy jihatdan "innovatsiya" tushunchasi ingliz tilidan tarjima qilinganda ("innovation") "yangilik kiritish" degan ma'noni anglatadi. "O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi"da ko'rsatilishicha, innovatsiya quyidagicha mazmun va tushunchalarga ega: "Innovatsiya (ingl. "innovationas" - kiritilgan yangilik, ixtiro) - 1) texnika va texnologiya avlodlarini almashtirishni ta'minlash uchun iqtisodiyotga sarflangan mablag'lar; 2) ilmiy-texnika yutuqlari va ilg'or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarish va mehnatni tashkil etish kabi sohalaridagi yangiliklar, shuningdek, ularning turli sohalar va faoliyat doiralarda qo'llanishi".

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. "O'zbekiston" NMIU, 2017.-47 b.
2. Avlaev O.U. Muammoli ta'limning psixologik asosi: pedagog va psixologlar uchun qo'llanma. 2014.108 bet
3. Avliyakov N.X., Musaeva N.N. Modulli o'qitish texnologiyalari. - T.: "Fan va texnologiyalar" nashriyoti, 2007. - 97 b.
4. Farberman B.L., Musina R.T., Jumaboeva F.A. Oliy o'quv yurtlarida o'qitishning zamonaviy usullari. - T., 2002.
5. Ta'lim texnologiyalari. Z.F.Sharopova Toshkent. Navro'z nashriyoti. 2019

UO'K 37.01

TARBIYA JARAYONINI TEXNOLOGIYALASHTIRISH

G.M. Qipchaqova, assistant, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona
M.M. Nishonova, katta o'qituvchi, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotasiya. Talabani ma'naviy-axloqiy shakllanishi bir-biri bilan uzviy bog'liq va birinchi ikkinchisini taqozo qiladigan yaxlit ta'lim-tarbiya ishlarini muntazam va izchil ravishda bajarishni talab etadi.

Kalit so'zlar: tarbiya, pedagogika, ta'lim, tizim, vazifa, axloq, ma'naviyat

Аннотация. Духовно-нравственное становление ученика требует систематической и последовательной реализации комплексной воспитательной работы, которая неразрывно связана и требует последнего.

Ключевые слова: воспитание, педагогика, образование, система, задача, духовность

Abstract. the spiritual and moral formation of a student requires a systematic and consistent implementation of complex educational work, which is inextricably linked and requires the latter.

Key words: upbringing, pedagogy, education, system, task, ethics, spirituality

Tarbiyaning maqsad va vazifalari. Tarbiyalanayotgan barkamol avlodda, ya'ni bo'lajak mutaxassislarda ma'naviy-axloqiy sifatlarni shakllantirish ko'p qirrali va murakkab jarayondir. Talabalarning ma'naviy-axloqiy shakllanishi bir-biri bilan uzviy bog'liq va biri ikkinchisini taqozo qiladigan yaxlit ta'lim-tarbiya ishlarini muntazam va izchil ravishda bajarishni talab etadi. Tarbiyaviy ta'sir o'tkazishning aniq va mukammal tizimigina, yaxlit tizimli yondashuvigina ma'naviy-axloqiy tarbiyaning samaradorligini ta'minlaydi. Tarbiyaviy ishda mukammal tizimning mavjudligi bir xil ishni ortiqcha takrorlayvermaslikka, talabaga nisbatan biri ikkinchisiga to'g'ri kelmaydigan qarama-qarshi ta'sirlarning oldini olishga, bo'lajak mutaxassislarga bir xil talablar qo'yish va yaxlitlik bilan ta'sir o'tkazishga imkon beradi. Oliy maktabda bo'lajak mutaxassislarni tarbiyalash tizimini yaratish oliy o'quv yurtida amalga oshirilayotgan barcha tarbiyaviy ishlarining maqsadi, mazmuni, tarbiyaviy jarayon, tarbiyachi va texnik vositalar, tarbiyaning shakl-usullarini belgilashga yordam beradi. Tarbiyaviy ishlar tizimi turli kurslarning talabalari bilan o'tkaziladigan tadbirlarda izchillik va ketma-ketlikni saqlashga yordam beradi.

O'zbekiston Respublikasida barkamol shaxsni, yuksak ma'naviy-axloqli, yuqori malakali, raqobatbardosh mutaxassisni tarbiyalash maqsadi ta'lim-tarbiya ishlarining mazmunini belgilaydi. Ta'lim-tarbiyaning maqsadi va mazmuni tarbiyaviy vazifa shaklida ifodalanadi, aniqlanadi. Tarbiyaviy jarayon, tarbiyachi yoki tarbiyaning texnik va boshqa vositalari, ta'lim-tarbiyaning shakl-usullari tarbiya texnologiyasi deb ataladi.

Tarbiyaviy jarayonda texnologik yondashuvning mohiyati. Tizim - qismlardan tuzilgan bir butun, ya'ni ma'lum tartibda joylashtirilgan bir-biri bilan bog'liq qismlardan tuzilgan yaxlit bir narsa yoki hodisa degan ma'noni anglatadi. Oliy maktab talabalarida axloqiy sifatlarning qandaydir biror universal shakl, vosita yoki usul yordamida emas, balki aniq maqsad, xilma-xil shakllar, vositalar va metodlar, har xil faoliyat turlari ta'sirida, ya'ni tarbiya tizimi natijasida shakllanadi. Pedagogik adabiyotlarda tarbiyaning shakl va metodlarini tasnif qilishga mualliflar turlicha yondashadilar. Tarbiyaviy ishlar odatda, tarbiyaning maqsadi va vazifalariga, uning xarakteri va davom etish vaqtiga qarab guruhlariga ajratiladi. Shuningdek, tarbiyaviy ishlarining barcha shakllarini quyidagi uch guruhga birlashtirish ham mumkin: 1) og'zaki bayon etish shakllari: ma'ruzalar, dokladdlar, munozaralar, ma'naviyat soatlari, konferensiyalar, uchrashuvlar va hokazo; 2) amaliy ishlar: laboratoriya va amaliy mashg'ulotlar, ijtimoiy foydali ishlar, ishlab chiqarish, pedagogik amaliyot, to'garaklar, ekskursiya kabilari; 3) ko'rsatmali ishlar: muzeylar, ma'naviyat xonalari, ko'rgazma va stendlar va boshqalar. Tarbiya metodlari tarbiyachining qo'lida o'ziga xos qurol bo'lib xizmat qiladi. Ular yordamida talabalar ongiga ta'sir etiladi. Pedagogik adabiyotlarda tarbiya metodlari quyidagicha tasnif qilinadi: ishonitirish metodi; aqliy xatti-harakatlarni mashq qilish metodi; namuna, ibrat ko'rsatish metodi; rag'batlantirish va jazolash metodlari.

Tarbiyaga texnologik yondashuv. Texnologiya moddiy ishlab chiqarish - sanoat, qurilish, qishloq xo'jaligi va boshqa sohalarda mahsulotlar olish, ularga ishlov berish hamda ularni qayta ishlash usullari tartibga solingan tizim; shu usullarni ishlab chiqish, joriy qilish va takomillashtirish bilan shug'ullanadigan fan. Har bir sohaning o'ziga xos texnologiyasi bo'ladi: kon ishlari texnologiyasi, mashinasozlik, qurilish texnologiyasi va boshqalar. Masalan, qurilish ishlari texnologiyasi bir qancha operatsiyalar yig'indisidan

tashkil topgan: yer ishlari (yerni tekislash, transheyalar qazish); poydevor yotqizish; devor tiklash; tom yopish; elektr, gaz, suv tarmoqlarini o'tkazish; pardozi ishlari va hokazo. Har qaysi operatsiyaning o'ziga xos bajarish usullari bor.

Tarbiyaviy ishlarga texnologik yondashuv:

- tarbiya jarayonini o'zaro uzviy bog'liq etaplar, fazalar, amallarga ajratishni;
- tarbiyadan mo'ljallangan natijaga erishish uchun bajariladigan harakatlarni muvofiqlashtirish, ketma-ket, bosqichma-bosqich amalga oshirishni;
- mo'ljallangan (loyihalashtirilgan) ishlarning barchasini birdek bajarishni nazarda tutadi. Pedagogik texnologiya tizimli, texnologik yondashuvlarga asoslanadi.

Tizim (sistema) tushunchasi bo'laklardan tashkil topgan yaxlit bir narsa yoki hodisa, birikma ma'nolarini bildiradi. Pedagogik tizim - ta'lim-tarbiya texnologiyasining asosi, zamini hisoblanadi. Pedagogik tizim bir butun, harakatlanuvchi yaxlit ijtimoiy-pedagogik hodisa bo'lib, u, tarbiyalanuvchi (1); ta'lim-tarbiyaning maqsadi (2); ta'lim-tarbiyaning mazmuni (3); ta'lim-tarbiya jarayoni (4), tarbiyachi, texnik va boshqa vositalar (5) va ta'lim-tarbiyaning shakl-usullaridan (6) tuziladi.

Tarbiya jarayonini texnologiyalashtirish. Oliy ta'lim jarayoniga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy etish talabalar tomonidan mavjud ilmiy bilimlarni puxta o'zlashtirilishini kafolatlovchi yondashuv hisoblanadi. Bizga yaxshi ma'lumki, «ta'lim texnologiyasi» tushunchasi ta'lim jarayonining mohiyati, uning bosqichlari, o'ziga xos xususiyatlari, shuningdek, o'qituvchi va talaba o'rtasida kechadigan ta'limiy munosabatlarning mazmunini anglatishga xizmat qiladi.

Ta'lim texnologiyalari bo'yicha tayanch atamalar izohi. Oliy ta'lim - uzluksiz ta'limning yuqori malakali mutaxassislar tayyorlovchi mustaqil turi. Oliy ta'lim muassasalarida amalga oshiriladi. Oliy ta'lim ikki bosqichdan iborat: bakalavriat va magistratura.

Bakalavrit - o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi negizida oliy ta'lim yo'nalishlaridan biri bo'yicha fundamental bilimlar beradigan, o'qish muddati to'rt yildan kam bo'lmagan tayanch oliy ta'lim;

Magistratura - bakalavriat negizida o'qish muddati kamida ikki yil bo'lgan aniq mutaxassislik bo'yicha oliy ta'lim; Bakalavr, magistr - oliy ta'limning tegishli bosqichiga muvofiq dasturlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirgan shaxslarga beriladigan akademik darajalar;

Oliy ma'lumot darajasi - shaxs tomonidan oliy ta'limning muayyan o'quv rejalari va fanlar dasturini mazkur ma'lumot haqida tegishli davlat hujjati berilgan holda, o'zlashtirishi natijasi;

Oliy ma'lumot haqida davlat hujjati (diplom) - akkreditatsiyadan o'tgan oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilariga beriladigan va ularning oliy ta'limning o'quv rejalari va fanlar dasturini bajarganliklarini tasdiqlovchi davlat namunasidagi hujjat. Hujjat uzluksiz ta'limning keyingi bosqichlarida o'qishni davom ettirish yoki olingan akademik darajaga muvofiq ishlash huquqini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, "O'zbekiston" NMIU, 2017. - 56 b.
2. Azizxo'jaeva N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma.-T.: 2006, 159 bet.
3. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. - T.: Cho'lpon, 2005.
4. Ta'lim texnologiyalari. Z.F.Sharopova Toshkent. Navro'z nashriyoti. 2019
5. Innovatsion ta'lim texnologiyalari / Muslimov N.A., Usmonboeva M.H., Sayfurov D.M., To'raev A.B. - T.: "Sano standart" nashriyoti, 2015. -150 b.

UO'K 37.02

TARBIYACHI VA UNING JAMIYATDA TUTGAN O'RNI

Yo.H. Qipchaqova, assistant, Farg'ona Davlat Universiteti, Farg'ona
M.D. Mirzasharipova, talaba, Farg'ona Davlat Universiteti, Farg'ona

Annotasiya. "Tarbiyachining kasbiy mahorati" modulining ishchi dasturi maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachisini qayta tayyorlash kursining o'quv dasturi asosida tuzilgan bo'lib, innovatsiyalarning mazmun, mohiyatini yoritib, kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish uchun imkon yaratadi.

Kalit so'zlar: ta'lim, tarbiya, milliy dastur, strategiya, kasbiy mahorat, bilimlar

Аннотация. Рабочая программа модуля «Профессиональные навыки педагога» основана на учебном плане курса переподготовки педагогов дошкольного образования, выделяя содержание и сущность нововведений и предоставляя возможности для развития профессиональных компетенций.

Ключевые слова: образование, воспитание, национальная программа, стратегия, профессиональные навыки, знания

Abstract. The work program of the module "Professional skills of a teacher" is based on the curriculum of a retraining course for preschool teachers, highlighting the content and essence of innovations and providing opportunities for the development of professional competencies.

Key words: education, upbringing, national program, strategy, professional skills

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar milliy davlatchilik va suverenitetni mustahkamlash, xavfsizlik va huquq-tartibotni, jamiyatda qonun ustuvorligini, inson huquq va erkinliklarini, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik muhitini ta'minlash uchun muhim poydevor bo'ldi, xalqimizning munosib hayot kechirishi, jahon talablari darajasida ta'lim olishi va kasb egallashi, fuqarolarimizning bunyodkorlik salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun zarur shart-sharoitlar yaratdi. Yangi sharoitlardan kelib chiqib, "Ta'lim to'g'risida"gi va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunlariga, 2017-2021-yillarga mo'ljallangan "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi", O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Pedagog kadrlarni tayyorlash, xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qaroriga muvofiq, ta'lim bosqichlarining uzluksizligi va izchilligini ta'minlash, ta'limning zamonaviy metodologiyasini yaratish, davlat ta'lim standartlarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirish, o'quv-metodik majmualarning yangi avlodini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish hamda pedagog xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish taqozo etadi.

"Tarbiyachining kasbiy mahorati" modulining ishchi dasturi maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachisini qayta tayyorlash kursining o'quv dasturi asosida tuzilgan bo'lib, u maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachisi uchun ta'limda zamonaviy yondashuvlar, kasbiy mahoratni oshirish yo'llari, innovatsiyalarning mazmun, mohiyatini yoritib, kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish uchun imkon yaratadi. Tarbiyachi yosh avlodimizni xalqimizning munosib farzandlari qilib tayyorlashdek muhim, faxrli ish bilan birga mas'uliyatli vazifani bajaradi. Tarbiyachining siyosiy yetukligi bolalarni tarbiyalash sifati uchun xalq hamda jamiyat oldidagi o'z mas'uliyatini anglashga, ta'lim-tarbiya vazifalarini ijodiy yondashishga, o'z mahoratini doimo takomillashtirib borish va ishdagi o'rtoqlarini o'sishiga yordam beradi.

Demak, tarbiyachi avvalo, bilimli bo'lishi, o'zi yashab turgan ulkan hayotini bilishi, tabiat va jamiyatning qonuniyatlarini tushunishi, ijtimoiy faol bo'lishi, umumiy va maktabgacha tarbiya pedagogikasini, bolalar ruhiyati va fiziologiyasini egallashi va bolalarning yosh xususiyatlarini bilishi kerak. Yosh avlodni komil inson qilib, kamolot sari yetaklashdagi erishgan yutuqlari uchun va tarbiyachilar, metodist, katta metodist tarbiyachi va boshqa shunga o'xshash unvonlar bilan taqdirlanadilar. Respublikamizda amalga oshirilayotgan tub islohotlar bugungi kunda bog'chada, akademik litsey va kasb-hunar kolleji hamda oliy o'quv yurtlarida shakllanayotgan avlod ijobiy xulq-atvor me'yorlari va qoidalarini, ilmiy bilim asoslarini, kasb-hunar malaka va ko'nikmalarini har tomonlama puxta egallab borishini talab qiladi. Buning uchun o'sib kelayotgan yosh avlodni bilimlar bilan qurollantirish milliy qadriyatlarimiz, ma'naviyatimizni tiklash jahon madaniyati, milliy madaniyatimiz durdonalari bilan tanishtirish, ularni jismoniy sog'lom ma'naviy etuk qilib tarbiyalashdek vazifalar qo'yildi.

Bunga quyidagilar kiradi:

Bolaning sog'lig'ini saqlash va mustaqamlash.

Aqliy qobiliyatini o'stirish.

Milliy qadriyatimiz va ma'naviyatimizning g'oyaviy-aqliy tamoyillariga mos keluvchi e'tiqod va qarashlarini tarkib toptirish.

Ona vatanga muhabbatini, ijtimoiy faollikni shakllantirish.

Yosh avlodda o'rtoqlik, do'stlik hissini, halollik va mehnatsevarlikni tarkib toptirish.

Demak, yuqorida keltirilgan sifatlarni tarkib toptirish o'sib kelayotgan yosh avlodni tarbiyalash vazifasining hamma tomonlarini qamrab ololmaydi. Lekin tarbiyachi ishlarga asoslanib, bolalarni mustaqil hayotga va mehnatga tayyorlash ishini ma'lum bir maqsad bilan samaraliroq amalga oshirishi mumkin. Mustaqillik munosabati bilan tarbiyachilarning ma'naviy o'sishlariga va moddiy ahamiyat berilmoqda. Masalan, Respublikamizda 1992 yil 1 oktyabrni murabbiylar kuni deb nomlanishi hamda xalq maorifi xodimlarining maoshlari oshirilib, turmushlari yaxshilanib bormoqda. Birinchi Prezidentimiz I. A. Karimov o'zining "Buyuk kelajagimizning huquqiy kafolati" nomli risolasida shunday yozadi: "Tarbiyachi — ustoz bo'lish uchun boshqalarning aql-idrokini o'stirish, ma'rifat ziyosidan bahramand qilish, haqiqiy vatanparvar, haqiqiy fuqaro etib etishtirish uchun, eng avvalo, tarbiyachining o'zi ana shunday yuksak talablarga javob berishi, ana shunday buyuk fazilatlariga ega bo'lishi kerak". Ayniqsa, har bir bolaning shaxs sifatida shakllanishida javobgar ekanligini taqozo etadi. Shunga ko'ra tarbiyachi bolalarga kundalik hayotda, o'yinlarda, mashg'ulotlarda, birgalikdagi mehnat faoliyatida, ular bilan bo'ladigan muomalada, muloqotda ibrat, namuna bo'lishi bolani har tomonlama diqqat bilan o'rganishi, uning shaxsiy xususiyatlarini, qobiliyatlarini bilishi, pedogogik nazokatini namoyon qilishi, bolalarning xulq-atvori ish natijalarini haqqoniy baholashi va ularga o'z vaqtida yordam ko'rsata olishi hamda oilaviy ahvoli bilan qiziqishi zarur hisoblanadi. Demak, «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi» g'oyalarini amaliyotga tatbiq etish respublika ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlar muvaffaqiyatini ta'minlash, ta'lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan tarbiyachi murabbiylarning ma'naviy qiyofasi hamda kasbiy mahoratlariga ham bog'likdir. Bolani tarbiyalash nihoyatda qiyin va murakkab jarayon bo'lib, juda qadimdan ushbu faoliyatga jamiyatning yetuk kishilari jalb etilgandir.

Ayniqsa, bu borada O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 9-sessiyasida (1997 yil 29 avgust) so'zlagan nutqida shunday fikrlarni bildiradi, ularga, albatta, diqqatni qaratish maqsadga muvofiqdir. "Tarbiyachilarning o'ziga zamonaviy bilim

berish, ularning ma'lumotini oshirish kabi paysalga solib bo'lmaydigan dolzarb masalaga duch kelmoqdamiz... tarbiyachi bolalarimizga zamonaviy bilim berishi uchun avvalo, murabbiyning ana shunday bilimga ega bo'lishi kerak". Yuqoridagi qayd etilgan fikrlardan bugungi kun tarbiyachisi shaxsiga nisbatan qo'yilayotgan talablarning naqadar muhimligini anglash lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, "O'zbekiston" NMIU, 2017. - 56 b.
2. Azizxo'jaeva N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma.-T.: 2006, 159 bet.
3. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. - T.: Cho'lpon, 2005.
4. Ta'lim texnologiyalari. Z.F.Sharopova Toshkent. Navro'z nashriyoti. 2019
5. Innovatsion ta'lim texnologiyalari / Muslimov N.A., Usmonboeva M.H., Sayfurov D.M., To'raev A.B. - T.: "Sano standart" nashriyoti, 2015. -150 b.

UDC 37.02

THE POSITIVE AND NEGATIVE OF ONLINE LEARNING I.N.Rahmatshoyev, teacher, Fergana Polytechnic Institute, Fergana D.N.Muhtorov, teacher, Fergana Polytechnic Institute, Fergana M.N. Sobirov, teacher, Fergana Polytechnic Institute, Fergana

Аннотация. *Онлайн таълим пандемия тизими туфайли Ўзбекистон ва бутун дунёда олий ўқув юртларида аллақачон харидорғир бўлиб қолган. Ушбу тадқиқот ижобий ва салбий томонларга эга. Ижобий томони ўз ичига олади: одамлар кенг доирада таълим олиши; ҳар қандай спектакллардан ўрганиш имконияти; талабаларни транспорт, тушилик, яшаш, дарслик кабиларда тежаш имконияти. Ўқувчилар ўзлари учун муҳим кўринган мавзуларнигина ўрганиб, вақтни тежашлари ҳам мумкин. Яна бир ижобий хусусиятлар: кўпроқ қулайликка эга бўлган ишчи мутахассислар учун ўқув курсларини ташкил этиши.*

Калим сўзлар: *онлайн тренинг, таълим, тренингда инновацион технологиялар, масофавий таълимнинг афзалликлари*

Аннотация. *Онлайн-образование уже становится все более востребованным в высших учебных заведениях Узбекистана и всего мира из-за пандемической системы. Это исследование имеет как положительные, так и отрицательные стороны. Положительная сторона включает в себя: доступ к образованию для широкого круга людей; возможность учиться на любых предметах; возможность для студентов сэкономить деньги на транспорте, обеде, проживании, учебниках и т. д. Студенты также могут сэкономить время, изучая только те предметы, которые кажутся им важными. Еще одной положительной особенностью является организация курсов повышения квалификации для работающих специалистов с большим удобством.*

Ключевые слова: *онлайн-обучение, образование, инновационные технологии в обучении, преимущества дистанционного обучения*

Abstract. *Online education has already become more and more in demand in higher educational in Uzbekistan and all over the world because of pandemic system. This study has both positive and negative sides. The positive side includes: access to education for a wide range of people; the chance to learn from any plays; the opportunity for students to save money on transport, having lunch, accommodation, textbooks, etc. Students can also save time by studying only those subjects that seem important for them. Another positive feature is: organization of training courses for working professionals with greater convenience.*

Keywords: *Online learning, education, innovative technologies in teaching, the advantages of distance learning*

Distance learning implies distant interaction between lecturer and students. At the same time the lecturer has the opportunity to communicate with students both on-line and off-line. Students can also ask their questions about the material which they have studied and receive feedback. Distance learning involves video clips with the recording of lectures, audio and video conferences, chats, forums for discussion. Besides e-mail communication between students and lecturers can be used.

In modern society, the need for distance learning has matured in connection with the increased popularity of higher education and sometimes the great difficulty of getting it remotely, living outside the metropolis. In addition, teaching staff working in the universities of these megacities often face the problem of "clip-thinking", through the prism of which students perceive information.

Within the framework of distance learning the material of each individual lecture is presented in the form of a short video accompanied by subtitles and supplemented with a detailed summary in a format suitable for reading.

From time to time the material can be updated: not only its content, but also form and structure, which is done to help students to master the material of the course more efficiently. Thus, distance learning allows solving a number of primary problems, which modern society poses to universities, and meets the needs and opportunities of modern students. But, like any method, distance learning has its own strengths and

weaknesses. For higher educational institutions, the undoubted advantages of distance learning are the cost savings on providing and maintaining classrooms and lecture halls in due form.

It is also worth noting that scientific and technological progress gives a lot of opportunities for effective presentation of the material. A computer with Internet access, an electronic board, a multimedia projector, video and audio equipment are among the technical means used by lecturers of virtually any discipline. Providing this equipment for all the classrooms can sometimes be a task beyond the power of the university administration. Within distance learning, the amount of the equipment necessary for the learning process is greatly reduced.

The next positive moment of distance learning is connected with the peculiarities of people's perception of information. All students perceive the material differently. One needs to spend a lot of time understanding and mastering it, the other does it quite quickly. Nowadays, we know that reliable and high-quality information in all fields can be found on the Internet. Traditional lessons are in some cases boring and students can easily learn what they have learned during the lesson on the Internet. The reason is that the Internet has the ability to get information in any version (mp3.mp4, doc, pdf, etc.), and as a result, the student begins to work on himself on an individual basis every day. In traditional classes, the student remains attached to the teacher in most cases. I have seen in many cases that if a student has difficulty in a particular subject, he only tries to ask this question, but if he searches for this question on the Internet, he does not try to answer it in seconds. We can say that it limits in a sense.

As everything has negative feature, distance learning is not without its drawbacks too, among which we can distinguish the following.

Firstly, despite the opportunity to ask any questions to the lecturer, the student is deprived of live communication both with the lecturer and with other students. The most interesting questions, provoking a deeper unfolding of the thought of the lecturer, are born in the polylogue, in which a whole group of students participate, which occurs here and now, in real time. It is thanks to them that the lecturer, who delivers a speech not in a virtual mode, understands the level of preparedness of the audience, its mood, can link the chain of associations with new material which the students have already studied in the class in other subjects. Based on the content of these issues, he can correct the flow of information, touch upon particular topics, speak on them in a more detailed way, present them from a different angle. The lecture, delivered without live participation of recipients, loses much in the semantic content and in the emotional presentation, because not every lecturer is able to be inspired by looking at the black box of the video camera aimed at him during the shooting, instead of human eyes.

At the same time, if we compensate for the lack of time given in a video lecture with a large amount of additional literature, there is a high probability that students will not study it, delving into many nuances independently.

At present, distance learning has been introduced in many countries in pandemic and dangerous conditions. However, as a result, we see that many problems are emerging. These include poor internet quality, online classes requiring modern technology, and problems with students and teachers using modern technology. As a result, students' interest in education is declining. In particular, many students in Uzbekistan are unable to attend online classes and are appealing to authorities to start traditional classes sooner.

It is clear from the above problems that distance education has both negative and positive aspects. We know that any update will take some time. If the shortcomings listed above are eliminated, of course this learning process will be a good success.

REFERENCES:

1. Almazova, N., Khalyapina, L. & Popova, N. (2017). International youth workshops as a way of preventing social conflicts in globally developing world. 3rd International Multidisciplinary Scientific Conference on Social Sciences and Arts, SGEM2016 Book 2, Vol. 1, 253-260.
2. Aladyshkin, I., Kulik, S., Michurin, A., & Anosova, N. (2017). Information prospects for socio-cultural development: contradictory grounds. RPTSS 2017 International Conference on Research Paradigms Transformation in Social Sciences, The European Proceedings of Social & Behavioural Sciences EpSBS, Vol. XXXV.

YOSHLARNI MILLIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBİYALASHNING PEDAGOGIK JIHATLARI

H.T. To'xtayev, o'qituvchi, Termiz davlat universiteti, Termiz

Аннотация. *Maqolada aynan bugungi kunda, yosh avlodni milliylik ruhida tarbiyalash, milliy tarbiyaning ulug'vor vazifalarni anglagan holda, yoshlar tarbiyasi bilan shug'ullanish barchamizning vazifamizdir deb so'z yuritilgan.*

Калит сўзлар: *oila, farzand tarbiyasi, yosh avlodni, g'amxo'rlik, e'zozlash, ma'naviyatli, milliy tarbiya*

Аннотация. *В статье говорится, что сегодня каждый из нас обязан воспитывать молодое поколение в духе национализма, заниматься воспитанием молодежи, понимая славные задачи национального образования.*

Ключевые слова: семья, воспитание детей, молодое поколение, забота, уважение, духовность, национальное воспитание

Abstract. The article says that today, it is the duty of all of us to educate the younger generation in the spirit of nationalism, to engage in the education of young people, understanding the glorious tasks of national education.

Keywords: Family, child rearing, young generation, care, respect, spirituality, national upbringing

Hozirgi zamonda inson qalbi va ongi uchun kurashning namoyon bo'lishi har qachongidan shiddatli tus olayotgani yaqqol ko'zga tashlanmoqda, dunyoning mafkuraviy manzarasining o'zgarib borishi, geopolitik maqsadlar va mafkuraviy siyosatning uyg'unlashib borishi, mustaqillikni qo'lga kiritgan mamlakatlarda mafkuraviy tamoyillar ahamiyatini oshib borishi, mafkuraviy jarayonlarning globallashuvi va shu kabilar. Mustaqillikka erishganimizdan keyin hozirgi davrning eng muhim vazifalaridan biri ushbu jarayonlarga mos keladigan, yangicha fikrlovchi avlodni tarbiyalashdan iborat bo'lib qolmoqda.

Milliy merosimiz va qadriyatlarimizning qayta tiklanishi, milliy o'zlikni anglashning o'sib borishi tufayli odamlar ongida, tafakkurida muhim ijobiy o'zgarishlar ro'y bermoqda. Ma'naviy-ma'rifiy jarayonlardagi o'zgarishlar odamlarimiz qalbi va ongiga singib, ularda kelajakka, o'z kuchiga, o'z imkoniyatiga ishonch, Vatanga muhabbat, erkinlik xissini tarbiyalamoqda. «Eng muhimi, aholining ongi tafakkurida tub o'zgarishlar ro'y berdi, ularning uzoq yillar mobaynida kommunistik va sovet mafkurasi tamoyillari asosida shakllantirilgan fikrlash tarzi va dunyoqarashi, bir so'z bilan aytganda odamlarning o'zi o'zgardi. Faqat istiqloq xalqimizga o'z Vatanida o'zini erkin xis etish, erkin fikrlash, mustaqil tafakkur yuritish imkonini berdi va u keng ko'lamdagi siyosiy-ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy sohalardagi islohotlarni amalga oshirishda asosiy kuch-qudrat bo'lib xizmat qilmoqda. Mustaqillik davrida mamlakatimiz olimlari o'tkazgan va o'tkazayotgan tadqiqotlarni tahlil qilish bu sohadagi ishlar endigina boshlanayotganidan guvohlik beradi. Islohotlar jarayonida erishilgan muvaffaqiyatlar tafakkur va ma'naviyat ozodligi, erkinlikning tantanasi tufaylidir. Ma'lumki, yuksak ma'naviyatning birinchi sharti bu — erkinlikdir, jamiyat a'zolarining o'zini ozod va erkin his etishidir. Zotan, «fuqaro» tushunchasi bilan «erkinlik» tushunchasi o'zaro hamohang va ma'nodoshdir. Ozod mamlakatning erkin shaxsida esa keng imkoniyatlar darajasida o'z millati mentalitetiga xos ma'naviy yangilanish sodir bo'lishi, mustaqil tafakkur shakllanishi mumkin.

Bugun ulg'ayayotgan yoshlar ertaga mustaqillikning ishonchli tayanchiga, xalqimizning asosiy, iqtisodiy, ishlab chiqarish, ijodiy, intellektual kuchiga aylanadi. Shunday ekan ularning dunyoqarashi, tafakkuri qay darajada ilg'or bo'lishi, hozirgi davrning yuksak talablarini o'ziga mo'ljal qilib olish, shunga intilish salohiyati mamlakatimiz istiqbolini, millatimizning jahon hamjamiyatidagi mavqeini belgilab beradi. Bugungi voqelik, atrof-muhitda sodir bo'layotgan voqea-hodisalarga yangicha qarash, ularni butun murakkabliklari ila tubdan yangicha idrok etish, yangicha siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy mezonlarda baholashni talab etmoqda. Shu bois yangi jamiyat barpo etish jarayonida insonga va jamiyatga, butun borliqqa munosabatni o'zgartirish, ijtimoiy ongni yangilash alohida muhim ahamiyat kasb etadi. «Chunki tafakkur ozod bo'lmasa, ong va shuur tazyiqdan, qullikdan qutulmasa, inson to'la ozod bo'lolmaydi. Taraqqiyot taqdirini ma'naviy jihatdan yetuk odamlar hal qiladi.

Milliy ma'naviyatimiz, qadriyatlarimiz, ilm-fan sohasidagi ota-bobolarimizdan qolgan merosning qayta tiklanishi, xalqimizning milliy o'zligini anglash jarayonining o'sib borishi natijasida xalqimiz tafakkur tarzida muhim ijobiy o'zgarishlar ro'y bermoqda. Hayotimizda sodir bo'layotgan bu o'zgarishlar odamlar qalbi va ongiga singib, ularda kelajakka ishonch tuyg'usini, ozodlik va erkinlik hissini tarbiyalamoqda. Mustaqillik tufayli tobe'lik va qaramlikdan ozod bo'lgan davlatimiz ichki va tashqi siyosatda hech kimning aralashuvi, tazyiqi va ko'rsatmalarisiz xalq manfaatlarini ko'zlab ish yuritmoqda. Boy madaniy-ma'naviy merosimizdan, buyuk ajdodlarimiz yaratgan ma'naviyat chashmalaridan bahramand bo'lishimiz uchun keng yo'l ochdi. Mustaqillik xalqimizga yurtimizning bebaho yer osti va yer usti boyliklariga chinakamiga egalik qilish, o'z diyorida o'zini erkin his etish, erkin fikrlash, mustaqil tafakkur yuritish imkonini berdi. Milliy mustaqillik tafakkuri mamlakatimizda keng ko'lamli siyosiy-ijtimoiy islohotlarni amalga oshirishda asosiy omil kuch-qudrat bo'lib xizmat qilmoqda.

O'zbekiston mustaqilligining dastlabki kunlaridanoq umuminsoniy qadriyatlar davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi hisoblanib, uning asosiy maqsadi-o'zlikni anglash, milliy qadriyatlarni tiklash, ko'p millatli xalqimizni birlashtirish, milliy va umumbashariy qadriyatlarga asoslangan holda ma'naviy-ahloqiy fazilatlariga ega bo'lgan. Shaxsni xususan, yoshlarni ijtimoiylashuvida, ahloqiy shakllantirishga qaratilgandir. Shuning uchun ham — Ta'lim to'g'risidagi Qonun — Kadrlar tayyorlash Milliy dasturida, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining — O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risidagi Qarorida milliy va umumbashariy qadriyatlarni uzviy birlashtirish asosida yosh shaxsida yuksak ma'naviy-ahloqiy fazilatlarini tarbiyalashni, o'z Vataniga va xalqiga sodiq fuqaroni shakllantirishga alohida ahamiyat berilgan. Demak, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni yuksaltirishga keng sharoitlar yaratilmoqda. Ularning rivojlanishiga e'tibor berilmoqda.

Darhaqiqat, bugungi kunda mustaqil O'zbekistonni jahon hamjamiyatidagi davlatlarning tan olishi, o'zbek xalqining milliy qadriyatlarini tiklanishiga va imkoniyatlarining tiklanishiga, o'zini boshqa xalqlar oilasida to'la huquqli millat sifatida anglab yetishiga yanada kuch baxsh etmoqda. Jahon madaniyatining yanada chuqurroq bilish, milliy va umuminsoniy qadriyatlardan bahramand bo'lish uchun qulay zamin

yaratilmogda. Bu uyg'unlik xalqlar o'rtasidagi milliy urf-odatlarini, an'analarni mustahkamlashda asos bo'lib xizmat qilmoqda.

Darhaqiqat, qadim-qadimdan o'zbek millati jahon tsivilizatsiyasida o'zining munosib o'rnini egallashida umuminsoniy qadriyatlarga sadoqat bilan munosabatda bo'lgan. Har bir xalqning tarixiy, madaniy va ma'naviy merosini chuqur o'rgangan. Shu bilan birga boshqa millatlar, davlatlar, dinlar va sivilizatsiyalarning o'ziga xos qadriyatlari va ijobiy tajribalaridan foydalanish natijasida jahon taraqqiyotida munosib o'rin egallab kelgan.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, ta'limiy qadriyatlar shaxsga ilmiy-nazariy bilimlarni berish, unda yuksak ma'naviy-axloqiy sifatlarni tarbiyalash, uning har tomonlama barkamol bo'lib voyaga yetishida muhim ijtimoiy-pedagogik ahamiyatga ega bo'lgan, shuningdek, o'ziga xos ahamiyat kasb etuvchi ob'ektiv va sub'ektiv omillar majmuasidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. Toshkent. "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2014-yil.
2. Abdulla Avloniy. "Turkiy guliston yoxud axloq" –T.: "O'qituvchi", 1996-yil.
3. Abu Nasr Farobiy. "Fozil odamlar shahri" –T.: "Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi", 1993-yil.

УЎК 37.015.3

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ-ДА ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Джалолова Д.Ф., доц., Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро
Нематова Л.Х., ўқитувчи, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро
Худойбердиева С.Н., ўқитувчи, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро*

Аннотация. Мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришида интерфаол ўқитиш методлари имкониятлари тўғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: тадқиқотчилик, компетенция, моделлаштириш, конструкциялаш, анимация, эффект, коммуникатив.

Аннотация. В статье описаны возможности интерактивных методов обучения в формировании исследовательских компетенций у будущих учителей профессионального образования.

Ключевые слова: исследование, компетенция, моделирование, построение, анимация, эффект, коммуникатив

Abstract. The article describes the possibilities of interactive teaching methods in the formation of research competencies in future vocational education teachers.

Keywords: research, competence, modeling, construction, animation, effect, communicative

Республикамызда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари тезкор ривожланиш динамикаси таълим тизими олдида ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, мустақил қарор қабул қила оладиган ҳамда техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли, малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўяди.

Ҳозирги пайтда юқори малакали ва маданиятли, мустақил фикрлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича муҳим аҳамиятга эга молик ишлар олиб борилмоқда. Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий билим, кўникма ва малакалар шакллантириш билан бир қаторда уларда билимларни мустақил эгаллаш, келажакда муаммони мустақил равишда ҳал этишда ижодий ёндашиш қобилиятлари ҳам шаклланиши керак. Мутахассисларда ушбу хусусиятларни шакллантиришда талабаларнинг тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув билув фаолиятини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ўқитувчининг бош вазифаси талабаларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат эканлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски амалда-тажрибамизда унга риоя қилмаймиз. Шунинг учун ҳам бугунги кунда талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини таъминловчи ва ривожлантирувчи фаол таълим усулларини ўқув жараёнига жорий этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Талабаларни мустақил ва ижодий ёндашган ҳолда муаммоларни ечимини излаш, топиш ва мустақил қарор қабул қилиш, қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаол таълим усулларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади (1).

Олий таълим муассасалари касбий таълим йўналишларида талабалар тадқиқотчилик ишини ташкил этиш амалиётини таҳлили, талабаларнинг фан билан шуғулланиш имкониятлари ҳақида етарлича ахборотга эга эмаслиги-дан иборат, илмий ишни ташкил этишда жиддий муаммо мавжудлигини кўрсатади. Бу муаммони бартараф этиш учун амалиётда, талабаларни илмий мавзулар билан таништириш, уларни тадқиқ қилиш усуллари ва талабалар фани ташкилий шакллари билан

танишиш мақсадида ташкил этиладиган семинар-тақдимотлар энг катта самарадорликка эга эканлиги аниқланди.


Юқорида белгилаб қўйилганидек, тадқиқотчилик компетенциясининг шаклланиши учун, таълим олувчининг ўзининг максимал фаоллиги зарур, чунки улар ўз тадқиқотчилик фаолияти тажрибасида шаклланади. Шунинг учун бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенция-ларини шакллантириш методларини танлашда, уларнинг қанчалик тала-банинг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги ҳолати муҳим. Бу талабга таълимнинг фаол ва интерактив методлари мос келади.

Фаол методлар - деганда В.А.Скакун [2] уларни қўллаш талабанинг педагог ва талабанинг коммуникатив, икки томонлама ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ ташқи ва ички фаоллиги юқори даражада бўлмаганда объектив қўллаш мумкин бўлмайдиган таълим методлари тушунилади. (1-расм).



1-расм. Таълимнинг фаол методлари

Бир қатор тадқиқотчилик интерактивликини таълимда ўқитишнинг интерактив методлари билан бирликда қўриб чиқишган [66, 92, 96]. А.Н. Иоффе уни "... материалга ижодий ёндашувни талаб этадиган ва ҳар бир талабани очиб бериш учун шаоитларни таъминловчи барча фаолият турлари" деб тушунган. Фаол методлардан фаркли ўлароқ интерактив методлар нафақат педагогнинг таълим олувчи билан ўзаро ҳамкорлигини, балки таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳам назарда тутди (2-расм).



2-расм. Таълимнинг интерактив методлари

Тадқиқотчилик компетенцияларини интерактив методлардан фойдаланиб шакллантиришга диққатни қаратиш тасодифий эмас. Касб таълими (тармоқлар бўйича) йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг малака талабларида интерактив шаклларда ўтказиладиган машғулотларнинг солиштирма вазни кўзда тутилган, умуман ўқув жараёнида 30% дан кам бўлмаган аудитория машғулотлари ташкил этилиши керак.

Адабиётларда интерактив методларни тизимлаштиришга ва уларнинг туркумлашни амалга оширишга уринишлар мавжуд [3]. Ҳозирги вақтдаги энг тўлиқ, интерактив методларнинг таснифини М.Х.Хайбуллаев ва Г.М.Гаджикурбановалар таклиф этишган, унга мутахассис тайёрлашнинг қуйидаги интерактив методлари гуруҳлари киради: ўйинли (ролли, ишбилармон ўйин ва бошқалар); тренингли (рефлексив, ижтимоий-психологик ва бошқалар); ижодий (ақлий ҳужум, ассоциялар, морфологик таҳлил ва бошқалар); эвристик (тадқиқот, танловлар ва бошқалар); лойихаловчи (лойихалар, моделлаштириш, конструкциялаш ва бошқалар); прогностик (аналогия); ахборот-компьютерли (виртуал форум ва анжуман, виртуал экскурсиялар ва бошқалар); дисскуцион (кейс-методи, дебатлар, диспут, эвристик суҳбат ва бошқалар).

Олий таълим муассасалари талабаларида тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантиришга имкон берувчи энг муҳим интерактив методларни қўриб чиқамиз.

"Ақлий ҳужум" нинг моҳияти, муммони ҳал қилишда ғояларни генерация қилишдан иборат. Ташкил этилган дисскуссия давомида қўйилган муаммоли масалалар биргаликда ҳал қилинади. Топшириқ касбий-аҳамиятли ёки фанлараро саволни ўз ичига олиши мумкин. Гуруҳ иштирокчилари таклиф этган барча ғоя ва таклифлар, доскада (ёки катта қоғози варағида) ёзиб борилади, уларни кейин таҳлил қилиш ва умумлаштириш мумкин. Ғояларни кетма-кетликда қайд этиб бориш, қандай қилиб бир ғоядан бошқа ғоя вужудга келишини кузатиш имконини беради. Мусобақаланиш эса таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштиради.

"Ақлий ҳужум" нинг сўнгги босқичида барча таклиф этилган ғоялар бутун гуруҳ билан таҳлил қилинади. Яқунда таълим олувчиларга тўғри жавоб тақдим этилади.

Бу метод фаол фаолиятга таълим олувчиларни максимал сонини жалб қилади. Уни дарснинг қуйидаги босқичларида қўллаш мумкин: янги билимларни баён қилиш, билимларни ўзлаштириш сифатини оралиқ назоратдан ўтказиш, эгалланган билимларни мустаҳкамлаш (курснинг аниқ мавзу бўйича умумлаштирувчи машғулот). “Ақлий хужум” гуруҳларда (кичик, катта) таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини рағбатлантиришда ва ижодий кўникмаларни шакллантиришда самарали ҳисобланади. Шунингдек, ўз нуқтаи назарини ифодалаш ва рефлексив кўникмалар шакллантирилади.

Лойиҳалар методини шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи технологиялардан бири сифатида кўриб чиқиш мумкин. Е.С. Полат фикрича, бу метод, ечиш учун тадқиқотчилик изланиш зарур бўлган ҳақиқатда аҳамиятли муаммо (амалий, илмий, ижодий, ҳаётий) мавжуд бўлганда қўлланилади [4].

Лойиҳаларни ишлаб чиқиш “Касбий педагогика” фанини ўрганиш жараёнида энг фаол қўлланилди. Лойиҳалар методи билан дастлабки танишув замонавий таълим технологияларига бағишланган маърузада амалга оширилди. Кейин семинар машғулотларида талабалар кичик гуруҳларга бўлинишди ва лойиҳалаш топшириғини олишди: “Келажак олий таълими тизими” ни ишлаб чиқиш.

Лойиҳа устида ишлаш ҳаракатларни қатъий алгоритмлашни назарда тутмайди, аммо талабалар ва ўқитувчиларга қуйидаги 10-иловада келтирилган лойиҳани бажариш босқичларида қуйидаги ҳаракатлар режасига риоя этиш зарур.

Талабаларда тадқиқотчилик фаолиятида иштирок этишга эҳтиёжни, тадқиқотчилик фаолияти соҳасига оид билимларни шакллантириш, асосий тадқиқотчилик кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида ўқиш ва ўқишдан ташқари фаолиятнинг ўзаро алоқасини таъминлашга йўналтирилган бир нечта лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ишлаб чиқиладиган лойиҳалар мавзулар талабалар томонидан ўрганиладиган фанларнинг ишчи дастурлари мазмунини ҳисобга олган ҳолда танланди. Тайёрлов босқичи ўз ичига қуйидаги ҳолатларни олди: берилган мавзу бўйича зарурий назарий билим ва кўникмаларнинг маъруза ва семинар машғулотлари, шунингдек, аудиториядан ташқари мустақил ишлар доирасида ўқувчилар томонидан эгалланиши. Шундай қилиб, лойиҳа ўтилган мавзуларга таянган. Бундан ташқари, лойиҳа устида ишлашдан олдин талабалар зарур ахборотни мустақил излаш қоидалари билан таништирилди. Шундай қилиб, талабалар лойиҳа устида ишлаш бошлангунга қадар ўз-ўзига таълим бериш йўли билан лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун етишмаётган билимларни тўлдириш имконига эга бўлдилар.

Тайёрлов босқичида, лойиҳа мавзусини муҳокама қилинган ва шакллантирилгандан сўнг талабалар ишчи гуруҳларга бўлинди ва ўз мавзулари бўйича асосни ташкил этувчи саволлар рўйхатини тузишди ва дарсдан ташқари вақтда мустақил бажарадиган топшириқларни тақсимлаб олишди.

Барча лойиҳалар талабалар билан тайёрлов босқичида тузилган режа бўйича баҳоланади:

I. Чиқишни баҳолаш мезонлари:

- 1) мавзунинг тўлиқ очиб берилиши;
- 2) тақдимот мазмунининг мантикийлиги;
- 3) чиқишда гуруҳнинг барча иштирокчиларининг қатнашиши;
- 4) чиқишнинг ифодалилиги;
- 5) саволларга жавоблар.

II. Тақдимотни баҳолаш мезонлари:

– мазмуни бўйича:

- 1) мавзу ва мақсадларга мувофиқлиги;
- 2) кўриб чиқиладиган ҳодиса ва кўрсаткичлар орасида мантикий алоқанинг мавжудлиги;
- 3) ахборотни схемалар, графиклар ва диаграммалар кўринишда тақдим этиш;
- 4) грамматик ва стилистик хатоларнинг мавжуд эмаслиги;
- 5) ўтказилган иш натижалари бўйича хулосаларни ифодалаш.

- расмийлаштириш бўйича:

- 1) дизайн тақдимот мазмунига мос келиши керак;
- 2) анимацион эффектлар слайдда тақдим этиладиган ахборотдан чалғитмаслиги керак;
- 3) ахборотни қисқа, схемалар, тезислар, карталар, диаграммалар ва ҳоказолар кўринишида, ягона стилда, масштабда ва ранглар гаммасида тақдим этиш мақсадга мувофиқ;
- 4) турли туманликни таъминлаш учун турли слайд турларидан фойдаланиш;
- 5) шрифт ўлчами ахборот муҳимлигига мос келиши керак.

- ишнинг жамоавийлиги бўйича:

- 1) гуруҳнинг ҳар бир иштирокчисининг ишда тенг аҳамиятлилиги;
- 2) гуруҳ ишининг мувофиқлаштирилганлиги, ўзаро муносабатларни ташкил этиш даражаси.

III. Буклетни баҳолаш мезонлари:

- мазмуни бўйича:

- 1) ахбороти қизиқарли, фойдали, осон;
- 2) мавзу ва мақсадларга мос келади;

3) грамматик ва стилистик хатолар мавжуд эмас.

- расмийлаштириш бўйича:

1) расмлар матнни акс эттиради ёки тўлдиради;

2) шрифт осонлик билан ўқилади;

3) ранглар гаммаси расмлар ва матнли ахборотга мос келади.

- ишнинг жамоавийлиги бўйича:

1) ишда ҳар бир иштирокчининг бир хил аҳамиятлилиги;

2) гуруҳ ишининг мувофиқлиги, ўзаро муносабатларни ташкил этиш даражаси.

Лойиҳалаш фаолияти амалий натижаси бўлиб - таълимий маҳсулот (видеофильм, альбом, плакат, газетада мақола, йўл-йўриқ, театрал инсценировка, ўйин (спорт, ишчи), web-сайт ва бошқалар ҳисобланади. Лойиҳалаш фаолияти маърузалар, рефератлар тайёрлаш, тадқиқотлар ўтказиш ва ижодий фаолиятнинг бошқа турларини ўтказишни назарда тутди. Лойиҳаларни бажариш жараёнида таълим олувчи нафақат ўқув, балки ўқув методик (услубий), илмий маълумотнома адабиётлардан фойдаланади. Лойиҳани бажариш давомида талаба фаол билиш ижодий жараёнига жалб қилинади. Фан бўйича мавжуд билимлар мустақамланиши ва янги билимларни ўзлаштириш юз беради. Бундан ташқари, тадқиқотчилик, коммуникатив, ташкилий-бошқарув, рефлексив ва бошқа компетенциялар шаклланади. Лойиҳалаш методини кейс-технология билан интеграциялаганда янада самаралироқ бўлади.

Эвристик суҳбатлар методи - В.А.Скакун [2] нинг таъкидлашича, бу методда ўқитувчи талаба олдида муайян саволларни қўяди. Сўнгра улар билан биргаликда мантиқий фикр юритиш таълим олувчиларни қаралаётган ҳодиса, жараён, қоида ва бошқалар моҳиятини ташкил этувчи аниқ хулосага олиб келади. Ўқитувчи талабаларни, уларда мавжуд бўлган назарий ва амалий билимлар, тажрибани такрорлаш ва улардан фойдаланиш, таққослаш, хулосалар чиқаришга ундайди. Эвристик суҳбатларнинг бундай характери бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларни шакллантиришда ижобий таъсир этади.

Дискуссия – таълим жараёни субъектлари муҳокама қилинаётган ўқув муаммоси бўйича ўз фикрлари, ғоялари, хулосаларини мақсадга қаратилган ҳолда алмашилиши билан фаолияти шакли. Улар турли тайёрлов даражасидаги касбий таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг амалий фаолиятида тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Дискуссияларни муаммоли ўқув анжуманларини ўтказишда, комплекс фанлараро характердаги муаммоларни муҳокама қилишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маърузалар, хабарлар мазмуни ўрганилаётган материал билан боғлиқ бўлиши ёки дастур доирасидан чиқиши ҳам мумкин. Қоидага кўра улар касбий йўналганликка эга.

Дискуссияда ҳамкорлик педагогикаси элементлари “Таълим берувчи-таълим олувчи” ва “Таълим олувчи-таълим олувчи” типи бўйича фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Таълим берувчи ва таълим олувчи позициялари орасидаги чегаралар ўчиб кетади, бу эса дискуссия иштирокчилари қарашлари умумий қадриятга айланишга имкон беради.

Дискуссия вақтида коммуникатив компетенциялар (мулоқот қилиш кўникмаси, саволларни шакллантириш ва бериш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, суҳбатдошни ҳурмат қилиш ва қабул қилиши ва бошқалар) таҳлил ва синтезга қобилиятлилик, муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш кўникмаси, яъни ижтимоий мулоқот малакалари ва бошқалар шаклланади.

Замонавий шароитларда ижодий фикрлашга эга шахсни шакллантириш долзарб характерга эга. Шунинг учун эвристик (тадқиқотлар, танловлар ва бошқалар) методлар устунликка эришади. Бу методлар қарорлар қабул қилишда фаоллик, жавобгарлик ва мустақилликни ривожлантиришга йўналтирилган энг юқори даражадаги компетентли ёндашув талабларини қондиради [5].

Н.Н.Двуличанскаянинг фикрича, таълим олувчидан максимум мустақиллик талаб этилади. Шунинг таъкидлаш керакки, таълим олувчиларнинг турли билим даражаси гуруҳларда, айниқса фанни ўрганишнинг дастабки босқичида, ўқитувчининг фаол иштирокида эвристик методларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таълим олувчи томонидан янги билимларни мустақил излашни назарда тутувчи суҳбатлар, лаборатория ишлари, масалалар эвристик бўлиши мумкин. Иш бажариш режасини муҳокамасидан сўнг, таълим олувчилар жамосида тажрибавий топшириқлар мустақил бажарилади. Агар иш “жуфтликларда” бажарилса, ҳар бир таълим олувчи ўз муаммосини индивидуал ҳал қилади. Тажрибани бажариш ва назарий топшириқларни ечиш жараёнида ўз ҳаракатларини ўйлаб кўради. Талабалар асосий хулосаларни ҳам мустақил шакллантиради. Тадқиқотчилик фаолияти таълим олувчиларда: ечимни қабул қилишда мустақиллик, ижодий ишлаш кўникмалари, кузатувчанликни ривожлантиради, тасаввур, ностандарт фикрлаш, ўзининг ёки гуруҳнинг нуқтаи назарини ифода қилиш ва ҳимоя қила олиш имконини беради.

Кейс-метод (Case study) – реал (аниқ) иқтисодий, ижтимоий, маиший ёки бошқа муаммоли вазиятлар (инг.case - 1) портфели, чамадон, сумка, папка (жилд) (бизнинг вариантимизда-талабалар иши учун ҳужжатлар пакети); 2) вазият, воқеа, казус, бир қатор вазиятларда уларнинг бириқиши (бизнинг вариантларимизда талабалар ўрганиш керак бўлган амалий вазиятлар тўплами) тавсифлаш учун фойдаланиладиган ўқитиш техникаси.

Ҳозирги кунда “Case study” ҳақида тўлиқ ва аниқ таъриф йўқ. Масалан, социологлар уни моҳиятини тарифлашда икки қарама-қарши нуқтаи назарни айтишади; баъзиларида масалан у алоҳида мустақил тадқиқот методи; бошқаларида эса – ўз таркибига таълим методларини оладиган тадқиқотчилик стратегияси деб тарифланади.

Фикрларнинг турли туманлигига Кейс-технологиялар моҳияти ҳақидаги қуйидаги фикрлардан келиб чиқиб баҳо берса бўлади: “... алоҳида ходиса (воқеа) ни синчиклаб ўрганиш”; “... тадқиқотчилик стратегияси сифатида монографик тадқиқот”; “... алоҳида эмпирик объект (воқеа) мисолида ижтимоий феноменни чуқур, тўлиқ ва мажмуавий таҳлил қилишга йўналтирилган тадқиқотчилик стратегияси” [6]. Биз учун бу таърифларда асосийси тадқиқот деб аталгани эмас, муҳими, “тадқиқот” атамаси кейс-технологияси асл моҳиятида, тадқиқ қилинаётган алоҳида ходисада нимани ўргатиш ва ўрганиш мумкинлигидан иборат.

Ю. Сурмин фикрларига кўра, кейс-технологиясининг моҳияти шундан иборатки, таълим олувчилар реал ҳаётга вазият устида фикр юритишади, унинг мазмуни нафақат амалий муаммони ақс эттиради, балки муаммони ҳал қилишда ўзлаштирилиши керак бўлган маълум билимлар йиғиндисини фаоллаштиради. Муаммо эса ягона ечимга эга эмас. Педагогик туркум фанларни ўқитишда кейс-технологияларни қўллашнинг қуйидаги имкониятлари аниқланди:

- қўйилган саволга бир маъноли жавобга эга бўлмаган, бир-бири билан ҳақиқийлик даражаси бўйича рақобатлашадиган бир нечта жавоблар олишга йўналтирилган билимларни олишга мўлжалланган;

- ўқитишга бериладиган урғу мулоқотнинг диалогли шакли орқали субъектив позицияни шакллантиришга кўчириб ўтказилади.

Илмий психолого-педагогик, услубий адабиётларни таҳлили асосида педагогик туркум фанларни ўқитишда кейс-технологиялар қўлланиладиган ўқув машғулоти модели ишлаб чиқилади. У ўқув-тарбиявий жараён субъектлари ҳаракатларида ифодаланган компонентларнинг яхлит тузилмасини ифодалайди.

“Касбий педагогика” ва “Педагогика. Психология” фанларидан “Ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари” мавзуси бўйича кейс-технологияларни қўллаган ҳолда ўқув машғулотларини моделини кўриб чиқамиз.

Ташкилий компонент ўз ичига кириш, асосий ва яқунловчи қисмларни олади. Ўқув машғулотининг режасида кўзда тутилган кириш қисми, ахборот фазасидан ташкил топган, унинг асосий мақсадлари: талабаларни модулли-рейтингли таълим технологияси мазмуни билан таништириш, чунки, ўқув фанларининг мазмуни олий таълим муассасаларида талабаларни тайёрлаш модулли-рейтингли тизими стандартига мувофиқ ўқув модулларига ажратилган; ўқув фанининг ҳар бир модули мазмуни билан талабаларни таълимий таништириш, кейс мазмуни ва уни таҳлил қилиш методикаси билан таништириш, бу эса талабаларни кейинги педагогик ўзаро биргаликдаги ҳаракатга ундайди.

Ўқув машғулотининг асосий қисмининг ҳар бир фазасида: мақсад, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти мазмуни, методлари, мақсадларни амалга ошириш воситалари ва таълимнинг ташкилий шакллари ифодаланган.

Ўқув машғулотининг асосий қисмини таъминловчи фазаси бўлажак касб таълими ўқитувчиларида қуйидаги фикрлаш усулларини шакллантиришга қаратилган: таҳлил, синтез, таққослаш, таснифлаш, умумлаштириш, аниқлаштириш, моделлаштириш ва бошқалар. Бу мақсадга эришиш турли қийинчилик даражасидаги тадқиқотчилик характеридаги топшириқлар воситасида амалга оширилади. Тушунча-тафаккурнинг асосий шакли эканлигига асосланиб, авваламбор талабаларга, таҳлил, синтез, абстракциялаш, аниқлаштириш, фикрлаш усулларини шакллантириш мақсадида тушунча таркибини аниқлашга топшириқларни таклиф этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Масалан: талабаларга асосий дидактик тамойилларнинг моҳиятини, манбага таяниб қуйидаги мантикий схема бўйича, очиб бериш топшириғи берилди: шартлари- моҳияти-хусусиятлари-вазифалари. Бу талабалардан тушунчалар билан ишлаш кўникмасини намоён этишни талаб қилди. Талабалар асосий дидактик тамойилларнинг моҳиятини англаб олганларидан кейин, улар ўқув материални мазмунини берилган мавзу контекстида таҳлил қилишга машқлар комплексини бажаришди, педагогик вазиятларни моделлаштириш-ди ва уларни таҳлил қилишди. Талабалар берилган топшириқни бажариш давомида ўқитувчи улар жавобларини резюмелаб борди, бу эса предметли билимларни ўз вақтида, яъни, тадқиқотчилик кўникмаларини бажариш моҳияти ҳақида билимлар (ахборотни таҳлил қилиш, далилларни таққослаш, турли муаллифларнинг нуқтаи назарини таҳлил қилиш, ўз нуқтаи назарини ифодалаш, савол бўйича ахборотни умумлаштириш, назарий тадқиқотнинг турли хил методларини қўллаш, ўз фаолияти натижаларини рефлексив баҳолаш кўникмаси ва бошқалар) ўз вақтида коррекциялаш таъминланади ва кейинги ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига қизиқишни рағбатлантиради.

Иккинчи – шакллантирувчи фаза, тадқиқотчилик кўникмаларини (ахборотни таҳлил қилиш, фактларни таққослаш, турли муаллифлар нуқтаи назарини таҳлил қилиш, ўз позициясини ифодалаш, савол бўйича ахборотни умумлаштириш, назарий тадқиқотнинг турли туман методларини қўллаш, ўз фаолияти натижаларини рефлексив баҳолаш кўникмаси) шакллантиришга йўналтирилган. Ўқув

машгулотнинг бу фазасида талабалар кичик гуруҳларга тақсимланди. Машгулотнинг бу қисми талабаларга илгаридан тақлиф этилган “Ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари” мавзуси бўйича кейс ва илгари ажратилган тадқиқотчилик кўникмаларини қўллашга йўналтирилган унга мос муаммоли саволлар асосида ўтказилди. Кичик гуруҳларда ишлар якунлангандан сўнг, қилинган ишларнинг натижаларини дискуссия воситасида муҳокама ўтказилди.

Учинчи – натижавий фаза, талабаларда умумлашган ечимлардан, камроқ умумлашган вазиятлар, масалалар, касбий фаолиятга ўтиш орқали тадқиқотчилик фаолияти соҳасига оид асосий билим ва кўникмаларни янада шакллантиришга йўналтирилган.

Ушбу фаза доирасида талабалар кейсини таҳлили асосида муаммоларни аниқлаш, шунингдек, барча талабаларнинг фикри бўйича энг мос, муаммоларни ечиш услубларини қабул қилиш мақсадида улар кичик гуруҳларда ишлашди. Ечимни излаш жараёнида фикрлар алмашилди, жамоавий фикр муҳокама қилинди ва ишлаб чиқилди, билим ва ахборот алмашиши юз берди. Дискуссиянинг якуний босқичида талабалар келишилган ечимни қабул қилишди.

Талабалар ўз фикрларини аниқлаштириш, аргументлаш мақсадида аниқ мисолларни ажратишди. Бу талабаларда субъектив позицияси, яъни, ўз нуқтаи назарини аргументлаган ҳолда ҳимоя қила олиш қобилияти, олинган ахборотга танқидий муносабатда бўла олиш қобилияти ва бошқаларнинг намоён бўлиш ҳақида гувоҳлик беради.

Ўқув машгулотининг якунловчи қисмида, кейс устида ишлаш жараёнида ўқув-тадқиқотчилик фаолияти натижаларини талабалар ва ўқитувчи томонидан ва ўз-ўзини баҳолаш орқали баҳолаш-мотивацион фаолият амалга оширилади. Ўқитувчи алоҳида талабалар ишини изоҳлади. Энг қизиқ тақлифларни ажратди ва ҳар бир гуруҳ ишини бутунлигича баҳолади, ҳар бир гуруҳ ишида ижобий моментлар ва камчиликларни, бунда конкрет талабалар исмини айтмай, қилинган ишни афзаллик ва камчиликларини бутун гуруҳга келтирган ҳолда белгилади, бу эса талабаларда улар олдида қўйилган муаммони муваффақиятли ҳл қилиш учун, гуруҳ ишига қандай ҳисса қўшганликлари борасида жавобгарлик туйғусини шаклланишига имкон берди.

Шундай қилиб, тадқиқотчилик фаолияти соҳасига оид асосий билим ва кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда, кейс билан ишлаш мос равишда ўз-ўзини баҳолашнинг ривожланишига имкон берди.

Бир неча машгулотлардан сўнг, талабалар ишини кузатиш давомида, уларнинг топшириқни бажаришга муносабати ўзгарганлигини кўрсатди. Илгари ғоялар генерацияси босқичида қийинчиликларни сезган талабалар, муаммони ечиш учун тақлиф этган ечимларни ҳимоя қилишда қийинчиликларни ҳис қилишган бўлсаларда, турли ностандарт ёндашувларни тақлиф эта бошлашди. Талабалар ўқув машгулотининг асосий қисмининг иккинчи ва учинчи фазаларида дискуссияда фаол иштирок эта бошлашди, шунингдек, эмпирик ва репродуктив даражадаги тадқиқотчилик компетенцияси шаклланганлик талабаларда гуруҳларда ишлашга қизиқиши бир мунча фаоллашди.

“Педагогик технология” тушунчаси педагогика фанига кириб келганига кўп бўлганига қарамай, уни тушинишда ва қўллашда кўплаб фарқлар бор. Фикрлар палитраси жуда кенг, бу ҳақида педагогик технологияларнинг қуйидаги тарифларидан келиб чиқиб баҳо бериш мумкин: “...режалаштирилган таълим натижаларига эришиш жараёнини тасвирлаш”, “...ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси”; “Муваффақиятни кафолатловчи педагогик характерларнинг аниқ акс этиши ва қатъий илмий лойиҳалаш” [6].

Таълим технологиялари моҳиятининг белгилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: дастлаб педагогик тизимни лойиҳалаш, уни ташхисланувчан-лиги, тикланувчанлик, белгиланган мақсадларга эришиш. Бу белгилар кейс-технологияси учун ҳам характерлидир. Бир қатор педагог-олимларнинг таъкидлашича таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, олий таълим муассасала-рида талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ўқув ишлари билан ҳамроҳанг олиб бориш сифатини ошириш ва таълим ресурсларига кириш имкониятларини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: збекистон, 2017. – 488 б.
2. Скакун В.А. Основы педагогического мастерства. Учебное пособие. – М.: «Форум», 2008. – 206 с.
3. Голиш Л.В. Таълимнинг фаол методлари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш. Экспресс-қўлланма. – Тошкент, 2001.- 68 б.
4. Долженко О. В., Шатуновский В. Л. Современные методы и технология обучения в техническом вузе. – М.: Высшая школа, 1990. – 278 с.
5. Ишматов И. Ўқитишнинг интерфаол технологияси. Методик қўлланма. Наманган, 2007. 25 б.
6. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта.-М.: «Знание», 1989.

ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИ

Х.М. Қодиров, ассистент, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Мақолада таълим жараёнига янги педогогик инновацияни жалб этиши ва унинг дарс жараёнига самалдорлигини ташиқиллашдаги янгиликлар таҳлил этилган.

Калим сўзлар: педагогика, инновация, таълим, кадрлар тайёрлаш дастури, технология

Аннотация. В статье анализируются нововведения по вовлечению новых педагогических новшеств в образовательный процесс и организации их эффективности в учебном процессе.

Ключевые слова: педагогика, инновации, образование, учебная программа, технология

Abstract. The article analyzes the innovations in the involvement of new pedagogical innovations in the educational process and the organization of its effectiveness in the teaching process.

Keywords: Pedagogy, innovation, education, training program, technology

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилди, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. 2020 йил сентябрь ойида эса ушбу қонун янги тахрирда ишлаб чиқилди, ва унинг замирида ҳам ёш авлодни етуқ кадр қилиб тарбиялашдаги жонқуярлик мавжуддир. Бу таълим-тарбияга қўйилаётган янги талабларга ўзига хос жавобдир. Шунингдек, таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқлар ва муаммолар Ўзбекистоннинг биринчи президенти И. Қаримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўз ифодасини топган. “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” – деб таъкидаланади.

И.Қаримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч асарида” айтилганидек, “Шуни унутмаслик керакки, келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кун қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб берилмоқда. Таълимни анъанавий усуллари ўрнида интерфаол усуллари қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди.

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогик технологиялар дарс жараёнига татбиқ этишда эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол усуллар талабаларни билимли, кўникма ва малакага эга бўлишларини таъминлайди. Интерфаол методлар бу-жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва бошланғич синф ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиб, биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- талабаларни ўқув жараёнида фанга ва билим олишга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда бажариши ва ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши.

Педагог ва талабаларнинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиниши назарда тутилади. Жамият тараққиёти ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, унинг ғилдираги доимо олдинга қараб айланаверади, бу албатта табиий, тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам педогоглар бу борада илғор педагогик технологияларни дарс жараёнига кенг татбиқ этишимиз даркор.

Дарс жараёнида талабаларга таълим тарбияни биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Педагог талабаларни маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятларини шакллантириши, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини таъминлаши зарур.

Маълумки, «педагогика» таълим – тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишини ва унинг қонуниятларини очиб бериши ҳамда шу орқали инсон манфаатлари тарбия жараёнига таъсир этишини назарда тутати. Бу албатта кўпгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Илғор педагог мураббийлар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки тажрибаларни ўрганиш жараёнидаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Бунда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, талабаларнинг ёзма ва

оғзаки ҳамда амалий ва ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан унумли фойдаланилади. Ўқитувчи-талаба дарсинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан: натижага эришиш учун балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва талабага боғлиқ.

Ўқитувчи ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириши зарур, бу жараёнда педагог ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, энг асосийси, талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма – хилдир. Булар янги интерфаол усуллар ва таълим методлари ҳамда ҳозирда дарс жараёнида қўлланиладиган янги педагогик технологиялар шулар жумласидандир. Шу билан биргаликда айтиш лозим-ки, юқорида келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглардан кенг фойдаланилса, талабаларда манتيқий, ақлий, ижодий, танкидий ва мустақил фикрлаш шаклланади. Айниқса, талабаларни қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилятларни тарбиялашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. «Юксак маънавият - энгилмас куч». - Тошкент., «Маънавият» 2008.
2. Ш.Олимов, Хасанова. Педагогик технологияларни ўқув-тарбия жараёнига қўллаш. Т., 2014, 180 б.
3. Ишмухаммедов Р. Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари» ТДПУ, Тошкент., 2004

УЎК 37.015.3

ҚОБИЛИЯТ ВА ИСТЕЪДОДГА ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

Х.Х.Саидова, доц., Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро
М.Р.Эргашева, ўқитувчи, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро

Психология, ўзининг педагогикага яқинлиги ҳамда педагог учун ниҳоятда зарур эканлиги жиҳатидан бошқа барча фанлар ичида биринчи ўринни эгаллайди.

Аннотация. Ушбу мақолада шахснинг қобилияти ва истеъодларига психологик нуқтаи назардан таъхис асосида ёндошувда эътироф қилинган, яъни қобилият – инсоннинг индивидуал салоҳияти, педагогик имкониятлари ва қобилият билимдан, кўникма ва малакадан кескин фарқ қилиниши ҳамда инсон томонидан кўникма ва малаканинг эгалланиши жараёнида тақомиллаштирилиб борилиши борасида фикрлар юритилган.

Калим сўзлар: фаолият, қобилият, меъёр, шахс, психология, истеъод, салоҳият, кўникма, тафаккур

Аннотация. В данной статье признается психологический подход к способностям и талантам человека с психологической точки зрения, то есть индивидуальный потенциал, педагогические возможности и способности человека заметно отличаются от знаний, навыков и способностей и улучшаются в процессе приобретения навыков и способностей.

Ключевые слова: активность, способности, норма, личность, психология, талант, потенциал, способности, мышление

Abstract. This article recognizes the psychological approach to a person's abilities and talents from a psychological point of view, that is, a person's individual potential, pedagogical capabilities and abilities are markedly different from knowledge, skills and abilities and are improved in the process of acquiring skills and abilities.

Keywords: activity, ability, norm, personality, psychology, talent, potential, ability, thinking

Ҳозирги пайтда юқори малакали ва маданиятли, мустақил фикрлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича муҳим аҳамиятга эга молик ишлар олиб борилмоқда. Замонавий таълим шароитида бўлажак мутахассисларда касбий билим, кўникма ва малакалар шакллантириш билан бир қаторда уларда билимларни мустақил эгаллаш, келажакда муаммони мустақил равишда ҳал этишда педагогик ижодий ёндашиш қобилиятлари ҳам шаклланиши керак [1].

Педагогик фаолиятда талаба ёшларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва уни шакллантиришга эришиш талабаларни интеллектуал қобилиятларини, тарбияланганлик

даражаларини ва шахсий ҳаракат сифатларини психологик ташхис асосида ёндошув орқали баҳолашни талаб қилади. Талабаларни шаклланиш жараёнини, уларнинг ақлий ривожланиши, тарбияланганлик ва тафаккур даражасини меъёрини аниқламасдан туриб таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мушкул ҳисобланди, бу бўлса педогогикада психологик ташхис ўта муҳимлигини англатади. Зеро психологик-педогогик ташхис қўйиш шахс фаоллиятини энг мақбул тарзда бошқариш усулларидан фойдаланишга ёрдам беради. Психологик ташхис асосида инсоннинг шахсий темперамент хусусиятлари меъёрий ва патологик йўналишида ўрганилади ва шахснинг қобилияти ва истеъдодини юзага чиқариб шакллантирилишига эришилади.

Шахснинг қобилият ва истеъдодларига психологик нуқтаи назардан ташхис асосида ёндошувда қуйидагилар эътироф қилинади яъни қобилият – инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қобилият билимдан, кўникма ва малакадан кескин фарқ қилади ҳамда инсон томонидан кўникма ва малаканинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради, билим мутолаа натижаси ҳисобланади. Қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бераоладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим. Қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади, аммо аксарият илмий манбаларда моҳирлик билан қобилиятни бир бирига боғлаб кўрсатишади. Барча қобилият учун таянч хусусият – кузатувчанликдан, яъни инсонни фаҳмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Қобилиятнинг етакчи хусусиятларидан бири – нараса ва ҳодисаларнинг моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга [3].

Бу табиий манба зехн тушунчаси билан юритилади. Зехн муайян бир фаолиятга ёки кўпинча нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зехн нишонлари деганда шахснинг ички имкониятлари табиий асосини тушуниш лозим. Қобилият умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий қобилият деганда юксак амалий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қобилиятни табиий равишда шаклланиши ва муайян режа асосида ривожлантириш мумкин. Қобилиятни маълум фаолиятга мойиллиги ёки интилиши орқали, табиий зехн нишонларини аниқлаш, мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этиш, қобилиятни такомиллаштиришнинг махсус воситаларини қўллаш, шахснинг фаоллик аломатларини максимал даражада ривожлантириш, инсон шахсига алоҳида ёндашувни умумий талаблари билан уйғунликда олиб бориш ва бу орқали ривожлантириш йўллари мавжуд. Шахсдаги қобилият ва истеъдоднинг таркиб топиши ёки шаклланиши айрим объектив ва субъектив сабабларга ҳам боғлиқ [2].

Шахсдаги зехн, майл ва қизиқиш, интилиш- бу соҳада етакчи ўрин тутди. Зотан, зехни ўткир, кузатувчанлик ва тафаккур каби қобилияти кучли бўлган кишиларда истеъдод қирралари ривожланган бўлади. Чунки бундай фазилатлар кўп нарсани билиб олишга, мустақил ижодий фикрлашга ундайди.

Истеъдод, талант – ниҳоятда зўр қобилият, бирор соҳада юксак даражадаги лаёқат. У идрок, тасаввур, тафаккур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя устунлигида, воқеа-ҳодисаларнинг янги қирраларини, уларнинг билимларини ўзлаштириш, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларни турмушга тадбиқ эта олишидан уни истеъдодини билиши мумкин. Истеъдод инсоннинг маълум фаолияти турида ўзини намоён этади.

Билим, кўникма, малака, тажрибалар истеъдодни ривожланишида катта рол ўйнайди. Қобилият ёки лаёқат ўсишига ижтимоий шароит яратилганда, уни тарбиялаб камолга етказилганидагина истеъдод юзага чиқади. Истеъдодга инсоннинг меҳнатсеварлиги ҳам қўшилган тақдирда янгилик ва кашфиётлар пайдо бўлади. Даҳо истеъдоднинг юксак намунаси ҳисобланади. Даҳо эгаси батамом янгилик ижод қилиб, ўз соҳасида оригинал йўналиш яратади. Истеъдод ҳақида турли назариялар мавжуд. Уларга кўра: Оллоҳ томонидан берилган инъом, Ирсият орқали ўтади. Тарбия орқали пайдо қилинади, инсондаги табиий-туғма анатомик-физиологик лаёқат муайян фаолиятда шаклланади ва ривожланади [5]. Талаба шахсининг қобилияти ва истеъдодини юзага чиқариш учун ўқитувчидан етарли билим ва илмий кўникмадан ташқари педогогик ташхис қўя билиш хусусияти ҳам мавжуд бўлмоғи керак. Булар билиш, тушунтира олиш, кузатувчанлик, нутқий, ташкилотчилик, обрў орттира олиш, тўғри муомала қила олиш, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш маҳорати орқали психологик ташхис қўйиш бўлиб, шу орқали ўқитувчининг педогогик фаолият самараси юқори натижани кўрсатади.

Билиш маҳорати-фаннинг тегишли соҳаларига оид қобилиятдир, бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фани ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамшиша кузатиб боради. Материални ипидан игнасиғача билади, шунга ниҳоятда қизиқади, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

Тушунтира олиш маҳорати -ўқув материални талабаларга тушунарли қилиб баён эта олиш, талабаларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиши, қийин нарсаларни осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб талабаларга етказа олиши билан номаён бўлади.

Кузатувчанлик маҳорати талабанинг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, талаба шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бошлаган психологик кузатувчанликдир.

Нутқий маҳорат нутқ ёрдамида, шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Ўқитувчининг нутқи дарса ҳамшиша талабаларга қаратилган бўлади. Педагогнинг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жиҳатдан ёрқин, ифодали, ҳис-ҳаяжонли бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим.

Ташкилотчилик маҳорати-биринчидан, талабалар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш,

Обрў орттира олиш маҳорати - талабаларга бевосита эмотсионал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир.

Тўғри муомала қила олиш маҳорати -болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

Келажакни кўра билиш маҳорати- ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билиш, талабанинг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади.

Диққатни тақсимлай олиш маҳорати - ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этилиши, Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг кудратига боғлиқдир. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини юзага чиқариши учун педагогик қобилиятини ишга сола билиши лозим. Булар Ташкилотчилик қобилияти – талабаларни бирлаштириш, вазифалар билан банд қилиш, жавобгарликни тақсимлаш, умумий топшириқлар бажаришда кўринади.

Дидактик қобилияти – ўқув материални, кўргазмаларни танлаш ва тайёрлаш, талабаларнинг билишга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжларини рағбатлантириш, ўқув фаоллигини оширишда намоён бўлади.

Коммуникатив қобилияти – талабалар, ҳамкасблар ва раҳбарият билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабат ўрнатиш, мулоқотга тез киришиш, экстровеертликда намоён бўлади [5].

СугГЭСтив қобилияти –талабаларга эмотионал иродавий таъсир кўрсатиш, уларни ўз имкониятларига ишонтира олишда кўринади.

Текшириш-тадқиқотчилик қобилияти –педагогик вазият ва жараёнларни ўрганиш ва баҳолаш малакалари тушунилади.

Нутқ қобилияти – аниқ ва ишончли, эмотцияли, маданиятли, луғатий жиҳатдан бой нутқ техникасига эга бўлиш. Таълим жараёнининг самарадорлигини белгиловчи омиллар мавжуд бўлиб, ўқитувчининг истеъдоди ва қобилияти ва шахсий сифатлари асосида намоён бўлади. Бундай жараён ўқитувчидан;

- Педагогнинг профессионал ва педагогик маҳорати;
- Ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари, қўлланмалар ва ахборот манбалари билан етарли даражада таъминланганлиги;
- Таълимнинг турли хил замонавий шакллари ва усулларида кенг фойдаланиш;
- Таълимда турли хил кўргазмали ва техник воситалардан, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш;
- Педагог ва талаба муносабатларининг ўзаро ижобий-эмотионал кўринишга эга эканлиги; ва ҳ.в. талаб этилади.

Хулоса, қобилият учун таянч хусусият – кузатувчанликдан, яъни инсонни фаҳмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш ва ҳодисаларнинг моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга. Ўқитувчи доимий равишда шахсий сифатини ошириб бориш давр талаби ва ҳар бир педагог ўз қобилият ва шахсий сифатларини ошириб бориши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: збекистон, 2017. – 488 б.
2. Скакун В.А. Основы педагогического мастерства. Учебное пособие. – М.: «Форум», 2008. – 206 с.
3. Khamidovna Khulkar Saidova, Kuliyeveva Dilafruz Radjabovna, Djalolova Dilafruz Fattoxovna (2020). "Cluster" Theory And Its Peculiarities In Increasing The Competitiveness Of The Economy. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(09), 51-54.
4. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта.-М.: «Знание», 1989.
5. Э.А.Искандаров, Нормуродов Н. Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси курсидан амалий ва лаборатория машғулотлар ишланмаси (ўқув-услубий қўлланма) С.,“Самарқанд чет тиллар”, 2008.-65 б.

ПОЛИЭТИЛЕН МАТЕРИАЛЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚОПЛАМА СИМЛАРИНИНГ
ХОССАЛАРИ

С.З. Зойирова, магистр, БухМТИ, Бухоро
М.Б. Камалова, доцент, БухМТИ, Бухоро

Аннотация. *Ҳозирги кунда яроқсиз кабель маҳсулотни қайта ишлаш долзарб муммолардан биридир. Кабель маҳсулоти асосан ток ўтказувчи сим ва изоляцион қопламадан иборат шу материалларнинг таркибини тадқиқ қилиш зарур. Бунда, изоляцион қоплама сифатида асосан пластмаса, полиэтилен, резина, полимер, турли хил толали материаллардан фойдаланилади. Илмий тадқиқот ишининг мақсади ҳам яроқсиз кабель маҳсулотларини қайта ишлаб сифатини яхшилашга қаратилган.*

Калит сўзлар: *кабель, пластмасса, изоляция, полимер, олимерлар, мослашувчанлик, қуйма, донатор маҳсулот*

Аннотация *В настоящее время утилизация неподходящих кабельных изделий является одной из наиболее актуальных проблем. Необходимо изучить содержание этих материалов, которые в основном выполнены из проводящего провода и изоляционного покрытия. Целью исследования является улучшение качества продукции кабельного производства, пригодной для вторичной переработки.*

Ключевые слова: *кабель, пластмасса, изоляция, полимер, резина полимеры, гибкость, гранулированный продукт*

Abstract. *Currently, the disposal of unsuitable cable products is one of the most pressing. It is necessary to study the content of these materials, which are mainly made of a conductive wire and an insulating coating. The aim of the study is to improve the quality of cable production, suitable for recycling.*

Key words: *cable, plastic, insulation, polymer, rubber polymers, flexibility, the above, casting, granular product*

Бугунги кунда полиэтилен маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашга бўлган талаб Республикамизда кундан кунга ошиб бормоқда. Бирор бир маҳсулотга эҳтиёж ошиб борган сари шу маҳсулотни физик- механик хоссаларини яхшилашга бўлган талаб ҳам ошиб боради. Ҳозирги кунда яроқсиз маҳсулотни қайта ишлаш долзарб муммолардан биридир. Деярли ҳар бир корхонада яроқсиз маҳсулот мавжуд. Яроқсиз маҳсулот корхонанинг айланма маблағини қисқаришига ва маҳсулот нархини ошишига олиб келади.

Кабель маҳсулоти асосан ток ўтказувчи сим ва изоляцион қопламадан иборат шу материалларнинг таркибини тадқиқ қилиш зарур, булар полиэтилен, пластикат материалларидан фойдаланилади. Лекин айрим кабеллар экран, пўлатли ҳимоя, қоплама, стержень ташқи қобик каби қисмлардан иборат. Булар кабелларнинг ўзига хос муҳитларда ишлатиш имконини беради. Изоляцион қоплама сифатида асосан пластмаса, резина, полимер ва турли хил толали материаллардан фойдаланилади.

Кабель маҳсулотлари асосини ташкил қилган материалларга мис, пўлат, алюминий, полиэтилен, пластикат, жакон бозорида талаб катта бўлганлиги учун, айрим яроқсиз кабель маҳсулотларига ҳали қайта ишлашга қулай, арзон технология жорий қилинмагани сабабли, мен шу мавзуда ўз тадқиқот ишларимни олиб боришга қарор қилдим. Мавзуни танлашдан мақсадимиз давлатимиз табиий бойликларини тежашга ўз хиссамизни қўшиш, маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни ўрганиш, кабель ишлаб чиқариш саноатда қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш ва албатта ишлаб чиқариш учун арзон ва қулай қайта ишлаш усулини яратиш.

Республикамиз ва ҳориж олим ва мутахассисларининг мавжуд қайта ишлаш техникаларининг усуллари устида олиб борган назарий ва амалий илмий-тадқиқот ишлари натижасида тўпланган маълумотлар, тавсиялар, технологиялар ўрганиб чиқилганда қайта ишланган маҳсулот ресурси сифати янгисига нисбатан 80%-90% атрофида бўлиши аниқланди. Қайта ишланган хом ашёнинг сифатини янгисига нисбатан 90% дан орттириш устида олиб борилган ишлар қайта ишлаш технологияларини, технологик жиҳозларни ва усулларни талаб қилгани учун ишлаб чиқишдаги жиддий муаммолар оқибатида амалиётга кенг жорий қилинмай келинмоқда. Шунинг учун юқорида келтирилган маълумотларни ўрганиш, уларни умумлаштириш ва кенг таҳлил қилиш, изоляцион материал сифатида қўлланиладиган полиэтилен материалларини сифатини тўла текшириш ва таҳлил қилиш муаммони ечиш учун шароитни таъминлади.

Ишлаб чиқилган янги усулда қайта ишланган хом ашёнинг сифати сақланиб қолади ва уни кейинчалик ишлаб чиқаришда фойдаланиш кўламини кенгайтиради.

Ушбу ишда олиб борилган тадқиқотларнинг асосий натижаси яроқсиз кабель маҳсулотини қайта ишлаш технологиясини ва ажратиб олинган полиэтилен ва изоляцион қоплама сифатини

оширишдан иборат. Бундай қайта ишланган хом ашё яна ишлаб чиқаришда тўлиқ қайта ўзлаштириш, хатто кабель маҳсулотларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса Республикамиз халқ хўжалиги олдида турган муҳим муаммолардан бири бўлган табиий ресурс захираларидан унумли фойдаланиш ва тежаб ишлатишни маълум даражада таъминлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида яроқсиз кабель маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси такомиллаштирилади. Қайта ишланган сим ва изоляция қопламаларни хом ашё сифатида фойдаланиш эвазига маълум йиллик иқтисодий самарага эришилади.

Кабель (голландча кабель — арқон, трос) — герметик ҳимояланган қобик ичига жойлаштирилган бир ёки бир неча изоляцияланган сим, полиэтилен, полипластик материалларидан иборат. Изоляциялашда асосан полимер материаллари, махсус қоғоз, резина, пластмасса ва бошқалар ишлатилади. Симларни нам ва кимёвий моддалар таъсиридан ҳимоя қилувчи қобик пластмасса ёки резиналардан тайёрланади. Кабелни механик таъсирлар, коррозиялардан сақлаш учун уларга пўлат ленталар ёки симлар ўралади ва уларнинг устидан пластмасса ёки қоғоз лента, жгут ва сакич копланди [1].

Полимер материалларининг оқиш теператураси, қайта ишлангандаги ўзгариши, чўзилувчанлиги, буралиш ва мустаҳкамлик чегаралари, иссиқликни ўтказиш хусусиятлари ва хоссалари ўрганилди.

Ишлаб чиқилган янги усул қайта ишланган хом ашёнинг сифатини сақлаб қолади ва уни кейинчалик ишлаб чиқаришда фойдаланиш кўламини кенгайтиради.

Ушбу ишда олиб борилган тадқиқотларнинг асосий натижаси яроқсиз кабель маҳсулотини қайта ишлаш технологиясини ва ажратиб олинган сим ва изоляция қоплама сифатини оширишдан иборат. Бундай қайта ишланган хом ашё яна ишлаб чиқаришда тўлиқ қайта ўзлаштириш мумкин, хатто кабель маҳсулотларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса Республикамиз халқ хўжалиги олдида турган муҳим муаммолардан бири бўлган табиий ресурс захираларидан унумли фойдаланиш ва тежаб ишлатишни маълум даражада таъминлайди.

Яроқсиз кабель маҳсулотларини экспериментал тадқиқот ўтказишдан асосий мақсад, қайта ишланган маҳсулот сифатини ўрганиш ва бу маҳсулотларни ишлатиш мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш. Асосий тажрибалар изоляция қоплама ва полиэтилен сифат кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган. Изоляция қопламани қайта ишлаш ҳозирда Навоийазот кўшма корхонасида мавжуд.

Полиэтиленни қуйидаги кўрсаткичларини, физик ва механик хоссаларини аниқлаш талаб этилади:

Узилгандаги нисбий чўзилиш

Изоляция қопламани қуйидаги кўрсаткичларини аниқлаш талаб этилади.

Узилиш вақтидаги нисбий узайиш

Чўзилишдаги оқиш чегараси (МПа)

Температура таъсирида оқувчанлигини

Зичлигини


WC-Y434 маркали полиэтиленни чўзилишга ўлчаши, чўзилишдаги оқиш чегараси ва узиллиш вақтидаги нисбий узайиш каби хоссаларини аниқлаши

Нисбий узайиш кўрсаткичи TSh 17642168-04:2013 талабларини бажарган ҳолда бажарилади. Текшириш усули ГОСТ 11262-80 стандарти асосида текширилади. Гранула ҳолатидаги полиэтилен махсус пластина ҳолатига келтирилади. Бунда WC-Y434 маркали полиэтиленни 145°C иссиқликда қиздириб, гидравлик пресс ёрдамида қалинлиги 2мм юзаси 350мм х 350 мм бўлган пластина тайёрланади. 1 расмдаги шаклида намуна олинади. Пластмассаларнинг чўзилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси $\sigma_{чўз}$ — энг юқори чўзувчи кучнинг намуна кўндаланг кесими юзига нисбатидир. Чўзилишга бўлган мустаҳкамликни синаш натижасида қуйидагилар аниқланади:

а) чўзилишдаги узувчи кучланиш (МПа) — намуна узилганидаги кучнинг унинг дастлабки кўндаланг кесим юзига нисбати;

б) чўзилишдаги оқиш чегараси (МПа) — куч миқдори деярли ошмаса ҳам намунада деформация содир бўладиган кучланиш;

в) узиллиш вақтидаги нисбий узайиш (%) — намуна база узунлиги орттирмасининг намуна базасининг дастлабки узунлигига нисбати.



1-расм.

Материал намуналари чўзилишга махсус узиш машиналарида синалади. Бунда материалга нолдан намунани узувчи кучга қадар аста - секин ошиб борадиган куч таъсир эттирилади. Юк миқдори куч ўлчагичлар (динамометрлар) ёрдамида ўлчаб борилади.

Синаш учун ишлатиладиган пластмасса намуналарини преслаш, босим остида қуйишга, штамплаш орқали махсус пресс - қолипларда ёки механик усуллар ёрдамида тайёр махсулотлардан олинади. Намуналарнинг шакл ва ўлчамлари стандартлашган бўлиб, улар 5 хил кўринишда бўлади, улардан керакли намуна шакли ва ўлчамлар олинади. Намуна типи юқоридаги 1 расмда ва уларнинг ўлчамлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Жадвал 1

Чўзилишга синаладиган намуналарнинг ўлчамлари

Намуна ўлчамлари, мм	Намуна кўрсаткичи
Умумий узунлиги, Л камида	350
Каллак эни, В	20±0,5
Иш қисмининг узунлиги, Л.	60±0,5
Иш қисмининг эни, В.	10±0,5
Намуна сиртига чизилган белгилар орасидаги масофа, машина қисқичлари орасига кирмайдиган бўлаги, А	115±5

*База узунлигини кўрсатувчи чизиклар синашдан олдин намуна сиртида белгилаб қўйилади.

Синаш ишлари лаборатория ҳароратида олиб борилади. Намуналар сони бир хил материалдан бештадан қилиб тайёрлаб олинади. Синашдан аввал чўзиладиган намуна иш қисмининг қалинлиги ва эни ўлчанади ва унинг кўндаланг кесим юзи 0,01 мм аниқликкача аниқланади. Ўлчаш намунанинг камида учта жойидан бажарилади. Сўнгра синалаётган намуна машина тутқичлари орасига маҳкамланади.

Чўзилишдаги оқиш чегараси топилди $\sigma_{\text{чўз.ок}}$ (МПа);

Бирламчи полиэтилен кўрсатқичи

$\sigma_{\text{чўз.ок}} = 16,6 \text{ МПа}$

Қайта ишланган полиэтилен кўрсатқичи

$\sigma_{\text{чўз.ок}} = 14,8$


Натижа сифатида бешта текширишнинг ўртача арифметик қиймати олинади. Намунанинг узилиш вақтидаги оқиш чегарасига мос келган нисбий узайиши ($\epsilon_{\text{чўз.ок}}$) топилди (%):

Бирламчи полиэтилен кўрсатқичи

$\epsilon_{\text{чўз.ок}} = 612 \%$

Қайта ишланган полиэтилен кўрсатқичи

$\epsilon_{\text{чўз.ок}} = 478\%$



Узиш машиналарида одатда, махсус механизмлар бўлиб, улар намунани чўзувчи куч ва бу куч таъсирида намунанинг чўзилиши орасидаги боғланишни эгри чизик кўринишида ифодалайди (2расм).

Оқиш чегараси аниқ ифодаланган материаллар чўзилганда оқиш чегарасининг бошланишини аниқ сезиш мумкин (1 расм).

Оқувчанлик чегарасини аниқловчи юк, юк ўсмаса ҳам деформация ўсишининг дастлабки моментиде ёки намунанинг бирор жойида торайган қисми — «бўйин» ҳосил бўлиши кабиларни замонавий машинанинг ўзи ўлчаш хусусиятига эга. Кучланишни топиш учун, берилган юк намунанинг дастлабки кўндаланг кесим юзасига бўлинади. Бунда замонавий машинага кўндаланг кесим юзаси киритилади б: 2 эгри чизик, b нуқтанинг ординатаси — намунанинг шартли оқиш чегараси бўлиб, у юкни намунанинг дастлабки кўндаланг кесими юзасига нисбати орқали топилади. Шартли оқиш чегараси, синалаётган материал оқиш чегарасига эга бўлган ҳоллардагина аниқланади.


WC-Y434 маркали полиэтиленнинг оқувчанлик кўрсатқичи ёки суюқланма индексини TSh 17642168-04:2013 талабига кўра ГОСТ 11645—73 бўйича экструзион пластомеда аниқланади. Бунда юқори температура шароитида оқувчанлик ҳолатига ўтган полимер эритмасининг маълум температура ва босим остида асбобнинг стандарт тешиги (сопло) орқали 10 мин ичида оқиб тушадиган граммлар ҳисобидаги полимер массасини топишга асосланган. Суюқланма индекси г/10 мин орқали ифодланади.

Экструзион камера иситкич билан ўралган бўлиб, уни 300°C гача иситиш мумкин. Экструзион камера қаттиқ пўлатдан тайёрланган цилиндрдан иборат бўлиб, у узунасига тушган иккита каналдан ташкил топган. Бу каналлардан бири цилиндрнинг марказий қисмидан ўтган бўлиб, унга синаладиган полимер солинади. Иккинчи канал ичига эса симобли термометр ўрнатилади.

Марказий канал диаметри (9,540±0,016) мм, узунлиги эса 115 мм, канал кесими унинг бутун узунлиги бўйича бир хил. Каналнинг пастки қисмига узунлиги (баландлиги) 8±0,025 мм ва диаметри 2,095±0,005 мм бўлган стандарт сопо ўрнатилади.

Марказий канал ичига узунлиги канал узунлиги билан тенг бўлган пўлатдан тайёрланган поршень-шток жойлаштирилган. Поршеннинг пастки қисмида узунлиги 6,35±0,10 мм ва диаметри канал диаметридан 0,06 мм кичик бўлган эриган массани йўналтирувчи каллак бор.

Экструзион пластомер ИИРТ типли асбобнинг асосий бир қисмидир.



2-расм. Суяқланма оқувчанлик кўрсаткичини аниқлайдиган ИИРТ типдаги асбобнинг умумий кўриниши:

1-таянч плита, 2-секундомер, 3-ушлагич, 4-экструзион пластомер, 5-поршень, 6-тошлар, 7-штурвал, 8-поршени кўтариб турувчи винт, 9-колонна, 10-контактсиз температура ростлагич, 11-стабилизатор, 12-кўзгу.

Полимерни синаш учун талаб қилинадиган температура пластомернинг синов каналида электр иситкич ёрдамида ҳосил қилинади ва температура автоматик ростлагич 10 ёрдамида керакли миқдорда ушлаб турилади.

Ҳар бир термопластик полимер учун синаш температураси ўзининг технологик хоссасига кўра турлича бўлади. Материални экструзион камера ичидан сиқиб чиқариш учун керакли босим поршень 5 ва унга қўйиладиган тошлар 6 орқали ҳосил қилинади. Текширишнинг асосий варианты учун кўшимча юк массаси (m_0) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$m_0 = (2160 - m) \pm 10,$$

бунда: m —поршеннинг втулка билан биргаликдаги массаси, г; 2160 — юкни поршень билан биргаликдаги массаси бўлиб, у суяқланмага 0,3 МПа босим беради (г).

Тажрибани бошлашдан олдин экструзион камера ва поршень 15 мин синаш температурасида ушлаб турилади. Сўнгра камерага текшириладиган материал солинади ва қўл билан шиббланади. Камерага поршень туширилади ва втулкага кўшимча юк қўйилади. Юк қўйилгандан сўнг материал капилляр орқали сизиб чиқа бошлайди. Поршень штогининг қуйи айланма чизиғи экструзион камеранинг юқориги учига тушиши билан ҳамма сиқиб чиқарилган материал кесиб олинади. Ундан ҳисоб ишларида фойдаланилмайди. Кесиб ташлаш билан бир вақтда, суяқланманинг оқиб тушиш тезлигини ўлчаш бошланиб, у поршень штогининг юқориги айланма чизиғи экструзион камеранинг юқориги учига тушгунча давом этади.

Агар суяқланманинг оқиш тезлиги 3 г/10 миндан кам бўлса, материалнинг оқиш тезлиги шток ўртасида жойлашган иккита белги орасидаги участкада ўлчанади.

Суяқланманинг оқиш тезлигини топиш учун хипчин шаклида сиқиб чиқарилаётган материал юқоридаги жадвалда келтирилгандек, маълум вақт ичида кесиб турилади. Ҳаво пуфакчалари бўлган хипчинлар ташлаб юборилади, қолганлари ҳар бири алоҳида 0,001 г аниқликда тортилади. Текшириш учун олинган хипчинлар сони учтадан кам бўлмаслиги керак.

Ҳисоблаш пайтида ҳар бири алоҳида-алоҳида тортилган хипчин оғирликларининг ўртача арифметик қиймати олинади.

Суяқланма оқиш тезлиги бир неча марта ўлчангандан кейин капилляр бўшатилади ва асбоб совимасдан полимер қолдиқларидан тозаланади. Поршень чиқариб олинади ва у бирор эритувчи билан хўлланган газмол ёрдамида артилади. Капилляр мис отвертка билан тозаланади ва керак бўлса, қайнаб турган эритувчи ичига солиб қўйилади. Экструзион камера ҳам иссиқлигида эритувчида намланган латта билан ялтироқ ҳолга келгунча артиб қўйилади. Бу кейинги текшириш ишларини бошлашда ортикча вақт сарфлашнинг олдини олади.

Қуйида WC-Y434 маркали полиэтиленнинг олинган натижалари ва Ts 17642168-04:2013 стандартдаги талаблари жадвали келтирилган.

Жадвалдан кўриш мумкинки ажратиб олинган полиэтилен олий навдан 1 нав нормаларига тўғри келмоқда. Бундан хулоса қилиб айтганда қайта ишланганда соф 1 нав полиэтилен ажратиб

олиш мумкин. WC-Y434 маркали 1 нав полиэтиленни кабель соҳасида изоляция қоплама сифатида, полиэтилен труба ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда ишлатиш мумкин.

Жадвал 2

№	Аниқлаш усуллари	Кўрсаткичлар			
		Рухсат этилган норма		Олинган натижалар	
		Олий нав	1-нав	Бирламчи маҳсулот	Қайта ишланган маҳсулот
1	Узилиш вақтидаги нисбий узайиши, %	500 кам эмас	450 кам эмас	612	478
2	Чўзилишдаги оқиш чегараси, (МПа)	15дан кам эмас	13дан кам эмас	16.6	14.8
3	Температура таъсирида оқувчанлиги, гр/10мин	0.3-0.46	0.27-0.51	0.32	0.40
4	Зичлиги, гр/см ³	0.932-0.936	0.932-0.940	0.9332	0.9368

Ушбу ишда олиб борилган тадқиқотларнинг асосий натижаси яроқсиз кабель маҳсулотини қайта ишлаш технологиясини ва ажратиб олинган полиэтилен ва изоляцион қоплама сифатини оширишдан иборат. Бундай қайта ишланган хом ашё яна ишлаб чиқаришда тўлиқ қайта ўзлаштирилиши мумкин, хатто кабель маҳсулотларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса Республикамиз халқ хўжалиги олдида турган муҳим муаммолардан бири бўлган табиий ресурс захираларидан унумли фойдаланиш ва тежаб ишлатишни маълум даражада таъминлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида яроқсиз кабель маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, қайта ишланган сим ва изоляцион қопламаларни хом ашё сифатида фойдаланиш эвазига маълум иқтисодий самарага эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Быков Е.В., Гнедин А.А., Мещанов Г.И. Основные тенденции развития нагревостойких проводов//Кабельная техника № 6 (244), 1995 с. 13-16
2. Мещанов Г.И. Пути научно-технического прогресса в кабельной промышленности//Кабели и провода. № 5, 2007, с.8

УЎК: 664.21.2

ЧИҚИНДИ ПОЛИМЕРЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ АСОСИДА ЯНГИ КОМПОЗИЦИЯЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

С.Ў. Нейматова, магистрант, Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро
М.Ш. Тешаева, ўқитувчи-стажёр, Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро
С.Ш. Исмаилов, к.т.н., доц., Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро

Аннотация. Мамлакатимиз мустақилликка эришган йиллар ичида синтетик материаллар-пластмассалар ишлаб чиқариш тез ривожланди. Бундай материаллар узелларининг хизмат муддатини ошириш, конструкция массасини камайтириш, камёб рангли металлар ва қотишмаларни тежаб ишлатиш, ишлов бериш таннархини ҳамда меҳнат сарфини камайтириш имконини беради. Материалларни рационал танлаш ва уларга ишлов беришнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш конструкцияларнинг ишончилигини таъминлайди, таннархини камайтиради.

Калит сўзлар: чиқиндилар, саноат, экологик муаммолар, фан-техника, глобал муаммолар, стратегия, замонавий, янги, маҳсулот, ишлаб чиқариш, кўмир, юқори сифат, полимерлар, қайта ишлаш, халқ хўжалиги, материаллар, илгор технология, сифат кўрсаткичлар, ривожлантириш, композиция

Аннотация. За годы независимости производство синтетических пластиков быстро развивалось. Такие материалы могут увеличить срок службы узлов, уменьшить массу конструкции, сэкономить на использовании редких цветных металлов и сплавов, снизить технологические трудозатраты. Рациональный подбор материалов и совершенствование технологических процессов их обработки обеспечивает надежность конструкций, снижает себестоимость.

Ключевые слова: отходы, промышленность, экологические проблемы, наука и техника, глобальные проблемы, стратегия, современный, новый продукт, производство, уголь, высокое качество, полимеры, переработка, национальная экономика, материалы, передовые технологии, показатели качества, развитие, композиция

Abstract. Over the years of independence, the production of synthetic plastics has developed rapidly. Such materials can increase the service life of nodes, reduce the mass of the structure, save on the use of rare non-ferrous metals and alloys, and reduce technological labor costs. Rational selection of materials and improvement of technological processes for their processing ensures the reliability of structures, reduces the cost

Keywords: waste, industry, environmental issues, science and technology, global issues, strategy, modern, new product, production, coal, high quality, polymers, processing, national economy, materials, advanced technologies, quality indicators, development, composition

Республикамизни кўп ҳудудларида турли чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналар курилиб ишга туширилмоқда. Бухоро вилоятида ҳам бу каби ишлар жадаллашиб келмоқда. Когон полимер ТЕХТ қўшма корхонасида чиқинди полимерлардан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариб келиняпти. Олинадиган янги турдаги маҳсулотга УСТ-ЮРТ корхонаси ашёси Yu-130 маркали полипропилендан фойдаланиб тайёр маҳсулот олинади. Ҳозирги кунда Ватанимизда инсон эҳтиёжларини қондириш ва уларни иш билан таъминлаш учун жуда ҳам кўп имкониятлар яратиб берилган. Ўзбекистон Республикасида саноат, иқтисодиёт ривожланишининг асосий омиллари кишлок хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва мустаҳкамлаш вазибаларини кўзда тутати.

Инсоният жамиятининг тараққиёти ҳозирги кунга келиб, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва ҳал этилиши жиҳатдан ҳам долзарб бўлган глобал муаммоларни вужудга келиши билан характерлидир. Ана шундай ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бу экологик муаммолар бўлиб, у нафақат бир минтақа, балки бутун инсоният, ҳайвонот, наботот оламига хавф солмоқда.

Фан ва техниканинг ривожланиши ва янги технологияларнинг ишлаб чиқаришда кенг жорий этилиши натижасида инсоннинг табиатга кўрсатилаётган таъсири (антропоген таъсир) жадаллашиб бормоқда. Инсон ва табиат орасидаги ўзаро муносабатлар мураккаблашиб, ушбу таъсир табиий омиллар билан қиёсланадиган даражага етди. Шунинг учун атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Биосферада антропоген таъсир қилиш шу даражага бориб етдики, ер юзида ҳам табиий ўзгаришлар рўй бериб, баъзи минтақаларда ҳаёт кечириш амри маҳол бўлиб қолди.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларда тубдан янги техника, материаллар ва илғор технологик процессларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришни таъминлаш қайд этилган. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг бу муҳим йўналишларидан баъзилари ушбу ишда ўз аксини топган.

Шундай глобал муаммоларни кечаётган дунёнинг барча минтақаларида, энг замонавий технологиялар мақбул жараён бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда Хитой давлатини олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган “Чиқиндиларни қайта ишлаш технологияси” бўйича технологик линия ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда Бухоро вилояти Когон туманида “АНOLI TRANS” номи билан ишлаб турибди. Бу корхонада чиқиндиларни барча турларини қайта ишлаб турли замонавий янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада ўндан ортик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб аҳолини эҳтиёжи учун фойдаланиб келиняпти.

Ҳозирги кунда замонавий ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида зарарсиз кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Шох-шаббаларни қайта ишлаб, уларни махсус жараёндан ўтказиб, янги зарарсиз маҳсулот олиш ва уларни 400-450⁰С ҳароратда ишлов берилиб, кўмирдан юқори сифатга эга композицияларини олиш муҳим ҳисобланади. Бундай композицияларни олишда полимер асос, таъсир этувчи моддаларни тўғри танлаш, уларнинг физик-кимёвий, технологик ва бошқа хусусиятларини тадқиқ этиш зарур. Шунинг учун композициялар асосида комплекс янги маҳсулот олиш самарали воситаларнинг ишлаб чиқариш ва улар асосида самарадор ёнувчи воситаларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида олинган арзон ва юқори сифатли маҳсулот ва импорт ўрнини босувчи кимёвий маҳсулот билан таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси йўналишларида кимё саноатини ҳамда аҳоли ва кимё саноати корхоналарини сифатли ашё воситалари ва замонавий қурилмалар билан таъминланишини яхшилаш юзасидан муҳим вазибалар белгилаб берилган. Жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл маҳсулотларидан қолишмайдиган янги маҳсулотларни яратиш ҳисобига аҳолини арзон маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим ҳисобланади.

Демак замонавий композицион материаллар минимум иккита ҳар-хил материаллардан тузилган, унинг хоссалари олинган материалларнинг хоссаларидан фарқ қилади. Олинган композицион материалнинг хом ашёси бир нечта босқичлардан ўтказиб, керакли меъёрда майдаланади. Майдаланган ашё маълум аралашмалардан ташкил топган бўлиши лозим. Ашёни физикавий ва физик-кимёвий ҳамда сифат кўрсаткичлари композиция ҳосил бўлишига тўла мос бўлиши керак. Композицион материалнинг хом ашёси ҳозирги давлат стандарт талабларига тўла жавоб бериши лозим.

Ҳозирги кунда полимерларни табиийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар жаҳон бозорида муҳим ўрин тутати. Чунки табиий полимерлардан олинадиган маҳсулотлар таркибини физик – кимёвий ва сифат кўрсаткичлари юқори баҳоланади.

Шундай қилиб, технологик жараёнларни кетма - кетлиги чиқинди полимерларни қайта ишлаб халқ хўжалиги тармоқларида зарурий бўлган маҳсулот олиш учун маҳаллий чиқиндиларни замонавий технологиялар асосида қайта ишлов берилиб, керакли тайёр ашёни ишлаб чиқариш технологиясини амалда жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Polimer science and texnology “Robert O.ebewele CRC Press Vocaraton New York, 2000 y. p.544.

2. Освальд, Т. Литье пластмасс под давлением / Т. Освальд, Л.-Ш. Тунг, П. Дж. Грэмманн; под ред. Э. Л. Калинин. – СПб.: Профессия, 2006. – 712 с.

3. Крыжановский, В. К. Производство изделий из полимерных материалов / В. К. Крыжановский [и др.]. – СПб.: Профессия, 2004. – 464 с.

УДК: 664.21.2

ОСНОВНЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ОПТИМИЗАЦИИ ЖИРУЮЩИХ КОМПОЗИЦИЙ И ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ЖИРОВАНИЯ КОЖ ХРОМОВОГО ДУБЛЕНИЯ

Р.Н. Ниязова, Бухарский инженерно - технологический институт, Бухара
К.Р. Хужакулов, Бухарский инженерно - технологический институт, Бухара

Аннотация. Дастлабки ёгли материалларнинг коллоид-кимёвий хусусиятлари ва терининг хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш асосида терининг мўлжалланган мақсадига асосланган ёгли композицияларни тайёрлашнинг асосий принциплари (ёндашувлари) ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: маҳсулотни сертификатлаш, чиқинди сувлар ва чиқиндилар, ёгли материалларнинг табиати, чиқинди ванналар, ёгли композициялар, модификаторлар, "Крост" ярим тайёр маҳсулоти

Аннотация. Разработаны основные принципы (подходы) составления жировых композиций, исходя из целевого назначения кожи, на основе установления взаимосвязи между коллоидно-химическими характеристиками исходных жирующих материалов и свойствами кожи.

Ключевые слова: сертификация продукции, стоки и отходы, природа жирующих материалов, отработанные ванны, жирующие композиции, модификаты, полуфабрикат „Крост“

Abstract. The basic principles (approaches) for the preparation of fatty compositions, based on the intended purpose of the skin, on the basis of establishing the relationship between the colloidal-chemical characteristics of the initial fatty materials and the properties of the skin, have been developed.

Key words: product certification, effluents and waste, nature of fatty materials, waste baths, fatty compositions, modifiers, semi-finished product "Krust"

Задача достижения требуемого качества кожи при одновременном выполнении экологических условий в процессах производства кожи является одной из важнейших проблем во всех странах.

Необходимое качество продукции, достигаемое с минимальными затратами необходимых для этого материалов, - это самое перспективное и рациональное направление во всех видах производства, учитывая то, что в мире постоянно растут цены на натуральное сырье, в частности на кожевенные и химические материалы, используемые в производстве кож.

Конкурентоспособность продукции в процессе возрастающего товарообмена между странами вызывает необходимость в сертификации продукции. Сертифицированная продукция, с точки зрения качества (180-9002) или экологии (180-14001) ценится на международном рынке более высоко. Она требует высокого уровня качества на всех этапах производства продукции, т.е. уже на стадии разработки технологии, во время процесса производства и затем эксплуатации продуктов. А разработка оптимальных условий процесса продукции невозможна без хорошего знания механизмов, происходящих во время отдельных операций. В настоящее время надо обратить внимание не только на качество продукции, но также на возможности получаемых одновременно стоков и отходов.

Ассортимент, внешний вид и эксплуатационные свойства изделий, вырабатываемых из натуральной кожи, в значительной степени зависят от проведения процесса жирования и природы [5] жирующих материалов. Из известных способов жирования кож, эмульсионное жирование является основным при выработке кож хромового дубления для верха обуви, одежды и галантерейных кож. Эмульсионное жирование обеспечивает более тонкое и равномерное распределение жирующих материалов в полуфабрикате, придает коже мягкость, тягучесть, причем достижение этих целей должно происходить путем применения (введения в кожу) оптимальных количеств необходимых химических материалов. К сожалению, традиционная технология производства кожи далеко не современна. Стоит только вспомнить, что для получения одного килограмма кожи требуется около одного килограмма разных химических веществ. Причем после введения в кожу химических материалов в виде водных растворов образуются отработанные ванны в количестве около 60 литров на один килограмм обрабатываемой шкуры. Содержание отработанной ванны зависит, в основном, от параметров проведения процессов и химических материалов, используемых для проведения процесса; при жировании кож, в частности, - от химического состава жирующей композиции.

Современные тенденции в эмульсионном жировании кож предполагают использование материалов - композиций, которые представляют собой смеси природных жиров и синтетических материалов, их модификатов, а также ПАВ и некоторых других добавок. Еще не так давно самым важным и опасным, с точки зрения окружающей среды являлось хромовое дубление. В последние годы появилась информация (Castillo, Barcel) на тему эндокринологического действия эмульгаторов

на иммунную систему человеческого организма, хотя уже ранее было известно вредное [6] воздействие ПАВ, особенно неионогенных, на многих животных (в том числе рыб).

В разработку различных аспектов эмульсионного жирования большой вклад внесли многие ученые. Тем не менее до настоящего времени не оптимизированы параметры получения жирующих материалов в связи с тем, что не в полной мере установлены “глубина” жирования - уровень прохождения процесса не только по толщине, но и по структурным элементам кожи и их влияние на ее упруго-пластические свойства. Это связано с тем, что нет разработанной комплексной оценки влияния разных параметров жирующего материала на эффект жирования. Нет достаточной ясности по вопросу определения жира, связанного и несвязанного с кожей, не полно изучено влияние условий жирования, в том числе коллоидно-химической характеристики жирующих материалов на связывание жира с хромовым дубителем и уровень обработки структурных элементов дермы коллагена.

Нуждаются в дальнейшем развитии и теоретическом обосновании вопросы влияния некоторых физико-химических характеристик жирующих материалов на свойства жированной кожи. Не разработаны методы для комплексной экологической оценки жирующих материалов с точки зрения их биоразлагаемости, имеющей существенное значение для эффекта биологической очистки стоков после жирования. Нет комплексной теоретической разработки экологического подхода условий, которым должны отвечать современные жирующие материалы.

Существующие подходы при выборе способа эмульсионного жирования, разработке жирующих материалов и их композиций не позволяют предопределять принципы получения и составления [7] жировых композиций, исходя из свойств исходных компонентов, вида кожи и ее целевого назначения. Это приводит к тому, что до настоящего времени жирующие композиции для эмульсионного жирования кож любого целевого назначения составляются эмпирически – “методом проб и ошибок”, и оценка их пригодности осуществляется по конечному результату, т.е. в полуфабрикате “Краст” и готовой коже. Иными словами, существующие методы оценки в выборе способа эмульсионного жирования, разработки методов получения жирующих материалов и их композиций не позволяют на стадии их разработки предопределять степень их пригодности для жирования данного вида кожи и его целевого назначения.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Исследования в области производства кожи. Сб. Науч. Трудов ЦНИИКП, ЦНИИТЭИлегпром, 1985, 102с.
2. Долгих В.А. Влияние жирования эмульсиями различного состава на гидрофильность коллагеновых волокон и свойства кож хромового дубления. Сб. Науч. Трудов ЦНИИКП, М.: ЦНИИТЭИлегпром, 1982, с.85-94.
3. Долгих В.А., Олейник Н.Н. и др. Стабилизация жирополимерных эмульсий и повышение водоустойчивости кож хромового дубления. Сб. Науч. Трудов ЦНИИКП, М.: ЦНИИТЭИлегпром, 1984, с.46-56.
4. Страхов И.П., Голотеева А.А., Куциди Д.А., Санкин Л.Б. Отделка кож. 2-е изд. Перер. и доп. М.: Лёгкая и пищевая промышленность, 1983, 360с.
5. Дербаремдикер М.Л., Мартынова Э.М. Химические материалы для кожевенного производства. КОП, 1980, №6, с.21.
6. Дербаремдикер М.Л., Мартынова Э.М. Опыт разработки синтетических продуктов для замены природных жиров. КОП, 1980, №12, с.26.
7. Головин А.И. Разработка жирующих материалов для натуральных кож с использованием лесохимических продуктов целлюлозно-бумажного производства. Отчет ЦНИЛХМ, 1979, с.55.
8. Левенко П.И., Кочетыгов Б.С. Жирующие вещества из отходов целлюлозно-бумажной промышленности. КОП, 1980, № 1, с.48251.
9. Купченко М.Ф., Левченко П.И., Сучков В.Г., Казанцев Ю.Е. Применение биожира для жирования кож повышенной эластичности. КОП, 1980, № 9, с. 21-23.

УДК: 664.21.2

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ И ОБОРУДОВАНИЯ ПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ В ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

М.М. Садикова, научный сотрудник, Бухарский инженерно-технологический институт, Бухара

Аннотация. *Полимерларни қайта ишлаш, озиқ-овқат ва бошқа соҳалар ривожланмоқда. Кимё саноати мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан биридир.*

Калит сўзлар: *кимё саноати, полимер композит материаллар, озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари, полимерни қайта ишлаш, модернизация ва диверсификация қилиш*

Аннотация. *Развиваются сферы по переработки полимеров, пищевых и др. Химическая промышленность является одной из важных отраслей национальной экономики.*

Ключевые слова: *химическая промышленность, полимерные композиционные материалы, пищевая и нефтяная продукция, переработка полимеров, модернизация и диверсификация промышленности*

Abstract. *Spheres for the processing of polymers, food, etc. are developing. The chemical industry is one of the important sectors of the national economy.*

Key words: chemical industry, polymer composite materials, food and oil products, polymer processing, modernization and diversification of the industry

За годы независимости в Узбекистане были реализованы комплексные меры, направления на развитие химической промышленности, особенно новые оборудования полимерных композиционных материалов, были построены десятки предприятий государственного масштаба для обеспечения внутреннего рынка всеми необходимыми видами химической, пищевой и нефтяных продуктов. Развиваются сферы по переработки полимеров, пищевых и др. Химическая промышленность является одной из важных отраслей национальной экономики.

Для развития химической промышленности и промышленности в целом в недавнем выступлении Президент Республики Узбекистан предложил стратегию развития экономики по усилению и развитию потенциала государства на 2017-2021 годы. В ней особо отмечено несколько отдельных направлений касающихся развития промышленности.

Дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных оборудований обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов.

Освоение выпуска принципиально новых видов продукции, оборудований и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках, сокращение энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих оборудований и технологий расширенного использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда на внешних и внутренних рынках.

Эта стратегия развития ускорит выход на международный рынок, увеличит экспортный потенциал страны, приведёт к повышению качества продукции и её конкурентоспособности. Новые технологии и оборудования обеспечат рынок прежде всего качественной продукции, сделают процесс производства и переработки малоотходным, а в некоторых направлениях и вовсе безотходным, а так же упростит производство и удешевит не допуская расход сырья.

Фасовка и упаковка являются важными заключительными операциями пищевого производства от которых в значительной степени зависят внешний товарный вид и сохранность готовой изделий. Оборудование для фасовки и упаковки пищевых продуктов, как правило, включается в общий технологический поток.

Фасованную пищевую продукцию выпускают в форме брусков, завернутых в пергамент или кашированную фольгу, а также в баночках из полимерных материалов.

Основное требование, которому должны отвечать материалы и оборудования полимерных материалов, используемые для фасовки и упаковки пищевых продуктов. Изготавливаемые из кашированных алюминиевой фольга и некоторых видов полимерных материалов.

Полимерные материалы применяют для изготовления баночек для фасовки наливных пищевых продуктов (специальные марки полиэтилена высокого давления, полистирола, а также поливинилхлорид). Употребляют только те полимерные материалы, которые отвечают требованиям пищевых продуктов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. А.Н.Тынный, Ю.А.Колеватов. О влиянии скорости деформации на прочность полимерных материалов в жидких средах//Физ.хим. мех.материалов, 5, № 6
2. И.Сошко. О влиянии межмолекулярного взаимодействия на прочности стеклообразных полимеров//Физ.хим.мех.материалов, 7, № 2, 1971.
3. А.Н.Тынный, А.А.Великовский. О влиянии облучения на физико-механические свойства полимерных материалов//Физ.хим. мех.материалов, 3, № 5, 1967.
4. Т.Б.Бобоев, В.Р.Регель, Т.П.Санфирова, Н.Н.Черный. Влияние УФ-облучения на долговечность и ползучесть полимеров в вакууме и на воздухе//Мех.полимеров, № 4, 1968.
5. Манин В.Н., Громов А.Н. Физико-химическая стойкость полимерных материалов в условиях эксплуатации. Л.: Химия, 1980, 248с.
6. Тынный А.Н. Прочность и разрушения полимеров при воздействии жидких сред. Киев: Наукова думка, 1975, 206 с.

ТАБРИК

ИЛМГА БАҒИШЛАНГАН УМР



Дўсчанов Бахтиёр Аллаберганович тиббиёт соҳасида таниқли олим, юқори малакали педагог ва илмий раҳбар, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

У 1950 йил 11 ноябрда Урганч шаҳрида зиёлилар оиласида туғилди. 1968 йилда Урганч шаҳридаги 4 сон ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, шу йили Тошкент Давлат тиббиёт институтининг “Санитария гигиена” факультетига ўқишга кирди. У ўз меҳнат фаолиятини 1974 йилда, институтни тамомлагандан сўнг, Хоразм вилояти санитария ва эпидемиология станциясининг овқатланиш гигиенаси бўлимида санитар врач лавозимидан бошлади.

Б.Дўсчанов 1976 йилда вилоят Санитария эпидемиология станциясида бўлим бошлиғи, 1977 йилда Урганч шаҳар Санитария эпидемиология бош врач ва 1984 йилда вилоят бош санитария врач лавозимларига тайинланди. Бу лавозимларда ишлаган вақтида у ишга янгича ёндошди, санитария ва гигиена соҳасидаги илмий ишлар ва амалий тавсияларни ўз фаолиятида қўллаш бошлади ва бу билан

вилоятда тиббий профилактик муассасаларни фаолиятини яхшиланишига эришилди.

Дўсчанов Бахтиёр Аллабергановичнинг илмга интилиши ва қизиқиши кучлилиги сабабли 1980-1984 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария, гигиена ва касбий касалликлар илмий тадқиқот институти сиртки аспирантурасида ўқиб “Гигиенические мероприятия по рационализации питания сельскохозяйственных рабочих” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Раҳбарлик лавозимларида ишлаш билан бирга тиббиёт соҳасидаги халқаро ва республика анжуманларида илмий мавзулар билан қатнашиб бой тажриба ва илмий тадқиқотлар натижаларини ўрганди.

1994 йилда “Ўзбекистон” нашриётида “Хоразм таомлари” деб номланган биринчи монографияси нашрдан чиқди. Монографияда Хоразм воҳасида кенг истеъмол қилинадиган эллиқдан ортиқ таом турлари, уларни тайёрлаш усуллари, кимёвий таркиби, тўйимлилиги ва шифобахшлилиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бунда Хоразм пазандачилигини унутилаётган кирраларини қайта тиклаш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Ўрганган илмий тадқиқот натижалари асосида “Гигиеническое обоснование рационализации питания основных групп взрослого трудоспособного населения Узбекистана, занятых в сфере физического труда” мавзусида докторлик диссертацияси тайёрланди ва 1995 йилда ҳимоя қилди.

Диссертацияда санат ва кишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларида ишловчилар учун мўлжалланган озиқ овқат меъёрлари илмий асосланди ва мураккаб экологик ҳамда иктисодий шароитда яшовчи айрим аҳоли гуруҳларига мўлжалланган махсус озиқ овқат маҳсулотлари меъёрлари тузилди ва амалиётга тавсия этилди.

Фан доктори бўлган олим 1995-1997 йиллар давомида кафедра профессори сифатида ўз илмий- педагогик салоҳияти, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилиятини тўла-тўқис амалда тасдиқлади. Шу сабабли ҳам у 1998 йилда вилоят ҳокимлиги ва 1 ТошДавТИ раҳбарияти тавсиясига биноан институтнинг Урганч филиалига директор қилиб тайинланди ва “Гигиена” кафедрасига раҳбарлик қилди.

Филиалга раҳбарлик қилган даврида филиални моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув тарбия жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бош институт талаблари даражасида ташкил қилиш, иқтидорли талбаларни танлаш ва улар билан ишлаш, юқори малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Республиканинг Франция, Корея, Дания, Эрон, Россия, Украина, Молдавия каби қатор давлатлардаги нуфузли ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ишлари амалга оширилди. Бир қатор халқаро ва республика илмий амалий анжуманлари ўтказилди.

Дўсчанов Бахтиёр Аллаберганович томонидан кафедрада ҳам “Гигиена” соҳасида катта ишлар амалга оширилди. 15 нафардан ортиқ фан номзодлари тайёрланди, 7 нафар фан докторларига амалий маслаҳатлар берилди, 3 та халқаро ва фундаментал лойиҳалар бажарилди. 10 тадан ортиқ монографиялар, электрон китоблар, ўқув услубий мажмуалар, тиббиёт олийгоҳлари ва коллежлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрланди.

Дўсчанов Бахтиёр Аллабергановичнинг 1999 йилда “Ўқитувчи” нашриётида чоп қилинган “Шифобахш таомлар ва шарбатлар”, 2001 йилда чоп қилинган “Авесто ва тиббиёт”, 2002 йилда “Аральское море: проблемы экологии и здоровья”, 2002 йилда “Озиқ овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби”, 2003 йилда “Абу Али Ибн Сино ишлатган доривор ўсимликлар” ва бошқа жамоавий монографияларида соғлиқни сақлаш тизимидаги долзарб муаммолар, аҳоли саломатлигини яхшилаш юзасидан илмий хулосалар берилди.

Рахбарлигида бажарилган илмий тадқиқот ишларида экологик инкироз хуудларида аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик ҳолат билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва даволаш; аёллардаги экстрагенитал касалликлар клиникаси хусусиятлари, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари, болаларни овқатлантиришнинг гигиеник асослари, заҳарли моддалар ва пестицидларни аҳоли саломатлигига таъсири, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашга тегишли масалалар ўрганилди, чора тадбирлар белгиланиб тавсиялар берилди. Шу масалаларга бағишланган юзлаб семинар ва конференцияларда иштирок этди.

Б. Дўсчанов 500 тадан ортиқ илмий мақолалар, монографиялар, ўқув услубий қўлланмалар муаллифи. Илмий ишлари Франция, Дания, Россия, Украина, Молдава ва Республиканинг марказий нашрларида эълон қилинди.

Б.Дўсчановнинг 1996 йилда ҳаммуаллифликда тайёрланган, барча тиббиёт институти талабалари учун мўлжалланган ва дарслик сифатида қўлланилиб келинаётган “Гигиена “ китоби катта эҳтиёж натижасида яна уч марта қайта нашр қилинди. 2008 йилда нашрдан чиққан “Радиацион ва ҳарбий гигиена” ва “Умумий гигиена” дарсликлари ҳам тиббий соҳадаги олийгоҳ талабалари ва коллеж ўқувчилари томонидан ўқиб ўрганилмоқда. “Умумий гигиена” дарслиги лотин графикасида чоп қилинган ягона дарслик бўлиб, тўрт марта нашр қилинган.

Дўсчанов Бахтиёр Аллабергеновичнинг илмий салоҳиятини юксалишида Даниянинг Копенгаген шаҳрида ўтказилган тиббий таълим бўйича Бутунжаҳон Конгрессида қатнашуви, Украина хирургларининг XX съезди ишида қатнашуви, Парижда Сорбонна университетидаги тиббиёт тарихи музейида “Авесто ва тиббиёт” мавзусида ўқиган маърузаси, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги ЕВНА университетида ўтказилган симпозиумдаги иштироки, Россиянинг Москва, Қозон, Самара шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуманлардаги иштироки муҳим роль ўйнади. Натижада АҚШ Нью-Йорк Фанлар Академияси Аъзолигига, Россия тиббий техник Фанлар Академияси аъзолигига, Россия Евроосиё Академияси мухбир аъзолигига, Горбачевский номидаги Тернополь Тиббиёт академияси фахрий профессорлигига сайланди.

Энг асосийси бу давлатлардаги нуфузли университетлар билан мустаҳкам илмий ва педагогик алоқалар ўрнатилди, профессор ўқитувчиларнинг чет элларда малакасини ошириш имкониятлари пайдо бўлди.

Дўсчанов Бахтиёр Аллабергенович тиббиёт соҳаси учун олий ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам кўп ишларни амалга оширди. 2004 йилдан Тошкент педиатрия институти хузуридаги тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси ихтисослашган Кенгашга аъзо, кейинчалик раис ўринбосари сифатида тиббиёт соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга ўзини ҳиссасини қўшди, ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилди, кўплаб докторлик ва номзодлик диссертацияларида илмий эксперт сифатида ўзини фикр мулоҳазаларини билдириб, уларнинг етарли илмий назарий даражага ўтказилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Асосий фаолияти билан бир қаторда хорижий ва илмий журналлар ва нашрлардан “Вестник научных достижений” (Украина), “Вестник межрегиональной ассоциации здравоохранения” (Поволье, Россия), “Самарский медицинский журнал”(Россия), “Хоразм Маъмур Академияси Ахборотномаси”, “Медицинский журнал Узбекистана” илмий журналларининг таҳририят хайъати аъзоси, “Халқ сўзи”, “Қадрият” ва бошқа газеталарнинг жамоатчилик кенгаши аъзоларидан бири бўлиб иш олиб борди.

Хозирда Б.Дўсчанов 70 ёшга кираётган бўлсаларда, кучга ва ғайратга тўлган етук олим сифатида доимо изланишда. Жамоада профессор-ўқитувчилар, шогирдлари, кафедра ходимлари, клиник ординаторлар ва талабалар билан ўқув, илмий, услубий, устоз-шогирд ишларига бош бўлиб, уларга ўз билим ва маҳоратларини, малакаларини сингдириб, жаҳон талабларига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлаш билан машғул бўлиб келмоқдалар.

Дўсчанов Б. нафақат талабалар, балки ёш педагоглар учун ҳам меҳрибон ва жонкуяр устоздир. У ёшларни ўз ҳаёт йўллари билан белгилашларида ва касбий маҳоратларини мустаҳкамлашларида маслаҳатгўй устоз сифатида ҳам хурматга сазовордир. Назарий билимлардан ташқари машғулотларда тарбия ва одоб ахлоқ тўғрисидаги насихатлари билан ёш авлодни миллий қадриятларимиз асосида тарбиялашга ўзининг беминнат ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Дўсчанов Б. касбий фаолият билан биргаликда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишларини ҳам давом қилдириб, хозирги кунда унинг рахбарлигида 2 нафар номзодлик илмий –тадқиқот ишлари якунланиш арафасида.

Б.Дўсчанов филиал равнақи йўлида чет эл билим масканлари билан ҳамкорлик ишларини давом қилдириб, унинг жонкуярлиги билан 2018 йилда Қўшни Қирғизистон Республикаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини тасдиқлашга эришилди ва бир қанча ўқув, ўқув –услубий ҳамкорлик ишлари режада белгиланиб олиб борилмоқда. Шу билан бирга Дўсчанов Б. Қирғизистон Республикаси К.Ш.Токтомаматов номидаги халқаро Университетнинг ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплекси Ахборотномаси - журнали таҳрир хайъати аъзоси ҳамдир.

Ўтган аждодларимиз қолдирган хазиналар, илмий меросларга нисбатан ёш авлодда қизиқиш ва хурмат ҳисларини шакллантиришда ҳам устознинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг тиббиёт

соҳадаги илмларини замонавий тиббиёт билан уйғунлаштириб, халқ саломатлиги йўлида улардан фойдаланиш бўйича талабаларни билимларини ошириш мақсадида унинг ташаббуси билан 2018 йил май ойида “Ибн Сино ва парhez овқатланиш” мавзусида Республикадаги етакчи Олий таълим муассасалари олимларини жалб қилган ҳолда олиб борилган анжуман бунинг исботидир.

Давлатимиз томонидан Дўсчанов Б. нинг тинимсиз хизматлари, самарали фаолияти муносиб баҳоланган. У қатор фахрий ёрликлар ва 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси “Соғлиқни сақлаш аълочилиги” нишони ва 1986 йилда “Хурмат белгиси” ордени билан тақдирланган. 2002 йилда эса Украина давлатининг машхурлик ва сифат Халқаро Академияси рейтинги мукофоти “Золотая Фортуна”га эга бўлган.

Хурматли Бахтиёр Аллабергенович Сизни Хоразм Маъмун академияси маъмурияти ва илмий жамоаси номидан таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сизга узок умр, илмий, амалий ва шахсий ҳаётингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Кучингизга куч, ёшингизга ёш қўшилиб, олиб бораётган ишларингизни яна узок йиллар давом эттиришингиз ва илмингизнинг маърифат чироғини ҳеч қачон ўчмаслигини тилаб қоламиз.

**И.И. Абдуллаев,
Хоразм Маъмун академияси раиси**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№11(68)
2020 й., ноябрь**

Ўзбекча матн муҳаррири:	Рўзметов Дилшод
Русча матн муҳаррири:	Ҳасанов Шодлик
Инглизча матн муҳаррири:	Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Мусахҳих:	Ўрозбоев Абдулла
Техник муҳаррир:	Артикбаева Гулистан

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 02.11.2020
Босишга рухсат этилди: 16.11.2020.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 29 б.т. Буюртма: №

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 377-51-85
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18